



*Ойлик  
адабий-бадший,  
ижтимоий-сийсий  
журнал*

# Шабак Толғузи

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ОРГАНИ**

---

2 1990

*59-йил чиқиши*

*Бош муҳаррир:*

**Ўткир ҲОШИМОВ**

*Таҳрир хайъати:*

**Неъмат АМИНОВ**

**Саид АҲМАД**

**Салоҳиддин МАМАЖОНОВ**

**Омон МУХТОРОВ**

*(бош муҳаррир ўринбосари)*

**Мурод МУҲАММАД ДЎСТ**

**Умарали НОРМАТОВ**

**Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА**

**Муҳаммад СОЛИҲ**

**Хайриддин СУЛТОНОВ**

**Зоя ТУМАНОВА**

**Туроб ТЎЛА**

**УЙГУН**

**Ўлмас УМАРБЕКОВ**

**Носир ФОЗИЛОВ**


*(масъул котиб)*

**Азиз ҚАЮМОВ**

**Ҳамид ФУЛОМ**

---

**ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ**



Жуманиёз Жабборов

## БИР ИМОРАТДИРКИ ДУНЁ

\* \* \*

Ҳаёт-бу неъматдир, яшамоқ ширин,  
Бу баҳорий қирлар, бу нурли само  
Барчаси сен учун бахшида... аммо  
Қават-қаватида жаҳон яширин.

Қайдандир анқийди йўнғичқа ҳиди  
Ва булбул афғони боғларни тутмиш.  
Нақадар баланддир табиат диди,  
Ким боқди, ҳайратдан ўзни унутмиш.

Худди теран чашма тагида мубҳам  
Асил гавҳарлардек, бир-биридан соз,  
Бир-биридан қизиқ, рангин ва мумтоз  
Талай ҳодисотлар ҳар қатрада жам.

Хаёлга ундайди борлиғим буткул,  
Табиатнинг ўзи сир бениҳоя.  
Қатрадан уйғонар оташин бир гул,  
Заррадан улғаяр қудратли қоя.

Ва лекин баридан сеҳрли ўзинг, —  
Бир лаҳза хаёлга шўнғиган одам.  
Дунёга бахт берар бир яхши сўзинг,  
Бир ёмон сўзингдан — дўзахдир олам.

## Соҳилда

Ҳар кимга бир макон — бир насиба бор,  
Туғилиб, дунёга кўз очгани чоғ.  
Бирин табриклайди чўққида шунқор,  
Бағрига босади осмонўпар тоғ.

Бировга чўл — ватан,  
Бировга шаҳар,  
Кимга денгиз бўйин атар табиат.  
Бировга маскандир олис бир камар,  
Бировга воҳадир бахш этган ният.

Дарё қирғоғидир кимнингдир уйи,  
Урмонлар абадий манзил ким учун.  
Шунга вобастадир у умр бўйи,  
Шунда ажралганда йўқотар кучин.

... Уни кўрар эдим денгиз бўйида,  
Тонг пайти, туш вақти, оқшом чоғи ҳам.  
Не тугёнлар ғужғон фикру ўйида,  
Денгизга айтгани меҳрми, алам?

Ҳайкалдай турар у олис ва олис,  
Шеър айтар ё ювар юрак доғини?  
У мовий мавжларга боқолмас холис,  
Келганми онасин ҳаддан соғиниб?

Тўлқинларга қандоқ бор экан сўзи,  
Маъюс кўзларида филтиллади ёш.  
Балки хайрлашар... сақласин ўзи,  
Дардига шерикми денгиз ё қуёш?

Балки Боқчасарой беҳишти, кўрки  
Ё Мисхор соғинчи юракда оғрир?  
Гўдаклик мероси — хотира юки  
Залворли тоғлардан оғирдир — оғир!

Томир — томирида шу мавж, шу долға,  
Силсила — силсила авлодга мерос.  
Аждод — аждодига мангу қўнолға,  
Манзилдир, маскандир, севгидир, ихлос.

Уни айирдилар... Аҳён — аҳёнда  
Фақат келабилар йиғлаб олгани.  
Юртдан узилмасин ҳечким жаҳонда,  
Тирик ўлганидир юртсиз қолгани.

## Ажаб...

Кўрсам аёлларнинг ўтин ёришин,  
Юк ортиб, ер қазиб — обдан ҳоришин,  
Бола-чақа эплаб, рўзғор тебратиб,  
Яна пахтазорга кириб боришин —  
Бу юртнинг эрлари ўлганми дейман!

Икки тут ўртаси осиди беланчак,  
Гўдак биғиллайди меҳрдан маҳрум.

Кетмон ураётган анов келинчак  
Пахтасини ташлаб чиқолмас бир зум,  
Бу юртнинг эрлари ўлганми дейман!

Кеча аччиқ-тизиқ ўтди ўртада,  
Совуқ бир исноддан нафис қалбда дарз.  
Вужудин кун бўйи алам ўртади,  
Қайси бир фалакка этаолсин арз,  
Бу юртнинг эрлари ўлганми дейман!

Номард ташлаб кетди ёш бола билан,  
Наҳотки интиҳо топди ширин бахт.  
Дунёга сиғмаган бир нола билан,  
Аёл чор атрофга боқаркан карахт,  
Бу юртнинг эрлари ўлганми дейман!

Аёлки, ўзига ўт қўйди ногоҳ —  
Кундуз куёш куйди, кечалари моҳ.  
Бир лаҳза машъалдек унинг ёнмоғи —  
Дунёни балодан этмоқда огоҳ,  
Бу юртнинг эрлари ўлганми дейман!

\* \* \*

Талай ишлар қилдик ўйламай-нетмай,  
Пахта тоғларига тикиб хаёлни.  
Аму билан Сирнинг додин эшитмай,  
Қуритиб қўйибмиз Оролни.

Корхоналар қурдик керак-нокерак,  
Самони забт этди турфа тутунлар.  
Кўтараверибди барини юрак,  
Ўпкага тўлса-да минг хил қукунлар.

Теру чангга ботиб қанча чўл қувдик,  
Зўрлаб олиб чиқдик дарёни қирга.  
Ташнани зор этган бир қултум сувдек,  
Мақсадга чопибмиз югуриб бирга.

Ваъдалар қилинди ўйламай-нетмай,  
Вафолар юзини кўрсатмади ҳеч.  
Бирини бошладик, бириси битмай,  
Ўйланиб ўтирсак бўлади деб кеч.

Кийикдан аритдик чўлу адирни,  
Бемаҳал сарғайди боғда япроқлар.  
Топиб шу ишлардан обрў-қадрни,  
Нишондор бўлишди талай ўртоқлар.

Жангдан сўнг наъравор чимирилмас қош,  
Ўрнига тушмайди қанча қайд этмай.  
Виждон эндигина кўтарганда бош,  
Ўлдириб қўймайлик ўйламай-нетмай.

## Навоий дунёси

Бул кеча кездим Навоийнинг ғазал дунёсида,  
То сахар қолдим тафаккурнинг гўзал дунёсида.

Сарвақдларнинг томошаси кўзимни лол этиб,  
Зулфлар хушбўйининг юрдим асал дунёсида.

Чехралар гул-гул ёниб, гулшанни равшан айламиш,  
Осмон аршида эрдим ё Зуҳал дунёсида.

Ҳар ғазалким, байтида гардун ўзи чаппор урар,  
Истиора, ташбиҳу ҳикмат, масал дунёсида.

Томчида офтоб мисол инсон жаҳони товланур,  
Бунча бўлмас сарбаланд инсон амал дунёсида.

Бир хазоинул маонийким, поёну ҳадди йўк,  
Барча фикру туйғулар мавжуд қамал дунёсида.

Васл бору ҳажр бордир, бахт бору дард бор,  
Чун Навоийдек абад бирлан азал дунёсида.

## Муҳаббат

Муҳаббат — тонг-сахарлар дафтар узра чеккан оҳимдир,  
Агар кўнгил давотим бўлса, кўзёшим сиёҳимдир.

Тушим бирла ҳушимнинг фарқини қилмоқ эмас осон,  
Бирин хушёр чоғимдир, бири Мажнун нигоҳимдир.

Йигитлик фасли қошимдан баногоҳ барқ бўлиб ўтди,  
Ушанда то ҳануз ёр чеҳраси офтобу моҳимдир.

Вужудимда гўзал бир силкиниш қўзғалди ишқ отли,  
Тамоман янги дунё то ўшандан мулку жоҳимдир.

Гўзал ёр суврати буткул хаёлим айламиш ишғол,  
Жамоли гар илоҳамдир, хаёли подшоҳимдир.

Дилимда эзгу мақсудлар, тилимда нозанин куйлар,  
Гўё юлдузли осмон ҳам менинг сўнгсиз сипоҳимдир.

Билолмасман, бу савдодан хабардорму санам ё йўк,  
На шоҳид бўлди бу дунё, на бир осмон гувоҳимдир.

Бу йўлда неки яхши ё ёмон бўлса, барин кўргум,  
Билолмасман, савобим қайдаю қайда гуноҳимдир.

Муҳаббатсиз бу дунёга келиб-кетмоқда маъно йўк,  
У тунлар сўнгида кулган менинг нурли сабоҳимдир.

\*\*    \*\*    \*\*

Сўз ожиз қолганда соз сўзлар эмиш,  
Дилдаги дардингни у бўзлар эмиш.

Гоҳ нафис оҳанг сени мафтун этар,  
Мағзида шаҳло ўшал кўзлар эмиш.

Гоҳ самога элтажак соҳир наво,  
Шўх шалола сенга юлдузлар эмиш.

Қанча дард бор, қанча ишқ бор куй аро,  
Дилга талқин юз эмиш, юзлар эмиш.

Чал, сеҳрдан яйрасин кўнгил уйи,  
Куйга ёт кўнгил уйи музлар эмиш.

Куйда инсоний қувончу дард яшар,  
Мисли кеча бирла кундузлар эмиш.

### Умримиз йўлдан иборат

Умримиз йўлдан иборат, сўнгги йўқ юрган билан,  
Кўзларинг тўймас бу дунё кўркини кўрган билан.

Яъни, аждоддан келиб, авлодга ўтгайдир умр,  
Битмагай умринг, магар беш кун давр сурган билан.


Бахт эрур олам уйига келганинг меҳмон бўлиб,  
Бундан ортиқ бахт насиб бўлмайди оҳ урган билан.

Бир иморатдирки дунё, неча авлод ишласин,  
Битказиб бўлмас биносин қанчалик қурган билан.

Йўлга чиқдингми, топурсан бахтни, йўлдир — имтиҳон,  
Ким муродга етди, айт, бир ерда ўлтирган билан.

Юрганинг-дарёлигинг, ўлтирганинг-бўйролигинг,  
Карвонсан, олға интил, неча ит ҳурган билан.

Боғ ярат, дон эк, ариқ оч, яхшилик қил, дўстгинам,  
Бу ҳаёт саҳнида фарқ эт гулни сен бурган билан.



Маматқул Ҳазратқулов

## Эшиклар очик

Қисса

Муқаддима

Саъдулла атрофга аланглади. Тўрт тараф зулмат, бирор жойдан нинадайгина бўлсин нур тушмайди. У довдираб қолди. «Қаерга бораман? Нима қилман энди?» Сўқир каби бир-бир босиб олдинга юрди. Рўпарасида нимадир кўрингандай бўлди. Тўхтади. Пайпасланган кўйи ўнг оёғини сал сурди. Пастлик эканини билди. Яна туширди. Оёғи ерга тегди. Кейин чап оёғини олди. Яна юрди. Демак, зина экан. «Ажабо, эниш... Ахир мен юқорига чиқмоқчи эдимку. Наҳотки, энди...» У бир зум ўйланиб қолди. Кейин... Кейин пиллапояларни мўлжал килиб аста-секин туша бошлади. Қаловини олгандан сўнг юришни тезлаштирди.

Тахминан ўн беш-йигирма пиллапоя тушгач, тўхтади. Бундай жойда кўзни очиб юриш билан юмиб юришнинг фарқи йўқ. Юраги увишди. Бадани жимирлаб, ҳатто мўйларидан ҳам совуқ тер чиққандай бўлди. Умид билан олдинга тикилди. Тикилди... Кимсасиз саҳрода кечаси юрганмисиз? Икки-уч чақирим узоқликдаги чироқ ҳам юлдуз каби чарақлаб кўринади. Ҳозир худди шундай бир шуъла олисдан кўзга ташланди. «Чироқ? Қаердан кўриняпти у?» Бутун вужудини кўзга айлантириб ўша томонга термилди.

«Зина... қаерга олиб боради. Нарёғида нима бор? Милтираётган нур қаерда?»

Нур кўнглига кўчди. Юзи ҳам ёришди. Иштиёқ ва шавқ билан пиллапоялардан юришда давом этди...

Зарбуви милт-милт қайнаётган шўрвадан қошиққа озгина олиб пуфлаб совутди-да, ичиб кўрди. Таъмидан қаноатланмади шекилли, ўчоқбошидаги тузлуқдан туз олиб сепди.

— Шунақа денг? — Саъдулла ўйчан ҳолда чирс-чирс ёнаётган оловдан нигоҳини узмай ўтирарди. — Қачонакан тўйи?

— Қачонлигини аниқ билмайман. Лекин шундай гап эшитдим. Поччангданам сўрадим, — деди Зарбуви.

— Холматнинг ўзидан сўрамадингизми?

— Биласан, Холмат — поччангга жиян... Йигити тушгур, бир куни ўзи гап очиб қолди. Сал ичганакан, оғзи кўпириб мақтанди: «Янга, Салима билан битта қишлоқдансиз, ўзи шу қанақа қиз?» Юрагим шув этди-ю, ўзимни ҳеч нарса билмаганга олиб, нимага сўраяпсиз, дедим. Унга уйланмоқчиман, деди. Нима қиларимни билмай қолдим. Сўнг жўрттага ўсмоқчиладим. Айтишича, бир йилдан бери хат олиб-хат бераркан. Беш-олтита хат кўрсатди. Кейин расмини, совға қилган рўмолчасини... Шунда сенда ҳам рўмолчаси борлиги эсимга тушди.

Саъдулла жаҳл билан киссасидан бир рўмолча олди ва уни опасига қарата отди. Зарбуви ажабланди, оғринди. Рост-да, Зарбувининг айби нима? Нега унга жаҳл қилади?

Опасининг авзойи ўзгарганини сезиб, Саъдулла хижолат чекди.

— Кечиринг мени, опа. Қизишиб кетипман.

Зарбуви индамади. Утин синдириб ўчоққа ташлади. Олов гуруллаб кетди.

— Менга беринг рўмолчани, — деди Саъдулла ҳам хижолатдан, ҳам оловнинг тафтидан қизариб.

— Нима қиласан?

— Оловга ташлайман... Рўмолчаси ҳам, «сизни яхши кўраман», деб айтган сўзлари ҳам ёниб кетсин. Шаҳарга боргач, хатларини ҳам ёқиб ташлайман. Мен аҳмоқ унинг гапларига ишониб юрибман-а...

У жим бўлиб қолди. Сукунат. Оғир сукунат. Токпилла<sup>1</sup> ўтиннинг чирс-чирс ёниши эшитилади, холос. Зарбуви ҳам миқ этмайди. Нима дейишни, укасини қандай овутишни билмайди. «Айтмаганим тузукмиди... Шунча йўлдан мени кўргани келса-ю, кўнглини хуфтон қилсам... Лекин айтмасам бўлмасди-да. Бари бир эштади. Кўриб-билиб айтмабсиз, деб ўпка-гинани катта қилар эди...»

Саъдулла бошқа опаларига қараганда Зарбувини кўпроқ яхши кўради. Улар болаликдан иноқ: бир-бирини бирпас кўрмаса, тўрвасини йўқотган гадойдай, гангиб қолишарди.

Мақтабни битиргач, Зарбувини қўшни қишлоққа турмушга узатишди. Саъдулла дастлабки вақтлар тез-тез келарди. Кейинчалик, ўз ташвишлари билан бўлиб, оёғини тортди. Тошкентга ўқишга кетгандан кейин эса опаси билан камдан-кам дийдорлашадиган бўлди.

Ҳозир баҳорги таътил. У бир-икки соат уйда ўтирди-да, одатига кўра, укасининг велосипедини миниб, опасиникига келган эди...

— Қўй, Саъдуллажон, кўп куюнма. Ростини айтсам, Салима унча дид-фаросатли эмас. Илгарироқ сездирмоқчи бўлувдим-у, вақти-соати билан тушунтираман, — деб ўйловдим.

— Лекин мен уни яхши кўриб...

— Бўлди-бўлди, — Зарбуви укасининг гапини кесди. Саъдулланинг бўғзидан оғир бир хўрсиниқ узилди. Ҳарчанд ўзини босишга тиришса ҳам эп-лолмади.

— Ҳа, укажон-а, жигар-бағрингдан урган экан-да, — гапни ҳазилга бурди Зарбуви. — Ичингдан чиққан алангага шўрва қайнайди-я!

— Рўмолчани беринг, — деди Саъдулла қатъий. — Уни ёқиб, шу билан ҳаммасини кўнглимдан чиқариб ташлайман.

Зарбуви укасининг жингалак сочларини силади. Юрагини эзаётган аламни тарқатиш ниятида уни опалик меҳри ила эркалаб-суйди.

— Қўй энди, кўп ачинаверма. Йигит деган сал дадил бўлади. Яна суд

<sup>1</sup> Токпилла — ток новдасидан қилинган ўтин.



бўламан дейди-я. Бундай бўшанглик билан одамлар ўртасида қандай ҳакамлик қиласан?

Саъдулла ҳам опасининг гапига яраша жавоб қилди:

— Ёқиб ташлайн — жиноятчига шафқат йўқ, десам қўймаяпсиз-ку, ўзингиз.

— Рўмолчани ёқиб ташлаганинг билан иш битмайди. Бу менда турсин. Сандиқнинг тагига ташлаб қўяман. Бир кун келиб асқотади. Ахир, жиноятчининг жиноятини исботлаш учун далил керак-ку.

«Хўш, сандиққа ташлаб қўйганда нима бўлади? Нимага шундай қилдинг, деб суриштириб юрармиди? Гапни чувалаштиришнинг нима кераги бор?..»

— Ҳа, ўйланиб қолдинг, — деди Зарбуви.

— Жиноятчининг тақдирини ҳал қилиш осон эмас-да. Мактабга бориб болаларга латифа айтиб бериб келишми бу сизга.

Зарбуви институтни сиртдан битириб, мактабда адабиётдан дарс беради. Ҳозир Саъдулла шунга ишора қилаётган эди. Зарбуви ҳам бўш келмади. Аслида у унча-мунчага ҳақини едирадиганлардан эмасди.

— Ҳа-а, тузуксан-ку. Ҳали биз латифагўй бўлиб қолдикми? Вой, ўргилдим, сиздақа юристдан-эй!

Дарвоза ғийқ этиб очилди. Зарбуви югуриб чиқди.

Холматнинг овозини эшитиб, Саъдулланинг эти жимирлаб кетди, қўллари титради. У билан юзлашиш азобини ўйлади. Қандай кўришади? Нима дейди? Балки ҳозир Салиманинг олдидан келаётгандир...

Унинг фикрлари охирига етар-етмас Холмат айвонга чиқди.

— Қани Саъдулла? Келсаям уйдан чиқмайди.

Саъдулла бутун иродасини жамлаб, эс-ҳушини йиғди. Сир бой бермасликка, бор гапдан ўзини беҳабар кўрсатишга интилди. Ошхонадан чиқиб Холматга пешвоз юрди.

— Ана, айтмадимми, янга, қизларга ўхшайсан, десам яна кўнглига олади. Аслида сен юристликка эмас, ошпазликка ўқишинг керак эди.

У қучоқ очди. Саъдулла... Йўқ, Саъдулла ундай қилолмади. Синфдошининг қувноқ чеҳрасига қараб фикридан қайтди. Шунчаки, нописанд кўл узатганини ўзи ҳам сезмай қолди. Аммо Холмат унинг ҳолатига, ҳаракатига эътибор бермади, шартта Саъдулланинг белидан олди. «Бу билан нима демоқчи? Кўриб қўй, мен сендан кучлиман... Ҳар жиҳатдан... демоқчимиз?» Саъдулланинг хаёлидан лоп этиб шу фикр ўтди. «Йўқ, ундай эмас!» У Холматни даст кўтариб, икки марта чир айлантирди. Буни кутмаган Холмат довдираб қолди.

— Ҳой-ҳой, Саъдулла, нима қиляпсан? Айвондан отиб юборма тагин.

Уларни кузатиб турган Зарбуви, уришиб қолишмаса гўрга эди, деб хавотир оларди.

— Қалайсан? — деди Холмат Саъдулланинг елкасига қўлини ташлаб.

— Раҳмат... — Саъдулланинг гапи жуда сунъий чиқди. У кўзларини Холматдан олиб қочар, унга қарашни ҳам истамас, бироқ ноилож, азбаройи синфдошлик ҳурмати ҳол-аҳвол сўрашарди.

— Янга, биров билан уришиб қолганми бу. Қовоғидан намунча қор ёғди? — деди анчадан кейин Холмат ўсмоқчилаб.

— Билмадим, — деди Зарбуви. — Уйга киринглар. Ҳозир овқат пишади.

— Йўқ, раҳмат, мен кетаман. Тоғамда бир ишим бор эди. Кейин келарман. Уйга юр, гурунглашамиз.

— Ишим зарил, — деди Саъдулла.

— Мен кетдим эса, — деди Холмат оғриниш билан. — Янга, тоғамга айтиб кўярсиз келганимни. Ҳа, айтгандай, Саъдулла, каникулда у ёқ-бу ёққа кетиб қолмайсанми?

Саъдулланинг ичи музлади.

— Билмадим... Нимайди?

— Августда тўй қилмоқчимиз, — деди Холмат жилмайиб. — Бошни икки қилмасак бўмаяпти, жўра. Чол-кампир қўймаяпти. Ола хуржун елкага тушай, деб турипти...

— Шундайми? Кимга уйланыпсан? — сўради Саъдулла иложи борича ўзини хотиржам тутишга уриниб.

— Сенга почча бўлмоқчиман. Қишлоқларингдаги Салима бор-ку, шунга.

«Эй, фалак! Бунчалар бешафқатсан! Бу гапларни эшитгандан кўра қулоқларим қар бўлиб қолмайдими?»

Нима десин у?! Жўрасига нима деб жавоб берсин! Уришсинми у билан? Салима менга хат ёзиб юради. Мен билан аҳду паймон қилган, десинми? Синфдошинг юзига оёқ қўяяпсан деса-чи? Ахир унда гуноҳ нима? Салима билан ўртасидаги гаплардан хабари бормикан? Йўқ, мумкин эмас! Агар билса бу йўлга қадам босмас эди...

\* \* \*

Саъдулла опаси билан хайрлашиб, йўлга тушди. Қишлоқ кўчасидан велосипедни шириллатиб борарди. Ҳаммаёқ кўм-кўк. Қир-адирлар, далалар, йўл четидаги узатларгача кўзни қувнатади. Лолақизғалдоқлар қип-қизил гиламдай тўшалган...

Қишлоғига кираверишда, йўлнинг кунгай томонида катта садақайрағоч бор. Шу ердан Саъдулла ўтиб кетолмади. Оёқлари велосипед педалини айлантиришдан тўхтади. Тушди. Атрофга разм солди: ҳеч ким кўринмайди. Қайрағочнинг тангасимон барглари баҳор эпкинида титрайди. У ўзига қадрдон жой — уват тагидаги харсанг тошга ўтирди. Кўйлагининг тугмаларини ечиб, енгил нафас олди.

Бу ерга Салима билан учрашувга неча марта келган. Қоронғи тушдими, тамом, Саъдулла садақайрағочни мўлжалга оларди. Уларга уйдан чиқиш учун яхши баҳона бор эди: ҳар кун оқшом колхоз клубида кино қўйилади. Кинога бориш баҳонасида учрашувга келишарди. Саъдулланинг назарида қайрағоч уларни ҳар доим қучоқ очиб кутиб оларди.

Илтижоли кўзларини қайрағочга қадади. «Қани у? Энди у йўқ! Эҳтимол Холмат билан ҳам шу ерга келгандир. Унга ҳам ширин бўсалар бериб, аҳду паймон қилгандир. Сен шуларни эшитмадингми, эй тилсиз дарахт! Лоақал бир марта сенга ҳам тил битиб, уни уялтирсанг бўларди-ку. Балки унинг бунақа қилиқларини Холмат билмас? Агар сен, эй қайрағоч, бир оғизгина айтганингда, Холмат унинг юзига туфлаб кетармиди...»

Саъдулла унинг нақш олмадек юзидан ўпишни ёқтирарди. Бир куни қизнинг елкасидан аста қучоқлаб ўпмоқчи эди, Салима ўзини олиб қочди. Ойнинг сутдай ёруғида унинг ҳаракатлари, қош-кўзларининг сузилиши аниқ кўриниб турарди. Бу ишваларга Саъдулла чидолмади. Дафъатан Салиманинг лабларига лабларини босди. Севги шаробидан иккови ҳам сархуш эди. Бундай ҳолда нималар бўлмайди дейсиз. Саъдулла ўзини йўқотган, қиз эса уватда беҳол чўзилган. Салима алланечук титрар, ширин-ширин энтикар эди...

Шу маҳал юқори тарафдан кимнингдир «ҳа, бо-о-ош», деб бақиргани эшитилди. Кейин ёнгиналаридан бир сигир лўкиллаб ўтиб кетди. Сигир ортидан Салиманинг Шоди ака деган қўшниси чопиб келарди. Қиз билан йигит ўринларидан тура солишиб, у ёқ-бу ёқларини тўғрилашди-да, ўзларини дарров буталар панасига олишди. Шоди ака кўрдими-йўқми — билишолмади.

Яхшиям ўшанда Шоди ака келиб қолган экан. Акс ҳолда нима бўларди? Яна кимга — ўзининг жўрасига турмушга чиқяпти-я! Даҳшат!..

У велосипедини миниб йўлга тушди.

Ҳозир Салимани кўришни, ҳатто унинг уйи яқинига боришни истамасди. Бироқ велосипедини Салималар ҳовлиси ёнидан ўтадиган йўлга буриб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. «Нима учун бу йўлдан кетяпман? Борди-ю, Салима чиқиб қолса-чи, олдимдан. Ахир мен уни кўришга орзуманд эмасман-ку. Кўриб куйгандан кўра, кўрмай-кўрмай охири унутган маъқулмасми... Хаёлидан шу фикрлар кечар, аммо кўзи бот-бот Салималарнинг уйи томон оғиб кетарди.

Томи оқ тунука билан ёпилган уйга яқинлашганда оёқлари бўшашиб, велосипед педалини яна айлантиролмайд қолди. Нигоҳини бошқа томонга олиб қочмоқча интиларди-ю, кучи етмасди. «Бир жиҳатдан ҳозир кўрсам тузук эди. Гапириб-гапириб аламимдан чиқардим. Эртага кетсам шу кўйи қачон кўраман. Хат-ку, бошқа ёзмайман...» Уй рўпарасида велосипеддан тушди. Эгари тагидаги сумкачасидан калит олиб, велосипедининг у ер-бу ерини тузатган бўлди. Қўли юмушда, кўзи, хаёли эса кимсасиз ҳовлида. «Нима бало, бирини жойга

кўчиб кетишганми? Ҳадемай кеч тушади, пода қайтади — буларникида одам зоти кўринмайди». Узоқ туришни ўзига эп билмади — битта-яримта кўриб қолса ноқулай. «Унинг устига нимага мен уни қутиб туришим керак, — йигитлик ғурури жўш урди. — Кетдим. Кўзимга кўринмагани маъқул. Акс ҳолда жаҳл устида одамнинг оғзидан ҳар бало чиқиб кетиши мумкин».

Велосипедни физиллатиб ҳайдаб кетди. Уттиз-қирқ қадамлар узоқлашгач, орқа томондан «Фарҳод, о Фарҳод» деган таниш овоз қулоғига ўқдай урилди. Саъдулла шарт орқасига ўгирилиб қаради. Англадики, Салима укасини чақираётган эди. Саъдулла гангиди, миясида минг бир фикр чарх урди. Шайтон айтди: «Тўхта, орқангга қайт! Олдига бор, очиқчасига гаплаш!» Виждон айтди: «Уят бўлади! Йигитлик ғурурини оёқости қилма!»

Велосипед елиб борарди.

Эртага йўлга чиқишим керак, деган баҳона билан барвақт ётди. Лекин ухлай олмади. Бундай ҳолатда одамнинг кўзига уйқу илинармиди. Ёнида ётган укаси ҳаш-паш дегунча пишиллаб ухлаб қолди. «Куни бўйи чарчаган. Мактаб, ўқишдан келгандан сўнг ҳовлининг иши. Бу ёғи баҳор — йўғон чўзилиб, ингичка узиладиган пайт». Укасининг пиш-пишини эшитиб ётаркан, шуларни хаёлдан ўтказди. Узи ҳам гоҳ у ёнбошига, гоҳ бу ёнбошига ағдарилади. Турли фикрлар ғужғон ўйнайди миясида. Салимани ўйламай дейди, лекин айланиб кўз олдига унинг қиёфаси гавдаланади. Бундан икки йил олдин қўшни районга пахта теримига чиқишганда бехос рўй берган воқеа ёдига тушди...

Бир куни Саъдулланинг шими сўкилиб кетди. Кечқурун тўққизинчи синфда ўқийдиган синглизси Жамилага берди. Эртаси куни оқшом самовардан чой олаётган эди, синглизининг синфдоши Салима: «Манавини Жамила бериб юборди», деб шимини тутқазди.

Овқатдан сўнг кўпчилик кинога жўнади. Хонада уч-тўрт бола қолди. У шимини кийиб, тикилган жойини тортиб-тортиб кўрди. Чўнтагига қўлини солган эди, бир қоғоз илинди. Нима экан деб олиб очди. «Мен сизни кўпдан бери кузатиб юраман. Аммо кўнглимдагини айтишнинг иложини тополмайман. Ўйлаб-ўйлаб, хат ёзишга қарор қилдим...»

Эти жимирлади. Атрофга алангланганча, дарҳол хатни буклаб чўнтагига солди. Кейин ташқарига отилди. «Қаерда хилват жой бор экан?» У аланг-жаланг қилар, хатни ўқиш учун маъқулроқ жой қидирар эди. Ётоқхона ёнига ўтди. Хайрият, ҳеч ким йўқ экан. «... Зухра Тоҳирни, Лайли Мажнунни кўрмасан туролмайдигандек, мен ҳам сизни кўрмасам бир нарсасини йўқотган одамдай гарангсиз қоламан... — Саъдулланинг қўллари титрар, юраги гуп-гуп урар эди. Хатнинг давомига ҳаяжон билан кўз югуртирди. — Мен сизни севаман!.. Жавобини кутаман. Салима». Саъдулла хатга яна бир кўз югуртирди. Ҳаяжонини босолмас, ўт ичида қолгандек эди. У югуриб ётоқхонага кирди. Ҳозир кўзига ҳеч ким, ҳеч нима кўринмасди. Кинога бормай қолган болалар қарта ўйнашарди. Саъдуллани ҳам чақирди. «Йўқ, ўйнамайман, бошим оғрияпти», дедида, жойини солиб ётди. Хаёлида Салима. Унинг кўзларини, қулишларини, гапиришларини, майда қадам ташлаб юришларини — ҳамма-ҳаммасини бир-бир кўз олдига келтира бошлади. Кўзлари мунча қора, қулишлари-чи? Бошқа қизлар ҳам шунақа чиройли қулармикан? Назарида бутун мактабда, йўқ бутун оламда энг гўзал, энг хушрўй қиз Салима эди...

\* \* \*

Саъдулла у ёнбошидан-бу ёнбошига ағдарилар экан, ўша Салима билан Холматга турмушга чиқаётган ҳозирги Салимани солиштирар, уларда ўзаро яқинлик, ўхшашлик тополмас эди. «Йўқ, бу бошқа Салима! У бошқа, у — менинг Салимам, ёлғиз мени севади...»

Автобус ғира-ширада Тошкентга етиб келди. Саъдулла метрога тушди. Автобусда ҳам, метрода ҳам хаёл уни бир лаҳза тарк этмади. Опасининг гаплари, Холмат билан кечган суҳбат, Салима... «Хўш, нима бўпти? Илк севгисига етолмаган битта менми? Ҳаёт шу экан-да. Нима, унинг оёғига бош уриб ялинишим керакми? Шундай қилсам севги туғилиб қолармиди. Хоҳламаган одамнинг орқасидан соядай эргашиш... Бу йўл билан қурилган оила омонат тикланган уйга ўхшайди. Сал қаттиқроқ шамолгаям дош беролмайди, нурайди...»

«Ҳамза» бекати гавжум эди. Эшиклар очилиб, беш-олти одам кирди. Саъдулла дипломатини тиззасига қўйиб, бир нуқтага термилиб ўтирарди.

— Салом, Саъдулла!..

Йигит чўчиб тушди. Рўпарасида Феруза турарди.

— Салом, — деди Саъдулла беихтиёр. — Бу ёқларда нима қилиб юрибсиз?

Феруза унинг ёнига ўтирди.

— Чилонзорда холам турадилар, шуларникига келувдим. Узингиз қаердан келяпсиз?

— Уйдан, — деди Саъдулла. — Каникулда кетувдим.

Саъдулладаги ҳорғинлик Ферузани ҳайрон қолдирди. Илгари доим қувноқ юрар, ҳазил-ҳузулга ўч эди. Бугун эса... Феруза бунинг боисини сўрамоқни ўйлади. Балки ўзи гап очиб қолар, бир оз сабр қилай-чи, деган хаёл билан индамади.

— Сиз қайси бекатда тушасиз? — яна сўради Феруза.

— «Пахтакор»да. Йигирма саккизинчи автобусга чиқишим керак-да.

— Кечирасиз, Саъдулла, уйдагилар яхши эканми?

— Раҳмат, яхши.

— Негадир кайфиятингиз бошқачароқ.. Тинчликми, ишқилиб?

Саъдулла кулди. Кулгиси ҳам зўрма-зўраки чикди.

— Тинчлик, Феруза, — деди хомушлик билан. — Бир оз чарчадим. Автобус йўлда бузилиб қолди.

Электричка шувиллаб ёп-ёруғ бекатга кириб келди: «Пахтакор» бекати.

— Бўпти, Феруза, — деди Саъдулла ўрнидан туриб. — Мен тушдим.

— Хайр, яхши дам олинг. Эртагача...

«Эшиклар ёпилади. Кейинги бекат — Ленин номидаги майдон».

## III

Чўнтагидан хат чиққандан кейин Саъдулла ҳаловатини йўқотди. Ётганда ҳам, турганда ҳам, пахта тераётганда ҳам шу хат эгасини — Салимани ўйлайди.

Салима!

Унга нима деб хат ёзса экан? Мен ҳам сени севаман, десинми? Бирдан шундай ёзиш мумкинми? Еки биронта жўрасидан сўрайдими? Йўқ, бунақа нарсани бировга айтмаган маъқул. Кейин ҳаммага дoston бўлиб кетади. Салимага ҳам яхши эмас. Ота-онаси, акаларининг қулоғига етса чатоқ. Яхшиси, ўзи ўйлаб кўради, Китобларда ўқиган-ку. Қайси китобда эди? Ҳа, эсига келди: «Ёдгор»да. Саодат Жўрага, Жўра Саодатга хат ёзади. Ана шунга ўхшатиб...

Эрталаб ҳеч кимга билдирмай пахтазорга ручка билан дафтар олиб кетди. Бироз терди-ю, кейин ўзини кунчиқардаги тутзорга урди. Тутзор ичида кўксини пахтасига босиб ётганча хат ёзишга тутинди.

«Салима! Хатингни олдим. Раҳмат...» Бу ёғига нима дейиш керак? «Мен ҳам сени севаман...» Ўйланиб қолди: «Севаманми ўзи? Китобларда ёзишади-ку, фалончи севгилисини кўрганда юраги гуп-гуп уриб кетади, деб. Салиманинг хатини ўқиганимда менинг ҳам юрагим гупиллаб урди-ку». Беихтиёр чўнтагига қўл солди. Ҳалиги хат чиқди. Шу заҳоти юраги гуп-гуп урганини сезди. «Хатига шунчалик, ўзини кўрсам, ёлғиз учратсам нима бўлар экан? Юрагим қинидан чиқиб кетмасайди... Демак, севги дегани шудир-да...» Ўйлаб-ўйлаб хатини давом эттирди: «Мен ҳам сени севаман... Бугун...» Бугунми? Йўқ, бугун эмас,

эртага дейин... «Эртага кечқурун — овқатланиб бўлганингдан сўнг, ариқ ёқасидаги катта тутнинг тагига чиқасанми?.. Саъдулла».

Хатни буклаб киссасига солди. «Энди буни қандай қилиб берсам экан? Синглимга айтсаммикан? Йў-ўқ, битта-яримтаси кўриб қолса расвоси чиқади. Ўзини ёлғиз учратишим керак. У қаерда теряптийкан?»

Пахтазорга оралаб кетди.

Хув нарида — қартанинг охирида қизлар кўринди. Шуларнинг орасида йўқмикан? Бирдан... тўғри келмас. Аста-секин, пахта тергандай бўлиб боради.

У қатордан, бу қатордан бир чаноқдан олиб қизлар томон юрди. Уларга яқинлашганда қизлардан бири гап ташлади:

— Ҳа, партизан! Нимага бир эгатдан термай ёнламасига оралаб юрибсан? Саъдулла сир бой бермади.

— Ҳадеб бир томондан териш одамни ичини қизитиб юборди. Шунинг учун кўндалангига термоқчиман.

Нигоҳи Салимани изларди. Ана, уни топди. Салима қизларнинг нариги томонида, бошини қизил рўмол билан танғиб, эпчиллик билан пахта терарди. У гўё Саъдуллани кўрмас, унинг келганига эътибор ҳам бермасди.

«Нима қилиш лозим? Хатни қандай қилиб бериш керак?» Бу муаммога Саъдулланинг ақли етмас, аламини пахтадан олмоқчидай, жадал терарди.

— Хўш, қизлар, — деди Саъдулла уларга ҳазиллашиб. — Энг кўп терганларинг киму, энг кам терганларинг ким?

— Нима қиласан? — деди ўзи билан ўқийдиган Ҳалима. — Кам терганга ёрдам берармидинг?

— Ў-ҳў, иштаҳанг карнай-ку. Энг кўп терган қиз менга ёрдам берсин, демоқчиман.

— Ҳо-о, мунча яхши, — деди яна Ҳалима. — Сизга ёрдам берайликми? Узлари-чи? Йигит киши қизлардан ёрдам сўрагани уялмайсанми?

Саъдулла бўш келмади.

— Пахта териш қизларнинг иши-да. Бошқа иш бўлса мен ёрдам беришим мумкин эди.

— Ёқмай қолсин! — деди қизлардан яна бири. — Фақат бировдан юлишни биласан.

Ҳамма барабар кулиб юборди. Салима ҳам кулди. Саъдулла зимдан уни кузатарди. Салима унга қарамас, бироқ кўнгил кўзлари Саъдуллани кузатаётгани аниқ эди.

— Жа нима бериб қўювдинг менга? — деди Саъдулла бояги қизга. Кейин у битта чаноқ юлиб, Салима томон йўналди. Салима ҳам қизлардан икки эгат нарига ўтди. Саъдулла ёнлаб бораркан гўё ерга тўкилган пахтани олган каби энгашди-да, букланган қоғозни секингина Салимага отди. Қиз ҳам сезгирлик қилди. Қоғозни пахтага қўшиб олди-да, этагига ташлади. Юзи дув қизарди.

— Шундай қилиб, ёрдам бермайсизларми? Майли бўлмаса, мен кетдим. Ўзим бир кунимни кўрарман.

— Бор-бор, — деди Ҳалима. — Йўлингдан қолма. Агар пахтаг кўпайиб кетса бизга илинарсан.

Саъдулла кула-кула илгарилади.

\* \* \*

Эртаси кучқурун хатда тайин қилинган жой — тут тагига ҳовлиқиб-ҳаяжонланиб келди. Қайдадир чигиртка чириллайди. Шамолда ғўзалар шовуллайди. Ариқ ёқалаб ўсган қамишлар бир-бирига ишқаланиб, ғиш-ғиш этган овоз чиқаради.

Саъдулла аланг-жаланг. Диққати кўпроқ Салима келадиган томонда. Ундан дарак йўқ. «Чиқмасмикан? Кеча оқшом чой олаётганда, бораман, деган маънода бош ирғовди-ку... Балки дугоналаридан айрилиб чиқиши қийин бўлаётгандир. Мендан ҳам сўрашди-ку. Қиз боланинг ёлғиз ўзи чиқиб кетиши осонми?...»

Чап томондаги ёлғизоёқ йўлдан шовур эшитилди. Саъдулла ўша томонга ўгирилди. «Келяпти...» Юраги гупиллаб урди. Лекин, билсаки, бошқа: шу

қишлоқлик бола экан. Қайси куни мактаб стадионида бирга футбол ўйнаган эди. У Саъдуллани кўриб чўчиб тушди.

— Саломалайкум, — деди кейин бақириб.

Саъдулла саломга алик олиш ўрнига уни саволга тутди:

— Нима қилиб юрибсан кеч бўлганда?

— Сигиримизни қидириб юрибман. Подадан кемади, — деди бола.

— Бу ерда сигир нима қилади? — деди Саъдулла энсаси қотиб.

— Узингиз нима қилиб ўтирибсиз бу ерда якка?

«Жуда эзма экан-ку. Сигирини ахтармайдими ундан кўра».

— Узим, шундай айланиб юрипман.

Бола кетди.

Шамол бироз зўрайди. Қамишлар шифиллаши ҳам кучайди. Узоқдан пахтазорнинг нариги бошидан бойўғлининг овози эшитилди. Саъдулланинг ичи музлаб кетди. У бойўғлидан жуда қўрқарди. Умуман, битта ўзи кечаси юришдан чўчийди. Ҳозир ҳам юраги така-пука. «Келмайди шекилли. Кетаман... Йўғ-э, пича кутай, ана, тагин бир шарпа...»

Келувчи икки қадам нарида тўхтади.

— Салима!

Салима аввал йигитга термилди, кейин бирдан юзини ўгирди. Жойида тек қотди.

Саъдулла унга томон юрмоқни, бориб унинг қўлларидан ушламоқни хаёл қилди. Аммо... аммо оёқлари бетондай оғир, уларни кўтаролмас, жойидан қимирлатолмас эди.

— Салима!..

Хитобини Салима эшитдими-йўқми — номаълум. Чамаси ўзига ҳам аниқроқ эшитилмади. «Салима» дея олдими ёки демоқчи бўлдими — билолмайди. Бутун томирларидаги қон бошида тўплангандай эди. Ажабо, туш кўряптими, хаёл суряптими? Тасаввури хиралашган, кўкси темирчи босқонидек гупиллаётганини ҳис этарди, холос.

Қиз ҳам қимир этмайди. Оралари атиги икки қадам, балки ундан ҳам яқин, аммо...

Бу оқшомни Саъдулла қанча кутди. Кеча куни билан орзиқди, тун бўйи мижджа қоқмади. Бугун эса кеч тушгунча роса бўлари бўлди. Тезроқ у билан ёлғиз, юзма-юз учрашмоқ хаёли билан яшади. Энди эса... Мана, энди тилагидаги қиз, интизор кутгани ёнида. Шундай қўл узатса етади. Лекин узатолмайди. Қўллари гўё шол, оёқлари кесак!..

Шаксиз, қиз нигоҳида ҳам бир дилгирлик, бир интиқлик акс этган эди. Ахйри у недандир тамом тоқатсизланди. Қайрилиб йигитга хуморваш бир қараш қилди. Ҳамон ҳайкалдек қотган йигитдан садо чиқавермагандан сўнг у сўқмоқ бўйлаб югуриб кетди.

Ўтлар шитирлашидан йигит ўзига келди. Бақириб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди:

— Салима! Хатингни кутаман...

#### IV

Қишлоқдан қайтгач Саъдулла бир неча кунгача гарангсиб, девонадай бўлиб юрди. Биров гап сўраса «ҳа» ё «йўқ» деб қисқа жавоб беради, холос. Дарсда ҳам жим ўтиради. Илгари ўқитувчиларга савол берар, умуман, аудиторияда борлиги сезилиб турарди. Энди эса у гўё дарсда йўқдай. Буни курсдошларигина эмас, ўқитувчилар ҳам пайқашди.

Фалсафадан доцент Қулматов лекция ўқийди. Жуда хушчақчақ одам — ўзи гапириб ўзи кулади. Студентлар билан тенгқурдай бемалол, очиқ суҳбатлашади. Шу боис студентлар ҳам унга ўзларини яқин оладилар.

Шу ўқитувчи бир куни сўраб қолди.

— Примов, соғлигингиз жойидами?

Саъдулла ҳайрон. Нега бундай деб сўраяпти домла?

— Дарсда борингиз ҳам, йўфингиз ҳам билинмайди. Тўйга келган мулла-

ваччалардай индамай ўтириб, индамай чиқиб кетасиз, — деди Қулматов. — Илгари савол беришга жа ўч эдингиз...

Болаларга қўшилиб Саъдулла ҳам зўрма-зўраки жилмайди.

— Соғлигим яхши, домла, — деди хаста овозда.

— Ишонмайман. Овозингиз базўр чиқяпти.

Дарсдан кейин бир-бир босиб ўй суриб кетаётган эди, ортдан қиз бола туфлиснинг бир маромдаги тақирлаши эшитилди. Кўнгли бир нарсани сезди, лекин ўгирилиб қарамади.

— Саъдулла!.. — Бу Феруза эди. — Қаёққа кетяпсиз?

— Уйга, — деди Саъдулла.

Феруза унинг пинжиги киргудек яқинига келди. Йигитнинг юзига термилди. У ҳам қаради. Ферузанинг нигоҳида теран бир самимият, ҳатто ўзига нисбатан меҳр туйғусини сезди.

— Йўқ демасангиз, кинога борайлик, — деди Феруза.

Саъдулла курсдош қизлар билан кинога кўп тушган. Аммо бирон қиз билан ёлғиз кирмаган. Феруза ҳам доим кўпчиликка эргашиб борган. Бугун эса... Нега бу фикрга келди экан?

— Қўрқмайсизми?

— Кимдан?

— Айтайлик, мендан...

— Йўқ, — деди Феруза, — мен ҳеч кимдан, ҳеч нарсадан қўрқмайман. Сиздан эса бутунлай. — Саъдулла нимадир демоқчи бўлганди, Феруза оғиз очирмади. — Чунки сиз ҳеч қачон бировга ёмонлик истамайсиз.

— Ў-ҳў, жуда мақтаб юбордингиз-ку. Шунчалик зўрлигимни билмас эканман.

— Кулманг, — деди Феруза жиддий қиёфада. — Ҳазиллашаётганим йўқ.

Соат олтида Санъат саройининг олдида учрашадиган бўлишди.

Саъдулла ётоқхонага бориб овқатланар экан, Ферузанинг гапларини ўзича таҳлил қилди: «Мақсади нима? Нега энди ўзи келиб мени кинога таклиф этди?.. Сен ҳам қизиқ одамсан-да, Саъдулла. Хўш, таклиф қилса нима бўпти? Ахир уч йилдан бери бирга ўқийсан. Нега энди буни бошқача талқин қилиш керак? Эҳтимол, қизлар билан кинога тушишни хоҳламас. Балки менинг ҳолатимни тушунгандир, ниманидир сезгандир. Қишлоқдан келаётиб метрода учратганимда, уйдагилар тинчми, деб сўровди. Ҳарҳолда анча ҳушёр, сезгир қиз Феруза».

Йигитчилик-да, хаёли энди бошқа томонга оғди: «Қанча йигитлар орқасидан эргашиб юради, биламан. Пахтадаям нечтаси шилқимлик қилди. Биронтасига ён бермайди. Шартта қайириб ташлайди... Унақа енгилтак қизлардан эмас у... Сени эса ўзи кинога таклиф қиляпти...» Бу фикридан ўзича ғурурланиб қўйди.

Кино бошланишига ярим соат бор эди. Шошилмай иккинчи қаватга кўтарилишди. Музқаймоқ олиб бир чеккага — дераза олдидаги стол теварагига ўтиришди.

— Сиздан бир нарса сўрамоқчиман, — деди Феруза гап очиб.

— Марҳамат, — дея Саъдулла унга тикилди.

— Тўғриси айтинг, нега уйингизга бориб-келганингиздан бери кайфиятингиз яхшимас? Илгарилари қишлоқдан жуда хурсанд қайтар эндингиз.

«Демак, мени кузатиб юрар экан-да». Саъдулла хаёлидан кечган бу фикр-ни қизга билдирмади. Узини хотиржам тутишга уринди.

— Қайси куни метрода ҳам сўровдингиз.

— Эзмалигим учун узр, — деди Феруза.

— Йўқ-йўқ, мен бошқа маънода... — деди Саъдулла ўнғайсизланиб. — Курсдошлардан биронтаси сўрамади-ю, сиз икки марта қизиқдингиз. Биров тақдир сизни лоқайд қолдирмас экан.

— Ахир, биз юрист бўлмоқчимиз-ку!

Иккови ҳам кулди.

— Биласизми, Феруза, айтарли муҳим гап йўқ. Одам бўлгандан кейин ҳар хил ҳолатга, кайфиятга тушиши табиий. Шунинг учун ҳозир бу ҳақда гаплашиб ўтирмасак. Мавриди келса ўзим ҳаммасини айтиб берарман. Аммо сиздан миннатдорман.

— Қўйсангиз-чи. Бирга ўқисак, бир неча йилдан бери бир-биримизни билсак-да, аҳволинг қалай, деб сўраш хаёлимизга келмаса. Одамгарчиликдан-ми шу?..

«Бу қизни тушуниш қийин. Бир қарасанг, баландпарвоз, унча-мунчани менсимайди. Дунёнинг борди-келдиси билан иши йўқ. Бир қарасанг, жуда одамохун, меҳрибон, куюнчак... Бир терининг ичида одамзод бир неча марта семириб, бир неча марта озиши мумкин, деган гапни эшитувдим. Лекин бир неча хил характерда кўриниши мумкинлигидан беҳабар эдим».

— Раҳмат сизга, Феруза.

Сеанс вақти яқинлашди. Бетоқат одамлар ҳозиргина очилган эшик сари ёпирилишди.

Улар ҳам оқимга қўшилиб кетдилар...

Кинодан чиқишганда қоронғи тушган, майдалаб ёмғир ёғарди.

— О-о, зўр-ку! — деди Феруза хурсанд ҳолда. — Пиёда кетамизми? Мен ёмғирда яёв юришни яхши кўраман.

Ёмғир ёғаётганини кўриб Саъдулла, барибир Феруза уйга шошилади, такси-пакси тўхтатиш керакми, деб ўйлаганди. Қизнинг бу гапидан кейин фикридан қайтди.

— Майли, — деди у. — Менга ҳам ёқади пиёда юриш. Фақат устингиз ҳўл бўлиб кетмаса бас. Соябон ҳам олмаган экансиз.

— Ёмғир ёғишини ким билибди дейсиз? Боя қандай иссиқ эди. — У Саъдулланинг тирсагидан ушлаб, пинжигга кирди. — Мана бундай қилиб, сизнинг панангизда кетаман.

Неон чироқлар ёруғида кўчалар шишадек ялтиллади. Феруза туфлисининг миҳ пошнаси бетон саҳнга тақ-туқ этиб урилар, Саъдулла худди бу товушларни санаётгандек, жим борар эди.

Навоий кўчасига чиқиб, Ўрда томон бурилдилар.

— Ёмғир ёққани яхши бўлди, ҳавони тозалайди. Қаранг, қандай маза.

Феруза ёш боладай севинар, ёмғир сувини ичмоқчидек, осмонга қараб оғзини очарди.

— Албатта, — деди Саъдулла. — Ёмғирга нима етсин. Бутун чанг-ғуборларни ювиб кетади.

Анҳорнинг кўпригига борганда устлари бўккан, ҳурпайиб турган сочлари аллақачон пешоналарига чиппа ёпишиб қолган эди. Аммо автобус ёки таксига чиқиш икковининг ҳам хаёлига келмасди...

## V

Ўқишлар тугаб, ёзги имтиҳонлар бошланди. Ҳар куни қайсидир фандан синов бўларди.

Бундай кунларда студентларда уйқу камаяди. У сессиядан бу сессиягача китоб ўқиш, дарс тайёрлаш учун ҳеч ким кунт қилмайди. Ҳа, ҳали вақт бор-ку, деган тушунча билан вақтни ўтказиб юборишади. Сессия бошлангандан сўнг эса ҳаммалари оёғи куйган товукдек типирчилаб қолишади.

Бу «касал»дан Саъдулла ҳам фориг эмас. Аҳволи доим шу: синов ва имтиҳонлар қалашиб келганда қайси фандан тайёрланишни билмай боши қотади.

Эртага имтиҳон эди. Шу сабабли китобга мук тушди, тушгача қимирламай ўқиди, хулосаларини ёзиб борди. Охири, боши оғриб, чарчаб кетди. Китобларни йиғиштириб стол устига ирғитди.

Каравотга чўзилиб китоб ўқиб ётган ҳамхонаси Чори ажабланди.

— Ҳа, жўра, — деди у кулиб. — Нима гап, тинчликми?

— Бош арининг уясидай ғувиллаб кетди. Етар шунча ўқиганимиз. Юринг, бир кўчаларни айланиб, каллани шамоллатиб келамиз. Қолгани кечқурун...

Чори жойидан қимирламади.

— Кўчага чиқсам бўлмайди, жўра.

— Нимага? Бир оз дам олиб қайтамиз.

— Йўқ, — деди Чори. — Кўчага чиқсак уни кўрамыз, бунни кўрамыз, шу билан қолиб кетамиз. Эртага тагин ҳолимизга маймун йиғламасин.

Саъдулла кийина бошлади.



— Бўлмаса, мен кетдим. Сал айланиб келаман...

— Узи сизни кейинги пайтларда тушунмай қоляпман, — деди Чори китобдан бошини кўтармай. — Қандайдир хаёлпарастсиз, ўн гапирса бир гапирмай-сиз. Уйда кам ўтирасиз. Нима бало, бу ерданам биронтасини топдингизми ё? Саъдулла сир бой бермади. Узини хотиржам тутди.

— Билмадим, сизга шундай туюлаётгандир-да... Майли, бир-икки соатда қайтаман, — деб чиқиб кетди.

Феруза уйининг телефон номерини берганига анча бўлди. Аммо Саъдулла бирон марта ҳам кўнғироқ қилмаган. Балки ҳозир... «Уйида бўлса чақираман. Келса бирга кинога тушамиз. Йўқ деса — йўқ-да. Мендан нима кетди».

Урдада автобусдан тушди. Телефон-автоматга кириб рақам терди. Аёл кишининг «Ало» деган овози эшитилди. Саъдулла бир зум гангиб қолди. Унга ча трубкадан яна «ало, эшитаман» деган овоз келди. «Онаси», ўйлади қони қизиб. Сўнг ўзини тутиб олди-да, Ферузани сўради. Бахтига у уйда экан...

— Салом, Феруза, бу мен...

— Танидим. Салом, яшимисиз?

— Раҳмат. Ўзингиз қалайсиз? Кечирасиз, агар вақтингиз бўлса кўчага чиқмайсизми? Бироз айланамиз, балки кинога тушармиз.

— Эртага имтиҳон-ку.

— Ҳа, менам бироз ўқидим. Кейин зерикиб кўчага чиқдим... Ўйлаб-ўйлаб сизга телефон қиляпман. Панорамада яхши кино кетаётган экан.

Феруза бирпас жим қолди.

— Консултация дедингизми? Соат неччида экан?

Саволлар Саъдуллани ҳайратга солди. «Консултация? Тавба!»

— Соат иккида? Кеча айтишмовди-ку...

Қиз ниятини Саъдулла энди тушунди. Бироқ ўзи қаердан кўнғироқ қилаётганини айтмади-ку. Қиз бечора онасининг олдида сўролмапти.

— Мен Урдадаман, — деди овозини сал пасайтириб. — Бекатда кутаман.

— Албатта бораман. Яна эрта имтиҳонда ўқитувчи консултацияга келмадинг, деб бошни қотирмасин. Телефон қилганингиз учун раҳмат.

Саъдулла телефон дастагини жойига илди-да, қониқиш билан будкадан чиқди. Нечундир кулгиси қистар, оёқ олишлари энгил эди. Ҳамма нарса гўзал, яхши кўринар, куннинг иссиғи ҳам билинмасди.

«Қанча вақтда келар экан? Уйи яқин-ку, дарров келса керак...» Соатига қаради: бир ярим. Иккигача келади. Бекатга борди. Утирди. Урнидан турди. Дорихона томон юрди, орқасига қайтди. Аксига олиб газета дўкончаси ҳам ёпиқ эди. Очиқ бўлса биронта газетами-журналми олиб эрмак қиларди. Соатга қаради. Бунча имиллайди-я? Энди ўн минут ўтибди. Утган автобус-троллейбусларни бетоқат санай бошлади. Навбатдаги троллейбуснинг олдинги эшиги шундоққина рўпарасига тўғри келди ва у шарақлаб очилиши билан Феруза тушди.

Ферузанинг устида юпқа шифон кўйлак, оёғида қимматбаҳо бежирим сандал. Елкасига тушган қоп-қора қалин сочи ўзига ярашар, бўялган қошқўзлари алланечук сирли-ишвали эди. Феруза пардоз-андозни жойига қўяр, шу боис ғашни келтирмас, аксинча ҳавасланиб, суқ билан боқишга мажбур этарди.

— Хўш, — деди Феруза кулиб, — консултация қаерда экан? Панорамадами? Қайси мамлакат фанидан бўларкан? Ҳиндистонми ёки Италия?

— Борайлик-чи, биламиз-да, — унинг ҳазилига ҳазил билан жавоб берди Саъдулла. — Қайси мамлакат фанидан бўлсаям кўраверайлик, зарар қилмас. Менимча, консултацияга киришдан аввал музқаймоқ ейиш керак. Кун жуда иссиқ, одам чанқаб кетяпти.

— Уша ерда бордир...

Санъат саройи томон юришди.

— Ҳазил-ҳазил-ку, аммо эртага нима қиламиз? — деди Феруза. — Мен ҳали тузукроқ ўқиб чиқолмадим. Тайёргарликнинг мазаси йўқ. Сиз-чи?

— Бир гап бўлар. Шунча вақтдан бери топшириб келаяпмиз-ку. Кинодан чиққандан кейин қолганини ўқиб олармиз. Хоҳласангиз биргаликда тайёрлаймиз.

Феруза ялт этиб қаради:

— Нималар деяпсиз? Кеч қолсам ойим ўлдирадилар. Олти-еттиларгача келаман, деганман.

— Консултация чўзилиб кетди, дейсиз.

Иккови ҳам кулди.

— Йўқ, — деди Феруза. — Ёлғон ҳам эви билан-да. Ойим ҳечам ишонмайдилар.

Кино детектив экан, бажонидил томоша қилишди.

Ферузани кузатиб қўйиб, ётоқхонага қайтганида соат саккизга яқинлашиб қолганди.

Чори ҳамон каравотга чўзилганча сабоқ билан машғул...

— Жуда қаттиқ киришибсиз-ку, — деди Саъдулла. — Шу ётганча ҳалиям турмадингизми? Эртага бешни қотираркансиз-да.

— Ўзлари бир-икки соатда келаман, деб кетувдилар.

— Кўчага чиққандан кейин, биласиз-ку.

— Нима девдим... Хат келди сизга...

Саъдулла столдан хатни олди. Кимдан бўлса, деган ўйда унга кўз югуртирди. Холматдан экан. Юраги шиғиллаб кетди.

«Салом, Саъдулла жўра!

Ўқишларинг қалай? Тошкент жононларига тўйиб юрибсанми?

Жўра, биласан, тўйни августга мўлжаллаган эдик. Лекин баъзи сабабларга кўра тезлаштиришга тўғри келиб қолди. Унинг июль куни оқшом тўй. Тўртбешта жўраларингни олиб кел...»

Хат давомини ўқиёлмади. Бўшашиб каравотга ўтирди. Унинг ранг-рўйини кўриб Чори ҳайрон бўлди, ҳатто кўрқиб кетди.

— Тинчликми, Саъдулла? Ота-энангиз соғ-омонмикан?

— Тинчлик... — деди Саъдулла базўр.

Хат сирғалиб қўлидан тушди. Чори уни олиб ўқиди. Лекин ҳеч нарсага тушунмади.

— Жўрангиз тўйга таклиф қипти.

Саъдулла портлади.

— Бас!

Улар уч йилдан бери бир хонада яшайди. Ҳеч қачон сан-манга боришмаган. Саъдулла жуда вазмин, босиқ, кечиримли характери билан Чорига маъқул эди. Кўпинча унга ҳаваси келар, ҳар қандай шароитда ўзингизни тия оласиз, деб унинг иродасига тан берарди. Ҳозир эса... Демак, жиддий бир гап бор. Шу сабаб Чори унинг бақирганидан ранжимади. Хатни столга қўйди-да, аста каравотига ўтирди. Саъдулла кафтларини юзига босди. Аъзойи бадани титрарди. Худди совуқда жунжиккан одамга ўхшарди. Чори таскин беришни, уни овутишни ўйлар, аммо бунга ожиз эди. Бинобарин, гап нимада эканлиги унга мутлақо қоронғи.

Саъдулла маст одамдай гандираклаб ўрнидан турди. Ниманидир қидирди. Чори сўрамоқчи бўлди, бироқ ботинолмади. Саъдулла хатни майда-майда қилиб йиртиб ташлади.

— Чори! — деди кейин дўстига қараб. — Арақ йўқми? Ичгим келяпти. Ичим ёниб кетяпти.

Чори унинг елкасидан қучди.

— Саъдулла, ўзингизни босинг. Ҳаммаси ўтиб кетади. Ўзингизни қўлга олинг. Мен сизни таниёлмай қолдим.

— Қандай қилиб чидаш мумкин ахир бунга?! Озгина арақ топсангиз-чи...

Бундай ҳолда ичкилик одамни тамом ғуссага кўмади. Буни Чори билади. Шунинг учун ҳозир, нима бўлганда ҳам, Саъдуллани фикридан қайтариш, совутиш керак.

— Шу сабилдан топамиз, майли. Лекин нима гап ўзи? Сал тушунтирсангиз-чи, ахир!

— Чори! Дўстим, Салима...

У тутилди, томоғига нимадир тиқилди.

«Салима... Салима бунинг яхши кўрган қизи. Иккови бир-бирига хат ёзишади. Суратини ҳам кўрсатган менга. Қишлоққа ҳар гал борганида у билан учрашади. Келиб, менга оғзидан мой томиб гапириб беради... Нима бўлди

экан унга? Демак, у бошқа бировга турмушга чиқяп. и чоғи. Шу хат ёзган йигит шунга уйланыптимикан?..»

Ана шу мулоҳазаларни дилидан кечираркан, Чори юрак ютиб деди:

— Нима, Салима?..

— Ҳа, Салима, Салима ўлди!.. Ўлди!!

— Ўлди?!

— Ўлди! Йўқ, кошки эди ўлса, кошки эди...

«Ҳаммаси тушунарли. Ўзим ўйлаганим — Салима манови хатни ёзган йигитга турмушга чиқяпти. Бечора Саъдулла, оғзидан Салима тушмасди-я.. Нега бундай бўлди экан? Хатга қараганда, Холмат билан жўрага ўхшайди. Дунёни тушуниш қийин, одам боласининг ақли етмайдиган ишлар кўп бу оламда...»

— Ўзингизни босинг, Саъдулла, — деди Чори. — Ҳаммаси ўтиб кетади. Кўп куюнманг, бунақада соғлигингизни йўқотасиз...

Ўша куни ярим тунгача иккови гаплашиб ётди. Э-ҳэ, нималар, кимлар ҳақида суҳбат кетмади.

Чори охири мақсадга ўтди.

— Ҳўш, ҳаммаси майли, аммо Салима бундай қилишининг сабаби нима? Сизни яхши кўрса, сиз уни яхши кўрсангиз...

Саъдулла ўйланиб қолди.

— Аниқ сабабини билмайман, — деди ниҳоят. — Ҳар кимнинг қўнгли...

— Ҳарҳолда бирон-бир сабаби бордир ахир?

— Биласиз, мен уч йилдан бери Тошкентдаман, онда-сонда бир бора-ман... У билан ҳам кам учрашамиз, фақат хат ёзишамиз... Холмат ўша ерда... Ундан кейин, мен оддий бир колхозчининг ўғлиман, Холматнинг отаси раис...

— Шундай демайсизми?.. Гап бу ёқда экан-да.

Оғир сукунат чўкди. Иккови икки каравотда жим ётибди.

Ташқарида шамол эди. Нимадир тарақлаб кетди. Бир оздан сўнг дераза тикир-тиқир этди.

Чори ётган жойида деразага ўгирилиб қаради:

— Ёмғирми? Ие, ёмғир ёғяпти. Шу пайтдаям ёмғир ёғадими?..

Саъдулла индамади. Назарида, дунёнинг баъзи ишларига осмон ҳам чидай олмай дод солар, кўз ёши тўкарди...

Ёмғир тезлашди...

## VI

Кечки пайт экан. Саъдулла қишлоқ устидан ўтадиган йўлдан қаёққадир бораётган эмиш. Бир маҳал олдинда катта дарахт кўринипти. Саъдулла қараса, Салима билан соясида учрашадигани — садақайрағоч эмиш. «Ие, бу қайрағоч бошқа жойда эди-ку, қандай қилиб бу ерга келиб қолди?» Ҳали ўйи охирига етмасдан қайрағоч тилга кирипти: «Қанча вақтдан бери сени пойлайман. Ҳеч дарагинг йўқ. Эсингдами, ҳув бирда келиб мендан ўпка қилиб кетдинг. Айт, менинг гуноҳим нима? Мендан нега ранжийсан?.. Мендан хафа бўлма, болам...»

Саъдулла ҳайратдан ёқа ушлабди. Э, тавба, дарахт ҳам гапирар экан-да. «Мана, тили-забонинг бор экан-ку, айтгин эди ўшанга», дебди куюниб. Шу маҳал рўпарасида — дарахт ўрнида бир қиз жонланипти: сочлари ёйилган, этаклари кенг, оёқлари узун-узуну қўллари калта-калта эмиш. Саъдулла чўчиб кетипти. Қиз эса қовоқ солиб бундай дебди: «Мана, хатларинг ол, ўзингга сийлов». У бир тўда қоғозни осмонга сочиб юборибди. Кейин орқасига қарамай қочибди, қочибди. Қоронғилик бағрига сингиб кетибди. Саъдулла унинг орқасидан югурмоқчи бўпти, аммо оёқларини кўтаролмас эмиш. Бақирмоқчи бўпти, аммо овози чиқмасмиш. Бир маҳал ичкаридан, зулмат қўйнидан қичқир-қичқир эшитилибди: «Саъдулла ака-а-а... Қаердаси-из?...» Саъдулла ҳам беихтиёр бақириб юборипти: «Мана мен, бу ердаман-ан!..»

Саъдулла ўз овозидан чўчиб уйғонди. Юраги гуп-гуп урарди. Бошини сал баландроқ қўйиб ётди-да, ўзини босиб олишга, ҳозиргина кўрган тушини эсламасликка уринди. Столда турган соатни олиб дераза ёруғига солди: ўн минути кам беш. Чори маза қилиб ухлаяпти. Саъдулла яна хаёлини чалғитишга,

бошқа нарсаларни ўйлашга интилди. Аммо ўйи айлана-айлана Салимага келиб тақалаверди.

Кечагидек эсида, Саъдулла мандатдан ўтиб қишлоққа борган кунлар эди. Қувончи ичига сиғмайди. Яна уч-тўрт кундан кейин Тошкентга — ўқишга қайтиб кетиши керак. У укасининг велосипедини миниб қўшни қишлоқдаги жўрасининг олдига йўл олди. Йўлни қисқартириш ниятида маккажўхоризор орасидан ўтадиган ёлғизоёқ йўлдан ҳайдади. Шу пайт кимнингдир «Ассалом» деган овозини эшитди. У велосипед тормозини босди. Сўнг атрофга аланглади. Беш-олти қадам нарида, маккажўхори соясида Салима ўтирарди. Саъдулла велосипедини етаклаб ўша томонга шошилди.

— Нима қилиб юрибсан? — деди Саъдулла дабдурустандан.

— Ҳув, анави жўякда молларимиз бойловда эди, шуларни суғориб, сояга олиб келяпман. Ўзингиз қаерга кетяпсиз? — Худди тандирда нон ёпаётгандек унинг юзлари қизариб кетган эди. — Табриклайман, ўқишга кирабсиз.

— Раҳмат... Бешқўрғонга боряпман, бировда ишим бор эди. — Саъдулла тиззалари оғриб ўрнидан турди. — Менга қара, юр, ичкарироққа кирайлик, бир оз гаплашамиз.

— Қўйсангиз-чи. Шу ерда гаплашаверамиз.

Саъдулла қизнинг қўлидан ушлади.

— Тура қол, бу ер ҳам иссиқ, ҳам битта-яримта кўриб қолса гапни кўпайтиради. Бемалол гаплашамиз, сени соғинганман.

— Алдайсиз, — деди Салима қўзғалиб. — Ҳеч соғинганга ўхшамайсиз. Тошкентда чиройли қизлар кўпдир...

Ўртада сал очикроқ жой бор экан, ўша ерда тўхташди. Саъдулла киссасидан рўмолчасини олиб пуштага солди-да, оёқларини жўяк ичига узатиб ўтирди. Салима унинг ёнидан жой олди.

Маккажўхори барглари майин шабадада аста-секин ёшиллади. Эътибор бериб қулоқ солса худди нола қилаётганга ўхшайди. Шундайгина тепаларида сўфитўрғайнинг «чиев-чиев»лагани эшитилди. Беихтиёр осмонга қарашди. Лекин сўфитўрғай кўринмади.

Шу бир баҳона бўлиб, Салима тилга кирди.

— Қачон кетасиз Тошкентга?

— Ўттиз биринчида, — деди Саъдулла.

— Шу билан қачон келасиз?

— Тез-тез келиб тураман.

Саъдулла қизнинг елкасига қўлини ташлади, у қаршилиқ билдирмади.

— У ерда ҳар хил хушрўй қизларни кўриб, биз — қишлоқиларни эсдан чиқариб юборарсиз? — деди Салима.

Кўзлар бир-бирига яқинлашгани сари юрак уришлари тезлашди. Ҳозиргина йўл ёқасида бемалол гаплашаётган эдилар, энди бу ерда — ҳеч ким халақит бермайдиган жойда очилиб суҳбатлашиш қийин кечмоқда.

— Нималар деяпсан!.. — Саъдулланинг овози титради. — Мен сени ҳеч кимга алмаштирмайман. Сени яхши кўраман, жудаям яхши кўраман!

— Ростми? — деди Салима ноз билан ўзини орқага оларкан.

— Истасанг қасам ичаман... Сен-чи? Мени кутасанми?

— Бўлмасам-чи. Ҳали беш йил экан-ку, ўн йил бўлсам кутаман. Мен сизни...

Қиз гапини охирига етказолмади. Саъдулла унинг лабларига лабларини босди...

Қаттиқ-қаттиқ йўталиб Чори уйғонди. Саъдулла ўзини ухлаганга олиб ётди. Чори соатига қаради-да, ирғиб турди.

— Саъдулла, о Саъдулла, турунг, жўра, кеч бўп кетипти-ку. Тезроқ чойпой ичиб борайлик.

Бугун охириги имтиҳон. Имтиҳон олувчи домла шундай инжиқ, шундай миждовки, бутун факультетни жондан тўйдиряётган. Турдиев деса ҳамма безиллайди. Шунинг учун Чори ҳам безовта. Гўё эртароқ борса беш қўяди-гандай. Ҳеч қачон бундай бўлмайди. Лекин, ҳарҳолда, Чори шу ўқитувчига номаъқул иш қилиб қўйишдан чўчийди. Ким билади, имтиҳондан олдин ким келди, ким келмади, деб суриштириб кўрадими. Юқори курсдагилардан бир-

икки марта шундай қилган экан. Йўқлаган пайтида бўлмаган студентни имтихонга киритмапти...

Чори ювиниб келди-да, апил-тапил кийина бошлади. Саъдулла шипга термилиб ётарди.

— Ҳа, ётишингиз бемалол, — деди Чори кулумсираб. — Нима Турдиевнинг ўзи келиб қўйиб берадимиз сизга?

Саъдулла индамади. Хаёли ҳамон қишлоқда. Бугун тўй. Салиманинг тўйи, Холматнинг тўйи! Бир томондан, боши тегирмонтошидай оғир. Бир ой ухламаган одамга ўхшайди. Нуқул ғувиллайди. Бу аҳволда имтихон топшириб бўлади-ми? Яна кимга, Турдиевга! Шармандаси чиқиб қайтгандан кўра бормай қўя қолгани маъқул эмасми? Бошқа кун йўлланма олиб боради. Касал эдим, дейди. Аммо Турдиев унча-мунча гапга ишониши қийин. Бир студент имтихонга келмапти-да, беш-олти кундан кейин Турдиевнинг олдига кирибди. «Нега вақтида келмадинг?» деса, «Отам қазо қилиб қолди, шунга кетувдим», депти бояги йигит йиғидан ўзини базўр тийиб. «Справканг борми отанг ўлгани тўғрисида?» депти домла. Студент доврираб қопти. Отамнинг ўлгани тўғрисида справка кераклигини билсам олиб келардим, деб ўйлапти бечора. Бу гап бутун университетга тарқаб кетган. Шундан бери қайси студент уйдан хабар олиб қайтса ҳазил тайёр: «Справка олиб келдингми?»

Охири Саъдулла имтихонга боришга қарор қилди. «Нима бўлса бўлар, таваккал. Яхшилаб совуқ сувда ювиниб, аччиқ кўк чой ичсам сал енгил тортарман. Бориб кўрай, ўтсам ўтиб кетарман, ўтолмасам, кейин бир гап бўлар».

На совуқ душ, на аччиқ кўк чой фойда берди. Ланжлиги тарқамади, бошининг лўқиллаб оғриши босилмади, кеча араққа бўккан одамниқига ўхшаш карахтлиги аримади. Энг ёмони, хаёлини бир зум ҳам чалғитолмади. Миясини дарс, имтихон эмас, қишлоқ, тўй, Салима, Холмат банд этди. Имтихонга қандай киргани, Турдиев нима дегани, нечанчи билет тушгани — ҳеч нарса ёдида йўқ. Савдойи одамдай кирди, саволларга пойинтар-сойинтар жавоб берди. Турдиев баҳо қўйдими-йўқми — қизиқмади. Синов дафтарчасини чўнтагига солиб ётоқхонага йўл олди.

Ётоққа келиб ечинмай ўзини каравотга ташлади. Аммо узоқ ётолмади. У ўзини қаерга қўйишни билмас, ҳеч ерга сиғмасди. Вақт ўтгани, кеч бўлавергани сари кўнгли баттар ғашланар, асаби қўзиб, юраги қинидан чиққудай гупиллаб урарди.

Соат олтиларда Чори келди. Унинг кайфи чоғ, кўринишидан аъло баҳо олгани маълум эди. Саъдулла унинг одатини билади: фақат беш олгандагина шунақа шодланади, оғзини юмолмай тиржайиб юради.

Чори хонага шахдам кирди-ю, чўнтагидан синов дафтарчасини олиб, дераза тоқчасига улоқтирди.

— Ҳа, Саъдулла, неччи бўлди?

Саъдулла индамаганидан, расво, деган маънода қўл силтаб қўйганидан Чори ҳаммасини тушунди. Кейин Саъдуллага далда бериш пайига тушди.

— Чори, гапни калта қилинг, — деди Саъдулла ғашланиб. — Сиздан илтимос, мана пул, бориб яримта опкелинг. — У киссасидан ўн сўм чиқариб ташлади.

Чори аввал тихирлик билан оёқ тиради, яримтага бало борми, деб ўзича маслаҳат берган бўлди. Бемаврид маслаҳатдан Саъдулла баттар тутатди, сўнг ялиниш оҳангида яна илтимос қилди. Ахийри Чори ён берди, ярим соатлардан кейин бир шиша арақ, иккита минерал сув, пиширилган тухум, тўртта қовурилган котлет, бир килоча бодринг кўтариб келди. Саъдулла ҳамон ўша алпозда чўзилиб ётарди. Қуёш рўпарадаги ётоқхона биноси орқасига беркинган, унинг нурлари тобора сўниб борарди.

Саъдулла Чорининг ечинишини ҳам кутмай шишани апил-тапил очди-да, иккита стаканга яримлатиб-яримлатиб қўйди.

— Қани, олинг, Чори, бу дунёда бевафоларнинг йўқ бўлиши учун ичайлик!

У шартта кўтарди. Чори ярмини ичди. Минерал сувдан ҳўпларкан, Саъдулла чекаётган ғусса сабабини тушуна бошлади. Қайси кунги хат эсига тушди.

— Овқатдан олинг, Саъдулла, — деди у вазминлик билан. Энди Чорида бояги кайфият йўқ эди. У ҳамхонасининг дили хуфтонлиги боисини англагани сари унга ачинар, аммо нима деб таскин беришни билмасди.

Саъдулла яна қуйди. У стаканни қўлига оларкан, Чорига термилди.

— Чори, жўражон, бугун тўй... Ҳозир бошланади. Ҳадемай уни ёр-ёр айтиб келиб олиб кетишади. Энди у йўқ! Салима йўқ!.. — Унинг киприклари намланди. — Бахтли бўл, Салима! Сенинг бахтинг учун ичаман!..

У гўё Чорини унутганди. Ўзи билан ўзи гаплашарди. Бир зарб билан ичиб юборди арақни. Стаканни тарс эткизиб столга урди. Стакан чил-чил синди. Яхшики қўлини кесмади.

— Саъдулла, ўзингизни тутинг... Бирон нарса енг. Бунақада касал бўл қоласиз.

Саъдулла ўзини тиёлмади, бутун иродасини, куч-қувватини ишга солди, аммо эплотмади — йиғлаб юборди. — Қуйинг... — деди.

Чори бошқа стакан олиб арақ қуйди. Саъдулланинг ёнига ўтди, елкасига қўлини қўйди:

— Жон жўра, ўзингизни босинг. Тегса тегипти-да, намунча эзилмасангиз. Қизнинг уруғига ўт тушиптими?

Саъдулла арақни ичиб юборди.

— Чори, жўражон, ахир қани ваъда?! Беш йил эмас, ўн йил бўлсаям кутаман сизни, деганди, қани лафз?! Яна келиб-келиб кимга — ўзимнинг жўрамга!

Соат ўн иккиларда Саъдулла сал тинчиди. Чарчади шекилли, охири ухлаб қолди.

Бир маҳал оғзи қуруқшаб уйғонди. Боши — қовоқ. Танаси — зилдек. Чорига қаради: ўйлаб ётипти. Аста ўрнидан турди. Ҳовлига чиқиб, водопроводда юзини ювди, оғзини, томоғини чайди. Икки ҳовуч сув ичди. Сал энгил тортди. Изига қайтганда Чори соқол олаётган эди. У совунни кўпиртирар экан, Саъдуллага қараб илжайди:

— Қалайсиз? Бош оғримаяптими?

— Йўқ, — деди Саъдулла астагина. — Ўзингиз қалайсиз?

— Яхши. — У чап қўли билан юзини таранглаштириб, соқолини қиртишлар экан, — кўчага чиқамизми? — деди.

— Хушим йўқроқ...

— Ётиб олиб хаёл сураверган билан иш битмайди, — Чори гапира туриб, соқол оладиган ускуналарни йиғиштирарди. — Кўча-пўчада айланиб хаёлни чалғитиш керак. Йигит деган сал ўзини қўлга ола билиши лозим. Бу аҳволда қандай юрист бўласиз?

— Нима, юристларнинг қалби йўқми?

— Қалби бор, бўлишиям керак. Аммо ирода-чи? Иродасиз одамнинг қалби ҳам ўзига яраша бўлади.

Саъдулла индамади. Чори дўстининг аҳволини тушунди, ўзи куйиб-пишиб айтаётган гаплар унинг қулоғига бир кириб, бир кирмаётганини ҳам билди. «Мен нима дейману, қўбuzим нима дейди» бўляпти-ку бу ёғи, деб ўйлади. Шу боис бошқа тиқилинч қилмади. Шошилмай кийинди-да, қандайдир иши борлигини айтиб чиқиб кетди.

Нонуштадан кейин Саъдулла ўйланиб қолди. Нима қилсин? Университетга борсинми, Турдиев билан гаплашиб кўрсинми? Лекин у кўнармиди, бир нарсага тушунармиди. Майли, нима бўлсаям бугун бормайди. Бир оз ўқийди, дам олади. Эртага бориб кўринади. Олса олар, олмаса кузда топширади-да. Шу битта имтиҳон билан осмон узилиб тушмас!

Икки-уч бет ўқишди, аммо миясига ҳеч нарса кирмади. Кўзи ҳарфларни кўради-ю, хаёли бошқа ёқда. У китобни ёпди. Пича хомушланиб ўтиргандан сўнг Индонезия ёзувчиси Марах Руслининг «Севги фожиаси» романини беихтиёр қўлга олди. Бу асарни илгари ўқиган, жуда ёқтириб қолганди. Шундан бери уни тез-тез варақлаб туради. Ҳозир у қайсидир саҳифадаги дуч келган сатрларини ўқий бошлади: « — Сизнинг фикру дардингиз шу экан-да, — деди Сутан Маҳмуд ўз ғазабини яширмай. — Қиз насл-насабли, бообрў оиладан бўлса бас, сурштирмай-нетмай унга уйланаверса бўлади, шундайми? Мен бўлак фикрдаман. Ўзим севсам, у ҳам мени севса, ҳар қанақа қизга уйланишим мумкин. Унинг насл-насаби қанақа, ўзи чиройлими-йўқми, бойми, камбағалми, менга барибир...»

Эшик тақиллади. Фикри бўлинди. «Кираверинг, эшик очик», дея ғудранди. Ё тавба, ҳушими, тушими, остонада Феруза пайдо бўлди.

Саъдулла гангиб қолди. Очиғи, ҳозир ҳаммани кутиши мумкин эди, аммо Ферузани сира кутмаганди. Бунинг устига Саъдулла қайси ётоқда, қайси хонада туришини у қаёқдан билди экан?

— Бевовта қилдим, узр, — деди Феруза.

Саъдулла унга курси қўйиб берди.

— Утиринг, келинг... Нега бевовта бўламан. — У стол устини йиғиштира бошлади. — Кечирасиз, ҳаммаёқ тўзиган.

— Ҳечқиси йўқ, — Феруза курсига омонатгина ўтирди. У нимадир демоқчи, бироқ чамаси гапни нимадан бошлашни билмай қийналарди.

Саъдулла баттар гангиб турарди.

— Мен чой қўйиб келай, — деди охири ўзини сал босиб олгач.

— Йўқ-йўқ, — деди Феруза шошиб. — Мен ҳозир кетаман. Сиздан бир хабар олай, деб кирувдим... Шу ётоқхонада бир ўртоғим туради, шунинг олди-га келувдим... Кеча нима бўлди сизга? Имтиҳонга борсам, йўқ экансиз. Бирга кирамизми, деб ўйловдим. Суриштирсам, кетиб қопсиз. Йиқилганингизга ҳеч кимнинг ишонгиси келмайди.

— Шундай бўп қолди...

Баравар сукут сақлашди. Саъдулланинг билагига пашша қўнди. Шундагина у майкачан эканлигини англади. Хижолат тортди. «Кечирасиз» деди-да, каравотга осиеғлиқ турган кўйлагини олиб кийди.

— Умуман, тинчликми ўзи, Саъдулла? — деди Феруза. — Негадир, кейинги пайтларда жуда паришонхотирсиз.

— Унчамасдир, — кулди Саъдулла. — Яхши келдингиз, зерикиб ўтирувдим, чиқиб бир кино кўрсак...

Таклиф Ферузага маъқул тушди. Бироқ ҳамма қизлар қатори у ҳам ўз майлини дарҳол ошкор этишни истамасди. Йигит олди-га тушиб жўнай қолмади, ичида рози бўлса-да, жўрттага гапни бошқа томонга бурди.

— Энди қачон топширасиз имтиҳонни?

— Билмадим, — деди Саъдулла. — Эртага учрашаман, ҳали топса бўлар Турдиевни?

— Албатта бўлади. Тўртинчи курсдаям имтиҳони бор шекилли?

— Чиқамизми?

Бу гал Саъдулланинг гапи анча дадил эди.

Феруза елка қисди-да, кулди.

— Сиз пастга тушаверинг, мен ҳозир етиб оламан, — деди Саъдулла. Феруза чиқиши билан апил-тапил кийина бошлади.

## VII

Илгари Саъдулла қишлоққа тез-тез борарди. Кейинги пайтларда камдан-кам кўринадиган бўлиб қолди. Келганда ҳам ота-онаси, ака-укаларию опаларини кўради-да, дарс кўп, тезроқ боришим керак, деб жўнаб қолади. Бу гал ҳам шунақа баҳоналарни рўкач қилди, ҳали қорасини кўрсатганига икки кун бўлмасдан йўлга отлана бошлади.

— Мунча шошмасанг, — деди Зарбуви. — Борасан-да, шу Тошкенингга. Пахтадан кейин беш-олти кун жавоб бергандир ахир. Бизардикига бормадингам, илгари бир кунга келсангам кирардинг.

— Бораман, опа, ҳозир ишим зарил-да...

— Ҳа, эртага кетайкансан-ку, бугун юр, ҳали кечгача қанча вақт бор. Ўзим келмасам, кўрмай кетаверайкансан-да?

Опаси астойдил ранжиганини Саъдулла сизди. Рост-да, нега энди опасиникидан оёғини тортди? Салима унинг қишлоғига, эрининг жиянига тушгани учунми? Ахир опасида айб нима? Тагин устига Зарбуви бечора доим укам деб, ўлиб-тирилади.

Опа-ука суҳбатига қулоқ солиб ўтирган онаизор гапга аралашди.

— Ушахтан<sup>1</sup> битта-яримтани топганга ўхшайди уканг. Ҳеч ота-онам бор

<sup>1</sup> Ушахтан — ўша ёқдан (шева).

демайди. Бир хуши товлаганда кеп қолади. Ундаям оловга кегандай... Опасини қайдан эсласин!

— Енгдаингиз, — деди Саъдулла опасига. — Сиз бораверинг. Мен бирпас туриб чиқаман. Йилдан-йилга ўқиш қийинлашиб кетяпти-да. Шунинг учун ҳадеб келаверишнинг иложи йўқ. Яқин йўл бўлмаса...

Осмонни қоп-қора булут қоплаган. Совуқ. Изғирин.

Саъдулла пиёда йўлга тушди. Бу ҳавода велосипедда юриш осон эмас. Қўлни ҳам, юз-кўзни изғирин ялаб кетади. Аммо яёв ҳолда ҳам совуқ этини жунжиктирди. «Пальто киймай чакки қипман аслида. Бунчалик совуқлигини ким билипти...» У плашчининг ёқасини кўтариб олган, икки қўли чўнтагида, илдам одимларди.

Опасининг қишлоғига кириш жойда орқасидан бир машина ғувиллаб келди. У қайрилиб ҳам қарамади, йўлнинг чети бўйлаб кетаверди. «Жигули» ундан уч-тўрт қадам ўтиб тўхтади-да, сигнал берди. Кейин эшиги очилиб, Холмат тушди.

— Саъдулламисан? Қани, қани...

Саъдулла Холмат билан ноилож қучоқлашиб кўришди. Жўрасининг оғзидан арақ ҳиди гупилларди.

— Қайси шамол учирди? Биз томонларгаям келаркансан-ку, а? Узиям минг йил бўлдиёв кўришмаганимизга. — Холмат тинмай гапирар, Саъдулла эса опасидан ранжир эди. — Уйландим — келмадинг, фарзанд кўрдим — келмадинг.

Унинг охирги гапи Саъдулланинг этини жимирлатиб, юрагига ханжардай ботди.

— Фарзанд кўрдинг?! — деб юборди беихтиёр.

Бу ҳайрат сабаби Холматга тушунарли эди, албатта. Бироқ ҳеч нарсани билмаганга олди ўзини.

— Ҳа, фарзанд, ўғил. Ажабланасан?

— Шунча вақт ўтиб кетдими деяпман-да, — деди Саъдулла бўшашиб.

Холмат унинг елкасига бир урди:

— Э, жўра, вақт ўтувлади-да, қараб ўтирармиди. Шунинг учун вақтида ҳаракат қилиш керак. Бу дунёда ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг эрта бўлгани дуруст. Қани, ўтир машинага.

— Раҳмат, жўра. Мен опамларни бир кўриб кетай, деб келяпман. Дарров қайтаман, ишим зарил. Эртага барвақт йўлга чиқишим керак.

Холмат уни машина томон судради.

— Бир пиёла чой ичиб кетасан. Узим элтиб қўяман.

Саъдулла унамади. Жўраси уйига қадам босиш, ҳатто остонасига йўлаш унга чексиз азоб эди. Ахир Салимани кўрса кўксидеги яра кўзи бошқатдан очилмайдими? Қолаверса, Холмат бу аҳволда уни осонгина қўйиб юбормайди. Арақни олдига олиб эзилиб ўтиради. Бунга ҳозир тоқати ҳам йўқ, имкони ҳам.

— Ҳа, бўпти, ўтир. Тоғамларникига элтиб қўяман.

— Йўқ, — деди узиб Саъдулла, — ўзи икки қадам жой-ку, нимасига мошинга чиқиб ўтираман.

Холмат машинага газ берди. Саъдулла оғир қадамлар билан йўлида давом этди. «Келмай десам, опамнинг дили оғрийди, келсам — мана бунақа... Кўнглим сезувди ўзи... Ҳали поччамникига бориб бошни қотирмасайди. Тезроқ туриш керак бўлади».

Поччаси ҳали ишдан келмаган экан, опаси, жиянлари билан биров гунглашиб ўтирди. Опам тўйдан, Салимадан гап очиб қолармикан, деб кутди. Ҳатто ўзи сўраш учун бир-икки оғиз жуфтлади. У ўғил кўргани ҳақида ўйлаганда алланечук ғашланди. Зарбуви эса нималарни гапирмади, бироқ Салима, Холмат хусусида чурқ этмади.

— Мен турай энди, опа, — деди Саъдулла. — Кеч бўп қолди.

— Шошма, борасан-да. Поччанг кесин, эшитса хафа бўлади.

— Сизам қизиқсиз-а, опа, — биров жажҳли чиқди. — Бу ерда Алиқул поччамни кутсам, у ерда Эшмат поччамни кутсам, тоғамни кутсам... Ахир умрим кутиш билан ўтиб кетади-ку.



Зарбуви укасидаги тажанглик боисини озми-кўпми тасаввур қилди, бу кетишда бутунлай ўзини олдириб қўяди-ку, деган хаёлга борди.

— Мунча куюнмасанг, — деди у товушини кўтариб. — Бошқага тегса-тегипти-да. Ўзингни ўтга-сувга урганинг билан иш чиқадими? Ундай қизга уйланмаганингга шукр қилсанг-чи! Ана, тўйдан кейин уч ой ўтар-ўтмас... кўпайишди. Шармандалик! Уялмайдиам. Бетинг қурсин-эй.

Саъдулла ўйга чўмди.

— Демак, тўй шу учун тезлашган экан-да, — деди охири.

— Бўлмасам-чи. Сал кечикса, эна-бола қилиб етаклаб келайди-да... Раис билан опам шўрликнинг ҳам юзи шувит. Эл устида юрган одам. Одамлар гапирмай қўядими. «Ана, раиснинг келини жавпазак чиқиб қолди. Чилласи чиқиб-чиқмай бешик кучоқлаб ўтирипти», деганлар қанча... Шунинг учун, бир томондан, ундан қутулганингга шукр қил. Жуда хотинсиз қоп кетмасан.

— Мен сизга хотинсиз қоп кетаман, деяпманми? Қаёқдаги гапларни ўйлаб топасиз-а... Шунчалар осонми турмуш қуриш? Бугун бировга ваъда бериб, эрта бошқага турмушга чиқиб кетаверадими? Киноларда кўрсак, китобларда ўқисак, ишонмаймиз.

Дарвоза тарафдан кимдир товуш берди. «Биров чақиряпти, қарай-чи», деб опаси ўрnidан турди. Зарбуви даҳлиздаги калишини кийиб ташқарига чиққунча товуш эгаси — Холмат айвонга кириб келди.

Саъдулла унинг овозини эшитиб кайфияти баттар бузилди. «Оббо, тезроқ турай дедим-а. Опам ҳам эзмалик қилиб, одамни тутиб қолди. Энди тоза бошни қотиради...»

Холмат даҳлиз эшигидан ичкарига мўралади. Саъдулла баланд қилиб қўйилган ёстиққа ёнбошлаган эди.

— Қани бўл, — деди буйруқ оҳангида. — Кетдик. Жўнавордингми, деб хавотирда эдим. Хайрият, шу ерда экансан.

Энди Холматнинг кайфи тарақ эди. Эшик кесакисига суюнганча чайқалиб турарди.

— Холмат, боя ҳамма гапни тушунтирдим-ку. Бошқа сафар...

— Уйга бормасанг борма, — деди Холмат кескин. — Илон кўргансан-ку, бизникида. На тўйга келасан, на азага. Чойхонада беш-олти жўралар тўпланиб ўтиришипти. Сени келганингни айтувдим, обке деб мени юборишди. Мунча ўзингни лалига солдинг.

Холматнинг кесатиғи Саъдуллага ботди. «Эй, борсам борай, эртага кетмасам индин кетарман, Тошкентга. Бунинг шунақа вижирлашига тоқат қилиб ўтираманми...» Шу фикрлар хаёлидан кечди-ю, ўтирган жойидан сакраб турди.

— Бунча алжирайсан?! — Саъдулла Холмат томон бостириб кела бошлади. — Нима учун сенинг уйингда илон кўрар эканман? Тўғри гапни айтса бошқа томонга бурасан.

Зарбуви укасининг таҳдидли овозини эшитиб, чўчиб кетди. Уришиб қолишмаса гўрга эди. Бирови кайф билан, бирови аламзада...

— Шу ерда отамлашиб ўтира қолинглар, — деди Зарбуви юрагини ҳовучлаб. — Ҳадемай тоғангиз ҳам келади. Совуқда юрасизларми, кўчада тентираб.

Саъдулла Холматнинг эшикни ушлаб турган қўлини силтаб ташлаб, даҳлизга чиқди. Туфлисини шатир-шутур кийди-да:

— Қани, бўл, юрмайсанми?! — деди.

Холмат Зарбувига юзланди.

— Дўғи баланд-ку, бу прокурорнинг. — Кейин Саъдуллага деди. — Сал секинроқ-секинроқ, суд бова.

— Кўп кечга қомай келинглар, мен кутиб ўтираман, — деди Зарбуви.

— Мен шу ёқдан кетаман, — деди Саъдулла ва опасига хайрлашиш учун қўл узатди.

Чойхонада анча ўтириб қолишди.

Қиш кунни бир тутам эмасми, аллақачон қоронғилик қуюқлашиб, борлиқни ўз комига тортган эди. Устига-устак ёмғир бетиним қуймоқда. Ҳамма ёқ шилт-шилт лой...

Саъдулла соатига қаради: ўн бир. У сергак тортди.

— Энди турайлик, жўралар, — деди. — Ёки сизлар бемалол гурунгни давом эттиринглару, менга рухсат беринглар.

Кайфи ошган улфатлар жавоб қиламизми-йўқми, деган масала устида роса талашиб-тортишишди. Лекин бир тўхтамга келишлари қийин бўлди. Охири маза-матрасиз баҳсни Холмат якунлади.

— Энди ҳеч қаяққа бормаёсан. Биринчидан, кеч, ёмғир қуяпти. Иккинчидан, янгамга ваъда бериб келдик. Учинчидан, бугун бизникига борасан, гаплашиб ётамиз, эрталаб ўзим мошинда ташлаб келаман.

Бу гапни ҳамма маъқуллади. Аммо Саъдулла уларникига боришни сира истамасди.

— Э-э, роса ҳасратлашдик-ку, — деди Саъдулла. — Кеч бўганда бировни безовта қилишнинг нима кераги бор.

Холмат унинг гапини кесди:

— Безовта-мезовтаси йўқ. Шаҳарча сиполикни қўй. Хотиннинг вазифаси эрни, унинг меҳмонини кутиш.

Хаёлида Салима жонланди. «Хотиннинг вазифаси эрни кутиш, унинг меҳмонини кутиш». Демак, эртаю кеч, хоҳлаган пайтида у меҳмон етаклаб келаверади. Хотин, яъни Салима унинг меҳмонларини кутади, кутишга мажбур. Эҳ, Салима, Салима...

Ичилган бир-икки пиёла арақ таъсир этдимиз, шу топда негадир у Салимага ачинди, дафъатан уни кўришни, лоақал бир бора кўришни хоҳлаб қолди.

— Қани, турайлик-чи, бир гап бўлар, — деди у кескин.

Ҳамма гурр этиб ўрnidан турди. Кўчага чиқишди. Ёмғир ҳамон шариллатиб қуярди.

Улфатлар чойхона пешайвони тагида тўхташди. Айвон бурчидаги катта лампочка ёруғида ёмғир кўлмакчалари жимирлаб кўринади. Бунинг устига тоғ томондан шамол ҳам эсарди.

— Ёмғир деган шамолсиз ёғса-да, — деди йигитлардан бири.

— Сенга ёқмаслигини билмаган-да, билса-ку, шамолга айтарди-я, сен жим тургин, деб.

Ҳазилга ҳамма кулди. Фақат Саъдулла қовоқ очмади.

— Қани, кетдик, — деди Холмат. — Утираверган билан барибир ҳалибери тинмайди. Бирпасда етиб оламиз-да, уст-бошимизни алмаштирамиз.

— Саъдулла-чи? — деди боя ҳазил қилган йигит.

— Битта Саъдуллага яраша кийим топилар, — деди Холмат. — Эрталабгача қуриб қолади.

Шариллатиб қуяётган ёмғирда жадал юриб кетишди. Юз қадам юрар-юрмас уст-бошлари бўқди. Саъдулла ҳатто баданига нам ўтганини туйди. Туфлиснинг соғ жойи қолмади — лойга ботди. Индамай кетаверди. Ҳозир кўзига кийимининг ҳўллиги ҳам, туфлиснинг булғангани ҳам кўринмасди. Хаёлидан Салиманинг бўй-басти жилмасди. «Ўзгариб кетгандир. Ахир боласи бор...» Бунга ўйлашга ўйлади-ю, ўз ўйига ўзи унча ишонмади. Салиманинг боласи бор! Йўғ-эй, ахир у ёшгина қиз-ку. Назарида Холматнинг хотини ўша ўзи билган, ўзига хат ёзиб, мен сизни кутаман, беш йил экан-ку, ўн йил ҳам кутаман, деган Салима эмас, бошқа, мутлақо бошқа Салима эди. Кошки шундай бўлса. Шундай эмаслигини Саъдулла билади, билади-ю... Э, фалак! Бунчалар бешафқат ўйинларинг бор!

Манзилга етиб келишганда сувга тушган мушукдай дилдираб қолишган эди. Дарвозадан ўтиб, сайисхона орқали пешайвонга чиқишди. Қатор қилиб солинган уйлاردан бирининг эшигини очиб, аввал Холматнинг ўзи кирди, чироқни ёқиб, уни ҳам ичкарига чорлади.

— Қани, кир... Сандалга олов солганмикан. — У сандал кўрпасини кўтариб кўрди. — Боракан, иссиқ.

Саъдулла туфлисини айвонда қолдириб, ичкарига кирди-да, шалаббо плашчинини ечди.

— Бу ёққа ўт, — деди Холмат. — Манави ёстиққа ёнбошлаб, оёгингни сандалга тиқ. Мен Салимага айтай, чой қўйсин.

Ҳалидан бери хаёлида айланаётган номни эшитиши билан Саъдулланинг юраги жизиллаб кетди.

— Нима қиласан чойни, қўй, овора қилма.

Холмат унинг гапига эътибор бермади.

Одам ўтирмагани учунми, уй бирмунча совуқ экан. Саъдулла оёғини сандалга тикди. «Меҳмон келади, деб айтиб қўйган чоғи, олов солиб қўйипти-ку».

Айвонда аёл киши шивирлади: «Ўзингиз олиб кираверинг, мен нима қиламан...» Холмат ғудранди: «Қишлоқдошингданам уяласанми? Бегоналарнинг олдига кирасан-ку. Кириб саломлашмасанг, одамгарчиликдан эмас. Тўйдаям кемаган...»

Саъдулла беихтиёр ўрнидан туриб кетди. «Ё, тавба, тортинаяптими? Мен-чи, мен унинг юзига қандай қарайман? Уялмайманми? Аммо нега мен уялишим керак?»

Олдин Холмат, орқасидан Салима кирди.

— Сендан қочяпти. Қара-я! Ие, нимага қоққан қоқиқдай қаққайиб турибсан, ўтир.

Салима, бошида рўмол, келинсалом қилаётгандек, қаддини салгина эгиб олган эди. Саъдулла унга бир қаради, қаради-ю, кўз ўнги жимирлади. Унинг саломини ҳам эшитмади. Салима шарт ўгирилиб чиқиб кетди. Саъдулланинг юрак торларини чертиб, йўқ, зириллатиб ғойиб бўлди. Бари бир лаҳзада, тушда кўргандай тез кечди. Салима бошқа кирмади. Нон-чойни, овқатни Холматнинг ўзи довдираб-совдираб келтирди. Кошки Саъдулланинг томоғидан ҳозир таом ўтса. Бир-икки пиёла чой ичди, холос.

Боя Салимани кўришни истаган эди. Энди эса, Салимани кўргандан сўнг, бу ишидан пушаймон чекди. «Нима кераги бор эди? Битаётган ярани тирнагандай, ўчаётган оловга керосин сепгандай бўлди-ку. Э, банди оғиз, наҳотки ўзингни ўзинг қўлга ололмасанг, идора қилолмасанг...» Ҳаммаси ярамас арақнинг иши. Агар шу сабилни ичмаганида албатта бу хонадонга қадам босмасди.

Холмат алланималарни гапирар, унинг биронта гапи ҳам Саъдулланинг қулоғига кирмасди. У ихтиёрсиз равишда чой ҳўпларди.

— Чойга ёпишаверма. Мановини олсанг-чи.

Холмат пиёлани охиригача бўшатган, Саъдулла бир ҳўплаб қўйган эди. Холмат яна ичди-да, газак ҳам қилмай, бошини сандалга қўйди. Бирпасдан кейин у пишиллаб ухлаб қолди.

У Холматни секингина ёнбошига ётқизди, тахмондан кўрпа олиб унинг устига ёпди. Дастурхонни ўраб қўйди-да, ўзи ҳам кўрпа ёпиниб, оёғини сандалга узатди.

Чарчоқ, совуқ ва ёмғирдан сўнг иссиқ уй, сандал, ниҳоят, ичкилик — ҳаммаси қўшилиб тани-жонини элитди. Ҳаял ичида кўзи илинди.

Хўрознинг чўзиқ-чўзиқ кичқириғидан уйғонди. Тура солиб Холмат ётган жойга қаради. Мезбон кўринмади. Тонг отипти. Апил-тапил кийинди.

Кўзлари қизариб, қовоқлари шишган ҳолда Холмат илжайиб кирди. Афт-ангирида алланечук хижолат аксланган эди.

— Жуда шармандалик бўпти-ку, — деди у узр оҳангида. — Меҳмонга жой ҳам солиб бермапмиз. Тарашадай қотиб қоппиз.

— Қизиқмисан, — деди Саъдулла. — Меҳмони бор эканми. Бу уйда сенам, менам меҳмон эмасмиз.

— Шундай бўсаям-да.

— Зарари йўқ, ташвишланма. Мен турай энди, кеч бўп кетмасин.

— Шошилма. Бир пиёладан чой ичайлик, ҳозир қатиқли кесган ош обкелади. Шундан бир косадан ичсак бош оғриғидан ном-нишон қолмайди.

Дастурхонга фотиҳа ўқилди. Саъдулла айвонга чиқиб, туфлисини кияман деса, ялтираб турибди. Кеча таниб бўлмасди, қулоғигача лой эди. «Демак, Салима ювиб, тозалаб қўйипти-да...»

Холмат Салимани чақирди.

— Саъдулла кетаяпти, хайрлашмайсанми?

Саъдулла, «қўявер, шарт эмас», демоқчи бўлди, бироқ тили бормади. Ким билади, қандай тушунади.

Салима кечагидек бошини ҳам қилиб келди-да, саломлашди, сўнг толғин бир товушда хўшлашди. На илож, Саъдулла ҳам минг азоб билан хайрлашди, хайрлашаркан, чиндан яраси янгилангандек туюлди...

Қизи бор уй эшигининг турумига тўзим берсин...

Олим Акбарович уйининг эшиги йўқ деганда ҳафтада бир бегона одам томонидан очилади. У, ким бўлмасин, бу хонадондан тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтади. Эшикни тагин очишга юраги бетламайди. Кимсан, Олим Акбарович — министр ўринбосари. Асли унча-мунча одам ботиниб келолмайди ҳам.

Бу ҳол Феруза ўнинчини битиргандан бошланди. Эҳ-ҳэ, кимлардан келишмади: магазин мудиридан тортиб, олимунг ёзувчигача у киши билан қуда бўлишни орзу қиларди. Бироқ ҳамманинг хоҳиши бир томон, ёлғиз Ферузанинг хоҳиши бир томон эди. «Йўқ, эрга тегмайман ҳали», деган қисқа жавобни кўндаланг қилаверди.

Ойиси бечора қанча ялинди: «Ҳа, хўп, биров сенга ҳозир эрга тегасан, деётгани йўқ-ку. Аввал йигит ранг-рўйини кўр, кўнглини бил, кейин бир гап бўлар». Феруза ойисининг илтижосини эшитишни ҳам истамайди. «Йўқ, дедимми, йўқ. Жавобини бериб юбораверинг».

Она шўрлик аввалига: «Қизимиз ҳали ёш, ўқишни битирсин», деб ўзини овулди. Мана, дипломини олишига ҳам озгина қолди. Лекин аҳвол ўша — ҳамон саркашлик қилади.

Ферузани эрка дейиш нотўғри. Аммо на ойиси, на дадаси гапини қайтара олади. Айниқса, бир сафар ёмон бўлди. Феруза тўртинчи курсда ўқирди ўшанда. Маҳалладош бир аспирант йигитдан совчи келди. Олим Акбарович ҳам, Муаззам опа ҳам йигитнинг ота-онасини яхши танийди: кўп бамаъни, оқил одамлар. Эр-хотин маслаҳатлашиб розилик бердилар. «Ҳа, энди Феруза йўқ дейвиради. Қизбола қачон «майли, шунга тегаман» деган. Уялади-да. Ўзининг йигити бўлганди айтарди». Хуллас, унаштириш расм-русми бошланди.

Феруза ўқишдан келиб кўрсаки, уйда бегона аёллар, ойиси, холасининг ҳаракатлари бошқача. Юраги шувиллаб, ойисига ола қаради.

— Тинчликми?

Товуши кескин чиқди. Муаззам опа шошиб қолди. Холаси гапни илиб кетди.

— Энди, қизим, дунёнинг иши шунақа. Эртами-кечми, барибир...

— Йўқ! — деб Феруза холасини қайириб ташлади. — Бўмайди, тўхтатинг!

Онаизор бўзарди, юраги увишиб, аъзойи-бадани бўшашди. Тили калимага келмади. Хайрият, синглиси шу ерда экан. Яна ўша жонига ора кирди.

— Феруза! Жон қизим, гапни эшитгин. Энди тўхтатиш уят. Ойинг билан дадангни юзини ерга қаратма...

— Ё тўхтатинг, ёки бу уйдан мен чиқиб кетаман!

Феруза шундай деб ҳовлига ўтди. Бетон йўлакка баланд пошналарини қарс-курс уриб дарвоза томонга юрди. Меҳмонлар ўтирган уй дарвозанинг рўпарасида, ҳаво иссиқ бўлгани учун деразалар очиқ, эшикдан ким кириб, ким чиққани уларга шундоқ кўриниб турарди. Феруза орқасидан биров қуваётгандай шахдам юриб борди-да, дарвозани шундай тарақлатиб ёпдики, совчи хотинлар чўчиб тушишди.

Опа-сингил бир-бирига ҳангу манг бўлиб тикилди. Муаззам опа қизининг одатини билгани учун хаёли минг томонга кетди. Синглиси тасалли берди.

— Қўйинг, опа, ташвиш тортманг. Қаёққа борарди, келади-да. Қизболанинг шундай бўлгани тузук. Совчилар олдида чой дамлаб юрадиганлардан арасин...

Йўқ, Муаззам опанинг синглиси янглишди: Феруза қайтиб келмади. Ўша куни ҳам, эртаси ҳам, индини ҳам... Бунгача Муаззам опа билан Олим Акбарович ўзидан ўтганини ўзи билади. Бировга айтгулиги йўқ — шармандалик. Бориши мумкин бўлган жойнинг ҳаммасини суриштириб кўришди, лекин Ферузадан дарак йўқ эди. Эр-хотин кечаси билан ухламай уф тортиб чиқади. Аксига олгандай, ўша кезлари Олим Акбаровичнинг ишхонасига Москвадан комиссия келган. Улар билан ярим кечагача қолиб кетади.

Ахийри тўртинчи кун деганда Феруза кириб келди. Она бечора қувонгандан ўзини ташлаворишига сал қолди. Ётоқхонада турадиган дугонасининг олдига кетган экан...

Шу-шу, тўй ҳақида, турмуш ҳақида Муаззам опа ҳам, Олим Акбарович ҳам Ферузага қўрқиб-қўрқиб гапиришади.

Бир куни она-бола ўзлари гурунглашиб ўтиришган эди. Муаззам опа ярим ҳазил, ярим чин қилиб қизидан сўради:

— Феруза, менга ростини айт, ўшанда нега йўқ дединг? Нега қочиб кетдинг? У йигитнинг нимаси ёқмади сенга? Кўриниши туппа-тузук, эсли-хушли, мўмин-қобил, аспирант...

— Ростини айтайми, — деди Феруза ҳам онасига тик қараб. — Унинг ана шу мўмин-қобиллиги ёқмайди. Аслида бу мўмин-қобиллик эмас, ландавурлик. Аспирант дейсиз, лекин гўдақдан фарқи йўқ, доим онасига эргашиб юради... Ахир у қандай қилиб оила қуради, қанақа оила бошлиғи бўлади? Йигит — йигитдай бўлсин-да.

Муаззам опа қизи мулоҳазасини ичида маъқуллади. Фақат унга сир бой бермади. Бир оздан кейин таънаомуз деди:

— Хўп, сен истагандай йигитни қаердан, қачон топамиз?

— Сизга оғирлигим тушяптими, ойи! Шу уйдан чиқиб кетсам қутуламанми? — деди Феруза жаҳл билан.

Муаззам опа кўрқиб кетди. Қизи яна йўқолиб қоладигандай, унинг этагига ёпишди.

— Жон қизим, жаҳлинг чиқмасин, мен билан адангни қийнама. Сендан бошқа суянганимиз йўқ. Ёшинг бир жойга бориб қоляпти, невара кўрсак, деган орзумиз бор, ахир.

Феруза ойисига ачинди, раҳми келди. Аммо ўз фикридан қайтмади.

— Хафа бўлманг, ойижон, вақти-соати келади ўзи.

Ундан кейин ҳам қанчадан-қанча совчилар келишди. Қани энди хўп дея қолса.

Охири Ферузанинг талабгорлари сийраклашди. Муаззам опа ичидан зил кетар эди, лекин ҳеч кимга билдирмайди. Ҳатто эрига ҳам айтолмайди. Ферузанинг эса парвойи фалак. Ишқилиб, охири бахайр бўлсин-да...

Бугун якшанба. Нонуштадан кейин Олим Акбарович кийина бошлади.

— Ҳа, — деди Муаззам опа. — Йўл бўлсин?

— Бир-иккита кўриладиган объектлар бор. Пешингача шуларни бир айланиб келай.

Олим Акбарович чиқиб кетди, Феруза хонасига ўтди. Анчадан бери диплом иши ёзиш билан машғул эди. Эртадан-кечгача китобларга кўмилиб ўтиради.

Муаззам опа у ёқ-бу ёқни йиғиштирди. Телевизор қўйди-да, диванга ёнбошлаб бироз томоша қилди. Ёлғиз ўзи зерикди. Бир бозорга тушиб чиқсаммикан, деган хаёл билан ўрнидан турди, телевизорни ўчирди.

Қўнғироқ жиринглади. Муаззам опа дарвозани очди. Икки эркак, икки аёл — ҳаммаси бегона. Аёллар қўлида тугун.

— Ассалому алайкум, — деди аёллардан бири. — Ферузаларнинг уйи шуми?

Муаззам опа шошиб қолди: «Ким бўлди экан булар?»

— Шу, шу... Киришлар, марҳамат.

Нотаниш меҳмонлар ичкарига киришди. Муаззам опа уларни ўтқиздию, Ферузанинг олдига шошилди.

— Ким булар?

Феруза кулди, кулиб, елка қисди:

— Билмасам...

Неча марта совчи келган бўлса Феруза бирон марта кулиш у ёқда турсин, ҳатто сал чиройини очмаган. Буни ойиси яхши билади. Демак, бир сиру синоат бор.

— Хўп, дейинми?

Феруза жавобни қисқа қилди.

— Ўзингиз биласиз...

— Тур ўрнингдан, чой қўй, холангга телефон қил, дарров поччанг билан етиб келишин. Аксига олиб аданг ишга кетган-а.

Муаззам опа меҳмонлар олдига қайтди. Феруза китобни шартта ёпди-да, дуч келган томонга отди, сакраб турди. Қўшиқ айтгиси келар, дили ҳаяжонда эди...

Холаси билан поччаси келди, орадан кўп ўтмай, Олим Акбарович ҳам



Суратни **Н. ҲАЙДАРОВ** чизган.

етиб кела қолди. Ҳаммалари қўшни хонага тўпланишди. Муаззам опа вазиятни тушунтирди.

— Булар ўзи ким, қаердан экан? Сўраб билдингизми? — деди Олим Акбарович хотинига.

— Сўрадим. Ўғли Феруза билан бирга ўқиркан. Ўзлари Самарқанднинг қайсидир районидан экан.

— Оббо, — деди холаси бурнини жийириб. — Энди кунимиз қишлоқма-қишлоқ чанг босиб ўтаркан-да. Қанча одамлардан, қандай яхши жойлардан совчи келувди, ҳаммасига йўқ деб, энди... Танлаб-танлаб тозига учрапти, дега-ни шу-да.

Зилдек сукунат чўкди.

— Сиз нима дейсиз, божа? — деди Олим Акбарович. — Ҳарҳолда врач-сиз, турли одамлар билан учрашгансиз...

— Менимча, шошилмаслик керак, — деди божа мулоҳазакорлик билан. — Биз уларни яхши танимасак, билмасак, суриштириб кўрайлик. У ёқлар-да ҳар хил одамлар кўп, деб эшитамиз. Ўзимиз баъзиларини кўрганмизам. Тошканлик бўлса бошқа гап эди.

Бу гап Олим Акбаровичнинг ҳамиятига тегди. Лекин сир бой бермади.

— Суриштиришнинг зиёни йўқ, албатта, — деди Олим Акбарович. — Умр савдоси-да. Лекин гап бошқа ёқда, божа. Одамнинг яхши-ёмонлиги унинг қаердан эканлигига боғлиқ эмас. Яхши-ёмон одамлар ҳамма жойда ҳам бор. Фалон шаҳарнинг одамлари яхши-ю, пистон жойнинг одамлари ёмон, дейиш менимча нотўғри...

Олим Акбарович ота-онасини кўрмаган, эслолмайди. Улардан эрта айрилган, болалар уйда тарбияланган. Авлод-аждоди асли қаерлик эканини у ўйлаб ҳам кўрмаган. Шу боис у баъзиларга ўхшаб гузар талашмайди. Унга бировнинг қаердан эканлиги аҳамиятсиз. Шунданми, айрим ўртоқлари «сен космополитсан», деб унга ҳазиллашадилар. Буни божаси ҳам билади. Ҳозирги гапини ҳам ўша оҳангда тушунди-да, бир оз жаҳли чиқди.

— У ҳолда бу ерда тўпланиб, тортишиб ўтиришимизнинг нима кераги бор? Ферузанинг ўзи жавобини бериб юбораверсин-да, — деди.

Божаси ранжиганини Олим Акбарович сизди. Ўзига қолса-ку, уни сира қақирмасди. Бирон-бир масалада очиқ-ойдин маслаҳат ёки ёрдам берганини билмайди. Хотини эса доим: «Куёвни ҳам қақирайлик», деб минғирлашини қўймайди.

— Ҳарҳолда маслаҳатлашганимиз тузук-да, божа, — деди Олим Акбарович сал паст тушиб.

— Шунинг учун шошилмайлик, деяптилар-да, — Ферузанинг холаси эрининг ёнини олди.

— Яна бир келарсизлар, унгача биз қариндош-уруғлар билан маслаҳатлашиб қўямиз. Кейин аниқ бир гап айтармиз, деймиз-да, бўлмаса, — деди Муаззам опа. Кейин синглисига буюрди: — Ферузани қақир.

Феруза кирди. Хулосани узук-юлуқ қилиб айтишди.

— Хўш, нима дейсан бу гапга, қизим? — деди Олим Акбарович.

Ранги ўчинқираган Феруза ҳаммани зимдан кузатди. Дадаси, ойиси, холаси унинг оғзига термилиб турар, фақат поччаси ерга қараб ўтирарди. Хулоса шуники эканлигини Феруза сизди. Поччаси уни бир жиянига мўлжаллаб юрарди. Илгарироқ холаси шунга шама ҳам қилувди. Аммо Феруза эшитмаганга олган эди.

— Ойи, — деди Феруза онасига, қисиниб-қимтинган ҳолда, — булар нариги кўчада ёки қўшни маҳаллада туришмайди. Ҳадеб келаверишга иложлари йўқ.

Поччаси бошини кўтариб ғўлдиради:

— Демак...

— Ҳа, — деди Феруза кескин. — Шундай! Хўш, нимани суриштириб кўрасизлар? Ада, сизга авлод-аждодида судланган одам йўқлиги, почча, сизга соғлиги ҳақида справка келтириб берса бўладими? Сизга-чи, хола, қанақа справка керак?

Давра аҳли довдиради. Энди ҳеч бири миқ этолмай қолди. «Демак, ҳам-

маси тушунарли», деб ўйлади Олим Акбарович. Муаззам опа эса қизининг яна йўқолиб қолишини ўйлаб жовдирар эди.

Меҳмонларни кечга томон Олим Акбаровичнинг машинасида кузатиб қўйдилар...

\* \* \*

Ферузаникида бўлган ана шу мажлисдан бир неча кун олдин Саъдулла қишлоғига борган, совчиларни шаҳарга бошлаб келган, уларга ўзи йўл кўрсатиб юборган эди. Чиндан қишлоққа бу галги ташрифи хосиятли бўлди: Келганини эшитиб, кечқурун опалари, поччалари, амакию тоғалари йиғилишди. Мириқиб гурунглашдилар. Ҳар бири Саъдулла билан дардлашишга орзуманд, аммо ҳаммаси анчагача ўз ҳасратини супра қилиб ёйишу, бир-биридан ўпкагина қилишдан бўшамади. Ҳатто Саъдулланинг бор-йўқлиги эсларидан чиқиб қолгандай эди.

Бир маҳал, Саъдуллага кўзи тушиб қолди чоғи, тоғаси деди:

— Эй, жиян, булардики ҳар доим бир хил қўшиқ. Сен гапир, Тошканларда нима гаплар бор, ободми?

Саъдулла кулиб қўйди.

— Рост, боядан бери эски мағалимизни айтиб ётипиз-а,— деди бригадир амакиси.— Сенам индамай ўтирибсан, Саъдулла. Зерикиб кетдинг-ов!

— Йўқ, зерикканим йўқ,— деди Саъдулла. Аслида зерикши у ёқда турсин, ичи торс ёрилгудай бўлиб кетган, аммо тишини-тишига босиб ўтирарди. Боис — буларнинг гапи, бу машмашалар Саъдулла учун бегона бўлмаса-да, ҳар қалай, ҳозир унга унчалик қизиғи ҳам йўқ эди.

Дераза тагида ёнбошлаган мўйловдор поччаси суҳбатга аралашди:

— Ўқишингизам тугай деб қолди, шекилли. Энди, насиб этса, иш қаерда бўлади?

Саъдулла чордана қуриб ўтирарди. Оёқлари увишиб қолган, узатиб юборгиси келар, лекин иложи йўқ эди.

— Ҳозирча аниқ эмас,— деди у.— Лекин аспирантурада қолиш ниятим йўқ эмас.

— Аспирантураси нима? — деб сўради кексароқ поччаси.

— Ўқиш-да,— деди тоғаси билимдонлик қилиб.— Олим бўлиш учун ўқийди.

— Шунча ўқиганинг бас-да, энди. Биз ҳали керилиб юрибмиз, Саъдулла районга судми, прокурорми бўп келади, деб.

Амакиси мўлжалини мўйловдор поччаси ҳам маъқуллади.

— Бу киши тўғри айтадилар, иложи бўлса шундай қилиш керак. Районга судми-прокурорми бўп кесангиз, бизларгаям яхши-да. Ҳозир районда уннан оғзи катта одам йўқ.

Шу кўйи суҳбат рози-равиши суду прокурор ва уларнинг тўғри-нотўғри ишлари хусусида кетди. Бири айтган фикрни иккинчиси рад этади, униси ўзиникини исботлашга тиришади, буниси йўқ ердан ғалва чиқармоқчи бўлади. Хуллас, ўзлари учун қилча аҳамиятсиз масалалар устида тортишиб, кўп вақтни беҳуда ўтказишди. Яна, аввалгидек, Саъдулла бир чеккада қолиб кетди.

Соат ўн иккидан ошганда тоғаси «Ҳа-а, энди турайлик-эй, вақт ҳам анча бўп қопти», деди. Бемалоллиги, ичининг кенглиги билан бутун қишлоққа ном чиқарган кекса поччаси: «Нимаси кеч? Бирпас гурунглашайлик, борамиз-да, тонг узок», деди. Бироқ унинг таклифи ўтмади. Ҳамма баравар ўрнидан турди. Саъдулланинг акаси: «Ўтирингизлар, ҳа, борасизлар-да», деса ҳам ҳеч ким қулоқ солмади. «Эй, буларда сабр-тоқат борми, бирпас бир жойда бемалол гаплашиб ўтиролмайти», деди поччаси. Ҳамма кулиб юборди. «Сизга қолса эрталабгача ўтирасиз эзилиб», деди тоғаси.

Давра тарқаб, хонага сукунат чўкди.

Отаси тўрда ёстиққа суянганча, оқ оралаган соқолини силаб, хаёл суриб ўтирибди. Кўринишидан нимадир демоқчи, аммо гапни нимадан бошлашни билмай мулоҳаза юритаётганга ўхшарди.

— Жой соб берай бўлмаса,— деди онаси жимликни бузиб.



Отаси бу гапни гўё эшитмади, ўзининг муддаосига кўчди.

— Хўш, улим,— деди салмоқ билан.— Уқишинг ҳам тугай, деб қопти. Бу, энди бошни икки қисак.

Саъдулла аввал индамади, бир оздан сўнг астагина:

— Уқиш тамом бўлсин-чи, кейин кўрармиз,— деди.

— Уқишам бўлувлади,— гапга аралашди акаси.— Озгина қопти буёғи. Аспирантуранг бўса — ўқуврасан-да.

— Йигитнинг боши икки бўмагунча моли икки бўмас, дейдилар. Қачонгача ўзинг кир ювиб, ўзинг овқат пишириб юрасан.— Онасининг товушида ўғлига астойдил ачиниш оҳанги бор эди.— Сен тенгиларнинг олди бола кўрди. Қишлоғимизда яхши-яхши қизлар бор. Бирин-кетин чиқиб кетишяпти.

Онасининг эътирофи Саъдулланинг хаёлига лоп этиб Салимани солди: «Шуми яхши қизларнинг биттаси?»

Отаси ҳамон ўша алпозда ўтирар, саволига ўғлидан жавоб кутарди.

— Бу ёқда укаларингни бўйи етиб келяпти,— деди отаси тағин салмоқлаб.— Бирини уйлаш, бирини турмушга узатиш керак. Уларнинг йўлини қачонгача тўсасан?

Саъдулла ўйга толди. Назарида вазият кескин, айтишга чокда ўзи истаган ҳолда эди. Ростдан ҳам кадрдонларига айтмаса дардини кимга айтади? Ҳозир айтиш мавриди, қолаверса, ота-онасини ҳам тушуниши керак. Уғли бор одамнинг кўзи қизларда бўлади-да. Бас, ҳаммасини очиқ-ойдин айтади. Булар ҳам шунга яраша иш қилишади... Лекин отаси кўнармикан? Энаси-ку, индамасов, аммо отаси... Шаҳарлик ойтовоқни бошингга урасанми деса-чи? Лекин бошқа илож йўқ.

У ўйлаб-ўйлаб бир қарорга келди — кўнглини ёрди.

Шу асно ҳар ким ўз хаёли билан қолди. У зимдан аввал отасини, кейин онаси билан акасини кузатди. Чеҳраларидан улар кўнглини, фикрини билмоқни мўлжаллади. Акаси бепарвороқ эди, онаси юзида, қандай бўларкин, деган шубҳа зуҳурланди, аммо отасининг кўнглини англаш — қоронғи уйга бош суқушдай гап эди.

Сукунатни онаси бузди:

— Ота-энаси борми, нима иш қилади?

Отасининг хаёлида ҳам шу савол чарх ураётган экан чоғи, ялт этиб Саъдуллага қаради.

— Бор ота-энаси... Энаси боғчада ишлайди...

— Отаси-чи?

— Отаси бир хизматчи-да...

Акаси индамади, бироқ отаси унга ўткир тикилди.

— Нима иш қилишини биласанми ўзи?

Бу саволга аниқ жавоб бермасликнинг иложи йўқ эди.

— Ҳа,— деди Саъдулла,— замминистр.

— Замминистр?!

Акасининг ҳайрати сабаби қувончми ёки ҳадикми — Саъдулла билолмади.

— Замминистр дегани министр муовиними? — деди отаси.

— Ҳа-а...

— Жуда катта одамакан-ку,— деди онаси астагина.

Отаси луқма ташлади:

— Осилсанг баланд дорга осил-да.

Саъдулла бир қадар инжилди. Ер остида илон қимирласа биладиган отаси буни сизди. Мийиғида кулди. Ҳарҳолда у пасту баландни осонгина илғарди. Мана шу фазилатдан яхши воқиф одамлар уни: «Уйда ўтириб осмондан ўтган турнанинг ёшини, ҳув лалмига қўнган қуш рангини айтиб беради», деб ҳазиллашарди.

— Ота-энаси кўнамакан? — деди акаси ўйчан.— Бизлар оддий колхозчи одамлар бўсам.

Онаизор ичига ғулу тушди. Ахир, азалдан унинг биттаю битта тилаги шуки, суюмли ўғли ёнига келса!..

— Унга уйлансанг қишлоққа кемайсан-да. Олтибой бованинг улиям шаҳардан уйланиб қоп кетган-ку.

Саъдулла бир нарса дейишга ожиз эди. Ҳар нечук у масаланинг бу томо-

нини ўйлаб кўрмаган экан. У кимга уйланишидан қатъи назар, аспирантурага кириш, илмий иш қилиш ниятида эди. Бирон жойда судми, прокурорми бўлиб ишлашни ўйласа, негадир юраги урмайди. Айни чоқда онасининг саволидан кейин ташвишланди. Тушунарли, мабодо шаҳарда қолса, бахти чолиб Ферузага уланса, бунга албатта шу воқеага боғлашади. Ажаб эмаски, қайнотаси туфайли шаҳарда ўрнашди, дегувчилар ҳам топилса!

— Кўрамиз-да, эна, нон-насиба, тақдир билади,— деди ўйчан ҳолда.— Борди-ю аспирантурага кирсам, унда... бир-икки йил...

Отаси соқолини силаган кўйи ер остидан Саъдуллага тундроқ боқди. Бу қарашдан Саъдулла кўп маъно уқди: «Кеб бўпсан, бу ёққа... Хотин дегани кўп ширин-да, унинг сўзидан чиқиш осон эмас...»

— Қаерда бўсанг ҳам ишқилиб омон бўл,— деди охири отаси бафуржа.— Оллодан сўрайдиганимиз фақат шу — силарди тани-жонларинг соғ бўлса бас. Бизлар оч қолаётганимиз йўқ, уст-бошимиз бут. Худога шукр, аканг, опаларинг бор. Амакиларинг, тоғаларинг ёнимизда. Бу ёғидан кўнглингни алағда қилма. Фақат ўзларинг яхши турсаларинг, биз борганимизда бир оғиз ширин сўзларингни аямасаларинг бас. Лекин ўзингга эҳтиёт бўл, ишингга пишиқ бўл, кўринган одамнинг гапига кириб, лаллайиб юрма. Йигит дегани сал кескир бўлиши керак, қадамидан ўт чақнамаган йигитнинг йигитлиги бир пул... Қани, энди ётинглр. Эртага бу йўлга чиқади, дам осин...

## IX

Илиқ май кунлари. Дов-дарахтлар, йўлкалар, хиёбонлар кўм-кўк. Тунги ёмғирдан сўнг ҳаво булоқ сувидай тоза. Симириб тўймайди киши. Дарахт барғларига, жонли тўсиқларга, хиёбондаги турфа гулларга илиниб қолган томчи қуёшнинг заррин нурларида олмосдек ялтирайди.

Афсоналардаги қасрни эслатувчи бекатга кириб келган электричка чуқур нафас олиб тўхтади. «Ленин номидаги майдон бекати». Қатор эшиклар бараварига шиғиллаб очилди. Саъдулла «қаср»нинг чап томонига — эскалатор томон юрди. Шовуллаб отилаётган фавворалар олдига чиқди. Саъдулла рўпарада тўхтаб, бир зум енгил нафас олди. Бетўхтов сачраётган кумуш томчилар юзига урилиб, кайфиятини кўтарди. У майдон сари юрди. Теваракка файз берган турфа гулларни томоша қилиб завқи тошди. Беихтиёр хиргойи қилиб борди: «Мана, бугун наврўзи олам, йўлларингга гуллар тўкман. Қайлардасан, севиқли эркам, кўлимда гул, сени кутаман...» Яқинида кимлардир қиқирлаб кулди. Ялт этиб ўннга қаради. Йўлак четидаги скамейкада ўтирган йигит-қиз пешонасини пешонасига қўйиб пиқирлашарди.

Хиёбон этакроғида нари-бери оҳиста юраётган Ферузага кўзи тушди. Сергак тортиб соатига қаради: ўн иккидан ўн минут ўтибди.

— Энди ўзимники бўлди, кечикиб борсам ҳам кутаверади, дедингизми? — деди Феруза салом-аликдан кейин кулиб.

— Ҳали қаёқда? Дадангиз билан ойингиз кўнишмапти-ку.

— Ҳеч-да,— Ферузанинг чиройли кўзлари сузилди.— Кўнишмаса патир синдиришармиди.

Анҳор соҳили бўйлаб «Пахтакор» стадиони томон юришди. Улар олдинлари ҳар учрашганда албатта кинога киришарди. Бу сафар на унисининг, на бунисининг хаёлига кино келди. Иккови ҳам совчилик ҳангомаси тўғрисида гаплашишни истарди. «Баҳор» залининг қаршисидаги скамейкага ўтиришди. Унга қарироқ дарахт соя ташлаган эди.

— Тўйни бунча кечга белгилашибди,— деди Саъдулла.— Ўртада июнь-июль бор ҳали. Август-а!

— Бир ой олдин-кейиндамас гап. Бошқа масала чиқиб турибди.

Саъдулла қизга ажабланиб қаради.

— Хўш?

— Тўйдан кейин қаерда яшашимиз адاملани қаттиқ ташвишга соляпти. Қаерда турамиз ўзи? Ётоқхонадами? — деб кулди Феруза.

— Нега энди ётоқхонада бўлар экан, ижарага биронта ҳовли-повли то-

памиз. Кейин мен ишга кираман, сиз ишлайсиз. Ё менинг, ё сизнинг ишхонангиздан квартира бериб қолар. Ижарада турувчилар озми?

Феруза Анҳор сатҳига термилди. Саъдулланинг гапини тингларкан, дадаси қанчалар куйиб-пишганини эслади. «Бир жиҳати адамла ҳақ. Дан-филлама ҳовли ҳувиллаб ётса-ю, биз бировнинг қош-қовоғига қараб, ижарада турсак. Адамла айтганларидай, бирга яшайурсак нима қилади?» Кўнглидан кечган бу фикрларни Саъдуллага қай йўсинда айтишни билмай қашланди.

— Ижарада қийналиб қоламан, деяпсизми? — жимликни бузди Саъдулла.

— Гап қийналиш-қийналмасликда эмас, — Феруза оқимдан кўз узгиси келмасди.— У ёқда катта ҳовлида адам билан ойим ёлғиз ўтиришса-ю, биз кимларнингдир эшигида кўрпа-тўшак кўтариб юрсак... Эшитган қулоққаям эриш туюлади-да.

Ажабо, Феруза не муддаода? Бунча эҳтиёткорлик билан нимага шама қиялпти? Наҳотки, уни... Йўқ, унга йўл қўймайди. Асло!

— Фикрингизга яхши тушунмадим, Феруза?

Феруза Саъдулланинг жаҳли чиққанини сизди. Илгаридан унинг одатини яхши билади: бировга қарамликни, кимнингдир олдида тили қисик бўлиб қолишни истамайди... Шу боис Феруза гап оҳангини сал юмшатишга уринди.

— Мен ҳаммасини тушунаман. Фақат адамлани гапларини айтяпман, холос. Чиндан ҳам ё сизнинг, ё менинг ишхонамдан квартира берар, шунгача...

Саъдулла барибир сал дағаллик қилди.

— Кечирасиз, Феруза, шу ҳақда бошқа гаплашмайлик. Биласиз, ичим тангроқ, у ерда туролмайман. Ичкуёв — кучук куёв, дейдилар.

Шу билан баҳс ниҳоя топди.

Шомгача айланшиди, турли мавзуда суҳбатлашишди, ширин орзулар, ўйлар... қандай ёқимли! Бироқ тип-тиниқ осмонда аҳён-аҳёнда бир бурда қора булут кўриниб қолганидек, гоҳ йигитнинг, гоҳ қизнинг эсига бояғи масала — ижарада яшаш ташвиши тушар, шунда бирдан таъблари хира тортар эди.

Учрашувдан сўнг улар доим бир жойда — қўш қаватли ёштин мактаб орқасида хайр-хўш қилишар эди. Ҳозир ўша манзилга етиб келишганда вақт шомдон оққан, Шарқ томондан яп-янги, ярқираб лагандай ой чиқмоқда эди. «Ой шом ебди-да», деб хаёлидан кечирди Саъдулла.

— Хайр,— деди Феруза астагина.

Саъдулла хайрлашмоқ учун қўлини узатди, Феруза ҳам. Саъдулла қиз кафтини кафтига босиб, чақнаётган кўзларига термилди. Момиқдай юмшоқ қўлни қўйиб юбормади. Сўнг уни аста ўзига тортди. Илгари Саъдулла салгина шундай ҳаракат қилса албатта кескин рад жавоби олар эди. Бугун Саъдулла ҳеч бир қаршилиқ сезмади. Қизни яна яқинроқ тортди. Кўзлар ҳамон бир-бирига қадалган, лаблар унсиз, юраклар гуп-гуп урарди. Ахийри кўзлар бир-бирини кўрмай қолди. Беун, лекин интизор лаблар бир-бирига ёпишди... ёпишди...

Олам бир нуқтага жо бўлди. Улар ҳам шу сирли нуқтага сингиди. Танларини илоҳий бир сархушлик чулғаган маҳалда шундоққина ёнгиналаридан саёқ бир мушук миёвлаганча жонҳолатда чопиб ўтди. Йигит ҳам, қиз ҳам беихтиёр ўзини орқага олди. Ҳатто Феруза ёқасини кўтариб туфлади.

Мушук кўздан йўқолиб атрофга жимлик чўккандан сўнг, иккалови ҳам бараварига қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди...

\* \* \*

Тўй «Зарафшон» ресторанида ўтди. Кимлар келмадию, кимлар нутқ сўзламади. Нутқлар, ҳамду-санолар асосан Олим Акбаровичга қаратилди. У кишининг одамшавандалиги, ишбилармонлиги, уддабуронлиги, кўнгли очиқлиги, меҳрибонлиги... Олим Акбарович муҳташам залнинг бир чеккасида, ўн-ўн беш киши қуршовида савлат тўкиб ўтирарди. Бу мақтовлардан у сўзсиз ҳузур қиларди.

Саъдулла барини сизди, ҳар каломга эътибор берди. Бироқ нима дея оларди. Баъзи қитмир ўртоқлари эрта: «Сенинг тўйинг бўлдим ёки Олим Акбаровичнинг юбилейими?» деб кесатишини ўйлаб, ичидан зил кетди. Аста

Ферузага қаради. У оппоқ ҳарир либосларга бурканиб ўтирар, бошини қуйи эгиб, кўзини бир нуқтадан олмасди.

Тўй бошқарувчи шу пайт микрофон орқали жарангдор овозда эълон қилди:

— Энди сўз куёвимизнинг қадрдон дўсти, курсдоши Чори Эгамовга! Табрикловчилар учун мўлжалланган иккинчи микрофон Чорига тутқазилди.

— Олим Акбаровичнинг яхши одамлигига менда ҳам шубҳа йўқ. Лекин бу ерда асосий гап келин-куёв, яъни менинг курсдошларим — Саъдулла билан Ферузахон ҳақида бориши керак, деб ўйлайман.

Чори бир зум тўхтаб қолди. Гоҳ у столдан, гоҳ бу столдан «Кайфи ошиб қопти», «Йиқилиб тушмаса эди», «Бунақаларга сўз беришнинг нима кераги бор?» деган луқмалар янгради. Пичингларни Саъдулла билан Феруза ҳам эшитди. Саъдулла батун вужудини кўзга айлантириб Чорига тикилди. Кайфи ошганлигини сезмади. У билан беш йил бир хонада яшади-ку. Унча-мунчага маст бўладиганлардан эмас, кейин у меъёрни, ўзини қаерда қандай тутишни билади.

— Мен Саъдулланиям, Ферузаниям беш йилдан бери биламан,— деб сўзини давом эттирди Чори.— Иккови бир-бирига жуда муносиб. Ўйлайманки, булар ҳамма ҳавас қилса, ўртак олса арзигулик оила қурадилар. Оилада бахтли одам — ҳамма жойда, ҳаммиша бахтли, деган экан буюк ёзувчилардан бири. Мен Саъдулла билан Ферузага фахрланишга арзигулик оилавий бахт тилайман.

У ўтирмасдан қадаҳ кўтарди...

Соат ўн иккидан ошганда тўй охиради...

Шу воқеалардан сўнг Олим Акбарович билан Муаззам опа қаттиқ туриб олишди: «Ҳеч қурса бирон ҳафта шу ерда туринглар. Ресторандан чиқиб бировнинг ҳовлисига бориш эшитган қулоғу кўрган кўзга хунук. Кейин бир гап бўлар, чиқиб кетарсилар квартирага...» Феруза йўқ дея олмади, ота-онаси истагини ётиғи билан Саъдуллага ҳам тушунтирди. «Бир ҳафтагина... Кейин бизни ҳеч ким тутиб туролмайди». Саъдулла кўп андишаларга бориб кўнди.

Осон тоб ташлаганига энди пушаймон...

Ресторан эшигидан сал нарироқда ялтиллаб турган машинага ўтиришаётганда кимнингдир «Ие, ичкуёвми?» деган луқмаси қулоғига чалинди ва юрагини ханжардай тешиб ўтди. Лекин ҳозир унга додини айтолмайди, аҳволини тушунтиролмайди. Тўй чоғида келин-куёв на яхши гапга, на ёмон гапга қўшилади, тўғрими ёки нотўғрими, индамай эшитиб ўтираверади. Агар истиҳола қилишга мажбур бўлмаса ҳозир Саъдулла ҳалиги кишига боплаб жавоб берарди. «Ие, ака, нима деяпсиз? Ичкуёв даъвойим йўқ асло. Ферузанинг ота-онаси кўнглига қараб уч-тўрт кунгина турмоқ учун боряпман. Аслида, эски шаҳардан ижарага уй топиб қўйганман. Уч юз сўм бериб ремонт ҳам қилдирганман», дер эди. Бу гаплар ичида қат-қат тахланган кўйи машинага ўтирди. Шовқин-сурон, қий-чув, бақир-чақирлар остида машиналар карвони йўлга тушди...

Олим Акбаровичнинг мўлжали бўлакча эди. У аввалига бир ҳафта деб, кейин яна муҳлатни узайтирмоқчи, шундай қилиб аста-секин қизи билан куёвини батамом ўз ҳовлисида олиб қолмоқчи эди. Бу фикри қисман Муаззам опага аён, аммо бошқаларга қоронғи, таниш-билиш, қариндош-уруғлар ҳафта-ўн кунда кўчиб кетишармиш, деб юрарди.

Саъдулла учун эса ўша бир ҳафта ҳам минг азобда кечди. Устига-устак, ҳали ишга тушмаганди. Эртадан кечгача бекор. Қайнотаси-ку, ўз юмуши билан машғул, бироқ қайнонаси отпусқада, кун бўйи унинг юзига термилиб ўтираве-риш... Куёв учун бундан ортиқ жазо борми? Қафасдаги бедана ҳам Саъдулладан эркинроқ сезса керак ўзини.

У уйда икки кун ўтирди. Учинчи кун нонуштадан кейин кийина бошлади.

— Ҳа,— деди Феруза.— Йўл бўлсин?

— Бир айланиб келай, жуда юрагим сиқилиб кетди.

— Мен билан зерикапсизми?

Саъдулла Ферузани қучиб ўпди:

— Сиз билан ҳеч қачон зерикмайман, жоним. Лекин бу ерда қандайдир ноқулай. Тезроқ кўчиб кета қолайлик.

Саъдулла кўчага чиқди. Борадиган жойи нотайин. Ётоқхонага борай деса, ҳозир ким бор у ерда. Ҳамма каникулда.

Ўйлаб-ўйлаб Эски шаҳарга — квартирасига борди. Ҳовли тўзиб ётибди. «Кампир ҳам анчадан бери йўқми дейман-да. Эгасиздай бўп қопти». Унг томондаги икки хонали уй деразаларини очиб, шамоллатди. Утириб сигарет чекди, жуда маза қилди. Кейин ечиниб, у ёқ-бу ёқни тартибга солди, резина ичакни водопроводга улаб, шилқиллатиб сув сепди. Ахлатларни бир чеккага уйиб қўйди. Муздай сувда ювинди-да, ичкари кириб каровотга чўзилди.

Кейинги уч-тўрт кун ичида биринчи марта мириқиб ухлади.

Аммо бир пайт босриқди. Ва ҳадеб кулумсираётган Салимага рўпара бўлди. Салимани кўрмаганига икки йилдан ошдиёв. Ҳеч хаёлига келмаган, фикри-ёди бошқа нарсалар билан банд бир кунда тушида безовта қилса... Яна қанақа ҳолда денг — иккови оқшом чоғи қайрағоч остидаги суви қуриб қолган ҳовуз ичига кириб, буталар, ўтлар панасига бекиниб қаймоқлашиб ўтирганмиш. Саъдулла унинг сочларини силаб, юз-кўзларидан ўпармиш. Салима ҳеч қаршилик кўрсатмас, аксинча Саъдулланинг қучоғига баттар сингиб борар эмиш. Ёлғизоёқ йўлдан оёқ товуши эшитилибди. Иккови ҳам қулоғини динг қилиб ўша томонга қарабди. Келаётган Феруза эмиш. Саъдулла қотиб қопти, Салима эса кўрққан олдин мушт кўтарар қабилида Ферузага дўқ урибди: «Ҳа, тортиб олганинг етмагандай, шу ердаям ҳозир бўлдингми?» Феруза уларнинг ўтиришига қарай-қарай, бирдан йиғлаб юборибди-да, ортига қайрилиб чопиб кетибди. Саъдулла жойидан ирғиб туриб, унинг орқасидан югурибди: «Феруза! Тўхтанг, Феруза!»

Ўз овозидан чўчиб ўйғонди ва атрофига аланг-жаланг боқди. Бир оз кайфи ўчди. Ўрнидан туриб, хомушланганча оёғини каравотга осилтириб ўтирди. Ғалати тушни ўйлади. Бирон-бир маъно тополмади. «Эй, туш-да, шунгайм бош қотириб ўтирибманми? Нималар кирмайди тушга...» Ҳовлига чиқиб ювинди. «Энди бориш керак. Ферузаям зерикиб ўтиргандир».

Саъдулла истар-истамас қайтиб келганда Олим Акбарович ҳовлидаги креслода ястаниб ўтирганча журнал варақлар, Муаззам опа эса телевизор томоша қиларди.

— Келинг, ўғлим,— деди Олим Акбарович босиқлик билан.

Саъдулла курсига ўтирди. Алланарсалар ҳақида эзмаланган кўйи Муаззам опа дастурхон ёзди. Феруза чинни косаларда шўрва сузиб келди. Гангир-гунгур суҳбат устида бафуржа овқатланишди. Дастурхонга фотиҳа ўқилгандан сўнг қайнотаси нечундир тўйдан гап очди.

— Хўш, тўйдан хурсандмисизлар? — деб сўради салмоқлаб, табассум билан.— Ё камчилик бўлдимми?

— Йўқ,— деди Феруза астагина.

«Сиз қандай фикрда?», дегандай Олим Акбарович Саъдуллага қаради. Сал хижолат чеккан Саъдулла ҳаммаси жойида эканлигига ишора қилиб бош ирғади.

— Қариндош-уруғларингиз, ўртоқларингиз молодец экан, жуда яхши хизмат қилишди, азаматлар.

Олим Акбарович чертиб-чертиб, дона-дона қилиб гапирарди. У эллик бешда, лекин ёшига қараганда қарироқ кўринади. Сабабки, тўнғич ўғли вафот этгандан кейин бирдан ўзини олдириб қўйган. Шўрлик йигитчани ўн яшарлигида кўчага ўйнаб чиққанда машина уриб кетган экан. Бу фожиа Олим Акбаровичдан ҳам кўра Муаззам опани кўпроқ қаритиб юборган. Гарчи сочлари оқарган, кўрган одам олтамишдан ошган хаёл қилса-да, Олим Акбаровичнинг гаплари ўктам, ҳаракатлари чаққон, юзларидан доим қон томиб турарди. Басавлат гавдасига кулранг костюм шундай ярашади, шундай кўрк ва салобат бағишлайдики, унча-мунча одам олдида сўзидан адашиб, довдираб қолади.

— Ҳа, айтгандай,— деди Олим Акбарович, бир нарса эсига тушгандай сергак тортиб.— Тўй куни сўзга чиққан ўртоғингиз қаердан, ўғлим? Отини нима дейишди?

— Чори,— деди Саъдулла ажабланиб.— Сурхондарёдан.

— Сал маҳмадонороқ йигитми дейман-да?

Саъдулла елка қисди. Унинг ўрнига Феруза жавоб берди.

— Йўқ, унақамас. Жуда яхши бола.

Олим Акбарович қизига қараб кинояли кулди.

— Ҳеҳ, қизим, сен одамларни қаёқдан биласан. Одам оласи ичида, дейдилар.

Қадрдон жўраси шаънига айтилган бу гап Саъдулланинг иззат-нафсига тегди. Аммо бетга чопгани журъат этмади. Бир томони янги куёв...

— Йўқ,— деди секин,— Чори унақалардан эмас. Феруза тўғри айтади, у жуда яхши йигит. Оғир-вазмин, мулоҳазали.

Саъдулла товушни кўтармади, бироқ ҳаяжонлангани, қайсидир даражада қизишгани сўзлаш оҳангидан сезилди. Буни Олим Акбарович фаҳмлади, лекин билмаганга олди.

— Ундай бўлса тузук,— деди салмоқлаб.

Олим Акбарович Чорини нега суриштираётгани хусусида ҳозир Саъдулла ўйлаб ҳам кўрмади. Бетизгин хаёлида бошқа мулоҳаза чарх урар, шуни қайнотасига қандай айтиш йўлини қидирарди.

Орага оғир сукунат чўкди. Телевизорда пахтакорларга бағишланган кўрсатув тугаб, «Анна Каренина» киноси бошланди. Қачонлардир романни ўқиган эди, дафъатан унинг илк жумласини эслади: «Бахтли оилаларнинг ҳаммаси бир-бирига ўхшайди, бахтсиз оилаларнинг эса ҳар бири ўзича бахтсиздир».

— Сиз кўрасизми кинони?

Саъдулла қайнотаси саволига мужмалроқ жавоб берди. Олим Акбарович «Бўпти, мен дам оламан, сизлар томоша қилинглар», деб ўрнидан турмоқчи эди, Саъдулла сўз қотди.

— Олим Акбарович,— у бир неча марта дада дейишни мўлжаллади, аммо сира тили бормади.— Сиз билан... маслаҳат қилмоқчи эдим.

Фақат Олим Акбарович эмас, Муаззам опа билан Феруза ҳам Саъдуллага юзланди.

— Хўш, ўғлим, эшитаман.

— Агар рухсат берсангиз, биз эртами-индинми...

Саъдулла фикрини охирига етказмасдан Олим Акбарович барини тундунди. Ва куёвини шартта силтаб ташладики, ўткир ойболта тол хивични кесиб тушгандай бўлди.

— Нима, бу ер сизга ёқмаяптими?

— Гап унда эмас... Сизларни ҳадеб безовта қилишнинг нима кераги бор? Сиз кучадан чарчаб келасиз. Унинг устига ҳадемай мен ҳам, Феруза ҳам ишга тушамиз. Шунинг учун вақт борида кўчиб, жойлашиб олсак, деб ўйлагандим.

Олим Акбарович креслога ястанган кўйи сукутга толди. Саъдулла сабрсизлик билан жавоб кутарди.

— Умуман, мен қарши эмасман,— энди Олим Акбарович боя дағаллик қилган одамга сира ўхшамас, товуши мулойимлашиб қолган эди.— Лекин, менга қолса, ҳозирча шошилмаганларинг тузук. Қани, аввал ишни бошланглар, оғир-енгилга кўникинглар. Кейин, мен ўзим ўртоқларга айтиб, квартира тўғрилатиб бераман. Бировнинг эшигида сиғиндидай бўлиб юриш... Менинг қизим билан куёвим шунақа ҳолда юрса уят-ку... Унгача шу ерда бемалол тураверинглар. Бу ҳовлини, бу уйларни биз нима қиламиз? — У турфа гуллар бўйига кўмилган кенг ҳовлига, қатор уйларга ишора қилди.— Ким сизларга халақит беради?

— Ҳаммаси тўғри, Олим Акбарович, бироқ ўзингиздан қолар гап йўқ...

Олим Акбарович оғир қўзғалди.

— Яхши, ўйлаб кўрайлик. Ҳали вақт бор шекилли!

Қовоғидан қор ёйилганча у хобгоҳга йўналди. Ҳамма гапни эшитиб ўтирган Муаззам опа билан Феруза миқ этмай, атайлаб телевизорга тикилиб қолишган эди.

Уша кечаси Саъдулла Ферузанинг оғзини пойлади. Дадаси билан бўлган суҳбат ҳақида ўз фикрини билдирар, деб ўйлади. Лекин Феруза лаб ёрмади...

Олим Акбаровичнинг бироз тундлашган қиёфаси ҳам, Муаззам опанинг гоҳ ялиниб-ёлворишлари, гоҳ аччиқ-тирсик гаплари ҳам Саъдулла кўнглини юмшатмади, уни фикридан қайтаролмади. Уша суҳбатдан сўнг орадан беш кун ўтгач, улар ижарага чиқиб кетишди.

Бировникида ижарада яшаш — осонмас. Тақдирнинг бу азоби нималигини бошидан ўтказган билади. Уй эгаси сал инсофлироқ бўлса-ку, бир нави-я, бети қалинроғига йўлиқсанг расво-да! Қарангки, улар худди шунақасига — етмишдан ошган эзма кампирга дучор бўлишди.

Ана-мана дегунча орадан тўрт ой ўтди. Лекин тўрт ой тўрт йилдан ҳам кўпроқ туюлди. Кампирнинг ғалати одати бор: Саъдулла билан Феруза чиқиб кетиши билан у ҳам дарвозани қулфлаб қизиникига жўнайди. Улар уйга кириши ҳамона, худди бир жойда кузатиб тургандай, орқаларидан етиб келади. «Ана, оингиз ҳозир нозир», дейди Феруза Саъдуллага. Кампири тушгур даҳлиздаги курсига бемалол ўтиради-да, сумкасидан сигарет чиқаради:

— Вой жоним-эй, чарчаб кетдим-эй. Отам, гугуртингизни беринг, битта чекиб олай, кейин уйимга кетаман.

Саъдулла гугурт узатади. Кампир қутичага шундай кўлини тикади-да, нечта дона чиқса ҳаммасини бирдан повв эткизиб ёқади. Сигаретни бурқситиб тутатади, сўнг бафуржа ўчиради.

— Дадангиз, аянгиз яхши юришиптими, онам? — деб Ферузадан ҳолаҳвол сўрайди. Феруза қисқа қилмоқ ниятида, «Раҳмат, раҳмат. Салом айтиб юборишди», деб қўя қолади. Аммо кампирнинг гапи шу билан тугамайди. — Бир пиёла сувингиздан беринг, отам. Юрагим ўлгур ўйнаб кетяпти. Чарчадимми йўлда, нима бало.— Саъдулла пиёла тутатади. У сувни ғулт-ғулт эткизиб ичади-да, мириқиб сигарет тортади. Кампир сувни ютоққандай шимириб ичиши Ферузанинг кўнглини айнитади. Шу боис у кўлига пиёлани олиши билан Феруза ичкари хонага, бир нарсани баҳоналаб, кириб кетади. Чанқоғини босиб олган кампир эса тўхтаган жойидан дийдиёсини давом эттиради. — Ҳозир келяпсам денг, отам, бир кўшнимиз бор, оти Толмас, шуни кўриб қолдим. Ҳа, ойи, қалайсиз, соғлигингиз жойидами, дейди. Юрагим шувиллаб кетди денг. Бу, балога йўлиққур, бекорга сўрамайди, бир балони билади.

Саъдулла унга таскин бермоқ ниятида:

— Шунчаки сўрагандир-да, сизни ҳурмат қилиб,— дейди.

— Йўқ, сиз билмайсиз-да, уни, отам, у бекорга сўрамайди. Бир балони билади.

Саъдулла билан Феруза кўчиб келибдики, кампирнинг оғзидан ҳовлиси тушмайди. Эртаю кеч, ҳовлимни биров олиб қўяди, деган хавотирда юради. Қизларининг униси қўйиб буниси, буниси қўйиб униси ёлворади: «Ойи, юринг, ёлғиз бу ерда нима қиласиз? Ҳовлини сотайлик, ўзи ҳаммаёғи тўкилиб ётипти, унинг устига ҳадемай бузади». Йўқ, қаёқда, кампирнинг кўзига бу чолдевор Боғи эрам бўлиб кўринади. Бундан бир неча йил илгари қўшниларида бири ҳазиллашиб: «Ойи, энди қизингизникига кўчиб кетаверинг. Ҳовлингизни маҳалла комитети фалончига сотган», деб бола-чақаси кўп Ҳожиаҳмад деган бир киши номини айтган экан. Шу-шу кампирнинг назарида ҳозир ўша одам келиб: «Чиқ ҳовлидан, энди сенинг ҳаққинг йўқ!», дейдигандай туюлаверади. Ўшандан бери кўча-кўйда биров ҳол-аҳвол сўраса ҳам кўнглига шубҳа тушади. «Бу бекорга сўрамаяпти, бир балони билади», деб туриб олади. Қизлариникига ҳам кўп бормайди, борса ҳам бир кеча ё ётади, ё ётмайди, дарров қайтиб келади...

Саъдулла-ку тишини тишига босиб чидайди, бошқа иложи йўқ, аммо Ферузадан хавотирланади. «Турмайман бу ерда! Анов жодугар ҳасрати жонимга тегиб кетди!» деса у нима қилади? Яна қаердан жой қидиради, кимнинг эшигига сарғайиб боради? Лекин ҳозирча Феруза индагани йўқ — дарди ичида!..

Ҳаммадан шанба ёмон. Феруза илгари бу кунни жуда яхши кўрар, орзиқиб кутарди. Эртасига дарс йўқ, истаганча телевизор кўриш, радио ёки магнитофон эшитиш мумкин эди-да. Бу ерга кўчиб келдию, шанбанинг турган-битгани азобга айланди. Сабаби — у шанбада ишга бормади. Феруза шаҳардаги корхоналардан бирига юрист бўлиб ишга кирди, Саъдулла эса факультетда ўқитувчи бўлиб қолди. Биринчи йил ишлаётганию яқинда ўйланганини ҳисобга олиб, бу йил уни пахтага юборишмади, факультет ташвишлари ҳам етиб-ортарди.

Кампир, оғзидан сигарет тушмагани устига, (ўзининг айтишича ўн уч ёши-

да чилим чекишдан бошлаган экан), қишин-ёзин водопроводдан совуқ сув ичади. Унча-мунча овқатни назари илмайди: ош, дўлма, мантию қазидан гапиреди. Тагин муттасил иштаҳаси йўқлигидан нолийди: «Бир лаган ошни кўрдим деймасдим. Бир ўтиришда икки кило асал еганман. Қани энди у вақтлар?»

Бир куни — ўшанда ҳам шанба эди — Ферузанинг олдига кирди-да, яна ҳовли можаросини бошлади.

— Энди ҳовлимни ҳеч ким ололмайди, онам,— деди иршайиб.

Бу гап Ферузани ҳам қизиқтирди.

— Нега? Нима қилдингиз?

— Ҳовлимни олмоқчи бўлган Ҳожиаҳмад бор-ку, ўшани боладим. Кеча бир ҳовуч тупроққа лўли дам солиб берди, ўшани ҳовлисига сочиб юбордим.

— Энди нима бўлади?

Кампир беўхшов илжайди.

— У лўлини билмайсиз, жуда дами ўткир-да, хоҳлаган одамини хоҳлаган ҳайвонга айлантириб қўяди.

Феруза яйраб кулди. Кампир жони чиққудек бўлиб бўзарди. Дунёда энг ёмон кўргани — гапига кулган одам. Ҳозир Феруза ҳам кўзига балодай кўринди. Бу одатини Феруза биларди. Шу боис дарров ўзини қўлга олди, кулгидан тийилди. Жиддий туриб сўради:

— Ҳожиаҳмад акани нима қилмоқчисиз, ойи?

— Эшшак! — деди кампир астойдил.

— Болабсиз,— деди ўзини зўрға босиб Феруза.

Кечқурун Саъдуллага кампирнинг муддаосини кула-кула сўзлади.

— Ҳали эртага Ҳожиаҳмад акани одамлар эшак ҳолида кўришса-я, — деди Саъдулла тиззасига шапатилаб, қаҳ-қаҳ отиб.

Эртасига эрталаб — якшанба эмасми — бемалол ухлаб ётишганди, эшик қаттиқ-қаттиқ тақиллади. Баравар чўчиб уйғонишди. «Ким экан?» Саъдулла апил-тапил кийинди-да, эшикни очди. Остонада кампир турарди. Важоҳати кўрқинчли, кўзлари ола-кула.

— Тинчликми, ойи? — деди Саъдулла.

— Э, Ҳожиаҳмад балога йўлиқсин! — деди у таклифни кутмай ўзини ичкарига ураркан.

Ранги-қути ўчган кампир одатдагидек курсига бемалол ўтирди-да, сизгарет тутунини пуфлай-пуфлай жавради:

— Эрталабдан бери кўчада ўтирибман. Балога йўлиққур Ҳожиаҳмадни пойлаб. Ҳозир кўрдим, ўтиб кетди, одам, отам, одам, эшшак бўмапти.

Саъдулла билан Феруза ўзини тия олмади, кулиб юборишди. Кампир уларга ўқрайиб қаради-да, жаҳл билан ташқари юрди. Эшикни қарс ёпди. Ташқаридан қарғиши эшитилди: «Санларам балога йўлиқларинг!..»

Кўпинча Саъдулла кечаси алламаҳалгача китоб титкилаб, нималарнидир ёзиб-чизади. Баъзан Феруза ҳам ишхонасининг тугатолмаган ишларини олиб келади. Товуқ қўноғига кирмай ётиб оладиган кампир бир ухлаб туриб ҳовлига чиқади. Қараса, буларнинг чироғи ёниқ. Остонада қаққайганча овозининг борича бақиради: «Ҳой, олим, чироқни ўчир. Ярим тунгача катта лампочкани ёқиб ўтиради-я! Қоронғида бир-бирини кўрмайдими, нима бало? Бу қуриб кеткурнинг шифиллаб айланиб пул ишлашини ўйламайди, бу палакатлар».

Иzza еган Саъдулла билан Феруза бир-бирига қараб жилмайишдан нари ўтолмайди. Дағдага қилаётган кампирга индашмайди. Аммо сабр-тоқатнинг ҳам чегараси бор-да. Гоҳо чидаёлмай кетган Саъдулла ҳовлига отилади: «Мунча чинқирасиз! Пулини ўзим тўлайман. Бўлдими?!» Шунда бақирини учун кампирга яна баҳона топилади: «Юрагимни ёрай дединг-а! Э, кекирдагингни чўзмай балога гирифтор бўл! Пулини тўлармиш! Исқотни тўлайсан... Вой, юрагим-эй...» У вайсаб-вайсаб уйи томон лўкиллайди.

Яхшики, иддао, пўписа-кесатишларни Ферузанинг ота-онаси эшитмайди, билмайди. Агар бу олди-қочдидан хабар топишса, эрка қизларини бир соат қўйишмасди бу чолдевор ичидаги ялмоғиз чангалида...

Бир куни ота-онаси Ферузани астойдил ўртага олди. Юмшоқ, катта креслога чўкиб ўтирган Олим Акбарович хотинига қараб томоқ қирди. Хиёл хошуланиб ўтирган Муаззам опа:

— Феруза, қизим,— деб мурожаат қилди аста.— Ранг-рўйингга қара.



Телевизор кўраётган Феруза ялт этиб ойисига ўгирилди:

— Ранг-рўйимга нима қипти?

— Доим баланддан келасан. Ейиш-ичишингни тайини йўқ. Аҳволинг — ит ётишу мирза туриш. Одамларнинг оғзида миш-миш гап.

— Одамларнинг биз билан нима дарди бор? Биз ҳеч кимнинг ишига аралашаётганимиз йўқ-ку.

Олим Акбарович ҳамон жим, гўё бу суҳбат ўзига дахлсиз. Нигоҳи экранда, бироқ ҳеч нарса кўрмас, эшитмас, фикру хаёли хотини билан қизи суҳбатиде эди. Аслида у сўзсиз ҳаракатлари, маънодор йўталишлари билан гурунгда давомини бошқариб борарди. Буни Феруза ҳам сезиб турибди, лекин тутилмаган — ўғри эмас, дегандек, дадасига қарши бирон нима дея олмас, қанча эътирози бўлса, ҳаммасини ойисига айтарди. Эрининг ролини ижро этаётган Муаззам опа эса ўз вазифасини гоҳ қойиллатиб бажарар, гоҳ Ферузанинг кутилмаган, асосли мулҳазаларига жавоб тополмай довдираб қоларди.

— Нега одамларнинг иши бўлмас экан? — деди овозини бир парда баланд кўтариб. — Сен айтаверасан-да. Одамлар билан ҳисоблашмай кўр-чи. Ҳозир ҳамма оғзи билан юради. Унинг устига кимнинг қизи эканингни биласанми? Аданг сенинг қайнотангга ўхшаган қишлоғидаги тўртта чолдан бўлак ҳеч ким танимайдиган пақир одам эмаски, ҳеч кимнинг иши бўлмаса. Биласанми ўзи, аданг ким? Олим Акбарович! Бутун республика танийди. Юзлаб одамлар бир имосига маҳтал. — Олим Акбарович оғирлигини креслонинг у ёнбошидан-бу ёнбошига ташлади-да, йўталиб қўйди. — Сен шуларни ҳеч ўйлайсанми ўзи?

— Ҳаммасини биламан, — деди Феруза. — Адамлани ким эканликлариниям биламан, ёш бола эмасман, ахир. Бизга ўхшаб ижарада турганлар озми? Ҳаммаси вақтинча-ку! Аста-секин уй ҳам бўлар, бошқа нарсалар ҳам. Ахир сизлар ҳам мана шу уй-жойга, мана шу нарсаларга бирдан эришмагансизлар-ку?

Олим Акбарович телевизордан кўз узмаган ҳолда луқма ташлади:

— Райисполкомда уйнинг калитини тайёрлаб кутиб ўтиришган эмиш, Саъдуллавой билан Ферузахон келиб олиб кетишсин деб.

Феруза дадасига гинали қаради. Киноя юрагини ачитиб кетган эди. Аламли гапларни айтиб ташлаб хумордан чиққиси келди. Ота бетига чопиши яхши эмаслигини ўйлаб, яна ўзини тийди.

— Ижарада турганлар кўп, тўғри, аммо улар ноилождир. Ҳамманиям сенга ўхшаган меҳрибон адаси йўқдир ахир. Шўтга келиб, биззи бағримизни тўлдириб ўтирсаларинг аданг ҳаммасини ўзлари қилиб берадилар. Мошинаям олиб берадилар, эрингни диссертациясияям ёрдамлашадилар, юрфақдагиларнинг қанчаси адангни шоғирдлари, бир оғиз айтсалар, ҳатто ўзлари ёзиб беришади. Ўзининг нафини билмаган ўжар бола экан-да. Қаёқдан топа қолдинг ўзи кал — кўнгли нозик қишлоқини?..

— Э, осилиб келган поездидан ўргилдим, — минғирлади Олим Акбарович.

Ҳалиги кесатикдан ҳам ошиб тушган бу луқмадан кейин Феруза ўзини туюлмади.

— Ада! Бу нима деганингиз? Ахир куёвингиз-а. Шунақа гаплар ярашадими сизга? Ойим айтганларидай, сиз Олим Акбаровичсиз-ку! Мени қайнотамга ўхшаган тўртта чолдан бошқа ҳеч ким танимайдиган пақир одам эмассиз-ку!

Дарвоза қўнғироғи жирингладию мунозара тўхтади. Муаззам опа, орқасидан Феруза ҳовлига чиқди. Кўчадан гўнғир-гўнғир овозлар эшитилди. Муаззам опа дарчага ўхшаш эшикчани очди. Башанг кийинган хушбичим йигит салом берди. Нарироқда турган сутранг «Волга»да шофёрдан бошқа яна бир киши ўтирарди. Улар ҳам машинадан тушиб, Муаззам опа билан эски қадрдонлардай куюқ сўрашишди.

— Келинлар, келинлар, марҳамат...

Хушбичим йигит Муаззам опа таклифини кутмасданоқ дарвоза илгакларини тушириб, чаққонлик билан табақаларни бургут қанотларидай қилиб очди. «Волга» ичкарига кирди.

Чақирилмаган меҳмонларни Феруза таниди. Бир неча йилдан бери шу уч одам уйларида тез-тез пайдо бўлади. Булар ким, қаердан, нима учун келишадиди? Бу жиҳати Ферузага қоронғи. Аммо, шуни биладики, дадаси уларни доим хушчақчақлик билан кутиб олади, сал узоқлашиб кетишса, жуда камнамо-

сизлар, деб ўпка-гина қилади. Ҳар гал улар келиши ҳамона Феруза билан онаси ошхонага чопади — куймана-куймана лаззатли таомлар тайёрлашади. Ўрганиб қолган бу одатини Феруза ҳозир ҳам тарк этолмади. Индамай, ошхона томонга юрди. Шофёр билан хушбичим йигит ошхона ёнидаги кичик уйчага — дадасининг тили билан айтганда, озиқ-овқат омборига бир қанча қутиларни келтириб тахлашди.

Муаззам опа меҳмонларни ичкарига бошлади. Яп-янги дастурхон солди, қанд-қурс, писта-бодом, асалу қаймоқ кўйди. Кейин Ферузанинг ёнига борди. Пахта гулли чойнакларнинг бирига цейлон чойидан, бирига «тўқсон беш»дан дамлади.

— Мен кетдим энди, оий,— деди Феруза.

— Шошилма, борасан-да, шу «уйинг»га. Овқат-повқат еб кетгин.

— Овқат едим-ку. Куёвингиз ҳам кутиб ўтиргандир.

— Ҳеч қурса гўшт-пўшт тўғрашиб юбор менга. Кейин кетарсан.

Онасининг асосий муддаоси шу аслида. Буни Феруза билади. Қизиқ, у ақлини таниб, қўлидан иш келадиган бўлгандан буён кўп вақтини овқат пишириш билан ўтказипти. Қўни-қўшнилари эса унинг пазандалигига шубҳа билан қарашади. Кўпчилик назарида Феруза ҳам ҳозирги аксарият замонавий қизларга ўхшаган — овқат пишириш у ёқда турсин, чой дамлашни ҳам тузук-қуруқ эпполмайди. Ахир, кимсан, Олим Акбаровичнинг қизи, ўқиш шунчаки эрмак, дадаси тўғрилаб кўйган, хоҳласа — боради, хоҳламаса — йўқ. Баҳолар қўйилаверади.

Аслида... Бу факультетни Ферузанинг ўзи танлади. Ҳатто дадаси бошқа енгилроқ ўқишга киритиб қўймоқчи бўлганда унамади. Шу соҳага қизиқди. У юристларни энг адолатли, энг ростгўй одамлар, деб ўйларди. Кейинчалик бу ўйлари пуч эканлигини билди, практикага борганларида қаллоблар, мунофиқлар, порахўрлар шу касб эгалари ичида ҳам тиқилиб ётганини кўрди. Аммо энди кеч эди. Хаёлига бошқа фикр келди. Ҳамонки, юристлар орасида шунақалари кўп экан, уларга қарши курашмоқ керак! У билиб қолди: анови оёқ-қўли енгил одамлар ҳам уйларига бекор келмас экан. Дадаси билан улар ўртасида нимадир бор. Аммо нима эканини Феруза аниқ билмайди. Ҳатто бу ҳақда дадаси билан ойдисига бир-икки гап ҳам очган. Бироқ дадаси жеркиб ташлаган: «Бундай ишларга аралашма. Овқатингни пишир, дарсингни қил, тамом».

Бу мавзуда у Саъдулла билан кўп тортишди. Узундан-узоқ баҳслашувлар чоғида фикрлари, қарашлари бир жойдан чиққанлиги учун юлдузлари юлдузларига тўғри келиб қолган бўлса ажаб эмас! Аслида буни ўйлашганим йўқ. Йигитга қизнинг қадду қомати, хусн-чиروي кўпроқ ёқди. Айниқса кўзлари Саъдуллани асир этди-қўйди. Феруза эса Саъдулланинг оғир-вазминлигини, баъзи йигитларга ўхшаб кўринган қизга суйқаниб, шилқимлик қилавермаслигини, энг муҳими, мустақил фикри борлигини хушлади.

Дастлаб танишган кезларидаёқ Саъдулла Ферузанинг исми жисмига мослигини, хусусан, ақлу ҳуши ва фаросати ҳусну малоҳатиға монанд эканлигини самимият билан эътироф этганди. Мана, турмуш қуришгандан буён неча ой ўтди. Саъдулла ўша эътирофда адашмаганлигига иқроқ. Негаки, Феруза ҳар қадамда фаросатли ва оқила эканлигини намоён этмоқда; у ҳали бирон марта турмуш қийинчиликларидан оғринганини, етишмовчиликлардан нолиганини билмайди. Бироқ гоҳо-гоҳо хаёлига турли нохуш фикрлар ёпирилади: «Феруза мен билан чидаб яшайверармикин? Бошимизга қачон бошпана битади, қачон одамларга ўхшаб у ёқ-бу ёқни тузатиб оламиз? Йўқчилик нима эканини билмаган қиз менинг бу дарвешона турмушимга охиригача бардош берармикин? Бунинг устига у ёқда ота-онаси гиж-гижлаб турса...» Шундай кезларда, Феруза уни ташлаб кетадигандай, юраги шувиллаб, кўнгли хуфтон бўлади. Аммо яна ўзига ўзи таскин беради, бемаъни ўйлардан ўзини чалғитади...

Феруза қозонга масаллиқ солди, қирқ беш минутдан кейин сузасиз, деб онасига тайинлади. Ўзи эса йўл тараддудини кўрди. Муаззам опа, гарчи ичида ранжиса-да, ҳеч нарса демади. Унинг сумкасига у-бу нарса солиб берди. Феруза: «Қўйинг, керак эмас, ҳамма нарса бор», деганига қулоқ солмади. «Олиб кетавер, мунча отдан тушсанг ҳам эгардан тушмайсан», дея жеркиди.

Дадаси билан ойдисининг шунақа тағдор қочирилари Ферузанинг жонига

тегиб кетди. Келмай деса — иложи йўқ, ота-онаси. Келса — аччиқ киноялар. Ҳали у ёқда Саъдулла ҳам минғирламасайди. Ойисиникидан нарса олиб борса Саъдулланинг қовоғи тушиб кетади...

Феруза оғир сумкани кўтариб кириб келганда Саъдулла сигарет тутунига кўмилиб, китоб ўқиб ўтирар эди. У бир Ферузага, бир қаппайган сумкага ҳўмрайиб қаради, лекин индамади. Феруза ечиниб чиқди-да, сумкасидан нарсалар олди. Икки килоча гўшт, дудланган колбаса, думба ёғи, яна алланималар бор эди.

— Дадангизнинг ошналари кепти-да,— деди Саъдулла кесатиб.

Феруза кўрққан аввал мушт кўтарар қабилида дарров олдини олди.

— Шунча керакмас десам ҳам, ойм қўймай тикиштирдилар.

Саъдулла чуқур уҳ тортди.

— Уларнинг мақсади нима, билмайман... Мени кечиринг-у, Феруза, дадангиз ҳаром ишларига бизни ҳам шерик қилмоқчимиз?


Феруза бўшашиб курсига ўтирди. Нима десин, нима қилсин у? Бу бармоғини тишласа ҳам оғрийдим, унисини тишласа ҳам. Бунақа аҳвол қачонгача давом этади? Дадаси билан ойиси буларни тушунармикан ёки Саъдулла уларга ён бергани маъқулми? Ферузанинг ўзи-чи? Ўзи нимани истайди? Бир кўнгли, бор-э, деб дадаси билан ойисининг сўзига кириб, маза қилиб яшагиси келади. Рост-да, бу дунёга асаббужарликлар учун келганми? Бошқа дугоналари қатори ўйнаб-кулиб, истаган кийимини кийиб, хоҳлаган ишини қилиб, беш кунлик дунёда давру даврон сурса нима қипти? Бировдан кам жойи борми? Дадасига бир оғиз айтса бас, истаган нарсасини муҳайё қилади. Лекин Саъдулла кўнармикан? Ўзи-чи? Шунга астойдил истайдими? Борингки, Саъдулла ҳам унинг гапларига кирди дейлик. Ҳўш, бу сафо қачонгача давом этади? Дадаси қачонгача мансаб курсида ўтиради? Ахир ёши қирқ-эликка борганида ҳам дадасининг мўмай пуллари ҳисобига яшаб юролмас... Ҳарҳолда Феруза ҳаёт паст-баланддан иборатлигини билади. Билиб, шу йўлга қадам босган. Энди чидайди, ҳаммасига чидайди. Бундан оғир синовларга ҳам бардош беради. Саъдуллага суянади, ишонади. Юраги сезади: у ҳеч қачон алдамайди, чап бериб кетмайди...

Феруза аста эри ёнига ўтирди. Чақнаётган кўзларига меҳр билан термилди, секин бўйнига қўл солиб эркаланди.

— Жоним, кўп асабийлашманг,— деди майин овозда.— Соғлигингиз керак менга. Бу нарсаларга парво қилманг. Сиз мени билинг, менга ишонинг.

Феруза эрининг дағал юзларини силади. Кафтлари шу қадар силлиқ, майин эдики, Саъдулланинг бутун баданига бир илиқлик югурди. Кўнглидаги ғазаб ўрнини меҳр эгаллади. У ҳам Ферузанинг сочларини кафтлари орасига олди...

**Давоми келгуси сонда**



Сирожиддин Сайид

## СИЗНИ ИЗЛАБ ЮРАР КЎКЛАМ ЕЛЛАРИ

### Соғинч таҳлили

Бировнинг соғинчи эзди кўп ёмон,  
Дўстим, бу фоже бир ўзимга аён.  
Эски дафтардан.

Бировни соғинмай яшамоқ оғир,  
Соғиниб яшамоқ ундан ҳам оғир.  
Бу ҳам етмагандай уч кундан буён  
ёмғиру ёмғир.  
Соғинч дийдирайди лойгарчиликда,  
«Чилп-чилп» товуш келар.  
Йиллар ўприлар.  
Дарёлар тошади.

Беланчаклардай  
жим оқиб кетгайлар осма кўприклар.  
Тошлар шу соғинчнинг ёшлари эрур —  
Соғиниб-соғиниб тошга айланган.  
Кўнглим тугунларин ечолмайман мен,  
Улар соғинч билан бойланган.  
Мен қачон чалиндим ўзи бу дардга,  
Бу соғинч касалин юқтирдим қачон?  
Қора булут янглиғ соғинч йилларки  
Руҳимда муаллақ турибди ҳамон.  
На тарқаб кетгайдир

ва на йиғлайди.

Ойлар ўтган сайин у қуюқ,  
қуюқ.

Шул сабаб музлайман саратонларда,  
Ёмғирлар остида кетгайман куйиб.  
Соғинч айрилмайди мендан бир нафас.  
Доим бирга борар меҳмонга, тўйга.  
Мени ўтиргани қўймайди соғинч,  
Эзилиб кетяпман, кетдик, дер, уйга.  
Дунё пойафзалдай пойгакда қолар.

Ёник қолдираман даҳлиз чироғин.  
Соғинч ўзгаларни кўкартирса гар,  
Мени куйдиради охир бу соғинч.  
Ўзимни силкитсам — барглар тўкилар,  
Хазонимни кўргил, хазонрез боғим!  
Умр ўтмоқдадир.

Лекин бир умр  
Ўтмай сил қилади мени бу соғинч!  
Сени соғинмасдан яшамоқ оғир.  
Соғиниб яшамоқ ундан-да оғир.  
Сени соғинаман ёнингда юриб,  
Бу ҳам етмагандай ёмғиру ёмғир.

Соғинч пўстин янглиғ босар елкамдан,  
Бўйнимга шарф янглиғ ўраладир у.  
Кураб ташлаш мумкин ёққан қорларни,  
Соғинч — мангу қордир.  
Куралмайди у.

## Тренер хотирасига

Хайр, Исмат ака!  
Ўйин тугади!  
Йиллар ўлим билан тугади!  
Бу майдон ҳеч қачон энди тўлмайди —  
Болалар футбол, деб келмайди!  
Мактаб.  
Сўнги кўнғироқлар чинқирар,  
Ойналар ҳеч қачон энди синмайди!  
Энди умр бўйи кўз ўнгимдан кетмай  
Оёқсиз кедалар мени қийнайди!  
Хайр, Исмат ака!  
Югурар ойлар,  
Коптоқларни олиб кунлар югурар.  
Коптоқлар. Коптоқлар. Коптоқлар қолар!  
Коптоқлардан юлқиб олар мени орзулар.  
Сўнг бир кун ғам билан кўкка қарайман:  
Узуқ-юлуқ кезиб юрган қалдиरोқ надир? —  
Англайман:  
Самода булутлар эмас —  
«Пахтакор»нинг портлаб кетган коптоқларидир!  
Теграмда сукутлар, фарёдлар, ёдлар...  
Видоларга тўлди ўсмир жаҳоним!  
Беомон яшашга чорлайди энди,  
Эрта кетганларнинг гирён армони.  
Сизни излаб юрар кўклам еллари.  
Сизни кўрмоқ истаб гуллар бутоқлар.  
Мени қалбда қолган сўзлардек қийнар  
Йилларнинг чангида қолган коптоқлар.

\* \* \*

Боболаринг азалдан  
туфроқ бўлгил, демишлар.  
Осмон бўлиб, унутма:  
осмонлиғинг омонат.  
Сен бақо камонидин  
учган учқур ўқдирсан.  
Чинқириб бородурсан —  
пайконлиғинг омонат.  
Гоҳ ўзингга сиғмайсан,  
гоҳ жаҳон сенга тордир.  
Ҳазин бўлма, ўзингга  
зиндонлиғинг омонат.  
Жунун занжирлари ҳам  
бир кун тинч қўйган сани.

Ишқ ичра оҳу ноланг,  
гирёнлиғинг омонат.  
Аҳбоб қилмишларидан  
тунлар ёстиғинг тошдир.  
Юлдузларни қаритган  
ҳайронлиғинг омонат.  
Дард санга сингил бўлмай,  
оға тутингай ғурбат.  
Бедардлар ичра соғу  
омонлиғинг омонат.  
Энг ёмони — танпарвар  
каслар пешво бўлсаю  
кўзларингга кўринса  
инсонлиғинг омонат.

Арслон терисидай  
силлиқ адирлар.  
Мен яна келдим,  
тақир тақдирлар.

Оҳудай йўқолди  
оҳу зорларим.  
Мен яна келдим,  
теракзорларим.

Мунғайган сўри,  
сўлғин қайрағоч,  
Мен яна келдим,  
баргларингни соч.

Ҳали ҳам бормисан,  
чанг пешонаси,  
шалоғи чиққан  
юк машинаси?

Қийшиқ дарвоза,  
чала чалдивор.  
Ҳали ҳам бормисан,  
эй чархи даввор?

Лойшувоқ уйлар,  
ғурбат фаровон.  
Аёллар чиқар  
куздай заъфарон.

Булар — сувчилар,  
куйган, униққан.  
Туфроғим каби  
ранги синиққан.

Тол соясида  
кекса бригадир  
чой қуяр менга  
тақдирдай тахир.

## Гунглар тўйида

Менинг оқ атиргулим, чиқиб келгил уйингдан...  
Уша тўйида айтилган қўшиқдан.

Ҳеч ким қақирмади мени.

Мен ўзим келдим

гувоҳ бўлмоқ учун тилсиз тақдирга.

Келиннинг онаси — қартаг волида  
суяниб ўтирар эди тандирга.

Бунда ҳамма тинмай гапирар эди:

Ким иш буюрарди, лоф урарди ким.

Шакаргуфтор эди диёнбегилар.

Келиннинг онаси ўтирарди жим.

Бунда ҳамма нарса чинқирар эди:

Учоқлар, пичоқлар — чинқирик.

Чинқириб ётарди сўйилган қўйлар,

Қозонлар қайнарди чатнаб, чинқириб.

Куёв турар эди айбдордай абгор,

Бийрон жўраларнинг қуршовида гунг.

Унинг кўзларида чинқирар эди

Гўёлар тушуниб етмайдиган мунг.

Бу қандай қисматким, кўрмаса раво

Меҳр такаллумин ёрига ёрнинг?!

Торларинг юлинсин, бераҳм рубоб!

Тошбағр чилдирма, ёрилсин қорнинг!

Сўнгра, чиқиб келди ул оқ атиргул

Атиргуллигин ҳам билмай, эшитмай,

Ҳеч кимга қарамай,

энг аввал,

бир зум

Онасига боқди тўхтаб эшиқда.

«Қизим!» — деб бўйнига осилди ҳасрат.

Атиргул титради, қўллари хино.

Сен бу оқ хаёлнинг тилсиз дардини

Англаб етармидинг, сўзфуруш дунё!

Уша кун ҳофизлар хониш қилдилар,

Ширинзабон қизлар айтдилар тилак.

Булар термилибон ўлтирар эди,


Булар ўтирарди кўз билан тинглаб,

Булар ўтирарди кўз билан айтиб,

Қўллар билан сўйлаб сеҳрларини.

Мен эса дилимда дафн этар эдим

Севги ҳақидаги бор шеърларимни.



Абдулқосим Мамарасулов

## УЧИНЧИ ЙЎЛ

Ҳикоя

О, дўстгинам!  
Ахир беш бармоқ  
Тугилмасди сабаб бўлмаса.  
Унинг ноҳақ тугилмаганин...  
Исботлайман, агар ўлмасам...

Абдулла Қўшбоқ

Ҳадемай тонг отиб қолади. Кеча кечқурундан бошланган ёмғир ҳамон майдалаб, эзиб ёғяпти. Шошилиш керак, аммо...

Барлоснинг йўлида «Волга» — такси лойга тикилиб қолган. Шофёр ҳамроҳи билан ёмғирда ивиб тўрт соатдан бери овора, лекин, машина демаган лойга ботса ботиб боряптики, шундайгина ёнидаги асфальтга чиқолмаяпти. Фалокат, шофёр ҳалқобдан ёнлаб ўтаман деб асфальти кўчирилган, тупроғи билқиллаб ётган жойга машинани солди-қўйди. Бир-икки машина ўтди. Шофёр уларни ёрдамга чақирмоқчи эди, Тожибой кўнмади, ҳатто таксининг чироқларини ўчиртириб: «Шу маъқул... Менга-ку бари бир, агар сизга тинчлик керак бўлса, айтганимни қилинг» деди. Йигит ноилож кўнди. Оз эмас, кўп эмас, роса беш юз сўмга келишиб, йўлга чиққан. Тўғри-да, унга бари бир эмасми? Фақат савил ёмғир... Бу ёғи Барлосгача ўртача тезликда яёв юрилса бир соатлик йўл, шудгор ораласа янаям яқин. Ана етдик деган жойда йиқилиб ўтиришипти.

Тожибой соатига қаради, сўнгра шошилиб машинани бир айланди-ю, йўлга чиққанча оёқларини қоқиб, ботинкасидан лойларни туширди.

— Шўпир ака, энди мен қишлоққа кетдим, ўзингиз бир амалларсиз. Бундан буёғига машиналар серқатнов бўлади, илтимос қилсангиз тортиб чиқаришади. Бу фалокатдан «озод» бўлишингиз ҳамон қишлоққа кирадиган муйи-лишга, йўлнинг четига бориб туринг.

Шофёр маъқуллаб бош силкиди, Тожибой ёмғирпўшига ўранди-ю, ас-

фальт йўл бўйлаб, жадал юриб кетди. Камбағалнинг ови юрса ҳам дови юрмайди, деганлари шу-да, бу «саёҳат» учун Тожибой роса икки йил тайёрланганди. Энди аламимдан чиқаман деганда... Тонг отиб қолса, қишлоққа кириб ҳам, чиқиб ҳам бўлмайди. У ёқда эса, соат тўққизгача етиб бормаса, «Тожибой қочипти», деб эълон қилишади. Шунга келишишган. Афсус... Тожибой сабри чидамай югура бошлади. Тезроқ, янада тезроқ... Ҳалиям имкон бор: ярим соатда қишлоққа кириб боради, ўн минутда ишни битиради, қолган ярим соатда қайтиб келолса...

Ёмондан худо безор, деганлари рост. Икки йил бурун Тожибой битта машина деб директор Хидир Собировични пичоқлаганида эс-ҳушини йўқотган, сал бўлмаса ўзини ўзи ўлдириб қўяёзганди. Буни қарангки, пичоқ директорнинг биқинига суқилгани билан кор жойига тегмаган, икки ой касалхонада ётиб, яна ишини қилаверганди. Икки ўртада Тожибой кесилиб, ўша иш тинчиди. Кесилгани алам қилмасди. Майли, бировларнинг йўриғига юрди, терговчи айтгандай, «мансабдор шахсга хизмат вазифасини ўтаётганда пичоқ кўтарди», ўлдирилмас-да, ишқилиб, Хидир Собировични қўрқитиб, ўзини яримжон қилди. Тожибой қилмиши учун жазога тортилишини муқаррар деб ҳисоблади, милицияга ҳам ўз оёғи билан борди. Терговда ҳам бор гапни рўй-рост айтди: директор ҳар битта янги машинани икки минг сўмдан сотаяпти, деди. Менинг пулим бўлмагани учун бермади, устидан ёзгандим, итдан баттар қилиб ҳайдади, тафтишчиларга пора бериб, тўхматчига чиқарди, деди. Юзи-кўзи захил, башараси қаримсиқ терговчи аввалига уч-тўрт кун у билан яхши муомалада бўлиб, ҳамма гапини батафсил ёзиб олди-да, кейин бирдан ўзгарди.

— Ораларингда нима гаплар бўлиб ўтгани мени қизиқтирмайди, — деди у бирдан. — Хидир Собировичга пичоқ ургангиз ростми?

— Рост, — Тожибой ажабланиб, елкасини учирди. — Ишонмасангиз га-раждагилардан сўранг. Ҳаммаси тасдиқлашади. Янги машинани Абдуллага бергандан кейин, алам ўтиб...

— Абдулла мени қизиқтирмайди. Демак, сиз алам ўтиб, яъни қасддан Хидир Собировичга суиқасд қилгансиз.

— Суиқасди нима?

— Хидир Собировични ўлдирмоқчи бўлгансиз? Шундайми?

— Ҳа... Уша янги машинани Абдуллага бергандан кейин менга: «Йўқол, ёзувчи! Барлосдан чиқиб кет», деди...

— Ёзувчилигингиз бошқа масала. Буни қўя турайлик. Сиз шикоят ёзиб, ўз даъвонгизни исботлаб беролмагансиз, яъни тўхматчисиз. Бунинг учун сизга беш йил, суиқасд учун ўн йил, жаъми ўн беш йилга кесиласиз! Лекин... Икки кундан бери Хидир Собирович ўзига келиб қолди. Гапиряпти. Менинг Тожибой Тошбоевда даъвом йўқ, уни қўйиб юборинглар, деяпти.

— Улмаптимиз? — Тожибой ҳайратдан ёқа ушлади. — Нега ўлмайди? Узун пичоқни ярмигача тикиб юборган эдим-ку?!

— Қизиқ одам экансиз! Хидир Собировичнинг ўлмай қолгани сизнинг бахтингиз. Бундан қувонмайсизми?

Тожибой маъюс тортиб, ерга қаради.

— Ана шунақа, — деди терговчи насиҳатомуз, — сиз ҳақақатан ҳам Хидир Собировични ўлдириш ниятида пичоқ ургансиз. У киши эса, ўз жаллодини оқлашларини илтимос қиляпти.

— Йўғ-э?! Хидир ака ростдан ҳам шундай дедими?

— Ҳа... «От тепкисини от кўтаради. Тожибой ҳақиқий йигит экан, мен уни шу вақтгача тушунмаган эканман. Баъзи бировларнинг гапига кириб, унга қаттиқ гапириб юборипман. Асли, айб мендан ҳам ўтган, Тожибойда ҳеч қандай даъвом йўқ. Иложи бўлса қўйиб юборинглар, унга янги машина бераман», деди. Сиз эса...

Тожибой бошини эгди. Кўнгли юмшади. Ҳарқалай Хидир аканинг унчалик ёмон одам эмаслигини ўзи ҳам билади. Унга ҳам қийин-да, раҳбарликнинг ўзи бўлмайди: сендан бир нима олсам ўндан бири менда қолмайди, деб неча бор тўғри гап билан тушунтирган. Аммо йўқчилик қурсин... Бунинг устига, анови уччови тезлади-ю... Ана энди, қовоқ бошингни деворга уравер!.. Янаям Хидир ака мардлик қилипти. Тўғри-да, раҳбарман деганининг бари бир гўр. Барлосда нечта катта ўтган бўлса, Хидир акадан ёмонроқ бўлса бордир, яхши эмас.



Ҳарқалай у муомалани биларди. Утганлар мис бўлса, бу тилла эди!.. Шундай одамнинг қонига...

— ...ана шунақа, — деди терговчи, — Хидир Собирович асл коммунист, инсонпарвар киши экан. Бунақа раҳбар камдан-кам бўлади.

— Мен энди нима қилишим керак? — сўради Тожибой. Унинг «озодманми, кетаверайми?», дейишга юраги бетламади.

— Делони тўлдирайлик, нима қилишингизни ўшалар айтади. Балки, қўйиб юборишар... Фақат, сўроқларимга тўғри, ёлғон аралаштирмай жавоб беринг.

— Шу вақтгача ҳам ёлғон аралаштирганим йўқ, — деди Тожибой мунғайиб.

— Ишни чалкаштиряпсиз... Хидир Собирович сиз учун илтимос қилгани билан бу ер давлат идораси. Уз қонун-қоидалари бор! «Эс-ҳушим жойида эди, ўзим қасддан пичоқ урдим», деяпсиз. Хўш, эс-ҳуши жойида одам пичоқ уради-ми? Бу жавобингиз учун эртага судья камида ўн беш йил беради, бўлмаса оттиради. Мен сизга ёрдам қилмоқчиман. Ҳа, жиноятингиз оғир! Сиз давлат кишисига суиқасд қилгансиз.

— Нима, Хидир Собирович давлат одами бўлса, биз ердан чиққанмизми? Давлатга хизмат қилиб юрибмиз-ку! — деди Тожибой аччиқланиб.

Терговчи стол устидан узалиб унинг башарасига мушт туширди. Тожибой ўтирган курсига қўшилиб, ағдарилиб тушди. Алам қилди. Лекин, аламини ичига ютишга мажбур. Шу даргоҳда «дам олиб» ётганидан бери калтакларга ўрганиб қолди. Агар қаршилик кўрсатса, чет хонага олиб ўтишади-да, давра қилишади, унда оҳ-войингга қулоқ соладиган одам бўлмайди. Ичи ачимайди. Минг ёмон дегани билан ичи ачиган, ҳолини сўраган ўша Мамат акаси билан янғаси бўлди. У деди-бу деди, зорланди, сўқди, лекин, бари бир жигарчилик экан, хабар олди. Анови тезлаган уччови, хабар олиш у ёқда турсин, Барлосда устидан гап тарқатипти. «Асли ўзи тентакнамо эди, қилғилиғига яраша топди...» — деганмиш Катта ака.

Тожибой ўрнидан туриб, курсини тўғрилади. Ҳеч нарса бўлмагандай, ачиётган лабини артганча жойига ўтирди.

— Ким сизни урди? — сўради терговчи.

— Ҳеч ким ургани йўқ... — Тожибой бу борада анча-мунча таълим олиб қолган эди, бошқа калтак емаслик учун «рост» гапирди.

— Ҳеч ким урмаса, — терговчининг юзида таҳқирли кулги кўринди. — Унда нега лабингиз кўкарган?

— Ўзим... Қаттиқ тишлаб олибман.

— Яхши... Демак, сўроқни давом эттирамиз.

Тожибой анграйди.

— Модомики, бу ердан тезроқ чиқишни истаркансиз, саволларимга лўнда, аниқ жавоб беринг. Хўш, икки минг сўм пул кимники эди?

— Мен... бир ҳафтадан бери айтяпман: икки минг сўм пул Хидир акани пичоқлаганимдан кейин қўлидан тушиб кетган... Сумкасидан...

Тожибой гапини тугатолмади, мушт зарбидан учиб бориб, боши деворга урилди. Гангиди. Бир муддат кўзлари тиниб, деворга суянди. Терговчи юзига сув сепди ва жойига ўтирғизди.

— Агар жиноятингиз енгиллашишини истасангиз, тўғриси айтинг! Икки минг сўм пул кимники эди?

— Меники эди... — деди Тожибой беҳол, ортиқ чидайолмаслигини англаб. Бир ҳафтадан бери шуну сўрашади. Тўғриси айтса, «нега ёлғон гапирасан?» деб уришади. Бўлганича бўлди: бир бошга бир ўлим, пишириб ейишсин-э!..

— «Икки минг сўм пул меники эди», деб ёзинг, — деди турговчи, унинг олдида дафтарни суриб, қўлига қалам тутқизаркан.

Тожибой қалтироқ қўллари билан эгри-бугри қилиб ёза бошлади. Терговчи бир пиёла сув тутди. Ҳамон ўзига келолмасди. Тишлари такиллаб, пиёлани ағдарди. Сув нақ дафтарни бўярди-ку, яхшиям терговчи эпчиллик қилиб қолди. Кейин дафтарни суриб, столнинг ҳўлини рўмолчаси билан артди. Ниҳоят, Тожибой амаллаб у талаб қилган сўзларни ёзди.

— Пулни нега гаражга кўтариб бордингиз? — сўради терговчи.

Тожибой «Қанақа пул?», демоқчи эди-ю, терговчининг гурзидай муштига кўзи тушиб, ютинди ва гапнинг «тўғриси»ни айтақолди:

— Янги машина учун директорга пора тарзида...

— Ёзинг!

Тожибой дафтарга ёзди.

— Директор пулни олдимиз?

— Йўқ...

— Ёзинг!

Тожибой ёзди.

— Директор пулни олмаганидан кейин сиз нима қилдингиз?

— Аламимдан унга пичоқ урдим...

— Бу бошқа гап! — терговчи хурсанд эди. — Ана, кўрдингизми, тўғри гапни айтсангиз, ҳеч ким сизни қийнамайди. Шу бир оғиз гап учун мени шунча вақт овора қилдингиз-а!.. Хў-ўш... судмедэкспертиза хулосаси бор, гувоҳларнинг кўргазмаси бор: Сафар, Абдулла... Совхоз партия ташкилотининг секретари Ҳамроқул Бозорович... Бўлди, етади. Энди биз ишни ёпамиз!

Тожибой бақрайиб турарди. Терговчи қоғозларини жамлаб, дафтарини ёпди-да, стол устига тарсиллатиб ташларкан, деди:

— Энди, Тожибой ака, ишингиз судга ўтади. Шу, бугунги гапингизда туринг. Биласиз, Хидир Собировичнинг томири маҳкам. Бу ўртада унга ҳеч кимнинг тиши ўтмайди. Ўзи ҳам дейман, қизига гап пичоқни яхшироқ тикмаган экансиз-да, а?! Ҳа, майли... Хуллас, эҳтиёт бўлинг! Қалтаклар эса?.. Сизни озгина чиниқтирдик, холос. Э-ҳа, ҳали ҳаммаси олдинда.

Ҳақиқатан ҳам кўргиликлари олдинда экан. Икки йилдан бери ахлоқини тузатяпти. Бу масканда шунақанги ахлоқ тузаткичлар борки... Тожибой терговчидан минг-минг рози. У ҳақиқатан ҳам салгина чиниқтирган экан. Судда — Тожибой бир сўзли, мард йигит-да — терговчига берган ваъдасида турди. Хидир ҳам мард экан. «Хўжалик ишлари билан бандман», деб судга келмади. «Тошбоев Тожибойда менинг даъвом йўқ», деб ёзиб берипти. Абдулла билан Сафар найнов қатнашди, улар ҳам ёмон гап айтишмади. Судлов ими-жимидида ўтди, биров билиб, биров билмай қолди. Ишлар шундай осон битаётгани учун (ахир Тожибойнинг ўзи камида ўн йилни бўйинга олиб ўтирганди-да!) у терговчидан ҳам, Хидирдан ҳам, Абдулла билан Сафар найновдан ҳам, ҳатто ўзидан ҳам хурсанд. Беш йил нима деган гап? Ҳа-ҳу дегунча ўтади-кетди.

Бу ахлоқ тузатадиган жойда шунақанги билимдонлар, калласи зўр ишлайдиганлар бор эканки, уларнинг гапларини эшитиб, Тожибой беихтиёр «товба!» деб ёқа ушлади. Айниқса, Ирисмат дегани сўраб-суриштирмай унинг ишини ойнада кўриб тургандай айтиб бердики, беихтиёр Тожибойнинг мушти тугилди. «Оббо Хидир тулки-ей, янаям менга панд берипти-да», деб янди.

— Хидир Собировични сўйган билан иш битмайди, — деди Ирисмат. — Унинг ўрнига талабгор бўлган Катта акангиз ундан яхшими?

— Йўқ, — деди Тожибой.

— Мана, кўрдингизми? Раҳбарни алмаштириш билан иш битмайди. Аслини олганда, қайта қуриш дегани — кишиларнинг, асосан паст табақаларнинг ўзлигини танишидир!..

Э, Тожибой қойил қолди. Қирқ йил очикда яшаб, кўр бўлган экан. Сўзи рост: «Ўғрининг бари очикда, калласи зўр ишлайдиганлар, ҳамма нарсага ақли етадиганлар бу ерда... ахлоқини тузатяпти», деб ўйлаб ҳам қўйди. Ҳаммаси, янглишмаса қилни қирқ ёрадиганлар. Айниқса, Қоплон деган зўри уни ёқтириб қолди. Шу-шу Тожибойнинг ҳурмати ошиб кетди. Қоплон бошқача гап қилди:

— Жуда тўғри қилгансан, баракалла! Фақат ўлдиролмаганинг сал чатоқ бўлипти. Пичоқни тикқандан кейин бура-аб олмайсанми? Жойида қотарди. Хидирингга ўхшаганлар кўп, — деди ва пича ўйланиб туриб, қўшимча қилди. — Сени бир-икки кунга чиқариб, жўнатаман. Хидирни бир ёқлик қилишинг шарт. Ҳаётингга битта савоб ишинг шу бўлади.

Айтишларига қараганда, Қоплоннинг душманлари ғиж-ғижмиш. Ими-жимидида икки-учтасини гумдон қилиб, ўн икки йилга қамалган экан. Тўрт йилда чиқипти-ю, яна иккитасига панд бериб, ўн беш йил олипти. «Бу сафар ҳам тўрт

йилда чиқаман, ҳали планда ишларим талай...», деб қўяди. Ким билсин, балки гаплари тўғридир...

Бир сафар Тожибойни кўргани Мамат акаси келиб қолди. Учрашув пайти анча панд-насихат қилди: яхши юр, яхши тур, бошлиқларингни гапидан чиқмасанг эртaroқ жавоб бериб юборишлари мумкин экан, деди. Турган гапки, қуруқ насихат Тожибойга ёқмади, бир неча марта акасини қайтариб ташлашга оғиз жуфтлади-ю, лекин... Лекин, Тожибойга қайишган, Тожибой деб узоқ юриб келган, янаям келадиган борди-да, Тожибой бўйинини эгиб ўтираверди. Ишқолиб кўп мулоҳазаларга борди-да, Тожибой бўйинини эгиб ўтираверди. Ниҳоят, акаси Барлосдаги воқеаларга кўчди. Яқинда қишлоқни милиционерлар босипти. Уйма-уй кириб, текшириш ўтказишипти. Уч-тўрт кишини ўғирлик устида қўлга тушириб, қамапти.

— Мен жиянингни велосипедига ўтирғизиб, уйлaрингга юборувдим, — деди Мамат қизишиб, — гумондор нарсаи бўлса ҳозирлигини кўриб қўйсин, девдим... Шалвираган хотининг то ҳовлига милиционерлар кириб келгунча чойини ичиб ўтираверипти...

Тожибойнинг вужуди музлаб кетди.

— ... кейин, улар молхонанг эшиги олдидан ярим халта ем топиб олишипти. Хотинингни шарманда қилиб, Барлоснинг ўртасидаги кўчадан ҳайдаб ўтиб, машинага босишди.

— Мен, ўша Хидир акани пичоқлашдан икки кун аввал магазиндан сотиб олиб келган тўрт халта емнинг қолгани бўлиши керак, — деди Тожибой.

— Хотининг шундай деди, мен ҳам айтдим. «Магазиндан сотиб олган бўлсанг ҳужжати қани?», деди. Ҳужжатни кўрсатолмагандан кейин ҳайдади.

— Магазин, ҳужжат бермайди-ку! Ё бошқаларда бор эканми?

— Қизиқмисан, бошқалар борини яширган, хотининг лаллайиб ўтираверган... Ялиндим, ёлвордим, милиционерлар кўнмади. Ҳозир қайта қуриш, биз ташмачиларга қарши аёвсиз кураш очганмиз, ҳукуматнинг қарори бор, бу ем Эшқобилнинг фермасидан ўғирланган, дейишди. Мен ҳам бир хизматкор одамман, қўлимдан ҳеч нарса келмади. Асли ўзи хотинингни уриб ўлдиради-ган. Бўлмаса, одам юбориб айтдирдим-а!..

«Хотиним ҳақидаги гаплар янгамники!»

— Униям қамашдими? — Тожибой қаҳр, алам билан ўрнидан туриб кетди. «Бари бир Қоплон айтган ишни қилиш керак...» — ўтказди кўнглидан.

— Бор-йўғи уч кун, — деди Мамат. — Айтишларича, ярим халта ем учун ярим йилгача қамашлари мумкин экан. Қамаладиган қилиб бир талай ҳужжат ҳам йиғишипти. Шунин билдим-у, менда жон қолмади? Югуриб Хидирга бордим. Ў-ў, укам, сен учун қилмаган ишларни қилдим, емаган нарсаларимни едим. Ишонсанг, Хидирнинг оёғига йиқилдим, этагини кўзларимга суртдим, кўнмади. «Режалаштирилган тафтиш», деди, «мамлакатимиз бўйича ташмачиларни жазолашяпти, мен илтимос қилсам, «жиноятчига шериклигингиз борми?», дейишади», деди. Безрайиб туриб олди...

Тожибой бошини қўллари орасига олиб ингранди: «Хидирлар ҳўхлаганча ўғирлик қилса-да, газеталар «шу куннинг қаҳрамонлари», деб уларни мақтайди. Ярим халта ем учун, яна тўхмат қилиб, менга ўхшаган худо урганларни пайғамбари ҳам тепиб ўтади. Нимага мен Катта аканинг гапига кирдим-а! Тинчгина юрсам ўлармидим?!..»

— Ў-ў, номард! — Тожибойнинг ичидан зорли наъра отилиб чиқди. — Қанча алами бўлса мендан олавермайдим? Нега оиламга чангал солади? Аҳҳ!..

— Шу гапинг хато, ука, — деди Мамат. — Мен кейин ҳам суриштирдим, билдим, бундай текширишлар бошқа қишлоқлардаям бўлипти. Кўп одамлар қўлга тушган. Эпчилроқлар қутулган, сенинг хотинингга ўхшаганлар... Асли ҳамма касофат хотинингда! Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин деб бекорга айтишмаган.

«Бўлдида-е! — Тожибойнинг бақириб юборишига оз қолди. — Мунча хотинингизни мақтайсиз?»

— Хотининг яхши бўлганда, ука-а, — сўзида давом этди Мамат. — Сени аллақачон йўлгаям соларди, бой ҳам қиларди. Эр топиб келган нарсани хотин деган маҳкам тугиб, биттасини иккита қилиб ўтирмай, бозорга чопаверса рўзгорнинг баракаси бўладими? Ундай хотинга ҳайф! Нима деяётган эдим?

Ҳа... Хидир аввалига кўнмади, менам бўш келмадим, қўлтиғига сув пуркадим: Барлоснинг отасисан, бутун халқнинг савоби ҳам, уволи ҳам сенинг бўйнинг-да, деб гапни узоқдан айлантириб келдим. Ҳа энди, яхши гапга илон инидан чиққан экан. Ўзи янганг ҳам бало-да! Уша: «Боринг, нима қилсангиз қилинг, Хидирни кўндириг, ёмон бўлсаям жигарингиз, бола-чақаси тўзиб кетмасин, касофати бизга тегади», деди. Шундай қилиб десанг, кў-ўп гапирдим, хуллас, кўндирдим. «Бўпти, бораверинг, ўзим телефонлашиб кўраман», деди. Шу куни кечқурун хотининг келиб турипти-да.

— Индамасдан чиқариб юборавериптими?

— Ҳа, энди-и... Хидир илтимос қилган бўлса керак; бечора хотин дегандир, ўнта боласи кўчада тирқираб қолди, дегандир...

— Унта эмас, ўн битта! — деди Тожибой зарда билан.

— Хотининг ҳам болалайверган... Мен, энди, соғ-омон борини айтяпман.

Тожибойнинг вужуди қақшаб, акасига саволомуз тикилди. У жим, ерга қараб ўтирарди. Тожибой сапчиб ўрнидан туриб кетди, яна ўтирди.

— Нима бўлди?!

— Қолганлари омон бўлсин, ука... Бандачилик экан, худо оламан деса, илож қанча.

Тожибой еб қўйгудай бўлиб, акасига тикилди. Унинг кўзларидаги: «Қайси бири? Тезроқ айтсангиз-чи!» деган саволни англаб, Мамат гапни қисқа қилди:

— Кенжатоинг.

Тожибой ихраб, панжаларини юзига босди.

— Касал экан, камбағал. Отанг қамалиб кетди, баттар бўлларинг, деб хотининг яхши қарамаган шекилли-да, менинг билишимча. Янганг ҳам шу гапни айтди, у билади...

— Қачон?!

— Нима қачон? — Мамат тушунмади.

— Қачон бўлди бу гап?

— Хотинингни опкетишгандан кейин, эртаси куни кечаси узилди, камбағал. Мен ҳам, янганг ҳам бошида эдик, дўхтирларни тизиллатиб чақиртирдик. Уколди тинмай қўйиб турди. Бечоралар қўлидан келганча яхши хизмат қилди. Лекин... ўлимга шак йўқ. Биров кеч ўлади, биров эрта. Ҳозир болалар ўлими кўпайиб кетган деб ҳамма ёқда гапиришяпти-ку! Иложинг қанча, ўзингни юриш-туришинг бу бўлса. Хотининг айтган гапни қилмаса. «Кенжатоим оқшоми билан йиғлаб, мени ҳам ухлатмади. Каллам гаранг бўлиб турган эди, ўғлингиз нима деганини англамапман», дейди. Ў-ўл англамай! Мана энди англагани шу бўлдики, ярим халта емни нарироққа суриб қўймагани учун ҳам шарманда бўлди, ҳам фарзанддан ажради, ҳам беш юз сўмга тушиб ўтирипти.

— Яна қанақа беш юз сўм?

— Э-э, ука, сен нимани тушунардиг, қамаб қўйгандан кейин чиқариб юбориш осон иш эмас экан-да. Хидирга «унча-мунча харажати бўлса, мен тан», деган эдим. Бўпти девди. Уйда озроқ пул бор эди, ўшанга ишониб айтган эдим, борсам, хабар топмай қолибман, янганг сарфлаб қўйган экан. Ноилож Баҳри, Йўлдош, Усмонлардан беш юзни жамлаб, тушгача Хидирга оббориб бердим. Бу замонда шусиз иш битадими? Сен учун қилдим-да, укам, иложим қанча. Хотининг ишлаб топиб берар, тополмаса сен бор. Чиқарсан-да бир кун. Ётмайсан-ку бу ерда, тўғрими? Янаям Хидирга раҳмат. Кек сақламади. «Даъвом йўқ», деб судга ёзиб берди-я! Бу ишни унча-мунча одам қилмайди. Ҳозир Барлосда ҳамма уни дуо қиляпти. Пулингни олсаям ишингни битирдим, ўшанга раҳмат, деяпти. Тушуниш керак-да, ука! Қайта қуриш дегани ҳали қурилгани йўқ. Нима ўзгарди? Яхшироқ яшаяпмизми? Яхшироқ кийиняпмизми? Аввалгидай. Хидир дегани ҳалиям Барлосни еб ётибди. Эшқобил фермани ўзиники қилиб олган. Энг бечораси мен бўлсам, «биттаси келса, бир боғ беда сотсам», деб ўтираман. Қани, ўша ўғрилари ушлаб кўр! Ушлолмайсан... Хуллас, қутулиб боришинг замоно Хидирга қуллуқ қил. Қуллуқ қилади, деб мен айтдим. Бошқа иложинг ҳам йўқ, ука.

Мамат акаси ўша куни яна кўп гапларни айтди. Тожибой бошини эгиб эшитди. Финг демади. Кейин... акаси кетганда мунғайи-иб қолди. Уч-тўрт кун шу аҳволда юрди. Уйини, болаларини шунақа соғиндики... Иложи бўлса-ю, «э, бор-э, нима бўлса бўлар!», деб қочиб чиқиб, Барлосга жўнаса. Аммо...

— Баттар бўласан,— деди Ирисмат,— уйингга етмасингдан ушлаб келишади, яна уч-тўрт йил қўшишади. Хидирни кўр, қанчалик ақлли аблаҳ у! Аслида кенжатоинг нобуд бўлганидан кейин, кўрққанидан хотинингни чиқартирган. Пул бермаганда ҳам сал кунда ўзи чиқартирарди. Ёрдамни халққа кўрсатиб, обрў орттириб... Лекин, хотинингни қаматган ҳам ўзи. Шубҳа уйғотмаслик учун ҳатто бошқа қишлоқларда ҳам тинтув ўтказишни таклиф қилган. Бу ёғи, ташмачиларга қарши кураш авжида. Жуда пухта тадбир. Энди сен ҳам пухта бўлишинг шарт.

— Борасан, Хидирни ўлдириб келасан,— деди Қоплон.— Ўлдирмасанг болангни уволи сенинг бўйинингда кетади. Бу ёғини мен тўғрилайман.

Қоплон айтганини қилди. Қамоқхона бошлиғи билан гаплашдим, кечқурун эрталабгача қайтиб келиш шарти билан Тожибойни чиқариб юборди. Бир ҳафта олдин Тожибой «фалон кунга рухсатномам бор, учрашувга келинг», деб акасига телеграмма юборди. Акаси ҳозир қамоқхонанинг эшигида сарғайиб ўтиргандир. Тожибой ҳақиқатан ҳам тонг отгунча етиб бориши керак эди-да! Барлосда ҳеч кимга кўринмасдан, ҳеч кимга билдирмасдан Хидирни тинчителик ва қайтиб бориб, «ҳеч нарса кўрмадим, билмадим, акамни кутиб ётибман», дейиши керак. Тожибойга кийим топган, қўлига пул берган ҳам Қоплон бўлди. «Агар Хидирни ўлдирсанг, қарзимдан кечаман», деди. Қизиқ одамлар ҳам кўп-да, дунёда. Одамнинг қонига бунча ташна бўлмаса. Унинг Қоплонга нима алоқаси бор?! Баъзан ўзи ҳам ташқарига чиқиб келади, киссалари пулга тўлиб келади. Ҳатто қамоқхонанинг бошлиғига ҳам қарз берганини Тожибой ўз кўзи билан кўрган.

Тожибой эса... боряпти ёмғирда ивиб, шалвираб... Келмаслиги мумкин эди-ку, лекин кенжатоининг ўлими... Чидаб бўладими? Янаям индамай туриши керакми? Хидир билан ҳисоб-китоб қилиши шарт. Ана ундан сўнг Тожибойни тўпнинг оғзига қўйиб отишсин. Ишқилиб такси эсон-омон лойдан чиқиб, орқасидан етиб келганда эди... Бу ёғи таваккал; тўғри уйига кириб ухлаб ётган жойида бўғизлайди. Агар ёнида хотини ё болалари бўлса, уларни ҳам.

Тожибой кийимининг устидан ёнини пайпаслаб қўйди. Пичоқ жойида. Қоплон атайлаб Тожибой учун тайёрлаб берди. Алланимадан эмиш, учи оғирмиш, мабодо отса ҳам учи бориб кирармиш, кирдими, орқасидан ҳаво кирадиган, яъни ўлдирадиган қилиб ясалганмиш. Бало Қоплон. Ўзида, ҳатто тўппонча ҳам бор. Буни Тожибойдан бошқа ҳеч ким билмайди. Фақат ўқи кам. Иккитагина. Қоплон кўпроқ ўқ ғамлаш ниятида. Э, у аломат! Ана ўшанақаларга дуч келса экан, бу Хидир. Лекин... Хидир Қоплонниям алдайди. Тулкида! Йў-ўқ, Хидир энди Тожибойнинг эси кирганини билиши шарт. Ҳозир бошқача замон: «Ана шу замон шарофати билан одамлар ўзларининг кимликларини, молдай яшашларини тушунишлари керак!...» — дейди Ирисмат.

Барлос кўринди. Тожибой бир-иккита кўчани айланиб ўтди, Катта аканинг ҳовлисида радио гапиряпти: «...энди тонгги концертимизни бошлаймиз». Кейин қўшиқ эшитилди:

Мунофиқлар бахтли,  
Аблаҳлар шодон,  
Гоҳи разил зотлар қаҳрамон, жасур.  
Сенинг бир сўзингга муштоқдир замон,  
Сенга кўз тикади бечора аср...

Шошилиш керак. Тожибой тезроқ юрди. Ёмғир ҳамон ёғар, устидаги ёмғирпўш жиққа ҳўл, ботинкаси оғирлашиб, юришга қийналарди. Шалопшулупда радионинг овози узоқлашгандек бўлди:

Тонг отар,  
Тонгнинг ҳам вужуди яра,  
Кетиб бораяпсан янги кун томон.  
Оёғинг остида хўрсинар, қара,  
Хоин журъатсизлик қурбони — жаҳон!..

Йўқ, Тожибойнинг журъатсизлик даври ўтиб кетди. Энди у чиниққан, оқу

қорани таниган, ўз ҳаққини ажратиб ола биладиган одам. Тожибой Барлосга ўзининг кимлигини, нималарга қодирлигини кўрсатиш, Қоплон айтгандай, икки йил бурунги хатосини тўғрилаш учун келяпти. Бу тонг Тожибойнинг тонги. Барлос халқини Хидирнинг чангалидан халос этади...

Радио овози тиниб қолди. Тожибой симтўр билан эгирилган томорқанинг четидан ҳовлига қаради. Катта ака ҳовлига чиқиб, айвондаги радиосини бура-япти. Ҳали бу одам билан ҳам ҳисоблашади. Шошмай турсин, вақти-соати бор. Ҳозирча... Ҳозир тезроқ бориш керак. Бошқа ҳар қандай нарса иккинчи даражали. Акс ҳолда... Акс ҳолда режа амалга ошмай қолади. Ҳали қоронғи, лекин тезда тонг отади. Умуман, таксининг тиқилганини ҳисобга олмаганда, ёмғир ёғаётгани яхши. Ҳеч ким кўчага чиқмайди, яъни Тожибойни кўрмайди.

У қасоскор тўғулар асносида пахса девордан энгил ошиб, гупиллаб Хидирларнинг боғига тушди. Елкасига чопон ташлаган Хидир келбатли кимса ойнаванд айвон эшигини ёпганча ҳовлининг нари чеккасидаги ҳожатхона тарафга имиллаб кетиб борарди. Гусурни эшитиб ўгирилди, аммо Тожибой деворга қапишиб ўтиргани учун ҳеч нарсани пайқамай йўлида давом этди. Юзидан Хидирга ўхшатди. Аниқ ўзи. Ундан бошқа ким бу қадар эмин-эркин юра олади? Аммо нимасидир Хидирга ўхшамасди. Қоронғиликда эса, аниқлаб ўтиришга фурсат йўқ. Худонинг ўзи Тожибойни қўллаяпти: кутмоқчи, иложи бўлса, ётган жойига кирмоқчи эди. Мана, ўз оёғи билан чиқиб турипти. Имиллагани эса... ўшанда пичоқ егандан сўнг, яримжон бўлиб қолган, дейишганди, шундандир.


Тўғрига юрса, кўриб қолиши мумкин. Шунинг учун Тожибой шошилганча томорқа бўйлаб девор чети билан айланиб ўтди. Бир жойда оёғи қўлмакка тушиб, ботинкасига сув кирди. Ҳар қадам босганида ғирчиллайди. Сезса сезар. Қочишга улгурмаса бўлди. Ишқилиб титраётган қўллари панд бермасин-да! Нега титраяпти ўзи? Ҳа, майли, ҳарқалай бу титроқ қўрқишдан эмас, балки ғазабдан-ку! Ий-е! Қаёққа? Оббо лаънати-эй! Нима бало, сезиб қолдимми? Тожибой этиб бормасдан Хидир ташқарига чиқди. Тўнининг ёқаларини тўғри-лаб, яна имиллаганча айвон тарафга жўнади. Юриши Хидирга ўхшамайроқ кетади. Лекин, ҳисоб-китоб қилиб ўтирадиган фурсат эмас. Хидир яна ўн-ўн беш қадам юрса, кейин кеч бўлади. Тожибой пичоқни отишга мўлжаллаб — бу борада Қоплондан яхши таълим олган — маҳкам қисимлади ва «Хидир ака!», дея чақирди. «Хидир ака» елкасини буриб, орқага ўгирилди. Угирилаётганда шиддат билан отилган пичоқнинг учи бўйнининг бир томонидан кириб, иккинчи томонидан тешиб чиқди ва... Тожибойнинг кўзларида ўт чақнади. Сўнди. Кулга айланди. Аламдан инграб юборди. Утирганча ерни муштлади... Сал нарида Хидирнинг етмишга кирган отаси қора қонига беланиб ётарди.

— Хидир ака, ҳў Хидир ака! — кимдир дарвозани тақиллатди.

Ичи куйиб, бир бурда бўлиб қолган Тожибой ўрnidан турганча қўрқмай, пусмай, ошиб кирган жойидан қайтиб кўчага чиқди. Хидирнинг ҳовлисида аёлнинг — хотинидир, қизидир — чинқирғини эшитди, лекин парво қилмади.

Қишлоқ четида такси йўқ эди. Бемақсад, беҳис, фақат тирик жон бўлгани, яъни нимадир қилиши кераклиги учун, борица тезроқ олисларга кетиш учун шудгор оралаб, лойга ботиб, такси томон жўнади. Йўл-йўлакай болалари эсига тушиб, энди яқин йилларда уларни кўриш насиб қилмаслигини, шўрпешона оталарининг касрига қолганликларини англаб, йиғлаб юборди.

Тожибой такси ёнига яқинлашганда ёмғир тинган, тонг ёришиб қолганди. Ўз ўй-хаёлларига фарқ бўлиб бораётганди, ногоҳ ғовур-ғувурлар қулоғига чалинди, бошини кўтарди. Лойга ботган такси қошида яна бир «Волга» тўхтаган, атрофида беш-олти киши турарди. Иккитаси милиционер формасида. Тожибой беихтиёр қўйнига қўл югуртириб, иккинчи пичоғининг дастасини маҳкам тутди ва йўлини ўзгартирди: қишлоққа ҳам эмас, таксига ҳам эмас, балки, учинчи — номаълум тарафга жўнади.



Абдусайд Кўчимов

ЁСУМАН

Эртақ дoston

Сершовқин шаҳарлардан,  
Ур-сурлардан узоқда.  
Атроф қир-қизғалдоқзор  
Овлоққина қишлоқда

Яшар эди Ойшахон  
Алп қомат ёри билан.  
Бири-биридан ширин  
Икки шунқори билан.

Яшарди эл қатори  
Турмуши ҳам тинч-омон.  
Лекин... унинг ичида  
Вишиллерди бир илон.

Биронтани ўзидан  
Шоду шодумон кўрса,  
Бирон уйда янги шол,  
Янги дастурхон кўрса,

Куюқ тутун кўринса  
Қайси тандир-ўчоқда, —  
Илон чақар,  
илондай  
Тўлғанарди қийноқда.  
Ичидагин сиртига  
Чиқармасди лекин у.

Журнал нусхаси.

Ким нолинса,  
«Тавба, денг». —  
Деяр эди секин у.

\* \* \*

Дув-дув хабар тарқалди  
Баҳор чоғи қишлоқда.  
«Довул шоҳнинг хотини  
Келар эмиш шу ёққа».

Кўча сари чопдилар  
Қишлоқдаги ёш-қари.  
Пайдо бўлди бир замон  
Қир бошида қирқ пари.

Малика оқ булутдай  
Отда қалқиб келарди.  
Қирқта қиз — қирқта юлдуз,  
У — ой, балқиб келарди.

Бун кўриб Ойшанинг  
Юрак-бағри қон бўлди.  
Еган-ичгани — заҳар,  
Кийгани — кафан бўлди.

Сочин юлиб хилватда,  
Ерни мушглаб солди дод:  
— Дунё, дунё эмассан,  
Дунё, жаллодсан, жаллод!

Бир ўзига қирқ малак...  
Шуми инсоф, адолат?  
Сендек номард дунёга  
Лаънат бўлсин, минг лаънат!

— Тилагингга етгайсан,  
Эй, бандаи ожиза! —  
Садо келди ғойибдан  
Содир бўлди мўъжиза.

Қора чиммат Ойшанинг  
Қўлида бўлди пайдо.  
Қақшади у:  
— Бу нима?!  
Қафанми ё рўдапо?!

— Буни кимки ёпинса,  
Айланур паризодга.  
— Йўғ-е! —  
Ойша ишонмай  
Сеҳрли тилсимотга, —

Шоша-пиша чимматни  
Ёпиб олди юзига.  
Кўзгуга қараб қолди  
Тўёлмайин ўзига.

Оҳу кўзлар...  
— Эй, пари! —  
Садо келди узоқдан.  
— Энди ушбу сўзимни  
Қуйиб олгин қулоққа.

Йўқотмасанг тезликда  
Ичингдаги илонни,  
Бу дунёда бахтиёр  
Яшамогинг гумондир.

— Қулоқ солма! — ногаҳон  
Чинқириб қолди илон.  
— Фақат бир мартагина  
Берилмоқда бу имкон...

«...Қандай соз! Мендек пари  
Йўқдир еру осмонда!»  
Ойшанинг худбинлиги  
Хуш ёқарди илонга.

— Шунча ҳусну малоҳат,  
Эсиз... Қурисин шўри.  
Бир танноз маликаю,  
Малика бунда чўри!

Таъзим қилиши керак  
Сени кўрганлар доим.  
Асли тилло саройлар,  
Қасрлар сенинг жойинг.

Шундай бахтга элтгувчи  
Ягона йўл — ўзимман.  
Фақат чиқмасанг бўлди  
Чизиғимдан, сўзимдан, —

Ойшани чирмаб олди,  
Яна илон — арзанда.  
Кўзларига кўринмай  
Ҳатто икки фарзанди, —

— Розиман! — деб юборди, —  
Айтганингни қиламан!  
Йиғла, — десанг, — йиғлайман!  
Улгин, — десанг — ўламан!

II

Арк.  
Тош майдон.  
Бир ёқда  
Баҳайбат азим чинор.  
Бир ёқда оқ лайлаклар  
Уя қурган қўш минор.

Ўртада — оқ тулпорда  
Келаётган — Довул шоҳ.  
Азим чинор ёнига  
Етай деганда, ногоҳ, —

Ўн тўрт кунли ой каби  
Порлаб ширмон юзлари,  
Чинорнинг панасидан  
Чиқиб келди бир пари.

Шоҳ уни бир кўрдю  
Йўқотди эсу ҳушни.  
«Ё раб! Ким олиб тушди  
Фалакдан бу қуёшни?!»

Тўс-тўполон бошлади:  
— Не гап?  
— Шоҳим...  
— Ёрдам. Дод!  
Шовқин-суронда аста  
Ғойиб бўлди паризод.

III

Қирқ кунгача Довул шоҳ,  
Билмай ётди ўзини.  
Алаҳсирар —  
Инс-жинслар  
Очирмади кўзини.

Уни келиб кўрдилар  
Дўст, биродар, ҳабиблар.  
Етти иқлим тан берган  
Заковатли табиблар.

Афсус, зарра фойда йўқ.  
Мушкуллашар аҳволи.  
Кўкка қилар илтижо  
Жами улус-аҳоли.

«Эй, тангри! Қодир худо!  
Қулоқ тут оҳимизга.  
Бизни сағир қилмагин,  
Шифо бер шоҳимизга.»

Етдимикин фалакка  
Илтижолар, нолалар,  
Қирқинчи кун ҳар ёқда  
Қанот қоқди хушхабар.

«Зўр табиба чиқибди,  
Ақлда нодир эмиш.  
Мурдага ҳам жон ато  
Этишга қодир эмиш...»



Чопарлар шу куниёқ  
Табибани топдилар.  
Севинчдан энтикишиб  
Сарой сари чопдилар.

Бемор нотинч, алаҳлар,  
Сув сўрайди бетиним.  
Табиба яқин келиб  
Чимматнинг бир четини, —

Секин очди.  
Во ажаб!  
Хона ярақлаб кетди.  
Довул шоҳнинг кўзлари  
Бирдан чарақлаб кетди.

Ҳеч нима кўрмагандай  
Туриб кетди Шоҳаншоҳ.  
Майингина жилмайиб  
Юриб кетди Шоҳаншоҳ.

Ойша табиба бўлиб  
Кириб олди саройга.  
Юртнинг бор ҳақимларин  
Йиғиб олди бир жойга.

— Энг аввало ҳаммангиз  
Епинасиз чимматни.  
Шифо талаб кимсадан  
Аямайсиз ҳимматни.

Фақат менинг номимдан  
Даволайсиз.

Бирон зот  
Сезиб қолса, косангиз  
Оқармагай умрбод...

— Шоҳим, — деди бир кун у  
Кўзларини ўйнатиб. —  
Бир гап анчадан буён  
Келар мени ўйлатиб.

Яна рашк деб ўйламанг,  
Ундай касал менга ёт.  
Лекин, лекин...  
— Нима гап?  
Айт, тортинма, паризод!

— Ростин... Сизни кўп зотлар  
Қилар экан масхара.  
Ахир, нега малика  
Бунча хунук, тасқара?!

Муносибмас сира у,  
Сиздек улўғ хоқонга.  
Уни бадарға қилинг  
Чеккароқ бир маконга.

— Йўғ-е! — чўчиб кетди шоҳ. —  
У... Йўқ, бошни қотирма.  
Тангри олдида мени  
Гуноҳларга ботирма.

Қолаверса, элчилик,  
Одамлар нима дейди?  
Болалар... болаларим,  
У ёқда... нима ейди?!

— Соддасиз, шоҳим, десам,  
Ранжиманг бу даъвомга.  
Қачон қулоқ солибди  
Шоҳ тўпори авомга?

Пошшо деган мазлумга  
Туриш керак дўғириб.  
Ким қаттиқроқ гапирса  
Тилин олсин суғириб.

Ёзғирасиз болам, деб  
Болангиз ҳам ёш эмас.  
Ёқмадимми?  
Ёқмаса,  
Мен кетаман!

Етар.

Бас!

— Тўхта! Кетма. Шошмай тур,  
Ўйлаб кўрайлик, ахир!  
Довул шоҳга шу дамда  
Оғир эди, кўп оғир!..

Сездими, сезмадими  
Тушганини тузоққа,  
Лекин у маликани  
Сургун қилди узоққа.

#### IV

— Фитна! Фитна! Суиқасд!!  
Ҳозир эшитдим, ҳозир!  
Шоҳим, унинг бошида  
Турган экан шум вазир!

У ношукур тож-тахтга  
Олайтириб кўзини...  
— Бас! — ҳайқирди Довул шоҳ, —  
Ўйлаб гапир сўзингни!

Мен тугул отамга ҳам  
Хизмат қилган вазир бу.  
Агар билсанг... салтанат,  
Саройдаги Хизир бу!

Шундай мўътабар зотни...  
— Шоҳим, кесинг тилимни!  
Чин сўзлаган тентакдан  
Дариф тутманг ўлимни. —

Айбим шуки, сиз учун  
Бошимни баркаш қилдим.  
Қўл косов, соч супурги,  
Елкамни обкаш қилдим.

Энди эса... Ё худо!  
Бой бўлиб бир болтам йўқ.  
Бола-чақам, уй-жойим,  
Гадой бўлиб халтам йўқ. —

Ойшанинг қирқ кокили  
Гўёки жон қасдида,  
Макр-ла тўлғанарди  
Шоҳ оёғи остида.

— Паризодим, кечиргил,  
Мен учун Ҳумо қушсан.  
Агар яна ранжитсам,  
Кўзларим оқиб тушсин! —

Чорлади тез посбонни:  
— Тингла олий фармонни.  
Ташла илонхонага  
Вазир отлиқ шайтонни!

— Қойил! Балли! Офарин!!  
Икки дунё бўлманг кам.  
Энди чинакам ишга  
Киришамиз, маликам! —

Ваҳший илон вишиллаб  
Заҳрини сочаверди.  
Имони бут кишилар  
Саройдан қочаверди.

Гап тарқалди, олчоқлар  
Саройга қурган уя.  
Лашкарбоши — қароқчи,  
Хазинабон — шумғия.

Сутдек ҳалол, пок қози  
Ебтўймас, деб сўйилди.  
Уйқучи, деб посбоннинг  
Икки кўзи ўйилди.

## V

Мусалласу шаробга  
Роса тўйди Довул шоҳ.  
Давлатни ўз ҳолига  
Ташлаб қўйди Довул шоҳ.

Оқсоқоллар чидолмай  
Йўл олишди саройга,  
— Қиблагоҳ, — деди бири, —  
Нотинчлик ҳамма жойда.

Путур кетди рўзғордан,  
Дастурхондан барака.  
— Ним-ма? Ним-ма? Барака! —  
Шоҳ қилганча калака, —

Қўл узатди қалтираб  
Шокосага — шаробга.  
— Тахт керакми?  
Жуда соз.  
Хуш, ким тахтга талабгор?!

— Олампаноҳ, не даркор  
Фуқорога тожу тахт.  
Сизнинг паноҳингизда  
Юрмоқ ўзи катта бахт.

Лек табиба ниқобин  
Кийиб олган азроил...  
— Уҳ-ҳў! Жамоа жам-ку.  
Арзи додми, зўр, қойил. —

Табиба пайдо бўлди  
Тўсатдан арвоҳ мисол.  
— Бевафо ёр — жонга дор,  
Элда шундай нақл бор.

Оқсоқолларни силтаб  
Шоҳ Довул ёлдиради:  
— Пари, қутқар, йўқса бу  
Чолларинг ёлдиради.

Ойша мағрур илжаяр  
(«Хўш, хўш, энди қалайсиз?  
Ҳозир ялоқхўр итдай  
Товонимни ялайсиз».)

Оқсоқоллар қилт этмай  
Туришарди жойида.  
Ҳеч қайсиси ёлвориб  
Йиқилмади пойига...

## VI

...Қоп-қора кўршапалак  
Ботириб ғам-кулфатга,  
Калласини ўғирлаб  
Қочар эди зулматга.

Қувлай деса, водариғ,  
Оёқлари йўқ эди!  
Лекин шундоқ ёнида  
Садоқ тўла ўқ эди.

Таъзирини берай деб  
Ғанимини ўқ-ёйда,  
Мундоқ боқса қўли ҳам  
Йўқ эди турган жойда!

Бир маҳал, қора чиммат  
Чиқиб зулмат қаъридан.  
Икки марта думалаб  
Айланибди парига.

— Эй шоҳ! — чинқирибди у, —  
Агар кирсанг сўзимга,  
Оёқ-қўлинг, бошингни  
Қайтараман ўзингга.

«Хўп», дебди бошсиз тана.  
— Нима қилай, тезроқ айт?!  
— Ҳовлиқмайди, шошмайди  
Одам деган бундоқ пайт.

Хуллас, эзиб, янчасан  
Дуч келганнинг дилини.  
Битта қўймай кесасан  
Одамларнинг тилини.

Гунглар талаб қилмайди,  
Тиллари йўқ ғийбатга.  
Қулоқлардан эҳтиёт  
Бўлган создир, албатта.

Энг яхшиси мумлайсан,  
Жамики қулоқларни,  
Ковлаб юрмасин, десанг  
Чопасан бармоқларни.

Нима зарур авомга  
Икки қўл, икки оёқ?  
Битта-битта қолдириб,  
Берасан қўлтиқтаёк.

Айтганингни қилади  
Бу ғофиллар ўшанда.  
Асраш шартмас ҳеч кимни  
На зиндон, на кишанда.

Сездингми, мен фойдангни  
Қидираман ҳар доим.  
Ана сенга минг лашкар  
Мадад бергай худойим...

...Тушдан чўчиб, дод солиб,  
Ирғиб турди шоҳ Довул.  
Соқчилар донг қотишган  
Ухлар эди эл-овул...

## VII

...Эртасига Ойшани  
Ҳузурига чорлади.  
Аёлнинг жоду кўзи  
Маккорона порларди.

— Парим, — деди шоҳ аста, —  
Халқ норози, нимага?  
— Шоҳим, юрт ўшаб қолди  
Эгаси йўқ кемага.

Авом йўлидан озди,  
Қорни тўйди — қутурди.  
Ярамаслар, тузим еб,  
Тузлуғимга тупурди.

Ўрдаклари йўқ кўлда  
Лойхўрақлар хон бўлар.  
Ит семирса эгасин  
Бўрвойини қон қилар.

Бугун қул ҳам, гадо ҳам  
Хон санайди ўзини.  
Шоҳим, бу кўппакларнинг  
Уйиш керак кўзини.

— Э, бор, билганингни қил.  
Шароб бер менга, шароб!  
Ойша ирғиб турди-да,  
— Жаллод! — деб қилди хитоб.

— Кесинг, чопинг, битта ҳам  
Тирик инсон қолмасин!  
Бешикдаги гўдак ҳам  
Тиғдан омон қолмасин!

Шоҳимиз истаги шу.  
Бу буйруқ — олий фармон.  
Тоқати — тоқ бўлган шоҳ  
Инграб юборди:  
— Зин-дон!!

## VIII

... Сўрида ўтирарди  
Ойша билан Довул шоҳ.  
Икковига қадалган  
Дарғазаб минг-минг нигоҳ.

Яқинлашди сўрига  
Бир нуроний қария:

— Лаънат сенга, лақма шоҳ,  
Йўқол кўздан нарига!

Сен маккорнинг қилиғинг  
Тушди жуда қимматга. —  
Чол Ойшанинг юзидан  
Юлқиб олди чимматни.

— У-ў! Жодугар! Ёсуман!  
Сенга бермаймиз озор,  
Жами жонзот, одамзод  
Сендан қилади ҳазар.

Зум ўтмай тош майдонда,  
Танҳо қолди Ёсуман.  
Не жазо бу, билолмай  
Уйга толди Ёсуман.

Беҳол, толиқиб секин  
Суянди бир деворга.  
Девор тебраниб гуппа  
Ағнаб тушди гулзорга.

Уй-эшигу дов-дарахт  
Қочаверди у борса.  
Уни кўрган заҳоти  
Тисарилди бор нарса.

Тоққа борди — тоғ қочди,  
Қочди барча ҳайвонлар.  
Паррандаю дарранда,  
Тулкимижоз шайтонлар.

Болалари, қишлоғи  
Тушди шунда ёдига.  
Балки қулоқ солишар  
Фарзандлари додига.

Ахир, ёруғ жаҳонда  
Йўқдир бошқа таянчи.  
Тирик туриб ўлмаклик...  
Қандай даҳшат, аянчли!

Сочин юлиб, юзини  
Бўяди қора қонга.  
Болалари «жинни» деб,  
Қочишди ҳар томонга.

Ўткир чағир тош билан  
Кўкрагини ёрди у.  
Очкўз, ваҳший илонни  
Шарт суғириб отди у.

Кейин беҳуш йиқилди.  
Бироқ худди шу онда,  
Замин уни тўп мисол  
Ирғитди кўк томонга...

...Оловли дўзахда ҳам  
Тополмади ҳаловат.  
Арвоҳлар тутатишиб  
Қувлашди:  
— Эй касофат,

Ҳаром қилма, тез даф бўл,  
Ётсан бу жаҳаннамга! —

Фарёд уриб қайтди у  
Яна ёруғ жаҳонга.


Шундан буён Ёсуман  
Дайди итдек хор эмиш.  
Бир калима ширин сўз,  
Бошпанага зор эмиш.

Изғир эмиш куну тун,  
Излар эмиш ғўрларни.

Бирон лақма, ландовур,  
Пешонаси шўрларни.

У турли қиёфада  
Кўринар кўзингизга.  
Эҳтиёт бўлмасангиз  
Мабодо ўзингизга, —

Ичингизга илондек  
Уя қуриб олармиш.  
Довул шоҳ қисмати  
Бошингизга солармиш...




Мен мутахассислигим бўйича тарихчи-ҳуқуқшуносман. Мана йигирма йилдирки, олий ўқув юртида ҳуқуқ тарихидан дарс бериб келаман. Жумҳуриятимизнинг инқилобгача бўлган давлат ва ҳуқуқ тарихи бўйича ҳуқуқшунос олимлар томонидан ҳеч нарса ёзилмаган. Бунинг сабаби манбаларнинг араб графикасида, аксарият форс, араб тилларида ёзилганлиги ва уларни ўрганишга муносабатнинг бир томонлама эканлиги бўлса керак. Дарҳақиқат, яқин кунларгача ўтмиш тарихимиз бир томонлама: фақат зўрлик, зулм, эксплуатация, уруш ва вайронгарчиликдан иборат бўлган, деб тушунтирилди. Тарихимизни ўрганишни рағбатлантириш у ёқда турсин, баъзи ҳолларда таъқиб қилиниб келинганлиги ҳаммамизга маълум. Худди шунинг учун ҳам 60-йилларда «Гулистон» журналида «Темур тузуклари»ни ўзбек тилига таржима қилиб босилиши тўхтатилди. Бу ҳодисани ҳатто «жинни кўзадан чиқариб юбориш», деб баҳолаб, беғуноҳ кишиларни шундан бўшатилиши ҳақида фармон берган раҳбарлар ҳам бўлди.

«Шарқ юлдузи» журнали «Темур тузуклари»ни биринчи марта ўзбек тилида тўла, изоҳлар билан босиб чиқарган экан, бу энг аввало қайта қуриш даврининг меваси ҳамда тарихий меросимизга бўлган муносабат ўзгаришининг натижаси, деб баҳоланмоғи лозим. Ушбу тарихий асарнинг нашр этилишини мен жуда катта қувонч ва қаноатланиш билан кутиб олдим. Ахир у Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқ тарихида катта ўрин тутиб, дунёвий қонунчилик аҳамиятига эга ягона маъмурий-сиёсий ва ҳарбий кодекс саналади. Бу ноёб асар редакциянинг қатъийлиги ва профессор Бўрибой Аҳмедов каби фидоий олимларимизнинг ғайрати туфайли матбуот юзини кўрди.

Маълумки, республикамизда тарихий журнал йўқ. Агар мавжуд ижтимоий-сиёсий журналлар «Шарқ юлдузи»дан ўрнатқилиб тарихий ҳужжатлар, шартномалар, инъом ёрлиқлар, ердан ва сувдан фойдаланиш билан боғлиқ фармонларни, ийрик олимлар томонидан ёзилган сиёсий трактатларни «Тарихий меросимизни ўрганиш» рубрикаси остида вақти-вақти билан босиб турсалар халқимиз тарихини оммалаштириб ва ўрганиш каби хайрли ишга муносиб ҳиссаларини қўшган бўлур эдилар.

3. Муқимов,

Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети доценти, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди.



Абдуқаюм Йўлдошев

## ЗАҲАРЛАНГАН ҚОН

Ҳикоя

Азроилнинг қўлига тушганимизни эшитган юқори курсдагилар «чуқур таъзия» ва «ҳамдардлик» изҳор этишиб, далда беришмоқчидай елкамизга қоқиб-қоқиб қуйишди-да, қўшни бригадага ўтиб кетишди.

Биз — рўй берган воқеадан гангиб, ҳали ўзимизга келмаган биринчи курс талабалари — қудуқ ёнида уймалашганча қолавердик. Деярли йигирма кун ўқиб, бир-биримиз билан сал-пал танишиб улгурган бўлсак ҳам ҳеч ким жўра-бошилиқни ўз зиммасига олмаган, шаддодгина курсбошимиз Шафиқа эса, табиийки, қизлар бригадасида қолган эди. Ниҳоят, кимлар группадолари билан, кимлар областдолари билан бир-бирларидан мадад излашгандай чекка-чеккага ўтишиб, гуруҳ-гуруҳ бўлиб тўпланиша бошлашди. Азроилнинг шарпаси бошимизда ваҳима солиб тургандай шивирлабгина, шундаям аллақандай бегона мавзуларда гаплашардик; ҳеч ким тилининг учида турган саволни беришга журъат этолмасди.

Қуёш бота бошлади. Енгил шабада эсди, шийпон ёнгинасидан бошланувчи пахтазордан гупиллаб дефолиант ҳиди урилди. Гуруҳ-гуруҳ бўлинган кўйи шаҳардан олиб келганларимизни иштиҳасизгина тановул қилишга киришдик.

Қалбга баттар ғашлик солиб намозшом чўқди. Тақдирга тан бериб, шийпон ичида амал-тақал қилиб қурилган қинғир-қийшиқ, ғийқиллаб турувчи омонат икки қаватли сўриларга жойлашишга тушдик. Ток йўқ. Кимдир чигитланган пахтани консерва банкасидаги ёққа шимдириб, сўнг пиликдай эшиб ёқиб қўйган эди, шифтларини ис босган шийпон бир оз ёришди. Чивинлар ғужғон ўйнаб, ҳамма ўзини «шап-шуп» уришга тушиб кетди.

Ана шунда Азроил етиб келди. Шийпон ёнида штаб «Виллис»и тўхтаганини, эшиклари қарсиллаб очилиб-ёпилаётганини эшитдик. Ҳаммамизнинг нафасимиз ичимизга тушди. Эшик шиддат билан очилди ва декан ўринбосари бошини ичкарига суқиб: «Стройса! Тез» деб бақирди.

Ташқарига чиқдик. Кўпчилик ўзини орқага ураверганидан ўринбосарнинг ўзи бақириб-чақириб бизни «П» шаклида сафга тизиб чиқди. Машина ортидан қўлида чўғи қип-қизариб турган сигарета билан новча бир одам чиқди. Сергак

тортдик. У кенг соябонли шляпа, катак-катак костюм, пахталик шим, кирза этик кийган, кўлидаги чўпонларникига ўхшаш узун таёқнинг бир учи ерда судралиб келарди; юзини ним қоронғиликда аниқроқ кўриб бўлмади.

— Боллар! — деди у паст, лекин ўзига ишонч аралаш сал димоғдорлик сезилиб турган хирқироқ овозда (ундан олдиндан қўрқиб, олдиндан нафратланиб турганимиз учун бу сўзни «моллар» тарзида эшитдик).— Сенларнинг баринг иккинчи-учинчи курсда менинг кўлимдан ўтасанлар, ҳар биринг билан биттама-битта ўтириб лаборатория, зачёт қабул қиламан, имтиҳонларингга қатнашаман, так что, мен билан ҳазиллаша кўрманглар, барибир ўзларингга ёмон бўлади. Ким агар яхши ишласа, ким менинг айтганларимни қилса, мен ҳам ўша болага кўлимдан келганча ёрдам бераман. Дипломга яримларинг етиб борсаларинг ҳам катта гап. Ҳар йили пахта пайти анча-мунча бола ҳайдалади. Биринчи курсга атайлаб йигирматача болани ортиқроқ олишади... Астойдил ишланглар, шунда домлаларнинг кўзига ҳам яхши кўриниб қоласанлар. Анави ёққа,— у зовурнинг нариги томонига ишора қилди,— ўтиш бўлмасин. У ерда курсдошларинг бор, лекин уларнинг отряди оддий, бизники бўлса махсус сельхозотряд... Отрядда 76 киши бор. Сенларнинг ҳаммангни Қодир акам,— у ўринбосар томон ним ўгирилди,— танлаб олганлар. Баринг қишлоқдан келгансанлар, пахтаинг ичида ўсгансанлар, так что, мен сенлар билан ишлашиб кетаман, боллар.

Декан ўринбосари ҳам гапирди. У кишининг сўзидан маълум бўлдики, комиссаримизни Исроил Жабборович деб чақиришимиз керак экан, факультетлар, институтлар орасида ўтказиладиган мусобақада албатта биринчи ўринни олиб, факультетимиз саккиз йилдан бери қўлдан бермай келаётган Қизил байроқни бу йил ҳам сақлаб қолишига муносиб ҳиссамизни кўшишимиз керак экан; ўқишга борганимизда у кишига кўп ишимиз тушар экан, у кишининг кўзига ёмон кўриниб қолмаслигимиз керак экан, агар ким ёмон кўриниб қолгудай бўлса, ўзидан ўпкаласин экан, чунки ҳар йили йиғим-терим даврида ҳеч бўлмаса бошқаларга ибрат бўлиши учуноқ ўн-ўн беш талаба институтдан ҳайдалар экан.

Саволлар бўлмади.

— Боллар, отбой! Эрталаб олтида подъём, ўн икки яримдан биргача абет, полядан қоронғи тушганда қайтамиз, нормани бажармаганлар поляда мен билан қолади, бажарганлар учун соат ўнда отбой. Тушунарлими? Тушунарли бўлса, бугунга отбой! Ҳамманг бориб ухла, кимнинг уёқдан-буёққа юрганини кўрсам, қаттиқ хафа қиламан.

Ўт кетгандай ё ой куюётгандай кимдир темирларни бир-бирига уриб даранглата бошлади, ўткир овозда бир неча бор «Подъём! Сельхозотряд, подъём!» деб такрорлади. Ваҳимага тушганлар ўринларидан сапчиб туришди, бу қадар эрта туришга ўрганмаганидан ётишда давом этганлар, ўтириб ухлаётганлар устидан кўрпалар сирғалиб бетон ерга туша бошлади. Қоронғилик (эшик ёнида биттагина фонус ёниб турар, Азроил Жаброиловичнинг кўлидаги фонарь ҳар замонда кўзларни қамаштириб қоларди), шовқин, норози хитоблар, тўнғиллаб сўкинишлар... «Лоток» деб аталувчи бетон новда туриб қолган, тиш пасталаридан сут рангига кириб бораётган сув, совуқ ҳаво, кўкда чарақлаётган юлдузлар, тиқилинчда, гугурт чўплари ёруғида шоша-пиша ейилган бир-икки луқма нон; жунжикиб, қўнушиб, меровланиб сафда туриш... Азроил орамиздан вақтинчалик ошпаз ва чойхоначи танлаб олгач, ҳар биримизни фамилиямизни айтиб ўртага чиқариб, иккитадан этак ва биттадан номер бера бошлади. Тонг қоронғисида Азроилнинг юз қиёфасини яна яхшилаб кўролмадим. Фақат этак олаётганимда унинг ич-ичига ботган икки жағида олхўридай-олхўридай икки ғудданинг тинмай бориб-келаётганини кўрдим...

Асфальт йўлдан озроқ юргач Азроил бизни тўхтатиб, пайкалга ишора қилди:

— Ҳар ким хоҳлаган жойидан терсин. Норма — 120. Бугун биринчи кун бўлгани учун, майли, 100 бўлсин. Абетгача 60, абетдан кейин 40. Қани, бола-лар, бошланглар!

Бир пайтлар, «Чинор» романида бўлса керак, чигирткалар ҳақида ўқиган ва бу вабони вошиллаб, йўлида учраган бор нарсани еб битириб, ортидан шудгорлаб ташлангандай ер қолдириб кетаётган қора издиҳом тарзида ту-

шимда кўриб чиққан эдим. Биз ҳам ранг-баранг либосли издиҳомдай ўзимизни пахтазорга урдик. Пайкал бир машина теримдан ўтган, лекин барибир оппоқ чамандай, ерда ҳам бир олам пахта оқиб ётар эди. Ҳар ким кўзига яхшироқ кўринган ва танишига яқинроқ жойга ташланди. Ҳали шудринг кўтарилмаган эди, бирпасда жикқа ҳўл бўлди. Худди афсонавий жонзотлардек гап йўқ, сўз йўқ, дилда бироз ваҳима билан ягона мақсад — ён-атрофдагилардан ортиқроқ этак пахта тўкиш дарди билан жон-жаҳдимиз-ла ишга киришиб кетдик...

Кейинроқ мен ўзимча шундай хулосаларга ҳам бордим. Афтидан, Азроил ҳам, бошқа домлалар ҳам инсон хулқидан анча-мунча хабардор бўлганлар; эҳтимол, улар қадим замонлардаёқ бир-бирига нотаниш тўдаларнинг ҳатто чексиз-чегарасиз майдонда ҳам ҳосилни бир-биридан қизганиб, кўпроқ олиб қолишга уринганликларини яхши билганлар ва бундан тегишлича хулоса чиқаришиб, «зарбдор бригада» тузиш фикрига келганлар. Шунингдек, улар бу тажрибаси биринчи курсларда, айниқса кечагина қишлоқдан келган, катталарга ҳурмат, ишонч қон-қонига сингиб кетган содда болаларда ошиғи билан ўзини оқлашини ҳам яхши билганлар. Эҳтимол, улар ўтган байроқдор саккиз йил тажрибасига кўр-кўрона суяниб қўя қолгандирлар.

Кўпчилигимиз «хомлаб» қолдик; энгашгач, минг машаққатсиз қаддимизни қайта ростлолмасдик. Кун чиқиб, ғўзалар қуригандан сўнг бармоқларимиз тилиниб, қонаб кетди. Урганмаганимиз учунми, бутифос ҳидидан бошларимиз айлана бошлади, айримлар теримни тўхтатмаган кўйи ўхчиб-ўхчиб қўярди. Йигирмага яқин бола «абетгача 60, абетдан кейин 40» теролмадик. Аммо Азроил ўз айтганини қилди: йўл устига «Виллис»ни қўйдиртириб, чироғни пайкалга қаратдириди, шу ёруғликда биз — арвоҳдай рангсиз шарпалар ғимирлаб юриб икки этак-икки этакдан пахта тердик. Шу билан ҳам нормаси тўлмаганлар шийпонга келгач, чорак соатда ювиниб, овқатланиб бўлганимиздан сўнг ошхонага ўтиб картошка тозалашга тушдик. Уйқу босаётганлар, Азроилнинг тавсиясига кўра, пиёз арчишга ўтказилди. Мен ҳам ўтмас пичоқ билан пиёз арчишга тушдим. Пиёз аччиқ эди, кўз ёшим тинмай қуйиларди...

Эртаси куни норма 120 га чиқди, Азроил айтгандай, «абетгача 70, абетдан кейин 50». Шунга қарамай, атиги ўн учтагина бола бу кўрсатмага эришолди. Кечки «профилактика»дан кейин эса олти бола ошпазга ёрдамга келдик. Ҳолбуки, шу куни қўшни бригададан келган курсдошларимизнинг айтишича (уларнинг бирини ушлаб олган Азроил «Партизан!» деб баракдан ҳайдаб чиқариб юборди), уларда норма 70, ўртача кўрсаткич эса 50 килонинг нари-берисида экан...

Биринчи беш кунликда ғолиб чиқдик. Тушлик чоғи кичкинагина йиғилиш ўтказилиб, проректор Азроилга «Фахрий Ёрлик», пул мукофоти топширди. Шунда кўпчилик Азроилнинг юзини биринчи марта кўрдиёв. У мутеларча қўл қовуштириб, юзи қувончдан ял-ял ёниб, оғзининг таноби қочмаслиги учун қалин лабларини маҳкам қимтиб, кўзлари ғилтиллабгина турар, сийрак сарғиш сочили бошида шляпасининг чуқур ботган айлана изи қолган эди. Уни саҳар бўзарар-бўзармас, тонг қоронғисида, оқшом чоғи, йигирма бешлик лампочканинг хира ёруғида (пахтазорда тепангда ғўдайиб турганда бош кўтариш қайда?) худди мўмиёдай ҳиссиз юзли одам деб юрардик...

Еттинчи куни яна машина бир бор ўтган янги пайкалга тушдик. Сал чатоқлик ҳам рўй берди: бригадир от чоптириб етиб келиб, бақириб-чақирганча, йиғлағудай бўғилиб, бизни ҳайдаб чиқара бошлади. Мен унинг аҳволини тушунардим, албатта: қайси деҳқон қўл теримидан (бу иккинчи терим-а) манфаат кўрибдики... Бу энди бригада чўнтагидаги пулни чақирилмаган ҳашарчиларга улашиш билан баробар-да. Тўртинчи терим, подбор бўлса, ҳар қалай тушунарли, бироқ иккинчи теримни қўлда ўтказиш... Азроил хўп уриниб бригадирни ҳовуридан туширолмагач, йўлдан ўтаётган машинани тўхтатиб, қаёққадир жўнаб қолди. Бригадирни алқаб, дам олиб ётган чоғимиз «Виллис»да проректор, декан ўринбосари, бўлим бошқарувчиси ва Азроил етиб келишди. Улар бригадирни чеккароққа олиб ўтишиб, нақ ярим соат алдаб-аврашди. Қизиққонроқ проректор бу орада икки марта дўқ уриб ҳам юборди, биз унинг «сиёсат... отчёт... секретарь... олти миллион... душман...» деган сўзларини чала-

чулпа эшитдик. Охир-оқибат бўйинбоғли басавлат зиёлилар оми бригадирни энгишди — у ночор аҳволда мунғайиб турди-турди-да, бизнинг қайтадан пайкалга кираётганимизни кўргач, илдам бориб, отга минди, уни бош-бўйни аралаш аямай савалашга тушди. От аянчли кишнаб, ўқдай учиб кетди. Қуюқ чанг кўтарилди. Кейинроқ эшитишимизча, бригадир шом палла отида йиғлоқи ўлан айтиб кетаётиб зовурга йиқилиб тушган, икки қовурғаси синган, кўкраги эзилган, шу билан терим охиригача шифохонада ётган.

Теримни бошлаганимизга ҳам ўн бир кун бўлди. Иккинчи беш кунликда ҳам ғолиб бўлдик. Проректор Азроилни қучоқлаб, икки юзидан чўлпиллатиб ўпиб олди.

Албатта, иш одамни ўлдирмайди. Лекин мен бошқа бир нарсани тахмин қиламан: иш эмас, иш муҳити одамнинг ўзини жисман эмас, одамдаги одамийликни ўлдириши мумкин. Эҳтимол, иш билан ишнинг фарқи бўлмас, аммо бир ишдаги муҳит иккинчи ишдагидан кескин фарқ қилиши мумкин экан.

Ўзим қишлоқда ўсганман. Мол-ҳол, томорқа, пахта дегандай, ишқилиб, кунига юмуш топилиб турар, меҳнат қилиш овқатланиш каби оддий эҳтиёжга, табиий бир нимага айланиб кетганди. Ҳатто эсимда, эрта кўклам чоғи ҳўкиз арқонлаб келаётиб, ҳар йили томорқа экинлари экиладиган ердан занглаган белкуррак топиб олдим. Ушанда бир дона чучумомани қўлоғимга қестириб олиб энгимни, шимимнинг почаларини қайириб олганча астойдил ер ағдаришга тушиб кетгандим. Ора-сира сўлқиллаб ётган ернинг палахса-палахса бўлиб ағдирилаётган, ўсимликларнинг қизғиш-оқиш томирлари бор муздай бўлақларини қўлимда узоқ ушлаб турар, ҳидлар, увалатар эдим. Тушгача ишладим, қўлларим қавариб кетди, ҳарсиллаб қолдим. Лекин... лекин бу, агар сўзларим ялтироқ бўлиб туюлмаса, лаззатли меҳнат эди. Йўқ, гап кимгадир яширинча яхшилик қилиб, бундан ич-ичимдан яйраганимда ё кишини сархуш этувчи баҳор ҳавосида эмас эди, гап... аллақандай бошқа бир нимада эдики, буни сўз билан тузукроқ тушунтириб беролмайман, деб қўрқаман.

Бу муҳитда эса, ҳали тонг отмасданоқ «бугун роса чарчайман-да» деб кўнгил хижил бўлиш, Азроилнинг кўз қарашлари, гап оҳанги, зуғумидан қўрқиш, ваҳимага тушиш, кайфиятсизлик, ҳамма нарсадан, аввало ўз-ўзингдан норози бўлиш, ўзингни омадсиз, камситилган, фақат бажарувчи қўғирчоқ ўрнида кўриш — буларнинг бариси меҳнатни оғир, кишини жисман ва маънан эзадиган ёвуз кучга чиқариб қўйди. Оқибатда мен уни ёмон кўриб қолдим, мен ундан беизб қолдим. Иш — оғир, машаққатли, мажбурий машғулотга айланди. Кимдир мендан озроқ терса, бадхоҳлик билан қувонардим, кўп терганларни кўрганда эса ичимдан қиринди ўтарди, уларнинг барини бирдай ёқтирмай қолдим; асабий, жиззаки, ҳатто ғаламисроқ одамга айланиб бораётганимни ғира-шира илғардим. Айнан ишнинг ўзигина эмас, балки «чарчадим...» ёки «чарчайман...» деган фикрлар тезроқ ҳоритаётганини билиб турардим. Бошқа «оддий» отряддагилар бизни очик-ойдин мазах қилишар, истеҳзо билан қарашар, айниқса, энг оғири, энг суяк-суякдан ўтиб кетадигани — баъзилари бизга ачиниб қарашарди. Бундай нигоҳларни ҳис қилганим сари номусдан ерга кириб кетардим... Шийпонимизда оқшом «партизанлар» қандай қилиб ўз табелчиларини алдашганини, қандай қилиб бир этак пахтани уч-тўрт киши «айлантиришгани»ни, қандай қилиб камроқ теришга ва айни замонда штабга тушмасликка муваффақ бўлишганларини айтиб оғиз кўпиртиришар, ишқилиб, гап мавзуи килограммдан, қандай қилиб озроқ ишлаганини(!) кўз-кўз қилишдан нарига ўтмасди. Кун килограмм, тун килограмм, саҳар килограмм, шом килограмм, ҳатто босинқирашу тушларда ҳам килограмм... Дунёда нималар бўляпти, бу билан қизиқмай қўйдик. Қизиққан тақдирда ҳам на вақтимиз, на Тошкентдан кўтариб келган газета-журналлардан бошқа ўқийдиган нарсамиз бор эди; кичкинагина, эскидан-эски телевизорни эса Азроилнинг ўзи кечки саккиз яримда қўйиб, тўққиз яримда ўчирарди.

Муҳит хулқимизга таъсирини ўтказа бошлади: кўп сўкишадиган, арзимаган нарсага эринмай жиқиллашадиган, сал баҳона топилса, бас, бир-биримизга аямай захримизни сочадиган бўлдик. «Партизанлар»ни ҳе йўқ, бе йўқ тўсатдан «оқсуяклар» атаб, икки марта дўппосладик, бир марта улар йиғилишиб келишиб пўстагимизни қоқиб кетишди, роса таёқ еган бўлсак ҳам йиғилиб қолган алам, ғазабимиз бир мунча камайиб, сал энгил тортгандай ҳам бўлдик...



Қўллари мизни қоп-қора кир чалмадек босиб, тарам-тарам ёрилиб кетди; ўсган тирноқлар орасига кир тўлди; шампунь кўрмаётган сочлар аввалига қуруқшаб, сўнг ёғ босиб гуллаш бошлади; қоп-қора тусга кирган лаблар пўрсиллаб ёрилди, оғизни ё каттароқ очсак ё кулсак, улардан қон сизиб чиқарди; соқол-мўйловлар ўсиб кетди; ғўза баргларидаги ширага шимган шимми, кўйлак-майка қўйиб қўйилса худди крахмаллангандай тик турадиган ҳолга келди; ётоқда пайпоғу пайтаванинг ҳиди димоқни ёрарди; ҳар куни гоҳ қайнатилиб, гоҳ қовурилиб берилётган макарон, аччиқ буханка нондан жиғилдонлар қайнарди, аммо иш ҳам қайнагандан қайнаб борарди.

Ўн иккинчи куни тушлик маҳали гўштсиз шўрвага бўктирилган нонни шоша-пиша ямламай ютаётганимизда барагимиз эшиги бир лаҳзага тўсилди — бир гавда липиллаб ўтди, сўнг яна ёрқин қуёш нурлари оқиб кира бошлади ва: — Еқимли иштаҳа! — деган кўнғироқдек овозни эшитдик.

Агар ўша пайтлари ёшлар орасида расм бўлган ибора билан айтсак, биз «тахта» бўлиб қолдик. Оғизга солганимиз оғзимизда, ютаётганимиз томоғимизда, ушлаганимиз кўлимизда қолди. Қиз яна бир бор жарангдор товuşда: «Ҳорманглар, йигитлар!» деди-да, ўнг тарафдаги омборхона ҳисобланмиш кичкинагина ҳужрага кириб кетди. Бир сас чиқариб улгуролмаганлар мана энди гувиллашга тушишди: оҳ, вой, дод, ўлдим, кўйдим... Бироқ бу довдир ҳаяжонни бошқа бир — Болалар! — деган овоз босди. Устимиздан совуқ сув сепилгандай ҳушёр тортдик. — Беш минутдан кейин стройса!

«Абетгача 80» термаганлар насибасини олгандан сўнг Азроил отрядимизга Ўғилой исмли ҳамшира келганлигини, энди «вазелин-мазелин, анальгин-панальгин»ларни шу қиздан олишимиз мумкинлигини тўнғиллабгина эълон қилди. Биз пахта чигитларидай бир-бирига ўхшаб ўтиб бораётган кунларимизда шу ўзгариш юз берганига ҳам шукр қилдик. Шу пайт эски сатил кўтариб Ўғилойнинг ўзи ҳам чиқиб қолди.

Қиз ўн саккиз яшар эмасди, шунинг учунми, унинг хунуқкиналиги дарров кўзга чалинарди. Кўзлари кўк, майда сепкил босган бир бурдагина юзи ҳам, сириб боғланган рўмолидан чиқиб пешонасига тушиб турган бир тутам сочи сарғиш, лаблари юпқа, қиррабурун, озғин, умуман болалигида кўп касал бўлган нимжонгина бир қиз эди. У тор куртка, торгина шим кийган, шими унинг чиллакдек оёқларини ошкор этиб турар эди. Кимдир дарров маъноли йўталиб, «арматура»... деб қаттиқ шивирлаганда, бошқаси пайровни илиб кетиб: «ой»ини олиб ташласаям бўлар экан» деб ҳуснига ишора қилганида, холисанилло айтганда, унчалик янглишишмаган эди.

Кечқурун келганимизда қизнинг ҳужрасида чироқ ўчиқ эди. Кимдир заҳарханда билан: «ойимқиз сайру саёҳатда» деди. Аммо... шийпон атрофи топ-тоза қилиб супурилган, кўлоблатиб сув сепилган, дарахт тагига бўшаган чой қутиси қўйилиб, унга ёпиштирилган чизма қоғозига бир нималар ёзилган эди. Яқинроқ бориб кўрдик: «Қотган нонлар учун» деб ёзилганди. Шунча болага бир ўзи ошпазлик қилиб жуда чарчаётганидан ҳар куни нолийдиган Қадамдан ҳам, касаллик тарихини кўтариб келганида (у июль ойида сариқ бўлган экан) кўз олдида йиртиб ташлаган декан ўринбосарини кўрганда қалтироғи тутиб қоладиган нимжон самоварчи Тиллодан ҳам бундай ёруғлик чиқмаслигини билганимиз учун бу кимнинг иши эканлигини зумда тушундик. Янгиликни муҳокама қилгани ичкарига кирарканмиз, шийпонимиз ҳам ёғ тушса ялагудай тозалаб қўйилганининг гувоҳи бўлдик. Учунчи янгиликни чойхоначи етказди: Ўғилой, декан ўринбосари билан аввалига қизариб-бўзариб нима ҳақидадир роса тортишибди, сўнг у билан «Виллис»га ўтириб жўнаб қолибди. Ўринбосарнинг бунақа ишларга суяги йўқлигини эшитиб улгурганимизданми, кимдир чўзиб ҳуштак чалди, кимдир маъноли илжайди, кимдир ёмон сўкинди. Аммо тўртинчи янгилик ҳам бизни маҳтал қилиб қўймади — машина келди, ундан бир-бирига кийдирилган учта каттагина пластмасса тоғора кўтарган Ўғилой, декан ўринбосари, бир ўрам симни елкасига ташлаб олган яна бир киши тушди. Бадқовоқина бу одам монтер экан. У тўнғиллай-тўнғиллай, кўрпаларимизни ифлос этиги билан босиб-янчиб бирпасда олти жойга патрон ўрнатиб, юзлик лампочка қўйиб, ёқиб юборди. Атроф кундуздай ёришиб кетди. Намозшомкўрга ўрганиб қолган эканмиз, ҳаммамиз бир-биримизга, тепага афтимизни бужмайтириб қараймиз.

Уша куни мен одам кўнглини овлаш учун тоғларни қўпориш шарт эмаслигига, кичкинагина илтифот, арзимаган майда эътиборнинг ўзиёқ кўнгилга илиқлик бахш этишига амин бўлдим. Айниқса, Опа (Ўғилойни энди кўпчилик ҳурмат билан шундай атай бошлади) ўнга яқин кир совун билан тоғораларни ўртага қўйиб, овқатдан сўнг самоварда иссиқ сув бўлишини, кирларимизни ювиб олишимиз мумкинлигини, тез кунда ҳаммом ҳам бўлишини айтганида; бир-иккита озроқ терган болани ҳайдаш билан кўрқитиб жўнаб кетаётган ўринбосарнинг ортидан чопқиллаб бориб, энди қўзғалаётган машинани тўхта-тиб, ундан бир қучоқ газета-журнал олиб келиб бизга берганида; овқатимизда хушбўй таратиб турган шивитни, нонларнинг кесиб тайёрлаб қўйилганини, идишларни ювиш учун бўш қозонда илиқ сув тайёрлигини кўрганимизда... Энг муҳими, Опа буларнинг барини табиий бир нарсалар ўрнида кўрар, қилганларини таъкидлашни ҳаёлига ҳам келтирмас эди. Кимнингдир: «Нега аввалроқ келмадингиз?» — деган саволига мулоимгина жилмайиб: «Сизларни эсдан чиқаришган экан-да, укалар. Ўзи шундай бригада борлигини кеча эшитиб қолдик», — деб, «Газеталар нега авваллари келтирилмасди?» — деган саволга эса: «Ҳа, энди, кўзларингизни аяшгандир-да», — деб жавоб қайтарди. Опа ҳеч кимни бир оғиз бўлсин ёмонламади, фалончи шу ишни қилмаган-да, демади, балки шуниси билан бизга янада кўпроқ хуш ёққандир.

Шу оқшом ТошМИнинг 6-курс толибаси беморларни қоп-қоп макаронлар уюлган, эски холодильник ғувиллаб ётган, уч салафан қанорда нон турган, бир каравот, бир столу бир уч оёқли табуретка аранг сиққан хонада қабул қилди.

Оқшом ётоғимизда қандайдир дориларнинг ўткир ҳиди гуркираб кетди.

Эрта саҳар, ҳамишагидай юлдузлар чарақлаб турган палла, Азроил нормани эълон қилаётган эди, Опа оқ халатда елкаларини қучоқлаганча қўнушибгина чиқиб келди. «Ассаломалайкум, яхши ётиб турдиларингизми?» — деди Опа. Биз, ўрганмаганимиздан бўлса керак, қимтиниб, бир нималар деб ғўлдираган бўлдик. Азроил тўнғиллади:

— Ётавермабсиз-да.

— Йўғ-э... Ҳа, мана, рўйхат.

— ...?

— Бу ерда олтита касалнинг фамилияси ёзилган. Рухсат берсангиз, соат ўн бирларда штаб машинаси келганда уларни райондаги поликлиникага олиб борсам.

— Нима? — Азроилнинг кўзлари олайиб кетди.— Олти киши?! Менга қаранг, Островский қорда ялангоёқ темир йўл қуриб...

— Корчагин...— деб юборди кимдир давранан эҳтиётсизлик билан.

— Қирқ еттинчи! — таҳдидли хўмрайди Азроил. Ҳаммамизнинг нафасимиз ичимизга тушиб кетди. У ёнидан машҳур «қора дафтар»ни чиқариб, унга нимадир белгилаб қўйди. Бу дафтар Азроил учун картотекадай гап эди. У ҳар номерга (Азроил биронтамизнинг исм-фамилиямизни билмас, бироқ ҳаммамизнинг номеримизни ёддан билар, чақирганда, гапирганда, уйғотганда ҳам фақат номеримизни тилга оларди) алоҳида бет бағишлаган, унга эшитишимизча фақат ўзигагина маълум ҳарфлар билан гоҳо нималарнидир ёзиб қўярди. Юқори курсдагиларнинг айтишига қараганда, зачёт-имтиҳонлар пайти шу дафтар унинг столида очик тураркан.— Боллар, сенлар бораверинглар кечаги қартага, мен етиб оламан.

Кейин қандай суҳбат бўлиб ўтгани номаълум, аммо одатдагидай қовоғидан қор ёғаётган Азроил далага келганидан беш дақиқалар ўтар-ўтмас боши эгик, ёноқлари қип-қизариб кетган Опа елкасига этак ташлаб келди ва шишган жағини рўмол билан боғлаб олган Аширнинг ёнида пахта теришга тушиб кетди.

Бу кунга келиб ўртача кўрсаткичимиз 165 килони ташкил этган эди. Талаба бўлиб пахтага борган ёки шу соҳада ишлаётганлар учун бу рақам анча шиширилгандай туюлиши мумкин. Аслида ҳам шундай. Кўни бўйи минг ўлибтирилсак ҳам 120 килодан оширолмасдик. Гап шунда эдики, отряддаги ўттиз бола подбор терарди. Ҳа, ўша, ерда хас-тупроққа қоришиб ётган подборни. Ёш болага ҳам аёнки, пахтага қараганда подборни териш бир неча баробар осон, унинг вазни ҳам кўнгилдагидай. Тележканинг қўйи қисмига бир тирсакча қалинликда оқ пахта яхшилаб зичлаб босилади, сўнг ўртасига подбор уюлади, буни энди тепкиламаса ҳам бўлади. Шундан кейин «маскировка»нинг олий

нуқтасига етилади: аввал рисоладаги қовун-тарвуздай ё ундан ҳам каттароқ тош-кесаклар, этак-этак нам тупроқ подбор устига ташланади, устидан 50-60 пақир сув қуйилади, ниҳоят яна бир тирсакча қалинликда пахта тўшалади-да, армонсиз тепкиланади. Қараб турибсизки, бир тележка пахта (оқ пахта!) гоҳо уч тоннадан кўпроқ тош босиб турибди-да. Тарозидагилар ҳамма нарсани билишади, лекин миқ этмай тураверишади; лаборант қизча тележканинг қанотини очдириб бир тутам пахтани нари-бери текширади-да, «олий сорт, қўл терими» деб қоғоз ёзиб бераверади... Ноинсофлик жуда ҳаддидан ошиб кетган тақдирда «скидка» кўпроқ қуйилади ё бирон ҳафсалалиси тележканинг устига чиқиб қарайди, жуда кунт қилса, пахтани ағдарган пайти қараб оқ пахтани кўради-да, шу билан ўзини ишонтириб дарҳол орқага қайтади.

Институт раҳбарлари орасида Азроилнинг яхшигина суянчлари бор шеклли, бир пайкални «ҳар ким хоҳлаган жойидан» оралаб, чала-чулпа териб улгурмасимиздан янгисини рўпара қилишар, баъзан қаршилик кўрсатиб қолган бригадирларни бир амаллаб кўндиришарди. Маълумки, ўқитувчилар пахтага бир ойга юборилади. Кейин уларнинг ўрнига бошқалари келишади. Шунинг учунми, биринчи сменадаги домлалар пайкални тозалашга вақт сарфлаб ўтиришмас, ҳосилнинг баракасини учуришиб, «мендан кейин дунёни сув босмайдами» қабилда ҳар куни кечагидан кўпроқ пахта топширишигина ўйлашар, бор имконларини фақат шу мақсад йўлига тикишар эди. Бунинг устига ишнинг қизғин, мусобақаларнинг гуркирагани, мукофотларнинг зўри шу муддат ичида бўлар, кейинги ойларда ҳашарчилар асосан далада ғимирсиб юриб республика плани тўлишини сабр билан кутишсалар, бас эди.

Соат кечки олтилар чамаси пайкал ёнига иккита «Икарус» келиб тўхтади. Уларнинг олдингисидан тушган Опа рўмолини силкитиб бизларни қақира бошлади. Бордик. Ажаб, «ҳаммом куни» экан. Териб қўйган пахталаримизни топширишга чопдик. Опа ҳам хирмон бошига келди. Бир лаҳзада пайкал оралаб юрган Азроил ҳозир бўлди. У Опанинг жилмайиб «Ҳорманг» деганига жавоб ҳам бермай тўрт қадам наридан дўқ ура кетди:

— Бу нима қилиқ? Ким сизга ҳуқуқ берди? Болларни нега ишдан чалғитасиз?

Опа чўнтагидан бир варақ қоғоз олди.

— Мана, штаб бошлиғи тасдиқлаган график. Унга кўра бригадамиз ҳозир ҳаммомга бориши керак. Шошилмасак бўлмайди, автобусларни топгунча ярим соат овра бўлдим.

— Менга қаранг, яхши қиз, — вишиллади Азроил, — менинг ўз хўжайинларим бор, улар менга бундай кўрсатма бермаган, так что, автобусларни қайтариб юборинг-да, дарров баракка боринг. Тамом!

— Минздравнинг буйруғига кўра, домла, ҳашарчилар ҳар ўн кунда бир марта ҳаммомга бориб туришлари шарт. Бундан хабарингиз бордир, — йиғлагудай бўлди Опа. — Навбатимиз ўтиб кетади ахир.

— Билмайман, билмайман! Ун йилдан буён пахтага чиқаман, бунақа буйруқни биринчи эшитишим. Ундан кейин, ҳамма буйруқлар ҳам бажарилавермайди. Ўзингиз ҳам осмондан тушмагансиз, буни жуда яхши биласиз. Нима кераги бор ўзингизни укаларингиз тенги болларга яхши кўрсатавериб, шу билан шохингиз чиқиб қоладими?

— Домла!

— Бўлди! Ҳамма ишга!

— Мен... устингиздан шикоят қиламан! Мен... рапорт ёзаман!

— Тўғри обкомнинг олдига борақолинг, бир йўла мулла бўлиб қайтасиз. Ёзадиган бўлсангиз ҳам баракка бориб ёзинг, бу ерда ивирсиб юрманг!

— Мен... «Комсомолка»га... «Правда»га... — кўзларидан шашқатор ёш қуйилиб кела бошлаган Опа юзини кўллари билан тўсганча шийпон томон чопиб кетди.

Автобуслар қайтиб кетишди.

Кечқурун Азроилнинг хонасига проректор, декан ўринбосари ва ёнбошига «медицинское» деб ёзилган машинада келган уч киши йиғилишди. Бир соатлар чамаси ғўнғиллашиб, орада овқатланиб ҳам олишгач, Опани чақирди. Яна ярим соатча вақт гоҳ ғўнғир-ғўнғир, гоҳ кескин товушлар, гоҳ столни муштлашлар билан ўтди. Ниҳоят кўзлари қип-қизариб кетган Опа отилиб чиқдию чопиб ўз хонасига кириб кетди. Биз унинг ҳўнграб йиғлаганини, кейин бўғилиб

ҳиқиллашга тушганини эшитдик... Овқат емадик ҳисоб. Турли шубҳа-гумонларда ўтган яна ярим соатдан сўнг ҳайъат чиқиб келди. Машиналар ўт олдирилди, қай биридир чўзиб сигнал берди ва шунда... кичкинагина тугунини бағрига босган Опа хонасидан чиқди. Опа остонага етганда тўхтаб, ним ўгирилдида, паст овозда: «Хайр, йигитлар...» деди. Кўчага чиқиб, Опамизни олиб кетган машина ортидан узоқ қараб қолдик...

Шу оқшом кутилмаган фалокат юз берди. Лотоқдан ошиб ўтаётиб, ни-магадир қоқилиб юзтубан қуладим. Тиззам жизиллаб кетди. Гугурт ёқдим. Олдимда қозиқлари тепага қараган борона ётарди. Баҳордан қолган бўлса керак, роса занг босган. Қизиқ устида аввалига билинмаган экан, сўнгроқ тиззам лўқиллаб оғрий бошлади, қон этигимга оқиб кирар, пайтавамдан сизиб ўтган илиқ суюқлик бармоқларим орасида билчилларди. Боронага кўкрагим билан йиқилмаганим учун шукроналар айтиб, рўмолча билан ярани сириб боғладим.

Оқсоқланиб баракка қайтдим. Ўрнимга ётдим. Ухлолмадим. Лўқиллаш худди минг оёқли жондордай шошилмасдан, бир маромда, аста-секинлик билан юқорига силжимоқда эди.

Кечаси деярли ухламадим. Ўнг оёғим соат сайин қизариб, дўмбирадай шишиб бормоқда эди. Тушлик чоғи Азроилнинг хонасига кириб оёғим шишаётганини айтдим. У оғзидан сигаретасини олмай истеҳзоли тикилди-да: «Заҳда камроқ ўтириш керак эди, бола», деди. Муолажадан умидимни узиб, ноилож яна далага чиқдим.

Кечқурун кўнглимга овқат сиғмади. Ўрнимда чўзилиб ётавердим. Кимдир ғишт қиздираб келиб оёғимга босди, кимдир қайноқ сув солинган грелка кўйди. Иссиқ элитиб, ухлаб қолибман. Терга ботиб уйғонганимда тахминан ярим кечаси эди. Лўқиллаш ўнг оёғим бармоқлари учидан тортиб миямгача етган, оёғим тўнтарилиб қўйган кубидай юқоридан пастга шишиб кетган, кенг-мўлгина шимим сирилиб турарди. Иккинчи қаватдан пастга осилиб тушиш дўзах азоби бўлди. Бир оёқда сакрай-сакрай ташқарига чиқдим.

Йўлим сира унмасди, тошбақа мисол судралиб кетаётгандай эдим. Икки ёнда одатда пахта терими машиналарининг қайрилиши учун тайёрланган йўл бўлиши эсимга тушди. Улар сертупроқ, аммо ҳозир шудринг тушгани учун унчалик чангимаса ҳам керак, дея ўйлаб, бироз асфальт йўлда ҳаққаладим, сўнг юра олмай, тупроқ йўлда эмаклай бошладим; ҳамма жойим лойга беланди...

Зовур ёнига етганимда, узоқдан трактор товуши эшитилди, зум ўтмай унинг чироқлари кўринди. Одам қаторида кўриниш учун уст-бошимни қоққан бўлдим. Йўл чеккасида ҳурмат юзасидан ним эгилиб, буш қўлим кўксимда уни кута бошладим. Келди. Ўткир чироқлар нуридан кўзим қамашиб, «тўхтаг, бирга кетайлик» ишораларини қилдим. Трактор сал секинлади, сўнг бирданига газ бериб, юлқиниб олдинга интилди-да, ўтди-кетди. Ўзиям олтитами арава судраб келаётган экан, улар биланглаб-биланглаб илон изи қилиб юра бош-лашди, агар ўзимни пастга отмаганимда охирроғидагилари қаноти билан уриб кетиши тайин эди.


Ер билан битта бўлиб ётибман-у, хўрлигим келади... Тракторчининг бу ишини ҳам тушунардим албатта: ярим тун, уст-боши лой, қўлида таёғи билан зовурдан чиқиб келган арвоҳ, шу қабилидаги ҳикоятларнинг ёдга тушиши...

Шийпонга етишимга икки юз қадамча қолди. Осмонда чарақлаб турган юлдузларга қараб, барাগимизда «подъём» бўлганини, ҳозир болаларнинг чой ичишга тушганини тахмин қилдим. Шошилиш керак эди. Режамга кўра, ҳеч бўлмаса ишга чиқар маҳалига қайтиб улгуришим керак эди. Сабаби... сабаби шуки, мен ўқишни истардим, тўсатдан Азроил тузадиган рўйхатга тушиб қолиб бошимга ғалва орттиришни истамасдим, емаган сомсага кимнинг пул тўлагиси келади.

Билмадим, бу масофани қанчада судралиб ўтдим, аммо осмонда юлдузлар сўнгани, уфқда илк заррин нурлар пайдо бўлгани ёдимда. Шийпон жимжит эди. Ҳамма ишга кетганмикин, деб ўйладим, бироқ самоварчининг чой қайнатаётганини кўриб, болалар ҳали ухлаётганини тушундим. Энди шишган оёғим бир бўлак ёғочга айланган, гўё уни ҳозир урсам, қирқсам, куйдирсам ҳам ҳеч нарса сезмайдигандай; муз белим томон ўрламоқда эди... Кўринишим билан самоварчини чўчитмаслик учун судралиб ичкарига кирдим. Бу жойларда

ҳамма шийпонлар икки томчи сувдай бир-бирига ўхшаш бўлишини билганим учун ўнгдаги ҳужрага етиб олдим. Эшик тутқичидан ушлаб минг машаққат билан қаддимни ростладим. Оғир-оғир нафас олган кўйи эшикни секин тақиллатдим. Ичкаридан қиз боланинг «ҳозир» деган товуши эшитилди. Бу товушни эшитиб бирданига енгил тортдим, шу қадар енгил тортдимки, ичи бўм-бўш мўмиё вужудга айланиб қолгандай сездим ўзимни, шу билан мени ушбу лаҳзага қадар ушлаб, суяб турган номсиз қудратли бир нимадан айрилгандай бўлдим ва «Опа...» дея шивирлаб бетон ерга гурсиллаб йиқилдим. Онгимни қуюқ туман қоплаб борарканман, Опанинг қичқириб юборганини элас-элас эшитдим...

Мен йўлни бутунлай қарама-қарши тарафга олган, Ўғилой опа эмас, у кишининг курсдоши врачлик қилаётган бригадага келиб қолган эканман. Кейинроқ гапириб беришларича, мени кушёткага ётқизишгач, пичоқ билан шимимни кесаётган қиз оёғимни кўриб «Қорасон!» дея чирқираб йиғлаб юборганмиш. У дарҳол беш-олти йигитни машина топиб келишга юборипти-да, кўзидан дувиллаб оқаётган ёши тинмай, менга укол қилипти. Шу пайт бахтимга бўлим бошқарувчиси «Жигули»сида келиб қолибди. Машинада бирпасда мени район марказидаги шифохонага етказиб келишипти. Аммо қон заҳарланиб улгурган экан...



# Драматургия

Шукрулло

## УНСИЗ ФАРЁД

Икки парда етти кўринишли  
шеърӣй фожиа<sup>1</sup>

### II парда

#### Бешинчи кўриниш

Қабулхона. Бир томонда бошлиқнинг рўпарасида ўринбосарнинг хонаси. Телефонлар. Машинка. Котиба қиз — Муборак машинкада ёзаётган варағини жаҳл билан ғижимлаб ташлайди. Қаршисида кўзи кўр Комил ота дарғазаб бўлиб ўрнидан туради.

КОМИЛ ОТА

Мен қаердан келдим, қизим! Айтдингми?

МУБОРАК

(Жаҳл билан)

Айтдим!

Киритма деб тайинлаган... Қандай одамсиз!

КОМИЛ ОТА

Қандай одам?!

МУБОРАК

Бу идора, бақирманг бунча!

КОМИЛ ОТА

Бақирманг, де! Катталарнинг идораси де!

(Телефон жиринглайди, Муборак олади.)

Алло!.. Оҳо!.. Эстрада!.. Италиянчами?..

(Эшикдан Омил киради. Муборак телефонга)

Бирпас тўхтанг!

(Омилга)

Келдингизми?

<sup>1</sup> Охири. Бошланиши ўтган сонда.

ОМИЛ

Кел, десангиз доим келганмиз.

МУБОРАК

Суюнчини чўзаберинг!

ОМИЛ

Олдин эштай.

МУБОРАК

Мукофотнинг каттакони. Қўл қўйилса бас.  
Ҳозирча жим, зиёфатни тайёрлайберинг.  
Қолганини эшитасиз ўзидан кириб.

ОМИЛ

Бемалолми?

МУБОРАК

(Қўли билан эшикка ишора қилиб)  
Кираберинг!

ОМИЛ

Зиёфатига...

(Қуллуқ қилиб, директор хонасига кириб кетади.)

КОМИЛ ОТА

(Ҳазабини босиб)

Унга менинг кимлигимни тушунтирдингми?

МУБОРАК

Ҳаммасини тушунтирдим.

КОМИЛ ОТА

Кўрлигимни билиб туриб, қайдан келганман?!  
Тушуниб туриб

МУБОРАК

Айтдим, айтдим.

КОМИЛ ОТА

Айтдим дегин! Эшитди дегин!

(Ҳазаб билан столни муштлайди.)

Қандай раҳм-шафқат кутиш мумкин булардан!

Томоғига нимадир тикилгандек нафаси сиқилиб, йўталади.

МУБОРАК

(Сув тутлади.)

Сувдан ичинг!

## КОМИЛ ОТА

Тоза сувни сенлар ичасан!  
Сенлар мени маҳрум этдинг буни ичмакдан!  
Ҳа-ҳа, сенлар!.. Ўзинг яшаб дарё бўйида  
Ҳовуч-ҳовуч, тўйиб-тўйиб сув ичолмасанг!  
Ариқларда оқаётган сув эмас, заҳар!  
Ахир, уни ичган дев ҳам хушдан ажрайди,  
На парранда, на дарранда!.. Пахтадан ўзга  
Қишлоқларда нима қолди?.. Нима бўляпти?  
Кириб гапир!

(Телефон жиринглайди. Муборак олади.)

## МУБОРАК

Алло, алло!

(Комил ота нос отиб, эшикка чиқиб кетади. Муборак телефонда)

Раҳмат, яхши, ҳозир ўзим, бўлди бораман.

(Эшикдан Саид Валиев киради. Аста келиб телефонда гаплашаётган Муборакнинг елкасидан ушлайди. Муборак чўчиб қарайди. Телефонни илади.)

Бу нимаси?

## САИД ВАЛИЕВ

Бу нимаси деганинг нима?  
Билмайсанми, кимки қўйса ёшларга меҳр  
Умри узоқ, ёш бўлади деган ўтганлар.  
Сендекларга яқин бўлиш...

## МУБОРАК

Раҳмат!

(Кетмоқчи бўлади.)

## САИД ВАЛИЕВ

Шошилма!

Токайгача битта ўзинг умр кўрасан!  
Сенга совға.

(Енидан олтин занжир олади.)

Ҳеч тортинма, бир ўпиб қўяй.

(Ўпмоқчи бўлади, Муборак сапчиб тушади.)

## МУБОРАК

Кўнгиллари яна не истар.

## САИД ВАЛИЕВ

Менга қара.

Кеча айтдим, эринг билан ажрашганинга  
Йилдан ошди. Ўзим сенга раҳм қилмасам...  
Олтин совға... Ҳозир битта ўпич берсанг бас.  
Қолганини.

## МУБОРАК

(Муборак шапалоқлаб уради.)

Мени ким деб ўйладинг, нокас!

Жаҳл билан чиқиб кетади.



## САИД ВАЛИЕВ

Кўрсатаман.

(Кулади.)

Ҳали сенми, кўрсатадиган!  
Қараб тургин омон бўлса, бу олтин занжир,  
Беҳ-беҳ қилиб ўзи сени тортиб келади.

Қаҳ-қаҳ уриб кулиб кетади. Ичкаридан Боқи Алиев билан  
Омил чиқиб тўхтаб гаплашишади.

ОМИЛ

Номард! Ифлос!

БОҚИ АЛИЕВ

Агар ифлос бўлмаганида  
Ўз уйини қилармиди фоҳишахона?!  
Гапиришга тил бормади.

ОМИЛ

О, аблаҳ, ифлос!..

БОҚИ АЛИЕВ

(Муборакни йўқлаб)

Бу қиз қайга қойиб бўлди!

ОМИЛ

Энди қўймайман.  
...Котиба қиз ҳозиргина ўзи табриклаб,  
Ҳатто мендан суюнчи ҳам олган бўлса-ю...

БОҚИ АЛИЕВ

Ҳаммат нарса ҳал бўлганда, Абдулазимнинг,  
Қаршилиги фақатгина тўсди йўлингни.  
Мукофот ҳам, номзоднинг ҳам бекор қилинди.

ОМИЛ

Туз кўр қилгур.

БОҚИ АЛИЕВ

Энди сенга маслаҳатим шу:  
Гўё ҳеч гап ўтмагандек ораларингдан  
Яхши гаплаш, дўстсиз, сира қўлингни узма,  
Маишат-у, уй-у, жой-у амал, мақтовни  
Севмайдиган инсон борми? Кўнглин топиш-чун  
Ана шуни билишлиқдан яхши илмоқ йўқ.  
Маишатин устидан ҳам чиқсанг, ажабмас!  
Асқотади гуноҳини билиб қўйиш ҳам.

(Муборак киради.)

Хужжатларнинг ҳаммасига қўл қўйиб қўйдим.

(Омилга)

Маслаҳатим, бўлди, бу гап ичингда қолсин.  
Сен у билан кўришганда ортиқ қизишма.

Назира чиқади, уларни кўриб орқасига қайта бошлайди.

БОҶИ АЛИЕВ

(Меҳрибонлик билан)

Кел, Назира, қани, қани, тўхта, қаерга?  
Кел, марҳамат!..

НАЗИРА

Битта нарса ёзиб қўйгандим.

БОҶИ АЛИЕВ

Нима экан?

НАЗИРА

Тарих! Ҳа-ҳа, ўқийман, эшит!  
Ўғрилари жазоласанг, инсофга келар.  
Майпараст ҳам, охир бир кун ҳушёр тортади.  
Бузуқ аёл ё хотинбоз эркак зоти ҳам.  
Яшамайди бир умрга навқирон бўлиб,  
Кучдан қолиб, юрагининг ўтин сўндириб  
Тавбасига таянтирар бир кун табиат.  
Аммо, элнинг таҳсинига маъқул бирор иш,  
Ўз қўлидан келмагучи ғаразгўй эса,  
Фоҳиша-ю, ўғрилардан минг бор даҳшатроқ.  
Гўзалликни кўрганда у қалтирар шу чоқ.  
Одамларнинг бахтдан хурсанд қаҳ-қаҳалари  
Жазавага солиб қўяр унинг вужудин.  
Истеъдодли кишиларни, топган ҳар зафар  
Улар учун қалбларига санчилган ханжар.  
Ҳасадгўйлик шундай дардки, бутун гўзаллик,  
Қувончлар-у яхшиликнинг кушандаси у.  
Неки эзгу, неки гўзал, янгиликки бор,  
Унинг иши барчасининг йўлини тўсмоқ.

(Боқи Алиевга тикилиб)

Тўғримасми!

(давомини ўқийди)

Шу чоққача бу бадбахтнинг жиноятларин,  
Топган бутун молу мулки ҳаромлигини

Келармикин инсофга, деб яширган эдим.  
(Назира қоғозни чўнтагига солади.)

МУБОРАК

Ундан кейин?

НАЗИРА

Давомини кейин. Судда эшитасан!

МУБОРАК

Нима? Қанақа суд?  
(Назира кетабошлайди.)

БОҶИ АЛИЕВ

Кимнинг суди? Икки оғиз гапим бор эди.  
Тўхта, бир зум!

Назира, унинг кетидан Боқи Алиев кетадилар. Эшикдан Комил  
ота қайтиб киради. Раис ўринбосари хонасидан Абдулазим чиқа-  
ди. Комил ота билан тўқнашади.



НАЗИРА

Сени излаб юрган эдим, зарур гапим бор.  
(Кетадилар).

ОЛТИНЧИ КҮРИНИШ

Абдулазимнинг ҳовлиси. Ундаги ҳамма нарса, деворларидан тортиб рўзгор асбобларигача, ёзилган дастурхонгача барчаси гўзал, дид билан қилинган. Ҳаммаёқ саранжом. Абдулазим билан ўғли Одил нима ҳақдадир баҳслашади.

ОДИЛ

Ҳой-ҳой, ота!

АБДУЛАЗИМ

(Телефон овози)

Ишингни қил, ўғлим, бўлди.

(Абдулазим телефонни олади.)

Лаббай?! Омил. Бормоқчиман?! Уйдаман, кел, кел!

(Телефонни илади.)

ОДИЛ

Омил?!

АБДУЛАЗИМ

Ҳа, ҳа! Нимасига ҳайрон бўласан?

ОДИЛ

У хоин-ку!.. Тавба, шунча душманлик қилса!..  
Яна уни!..

АБДУЛАЗИМ

Душман санаб, қувиш керакми?

ОДИЛ

Қора суртиб, юзларига туфламоқ керак!

АБДУЛАЗИМ

Ғўрликларинг мана шунда! Сен ўйлаганча  
Бўлсам агар одамларга муносабатда,  
Бу дунёда ҳатто битта дўст орттиришмас,  
Ҳамма одам душманимга айланиб кетар.  
Чин дўстлик бу — сал хатодан юз ўгиришмас,  
Йўқ, аксинча, асл дўстлик — дўстнинг хатоси,  
Нуқсонларин пайдо қилган омилларини  
Бардош билан, ақл билан тагига етмоқ  
Ва офатдан сақламоқлик илож борича.  
Аммо кўра билатуриб хатоликларни...  
Индамаслик, бунинг номи мунофиқликдир.

ОДИЛ

Бу тўғри-ю...

## АБДУЛАЗИМ

Тўғри бўлса, вақтни ўтказмай,  
Эрта-индин тўйинг, шуни ташвишини қил!

Иккиси икки хонага кириб кетади. Насиба дастурхон ёзмоқчи бўлиб чиқади. Насиба гулдондаги атир гулни ҳидлаб ўзича сўзлайди.

### НАСИБА

Бу даргоҳда неки борки, барчаси гўзал;  
Уй-жойлар-у, мол-у мулку гулзордан тортиб,  
Барчасида дид-фаросат изи ҳукмрон.  
Хонадоннинг соҳиби-чи? Оҳо, таърифсиз!  
Фаришта ҳам бўлса, ахир, шунчалик бўлар.  
Йўқ, йўқ, асло фариштамас! Ё сеҳргарми?  
Жодугарми? Тавба, наҳот инсон зоти ҳам  
Шу қадарли жозибали, гўзал кўринса.

(Хаёлини йиғиштириб)

Тавба, не деб алжияпман, менга не бўлди?!  
Бевалим ё ёшликнинг васвасасими?

(Сукут)

Васвасамас, меҳр, меҳр! Бундай одамлар,  
Бундай зотга қурбон қилсанг жонингни арзир.  
Бу ҳам худди мендек бева, бахтсиз, хотинсиз.

Насиба радиони кўяди. Иккинчи ёқдан Абдулазим чиқиб, «Наврўзи ажам»ни тинглайди.

## АБДУЛАЗИМ

Бу не қудрат, бу не сеҳр, бу не мўъжиза,  
Йўқ, бу тилсиз бир фалсафа, буюк фалсафа!  
Нелар келмас тинглаганда кўзинг олдига!  
Илк севги ҳам, марҳумлар ҳам ўтар ёдиндан.  
Бу дунёю бутун ҳаёт бир дам ҳаммаси  
Гўзаллигу эзгуликка айланиб қолар.

### НАСИБА

На гина-ю на бир қудрат, бутун вужудинг  
Саховат-у меҳр билан тўлиб кетади.  
Бирдамгина мол-у мулку нафснинг ҳирсидан  
Холи этиб юксакликка олиб чиқади.  
Олийжаноб туйғуларга чулғайди сени!  
Бу фалсафа! Буюк қудрат!

### НАСИБА

Олийжаноб гап!  
Дам олиш-чун, ҳа, албатта, ўйлатмайдиган  
«Рок»ка ўхшаш музикани тинглаш ҳам керак.

## АБДУЛАЗИМ

Аммо, ҳадеб, ружу қилиб ўйламасликка,  
Калланимас, ҳаракатга солсанг оёқни,  
Ишлайдиган бўлиб қолса фақат оёқлар...

### НАСИБА

Нима мунча хаёлларга чўмиб кетдингиз?  
Қулни хаёл ўлдиради деган мақол бор.

АБДУЛАЗИМ

Бу дунёда нима ҳам бор хаёлдан ширин!

НАСИБА

Хаёлдаги ширинликдан оғиз чучирми?

АБДУЛАЗИМ

Ширин хаёл қориннимас, руҳнинг озиғи.  
Етишмаган нарсангни сен хаёл қиласан.

НАСИБА

Етишмаган нарсангни денг!

АБДУЛАЗИМ

Ҳа, ўзи севган  
Нарсасини, етишсам деб хаёл қилади.  
Аммо - лекин, хаёл бошқа, фикрлаш бошқа.  
Ўйлаб-ўйлаб бир фикрга қатъий келмасанг,  
У маҳалда хаёлпараст бўлиб қоласан.  
Ўйлаш керак, англаш учун оқибатини.

НАСИБА

Бутун бало, оқибатин ўйламасликда,  
Мусича ҳам ин солади баъзан тарновга,  
Машаққат-ла хас ташийди, тухум қўяди  
Оқибат-чи, битта ёмғир ёғдимиз тамом...

АБДУЛАЗИМ

Баъзилар бор, ҳақиқатни тикка айтишни  
Дилзорлик деб тушуниб, қачон қарама,  
Меҳрибондек башарангга тиржайиб турар.  
Худди шундай, илонни ҳам бўйнидан бўғсанг,  
Кулган каби кўринар-у оғзи очилиб,  
Аслида-чи, чак-чак заҳар томиб туради.  
Йўқ дейсанми худди шундай сиртидан кулиб,  
Ичидан-чи, алдамоқчи бўлганлар сени!  
Оқибати нима бўлур?

НАСИБА

Нима бўларди?

АБДУЛАЗИМ

Оқибатда ном олади ёлғончи деган!  
Ёлғончи деб ном олгандан доим кулдириб,  
Яшимасми, обрўлироқ эмасми, ундан  
Ҳақгўй деган ном олмоқлик аччиқ бўлса ҳам!

НАСИБА

Бу ўзингиз! Ҳамма сиздек бўлиши қийин.

АБДУЛАЗИМ

Керак эмас ҳамма мендек бўлишлиги ҳам.  
Бир хилдалик камбағаллик аломати бу,  
Кийимлар-у, куйлар, тиллар бир хилда бўлса,  
Оқибати ғариблашиб қолмасин, дунё!

(жимлик)

Ёки яна битта мисол; эрлар бўлмасдан,  
Дунё, фақат хотинлардан иборат бўлса,  
Қани, айт-чи?!

НАСИБА

Ё бўлмасдан хотинлар зоти,  
Фақатгина эркакларнинг ўзлари қолса...

АБДУЛАЗИМ

Ҳай-ҳай! Даҳшат!

НАСИБА

Нега бунча?

АБДУЛАЗИМ

Нега бунчамиш?

Муҳаббат-чи? Ҳатто бир кун сизларсиз яшаш:  
Бахтимизга яхши ҳам сиз! Қўшақаринглар.

НАСИБА

Миннатдорман менинг бахтимга, яхши сизлар бор.

Абдулазим Насибанинг пешонасидан оталарча ўпади. Эшикдан  
Омил кириб, буларни кўриб, орқага тисарилиб кузатади. Телефон  
овози. Насиба олгани кетади. Абдулазим орқасидан тикилиб  
қолади.

АБДУЛАЗИМ

Бу дунёни, мана шундай фаришталарсиз,  
Мана шундай гўзалларсиз тасаввур этсанг,  
Яшашни ҳам истамайсан. Оҳо, хотинлар!  
Шундай гўзал, бева қолса! Нақадар, шўрлик!  
Бу жувонни ўғлим олиб, бахтли бўлади.

(Эшикдан Омил кириб келади.)

ОМИЛ

Мумкинми?

АБДУЛАЗИМ

Нега мумкин бўлмас экан, мумкин.

ОМИЛ

Келганимга ҳайронмисан?

АБДУЛАЗИМ

Йўк, йўк, марҳамат!

ОМИЛ

Сен билан мен кўришмасак туролмаймиз-у  
Кўришганда жанжаллашмай ажрашмаймиз ҳам.

АБДУЛАЗИМ

Минг хил гумон, миш-мишларнинг домига тушиб  
Одамларнинг орқасидан бижиб юргандан,  
Нима етсин, сўзлашмоққа юзма-юз келиб.

ОМИЛ

Дўстларимнинг ичида зап доноси ўзинг!

АБДУЛАЗИМ

Мақтовни қўй!

ОМИЛ

Ахир, одам нега яшайди?

АБДУЛАЗИМ

Лекин афсус, артистликка ўрганиб қолдик,  
Ҳатто, бирор дўкондорга зарурат билан  
Ишинг тушса, унинг кўнглин овламоқ учун  
Гапни олдин, отасининг мақтовиданми,  
Ё ўзидан бошлашингни ўйлаб қоласан,  
Артистлардек грим қилиб, ролга кирмасдан,  
Иш битириш бўлиб қолди жуда ҳам мушкул.

(Насиба чой олиб киради, иффат билан саломлашиб кетади.)

ОМИЛ

Танимадим, бу ким бўлди, бу пари-пайкар?  
Мунча гўзал, латофатли?

АБДУЛАЗИМ

Асло сўрама!  
Худо бунга ақл, ҳусн ато қилган-у  
Аммо бахтдан ёлчитмаган... ёш бева қолган.

ОМИЛ

Бева!

АБДУЛАЗИМ

Ҳа-ҳа! Ўз-ўзини ўлдирган эри.

ОМИЛ

Хотин зоти, ҳаддан ортиқ гўзал бўлдими  
Харидори кўп бўлади, эрининг шўри!  
Рашк алами бедаво дард.

АБДУЛАЗИМ

Кошки, рашк бўлса!  
Қурбон қилган ёш жонини маишат, майга.

ОМИЛ

Бошқаларга ташлаб кетиб шундай гўзални!

АБДУЛАЗИМ

Фожиа бу! Тақдир экан, бир сабаб билан  
Бизнинг уйга келиб қолди.

ОМИЛ

Бегона дегин?  
Бундайларни бошин силаш!



(Насиба киради.)

Сизни телефонга.

(Абдулазим уйга кириб кетади. Омил ёлғиз.)

ОМИЛ

(Ўзича ўйланиб)

Бегонамиш! Сабаб билан келиб қолганмиш.  
Қайси одам таъмин тотмас бундай неъматни.  
Бундай гўзал қабристоннинг ёнидан ўтса,  
Кўзин очиб ўликлар ҳам бир бор қарайди.  
Уйланмаган ўғли туриб, ўзин уйида,  
Бузуқчилик қилса шундай!.. Эшитганларим  
Бари мана тасдиқ бўлди. Қандай ифлослик!

(Уйдан асабий ҳолда Абдулазим чиқади.)

АБДУЛАЗИМ

Сув келтирган хор-у, кўза синдирган азиз,  
Менга қолса, баттар бўлсин, қирилиб кетсин.

ОМИЛ

Нима бўлди?

АБДУЛАЗИМ

Ватан! Ватан! Ватанпарварлик!..

Қурук гаплар!

ОМИЛ

Нима бўлди, ўзи нима гап?

АБДУЛАЗИМ

Ахир, қайдан пайдо бўлар Ватанга севги?!  
Ёдингдами, сен билан мен шалолаларнинг  
Булоқларнинг шаффоф сувин шимирганимиз?  
Ёдингдами, зарралари, унинг куйлари  
Бизнинг гўдак қалбимизни қилгани мафтун?  
Азим дарё, анҳорларнинг тўлқинларига  
Ёшлигингда ҳавас билан боқмаганмизми?  
Ариқларнинг тубларида ўйнаган, сузган,  
Балиқлар-чи? Тутлар териб еганларинг-чи?  
Ариқларда оқизганинг оқизоқлар-чи?  
Шулар бари қалбимизда уйғотмаганми,  
Она юртга севги ҳиссин, садоқат ҳиссин?  
Ана энди, бир пахта деб шу неъматларнинг  
Ҳаммасидан маҳрум бўлсак! Жим турайликми?

ОМИЛ

Менга қара, жон куйдириб ҳар бир нарсага  
Муносибми, жанжалкаш деб ном орттиришинг!

АБДУЛАЗИМ

Жанжалкаш де?

ОМИЛ

Ўзинг ўйла!

АБДУЛАЗИМ

Нимани ўйлай?

ОМИЛ

Бу гапни қўй, мен хушxabар эшитиб келдим,  
Табриклайман, яхши бўпти, Боқи Алиев  
Сенга амал бермоқчимиш.

АБДУЛАЗИМ

Ё тавба, тавба!

ОМИЛ

Мукофотга қўйганлари бу ҳам ёлгонми?

АБДУЛАЗИМ

Мукофотдан номзодимни ўзим ўчирдим.

ОМИЛ

Нима, нима?

АБДУЛАЗИМ

Берсалар ҳам, ҳатто олмайман  
Мукофотлар керак эмас, халқни заҳарлаб.

ОМИЛ

Бу гапни қўй!

АБДУЛАЗИМ

Ўзим кечдим. Керакмас дедим.

ОМИЛ

Шон-шуҳрат ҳам, мукофот ҳам керак бўлмаса,  
Ким ишонар, нима, подшо бўлмоқчимисан?

АБДУЛАЗИМ

Инсоф керак!

ОМИЛ

Мени бола қилмоқчимисан?

Инсоф эмиш!

АБДУЛАЗИМ

Ишонмасанг, қасам ичаман.

ОМИЛ

Қасам! Қасам! Жонга тегди қасам ичишлар.  
Пахтакорлар қасам ичар бажарамиз деб,  
Тайёрмиз, деб пионерлар ичади қасам.  
Одамларга қасам эмас, қасамдан олдин  
Англлатмоқлик керак қасам муқаддаслигин.  
Ҳа, ҳа қасам уришини ўргатмоқ лозим.

Қасамхўрлар тоймаганлар қасам ичишдан,  
Елғонлардан, бўҳтонлардан кафан бичишдан!  
(ўйланиб)

Ҳақгўй бўлсанг, ҳақиқатни яширмасдан айт!  
Номзодингни агар ўзинг ўчирган бўлсанг,  
Масалангни коллективда нега кўрмоқчи!

АБДУЛАЗИМ

Масаламни?

ОМИЛ

Билмайман де!

АБДУЛАЗИМ

Яширма, гапир!

ОМИЛ

Ўз номзодин ўчирганмиш. Сени бузди деб,  
Масалангни кўрмоқчи-ю қанақа қилиб  
Мукофотни сенга берсин!

АБДУЛАЗИМ

Нима дединг?

ОМИЛ

Фоҳишабоз!

АБДУЛАЗИМ

Яна такрорла!

ОМИЛ

Бева эмиш! Беваларга раҳм қилармиш!  
Фоҳишабоз!

АБДУЛАЗИМ

Нима! Тўхта!

ОМИЛ

Кўзим олдида  
Иккалангиз кучоқлашиб, ўпишинглар-да...

(Абдулазим ёқасидан олади.)

АБДУЛАЗИМ

Аблаҳ, разил! Қани дарҳол йўқол бу ердан.

(Омил кетади. Эшикдан Назокат кириб келади.)

НАЗОКАТ

Мадад излаб сизга келдим. Шафқат қилингиз!

АБДУЛАЗИМ

Сен, ўзинг ким?

НАЗОКАТ

Муҳаббатдан куйган, бир бахтсиз!

АБДУЛАЗИМ

Мен имоммас, ошиқларга ўқувчи никоҳ!

НАЗОКАТ

(Бағрига ташланиб.)

Мен адашган, севгисига ўзи кушанда.  
Мени ташлаб кетолмайди!

АБДУЛАЗИМ

Ташлаб кетган ким?

НАЗОКАТ

Одил! Одил! Мени ташлаб кетолмайди, йўқ!

АБДУЛАЗИМ

Унинг бошқа севгани бор! Сен ўзинг кимсан?

НАЗОКАТ

Мен адашган, мен Одилнинг севгани эдим!

АБДУЛАЗИМ

Бу ёққа юр! Дардларингни очикроқ гапир!  
Бу ташвиш ҳам энди менга етмай турганди.

НАЗОКАТ

Тўғри йўлдан мен адашдим.

АБДУЛАЗИМ

Мен билан юр!

Абдулазим Назокатни олиб чиқиб кетади. Уйдан Насибанинг  
қўлидан ушлаганча саволга тутиб Одил чиқади.

ОДИЛ

Тўхтанг, қасам ичайинми?

НАСИБА

Чин муҳаббатга  
Қасамлар ҳам, ваъдалар ҳам бўлолмас муҳр.

ОДИЛ

Шартингиз зўр.

НАСИБА

Сўзларимга сиз жавоб айтинг!

ОДИЛ

Елвораман, сўзларимни бўлманг, фариштам.

(Артистона монолог ўқийди)

Майли, бу совуқ дунё мени жазоласин, тақдир бурунги-  
сидек мени таъқиб этсин, дўстларимдан, давлатимдан  
мени айирсин. Лекин мен шуни биламанки...

НАСИБА

Бай-бай, бай-бай, бўлди, бўлди. Худди Отелло.  
Баландпарвоз, тантанавор сўзлардан кўра...

ОДИЛ

«Қуръон», «Таврот», энг муқаддас китоблар ҳақи,  
Авлиё-ю набиларнинг номин ёд этиб,  
Қасам ичиб айтаманки, муҳаббатим деб  
Мингта жоним бўлса барин бермоққа шайман!

НАСИБА

Жонингизни ўзингизда сақланг ҳозирча,  
Муҳаббатни англамоқ-чун қасамлар эмас,  
Гоҳо битта кўз қарашнинг ўзи кифоя.

ОДИЛ

Ғарибингиз ўша қиё боқишингиздан.

НАСИБА

Йўқ, шошилманг, бир кўз қараш бу севги эмас,  
Бу ишора.

ОДИЛ

Бу ишора, айтинг не учун?

Севгиданми?

НАСИБА

Жуда яхши, нега севдингиз?

ОДИЛ

Нега эмиш, яхши кўрмай севиб бўлурми?

НАСИБА

Хўш, нимага бошқанимас, уни севдингиз?

ОДИЛ

Уни эмас, фақат сизни. Сиз каби гўзал...

НАСИБА

Гўзалларда бўлмайдими, севгига риё?

ОДИЛ

Гўзалларни гўзал қилган фақат донолик.

НАСИБА

Оқилларда бўлмайдими манманлик, ҳаво?

ОДИЛ

Муҳаббатнинг суянчиғи ҳамиша вафо.

НАСИБА

Ҳамма билмас, нелигида вафонинг сири.

ОДИЛ

Унинг сири, унинг сехри, чунки, у...

НАСИБА

Нима, чунки?

ОДИЛ

Нима десам...

НАСИБА

Бутун севгининг,  
Муҳаббат-у ва вафонинг сири чункида.  
Нима чунки?

(Кулади.)

ОДИЛ

Чункилиги шундаки...

(Кучоқлайди.)

Бутун умрим ва ҳаётим унга бахшида.

НАСИБА

Отангизнинг таъбирича ҳақиқий севги  
Ҳар бир ишнинг оқибатин кўрабилишда.

ОДИЛ

Оқибатин ўйламасам, сизни севмасдим.  
Мен севгини айримлардек фақат маишат,  
Ўйин-кулги, безаниш деб санаганим йўқ.  
Севгимизнинг оқибати ва боисини  
Тўй хатида худди мана шундай ёзамиз:

(Тўй хатини ўқийди.)

Муҳаббатдан улашганда ризқи-насиба  
Одилликка насиб бўлмиш гўзал Насиба.  
Бу не қувонч. Бу не бахтки...

НАСИБА

Бўлди, кифоя...

Шоир бўлиб кетдингиз-у...

ОДИЛ

Архиологларни  
Шоирлардан бирорта бир кам жойи борми?  
Бошқаси бор, шошманг, ахир, мунча ҳуркаксиз?!  
Ё отангиз кийик бўлган, онангиз оҳу!

(Шеър ўқийди.)

Ёмон хотин эрур бошингга қамчи,  
Ширин тилли асалдир томчи-томчи.  
Ёмон бўлса, умринг офатидир,

Агар яхшики, жоннинг роҳатидир.  
Қалай?

(Куладилар.)

НАСИБА

Қалай эмас, олтин, ёмби...

(Кўчадан Абдулазим юрагини ушлаб киради.)

ОДИЛ

Нима бўлди?

АБДУЛАЗИМ

Бир қултум сув! Сув, бўлса!..

(Бошини ушлаб ўтиради. Насиба кетади.)

ОДИЛ

Юрагингиз... Айтинг, доктор чақирайинми?

АБДУЛАЗИМ

Кўчада-я! Эй, бечора, шўрлик!  
Бу қандай гап! Уликлари қолса, кўчада!

ОДИЛ

Ким? Нима гап?

НАСИБА

Ўзингизни босинг, нима гап?

АБДУЛАЗИМ

Мана сизга келажакнинг ғамин емаслик...  
Комил ота!.. Бир ўзимми, дея курашмай,  
Тақдирига тан беришнинг оқибати шу!

(Абдулазим хушдан кетади. Суяб олиб кетадилар.)  
Назира киради.)

НАЗИРА

Ким бор! Ким бор! Абдулазим! Нима бало,  
Бу уйни ҳам, нима бало, ўғри урганми?

(Ўзича)

Ўғриларнинг энг каттаси қўлга тушди-ку!  
Ким бор?

ЕТТИНЧИ КЎРИНИШ

Боқи Алиевнинг хонаси. Боқи Алиев, Саид Валиев, Жамшид  
ҳаммаси асабий.

БОҚИ АЛИЕВ

Ўз ҳолимга қўйинглар, бўлди.

САИД ВАЛИЕВ

Бўлди, қўйинглар!

## ЖАМШИД

Бўлган гапни айтдим, холос!

БОҶИ АЛИЕВ

Бўлган гап эмиш!

На ҳақорат, бир ёмон сўз гапирганмисан?  
Аммо неки гуноҳ бўлса, ёмонлик бўлса.  
Фазилат деб тақагансан менинг номимга.  
Зоҳирида мақтамоқ-ку аммо ботинон  
Жиноятчи қилиш билан бу тенг эмасми?  
Қани, жўна!

САИД ВАЛИЕВ

Жўна, жўна дегандан кейин.

(Жамшид кетади.)

БОҶИ АЛИЕВ

Сен ҳам, жўна!

САИД ВАЛИЕВ

Мен ҳам керак бўлмай қолдимми?  
Кетадиган бўлсам, сўнгги гапимни эшит!

БОҶИ АЛИЕВ

Бу калламас, бу калламас!.. Қаёққа тепса,  
Ўша ёққа юмаловчи жундор бир копток.  
Тепмоқчисиз энди кимнинг дарвозасига?!

САИД ВАЛИЕВ

Сенга ҳеч вақт ёмонликмас, яхшилиқ қилдим.  
Душманингга худди дўстдек, дўстингга эса,  
Сир бой бермай, муомала қилаолсанг бас...  
Дегандимми?

БОҶИ АЛИЕВ

Дегандингиз, деган эдингиз.  
Жирканувчи одамингдан ўзни паст тутиб,  
Нафратланмоқ ўрнига сен, табассум қилгин,  
Дегандингиз!

САИД ВАЛИЕВ

Шу инсофми, демоқчимисан?  
Фаним билан душманларча муомала қилмоқ,  
Унга сирни ошкор этмоқ билан баробар.  
Бу уларни ўчактирар, ҳамфикрларин  
Атрофига жуфтлашликка ундайди, холос!  
Бу-чи, улар парвозига бўлади кўмак.  
Энг тўғри йўл кулиб туриб, илож борича  
Битта, битта патин юлиб қўлга қўндирмоқ  
Дегандимми?

БОҶИ АЛИЕВ

Дегандингиз, дегандингиз, ҳа!

САИД ВАЛИЕВ

Айтиб қўяй, яна армон бўлмасин учун:  
Инсон зоти шундайин бир ажиб маҳлуқки,  
Умид унга ҳамиша ёр, ишонч йўлдоши,  
Албатта, у умид билан ваъдангни кутар,  
Кўришганда ана-мана бўлиб қолди деб,



Сен қочмасанг, агар унга ишонтаришдан,  
Аминманки, у илинжда яшайберади.  
Сени баъзан сурбет дерлар, ваъдабоз дерлар,  
Сен буларга чидам билан бардош берсанг, бас.  
Ниҳол бўлсанг, айланасан азм чинорга,  
Ким тирмашиб энди уни қулатаолур  
Деганмидим?!

БОҶИ АЛИЕВ

Тоқатимни бўлди, тоқ қилма!

САИД ВАЛИЕВ

Ҳали мени санлашгача келиб қолдингми?

БОҶИ АЛИЕВ

Деган эдим! Деган эдим!.. Ишдан ҳайдалиб  
Демак, бугун шу аҳволга тушишимга ҳам  
Бизлар эмас, ўзинг сабаб демоқчимисан!

САИД ВАЛИЕВ

Хўш, бўлмаса!.. Ўзингни бос.

БОҶИ АЛИЕВ

Лаънат, минг лаънат!

(Саид Валиевнинг ёқасидан олиб)

Қани, ўша эритгувчи асрий музларни  
Сен суянган, ўша юксак қуёшинг, қани!  
Қани, ўша офатларга пано бўлгувчи,  
Балоларни даф қилгувчи ишонганларинг!  
Мен судланиб, Абдулазим менинг ўрнимга  
Келишин ҳам деганмидинг!

САИД ВАЛИЕВ

Қўйвор, қутурма!

Элга ошкор бўлгандан сўнг хотинбозлиги  
Ваҳма қилма, Абдулазим тилдан қолган,  
Қандай қилиб исботлайди даъволарини?  
Ўрнинг эмиш, бошқа ўрин ўлим кутмоқда.  
Мен жўнайман, битта гапни айтаман холос!

(Омил киради.)

БОҶИ АЛИЕВ

Жўна, жўна, нарида қил шоирлигингни!

ОМИЛ

Жамоа жам бўлганида келибман, яхши!  
Хурсандчилик, зиёфатга айтиб юрибман.  
Гап-сўзларга қараб мен ҳам Абдулазимнинг  
Уйланмоқчи ўзи десам, буни қарангки,  
Ўзи эмас, ўғли экан. Ҳа-ҳа, одамлар...  
Бу битта тўй, иккинчиси менинг уйимда.  
Мукофотга қўйилганим ҳаммага аён.

БОҶИ АЛИЕВ

Сен ҳам мени айблашга келдингми энди?  
Сен қолгандинг!

## ОМИЛ

Сиз раҳбарсиз, нима десангиз...  
Амрингизни бажо қилдик! Мукофотларга  
Тақдим этган сиз эмасми?

БОҶИ АЛИЕВ

Ҳали шундай де!  
Демак фақат мен айбдор, қолган ҳамманг пок.  
Қани, йўқол ҳамманг, йўқол, қайтиб кўринма.

Уни урмоқчи бўлиб нимадир излайди. Саид Валиев, Омил қочиб  
чиқиб кетади. Боқи Алиев ўзи қолади. Муборак киради.

МУБОРАК

Кечирасиз, олиб келдим сизга хушхабар.

БОҶИ АЛИЕВ

Қандай хабар?

МУБОРАК

Олдин чўзинг суюнчисини.

БОҶИ АЛИЕВ

Гапирабер.

МУБОРАК

Уйингизга тушган ўғрилар  
Ушланибди. Ҳамма моллар топилган эмиш.  
Битта тилла зирагини менга берасиз.

БОҶИ АЛИЕВ

Менга қара, бу гапларни сенга ким айтди?

МУБОРАК

(Суднинг чақириқ қоғозини кўрсатиб)

Суддан қоғоз... Кўнмасангиз уни бермайман.  
Уч юз минглик тилла асбоб топилади-ю  
Мен сиз бўлсам, ўнта зирак совға қилардим.

БОҶИ АЛИЕВ

Ўзингни бос! Ақлингни йиғ!

МУБОРАК

Топган молингиз  
Ҳалол экан, шукр қилиб хўп демайсизми?

(Унга суйкалади.)

БОҶИ АЛИЕВ

Тўхта-тўхта, бу гапларнинг ҳаммаси ёлғон.  
Бўлмағур гап.

## МУБОРАК

Чақирув қоғозини кўрсатиб

Ёзилган-ку сизнинг номингиз?..

## БОҶИ АЛИЕВ

Менга ўхшаш фамилиядан биттамас, мингта,  
Айтиб кўяй, бу гапларни тарқатиб юрма.  
Ўзинг ўйла, ақлинг борми, шунчалик бойлик.  
Мендек ғариб бир одамда қаёқдан бўлсин.  
Оладиган маошимиз ўзингга маълум.  
Хато, хато. Йиртиб ташла, суднинг қоғозин.

## МУБОРАК

Тавба! Тавба! Топилди деб суюнган эдим.

## БОҶИ АЛИЕВ

Қандай қилиб топилади, ўзи йўқ нарса.  
Бутун янглиш! Бу гапларни тарқатиб юрма!

## МУБОРАК

Суюнгандим бир нарсалик бўлиб қолдим деб  
Наҳотки Назира опа ёлғон гапирса?!

## БОҶИ АЛИЕВ

Нима, нима деди?

## МУБОРАК

Нима деярди!  
Ҳамма молни олганлигин сизларникидан  
Ўғриларнинг ўзи инкор қилиб айтганмиш.  
Агар менинг гапларимга ишонмасангиз  
Сўрашингиз мумкин ҳатто Абдулазимдан.

## БОҶИ АЛИЕВ

Абдулазим! Шундай дегин! Бор ишингни қил!

(Муборак кетади. Боқи Алиев бир ўзи. Қўлидаги суднинг ча-  
қирув қоғозини жаҳл билан йиртиб ташлайди.)

Уйимдаги ўғирланган олтин, дурларни  
Кимлар берган, уни қайдан келганигача  
Наҳот айтиб берган бўлса Абдулазимга?  
Даъволари етмагандек Абдулазимнинг  
Ўғрилар ҳам энди менга қилар гувоҳлик.  
Ўғрилардан тонарману аммо Назира  
Ҳамма моллар шуники деб гувоҳ бўлса-чи?!  
Атрофига одам босган, ўғри, ишەқмас  
Қариндошин йиғиб олган деган гапларни  
Назирадан бошқа, ахир, ким ҳам биларди?  
Бу гуноҳлар менга камми, бари очилса  
Бутун умрим авахтада ўтгандан кўра...  
Эндиги чора!..

Сейфни очиб пистолет олади. Телефон овози. Саҳна айланади.  
Саҳна олдида Назира, иккинчи ёқдан Одил билан Насиба чиқиб  
Назира билан учрашадилар.

ОДИЛ

Жуда яхши учрашдик-да.

НАЗИРА

Хўш, тинчликми?

ОДИЛ

Тўйимизга айтиб юрибмиз.

(Таклифномани узатади.)

НАЗИРА

Отанг тузукми?

НАСИБА

Тили гапга келиб қолди.

(Маст ҳолда Назокат пайдо бўлади.)

НАЗОКАТ

Ошиқларга салом!

НАСИБА

Ассалому алайкум.

НАЗОКАТ

(Одилга)

Бевафоларга ҳам кўпдан-кўп салом!

(Одил Насибани қўлтиқлаб кета бошлайди.)

Мени тўйга айтмайсанми? Ҳой, куёв бола?

(Шу пайтда Боқи Алиевнинг хонасидан ўқ овози эшитилади  
Одил Насиба билан кетаётган жойида тўхтади. Назокат дод  
солиб, ваҳимада қочади.)

НАЗИРА

Ана холос!

ОДИЛ

Нима гап?

НАЗИРА

Бечора, шўрлик!


НАСИБА

Ким?

НАЗИРА

Тўйингизга айтаберинг, кўнгилга олмай!  
Бу дунёда неки бўлса ҳаммаси ўтар,  
Фақат қолар яхшидан от, ёмонлардан дод!  
Ўз-ўзини отди, номард Боқи Алиев.  
Ҳа, номарднинг ўлими бу!

ТАМОМ



## Борис Пастернак СУКУНАТГА СИНГИБ КЕТСИН ДИЛ

\* \* \*

Февраль. Сиёҳ топсанг, ҳўнграсанг!  
Ёзсанг йиғлаб февраль ҳақида, —  
Лой кўлмаклар синиб сержаранг,  
Қор жизғанақ бўлган чоғида.

Фойтун топсанг. Олти тангага  
Кира қилиб зим-ғойиб кетсанг;  
Сиёҳдан-да, кўзёшлардан-да,  
Ёмғир қийғос жойларга етсанг.

Унда, куйган ноклардек худди,  
Дов-дарахтдан сон-саноқсиз зор  
Ҳалқобга дув кўнар, кўз туби  
Қораяр ғам-ғуссадан шу чоғ.

Унда, энди қирлар қорамтир,  
Шамолларни тилкалар сурон...  
Тасодифдан туғилса гар шеър,  
Қуйилгай у юракдан бийрон.



Рус совет шеърятининг йирик вакили Борис Пастернак гоят мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтди. Умрининг энг оғир дамларида ҳам у инсоний самимиятга, Ватанига, ўз руҳий оламига хиёнат қилмади.

Борис Пастернак бетакрор истеъдод соҳиби эди. У руҳни уйғотувчи теран фалсафий шуури билан улкан мерос қолдирди. Бу — жароҳатли қанотларини эндигина ростлаётган қудратли меросдир. Зеро, шоир тириклигида унинг талай асарлари таъқиқ ва таҳқирларга дучор қилинди. Нобель мукофотига сазовор бўлган «Доктор Живаго» романи шоир юртида яқиндагина дунё юзини кўрди.

Асил ижодкор ижоди бамисли ёрқин юлдуз ёғдусига ўхшайди. У келажак замонлар қаърига абадий нур сочиб тураверади.

Борис Пастернак таваллудига 100 йил тўлди. Ушбу қутлуғ сана мамлакатимизда ва бутун жаҳон бўйлаб кенг нишонланмоқда.

Қуйида, шоир ижодидан қилинган янги таржималардан айрим намуналарни журналхонлар ҳукмига ҳавола этаётирмиз.

Таржимон

## Тун

Ҳадемай тонг нурун кучувчи  
Тун чулғаниб ётар сукутга, —  
Мудроқ дунё узра учувчи  
Сингиб борар ҳарир булутга.

Туманларни қарши олар тек,  
Йўқолади унинг наҳрида, —  
Либосдаги ироқи гулдек  
Ё белгидек чойшаб сатҳида.

Майхоналар қолар тубанда,  
Ёт шаҳарлар — нурлар билан фарқ;  
Казармалар, гўлаҳлар ҳамда  
Поездларни қилиш мумкин фарқ.

Булутларга тўшалар бирдан  
Улкан шарпа ғира-ширада, —  
Сайёралар гангиб дафъатан  
Тушарлар нақ саросимага.

Сарҳадлардан улоқиб нари,  
Пучмоқларда муаллақ, ҳайрон —  
Мубҳам, сирли оламлар сари  
Оғиб ётар улкан Қаҳқашон.

Қисматингни, санъаткор, билгин,  
Мижжа қоқма мақсад йўлида.  
Сен — гарови мангулик мулкин,  
Асирдирсан вақтнинг қўлида.

\* \* \*

Машхур бўлиш одобдан эмас,  
Юксакликка кўтармайди бу.  
Бор бисотни тўплаб, бешикаст —  
Асрамоқ ҳам шарт эмас мангу.

Ижод асли фидойилиқдир,  
На тантана, наинки сурон.  
Ҳеч нарсага арзимаё тақир,  
Эл оғзига тушмоқлик ёмон.

Хоксоргина яшамоқ керак,  
Яшаш керак шундайин, токи  
Ишқ уфқларин кашф этсин юрак,  
Келажакни туйсин идрокинг.

Ҳиёнатдир чекиниш бешак,  
Қиёфангга қўнмасин қадар.  
Фақат жўшиб яшамоқ керак,  
Жўшқин руҳ-ла сўнгига қадар.

Ёпингандек нуқрагун парда  
Жимирлайди қитъалар бу дам.  
Қозонхона, ертўлаларда  
Ўтёқарлар уйғоқ ҳали ҳам.

Парижда чўнг томларга рукн —  
Венера, Марс сабр этиб аранг,  
Афишага термулар дилхун,  
Бошланди деб тағин қай найранг.

Кимдир олис-олисларда шан  
Уйлар сураб ишга омода —  
Томи сопол билан ёпилган  
Ғарибгина болохонада.

Кузатар у сайёрамизни,  
Бамисоли осмони фалак —  
Унинг учун зарур ташвишки,  
Қайғураб у тунлар жонҳалак.

Мудрама сен, руҳингни ёрит,  
Мағрур юз бур заҳматлар сари.  
Кўзларингдан уйқуни арит,  
Учувчи ё юлдуз сингари.

Умр айрим бобин, ҳойнаҳой,  
Ҳошияга туртиб, албатта,  
Қолдирмоқлик керак очик жой,  
Қоғоз узра эмас, қисматда.

Сукунатга сингиб кетсин дил —  
Равона бўл узлат масканга,  
Бамисоли зимзиё манзил  
Яширинган каби туманга.

Бошқалар йўл қилиб изингни,  
Бир кун босиб ўтар экан, бас,  
Зафар нима, мағлубият не —  
Фарқламоғинг сенинг шарт эмас.

## Замҳарир

Очилди-ю эшик, дафъатан  
Ошхонага урди муз эпкин.  
Болаликка қайтдим мен бирдан,  
Аёз оқшомларни ёд этдим.

Уфқ сокин, ҳаво мусаффо.  
Кўчада, беш қадамча нари  
Турадди қиш, қимтинган асно,  
Киролмайин дадил ичкари.

Қиш — оқарар тагин дала-туз.  
Қирларига кузнинг қировли  
Кетар қоратоллар ҳассасиз,  
Елғиз, кўзи ожизлар янглиғ.

Йўллар яхлар, дарё ях ҳозир  
Ва кўндаланг, яланғоч музга  
Қўйилмиш тунд осмон гумбази  
Кўзгу каби кўзгубанд узра.

Чорраҳада унга рўпара  
Турар қайин масъум, серпардоз.  
Сочларида юлдуз ярқираб,  
Ул ойнага ўзин солар боз.

Инонар у ўзича пинҳон,  
Этакдаги энг чекка уйча  
Қишдан қанча кўрмасин эҳсон,  
Қўҳлик бўла олмас унингча.

## Нобель мукофоти


Куним битди — йўлин йўқотган  
Йиртқич каби ёзғирдим нолон.  
Тинмай урҳо солиб ҳар ёқдан  
Ураб келар мени оломон.

Бир томон кўл, бир томон эса  
Қарағайлар йиқилган ўрмон.  
Нажот йўлим қолмади сира,  
Нима бўлса бўлсин, нетурман.

Не қабихлик қилдим, айтингиз,  
Не иш қилдим мен разил, тубан?  
Ё дунёни йиғлатганимми  
Туққан ерим нафосатидан?

Лекин тобут ёнида ҳатто  
Ишонаман, шундай вақт келур, —  
Ўлим билмас эзгу руҳ асло,  
Қабих кучлар ундан енгилур.

Рус тилидан Мирпўлат МИРЗО таржималари



Ҳожиакбар Шайхов



Сехрли-фантастик роман<sup>1</sup>

ИККИНЧИ ҚИСМ

Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ охири чидаб туролмади. Айланма зиналар орқали саросимали қиёфада пастга тушиб келаётган кўнгил уйи ходимлари истиқболига шошилинч юрди-да, хотирасида қолган исмларнинг бирини айтиб:

— Флория! — дея қичқирди. Оч-яшил шаффоф ичкўйлаги орқали нозик-ниҳол кўкракпечиё қалдирғоч қанотларидай нафис лозимчаси яққол кўриниб турган бўйчан қиз унга «ялт» этиб қаради. Қизнинг катта-катта оҳу кўзларида ноз-фироқ, айни пайтда ҳуркаклик ифодаси бор эди. Подшо йўлидаги парисифат жононаларни туртиб-суртиб, Флорияга юзма-юз келди-да, шартта белидан қучиб орқага қайтарди. Ҳеч нимага тушунмаётган қиз унинг забардаст қучоқлари орасида ниҳолдай эгилиб-эшиларкан, беихтиёр ўзининг хосхонаси сари одимлади.

Орадан чорак соатча ҳам вақт ўтмай, иккинчи қаватдаги улар кириб кетган хона эшигини беш-олти жандарм бири олиб, бири қўйиб, кетма-кет тақиллатишарди. Ниҳоят, ичкарида калитнинг шиқиллаб буралгани эшитилди, эшик очилди. Остонада турган жандармларни кўрган қора кўзойнакли Муҳаммад Нодиршоҳ манзират қилиб ўтиришни лозим топмади. Кўйлагининг тугмаларини қадаркан:

— Хўш, хизмат? — деб сўради қовоқ-лунжини осилтириб.

— Сиз қамоққа олиндингиз, жаноб Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ! — деди олдинроқда турган жандармларнинг бошлиғи ичкаридаги тўшақда ширяланғоч ҳолда илондай эшилиб ётган Флорияга ўғринча назар ташларкан.

— Нима учун? — пинагини бузмай сўради подшо.

— «Соҳибжамол» кўнгил уйдаги безорилигингиз ва ахлоқсизлигингиз учун.

— Билишимча, бу муассаса айнан безорилар ва ахлоқсизлар учун очилган. Улар севги масаласида тамомила эркин бўлсинлар, ахлоқсизлик ва маънавиятсизлик шароитидан истаганча сипқорсинлар, деган мақсадда...

— Маҳмадонагарчиликни бас қилинг! — бақирди жандарм бошлиғи, кейин шерикларига юзланиб буюрди: — Қани, ҳибсга олинглар уни! Тезроқ!..

Жандармлар ўзларини ичкарига уришди. Лекин остонадаёқ ғалати вазиятда узук-юлуқ бўйқирганча сувга чўккандай бирин-кетин ғойиб бўла бошлашди. Чунки ўзини сал ичкарига олган Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ кўзойнагини ечиб, жандармларни бирма-

<sup>1</sup> Охири. Бошланиши ўтган сонда.



бир ўзининг ғазабкор нигоҳи остидан ўтказаетганди. Бешта жандармни «йўқлик» қаърига равона қилиш учун бир неча дақиқа кифоя бўлди. Нодиршоҳ негадир уларнинг бошлиғини омон қолдирди. Бамайлихотирлик билан кўзойнагини тақар экан, унга юзланиб:

— Роппа-роса бир соатдан кейин шаҳар ҳокимини ҳузуримга бошлаб кирма-сангиз, ишонтириб айтаманки, шерикларингиз каби сизнинг ҳам ҳолингизга маймунлар йиғлашади.

Жандарм бошлиғи айиқдек барзанги гавдасини лапанглатганча, айланма зиналар орқали пастга қараб югурди. У азбаройи кўрқиб кетганидан ҳансираб нафас оларкан, на йўлида учраган саросимали гўзал аёлларни, на мрамар фаввора атрофида барқ уриб очилган кўзни олувчи нафис гулларни кўрарди.

У ташқарида турган қизил «кадиллик»симон машинага шоша-пиша ўзини урди-да, автоҳайдовчига қарата:

— Ҳукумат қароргоҳига ҳайда! — деб буюрди.

Эшикни яна беписандлик билан ёпган Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ маъшуқаси ётган тўшак сари юраркан: «Фаришта, нариги дунё фариштаси деб шунга айтишса керак-да», — дея хаёлидан ўтказди. Зудлик билан эгни-бошини ечиб полга ташлади-да, Флориянинг балиқдай силлиқ танини яна эҳтиросли қучоқларига оларкан, вужудини лаззатли титроқ эгаллади.

— Сиз ҳар маънода ҳам қудратли эркак экансиз, — деди Флория эркаланиб узун бармоқлари билан унинг баҳайбат елкаларини силаркан. — Мен амри вожиб, кучли эркакларни ёқтираман.

— Бундан буён фақат мени севасан! — хитоб қилди Нодиршоҳ титроқ овозда. — Хоҳласанг, бу ердан олиб чиқиб кетаман!

— Бунга ҳожат бормикин? — деди Флория кўзларида аллақандай изтироб тўла бир ҳолат пайдо бўлиб. — Мен ҳаётимда шу қадар кўп эркакларни кўрдимки, биргина сиз билан яшаб кета олишимга кўзим етмайди.

— Яшаб кетасан! — амирона оҳангда деди подшо. — Мен ҳали унчалик қариганам йўқ.

— Гап шунда бўлса қанийди... — деди аёл маъюслик билан.

— Бўлмаса нимада?

— Дунёда шундай бир азалий туйғу бор. Уни севги деб аташади.

— Фикрингга тушундим, — деди собиқ подшо яна илҳомланиб, — улуғ аждодларим ҳаққи қасамёд қилишим мумкинки, сен мени севиб қоласан!..

Флориянинг нигоҳида энди бўшлиқ акс этди. У янаям маъюсроқ оҳангда гапирди:

— Буйруқ йўли билан севиб бўлганда эди... Дарвоқе, сиз боя севги бобида тамомила эркин бўлиш ҳақида гапирдингиз. Кимнидир чинакамига севар экан, инсон ҳеч қачон тамомила овоз бўлолмайди. Ҳеч бўлмаса ўша севган маҳбубининг занжирбанд қулига айланиб қолаверади.

— Маликам! — хитоб қилди яна Нодиршоҳ аёлнинг ғусса тўла кўзларига эҳтирос билан тикилиб. — биз шоҳларни севиш умуман шарт эмас. Лекин мен сени севиб қолганлигим кундай аён. Чунки сендай самовий аёлга ҳаётимда биринчи йўлиқишим. Бильякс, улкан бир мамлакатнинг подшоси эканлигимга қарамай, сенга қул бўлишга ҳам тайёрман! Бундан буён мен билан бирга бўлсанг, ҳали кўп улуғ, ажиб воқеаларнинг гувоҳи бўлгайсан. Чунки мен ҳали жаҳоннигина эмас, балки бутун коинотни забт этаман...

— Бунга ишонаман, жоним, — деди аёл ҳамон ўша маъюс оҳангда. — Лекин шоҳлар севгиси масаласида...

Шу пайт ташқарида қўққисдан кўтарилган шовқин-сурон Флориянинг гапини бўлди. Ҳалиги семиз аёл улар ётган хонанинг шундоқ эшиги тагида:

— Алвасти манави хонада!.. Бир ақач ҳам тўламай, энг соҳибжамол қизимизни ичкарига зўрлаб олиб кириб кетди. Ақл бовар қилмайдиган безорилигини айтмай-сизми!.. Бизда ҳақиқат, адолат деган нарса борми ўзи?! — дея бақирарди. Шу пайт эркак кишининг дўриллаган, лекин бир оз ҳадиксираган овози эшитилди:

— Жаноб Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ! Бетта Олий Ҳукумати қарорига биноан сиз ҳибсга олиндингиз. Дарҳол таслим бўлишингизни таклиф этамиз.

Орага бир лаҳза жимлик чўкди. Нуристон мамлакатининг подшоси, қора кўзойнаги остидаги кўзларида ғазаб учкунлари чақнаб, ўрнидан турди. Шу чоқ яна ҳалиги овоз энди таҳдид аралаш янгради:

— Жаноб Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ! Дарҳол таслим бўлишни таклиф этамиз! Акс ҳолда куч ишлатишимизга тўғри келади.

— Куч ишлатиш қанақа бўлишини ҳозир кўрасизлар, — истеҳзо аралаш деди Нодиршоҳ зарбоф чопонини кийиб эшик томон юраркан. Унинг хатти-ҳаракатларида ҳаёт-мамонт жангига киришга қарор қилган одамлардагидек узил-кесил бир қатъият бор эди. У эшикни очиб учун энди қўл узатаётганди, орқасидан қушдай энгил одимлар билан Флория етиб келди.

— Шошилманг, шоҳим! Улар қуролланишган.

Ерлик подшо аёлнинг нозик кафти орасидаги жажжи тўппончани кўриб кўнгли

ёришиб кетди. Унга миннатдорчилик билан тикиларкан, яноқларидан ўпди-да, қуролни олиб, қўйнига солди.

— Бетта ҳукмдори сизга уч марта ўқ узишга ҳаққи бор. Буни унутманг! — деди Флория сирли бир тарзда. Нодиршоҳ ҳеч нарсага тушунмаган бўлса ҳам, бош ирғаб, тезгина эшикни очди-ю, ажабо, худди асир тушишга рози бўлган одамдай қўлларини кўтариб, олдинга юрди. Энди унинг қаршисида автомат ва тўппончалар ўқталган ўн чоқли жандарм турарди.

— Мана бу бошқа гап, — деди жандармларнинг бошлиғи тиржайиб, тўппончасининг нилини пастга тушираркан. — Лекин сизни огоҳлантириб қўйишим керак: алвасти-лигингни ишга солишингиз ҳамон ходимларим сизни ўққа тутиб, танангизни ғалвирдан ўтказишади. Шунинг учун эсингиз борида...

— Ҳукумат раҳбарини ҳузуримга бошлаб келмоқчи эдингиз... — деди Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ унинг гапини бўлиб.

— Бетта ҳукмдори шу ерда, — деди барзанги жандарм пича тараддудда. — Фақат у сиз билан юзма-юз гаплашмайди.

— Тушунаман. Мен у истаган тарзда мулоқотга киришишга тайёрман!

Улар ташқарига чиқишганда, Муҳаммад Нодиршоҳ кўнгил уйининг биносини тўла қуролланган бутун бошли ҳарбий бўлима қўршаб олганини кўриб, мийғида кулиб қўйди. Жандармлар бошлиғи уни танкни эслатувчи улкан пўлат машина сари бошлади. Бу «танк»нинг ўқ ўтмайдиган шаффоф деразачалари мавжуд бўлиб, тўпи йўқ эди, холос. Олдинги деразачадан унга қора қошли тепакал бир кимса қизиқиш ва хавотир аралаш тикилиб турарди. Нодиршоҳ шаҳар ҳукмдори шу эканлигини дарров пайқади.

— Нариги эшикка ўтинг, — деди жандармлар бошлиғи.

Муҳаммад Нодиршоҳ нариги биқинидан машина ичига кирди-ю, бир зум оғзи очилиб қолди. Бу — ўртасидан ўқ ўтмайдиган шаффоф девор тўсилган икки хонадан иборат катта кабина бўлиб, ҳар икки бўлмага ерга маҳкамланган стол-курсилар, кресло ва диванлар қўйилган, афтдан, бу — дипломатик мулоқотларга мўлжалланган ва ҳар иккала томоннинг хавфсизлигини таъминловчи махсус машина эди. Кабинанинг нариги бўлимида ҳалиги қора қошли, бақалоқ кимса энди унга қандайдир маккорлик, кибру ҳаво билан тикилиб ўтирарди.

— Сургунга жўнаш олдидан бизга қандай истақларингиз бор, муҳтарам Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ жаноблари? — деди у ерлик подшо сира кутмаган бир хотиржамлик билан. Лекин нигоҳида аллақандай зўриқиш ифодаси ҳам йўқ эмас эди.

Бетта ҳукмдорига юзма-юз қўйилган курсига ўтираркан, ерлик подшо ҳам бамай-лихотир оҳангда гапирди:

— Менинг истагим битта: ҳукмдорлик тожини ечиб, каминага кийдирсангиз. Бу гапни очик айтаётганим учун маъзур тутасиз. Мен — ерлик подшоман, ахир!

Шаффоф деворнинг нариги томонидаги бақалоқ кимса дастлаб бир зум тахтадай қотиб қолди. Кейин дум-думалоқ қорнини ушлаганча қўққисдан хахолаб кула бошлади. Унинг бу ҳолати Нодиршоҳнинг ҳам беихтиёр кулгусини қистатди. Улар энди бараварига хахолашга тушишди. Бетта ҳукмдори қандай қўққис кула бошлаган бўлса, шундай кутилмаганда тўхтади-да, юзидан заҳар томиб гапира бошлади:

— Сизни мен сургун қилдирмоқчи эдим, лекин энди қадим замонлардаги каби итдай отиб ташлашимга тўғри келмаса деб қўрқаман.

Негадир шу пайт Нодиршоҳ Флориянинг, ҳукмдор уч марта отишга ҳаққи бор, деган гапини эслади. Яна ҳеч нарсага тушунолмади.

— Сиз мени дуэлга чақирмоқчимисиз? — сўради у қора кўзойнак ортидаги кўзларини лўқ қилиб.

— Бу — биз учун ўтакетган архаизм, — жавоб берди Бетта ҳукмдори. — Лекин сизнинг иззат-нафсимга текканингиз эътиборга олинса, дуэлдан ҳам қайтмасликка тўғри келадими, деб қўрқаман.

— Мен бунга тайёрман! — ҳозиржавоблик билан деди Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ. Бетта ҳукмдорининг митти кўзларида қўққисдан ғазаб учқунлари ёлқинланди. Ғавдасига ярашмаган қаққонлик билан ирғиб ўрнидан турди-да, «танк»нинг эшигини очиб, пастга сакради. Тараддудга тушган жандармлар унга савол назари билан тикилишарди. Кетма-кет нариги эшикдан Муҳаммад Нодиршоҳ ҳам чиқиб келди. Бетта ҳукмдори жандармлар бошлиғига юзланиб, алланималар деган эди, у ёнидаги ёрдамчисига нималардир деб бўйруқ берди. У қаёққадир югуриб кетди-да, лаҳза ўтмай «кольт»ни эслатувчи иккита тўппонча кўтариб қайтди. Жандармлар бошлиғи уларнинг бирини Бетта ҳукмдорига, иккинчисини Муҳаммад Кабир Нодиршоҳга тутқазди. Қўрға ташланиб, биринчи бўлиб отиш ҳуқуқи маҳаллий ҳукмдорга берилди. Улар бир-бирларидан икки юз қадамча масофада юзма-юз туришди. Бетта ҳукмдори тўппончасининг нилини рақибига тўрилаб тепкини босган эди, бўғиқ гўмбурлаган овоз эшитилди-ю, шу заҳоти Муҳаммад Нодиршоҳнинг қўлидаги тўппонча майда-майда бўлиб социлиб кетди. Буни қарангки, ўқ тўппончага теккан эди. Иккинчи ўқ ерлик подшонинг елкасини шилиб ўтди. Маҳаллий ҳукмдор учинчи гал рақибининг юрагини мўлжаллаб отганди, ўқ сал пастроққа тегди. Лекин подшо, ажабо, қимирламади ҳам. Уша-ўша бамайлихотир-

лик билан қўлидаги тўппончанинг сопини улоқтириб юборди-да, қўйнидан Флория берган қуролни чиқарди. Лекин отишга улгурмади. Думалоқ қоринли бақалоқ ҳукмдор тўппончасини ерга ташлади-да, дўстона илжайганича ғанимининг истиқболига қараб кела бошлади.

— Табриклайман, азизим! — деди у ерлик подшога юзма-юз келгач. — Сиз ғалаба қозондингиз! Марҳамат қилиб, ҳукмдорлик тожини қабул этсангиз, — у бошидаги тожсимон қалпоғини ечиб, эҳтиром билан Муҳаммад Нодиршоҳга узатди. — Бизда қоида шундай: синовга юборилган ҳар қандай одамга уч мартагача ўқ узишимиз мумкин. Мабодо у тирик қолса, ўқ узган одамнинг ўрнини эгаллаши керак.

Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ шу тариқа иттифоқо ўз танасидан ўқ ўтмаслигини ҳам билиб олди.

\* \* \*

Ўрмон устидан учиб келган ракетасимон ғалати кема Ҳақим Амир Шайх билан Самандар турган ялангликка келиб қўнди-да, пастки эшикчалари очилиб, улардан... икки фазогир сакраб ерга тушишди. Ҳар иккиси гарчанд кўкимтир фазовий либосларга бурканишган ерлик одамлар қиёфасида бўлишса-да, уларнинг найнови — Тулки, пака-наси — Чиябўри кўринишида юрган икслик жосуслар эканлигини дарров пайқаш мумкин эди.

— Мана, биз келдик, — деди найнов фазогир авлиёнинг истиқболига чиқиб.

— Балли, йигитлар, — деди Ҳақим Амир Шайх уларни ғор қаршисидаги тўнкалардан иборат ўриндиқлар сари бошларкан. — Она-ер разведкачилари сафига ўтганингиз билан сизларни табриклайман. Сизлар энди фақат эзгулик йўлида хизмат қиласизлар. Сиз билан биз бутун самовот миқёсида қўпоровчилик ва зўравонликка қарши кураш олиб боришимиз керак. Қани, ўтиринглар-чи.

Улар тўнкалар устидан ёнма-ён жой олишгач, авлиё ўйчан ҳолда гапида давом этди:

— Ерда, нафақат Ерда, бутун коинотда олий тафаккур эгалари пайдо бўлган даврдан буён эзгулик ва ёвузлик ўртасида муросасиз кураш боради. Азалий бу тушунчалар абадийми? Эзгулик одамзод билан бирга абадий яшайверса, нур устига нур. Лекин ёвузлик-чи?

— Агар ёвузлик йўқолиб кетса, эзгуликнинг қадрини белгилаш мумкин бўлармикин? — аста гапга аралашди Самандар. Ҳақим Амир Шайхнинг гаплари таъсирида у ҳам ўйчан қиёфага кирганди.

— Бу саволларга жавоб топиш учун биз ушбу тушунчаларнинг илдизини ўрганишимиз, асил моҳиятини билишимиз керак. Айтайлик, қирол Ҳошнаҳаш — коинот миқёсидаги ёвузлик ва тубанлик тимсоли, бўла қолсин. Лекин у ана шундай тимсол сифатида қандай шароитда майдонга чиқди? Қандай ички ва ижтимоий сабаблар уни йирик жиноятчи сифатида шакллантирди?!

Энди икслик найнов фазогир гап қотди:

— Айтмоқчи, кемамизда қирол Ҳошнаҳаш ҳақида бадий-хроникал видеофильм кассетаси бор. Хоҳласанглар, томоша қилишларингиз мумкин.

— У аниқ ҳужжатлар асосида ишланганми?

— Бўлмасам-чи! Уни кейинчалик жиноятчилар сифатида сургун қилинган америкалик собиқ киноюлдузлар суратга олишган...

Орадан чорак соат ўтмай улар ракетасимон кемадаги бир неча киши сиғадиган митти кино залида ўтиришар ва видеоқурилма кўзгусига тикилишарди.

Электрон музика. Экранда нотаниш сайёра сатҳи. Орқада тоғлар силсиласи. Бери-роқда турли шакллардаги тепаликлар, ғорлар. Уларнинг устида «Коинот қароқчилари» деган қопқора ёзув пайдо бўлади. Кетма-кет фильм муаллифлари ва ижрочиларининг исми-шарифлари ўта бошлайди. Титр тугагач, нимқоронғи экранда биринкетин қорамтир шарпалар кўринди. Уларнинг хатти-ҳаракатлари негадир бежо. Ҳар хил сигналлар, сирли овозлар эшитилади. Шу пайт бир шарпа иккинчисидан қочиб ғорга беркинади.

ТОММИ (йирик планда). Э-воҳ! Бу разил махлуқлар билан бирга учигна нима жин уриб рози бўлдим-а? Хомкалла! Галварс! Ҳаммасига Жеймс сабабчи. «Бу сайёра ниҳоятда бой ва гўзал, ундаги маъданлар ўта ноёб ва бебаҳо. «Эллий» маъданидан гугурт қутисидайини чўнтагинга солиб қайтсанг, бўлди, бир умр таралла бедод қилиб яшайсан. Ғорлардаги қўйма тиллаларни айтмайсанми! Улар ёрдамида бир дақиқадаёқ миллионер Томмига айланишинг ҳеч гапмас!» — деган сафсаталар билан роса бошини айлантирди. Оқибат нима бўлди? Сайёранинг, тўғрироғи, анави лаънати «қора қурт»ларнинг асирига айландик. Ҳаш-паш дегунча орадан тўрт йил ўтиб кетди. Лекин Ерда-чи? Ерда ҳойнаҳой юз йил ўтди. Коинотда вақт нисбий-ку, ахир! Муштипар хотини, шўрлик бола-чақаси аллақачон оламдан ўтиб кетишган. Анави шериклари бўлса, пул ва бойлик орттириш йўлида ҳар қандай қабиҳликдан қайтишмайди. Бу коинот қароқчилари учун бир-бирларининг гўштини ейиш ёки дуч келган сайёранинг кулини кўкка со-

вуриш хазон супуришдай гап. Бир бурда қотган нонни болаларим, оилам билан баҳам кўриб, яхшими, ёмонми, Ерда яшаб юраверсам ўлармидим?! Ношукур банда деб шуни айтишади-да. Эҳ, қовоқ мия!

Шу пайт мегафондан овоз эшитилади.

ОВОЗ. Хелло, Томми! Қаердасан? Овоз бер! Бари бир узоққа кетолмайсан! Беркинган жойингдан яхшиликча чиқ! Робертнинг куни бошингга тушмасин тагин! Жеймсан ўрнак олма! Биз уни шу бугуноқ топиб жазосини берамиз!

Иккинчи шарпа пайдо бўлади.

ЖЕЙМС. Томми, эшитдингми? Улар мени жазолашармиш.

ТОММИ. Эшитдим, эшитдим!.. Улар менинг ҳам, сенинг ҳам пўстимизга сомон тиқишади ҳали!

ЖЕЙМС. Қара, Томми, улар изимиздан келишаяпти! Энди нима қиламиз?

ТОММИ. Нима қилардик. Уларнинг ҳамласига жавоб қайтаришга уриниб кўрамиз.

ЖЕЙМС. Бу ўлим билан юзма-юз чиқиш деган гап-ку, ахир?!

ТОММИ. Сен нима деб ўйловдинг!

ЖЕЙМС. Мен... мен... Томми, сен ўзи кеманинг баллистик энергетика тархини бекорга ишдан чиқардинг-да. Энди улар бизни кўз очиргани қўйишмайди. Балки тархни қайта тикларсан, Томми?

ТОММИ. Хаёлингга ҳам келтирма! Кемани қайта тиклаш мумкин эмас! Модомики унда иккаламизга ўрин йўқ экан, уларга ҳам ўрин бўлмайди. Бизнинг оғирлигимиз ҳисобига ҳам улар кемага бойлик ортиб кетишмоқчи-да. Хулласи калом, ракета учмайди. Коинот қароқчилари эса, бир умрга мана шу сайёранинг асири бўлиб қолишади.

ЖЕЙМС. Нималар деяпсан, Томми? Ахир... биз... биз ҳам шу қисматга шерик бўламиз-ку!

ТОММИ. Биз бошқача йўл тутамиз.

ЖЕЙМС. Қанақа?

ТОММИ. Биз Ерга сигнал юбориб, ёрдам сўраймиз.

ЖЕЙМС. Фойдаси йўқ. Ерликлар бизнинг коинот қароқчиларига айланганимизни билишади. Улар бизни ҳеч қачон кечиришмайди.

ТОММИ. Кечиришади. Сайёрадаги бойликларни тортиқ этсак, шундоғам кечиришадики...

ЖЕЙМС. Илтимос қиламан, устимдан кулма! Бу бойликлар бизга тегишли-ку, ахир! Улар ёрдамда сен билан биз фақат Ергина эмас, балки бутун коинотга ҳукмронлик қилишимиз мумкин. Сен, яхшиси, кемани тузат. Наҳотки она-Еримизга қайтишни истасанг?!

ТОММИ. Мен-ку, истайман. Лекин мумкин эмас, деяпман-ку, ахир! Биз иккаламиз кемага ортиқчалик қилаётганимизни наҳотки тушунмаётган бўлсанг?!

Шу пайт оқ танли икки астронавт кириб келишади, қўлларида тўппончасимон митти қуроллар.

АДАМ. Ҳошнаҳаш! Ана улар! Ҳушёр бўл! (Қуролини кўтариб, Жеймсни мўлжаллаб нур юборади. Жеймс «Томми!» деганича йиқилади. Томми ҳамроҳининг устига ўзини отади).

ТОММИ. Жеймс, дўстим! Сенга нима бўлди? Кўзингни оч! Кўзингни очсанг-чи, ахир! (Жеймс ҳалок бўлган). Аблахлар! Ерда қилган қабиҳликларингиз озмиди?! Энди коинотга ҳам ажал уруғини сепаяспизлар?! Қотиллар! Сизлардан ҳазар қиламан! Сиздай жирканч махлуқларни кўргани кўзим йўқ! Аммо тантана қилишларингга ҳали эрта! Сенларнинг ҳам кунларинг битган. Жеймсни қандай гумдон қилган бўлсаларинг, ўзларинг ҳам худди шундай афсаласофинга жўнайсанлар!

ҲОШНАҲАШ. Адам! Нега анқайиб турибсан?! Бу қора махлуқни ҳам шериги ҳузурига равона қилмайсанми?

АДАМ. Ҳовлиқма, галварс! Кибернетик сифатида кеманинг энергетика тархини фақат угина тузата олиши мумкин. Боз устига биз бу ерга бир-биримизни қириш учун келмаганмиз-ку?! Боссинг топшириқлари наҳотки ёдингдан кўтарилган бўлса?

ҲОШНАҲАШ. Ҳаммаси ёдимда!

АДАМ. Ёдингда бўлса, билиб қўй: бундан буён фақат Боссинг кўрсатмалари асосида иш тутамиз. Тушундингми?

ҲОШНАҲАШ. Тушундим.

АДАМ. Томми, сен шуни яхши бил: Жеймс ўз хатоси туфайли ҳалок бўлди. У ярамас сени ҳам бизга қарши қилиб қўйди. Очкўзлиги бошига етди. Сен яхшиси кемага қайтиб, уни тузатгин-да, кейин сафар тараддудини қил. Қайсарлигингни қўй, кемага ортилажак бойликнинг бир қисми сеники бўлади. Улушингни ажратиб қўйганман.

ҲОШНАҲАШ. Нима, ажратиб қўйганман? Мен унга сариқ чақа ҳам бермайман. Уқдингми? Бу қорамашакни кемани ишдан чиқаргани учун аллақачон бир ёқлик қилиш керак эди.

АДАМ. Ўзингни бос! Қизишма!

ҲОШНАҲАШ. Нима десанг дегин-у, лекин мен бундай қилишингга йўл қўймайман! Ҳа-ҳа!..

АДАМ. Ўзингни бос, галварс! (Шивирлаб) Уни кейин йўлда...

ҲОШНАҲАШ. Йўл қўймайман дедимми, йўл қўймайман! У жуда хавфли одам. Коинотда хоинлик қилдимми. Ерда ҳам бизни сотиши...

АДАМ. Ҳой, галварс! Овозингни ўчир! Бу — буйруқ!

ҲОШНАҲАШ. Нима-нима! Ҳали сен буйруқ берадиган бўлиб қолдингми? Вой, олифта-эй!

АДАМ. Шунақами ҳали?.. Бошлиққа гап қайтараяпсанми? Буйруқни муҳокама қилиш қанақа бўлишини сенга ҳозир кўрсатиб қўяман! (Тезлик билан тўппончасини олиб, Ҳошнаҳашга йўналтиради. Ҳошнаҳаш чап бериб беркинади. Пайт пойлаб Адамни мўлжалга олади. Жанг чўзилади).

ТОММИ. Адам! Ҳошнаҳаш! Бас қилинглар жанжални! Менга ҳеч қандай бойликнинг кераги йўқ! Ҳаммаси ўзларингга буюрсин! Тўхтатинглар! Тўхтатинглар деяпман! Қон тўкишдан фойда йўқ.

Шу асно Адамнинг кўзига нур тушади ва у «оҳ!» дея йиқилади. Ҳошнаҳаш унинг жасади устига келиб, бир зум тикилиб қолади.

ҲОШНАҲАШ. Қалайсиз энди, жаноби олийлари! Пешонангизга ёзиғлиқ насибани оллоҳи таоло шу бугунга раво кўрган экан, нимаям қилардик. Ҳа-ҳа, шунақа! Ҳошнаҳашни гумдон қиладиганлар ҳали туғилмаган! Онасининг қорнида!..

\* \* \*

Бир дақиқа аввал Бетта сайёраси собиқ ҳукмдорининг атрофида гирдикапалак бўлиб турган жандармлар бошлиғидан тортиб то ҳарбий бўлинма саркардаларигача оддий аскарларигача энди Муҳаммад Кабир Нодиршоҳга етти букилиб таъзим қилишар, офизларининг танобини қочириб илжайишарди. Барзанги жандарм собиқ ҳукмдорни ағдариб юборгудай туртиб ўтди-да, Нуристон мамлакати собиқ подшосининг ўнг қўлини икки қўллаб қисар экан:

— Табриклайман! Табриклайман, жаноби олийлари!..— деди азбаройи ҳаяжонланганидан нафаси қайтиб. Кейин уни ҳарбийлар бошлиғи баланд бўйли тикқомат генерал мулозамат ва эҳтиром билан танксимон машинага ўтиришга таклиф этди. Муҳаммад Кабир Нодиршоҳнинг орқасидан бошқалар ҳам бирма-бир ўз машиналарига ўтириб, турли-туман автомобиллардан иборат кичик қарвон йўлга отланганида, Беттанинг собиқ ҳукмдори, энди эса, дум-думалоқ қоринли, бақалоқ оддий бир кимса «Соҳибжамол» кўнгил уйининг қаршисида қоққан қозиқдай серрайиб тураркан, маъюс ҳолда ерга тикиларди. Танксимон машинадаги курсига ялпайиб ўтириб олган Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ эса, унга қайрилиб ҳам қарамади.

Қарвон ярим соатча йўл босиб, Бетта марказидаги деворлари ўқ ўтмайдиган махсус шишалардан қилинган баланд бино қаршисида тўхтади. Бино олдида уларни бир гала олақуроқ кийинган одамлар, гул кўтарган болалар кутишарди. Кимдир Муҳаммад Кабир Нодиршоҳнинг катта суратини кўтариб олганди.

«Наҳотки буларнинг бари собиқ жиноятчилар бўлса?»— хаёлидан ўтказди Нуристон мамлакатининг собиқ подшоси қора кўзойнаги орқали ўзини ўраб ола бошлаган одамларни бирма-бир нигоҳи остидан ўтказиб.

Бино олдида Беттага янги ҳукмдор тайинланиши муносабати билан тантанали йиғин бўлиб ўтди. Йиғинда қирол Ҳошнаҳаш қароргоҳининг вакили — жингалак сочли серсалобат кимса иштирок этиб, аввал собиқ ҳукмдорнинг бутун камчиликларини — хотинбозлигию-данғиллама тўйлар ўтказишигача — бирма-бир санаб чиқди. Кейин, ниҳоят, адолат қарор топиб, иттифоқо янги ҳукмдор тайинланганини, олампаноҳ қирол Ҳошнаҳаш унга катта умидлар боғлаётганини билдирди. Йиғилиш тугаб улгурмай, кимдир тикқомат генералнинг ёнига шошилиб келиб, қулоғига алланималар дея шипшиди. Генерал ўз навбатида Муҳаммад Кабир Нодиршоҳнинг қулоғига энгашиб, негадир ҳаяжонли товuşда:

— Сизни Альфадан олампаноҳ қирол Ҳошнаҳаш аълоҳазратлари видеофон орқали йўқлаётган эканлар!— деди. Муҳаммад Нодиршоҳ қирол Ҳошнаҳашнинг номиёқ бу ерда ҳар бир одамда титроқ ва ҳаяжон ҳислари уйғотишини шундагина пайқайди. Бировга хушомад ва лаганбардорлик қилишга ўрганмаган ерлик собиқ подшо шошилмай бино ичига қараб юрди. Лифтсимон қурилмада улар генерал билан бирга бинонинг бешинчи қаватига кўтарилди. Бинонинг ганчин деворларига тилла суви югуртирилган, шипига биллур қандиллар осилган, оёқ остига кўзни олгудек чарақловчи антиқа гиламлар тўшалган эди. Бунақа қандиллару бунақа гиламларни Нуристон мамлакатининг собиқ шоҳи етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган эди. Генерал янги ҳукмдорни узун даҳлиздан олиб ўтиб, тўғридаги Бетта мэрининг улкан хонасига бошлаб кирди-да, қўрқа-писа ўнг томондаги видеофонга ишора қилди. Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ хонани тузукроқ кўздан кечириб улгурмай, нигоҳи видеофон кўзгусига тушди-ю, юраги орқасига тортиб кетди. Чунки кўзгудан қирол Ҳошнаҳаш юзидан заҳар томиб унга тикилиб турарди.

— Мен чақирганда ҳар доим югуриб келиш керак! Тушунарлими?!— кичқирди у оғздан кўпик сачратиб, подшо видеофон қаршисидаги ўриндиққа ўтириши ҳамон. Нодиршоҳнинг оғзи зўрага калимага келди: «Ҳа-а...» Кутилмаганда у қиролнинг найзадек ўткир нигоҳлари остида аллақанча вақт шипда ўтирганини эслади-ю, танаси жунжукиб кетди.— Илк синовдан муваффақиятли ўтдингиз,— совуққонлик билан гапида давом этди Ҳошнаҳаш.— Табриклайман. Сиз энди оқсуяклар, яъни менинг дастёрларим сафидан ўрин олдингиз. Олдингизда яна бир неча синов турибди. Ҳа-ҳа, агар улардан ҳам яхши ўтсангиз, марра сизники, шу заҳоти генерал унвонига эришасиз. Акс ҳолда...

Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ қиролнинг кўз қорачиқлари кенгая бошлаганини пайқайди-ю, шу заҳоти ундан нигоҳини олиб қочди.

— Менга қаранг! Ҳа-ҳа, кўзларимга қаранг!— кичқирди қирол яна ғазабга кириб, лекин шу ондаёқ ҳовуридан тушиб гапида давом этди:— Акс ҳолда, ўша илк суҳбатимда айтганимдек, ҳолингизга маймунлар йиғлайди. Қисқаси, қадамингизни ўйлаб босинг! Олдимизда оламшумул вазифалар турибди. Сиздай одамлар менга керак. Лекин мен буюк салтанатимизга садоқатингизни ҳали бари бир текширишим керак! Тушунарлими?!

Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ худди биров елкасига аёвсиз савалаётгандай, тобора чўкиб бораётгани учунми, овози синиқ эшитилди: «Тушунарли...» Қирол Ҳошнаҳаш кўзгудан ғойиб бўлганида, Нуристон мамлакати собиқ подшосининг танасини жиққа тер босган эди.

Уша кундан эътиборан Муҳаммад Нодиршоҳ Бетта ҳукмдорининг қизғин ва дабдабали ҳаёт тарзини бошлаб юборди. Унинг биринчи иши — сарой ҳарамидидаги аёлларни ҳайдаб чиқариб, уларнинг ўрнига «Соҳибжамол»дан Флорияни кўчириб келтириш бўлди. У қизга берган ўз ваъдасининг устидан чиққан эди. Шундан кейин у шаҳар парламенти аъзолари билан суҳбатлашишга киришди. Маълум бўлишича, ҳар бир парламент аъзоси у ёки бу мафиянинг раҳбари экан. Улар, албатта, ҳукмдорни ҳам ўз тазъийқлари остида сақлар экан. Лекин бу Муҳаммад Нодиршоҳнинг иззат-нафисига тегарди. У қирол Ҳошнаҳашдан қанчалик кўрқиб-титрамасин, лекин вақт-соати келиб унинг бошлаб адабини беришини дилининг бир чеккасига тугиб қўйганди. Қиролнинг «эркалик»ларига, майли, ҳозирча, чидайди. Лекин унинг оддий парламентёрлар билан адибади қилиб ўтириш нияти йўқ. Шунинг учун давлат ишларини ҳам уларнинг танобини тортиб қўйишдан бошласа, айна муддао бўлади.

Лекин Муҳаммад Кабир Нодиршоҳнинг бу соҳадаги дастлабки қадамиёқ жарга бориб тақалди. Нозирлар кабинетининг раиси — отбашара, чўққисоқол кимсани ҳузурига чақириб, кабинетни янгилашга қарор қилганини билдирганида, ҳамсуҳбатининг сочлари тикка бўлиб кетаёзди.

— Сиз нималар деяпсиз ўзи?!— даҳшатга тушиб пичирлади у кўзларини чақчайтирганча.— Ҳаётдан жуда орқада қолиб кетибсиз-ку! Министрларни алмаштиришнинг ўзи бўларканми? Уларнинг ҳар бирининг орқасида кўпоровчи йирик гангстер ташкилотлари туришидан хабарингиз бор-ку, ахир?! Имонингиз комил бўлаверсин, биринчи министрни ишдан олишингиз биланоқ сизга камида суъиқасд уюштирилади.

— Унда Беттага ҳокимлигим қаерда қолди?!— сўради Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ ҳайрон бўлиб.

— Беттада одам қанчалик юқори амал поғонасида турса, бояги кўпоровчи ташкилотларга шунчалик кучлироқ боғлиқ бўлади. Чунки бизнинг жамиятда гангстерлар ҳаётнинг ҳамма жабҳаларини жиловлаб олишган.

Ерлик Нуристон мамлакатининг собиқ подшоси нозирлар кабинети раисининг огоҳлантиришига қулоқ солиб ўтирмади. У ўзидаги ғайритабиий кучларга жуда ишонар эди. Шунинг учун ўша куннинг эртасигаёқ давлат хавфсизлиги бўйича ёрдамчисини ҳузурига чақиртириб, ҳарбий нозирнинг вазифасини ўзи бажаришга қарор қилгани ва шу ҳафта ичида уни истеъфога чиқариш лозимлигини билдирди. Ёрдамчиси унинг олдидан қизариб-бўзариб, лекин чурқ этмай чиқиб кетди. Ҳарбий нозир ўша куни кечасиёқ барча дивизияларни оёққа турғазиб, ҳарбий тўнтариш эълон қилди.

Бетта ҳукуматининг янги ҳокимини маҳбубаси Флория билан ғирт яланғоч тўшакда ётганида қўлга олишди. Кечаси улар ётган хонага ҳарбий нозир раҳбарлигида қуролланган ўн чоқли офицер бостириб кирди. У яшайдиган янги қароргоҳ атрофини эса, ҳарбий гангстерларнинг бутун бошли батальони қуршаб олган эди.

— Дарҳол қўл-оёқларини боғланглр!— кичқирди ҳарбий министр Бетта ҳокимининг тепасига ўтаркан.— Эҳтиёт бўлинглар, кўзойнаги синмасин!

Фариштасифат маҳбубасининг кучоғида энди мизғий бошлаган Муҳаммад Нодиршоҳ тепасида кўполлик билан қўл-оёқларини боғлаётган офицерларни кўриб, дастлаб саросимага тушди. Лаҳза ўтмай ўзига келиб, қора кўзойнагини ечмоқчи бўлган эди, кечикканини пайқайди. Бу пайтда қўл-оёғи ва кўзлари кўзойнаги устидан қора мато билан авайлаб боғланган ҳолда уни кўтариб ташқарига олиб чиқиб кетишаётганди.

— Бардам бўл, азизим! Мен сени севаман!— хитоб қилди орқасидан Флория изтиробли овозда. Бетта ҳокими унга жавобан аллақимнинг дағаллик билан: «Учир овозингни, манжалақи!»— дея сўкингани ва аёлнинг юзига шарақлатиб тарсаки туширганини эшитди. Азбаройи ғазабга кирганидан миясига қон қуйилгандай бўлди.

«Лаънатилар!— хаёлидан ўтказди у тишини тишига босиб.— Ҳализамон онадан ту- филганларингга пушаймон едирмасам, Нодиршоҳ номимни бошқа қўяман!..»

Уни ўзи яқинидаги ўралиб ётган кўрпага ўраганча машинага ётқизиб, қаёққадир олиб кетишди. Бир соатча йўл босишгач, яна қаёққадир кўтариб олиб киришди. Кўп ўтмай темир эшикларнинг шарақлаб очилиб ёпилгани эшитила бошлади. Мана, ниҳоят, уни ўзига мўлжалланган зах ва қоронғи камерага олиб келишди чоғи, зил-замбил гавдасини қўполлик билан ерга ташлаб, орқасидан яна шарақлатиб эшикни қулфлаб жўнаб кетишди. Лаҳза ўтмай камерага сув сепгандек жимлик чўкди. Қаердандир девор ортидан ғўнғир-ғўнғир овозлар келарди. Флория билан ўтган бўронли кеча туфайлими, Муҳаммад Нодиршоҳнинг бадани зирқираб оғрир, мияси карахт эди. У кўнгилғашлик билан ўйга толди. «Қандай расвогарчилик! Ишни ҳарбий нозирдан бошлаб чакки қилдим шекилли?! Ахир, бу ер — Нуристон эмас-ку! Бизда одамлар ўлгудек қултабиат, зоти паст, ким нима деса, қўлини кўксига қўйиб, «хўп, ака», деб кетаверади. Беттада эса, қадамингда каллакесар, гангстер ва муттаҳам... Аслида шунча ташвишнинг менга нима кераги бор эди ўзи?! Оч қорним, тинч қулоғим, деб ўша ўзимнинг чор-ночор Нуристонимда маишатимни суриб юраверсам ўлармидим?! Уртада юртимнинг кули кўкка совурилгани-ю, қариганимда кўзимнинг нури, белимнинг қуввати бўлгучи биттаю битта фарзандимдан айрилганим қолди. Қандай бемаънилик!..»

Темир эшикнинг шарақлаб очилгани унинг хаёлини бўлди. Камерага кирган аллакимнинг оёқ товушлари эшитилди. Нодиршоҳ сергак тортди.

— Урнингиздан тулинг!— деди кирган кимса қўрслик билан қўл-оёғи боғлиқ ҳолда бетон ерда ястаниб ётган Беттанинг янги ҳоқимига юзланиб.— Сиз билан шаҳар терговчиси жаноб Шнейдер суҳбатлашмоқчи.

Муҳаммад Нодиршоҳ бир амаллаб гавдасини кўтариб, деворга суяниб ўтирди. Камерага кетма-кет яна аллакимлар киришди, бетартиб оёқ товушлари, тарақ-туруқ овозлар қулоққа чалинди. Афтидан, терговчи ўтириши учун курси келтиришганди. Шу заҳоти Бетта ҳоқимига қарата кимдир вазмин ва йўғон овозда гапира бошлади:

— Муҳтарам Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ жаноблари! Сиз ўз хизмат вазифангизни суистеъмол қилишда айбланасиз. Айбингизни бўйнингизга оласизми?

Нуристон мамлакатининг собиқ подшоси бу қутилмаган айбномадан бир зум лол бўлиб қолди. Сўнгра тили зўрға калимага келиб, саволга савол жавоб қайтарди:

— Аниқроқ гапирсангиз, сиз нимани назарда тутаяпсиз?

— Сиз, Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ жаноблари, хизмат мавқеингиздан фойдаланиб, ҳарбий нозирдан жуда катта миқдорда пора талаб қилгансиз.

— Бунинг исботи борми?

— Албатта бор!— терговчининг қатъий гап оҳанги Беттанинг янги ҳукмдорини яна ҳайратда қолдирди.

\* \* \*

ТОММИ (ғазабкор қиёфада). Бекорларни айтибсан! Сен баттолни мана мен — ўзим гумдон қиламан! (Ҳошнаҳашга беҳосдан ташланади, ағдариб, устига чиқиб олади.)

ҲОШНАҲАШ. Томми, нима қиляяпсан? Эсинг жойидами? Қўйвор! Қўйвор деяпман! Ҳой, бўғма! Улдириб қўясан-ку, тентак!

ТОММИ. Улдираманам!

ҲОШНАҲАШ. Мени ўлдириб нима топасан? Яхшиси кемадаги бойликни тенг иккига бўлиб, Она-Еримизга қайтишни ўйласанг-чи, нодон!..

ТОММИ. Сендақаларга Она-Ер ҳам ҳайф, баттол! Менга ҳеч қандай бойликнинг кераги йўқ!

ҲОШНАҲАШ. Сенга керак бўлмаса, менга керак! Менга!..

ТОММИ. Энди сенга ҳам унинг кераги бўлмайди.

ҲОШНАҲАШ. Нега? Нега? Сен ундай дема, Томми! Биз ахир ушбу сайёрага аслида бойлик деб келганмиз-ку! Боссинг кўрсатмалари ёдингдан чиқдимми? Агар Ерга қуруқ қайтсак, унинг одамлари иккаламизни ҳам қўйдек чавақлаб ташлайди!

ТОММИ. Босс! Босс! Тупурдим ўша Босингга! Минг лаънат! Шу беъмани бойликларни деб дўстларимиз Роберт, Жеймс, Адамдан жудо бўлдик. Қузғунлардай бир-биримизнинг гўштимизни едик! Энди иккаламиз қутурган итдай бир-бировимизнинг кекирдагимиздан олиб, арши аълога, дўстларимиз ҳузурига равона бўлишимиз қолди.

ҲОШНАҲАШ. Нима?! Мен у ёққа шошилаётганим йўқ! Агар сен шошилаётган бўлсанг, марҳамат, боравер! Фақат мени тинч қўйсанг бўлгани. Ҳа-ҳа, мени холи қўй! Мен... мен... Она-Еримизга қайтаман. «Қора қурт»ларни урчитиб, тилла заводи қураман. Орзу-умидларим катта ҳали! Тушунаяпсанми, Томми! Сен билан биз ҳали шундай бойиб кетамизки, бутун коинот қаршимизда тиз чўқади! Ёлвораман, Томми, мени ўлдирма!

ТОММИ. Қанчалик тубан ва жирканч махлуқсан-да! Қўлимни булғашга арзиганинг-да эди, ўйлаб ҳам ўтирмасдим. Садқаи одам кет! (Секин одимлаб кета бошлайди.)

**ХОШНАХАШ.** Тўхта! Қаёққа? Қайт орқангга! (Лазер-тўппончасини Томмига қарата-ди.) Йўқса, ҳозироқ асфаласофилинга жўнайсан!

(Томми ўгирилиб унга нафратли нигоҳ ташлайди-да, йўлида давом этади.) Тўхта деяпман! Кемага қайтишингни буюраман! Эшитаяпсанми, Томми? Тўхта!.. (Орқасидан югуриб бориб, тирсагидан тутади. Ялиниб-ёлворади. Пўписа қилади. Томми уни итариб юборади.) Ҳали шунақами?

**ТОММИ.** Ҳа-ҳа! Шунақа!

**ХОШНАХАШ.** Билиб қўй: шоқолдай отиб ташлайман! Ўлигингни ҳозироқ анави «қора қурт»лар ғажиб кетишади.

**ТОММИ** (кескин ҳаракат билан Ҳошнаҳашга юзланади). Мана, отсанг ота қол! Отанам, бола-чақамдан барибир аллақачон жудо бўлганман! Бутун коинотда ҳеч кимим қолмади. Жонимдан тўйиб кетдим! Отсанг тезроқ от, лаънати!

**ХОШНАХАШ.** Ундай бўлса ўзингдан кўр! (Тўппончасини кўтариб Томмига нур йўналтиради. Лазер овози. Томми шу заҳоти гурсиллаб ағдарилади. Ҳошнаҳаш жонҳолатда энгашиб юрагига қулоқ тутади. Томмининг жони узилганини пайқагач, овози борича бўкиради.) Томми, дўстим! Мен нима қилиб қўйдим! Кўзингни оч! Ё фалак! Наҳотки сен ҳам адойи тамом бўлдинг? Қандай телбалик! Бу кимсасиз, тажовузкор сайёрада бир ўзим энди нима қиламан? Қандай яшайман? Кошки кемани тузата олсам... Тамом!.. Ҳаммаси тамом! Бутун орзуларим саробга айланди! Эҳ, мен — тўнка! Эҳ, мен — галварс! (Ўзини ўзи ҳақоратлаб, сочларини чангаллаб, у ёқдан-бу ёққа гандираклайди. Салдан кейин югурганча ташландиқ кема ичига кириб кетади. Шу заҳоти эфирга «SOS» сигнали тарқалади.)

**ОВОЗ.** SOS! SOS! SOS! Ер Сайёрасидаги барча Фазовий марказ ходимлари ва коинотда учиб юрган кема дарғалари диққатига! Бизнинг «Фобос» номли кемамиз коинотнинг еттинчи тарҳидаги Олтин Қозиқ сайёраси саҳнида ҳалокатга учради. Биз ёрдамга муҳтожмиз! Биз ёрдамга муҳтожмиз! «Фобос» кемаси экипажи.

(Муסיқа янграйди. Ёрдамга чорловчи овоз секин пасайиб, муסיқа кўтарилади. Экран қоронғилашиб, яна ёришади. Яна ўша кўриниш. Ҳошнаҳаш ташландиқ кема ёнида ухлаб қолган. Тонг отиб, қуёш чиқаётган маҳал. Икки катта «қора қурт» полда судралганича астронавтга яқинлашиб, икки биқинидан исканжага олади. Ҳошнаҳаш дод солганича ўрнидан туриб кетади.)

**ХОШНАХАШ** (кўксига туфлаб). Вой, лаънатилар-эй! Утакамни ёриб юборавёзишди-я! Суваракдай мажақлаб ташлашларига сал қолди. Йўқ, бундан буён эшикларни кулфлаб кемада, фақат кемада ухлайман. («Қора қурт»ларга мурожат қилиб.) Қани, жўналаринг-чи! Жўна! Жўналаринг! Қораларингни ҳам бошқа кўрмай! Акс ҳолда ўзларингдан кўринглар!.. («Қора қурт»лар судралиб, чеккага жилишади. Ҳошнаҳаш ўйчан қиёфага киради.) Номаялум оролда бир ўзи яшаган Робинзон Крузодай бутун бошли сайёрада якка ўзим қолдим. Хоҳласам ўзимни Олтин Қозиқнинг президенти, хоҳласам қироли, хоҳласам шаҳаншоҳи деб эълон қилишим мумкин. Ўзимни етти қават оламнинг мутлақ ҳукмдори деб атасам ҳам ҳеч ким эътироз билдирмайди. Чунки бу ерда эътироз билдирадиган одамнинг ўзи йўқ-да! Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа!.. Бу ерда ҳали ишларим кўп, аввало «қора қурт»лардан фойдаланишнинг махсус усулини ишлаб чиқишим зарур. Кейин уларни Ерга ташиш йўллари ҳақида бош қотиришимга тўғри келади. Хуллас, мен бу ерда тилла ишлаб чиқарувчи улкан корпорация барпо этаман. Маҳсулотни форлардаги махсус омборларга йиғиб қўявераман. Мени қутқаргани келган кемани эса, экипажи билан сотиб оламан-да, бойликларимни Ерга ташишга киришаман! Ана ундан кейин... ундан кейин коинот қароқчиси миллиардер Ҳошнаҳаш Ер сайёрасининг мутлақ ҳукмдорига айланади! Йўқ, у бутун коинотнинг мутлақ ҳукмдорига айланади! (Электрон музика. Ҳошнаҳаш тухумсимон тиллалар устига маст-аласт йиқилади. У қаддини ростлаб ўтираркан, олтинларни телбаларча осмонга отиб ўйнайди, қўлига олиб ўпади, бағрига босади, кўзларига суртади.) Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа!.. Мана, мен бутун умр орзу қилган бойликлар! Бунақа бойлик Рокфеллер билан Фордга ўхшаган корчалонларнинг тушига ҳам кирмаган! Бу тиллалардан мен ҳали тоғ бунёд қиламан. Бу шундай юксак тоғ бўладики, унинг устида ўтириб, қарамоғимдаги бутун сайёрани кузатишим мумкин. У ердан туриб коинотнинг истаган нуқтасига қўлим етади. Замонанинг буюк даҳолари ва манаман деган эрксевар шоирлари хизматимда бўлади. Жаннатмакон боғларимда сўлим оқшом паллалари ўзлари ойдек, тишлари садафдек парипайкарлар атрофимда парво-наю гирдикапалак. Бир хуштак чалсам, ҳузуримга қонли разолат «лаббай!» деб етиб келади-да, қўлларимни ялай бошлайди. У темирдай иродам амри билан ҳар қандай ғанимимни кунпаяқни қилишга қодир! Чингизхону Наполеонлар ҳам менинг олдимда ип эшолмай қолишади! Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа!.. Эҳ, бойликларим, бойликларим! Ер деб аталмиш сайёрада сиз асрлар давомида қанчадан-қанча инсоний изтироблар, кўз ёшлари ва қарғишларга сабаб бўлмагансиз! Сиз туфайли қанча одамларнинг ёстиғи қуримаган!.. Сизларни кўрсам, бўлди, вужудимни чексиз завқ-шавқ билан бирга даҳшат ҳисси ҳам чулғайди. Нега шундай экан-а? Нега одамлар бамисоли худодай сизларга сиғинишди-я?! Ҳаётда шундай кимсалар борки, улар бировнинг кўксига ханжар санчишдан



лаззат олишади. Бу ҳам лаззат бағишлайди, ҳам даҳшатга солади. Чинакам бойлик қаршисида мен ҳам ўшаларнинг аҳволига тушармиканман-а? Ё фалак! Ё фалак!.. Коинот ҳукмдори супермиллиардер Ҳошнаҳаш аълоҳазратлари туппа-тузук файласуф ҳам чиқиб қолди-ку! Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа!.. Файласуф эмиш! Ерда ҳозир қандай, билмадим-у, лекин бизнинг даврда катта амалинг бўлса, мўмай пулинг бўлса, алломалик шаҳодатномасини ҳам, шоирлик шон-шухратини ҳам сотиб олишинг мумкин эди. Ҳамма нарса сотиларди. Ҳатто муҳаббат ва виждон ҳам сотиларди!.. Ана энди кўҳна оламни — буларнинг бариға курраи заминни ҳам қўшиб-сотиб олишга қодир буюк зот бошқаради! У — буюк зотгина эмас, донишманд авлиё, саховатли пайғамбар ҳамдир. Чунки унинг бойликлари коинотнинг ўзидай ҳадсиз-ҳудудсиз! Ҳа-ҳа! У — авлиё! У — пайғамбар! Йўқ, у — худо! Ҳошнаҳаш — худонинг ўзгинаси! Ҳали унга бутун коинот аҳли тиз чўкиб сажда қилади! Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа-а!..

У телбаларча яна тиллалар устига йиқилади. Экран қоронғилашиб, мусиқа янгаркан, «Биринчи қисм тугади» деган ёзув пайдо бўлади.

\* \* \*

Кичик залда чироқ ёниши билан одамлар жонланиб кетишди. Ҳақим Амир Шайх билан ёнма-ён ўтирган Самандар чақноқ кўзларини авлиёга тикиб хитоб қилди:

— Бу Ҳошнаҳаш деганлари даҳшатли одам экан-ку!

— Секинроқ ҳам айтасанми... — деди авлиё маъюс оҳангда.

— Фильмнинг иккинчи қисмини ҳам томоша қиласизларми? — сўради дастлаб Икс галактикасининг, эндиликда эса, Ер сайёрасининг разведкачиси бўлмиш найнов фазогир.

Авлиё қирол Ҳошнаҳашнинг келиб чиқиш тарихини яхши билади чоғи:

— Кераги йўқ, — деб жавоб берди. Орадан яна бир неча фурсат ўтгач, улар разведкачи кемачанинг бўлмасини тарк этиб, яна ўша ғор қаршисидаги тўнқалар устида осуда суҳбат қуришарди.

— Биласанми, ўғлим, одамзод асрлардан бери виждон эркинлигига интилади, — дерди Ҳақим Амир Шайх Самандарга ўйчан тикиларкан, — виждонимиз ниманингдир қули, тутқуни экан, биз ўзимизни ўтга-чўққа урамиз, изтироб чекамиз, бор салоҳиятимизни ишга солиб, уни тутқунлик занжиридан фориг этишга уринамиз. Виждони ўз манфаатининг батамом қулига айланганларни биз виждонсиз одамлар деб атаймиз. Энди гапнинг индаллосини айтганда, Ҳошнаҳашнинг виждони ёшлигиданоқ бойликка ружу қўйиш, минглаб, миллионлаб одамларга ўз ҳукмини ўтказиш касалига мубтало бўлган эди. Бу эса, ўтакетган бедаво касалликдир. Ушанда Олтин Қозиқ сайёрасида телба бўлиб қолаёзган Ҳошнаҳашни ерликлар қўлга олиб, Икс галактикасига сургун қилишганида ҳам ушбу дардидан фориг бўлмаган, аксинча, бу дард унда янада чуқурроқ илдиз отган эди. Галактиканинг бўлажак қироли Бетта лагерларида иттифоқо дуч келиб қолган машҳур бир телепат ва афсунгарга шогирд тушиб, бир неча йил мобайнида унинг ҳунарини тўла эгаллашга эришади. Кейинроқ эса, ана шу одам ва орттирган янги ҳунари ёрдамида аввал Альфада, пировардида бутун Икс галактикасида ҳоқимиятни қўлга олади.

— Демак, ҳар қандай ёвузлик замирида шахсий манфаат, яъни бизнинг мисолимизда, бойлик ва амалга ружу қўйиш ётар экан-да? — сўради Самандар негадир ўз «кашфиёти»дан ўзи нафратланиб.

— Балли, ўғлим. Лекин гап шундаки, шахсий манфаат замирида яна жуда кўп нарсалар ётиши мумкин. Ўз манфаатига муккасидан кетган одам учун муқаддас нарсанинг ўзи бўлмайди. У ўз мақсади йўлида ҳар қандай ёвузликдан ҳам тоймайди. Қирол Ҳошнаҳаш ҳам худди ана шу...

Авлиё Ҳақим Амир Шайхнинг бу гапидан Икс галактикасидан келган разведкачиларнинг эхсоналари чиқиб кетаёзди.

— Нималар деясиз ўзи?! — шивирлаб деди найнов фазогир қути ўчиб. — Секинроқ. Бу гапларингиз қирол Ҳошнаҳашнинг қулоғига етса борми, худо кўрсатмасин...

— Қиёмат-қойим бўлади-я! — қўшимча қилди пакана фазогир бошини лиқиллатиб.

— Бу ҳамма даврларнинг мустабид ҳукмдорларига хос касал, — бамайлихотир деди уларга жавобан Ҳақим Амир Шайх. — Улар ўзларини худонинг заминдаги у ёки бу вакиллари деб кўрсатишга зўр бериб уринишаркан, қиёмат-қойимни юзага келтиришга чинданам қодирман, деб ўйлашади. Аслида эса, улар масхарабоз ниқобидаги шафқат билмас, майда ва қаттол одамлардир.

— Бундан чиқди биз Икс галактикасида авваламбор қирол Ҳошнаҳашни таслим этишга уринишимиз керак экан-да! — сўради Самандар қошларини чимириб.

— Кошки эди шундай бўлса! — деди авлиё афсус оҳангида, йигитга маъноли тикиларкан. — Икс галактикасида яна бир ўта хавfli одам пайдо бўлган...

— Ким экан у?

— У авлиё, яъни менинг ниқобимда юрган одам, Нуристон мамлакатининг собиқ подшоси.

— Биламиз, биламиз! — деди найнов фазогир бидирлаб. — Само десанчиларимизга уни биз рўпара қилгандик.

— Лекин ўзини авлиёман деб десанчиларни лақиллатганидан беҳабармиз, — қўшимча қилди пакана фазогир бошини лиқиллатиб.

— Хулласи калом, ўша ерлик собиқ подшо — исми Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ — ҳозирча Икздаги Бетта сайёрасида синов муддатини ўтаётганмиш.

— Жуда тўғри, — деди найнов фазогир дарров унинг гапини илиб. — Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ жаноблари галактикамиздаги бообру одамлардан. Лекин, айтишларича, қирол Ҳошнаҳаш уни унчалик хушламас эмиш.

— Албатта хушламайди-да. Ҳар қандай ҳукмдор ўзига рақобат қилиши, яъни ўз обрўсига путур етказиши мумкин бўлган ва тахтига даъвогар кимсага нафрат ва ҳадиксираш билан қарайди.

— Бизга маълум бўлишича, — деди пакана фазогир, — Нуристоннинг собиқ шоҳи ҳозир Беттада ҳукмдорлик лавозимини қўлга киритган.

Бу кутилмаган гапдан Ҳаким Амир Шайхнинг кўз қорачиқлари кенгайиб, қуюқ қошлари чимирилди. У бир дақиқа сукут сақлаб турди-да, шошилмай гапирди:

— Шундай бўлишини билардим. У ҳатто қирол Ҳошнаҳашни тахтдан ағдариб, ўрнини эгалласа ҳам унчалик ажабланмайман.

— Нега энди? — сўради Самандар ажабланиб. — У шунақа қудратли одамми?

— Ҳа, у — қудратли одам. Бу қудратни унга мен бахшида этганман.

— Нима учун?

— Уни эзгу мақсадга йўллаб, ёвуз бир қилмишдан қайтармоқчи эдим. Лекин, афсус, янглишибман.

— Қанақа ёвуз қилмиш?

— Э, ўғлим, сенга ҳамма гапни айтолмайман. Кейинроқ ўзинг билиб оласан.

— Нега, ахир?

— Дунёда одамийлик, виждон ва ор-номус билан боғлиқ шундай нарсалар борки, улар ҳақида очиқ гапириш яхшиликка олиб келмайди.

— Мен бўлсам, ҳаётда ҳамма нарса очиқ-ойдин бўлиши тарафдориман. Биль-акс, мени мураккаб вазифа билан хавфли сафарга жўнатаётган экансизлар, рақибларимиз ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишим керак, деб ҳисоблайман.

Йигитнинг бу ҳақли талабидан авлиёнинг кайфияти бузилиб, шундоқ ҳам буришган юзини бешбаттар ажин қоплади.

— Э, ўғлим, хафа бўлмагин-у, лекин бу борада ҳамма гапни сенга айтолмайман.

Самандар энди ўзини тутиб туролмади. Худди ёш болалардек товуши ингичка тортиб, негадир аламзада оҳангда сўради:

— Бунинг бирор сабаби бордир, ахир?!

— Бор сабаби! — деди Ҳаким Амир Шайх қатъий оҳангда қовоғини солиб. — Жудаям бор!

— Ҳеч бўлмаса сабабини айтарсиз!

— Сабаби... сабаби... — авлиёнинг кўзларида пайдо бўлган ёш томчилари қуёш нурида ялтиллаб кетди, — у — сенинг отанг!

Бу гапдан саросимага тушган Самандар бир зум ағрайиб қолди. Кўз олди қоронғилашиб, аллақандай асабий хуштак овози миясини ёриб юборгудай чийиллай бошлади.

— Менинг отам? — сўради у тили зўрға калимага келиб. — Ўша... Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ-а?! Қанақасига?!

— Шунақасига, — деди авлиё яна ўша қатъиятлик билан. — Айтмоқчимасдим, ўзинг қўймадинг. Энди қулоқ сол. Сенинг асил отанг — Ота Бургут эмас, ана ўша Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ. У сени гўдаклигингда сувга чўктирмоқчи бўлганида, Она Бургут асраб қолиб, Ота Бургут билан бирга тарбиялаб вояга етказган.

Бу гапдан бешбаттар ҳайратда қолган Самандарнинг оғзи зўрға очилиб ёпилди: — Нега... чўктирмоқчи бўлган?

— Чунки у кенжа хотини, яъни онангнинг ўлимига сен сабабчисан, деб ўйлаган. Сен ўн тўрт ойлик бўлиб туғилгансан-да. Ваҳоланки, онангни бошқа кундошлари заҳарлаб ўлдиришган эди, ўшанда.

Самандар тўнка устида қимир этмай ўтираркан, букчайиб қолгандай, юз-кўзларини бамисоли қора булут қоплагандай эди.

«Вожаб! — ўйларди у маҳзун кўзларини ерга қадаганча. — Бу қандай гап?! Унга ё чўпчак айтишаяпти, ё у — чинданам ўша қонхўр шоҳнинг ўғли. Лекин на Она Бургут ва на Ота Бургут бу ҳақда унга ҳеч нарса дейишмаганди. Узи нега бу хусусда илгари сира ўйламади? Ахир, у инсон кўринишида-ку?! Демак, бургут эмас, инсон фарзанди! Демак, унинг ота-наси ҳам одамлардан бўлиши керак! Ҳўп қизиқ гап бўлди-ку! Вожаб!..»

Самандар ўйчан нигоҳини авлиёдан узмас экан, лол бўлиб қолган, гапни нимадан бошлашга ҳам ҳайрон эди. Ниҳоят, у пича ўзини қўлга олди. Орага ноқулай сукунат чўкканди. Дастлаб Икс галактикасининг, эндиликда эса, Ернинг жосуслари бўлмиш фазогирлар ҳеч нарсага тушунмай, бир-бирларига қараб қўйишди. Ҳаким Амир Шайх-

ни ҳам алланечук оғир ўйлар ўз исканжасига олгандай эди. Жимликни Самандарнинг ҳаяжонли овози бузди:

— Демак, мен Икс галактикасида қирол Ҳошнаҳашга эмас, балки ўз отамга ҳам қарши курашим керак экан-да?

— Шундай бўлиб чиқади, — деди авлиё вазмин оҳангда шогирдига синчков тикиларкан. — Тарихда шунақа ҳоллар ҳам юз берган.

Самандар яна устозига синчковлик билан тик қаради.

— Наҳотки сиз мени шунга қодир деб ўйласангиз?

— Нимага қодир?

— Ўз отамга қўл кўтаришга...

— Ахир, у қанақасига сенга ота бўлсин, ўғлим... Сендан гўдаклигингдаёқ ёвузларча воз кечган бўлса...

Йигит паст ва ҳазин овозда эътироз билдирди:

— Бари бир... мен унинг пушти-камаридан бунёд бўлганман... Томирларимда унинг қони жўш уриб турибди!

Энди Ҳаким Амир Шайх ҳам изтиробга тушганди.

— Э, ўғлим, — деди у афсус-надомат билан, — ҳамма гапни сенга билдирмай қўя қолай, деб айтувдим-а. Узинг қўймадинг. Мана оқибати...

— Аксинча, — эътироз билдирди Самандар, — ҳозир айтганингиз яхши бўлди. Буни у ёққа бориб билганимда, оқибати қандай бўлишини тасаввур этиш қийин...

Йигит маънос ҳолда яна ўйга чўмганди. Ўз падари-бузруквори ғаними бўлиб чиқиши етти ухлаб тушига ҳам кирмаган, шунинг учун Икс галактикасида бўлажак ғаройиб учрашувни сира тасаввурига сиғдиролмаётган эди. У тагин тилга кирди:

— Ёвузликнинг пайини қирқиш учун наҳотки одам ўлдириш шарт бўлса?!

Авлиёнинг ғамгин чехрасида умидбахш бир ифода пайдо бўлди.

— Балли, ўғлим! Ҳозир сен билан биз кўпроқ ана шу ҳақда бош қотиришимиз керак. Ёвузлик пайини қирқишнинг бошқа йўллари ҳам йўқ эмас. Албатта, ижтимоий адолатга курашсиз эришиб бўлмайди. Лекин қон тўкилиши...

Авлиёнинг гапини қўққисдан икслик найнов фазогир бўлди:

— Оқ каптар келаяпти!

Ҳамма у кўрсатган тарафга қараб, уфқда шошилиш қанот қоқиб келаётган оқ каптарни кўрди. Самандарнинг қалбини аллақандай илиқ бир ҳис шабадаси елпиб ўтди. Ҳаким Амир Шайх негадир каптарга безовталиқ билан тикиларди.

— Ассалому алайкум! — деди лаҳза ўтмай уларнинг ёнидаги бўш тўнкага қўнган оқ каптар худди таъзим қилгандай бир чайқалиб мувозанатини тўғриллар экан.

— Ваалайкум ассалом! — жавоб берди авлиё унга ташвиш ва савол назари билан нигоҳ ташларкан. — Қалай, омон-эсон юрибсанми... — яна «қизим» деб юборишига бир баҳя қолди.

— Раҳмат, — жавоб берди «қиз» нафасини ростлаб, кейин дарров асосий масалага кўчди: — «Қуёш» юлдузкезар кемаси сафарга тайёр қилинибди. Самандар акам тезда Фазовий Марказга етиб боришлари керак экан.

— «Қуёш»... — деди авлиё ўйчан ҳолда. — Яхши ном топишибди. У коинот бўйлаб эзгулик, ёруғлик ва нур таратиш мақсадида сафарга отланади... — Ҳаким Амир Шайх пича сукут сақлаб тургач, жиддий тортиб сўради: — Самандарни Марказга ким чақиртирди?

— Ратҳам Босуэр Азим жаноблари. У ерда икки ой мобайнида само техникасини ўзлаштиришимиз, умуман, сафар олди тайёргарлигини ўташимиз керак экан.

— Жуда соз! Бўлмаса, ўғлим Самандарбек, Тарзанни олиб ҳозироқ жўнаб кетишинг керак. Бу ерда амалга оширишимиз мумкин бўлган ишларнинг ҳаммасини тугатдик ҳисоб. Сизларни, ўйлайманки, икслик ҳамкасб дўстларимиз илтифот кўрсатиб, Марказга ўз ракеталарида элтиб қўйишади.

— Бош устига, — деди найнов фазогир ҳозиржавоблик билан.

— Бу ҳақда гап ҳам бўлиши мумкин эмас, — қувватлади уни пакана фазогир бошини лиқиллатиб.

— Сиз биз билан кетмайсизми? — сўради Самандар ота-боладай бўлиб қолган устози билан ногаҳон хайрлашиш зарурати туғилганидан кўнгли чўкиб.

Авлиё негадир истеҳзоли кулумсиради.

— Одамларга аралашмай, дунё ташвишларидан йироқ яшаш каминага умуман насиб этмайди чоғи, — деди у қатъий оҳангда. — Мени ҳойнаҳой Икс галактикасининг десантчилари ўзлари келиб олиб кетишади. Яқин ойларда Альфа ёки Беттада яна юз кўришиб қолсак ажаб эмас...

— Тўғри, тўғри! — бараварига тасдиқлашди икслик фазогирлар. — Қирол Ҳошнаҳаш сизни ўғирлаб кетиш ҳақидаги қарорга аллақачон имзо чеккан.

— Бўлмаса, энди хайрлашамиз, дўстларим! Йўл-йўлакай Тарзанни ола кетишни унутманглар! Яна юз кўришгунча омон бўлинглар!..

Ҳаким Амир Шайх қучоқларини катта очганча Самандарнинг истиқболига қараб юрди. Унинг ичга ботган ҳоргин кўзлари энди жиққа ёш эди.

Шаҳар терговчиси Шнейдер соқчига алланима деб ишора қилди шекилли, у энгашиб, Беттанинг собиқ ҳукмдори кўзойнаги устидан бойланган тасмани ечиб олди. Шипда митти панжарача орасидаги юз шамли чироқнинг ўткир нуридан қора кўзойнак остида ҳам кўзлари қамашиб кетган Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ афтини буриштирди. Кейин аста-секин ёруғликка ўрганган нигоҳи қаршисида малла сочлари орқасига силлиқ қилиб таралган, капалаксимон мўйловли, митти кўзлари йилтираб турган яғриндор кимсага тушди. Чироқ нурида унинг соқоли қиртишлаб олинган силлиқ юзи ҳам ялтиллаб кўринар эди. Унинг пича ўзига келганини пайқаган терговчи гапида давом этди:

— Сиз ҳарбий нозирдан порани нозирлар кабинети раиси ва давлат хавфсизлиги бўйича ёрдамчингиз иштирокида талаб қилгансиз. Уларнинг ҳар иккови бу ҳақда ёзма равишда гувоҳлик беришди, — у боши билан қўлидаги жузгурга ишора қилди.

Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ истеҳзоли илжайиб, калласини сарак-сарак қилди.

— Одамларни иғво қилишнинг жуда қадимий усули, — деди у афсус оҳангида, айна пайтда қўлларини орқага қайириб боғланган арқонни бармоқлари билан аста қиса бошлар экан. — Бу масалада жуда орқада қолиб кетибсизлар. Дарвоқе, жинойтчилардан яна ниманиям кутиш мумкин...

— Буюк салтанатимизнинг бообрў оқсуякларини ҳақорат қилмаслигингизни талаб қиламан! Акс ҳолда, қарорга буни ҳам тиркаб қўямиз.

Муҳаммад Нодиршоҳ ўз-ўзини курашга илҳомлантирганича, бармоқлари орасидаги арқонни эзгилашда давом этарди. Ниҳоят, у қўлларида етарли қудрат сезиб, арқонни бир зумдаёқ узиб ташлади. Лекин уларни бўшатишга шошилмади. Терговчига синовчан тикиларкан:

— Мен сиз билан яккама-якка гаплашсам дегандим, — деди. Шнейдер орқасида турган соқчига қўли билан ишора қилган эди, соқчи дарров камера эшигини нариги томонидан беркитди. Улар юзма-юз келишди.

— Гап бундай, жаноб...

— Шнейдер, — қўшимча қилди терговчи.

— ...жаноб Шнейдер, сиз менга ёрдам беришингиз керак. Эвазига мен сизни Беттанинг бош терговчиси лавозими билан тақдирлайман.

— Сиз ҳали бу ердан осонликча чиқиб кетаман, деб ўйлаяпсизми?

— Шак-шубҳасиз, — бамайлихотир, лекин қатъий жавоб берди Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ. — Гап шундаки, агар истасам, мен бу ердан ҳозирнинг ўзидаёқ чиқиб кетишим мумкин.

Унинг қўлларини бўшатиб, увишиб қолган бармоқларини шошилмай, уқалаётганини кўрган терговчининг эҳсонаси чиқиб кетди. У шоша-пиша қўлини ён чўнтагидаги митти қуролига узатди.

— Тўппончангизни чиқармай қўя қолинг, — деди Беттанинг собиқ ҳукмдори пинагини ҳам бузмай, — фойдаси йўқ, менга ўқ таъсир қилмайди. Бундан хабардор бўлишингиз керак.

— Сал эшитгандим, — деди терговчи тараддудга тушиб. — Лекин...

— Лекин-пекинни қўйинг, сизнинг олдингизда ҳозир фақат биргина йўл бор: у ҳам бўлса мен билан ҳамкорлик қилиш!.. Акс ҳолда...

— Акс ҳолда нима бўлади?

— Акс ҳолда мен сизни шу дақиқадаёқ сувга чўқдириб юборишим мумкин.

Терговчи азбаройи ҳаяжонга тушганидан киприклари узлуксиз пирпирай бошлади.

— Қанақа сувга? — сўради у капалаги учиб.

— Айтайлик, Шимолий Муз океанига! Мен телепортация йўли билан истаган одамимни сайёранинг истаган нуқтасига бир зумдаёқ кўчириб ўтказишим мумкин. Бу борадаги тажрибаларим ҳақида ҳам эшитган бўлишингиз керак.

Терговчининг тили зўрға калимага келди:

— Қулоғимга... чалинувди... Кўзойнагингиз...

— Балли! Кўзойнагимни ечсам бас, истаган ишимни қилавераман. Ёмон кўрган одамимни ҳатто ўзга сайёраларга жўнатиб юбориш ҳам мен учун ҳеч гап эмас, — бир оз муболаға ҳам қилди Нуристон мамлакатининг собиқ подшоси.

Бетталиқ амалдор ўтирган жойида бамисоли букчайиб қолган, сиртдан қараганда, гўё у эмас, балки Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ тергов олиб бораётгандек таассурот туғиларди.

— Хўш, мен нима қилишим керак? — сўради терговчи бўшашиб титроқ овозда.

— Жами нозирларни бирма-бир ҳузуримга бошлаб кирасиз. Мен билан юзма-юз гаплаштириш баҳонасида. Ахир, мени охиригача «фош» қилишинглар керак-ку?!

— Сиз уларни... Шимолий Муз...

— Тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди. Ҳаммаси уммонда музлаб, роса таъзирини ейишади. Ишни давлат тўнтариши қилган ҳарбий нозирдан бошлаймиз.

Терговчи маънос ҳолда пича ўйланиб турди-да, журъатсизгина сўради:

— Беттанинг бош терговчиси масаласи...

— Ерлик улуғ аждодларим ҳаққи қасамёд қилиб айтаманки, ўша лавозим таг-туғи билан сизники бўлади! Ҳукмдорлик курсисига қайта ўтиришим ҳамано бу ҳақда буйруқ бердиртираман.

— Аммо ҳозирги бош терговчи... жуда ёмон одам. У — поражурларнинг сардори... Осонликча...

— Бу ҳақда ташвиш чекманг. Уни ҳам асфаласофилинга жўнатишни ўз зиммамга оламан!.. Нозирлар қаторида ҳузуримга бошлаб келсангиз кифоя.

Терговчи Шнейдер хунук илжайди-да, ниҳоят, узил-кесил жавоб берди.

— Мен розиман!

— Мана бу бошқа гап! Ана энди ўзингизга келдингиз, жаноб Шнейдер. Дарвоқе, сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим. Сизни бу ёқларга нима учун сургун қилишган?

— Ширкатдаги ҳамкасб шерикларимга хиёнат қилганим учун.

— Жуда соз! Узим ҳам шундай деб ўйлагандим. Демак, сиз ишончли одамсиз.

Терговчи унинг мақтовларидан мамнун илжайиб, ўрнидан турди. У энди анча ўзига келган, руҳияти ҳам фавқуллодда тетиклашган эди.

— Ишни шу бугуноқ бошлайверамизми? — сўради у кўтаринки кайфиятда.

— Бўлмасам-чи! Ҳозироқ бошлаймиз, ҳозироқ! Бугунги ишни эртага қўйма, дейишади доно ерликлар. Сиз бу ердан чиқшингиз билан ҳарбий нозирларни топиб, алоқа боғланг-да, маҳбус, яъни мен айбимни бўйнимга олмаётганимни, масалани тезда бир ёқлик қилиш учун зудлик билан етиб келиши зарурлигини ўқдиринг.

— Ҳа, у ўқдай учиб келади.

— Бўлмаса, омадингизни берсин!

— Сизга ҳам омад тилайман!

Файрат отига минган терговчи оёғини қўлига олиб, ташқарига йўналди. У кетиши биланоқ даҳлизда юрган соқчи шарақлатиб эшикни қулфлади.

Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ тор камерада шошилмай у ёқдан-бу ёққа одимларкан, яна ўйга чўмди. Олис Ер, она юрти, беҳосият ўғли туфайли шаҳид кетган сулув кенжа хотини хаёлини олиб қочди. Сўнгги пайтларда у Жайхунга чўкиб кетган ўғлини негадир тез-тез эслаб бошлаганидан ўзича ажабланиб қўйди. Тирик қолганида ўзиям хўп антиқа йигит бўларди-да! Афсусларким, парвардигор умри билан бермаган экан, шўрликни... Начора... Лекин Нодиршоҳ ҳали бақувват, худо хоҳласа яна фарзанд кўради. Бу сафар... Флориядан. Бадани силлиқ ва таранг бу соҳибжамол аёлнинг номини эслашнинг ўзидаёқ қалбини нақадар ширин ва лаззатли ҳислар чулғайди! Момиқдай оппоқ, хушбичим кўраклари ва елкаларини кўз олдига келтириши ҳамон нафаси тиқилиб, вужудида қон бамисоли жунбўшга келгандай ўзини қўярга жой тополмай қолади. Ердаям юрган экан-да, подшоман, деб Флория... Йўқ, бунақа парипайкар Ерда ҳам камдан-кам топилади. Бечорани нима қилишди экан? Уриб-сўкиб яна кўнгил уйига жўнатишган бўлса керак-да...

Даҳлизда оёқ товушлари эшитилди. Нодиршоҳ сергак тортиб, яна жойига ўтирди. Қўлларини орқасига қилиб олди.

Қулф шарақлади, эшик очилиб, остонада яна терговчи пайдо бўлди. Унинг салқи юзида маккорона бир ифода бор, айна пайтда у нимадандир безовта кўринарди.

— Хўш? — дея Беттанинг собиқ ҳукмдори унга қора кўзойнак орқали савол назари билан қаради.

— Ҳамма нозирларга хабар етказдим. Лекин... — пича тараддудда қолди терговчи.

— Нима лекин? — сўради Нодиршоҳ бетоқатлик билан.

— Ҳарбий нозир сизни ҳукумат биносининг ертўласидаги махсус камерада қабул қилмоқчи.

Ерлик собиқ подшонинг юзига беихтиёр айёрона табассум ёйилди.

— Қаерда қабул қилишининг мен учун аҳамияти йўқ, — деди у енгил тортиб. — Бир ҳисобда янаям яхши бўлибди. Ҳаммасини ҳукумат биносида тинчитиб, ҳоқимиятни қайта қўлга олишимиз осонроқ кечади. У қабул вақтини қачонга белгилади?

— Бугун кечқурун соат саккизга.

— Яхши. Еттидаёқ ўша ерда бўлишимиз керак.

— Сизни бу ердан олти яримда олиб кетишади. Ҳукумат биносида ўзим кутиб оламан.

— Миннатдорман. Дарвоқе, кечгача бажаришимиз лозим бўлган яна бир иш бор. Ҳарбий нозирнинг муовинини менга учраштира оласизми?

— Уйлаб кўриш керак.

— Уйлаб кўринг. Бир-икки соат ичида ўта махфий тарзда бир келиб кета олса, ажойиб иш бўларди. Унга вазиятни тушунтиринг. Менинг номимдан ҳатто нозирлик лавозимини ҳам ваъда қилаверишингиз мумкин. Айтмоқчи, амал курсилари сизларда ҳам сотиладимми?

— Бўлмасам-чи! Бу ёғини менга қўйиб бераверасиз.

— Унда ҳозирча хайр!

— Кўришгунча соғ бўлинг, жаноб Нодиршоҳ! Мен бу ердагиларга тайинлаб кетаман, истаган пайтингизда чақиртирсангиз, етиб келаман.

Терговчи энгилгина таъзим қилиб, эшикка йўналди. Камерада Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ яна бир ўзи қолди. У пича у ёқдан-бу ёққа юрди; ҳарбий нозир муовини ташриф буюрса, у билан қандай гаплашишни режалаштирди. У ишнинг пачавасини чиқарса нима бўлади?! Йўғ-э! Бу ерда ҳамма нарса хоинлик ва сотқинлик асосига қурилган. Ҳамма нарса! Истаган одамни амал курсиси ёки яна бирор ёғлик нарса ёрдамида бемалол сотиб олиш мумкин. Агар жисмонан энгишга қурби етмаса, у ҳали қирол Ҳошнаҳашни ҳам сотиб олади. Икс галактикасининг яқин атрофидаги етти оламга қироллик курсисини ваъда қилса, вассалом, қирчанги отдек тизгинини қўлига олади. Қарабсизки, Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ жаноби олийлари Икс галактикасининг олам-паноҳ шаҳаншоҳи тожини кийиб турибдилар-да! Албатта, ҳозирча у баъзи бир хўрликларга чидамай иложи йўқ. Ахир, «тоққа чиқмасанг, дўлона қайда, жон куйдирмасанг, жаноҳна қайда» деб бежиз айтишмаган-ку. Унинг энг олий орзулари ушала бошлашига саноқли ойлар, эҳтимол, саноқли кунлар қолди.

Даҳлизда яна оёқ товушлари эшитилиб, автомат қулф шақирлади. Шу заҳоти эшик очилиб, остонада товоқда овқат кўтарган соқчи пайдо бўлди. У идишни бетон полга қўяркан, Нодиршоҳга эҳтиром билан мурожаат қилди:

— Чорак соатдан кейин Шнейдер жаноблари бир гувоҳ билан ҳузурингизга ташриф буюрар эканлар. Тайёр бўлиб туришингизни илтимос қилдилар.

Беттанинг собиқ ҳукмдори «яхши» деган маънода бош ирғади. «Ҳарбий нозир муовинини кўндирибди чоғи», — хаёлидан ўтказди у мамнунлик билан. Соқчи чиқиб кетгач, у тоғорача қаршисига чордона қуриб ўтирди-да, ундаги илиб қолган бўтқани иштаҳа билан тановул қилишга киришди. «Ҳечқиси йўқ... Ҳозирча чидаш керак... чидаш...» — ўйларди у ғалаба яқинлигини туйган кўтаринки бир кайфиятда.

Тағин шарақлаб эшик очилиб, камерада аввал терговчи пайдо бўлди. Унинг кетидан кирган ҳарбий нозир муовини — бағбақалари осилган, ичкиликка муккасидан берилгани туфайлими, юзини тарам-тарам ажин қоплаган, нигоҳи аланг-жаланг йўғон одам эди. У камерага кира солиб, «савдо»лашишга тушди:

— Ҳарбий нозир бўлишимга қандай кафолат бера оласиз?

Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ унга бир сония синчков тикилиб турди-да, хафа бўлгандай бошини қуйи солди. Сўнгра кўзларини юмганча кўзойнагини ечиб, ойнасини чопонининг барига шошилмай артар экан:

— Сиз менинг қудратимга ишонмаяпсиз чоғи?... — дедию кўзларини очиб, қаршисидagi товоқчага тикилди. Тагида пича бўтқа қолган товоқча камерадагиларнинг нигоҳи ўнгида секин-аста емирилиб, кулга айлана бошлади. Бир неча фурсатдан кейин унинг ўрнида бир уюм темир кукуни ётганини кўрган терговчи билан ҳарбий нозир муовинининг пешоналари тиришиб, юзлари қийшайиб кетди. Нуристоннинг собиқ подшоси бамайлихотир кўзойнагини тақиб, синовчан нигоҳини ҳарбий нозир муовинига қадади. Бундан талвасага тушган йўғон амалдор ўзини қўярга жой тополмай, типирчилар экан, дудуқланиб:

— Сизга-ку... мен... ишонаман! Ҳа-ҳа... юз фоиз ишонаман! Лекин... — дея тўнғиллади.

— Нима лекин? Тезроқ гапиринг! Вақтимиз зик, мен муҳим иш билан ҳозироқ жўнаб кетишим керак!... — деди Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ қатъий оҳангда гапни чўрт кесиб. Унинг асабийлаша бошлагани кўриниб турарди.

— Гап шундаки... — чайналди генерал негадир ҳамон пешонаси тортишиб, — кейин мен... сиздай улуғ зот билан... ишлаб кета олармиканман?

— Ишлаб кетасиз! Сиз менинг одамим сифатида ишлайсиз. Ҳар бир сўзим сиз учун қонун бўлиши керак. Тезроқ гапиринг: розимисиз, йўқми?

Ҳарбий нозир ўринбосарининг ортиқ иккиланишга журъати етмади.

— Розиман! — деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

— Бу бошқа гап! — деди Нодиршоҳ ўзини энгил тортган одамдай кўрсатиб. — У ҳолда сиз билан келишиб олсак. Соат роппа-роса ўн тўққизу ўттизда жами ҳарбий музофот ва ўрда кўмондонларини тўплаб, ҳарбий тўнтариш қилишдек қабиҳ жиноятга йўл қўйгани учун нозирнинг Бетта ҳукмдори Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ томонидан қатл эттирилгани ҳақидаги хабарни эълон қиласиз. Худди шу пайт мажлисга мен ўзим кириб боришга ҳаракат қиламан!..

Ранги мурдадай оқариб кетган ҳарбий нозир муовини аранг бошини ирғаб:

— Уқдим, — дейишдан бўлак жавоб топа олмади.

Сал орқароқда турган Бетта сайёрасининг бўлажак бош терговчиси эса, энди негадир ерлик собиқ подшонинг тунд чехрасига ҳайрат ва саросима аралаш тикиларди.

Ута масъулиятли тарихий фазо сафарига икки ой муттасил тайёргарлик кўрган Ердаги Марказий Космодром хизматчилари жами ишларни, ниҳоят, поёнига етказишди. «Кўёш» номли само кемасининг энг сўнгги мурватларигача жанговор ва ораста ҳолатга келтирилган, унинг уч қаватли ҳимоя майдонларию энг замонавий қирғинбарот уруш қуроолларигача неча карра синовлардан ўтказилиб, қайта-қайта тафтиш қилиб чиқилган эди. Чунки «Кўёш» Икс галактикасида ҳар қандай қутилмаган вазият ва ҳар қандай ҳужумга муносиб жавоб беришга шай бўлиши зарур эди-да.

Мана, ниҳоят, эфирда фазовий Марказ навбатчисининг вазмин ва тантанавор овози янгради:

— Диққат! Диққат! Барча космодром хизматчилари диққатига! Яна бир неча дақиқадан сўнг «Кўёш» фазовий кемаси гиперфазо канали орқали коинот сари парвозга шайланади. Ҳаммангизга марра майдонини тарк этишни буюраман. Барча космодром хизматчилари диққатига! Яна бир неча...

«Кўёш»нинг Самандар бошлиқ жами экипаж аъзолари бу пайтда жой-жойларини эгаллашган, анабиоз камераларга туташтирилган ясси ўриндиқларда ним чалқанчасига ўтиришаркан, бир-бирларига аллақандай кўтаринки кайфиятда ҳаяжон аралаш нигоҳ ташлаб қўйшарди. Экипаж кема бўлмаси икки-уч фазогирдан бўлиб, уч қатор жойни банд қилган, олдинги ўриндиқларни Самандар, Ҳурлиқо ва кема дарғасининг ёрдамчиси — Нейтрино исмли андроид<sup>1</sup> эгаллаганди. Марра олиш маҳалида фазогирларга айтарли иш йўқ, жами жараёнларни автомат тармоқлар ва электрон-кибернетик қурилмалар бажаришарди. Шунинг учунми, Ҳурлиқо аллақандай китоб ўқиш билан банд, Самандар ва андроид эса, бошқарув жабҳаси жойлашган асбоб-ускуналарга лоқайд тикилиб ўтиришарди. Ниҳоят, шундоқ ҳам мўътадил ва маромида лиқиллаб турган милларни кузатиш жонига тегди шекилли, йигит қиз ўқиётган китобга кўз қирини ташлаб, ҳазил аралаш:

— Нима китоб экан, биз ҳам кўрсак бўладими? Мабодо севги ҳақида эмасми? — деб сўради. Ҳурлиқо унга ширин жилмайганча қараб қўйди-да, китобни узатаркан:

— Эркин Воҳидов, — деб жавоб берди.

— О-о, йигирманчи асрда яшаган атоқли ўзбек шоири-ку! «Тирик сайёралар». Уқиганман. Ажойиб шеърлар! Эшитинг-а, қандай нафис сатрлар:

**Деразамдан тушган тола нур,  
Сомон йўли каби товланур.  
Ҳайратки, шу тола нур аро  
Минг-минг зарра кезар овора,  
Ҳар бир зарра балки бир дунё,  
Эҳтимол, бир ўзга сайёра...**

— Ҳа, Эркин Воҳидов билан Абдулла Ориповни ўтган асрда жуда машҳур шоирлар бўлишган дейишади, — деди Ҳурлиқо кўзлари ифтихор ила чақнаб. Унинг суҳбатни давом эттиришга мойиллиги шундоқ сезилиб турарди. Шу туфайлими, шеърхонликни илиб кетди:

**— Инсон яшар тилсимлар аро,  
Ҳар кашфиёт янги маррадир.  
Унинг ўзи сирли бир дунё,  
Дунё эса, фақат заррадир...**

— Давом этинг, — деди Самандар ундан завқли нигоҳини узмай.

— Давомини йўлда айтиб бераман. Коинотга чиқиб олайлик.

Бу пайтда Фазовий Марказ навбатчиси буйруқ беришда давом этарди:

— Диққат! Диққат! Ҳаммангизга марра майдонидан чиқиб кетишни буюраман! Самандар Ота Бургут ўғли, «Кўёш» экипажи учишга тайёрми?

Самандар сергак тортиб, қулоқларини чала беркитган микрофонларни тўғрилаб, дарров жавоб қайтарди:

— Тайёр, ўртоқ навбатчи!

— Диққат, ҳамма ўз жойини эгалласин. Барча хизмат фермалари олиб чиқиб кетилсин. Ўт ўчириш командалари учун биринчи номерли шайлик эълон қиламан. Тайёргарлик бир дақиқа!.. (Сукут) Марра калити!

— Марра калити шай!

— Марра!

— Марра шай!

<sup>1</sup> Андроид — одамсимон биоробот.

— Ун, тўққиз, саккиз, етти, олти, беш, тўрт, уч, икки, бир! Бўшатилин!

— Бўшатаман!

Космодромни ион двигателли «Қуёш» кемасининг шовқинсиз, майин гувиллаган овози тутди. Шу заҳоти фазо қуши худди ўқдай осмону фалак қўйнига отилди. Ерда кузатиб турганлар унинг кўз очиб юмгунча фурсат ичида митти юлдузчага айланиб, коинот қаърига сингиб кетганининг гувоҳи бўлишди. Фазовий кема гиперфазо босқичига ўта бошлаганди.

Асосий бўлмадаги радио-электрон қурилма орқали яна Фазовий Марказ навбатчисининг тантанавор, лекин энди пича ташвиш ва ҳаяжонли овози янгради:

— «Қуёш»чилар, сизларга оқ йўл тилаймиз! Эзгу ва оламшумул мақсад йўлидаги сафарингиз бехатар бўлсин! Ой бориб, омон қайтинглар! Ерда кўришгунча хайр!

Самандар оғзига тиркалган митти микрофон орқали яна зудлик билан жавоб қайтарди:

— Раҳмат, ўртоқ навбатчи! Соғ бўлинглар!

Шундан сўнг эфирга сукунат чўқди. Самандар қулоғига осилган микрофонларни олиб кўяр экан, орқасига ярим ўгирилиб, экипаж аъзоларига мурожаат қилди:

— Дўстлар, биз яна икки соатдан кейин гиперфазога тўла ўтиб улгураемиз. Бу вақт ичида анабиоз камераларини шай қилишимиз, икки йиллик клиник уйқуга кетиш тараддудини кўришимиз керак. Икки йилдан кейин «Қуёш» Икс галактикасидаги энг чекка сайёра — Теттанинг меҳваридан сузиб чиқиши ва бизнинг жами асосий ишларимиз ўша ерда бошланиши ҳаммангизга яхши маълум...

Шу пайт Тарзан қўлини силтаб, алланималар дея финший бошлади. Самандар Нейтринога савол назари билан қараган эди, робот унинг нима демоқчилигини тушунтириб берди:

— Мен вақтни ухламасдан ўтказсам яхши бўларди, асбоб-анжомларга қараб турардим, деяпти у.

— Бу мумкин эмас, — жавоб берди «Қуёш»нинг командири. — Гиперфазо босқичида учиб жараёнида кемамиз ўта кичрайиб, икки ўлчамли митти заррачага айланади ва ҳеч нимани кузатишнинг имкони бўлмайди.

Маймун унинг гапини тушунди чоғи, норози қиёфада нимадир деб минғирлаб қўйди.

Икки йил улар учун икки дақиқадай осонгина ўтди-кетди. «Қуёш» Тетта сайёрасининг меҳварига кириб борганида, анабиоз камералари иши вақт релелари ёрдамида автомат тарзда тўхтатилиб, кема экипажи аъзолари бирин-кетин ўзларига кела бошлади. Биринчи бўлиб Нейтрино бош кўтарди. Унинг чақнаб турган зийрак нигоҳи бошқарув жабҳасидаги жами асбоб-анжомларни бир зумдаёқ қамраб олди. Уларнинг кўрсатишича, жами энергетик, электрон-келбернетик ва ҳоказо тармоқлар бир маромда ва мўтадил ишлаётганди. Кема ўз белгиланган курсидан ҳам айтарли ҳеч қанча чекинмаганди. Андронид экипаж аъзоларини бирма-бир кўздан кечираркан, Тулпор билан Мушук буржлари вакилларининг ҳали ҳам ўзларига келолмаётганини кўриб, уларнинг тепасига борди-да, аввал Тулпорга тикила бошлади. Нейтрино ўтда ёнмаслик, совуқда қотмаслик, сув остида соатлар мобайнида нафас олмай суза олиш, ҳатто ўзидан электр токи ўтказмаслик сингари бир дунё қобилиятларидан ташқари экстрасенслик ва афсун қилиш хусусиятларига ҳам эга эмасми, унинг нигоҳи орқали тарқалган биотўлқинлар ёрдамида Тулпор дарров ўзига келиб, бошини силқитди. Худди шу усулда Мушук буржи вакилининг ҳам ўши жойига келтирилди. Авлиё Ҳаким Амир Шайхнинг таклифи ҳамда Ратҳам Босуэр Азимнинг кўрсатмасига биноан, Арслон юлдуз буржи вакилининг ўрнига учган Тарзан биринчилар қаторида уйғонди-ю, жуда хурсанд бўлиб кетди. Чунки икки йилнинг кўз очиб юмгунча ўтиб кетишини у хаёлига ҳам келтирмаганди-да.

Самандар билан Ҳурлиқо аъзолари ҳайвонларга нисбатан анча нозик ва ожиз эканлигидан, ҳаммадан кеч уйғонишди. Самандар авлиё ўргатган усулда беш-олти ҳаракат қилиб, ўзини қушдек енгил сезгач, бошқалар қатори уч-тўрт озуқа хапдориларини ютиб, кемада яна ташаббусни қўлига олди.

— Дўстлар! — деди у жиддий ва ташвишли қиёфада. — Барчангизни гиперфазо босқичи орқали кўзлаган манзилимизга етиб келганимиз билан қутлайман! Икки йил аввал таъкидлаб ўтганимдай, жами асосий ишларимиз энди бошланади. Ҳозир биринчи вазифамиз ўзаро кенгашган ҳолда экипажимизнинг икки аъзосини қўниш блокида Тетта сайёраси саҳнига разведкага юборишдир. Сизга маълумки, ушбу сайёра ҳақида биз айтарли ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. Унинг жуғрофияси, иқлими ҳақида баъзи нарсаларнигина биламиз, холос. Унда кимлар истиқомат қилади, тафаккур эгалари (агар улар мавжуд бўлишса) тажовузкорми ёки эзгу ниятдами — бизга мутлақо қоронғи! Модомики шундай экан, разведкачиларимиз зиммасига буларнинг барини муфассал аниқлашдек улкан масъулият юкланади. Бу ишлар битгач, биз Теттани ўзимизга қўниш майдони қилиб оламиз-да, аввалдан режалаштирилганидек, Бетта сўнгра Альфа сайёраларини разведка қилишга киришамиз. Агар менга саволларингиз бўлмаса, энди разведкага борувчи кўнгилдиларни аниқласак.

— Саволлар йўқ, — деди Ҳурлиқо ўрнидан туриб, экипаж аъзолари томон ўгири-



ларкан, — таклиф бор. Разведкага Нейтрино, Тарзан ва мени жўнатишларингизни сўрайман.

Бу таклифдан Тулпор ва Мушук юлдуз буржлари вакилларининг жаҳли чиққани дарров аён бўлди.

— Нима учун биз эмас, айнан сизлар боришларинг керак? — сўрашди улар бараварига ўринларидан туриб. Хурлиқо парилар зотидан эмасми, айёрлик қилишни лозим топди:

— Аввало бу сафаримиз олдиндаги оламшумул ишларимиз олдида энг осони. Ундан кейин мен ичингизда биргина аёлман ва шу ваздан истаган ишимга ижозат берасизлар, деб ўйлайман. Тарзан билан Нейтрино эса, разведкада мураккаб вазият юзага келса, мени ҳимоя қилишади.

Тулпор ва Мушук буржлари вакиллари эътирозга ўрин қолдирмайдиган бу гапдан ҳафсалалари пир бўлиб, жойларига ўтиришди. Хурлиқонинг хавfli сафарга отланмоқчи эканидан дастлаб норози бўлган Самандар ҳам шу жавобни эшитгач, иложсиз қолиб:

— Маъқул, — деди, кейин ҳамон ўша ташвишли қиёфада гапида давом этди: — Бўлмаса, Нейтрино, сендан илтимос, қўниш блокини сафарга тайёрласанг. Хурлиқо, сен алоқа қурилмасига жавобгарсан ва бизни сайёра саҳнидан ахборот билан таъминлайсан. Тарзанга эса, топшириқни Теттага қўнганларингдан кейин бераман. Умуман, у ёғига вазиятга қараб бақамти иш тутаверасизлар. Ҳаммангиздан ўта эҳтиёткорликни талаб қиламан! Қани, ишга, дўстлар!

Орадан ярим соат ўтмай, «Қуёш»нинг «Ой» номли қўниш блоки кема остидан оҳиста сузиб чиқди-да, ногаҳон тезлигини ошириб, совуқ коинот қўйнида улкан футбол тўпидек бўлиб кўринган кўм-кўк сайёра тарафга қараб сузиб кетди. Орадан яна ярим соат ўтгач, Хурлиқо бошлиқ кичик экипаж аъзолари ликопчасимон «Ой»нинг дум-думалоқ биллур дарчалари орқали сайёра саҳнини кузатишарди. Қиз айна вақтда вакуум алоқа қурилмаси орқали кемага ахборот узата бошлади:

— «Қуёш», «Қуёш», мен — «Ой»ман! Биз сайёра атмосферасига кириб бормоқдамиз. Комплекс анализатор берган маълумотларга қараганда, Тетта атмосфераси 70 фоиз азот, 5 фоиз кислород, 2 фоиз аргон ва ҳоказо газлардан таркиб топган. Теттанинг бўйлама кесими Ерникидан деярли икки баравар кичикроқ. Ҳеч қаерда радиация мавжудлиги сезилмайди. Ҳаводан бемалол нафас олиш мумкин. Сайёрага қўнишга рухсат этинг!

Сал ўтмай Хурлиқонинг микрофонида Самандарнинг:

— Қўнишга рухсат! — деган жавоби янгради.

Жажжигина зангори ликопчани эслатувчи ясси қўниш блоки энди бевосита номаълум сайёра саҳнига қараб тезлигини кескин оширди. Лаҳза ўтмай, у баҳайбат сайёра атмосферасига бамисоли чанг заррасидай сингиб кетди.

\* \* \*

Уша куни кечки соат роппа-роса еттида Муҳаммад Кабир Нодиршоҳни ҳукумат биносининг ертўласида жойлашган махсус камерага кўчириб ўтказишди. Соат етти яримда унинг ҳузурига терговчи кириб келди. У Нуристон мамлакатининг собиқ подшоши билан сўнги икир-чикирлар ҳақида гаплашиб олди-да, бирдан овозини баланд кўтариб бақира кетди:

— Мен сизга расмий суратда айтаяпман: сайёрамизнинг олий мартабали муҳтарам ҳукмдори сизга ўхшаган ҳар қандай қаланғи-қасанғи жиноятчилар билан суҳбат қуриб ўтириши мутлақо шарт эмас! Башарти у ҳар бир лўттибоз ёки каллакесар билан бевосита мулоқот қилаверса, биз — адлия посбонларига нима иш қолади?

Худди шу пайт улар турган камера орқасидаги узун, қоронғи коридор бўйлаб кўзлари чақнаётган қора кийимли аллаким қисиб келди-да, эшик тирқишидан ичкаридаги овозларга қулоқ сола бошлади. Дастлаб ҳеч нимага тушунмай ағрайиб турган Муҳаммад Кабир Нодиршоҳга Шнейдер кўзини маъноли қисиб қўйди-да, вазъонлигини давом этдирди:

— Бильякс, сизга ўхшаганлар биринчи навбатда биз, адлия посбонларига душман бўлишади. Чунки Бетта ҳокимини бевосита суҳбатга чорлаб, сизлар бизнинг инсоний ҳуқуқимизни поймол, ўзимизни оёқости қилмоқчи бўласизлар. Шунинг учун минг лаънат сиздақаларга! Буларга қарамай, бугун олий мартабали ҳукмдоримиз сизни икки-уч дақиқа мобайнида қабул этишни лозим топди. Бунинг сабабини биласизми?.. Албатта, билмайсиз! Мен сизга айтсам, бунинг сабаби битта: бу — олампаҳоҳимизнинг саодати баланд, мартабаси улуғлиги, унинг жаҳон аҳлига беқиёс даражада бағри кенглиги туфайлидир. Унинг коинот қадар кенг ва юксак феъл-атворида осмон юлдузлари каби тенгсиз маъно дурлари мавжуд. Қуёш бутун коинотга нур таратгани каби унинг ақли-идроки ҳам етти қават осмонни нурафшон қилиб туради...

Эшик тирқиши орқали бу гапларга жимгина қулоқ солиб турган қора либосли кимса шифрай кўзларини чақнатиб мамнун илжайиб қўйди-да, яна ўғринча изига қайтди.

Шнейдер бўлса, тамомила илҳомланиб кетган, оғзидан кўпик сачратиб, Беттанинг янги ҳукмдорини осмону фалакларга кўтариб мақташ билан банд эди. Бирдан у овозини пасайтириб:

— Сизга яна эслатиб ўтмоқчиман, қаллоб ҳарбий нозирни буткул йўқ қилиш керак, токи шимолий уммон музликлари орасида абадий қолиб кетсин. Акс ҳолда, ҳаммамизнинг бошимизга яна беҳисоб ғавғолар солиши мумкин, — дея шипшиди-да, яна бақариб чақирмишда давом этди.

Йўлакда яқиндагина ҳарбий тўнтариш қилиб, ҳокимиятни қўлига олган сохта ҳукмдор икки ҳарбий саркарда билан бирга пайдо бўлганида, у «маҳбус»га қичқиргудек овозда уқдирарди:

— ...Шундай экан, шавкати баланд, олийнасаб ҳукмдоримиз бу харобазорга қадам ранжида этганларида сен, ерлик исқирт шоҳ, унинг мўътабар оёқлари остига йиқил! Этакларини ўп! Тушундингми?

— Тушундим, — деди Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ ҳам сиполик билан ўйинга кириб.

Шу пайт эшик зарб билан очилиб, остонада аввал генерал либосидаги тикқомат кимса кўринди. У терговчи билан Нодиршоҳга бир-бир олазарак нигоҳ ташлаб олгач, негадир саросимали овозда:

— Бетта ҳукмдори генерал Новарўз ҳазрати олийлари! — дея ошкор қилди. Кетма-кет яна бир генерал остона ҳатлаб, ортидан сохта ҳокимнинг ўзи ҳам пайдо бўлди. У мағрур, кибри-ҳаволи қиёфага кириб, сир бой бермасликка интилаётган бўлса ҳам, синчиклаб қараган одам унинг ичига чуқур ботган кўзларида аллақандай безовталиқ, ҳатто кўрқув борлигини илғаши қийин эмас эди. Генерал Новарўз Муҳаммад Кабир Нодиршоҳнинг кўзларидаги ғайриоддий куч ҳақида эшитган, шунинг учун ҳам бу ерга келишдан аввал барча эҳтиёт чораларини кўриб қўйганди.

— Бошингни қуйи солиб, дарҳол тиз чўк! — қичқирди биринчи бўлиб кирган генерал собиқ Нуристон подшонининг қоқ пешонасига тўппонча ўқталиб. Нодиршоҳнинг дилига бир зумгина ғулғула тушди-ю, лекин танасига ўқ таъсир қилмаслигини эслаб, дарров ўзини қўлга олди. У генералнинг буйруғини адо этиб, тиз чўқаркан, зўр бериб шимолий муз уммонининг аёз ва шафқат билмас тўлқинларини кўз олдига келтираётганди. Айна пайтда қўлларини банди қилган арқонни бармоқлари билан аста эзгилашга киришди. У ҳозиргина камерага ташриф буюрган «меҳмонлар»ни телепортация қилишга ҳозирлик кўра бошлаганди.

Аввалдан келишиб олганларидай, терговчи камеранинг генераллар турган жойидан нарироқдаги ўнг бурчига ўтиб олди. Биринчи кирган генерал унга шубҳали назар ташлаб қўйди-ю, лекин ерлик собиқ подшонинг пешонасига тўппонча ўқталишда давом этди.

Ниҳоят, Беттанинг янги ҳукмдори кўрслик билан гап қотди:

— Қулоғим сизда, Муҳаммад...

— Кабир Нодиршоҳ, — қўшимча қилди терговчи назокат билан.

— Ҳа, Муҳаммад... Кабир Нодиршоҳ... тфу, жаноблари!

Ерлик собиқ подшо энгашиб, унинг этакларини ўпа бошларкан:

— Олампаноҳ, илтижо қиламан, анави югурдагингиз каминага тўппонча ўқталишни бас қилсин! — деди йиғлагудек оҳангда. Унинг масҳарабозлик қилиб, интиқом онларини атайин чўзаётганини пайқаган терговчи мийиғида билинар-билинмас кулумсираб қўйди. Бундан аввало ўзи лаззат олаётганди, чамаси.

Беттанинг янги ҳукмдори ҳамроҳига қарата чап қўлини енгил силкитган эди, у тўппончасининг нилини дарров пастга туширди. Генерал Новарўз энди овозини баландроқ кўтарди:

— Қулоғим сизда, жаноб Муҳаммад Кабир...

Гапга эшикдан иккинчи бўлиб кирган оқ сочли қориндор генерал аралашди:

— Тезроқ гапиринг, Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ! Ҳазрати олийларининг вақтлари ўта зиқ.

Нуристоннинг собиқ шоҳи сидқидилдан унинг этакларини ўпишда давом этар ва айна пайтда алланималар дея минғирлар эди. Шу чоқ Бетта ҳукмдорининг тоқати тоқ бўлди шекилли, ерлик собиқ подшонинг елкасига бир тепди-да, яна ўша баланд овозда такрорлади:

— Қулоғим сизда, Муҳаммад Кабир...

Нодиршоҳ қутилмаган зарбдан икки қадам нарига учиб тушди. Қора кўзойнаги бурнининг устига илиниб қолди. Шу заҳоти учала генерал унга томондан тўппонча ўқталди.

Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ чалқанчасига йиқилиб ётаркан, истеҳзоли кулумсираганча хотиржамлик билан қўлларини бўшатди ва кўзойнагини тўғрилади. Негадир у воқеаларни шоширмаётганди.

— Қўлингни кўтар! — қичқирди эшикдан биринчи кирган генерал важоҳат билан. — Йўқса итдай отиб ташлайман!

— Ота қол! — деди Нодиршоҳ истеҳзо аралаш нафрат билан. — Иложи бўлса, ўқдонингни охиригача бўшат!

Ерлик собиқ шоҳнинг бу қутилмаган «таклифи»дан учала генерал ҳам бир зум саросимага тушиб қолишди. Шовқин-суронни эшитиб, қия очик эшиқда автоматсимон қурол кўтарган соқчи пайдо бўлди. У ҳам қуролининг нилини «маҳбус»га тўғрилаб, отишга шай бўлиб турарди.

— Қани, отмайсизларми тезроқ! Бўла қолинглар энди! — тобора ғазабга кира бошлаганди Беттанинг собиқ ҳукмдори. Шимолий муз уммонида ўрқач-ўрқач бўлиб бирининг устига бири чиқиб кетаётган музлар силсиласи унинг тасавурида энди аниқ-таниқ жонланаётганди. Шу пайт ўнг бурчакда боядан бери сукут сақлаб турган Шнейдер туйқусдан гап қотди:

— Жаноблар, унга ҳеч қандай ўқ таъсир қилмайди...

— Нима?!.. — учала генералнинг оғзи бараварига очилиб эпилди. Афтидан, Муҳаммад Кабир Нодиршоҳнинг бу хусусиятини улар эътиборларидан четда қолдиришган эди. Бетта сайёрасининг ҳоқими энди ғазаб билан терговчига ўгирилди. Кейинги воқеалар кўз очиб юмгунча содир бўлди. Новарўз:

— Лаънати! Нега буни илгарироқ айтмадинг?! — дея ҳайқирди-ю, шу заҳоти камерада қарсиллаган ўқ овозлари эшитилди. Яна бир дақиқадан сўнг терговчи қора қонига беланиб, чўзилиб ётар, учала генерал билан автоматсимон қурол кўтарган соқчи эса, бамисоли ерга кириб кетгандай бирин-кетин кўздан ғойиб бўлишган эди.

Муҳаммад Нодиршоҳ енгил нафас олиб қаддини ростлади-да, кўзойнагини тақиб ташқарига йўл олди. Уни ертўладан чиқаверишда бақбақалари осилган, нигоҳи аланг-жаланг ҳарбий нозир муовини уч-тўрт лашкарбоши билан бирга кутиб турарди. У қўлларини олдинга чўзганча, пилдираб унинг истиқболига қараб юрди.

— Табриклайман, ҳазрати олийлари! Табриклайман! — хитоб қилди у ҳаяжон ичида оғзининг таноби қочиб. — Лаънатиларни қатағон этиб зап иш қилдингиз-да! Тарихий воқеа бўлди ўзиям!..

Шу чоқ қутилмаганда яна ҳайратланарли воқеа юз берди. Бақбақалари осилган ҳарбий нозир муовини ерлик собиқ подшонинг қўлини қўшқўллаб қисиб табрикломочи бўлди-ю, бироқ қўл олишлари билан (Нодиршоҳнинг танасидаги кучланиш ҳали босилиб улгурмаган эди) бутун вужуди худди ток ургандай зирқираб, турган жойида бамисоли оёғи куйган товукдек типирчилай бошлади. Шўрлик муовин ўзини гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ташлаб, қўлларини тортиб олмоқчи бўлар, лекин ерлик собиқ подшо ўзининг шер панжаларидай чайир бармоқлари билан уларни маҳкам қисиб олган эди. Ҳарбий нозир муовини типирчилай-типирчилай, охири тиззалари букилиб, оёқдан қолди. У гурсиллаб йиқилди-ю, шу заҳоти тил тортмай ўлди. Бу даҳшатли манзарани кузатиб турган лашкарбошилар бақа бўлиб қолишган, бир оғиз гапга ҳам тиллари айланмас эди.

Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ бу ёруғ оламни мангуга тарк этган мурдага нафрат билан нигоҳ ташлаб, сўнгра бошқа лашкарбошиларга қараган эди, улар тор симларидай бешбаттар таранг тортилиб, ҳайкалдек қотишди. Ерлик собиқ подшо боши билан «орқамдан юринглар», дегандай имо қилиб, олдинга жилган эди, лашкарбошилар «гурр» этиб орқасидан эргашиди.

Ҳамма воқеалардан бирпасда хабар топган ҳукумат маъмурлари ҳукмдор хонасига олиб борувчи узун даҳлизда қўл қовуштирганча таъзим бажо келтириб қатор туришар, қўрқув ва саросима тўла кўзлари ерга қадалган эди.

Нодиршоҳ тўғри ҳоким ўтирадиган хонага ўтиб, давлат котиби ва бошқа ёрдамчиларга тегишли чорлов тугмаларини босди. Улар титраб-қақшаб кириб келишганда, ерлик собиқ шоҳ қовоқ-лунжи осилган ҳолда қуюқ қошларини чимириб, ўйга толиб ўтирарди. «Буюк режаларимнинг биринчи босқичи амалга ошди, дейиш мумкин, — дерди у ўзига ўзи, кўнглида аллақандай қониқиш ҳиссини туйиб. — Улар ҳаммаси энди менга қулдай хизмат қилишади. Шу бугун, шу соатдан эътиборан мен «тур» десам турмайдиган, «ёт» десам ётмайдиган зотнинг ўзи бўлмайди. Сайёранинг истаган нуқта-сида истаган ишимни қилишим мумкин. Лекин асосий ишлар бари бир ҳали олдинда. Ҳа-ҳа, олдинда... Нодиршоҳ «ҳа-ҳа» деди-ю, дарров қирол Ҳошнаҳаш ёдига тушди. Шу заҳоти дили хира тортиб, хаёли қочди. Қаршисида ҳайкалдек қотиб турган муовинлари ва гумашталарини кўриб, бешбаттар асаби бузилди.

— Ўтиринглар! — деди у йиғилганларга нафратомуз бир оҳангда. Ҳамма Нодиршоҳнинг қаршисидаги катта стол атрофидан жой олгач, буюрди: — Ёзинглар! Фармони олий: Бетта сайёрасида ҳарбий тўнтарош қилиб, ерлик буюк сеҳргар ва сайёра ҳукмдори Муҳаммад Кабир Нодиршоҳга суиқасд уюштирганлиги учун ҳарбий нозир Новарўз вазифасидан четлатилсин ва уммонга чўқдириш йўли билан қатл этилсин. Фармони олийни муҳокама этишга ҳар қандай уриниш қатъий таъқиқланади. Менинг имзойим. Фармонни зудлик билан расмийлаштиринглар. Ҳамма имзо чексин. Сўнгра мен қирол Ҳошнаҳаш аълоҳазратлари билан алоқа ўрнатишим керак. Ҳозироқ!

Кўзойнак таққан ярғоқбош давлат котиби дудуқланиб, аранг:

— Телеголографонни ишга солайми? — дея олди, холос.

— Ҳа, тезроқ! — бақирди Беттанинг қайтадан мавқеини тиклаган ҳукмдори бетоқатлик билан.

Лаҳза утмай унга перфохаритага туширилган фармонни келтиришди. Ерлик собиқ шоҳ қоғозга бир кўз югуртириб, имзо чеккач, қўшни хонага ўтди. У ерда телеголографон олдида Нодиршоҳни давлат котиби кутиб турарди. Бетта ҳукмдори рентген аппарати эслатувчи қурилма қаршисига ўтириши ҳамон у ишга солиниб, рўпарасидаги супача устида қирол Ҳошнаҳашнинг негадир ҳорғин ва қовоқ-лунжи осилган қиёфаси — голограммаси жонланди. Шинам хонада ерлик собиқ подшо Ҳошнаҳашнинг уч ўлчамдаги ҳажмли тасвири эмас, балки жонли қиролнинг ўзи билан мулоқот қилаётгандай таассурот уйғонар эди. Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ ўрнидан туриб таъзим қила бошлаган эди, Ҳошнаҳаш эътибор ҳам бермай, одатича лаби лабига тегмай ваъзхонлик қилишга киришди.

— Умуман олганда, сўнгги синовдан ҳам ёмон ўтмадингиз. Энди сизни Беттанинг ҳақиқий ҳукмдори сифатида тан олишимиз мумкин. Лекин... — бирдан қирол қизишиб кетди, — нима учун сиз яхши одамларимизни гумдон қилиш йўлидан бораяпсиз?! Ҳарбий нозир-ку, майли, лекин у билан бирга яна икки яхши мутахассисни уммонга чўктиришнинг нима ҳожати бор эди? Ҳа-ҳа, сиздан сўраяпман?!

Нодиршоҳ фавқулудда шипда ўтиргани ёдига тушиб, яна танаси жунжика бошларкан, ёш боладай довдираб қолди.

— Мени... Маъзур тутасиз, ҳазрати олийлари! — деди Нодиршоҳ тили зўрға гапга айланиб. — Лекин... ўша мутахассислар ҳам менга... суиқасд қилмоқчи бўлишган...

— Аҳмоқона гапларни бас қилинг! — ғазаб билан қичқирди Ҳошнаҳаш. — Истаган вақтда сиз менга ҳам суиқасд қилишингиз мумкин... Ҳа-ҳа, кўзларингиз айтиб турибди. Иложи бўлса, мени ҳам ўша генераллар қатори уммонга гумдон қилиб юбора қолсангиз қани эди-я?! Сулаймон ўларди-ю, девлар қутуларди. Лекин сиз чучварани хом санабсиз! Ҳа-ҳа!.. Сиз ҳали чинакамига менинг совунимга кир ювмагансиз! Бор хунларимни кўрсата бошласам, шипда юрганингиз ҳолва бўлиб қолади ҳали. Боз устига бутун умр сўқир бўлиб қолишингиз эҳтимоли ёдингизда тургандир. Дарвоқе, терговчи-га нима деб ваъда берувдингиз? Нега унинг ҳалок бўлишига йўл қўйдингиз? Улай агар бирор нарсага тушунган бўлсам... Хатти-ҳаракатларингизда мантиқ етишмайди. Ҳа-ҳа! Мутлақо етишмайди! Бизда энг қабиҳ жиноятчи сиздек виждонсизликка йўл қўймаган бўлур эди. Билиб қўйинг, бизда «ўғри бўл, фар бўл, лекин инсоф билан бўл», деган ёзилмаган қонун бор. Унга риоя қилмаганларнинг ҳолига вой. Унақалар бизда кун кўролмайди. Энди гап шу, жаноб Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ, бугун сизга биринчи расмий вазифа топширган. Яна бир ойдан кейин само десантчилари Ҳаким Амир Шайхни ўғирлаб келишади. Ҳа-ҳа, ўша машҳур ерлик авлиёни!.. Узингиз ҳам яхши билсангиз керак, тўғри йўлга солинмаса, — у жуда хавфли қария. Устозим, коинотдаги энг кучли иллюзиячи, сеҳргар ва левитатор Кууб Миллаум фақат ўша авлиёдан кўрқарди, холос. Хуллас, ўша зотни бир ойдан сўнг синов муддатини ўташ учун қўл остингизга юбораман. Мен сизни қандай йўл-йўриққа солган бўлсам, сиз ҳам у билан шу тариқа иш олиб борасиз. Унга доимо кўз-қулоқ бўлиб туришингиз, ўзи истганича шарт-шароит яратиб беришингиз лозим. Унинг бизга нима учун кераклигига эса, ёш бола эмассиз, ўзингизнинг ҳам ақлингиз етар, албатта. Гапларим тушунарлими?

— Худди шундай, ҳазрати олийлари! — деди Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ шошапиша бош ирғаб.

— Яна бир ўта махфий гап. Марказий разведкамизнинг хабар беришича, Бирлашган Галактикалар Уюшмаси Теттага десант тушириши хавфи бор. Бунинг аниқ вақтини, афсуски, ҳозирча билмаймиз. Бизга маълум бўлишича, Ердаги жосусларимизни кимдир йўлдан урган. Ҳа-ҳа, тахминимизча, улар сотилишган. Лаънатиларни биз энг олий жазага ҳукм этдик. Ҳаким Амир Шайхни олиб келгани жўнаган десантчиларимиз уларни ҳам ҳибсга олиб, Беттага қайтаришлари керак. Хуллас, Теттага десант туширилиши муносабати билан сизга яна бир муҳим топшириқ бор. Бир-икки кун ичидаёқ сайёрага осмоннинг ҳар бир қаричини кузатиш қобилиятига эга 200 нафар тобор жўнатишни ташкил қилинг. Ҳа-ҳа, бу ишга ҳозироқ киришинг. Уч кундан сўнг бунинг ижроси ҳақида ахборот берасиз. Маъқулми?

— Маъқул, ҳазрати олийлари! — деди Нодиршоҳ қиролда ўзига нисбатан ишонч уйғонганиданми, биров енгил нафас олиб.

— Бўлмаса, ҳозирча сизга гапим шу. Омон бўлинг!

— Мени мурадингиз билан сирдош қилганлигингиздан бағоят миннатдорман, ҳазрати олийлари! — деди ерлик собиқ подшо аллақандай ички бир мамнуният билан. — Нимаики буюрган бўлсангиз, ҳаммасини қабул қилдим ва сўзсиз адо этажакман. Оллоҳим сизга бахту иқбол ато этгай!

— Мана бу гапингиз дуруст бўлди. Аммо бизнинг бахту иқболимизга оллоҳнинг алоқаси борлигига шубҳа қиламан.

Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ художўй эмасми, бу гапни эшитиб титраб кетди.

— Нималар деяпсиз ўзи, ҳазрати олийлари?! Оллоҳга шак келтирманг, гуноҳга батасиз-а!

Қирол Ҳошнаҳаш энди қаҳ-қаҳ уриб куларкан:

— Хайр, майли. Аслида сиз ҳам, биз ҳам аллақачон бўғзимизгача гуноҳга ботиб

кетганмиз. Яна ботадиган бўлсак, билмадим, бу ёруғ дунёда қандай бош кўтариб юрарканмиз. Шунинг учун бир жиҳатдан худога ишоганимиз ҳам дуруст чамаси, — дея ёўдиради.

Коинот қиролининг куфр хатосидан даҳшатга тушган ерлик собиқ подшо унинг фикридан сал ўзига келди, секингина яктагининг ёқасини кўтариб, кўксига ўғринча бир-икки туфлаб қўйди.

\* \* \*

Ликопсимон қўниш блоки — «Ой» Тетта саҳнидаги баланд ўрмон этагига қўнганида, Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ сайёрага ҳали кузатувчи тоборларни жўнатиб улгурмаганди. Лекин Ҳурлиқо бошлиқ экипажни бошқа бир хатар кутаётган эди.

«Ой» қўнган жой улкан адир бўлиб, юз қадамча наридаги тепаликдан ям-яшил ўрмон бошланарди. Ўрмондаги сийрак дарахтлар шу даражада баланд эдики, Ердаги ўн қаватли бинолар ҳам уларнинг орасида худди асалари қутисидай кўмилиб кетарди. Уларнинг барглари ҳам жуда катта, ёстиқдай-ёстиқдай, баъзилари супрадай-супрадай келарди. Адирнинг ўрмонга қарама-қарши томонидаги пастқамликда кўм-кўк кўл ястланиб ётар, унинг нариги чеккаси камалак шаклида негадир заҳарли сарғимтир уфққа тутшиб кетган эди.

Ҳурлиқо алоқа қурилмасини ишга солиб, Самандарга сайёрадаги вазият ҳақида умумий ахборот берди. «Қуёш» ҳам шу адирга қўниши мумкинлигини билдирди.

Шу чоқ фавқулдда ҳодиса юз берди. Ўрмон ёқасида бўйи икки-икки ярим газ чамасидаги иккита маймунсимон махлуқ пайдо бўлди-да, қўниш блокига тикилиб қолишди. Уларнинг оҳуникидай катта-катта кўзларида хавотир ва... аллақандай ёвуз бир ифода бор эди. Шундан кейин баҳайбат махлуқлар бир-бирларига алланималарни ўқдиришди шекилли, кутилмаганда ортларига бурилиб, ўрмонга кириб кетишди.

Бу пайтда Тарзан билан Нейтрино ўзиорар зина орқали пастга тушиб, чор-атрофни кузатишаётганди. Улар ўрмон ёқасида бир дақиқа пайдо бўлган маймунсимон махлуқларни пайқамай қолишди. Зина орқали Ҳурлиқо туша бошлаганида, сира кутилмаганда ўрмондан ўттизга яқин маймунсимон махлуқлар чиқиб келишди-да, қаҳрли нигоҳларини келгиндиларга қадаганча шиддат билан улар тарафга югура бошлашди. Бундан хавотирга тушган Нейтрино дарров чўнтагидан лазер-тўппончасини чиқарди.

— Қурол ишлатилмасин! — деди уни кўрган Ҳурлиқо қатъий оҳангда ҳамроҳларига яқинлашиб.

— Улар жуда ёвуз махлуқлар, — деди Нейтрино дона-дона қилиб. — Ҳозир келиб ҳаммамизни тилка-пора қилиб ташлашади.

Тарзан ҳам маймунсимон махлуқларга ағрайиб тикиларкан, ўзича алланималар деб ёғинишди. Ҳурлиқо роботга савол назари билан қараган эди, Нейтрино: «Тарзан, уларнинг кўриниши нега бунча тажовузкор?» деб сўрапти, — деб жавоб берди. Қўниш блокига қайтиб киришган заҳоти қиз ҳимоя майдонини ишга солди.

Лаҳза ўтмай етиб келган баҳайбат махлуқларнинг олд қаторини кўринмас девор кетма-кет орқага сураверди. Икки кичикроқ махлуқ ҳимоя майдонига бошлари билан урилди чамаси, чалқанчасига йиқилиб ҳушларидан кетиб қолишди. Бундан бешбаттар ғазабланган маймунсимон махлуқлар энди мушт ўқталиб, пўписа қилиб, қўниш блокнинг атрофига бетартиб изғий бошлашди.

Ҳурлиқо «Қуёш» билан алоқа ўрнатиб, Самандарга фавқулдда вазиятни тушунтирди. Дарға кемани барибри қўндиришни лозим топди. Чунки у: «Ҳар ҳолда маймунсимон махлуқлар — одамлар эмас, ҳайвонлар уларга нисбатан анча хавфсизроқ», — деган қарорга келган эди.

Двигателлардан кумушранг нур таратиб адирга қўна бошлаган баҳайбат кемани кўрган маймунсимон махлуқлар аввал саросимага тушиб қолишди. Сўнгра бирин-кетин ўрмонга қочиб кетишди.

Экипаж аъзолари кема бўлмасида яна жамулжам бўлишгач, негадир ҳаяжонга тушган Тарзан баланд овозда ёғинишди, нималардир дейишга уринди. Нейтрино унинг сўзларини тезда таржима қилиб берди:

— Улар жуда тажовузкор!.. Бу ерда бир гап бор!.. Маймунсимон ҳайвонлар ҳеч қачон тажовузкор бўлишмаган!..

Ҳурлиқо ҳам ўйчан ҳолда унинг фикрини тасдиқлади:

— Чинданам, бу ерда бир сир бор. Назаримда, нима учундир уларда одамлар ва ҳар хил учиш аппаратларига нисбатан чексиз нафрат ҳисси пайдо бўлгандек...

— Бунга нима дейсан, Ҳурлиқо? — сўради Самандар ташвишли қиёфада.

— Менимча, Ҳошнаҳашнинг каллакесарлари маймунсимонлар уруғига нисбатан қандайдир ёвузлик қилишган...

Орага бир дақиқа сукунат чўқди. Жимликни энди Қуюн исмли Тулпор буржининг вакили бузди:

— Уйлашимча, — деди у аллақандай назокатли бир оҳангда, — сайёра сатҳини

синчиклаб ўрганиб чиқиш керак. Агар бу ишни менга ишониб топширсанглар, ҳозироқ сафар қилишим мумкин.

— Мен бўлсам, ижозат берсанглар, кечаси ўрмонга кириб, маймунсимонларнинг яшаш тарзини ўрганиб қайтардим, — деди кечаси ҳам кўзлари бемалол кўра оладиган Миёвбой лақабли Мушук буржининг вакили икки томонга тарвақайлаб кетган тақасимон мўйловини оҳиста силаб кўяркан.

Бу таклифларни экипаж аъзолари бир овоздан маъқул топишди. Биринчи бўлиб сафарга Қуюн жўнаб кетди. У зинадан тушиши билан қанотларини энгил ёзиб, осмонга кўтарилди-да, соатига олтимиш чақирим тезликда суви кўм-кўк кўл тарафга қараб уча бошлади. Кўл узра йигирма дақиқа парвоз қилган Қуюн нариги соҳилда тўқайзор ва саксовулсимон ўсимликлар ўсган антиқа чакалакзорларни кўрди. У ёғига саҳро бошлар эди. Ажабо, саҳро негадир тиканли балад сим-деворлар билан ўраб олинган, девор ёқалаб ҳар 400—500 газ масофада товуқ уяларига ўхшаган янада баландроқ уйчалар қад ростлаган, чамаси, булар ҳарбий соқчилар навбатчилик қиладиган миноралар эди. «Модомики саҳрони соқчилар кўриқлар экан, бу ерда бир гап бор...» — хаёлидан ўтказди Тулпор буржининг вакили ҳансираб нафас оларкан. У саҳро осмони узра яна ярим соатча учди-ю, сап-сариқ тақир ерлардан бўлак ҳеч нимани пайқамади. У ичкарига киргани сари таажжуби тобора ортиб борарди. Яна бир соатча учгач, Қуюн бу ёғига тагин ўрмон бошланганини кўрди. Бу ўрмон улар дастлаб кўрган ўрмондан кескин фарқ қилар, дарахтлари анча калта, уларнинг аксарияти яланғоч ва қурий бошлаган эди. Яна аллақанча фурсатдан кейин суви ниҳоятда камайиб кетган чоғроқ бир денгиз пайдо бўлди. Сўнгра яна баланд сим-деворлар бошланди. «Ажабо, — ўйларди Қуюн ҳайрон бўлиб, — ҳозир учиб ўтилган масофадаги оралиқ нима мақсадда ўраб қўйилган? Ахир, на бирор ҳарбий жабҳа ва на бирор муҳандислик иншооти кўзга ташланади. Ёки улар ер остига жойлашганми?!»

Олдинда яна поёни йўқ дашти-биёбон бошланар, буниси ҳам сим-девор билан ўраб қўйилган саҳродан айтарли фарқ қилмас эди. Шу пайт ҳарбий минораларнинг биридаги соқчи уйчаннинг очик деразасидан бошини чиқариб ўзига шубҳа билан қараётганини пайқаган Қуюн дарҳол ҳаволалиб, изига қайта бошлади. Соқчи дастлаб уни кўлидаги автоматсимон қуролидан отмоқчи бўлди-ю, лекин, саҳродаги ёввойи қушларнинг биридир-да, деган хаёлга борибми, ниятидан қайтди. Қуюн энди ғарбга бурилиб, олисда элас-элас кўзга чалинаётган қорамтир дўнгликлар сари учиб кетди. У дастлаб сим-девор айлана бўйлаб қурилган, деб ўйлаганди. Чамаси, у бутун экватор бўйлаб чўзилиб кетган эди. Яна ярим соатча учгач, унинг юраги гупиллаб ура кетди. Саҳрода қорамтир дўнгликлар сон-саноқсиз бўлиб, уларнинг қоқ ўртасидан узун найзасимон алланима чиқиб турар, ҳар бир дўнглик ёнида эса, елкасига автоматсимон қурол осган уч-тўрт соқчи айланиб юрарди. Соқчилар эғнига жомашовни эслатувчи кўм-кўк либос, бошларига офтобдан сақловчи айланма айвонли қалпоқ кийиб олишганди. Ана, улардан бирининг эътибори яна Қуюнга тушди. У негадир тараддулланиб, сал наридаги шеригига ўгирилди-да, алланималар деган эди, у ҳам осмонга бошини кўтариб, ағрайганча галати «қушга тикилди. Ҳар иккала соқчининг юзига ташвиш ва саросима ифодалари соя солганди. Ҳозир ўқ узиб қолишларидан чўчиган Қуюн янада баландлаб, дўнгликлар ёқалаб учишда давом этди. Сал ўтмай улар пастдан коптокдай-коптокдай, одамлар эса, тариқдай-тариқдай бўлиб кўрна бошлашди. Қорамтир дўнгликлар, чамаси, бутун сайёрани экватор бўйлаб худди камардай ўраб олганди. Кутилмаганда олдинда дарахтзорлар ва истиқомат бинолари сузиб чиқди. Афтидан, булар — соқчилар яшаб ҳордиқ оладиган масканлар эди. Бинолар атрофида ҳам тариқдай-тариқдай одамлар у ёқдан-бу ёққа ивирсиб юришарди. Қуюн қорамтир дўнгликлар оша аллақанча вақт учгач, яна худди шундай дарахтзор ва истиқомат биноларини илғади. Чамаси, бунақа қоровулхоналар маълум масофада ҳар жой-ҳар жойда бор эди.

Тулпор юлдуз буржининг вакили бирор фавқуллодда воқеа юз бермасидан орқага қайтишни лозим топди. У «Кўёш» само кемасининг ёнига оқшом қўна бошлаган маҳалда етиб келди. Етиб келди-ю, кема атрофини юзга яқин маймунсимон махлуқлар ўраб олганини кўриб, яна юраги ҳаққариб кетди. Ажабо, уларнинг деярли ҳаммаси каттакичик чўқморлар билан қуролланган ва айна маҳалда гир айлана ҳосил қилиб, кеманинг кўринмас ҳимоя майдонини бор кучлари билан савалашарди. Қуюн нима қилишини билмай, саросима ичда кеманинг тепасида чир-чир айланарди.

Бу пайтда кема ичидаги Самандар бошлиқ экипаж аъзолари деярли бир соат мобайнида маймунсимонлар билан дўстона мулоқот ўрнатиш режасини тузиш билан банд эдилар. Улар учун махлуқларни кўрқитиш ёки ҳайдаб юбориш айтарли қийин иш эмас эди, албатта. Бунинг учун ультратовуш қуроли ёрдамида уларнинг руҳиятига таъсир қилиш ва шу йўл билан уларда даҳшат ҳиссини уйғотиш мумкин эди. Лекин экипаж аъзолари учун энг муҳими — уларга ўзларининг бу ерга ёмон ниятда ташриф буюришмаганини ва аксинча, лозим бўлса, уларнинг ғанимларига қарши курашишлари ҳам мумкинлигини қандай йўл билан бўлмасин, уқдира олиш эди. Зотан, авлиё Ҳаким Амир Шайх ҳам ҳайвонот оламидининг ҳар қандай вакиллари билан эзгу муносабат юритишни қайта-қайта маслаҳат берган эди. Дастлаб улар маймунсимонлар ҳузурига Тарзанни оқ

байроқ кўтартириб чиқармоқчи бўлишди. Лекин дарров бу фикрдан қайтишди. Чунки баҳайбат махлуқлар суриштириб ўтирмай, уни тилка-пора қилиб ташлашлари ҳеч гапмас эди. Сўнгра ташқарига Нейтрино чиқадиган бўлди. У телепатик йўл билан масофадан туриб, уларга бор ҳақиқатни тушунтириши керак эди. Бу ишни каптарга айлана олувчи Ҳурлиқо амалга ошириши мумкинлиги юзасидан ҳам мулоҳаза юри-тиб кўришди. Лекин бу усуллар ҳам қолдирилди. Чунки ерлик вакилларга маймунси-монларнинг онг савиялари қайси даражада эканлиги ва улар телепатик ахборотни қабул қила оладиларми, йўқми, — умуман, қоронғи эди. Борди-ю, улар телепатия йўли билан мулоқотнинг уддасидан чиқолмасалар, Ҳурлиқо ҳам, Нейтрино ҳам ҳа-лок бўлишлари турган гап эди.

Ниҳоят, Самандар ташқарига чиқишга қарор қилди. У қўйин чўнтагига ҳар эҳти-молга қарши ультратовуш яроғини солиб, энди отланмоқчи бўлаётганди, Нейтрино ҳаяжонда:

— Қуюн қайтиб келди. У кема устида айланиб юрибди, — деб қолди.

Самандар дарҳол биллур дарча олдига ўтиб, юқорига қаради. Чинданам, Тулпор буржининг вакили айлана ҳосил қилганча кема томонга қараб оҳиста пастлаётганди. Бирдан йигитнинг кўзларида ўт чақнагандай бўлди. Унинг миясига қизиқ фикр келган эди. Самандар Тулпор буржи вакилининг бир вақтлар гипноз билан жиддий шуғуллан-ганини эшитган эди. У шошиб-пишиб Нейтринога ҳимоя майдонини ўчириб, юқоридаги дарчани очишни буюрди-да, ўзи югурганча тепа қаватга кўтарилди.

Айни шу дамда ҳамон кема сари пастлаб келаётган Қуюн ғаройиб воқеанинг гувоҳи бўлди. Ҳимоя майдонини кимдир ичкаридан ўчирди шекилли, кўринмас девор қўқис-дан ғойиб бўлгач, уни аёвсиз чуқмор билан савалаётган маймунсимонларнинг ярмидан кўпроғи мувозанатини йўқотиб, муккасидан йиқилиб тушишди. Бундан бешбаттар ғазаблари ошиб, ўринларидан тура солиб энди бевосита кеманинг сиртқи қобиғини савалашга тушиб кетишди. Кеманинг ҳаддан зиёд мустаҳкам қобиғига уларнинг бирор зарар етказиши амри маҳол эди. Шу пайт кеманинг тепа қисмидаги эҳтиёт дарчалари-дан бири очилиб, ундан Самандар чиқиб келди-да, Қуюнга алланималар дея ишора қила бошлади. Дастлаб Қуюн ҳеч нарсага тушунмади. Яқинроқ келгач, йигитнинг нима демоқчи бўлаётганини телепатик йўл билан дарров илғаб олди. Вой, ландовур-эй, боядан бери шунга ақли етмаганини қаранг. Ахир, у истаган жонзодига гипноз йўли билан таъсир ўтказа олиши мумкин-ку!..

Қуюн тезлигини ошириб, маймунсимонларга жуда яқин келди-да, уларнинг тепаси-дан гир айланиб уча бошлади. Бу ҳаддан ташқари улкан «қушни» кўрган махлуқлар дастлаб саросимага тушгандай кемани дўппослашни бас қилиб, ағрайганча унга тикилиб қолишди ва уларнинг бошлари «қуш» ҳаракатларига монанд бир тарзда худди локатор-га ўхшаб айлана бошлади. Ниҳоят, Тулпор юлдуз буржининг вакили кема яқинига келиб оҳиста кўнди-да, маймунсимонларнинг энг барзангисидан кўз узмаган ҳолда шошил-май қанотларини йиғиштирди. Шу чоқ барзанги махлуққа бир нима бўлди. У бошини қуйи солганча аллақандай унсиз буйруққа бўйсингандек Қуюн турган тарафга жилди. У маймунсимонлар жамоасининг оқсоқоли экан шекилли, бошқалари ҳам беихтиёр унга эргашишди. Тулпор буржи вакили уларни бир жойга тўплаб олгач, афсун «сах-на»сини бошлаб юборди. Ажабо, маймунсимон махлуқлар жуда уқувли қиқиб қолиш-ди. Кўп ўтмай, уларнинг сержун юзлари ва серқаҳр кўзларидаги ёвуз ифода ўрнини аллақандай умидворлик ва кўнгилчанлик эгаллади.

Қуюн афсунни тугатганида, маймунсимонлар қандайдир уйқусираган қарахт бир ҳолатда эдилар. Бундан севиниб кетган Тулпор буржилик гипнозчи кема томонга юзла-ниб, биллур дарча орқали уларни кузатиб турган ҳамкасбларига, бу ёққа чиқаверинглар, дегандай ишора қилди. Лаҳза ўтмай, яна кеманинг ўзиорар зинаси пастга туширилиб, дастлаб Нейтрино, кетма-кет Самандар билан Ҳурлиқолар тушиб келишди. Тарзан билан Миёвбой исмли Мушук буржининг вакили ҳар эҳтимолга қарши кемада қолишганди.

Шу чоқ даҳшатли воқеа юз берди. Одамларни кўрган маймунсимонлар кўзларида яна ғазаб ўти чақнаб, безовталанишди. Кейин энг барзанги махлуқнинг кўз илғамас ишораси билан маймунсимонлар аввал Нейтрино, сўнгра Самандар ва Ҳурлиқо томонга отилиб, уларни учта-тўртта бўлиб кўтарганча ўрмон тарафга югуриб кетишди. Биринчи афсун «сахна»сидан кейиноқ ҳамкасбларини чақириб катта хатога йўл қўйганини Қуюн шундагина пайқади. «Ахир, улар одамлар эмас, ақл даражалари анча ибтидоий-ку? Боз устига афсун пайтида одамлар ҳақида ҳеч қандай ахборот бермадим. Шунинг учун улар мен, Тарзан ва Миёвбой билан дўстона мулоқот боғлашди-ю, одамларни душман деб ўйлаб қолаверишди. Эҳ, каллаварам!..»

Одамларни кўтарган маймунсимонлар бирин-кетин ўрмонга кириб кўздан ғойиб бўлишаркан, нима қилишини билмай ағрайиб қолган Қуюннинг олдида Тарзан югуриб чиқди-да, шоша-пиша қўлидаги ультратовуш қуролини узатаркан, ҳайвонлар тилида:

— Манавининг ёрдамида уларни тезда қутқаришимиз керак! Кемани қўриқлашни Миёвбойга топширдим, — деди.

Қуюн қуролга саросималаниб тикилди.

— Уларни қутқарамиз, — деди у хафақон кайфиятда, — лекин қурол ёрдамида

эмас. Агар биз уларга қарши қурол ишлатсак, бизни ҳам қирол Ҳошнаҳашнинг каллаке-сарлари деб қабул қилишади-да, кейин умуман ишонмай қўйишади.

— Бўлмаса, нима қиламиз? — сўради Тарзан қурол ушлаган қўлини пастга тушириб.

— Нима қилардик, ҳозир орқаларидан бориб, бирор йўлини топишга уриниб кўрамыз.

— Бизни ҳам банди қилиб боғлаб қўйишса нима бўлади?

— Йўқ, улар сен билан менга тегишмайди.

— Нима, сен афсун пайтида Самандар билан Ҳурлиқоларнинг қирол Ҳошнаҳаш-нинг ашаддий душманлари эканлигини тушунтирмабмидинг?

— Ҳамма фожиа шунда-да! Каллам қурсин, шунга ақлим етмабди. Ҳечқиси йўқ. Ҳозир изларидан бориб, яна бир афсун «сахна»си ўтказишга ҳаракат қиламан. Устим-га мин.

Тарзан елкасига минган ҳамоно Қуюн қанотларини ёзиб бир силтанди-да, ўрмон тарафга қараб учиб кетди.

\* \* \*

Кузатувчи тоборлар махсус юк кемасида Теттага келтириб туширилганида, «Қу-ёш»да биргина Мушук юлдуз буржининг вакили Миёвбой қолган, ҳозир у само кемаси-да кундалик навбатчилик ишлари билан банд эди.

Тоборлар сайёранинг асосан сим-девор ва унинг чор-атрофига, маълум масофа-лардаги оралиқларга жойлаштирилди ва осмоннинг деярли ҳамма катакларини куза-тишга киришишди. Уларни Бетта ҳукмдори Муҳаммад Кабир Нодиршоҳнинг ўзи бош-қош бўлиб олиб келди ва уларга ерлик хавfli душманлар ташриф буюришгани тақ-дирда нима қилишлари зарурлигини бош ҳарбий кўмондон билан бирга обдан тушунтирди. Ерлик собиқ подшо Теттага ўзи келмаса ҳам бўларди-ю, ўта жиддий са-бабларга кўра йўлга отланишни лозим топди.

Нодиршоҳ ўша куни кечқурун Флория билан (аёлни у ҳокимиятни қайта қўлга киритган куниёқ кўнгили уйдан қайта олдириб келган эди) бирга овқат тановул қил-ди-ю, барвақт ётди. Чунки эрталаб, қирол Ҳошнаҳашдан кўрсатма олгач, у дарҳол ҳарбий бош кўмондонни ҳузурига чақиртирган ва Теттадаги илгари ҳам чала-ярим эшитган ҳарбий жабҳа ҳақида тўла маълумот олган эди. Унинг нима мақсадда бунёд этилаётганини билган Муҳаммад Кабир Нодиршоҳнинг сочларига оқ оралаганди. Буна-қанги даҳшатли қурол ҳали бутун коинотда ягона, уни кашф этган ва ҳозир сошлаш билан шуғулланаётган олим ва муҳандислар Ҳошнаҳашнинг шахсий назорати остида ўта махфий иш олиб боришарди.

Ўша куни у қалдирғоч қанотидай биргина лозимчада ёнига келиб ётган сўлим Флориянинг эркаланишларига ҳам айтирли эътибор бермади. Унинг ҳар қандай эрка-нинг эҳтиросини жунбушга келтирувчи момиқдай оппоқ сийналарига бошини қўйганча чуқур ўйга толди. Икс галактикасидаги вазият у ўйлаганидан анча мураккаб эди. Ҳошна-ҳаш ҳам у ўйлаганидан анча забардаст ва тадбиркорроқ одам бўлиб чиқдики, уни мағлуб этишни хаёлга келтириш ҳам ҳозирча Нодиршоҳни даҳшатга соларди. Ҳечқиси йўқ, дерди у ўзига ўзи тасалли бериб, ҳамма нарсанинг ўз вақт-соати бор. Ерликлар тили билан айтганда, ҳали бизнинг кўчада ҳам байрам бўлади. Кутилмаганда негадир у яна марҳум хотини ва Жайхунга «чўкиб кетган» мурғак фарзандини эслади. Сўнгги пайтларда улар тез-тез ёдига тушаётганига ўзи ҳам ҳайрон эди. Шўрлик Дилаф-рўз... ўзига нисбатан меҳр-муҳаббатининг чеки йўқ бу итоатгўй ва маҳзун жувоннинг қадри ва севгисини у маҳбубаси ушбу ёруғ дунёдан кўз юмгандан кейингина билди. Ҳамма хотинлари орасида фақат Дилафрўзгина чинакамига севганига шундан кейинги-на амин бўлди. Ҳатто унинг севгиси собиқ подшонинг дағаллашиб кетган ёвуз қалби-нинг энг тубида чўкиб ётган эзгу ҳисларни ҳам энди юзага чиқара бошлаганди. У кенжа хотинини шу даражада севардики, ҳатто бошқа хотинларини яқин кунларда талоқ қи-либ, ота-онасиникига жўнатиб юборишни ҳам ўзича кўнглига тугиб қўйганди. Дилаф-рўзнинг ўлими ундаги шундоқ ҳам йўқолиб кетган инсоний ҳислатларни батамом бар-бод қилди. У энди ўзининг бутун оламда биронта ҳам ишонган одами ва жигаргўшаси йўқ ва тобора ёвузроқ ва қаттолроқ кимсага айланиб бораётганини кундан-кунга аниқ-роқ ҳис этаётганди. Биргина Флория унинг жонига оро кирганди. Тўғри, у кенжа хоти-нидан гўзалроқ ва парисифат бир аёл эди. Лекин у Дилафрўзнинг ўрнини боса оларми-кин? Бу жуда мушкул масала эди ва шундай бўлишига ерлик собиқ подшонинг кўзи етмасди. Шунинг учун ҳам у кундан-кунга асабийлашиб, қалби тобора мажруҳланиб борар, бутун олам, бутун коинотни оёқлари остида кўргиси келарди. Бу йўлда эса, унга фақат қирол Ҳошнаҳашгина тўғаноқ бўлаётганди, холос...

Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ ана шундай айқаш-уйқаш хаёллар оғушида уйқуга кет-ди ва ажабтовор туш кўрди. Ердан Теттага десантчилар гуруҳи қўнган эмиш. Улар беш кишидан иборат бўлиб, ораларида... кенжа хотини Дилафрўз ҳам бор эмиш. Нодиршоҳ бош кўмондонга уларнинг кемаси қўнган жойга жамаи ҳарбий кучларни ташлаб, қур-



шовга олишни буюрибди. Кетма-кет ўзи ҳам етиб бориб, радиосигналлар ёрдамида кемадагиларга дарҳол таслим бўлишни таклиф этибди. Шу пайт кеманинг зинаси автомат тарзда пастга туширилиб, унда биринчи бўлиб... Дилафрўз кўринибди. Негадир у қўлига узун найза ушлаб олганмиш. Унинг орқасидан кетма-кет елкалари кенг, хушқомат, жингалак сочлари ва қоп-қора кўзлари негадир ўзиникига ўхшаган навқирон бир йигитча чиқиб келибди. Кенжа хотинининг тўғри Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ турган жойга қараб келаётганини кўрган ҳарбий бош кўмондон саросимага тушиб, лашкарларга аёлни дарҳол ҳибсга олишни буюрибди. Бироқ ерлик собиқ шоҳ шу ондаёқ унинг буйруғини бекор қилиб, аёл билан болага тегмасликка фармон берибди.

Ниҳоят, кенжа хотини, сал орқароқда йигитча билан Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ юзма-юз келишибди.

«Сен қотилсан, суюкли ўғлимни ўлимга маҳкум этдинг!» — дебди Дилафрўз кўзларида нафрат ўтлари чақнаб.

Нодиршоҳнинг тили калимага келмай, турган жойида бақа бўлиб қолибди. Аёл унинг қоқ юрагига найзасини тўғрилаб, қаҳр-ғазаб билан гапида давом этибди:

«Интиқом дақиқалари етди! Энди сен ҳам ўлим жазосига мустаҳкисан!»

Бундай ҳолни кўрган ҳарбий бош кўмондон ва бошқа лашкарбошилар тараддудга тушиб, аёлга ташланишибди. Бироқ Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ бир қўл ҳаракати билан уларни орқага қайтарибди-да, кенжа хотинига гап қотибди:

«Менга қара, жоним! Агар сен мени бу бевафо дунёда ёлғиз ташлаб кетмаганингда, ҳамма ишлар жойида бўлар, ўғлимиз ҳам омон қолар эди!..»

Аёл бешбаттар ғазабга миниб жавоб берибди:

«Сен жуда бағритош одам эдинг, бағритошлигингча қолибсан! Ўша фожиали кунда ўлиш менинг пешонамга ёзилган эди. Лекин ўғлим... Унинг нима гуноҳи бор эди, ахир?!»

«Ўшанда унинг ҳам пешонасига куни битганлиги ёзилган эканки...»

«Янглишасан, қаттол! — қичқирибди Дилафрўз ғазаб тошиб. — Унинг пешонасига ўшанда тирик қолиб, кейинчалик сени ўлдириш ва шу туфайли бутун коинотда шон-шухрат қозониш ёзилган эди!..»

Бу гапдан Муҳаммад Кабир Нодиршоҳнинг вужудига ўт туташгандай бўлибди. «Ераб!.. — фиғон чекибди у кўзларидан шошқатор ёш оқизиб. — Бу не савдоки, ўз пуштикамаримдан бўлган фарзандим ўзимга қўл кўтарса?!»

«Буни Самандарнинг ўзидан сўра!» — дебди кенжа хотини ёнидаги навқирон йигитчага ишора қилиб. Муҳаммад Нодиршоҳ фарзандига даҳшат ичида тешиб юборгудек бўлиб тикиларкан, вужудига титроқ кирибди.

«Самандар?!» — дея олибди у тили зўрға айланиб.

Айни шу чоқ зарб билан кўксига найза қадалган Нодиршоҳ алаҳсираб, арслондай ўқирганча уйғониб кетди. Урнидан сапчиб турган Флория унинг ёмон туш кўрганини пайқади-ю, елкаларидан кучоқлаб овутишга тутинди:

— Тинчланинг, жоним! Сизга нима бўлди?.. Узингизни босинг...

Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ кузатувчи тоборларни тегишли жойларда қолдириб, Бетта ҳукмдорини олиб йурувчи махсус фазо кемасига ўтирганида ҳам, кўнглини ғашлик чақир тиканакдай ҳамон тимдалаётганди.

Ерлик собиқ подшо Беттага қайтиши билан давлат ишлари билан чалғиб, куни кеча кўрган кўнгилсиз тушини пича нутугандай бўлди. Лекин кечга бориб, боши ёстиққа тегди дегунча, алаҳсираб, уйкусида алғов-далғов тушлар кўриб чиқарди. Лекин кенжа хотинини ҳам, ўғлини ҳам бошқа тушида кўрмади. Шунга қарамай, ўзини кўярга жой тополмай қолди. У кенжа хотини ва ўғли ҳақида ўйларди-ю, ўйининг охирига етолмасди. Бу тушнинг таъбири нима ўзи? Ерда бўлганида фолбин чақириб, аллақачон бунинг тагига етган бўларди. Кенжа хотини, соҳибжамол Дилафрўз фақат эригагина эмас, етти ёт бегоналарга ҳам қўполлик қилиш нималигини билмайдиган ипақдай мулоим аёл эди. У Нодиршоҳга итдай садоқатли, қулдай итоатгўй эди. Ана шу чексиз назокату нафосат эгасининг ўзига найза қадаши мумкинлигига сира-сира ақли бовар қилмасди. Демак, марҳум рафиқасининг Сомон Йўли юлдуз буржининг қаеридадир изғиб юрган руҳи ундан қаттиқ ранжиган. Кексаларнинг айтишича, ўлган одамларнинг руҳи ўша юлдуз буржига ўтиб кетармиш-ку, ахир! Ўғлининг тирик қолганлиги ҳам ҳақиқатдан жуда узоқ гап. Ахир, уни Жайхуннинг асов тўлқинлари ўз қаърига тортиб кетмаганлигига ким кафолат бера олади? Унда телепортация қобиляти пайдо бўлганидан бери бирор марта ҳам янглишгани йўқ-ку?! Ўғлини бирорта наҳанг-паханг ютиб юборган бўлиши мумкин. Ривоятларда одамлар наҳангнинг ичидан ҳам баъзан тирик чиқишади. Лекин ҳаёт бошқа, ривоят бошқа, сувга улоқтирилган, сузишни билмайдиган мурғак гўдакни бирорта қайиқчининг қўтқариб қолгани ҳақидаги фикр ҳам кўкнорихаёлдан бошқа нарса эмас. Чунки у сувга ташланган тошдай бир гап. Ташлаган захотинг чўкади-кетди...

Ана шу қабилдаги ўйлардан Муҳаммад Кабир Нодиршоҳнинг мияси ғовлаб кетди. Катта тўшакда у ёнидан-бу ёнига ағдариларкан, ёнида маъюс хаёл суриб ётган Флорияни елкаси билан туртиб юборди. Аёл момиқдай қўлларини узатиб, унинг елкасини кучди.

— Лаънати қирол яна кайфиятингизни буздими? — секингина сўради у маҳбубининг қулоғига шивирлаб.

— Йўқ, — деди Нодиршоҳ оғир хўрсиниб, — гап қиролда бўлса кошки эди...

— Бўлмаса нимада?

— Ёмон туш кўрдим...

— Нима экан?

— Марҳум хотиним билан ўғлимнинг руҳлари ҳузуримга ташриф буюришди.

— Нима мақсадда?

— Мендан қасос олиш учун...

— Қасос?

— Ҳа, хотиним кўксимга найза санчди.

— Ё фалак! Қон чиқдими?

— Ёдимда йўқ. Чиқди шекилли...

— Қон чиққан бўлса, бу — яхшилик аломати.

— Теттага келган десантчилар орасида ўғлим ҳам бормиш. Исмини нимаям дедди.

— Ўғлингиз ҳам қазо қилганми?

— Ҳа, сувга чўкиб кетган.

— Сувга чўккан одамнинг руҳи яхшиликка товин.

Муҳаммад Кабир Нодиршоҳнинг кўзлари катта-катта очилиб кетди.

— Нима-нима? — маҳбубасининг кўзларига тикилди у. — Қанақа яхшилик?

— Халқда шундай гап бор.

Шу пайт ётоқхона кўнғироғи майин жиринглади. Нодиршоҳ кечаси безовта қилишларини ўлгудай ёқтирмасди. Норози қиёфада ўрнидан туриб, тўнини елкасига ташлади-да, эшикни очди. Остонада хизматкор соқчи турарди. Унинг кўриниши саросимали эди.

— Нима гап? — сўради Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ қоғоғини уюб.

— Телеголографонда сизни қирол Ҳошнаҳаш аълоҳазратлари йўқлаптилар.

Бетта ҳукмдорининг дилига шу заҳоти ғулғула тушди. У тўнини кийиб белбоғини боғлади-да, телеголографон қўйилган қўшни хонага ўтди. Рўпарадаги катта курсида Ҳошнаҳашнинг голограммаси унга хўмрайиб тикилиб ўтирарди. У салом-аликни насия қилиб, дарров «хужум»га ўтди.

— Жаноб Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ, — деди у чертиб-чертиб аллақандай асабий бир вазминлик билан, бу вазминлик денгизда бўрон олдидан бўладиган саркаш бир осойишталикни эслатарди. — Бир неча дақиқадан кейин ерлик авлиё Ҳаким Амир Шайх Беттага қўнишидан хабарингиз борми?

Бу фавқулудда саволдан Муҳаммад Нодиршоҳ саросимага тушиб қолди.

— Менга бу ҳақда ахборот беришганди-ку, — деди у дудуқланиб, — лекин...

— Нима лекин? — қичқирди Ҳошнаҳаш кутилмаганда қаҳри қайнаб. — Бемаҳалда манжалақи аёлингизнинг қўйнида пашша кўриб ётавермасдан ҳозироқ космопортга чиқиб кутиб олинг! Ҳа-ҳа! Тезроқ қимирланг! Сизни Беттага кўнгил уйининг фоҳишалари билан маишат қилиш учун ҳукмдор этиб тайинламаганмиз!

— Хўп бўлади, ҳазрати олийлари! — деди у лаби лабига тегмай. Негадир унинг вужудига титроқ кирганди.

— Авлиёга ҳурмат-эҳтиромлар кўрсатиб, энг яхши чорбоғга жойлаштиринг, — деди қирол энди сал ҳовуридан тушиб. — Эртага соат роппа-роса ўн саккизда қабулимга бошлаб келасиз. Қолган гапларни ўшанда гаплашамиз...

— Тушундим, ҳазрати олийлари! — деди Нодиршоҳ унинг одатдаги «тушунарлими?» деган саволини кутмасданоқ қўл қовуштириб.

Қиролнинг думалоқ курси устидаги голограммаси бир чайқалдида, кўздан ғойиб бўлди. Ҳошнаҳаш хайр-маъзур қилишни ҳам лозим топмаган эди.

\* \* \*

Елкасига Тарзани миндирган Тулпор юлдуз буржининг вакили ўрмон устидан уча бошлаганида, баҳайбат махлуқлар анча ичкарига кириб кетишганди. Ўрмон қуюқ ва қалин эмасми, пастда ҳеч нарса кўринмас, шунинг учун у дарахтлар бир оз сийрақроқ ўсган ялангликка қўнишга мажбур эди. Бу ердан хийла катта сўқмоқ йўл ўтганди; у янаям ичкарироққа олиб борарди. Қуюн билан Тарзан ана шу йўл бўйлаб югуриб кетишди.

Кутилмаганда сўқмоқ уларни янаям каттароқ ялангликка олиб чиқди. Лекин буниси биринчисидан фарқли ўлароқ баҳайбат маймунсимон махлуқлар билан тўла, улар усти шох-шаббалар билан ёпилган чайласимон кулбалар атрофида у ёқдан-бу ёққа бетартиб изғиб юришарди. Уларнинг хатти-ҳаракатлари қандайдир бежо-безовта, чамаси, ғайриоддий бир тантанага ҳозирлик кўришаётган эди. Қуюннинг нигоҳи қўққисдан учта ёнмаён чинорсимон дарахт танасига оёқлари осмондан қилиб хивичлар билан боғлаб ташланган Самандар, Хурлиқо ва Нейтринога тушди. Улардан сал нарида болта билан

қуролланган ўн чоқли маймунсимон махлуқ ёғоч устунлардан пастак дорни эслатувчи иншоот бунёд қилиш билан банд эди.

Қуюн эҳтиёткорлик билан дарахтлар орасига шўнғиди-да, ялангликни айланиб ўтиб, банди қилинган ҳамроҳларига яқинлашди. Кетма-кет Тарзан ҳам етиб келди. Биринчи бўлиб уларни Самандар пайқади. У хавотирга тушиб, паст овозда дарров огоҳлантирди:

— Қурол ишлата кўрманглар!

— Майдонга чиқиб, улар билан яна афсунни ишга солсам-чи? — сўради Қуюн шивирлаб.

— Керакмас. Улар ғазаб исканжасида сизларни ҳам ҳибсга олишлари мумкин. Ҳозир бирор йўлини топамиз.

— Улар нима қилишмоқчи ўзи?!

— Тахминимча, бизни ўтда тоблаб, кабоб қилишмоқчи.

Тулпор буржининг вакили энди қизишиб шивирлади:

— Ахир, биз оғзимизни очиб қараб тураверамизми бўлмаса?

— Пича сабр қилинглар. Ҳали сизларга ҳам иш топилади.

— Сизларни бўшатиб, битта-битта осмонга олиб чиқиб кетайми?

— Ҳозирча ҳожати йўқ. Лекин Ҳурлиқони бўшат. Дарров каптарга айланиб, кемага қайтсин.

Қуюн Парилар буржининг вакилига учрашиб, зум ўтмай яна қайтиб келди.

— Ҳурлиқо унамаяпти, — деди яна ўтлар орасидан Самандарнинг қулоғига шивирлаб.

— Нега энди?

— Кемада қиладиган ишим йўқ, каптарга айланиш бўлса, қочмайди, деяпти.

— Яна ўзи билади... — бирдан Самандар сергак тортди. — Келишаяпти, яширинглар!

Қуюн билан Тарзан ўзларини ўт-ўланлар орасига уришди.

Шу пайт тўртта маймунсимон махлуқ Самандарни хивичлардан озод қилиб ерга туширишди-да, кўтариб олиб, ҳалиги дорсимон қурилмага худди қўйдек оёқ-қўлларини боғлаб осиб қўйишди. Бошқа икки махлуқ йигитнинг тагига қуриган хас-хашак ташлаб, икки оппоқ чақмоқ тош ёрдамида ўт олдириб юборди. Бир неча фурсатдан кейин гуруллаб ёна бошлаган аланганинг узун ва қип-қизил тиллари чалқанчасига «дор»га тортилган Самандарнинг бутун вужудини ўраб-чирмаб олди. Йигитни кўз очиргани қўймай ловуллаб, жавлон ура бошлади. «Дор»га тортиш навбати Нейтринога етди. Уни ҳам бирпасда юмалоқ-ёстиқ қилиб, тагига ўт қўйиб юборишди. Тўртта барзанги маймунсимон махлуқ Ҳурлиқони банди қилинган жойидан бўшатишга улгуришмади. Қиз махлуқларнинг эсхонасини чиқариб, бир ондаёқ каптарга айланди-да, бамисоли фарёд чекиб, аланга оғушида қовурилаётган Самандарнинг тепасида гирдакапалак бўлиб айлана бошлади.

Шу пайт яширинган жойларидан отилиб чиққан Қуюн билан Тарзанни дастлаб маймунсимонлар пайқашмади. Улар ерлик разведкачилар ёнаётган икки гулхан атрофида зич давра тузиб, худди зикр тушаётган кўҳна дунё дарвишларидек антиқа хатти-ҳаракатлар қила бошлашганди. Тарзан билан Қуюнга бу даврани ёриб ўтишининг ўзи бўлмасди. Шунинг учун Қуюн Тарзанни яна елкасига миндириб, маймунсимонлар ҳосил қилган деворни қанот қоқиб ошиб ўтди-да, Самандар билан Нейтринога ёрдамга отилишди. Бу фавқулодда манзарани кўрган маймунсимон махлуқлар дастлаб думалоқ кўзларини йилтиллаганича, «зикр» тушишдан тўхтаб, бақадек бўзрайиб қолишди. Лекин улар ўзларига келгунча, қўл-оёқлари боғланган хивичлар ёниб бўлди чоғи, Самандар «гуп» этиб оловга қулаб тушди. Вожаб, йигит шу заҳоти ўрнидан туриб, тепасига этиб келган Қуюнга қарата:

— Тездан бу ердан учиб кетинглар! Тездан! — дея қичқирди-да, яна оловга этиб олди.

Самандарга аланга мутлақо таъсир қилмаганини кўрган маймунсимонларнинг кўзларида энди ҳайрат, даҳшат ифодалари акс этди. Фурсатдан фойдаланган Қуюн махлуқларни бешбаттар ҳайратда қолдириб, яна елкасига Тарзанни миндирди-да, улкан қанотларини попиллатганча осмону фалакка кўтарилди.

Деярли ёниб бўлган аланга устидан шошилмай ўрнидан туриб, эгни-бошини қоқа бошлаган Самандарни кўрган маймунсимонларнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. Минг даражагача ҳароратга чидамли ашъёлардан тайёрланган эмасми, биоробот ҳам кетма-кет қаддини ростлаб, «Қуёш»нинг командирига яқинлашди. Маймунсимон махлуқлар кўз кўриб қулоқ эшитмаган бу ғаройиб воқеалар түфайли тамомила ўзларини йўқотиб қўйишганди.

Самандар тепаларида узоққа кета олмай, гир айланиб учиб юрган Қуюнга қарата:

— Ана энди иккинчи бор афсунингни бошласанг бўлади, — деди хотиржам овозда. — Фақат бу сафар уларга биз ҳам Ҳошнаҳашнинг каллакесарлари эмас, балки ашаддий душманлари эканлигимизни уқдиришни унутма!..

Қуюн билан Тарзан бир-бирларини опичлаганча тағин давра ўртасига келиб қўниш-

ди-да, Тулпор буржининг вакили зудлик билан ишга киришиб кетди. Оқ каптар ҳам Самандарнинг ёнига учиб келиб, бир зум ҳавода муаллақ қанот қоқиб турди-да, бир юмалаб яна ўз ҳолига қайтди. У йигитга хавотир ва саросима аралаш тикиларкан, беихтиёр пинжига суқилди. Яна нимадир юз берса ёки Самандар кўз илғамас хатти-ҳаракат қилса ҳам тўрт томонга тум-тарақай бўлиб қочилган шай турган баҳайбат маймунсимон махлуқлар аллақандай мавҳум ва ногаҳоний куч таъсирида тарашадай қотиб қолишди. Қуён жуки маймунсимонларни бирма-бир ўткир нигоҳи остидан ўтказаркан, осойишталик ва уйкуга чорловчи ғалати ҳаракатлар қилар ва давра ўртасида вазминлик билан узлуксиз айланарди.

Ниҳоят, афсун «сахна»си машқи тугагач, маймунсимонлар кутилмаганда енгил нафас олиб, ғимирлаб қолишди. Кейин энг барзанги махлуқ чайқалиб олдинга чиқди-да, Самандар бошлиқ экипаж аъзоларининг оёқлари остига йиқилди. Ажабо, шу тода маймунсимонлар худди буйруқ берилгандек, бараварига тиз чўкиб, келгиндиларга таъзим бажо келтира бошлашди.

Самандар барзанги махлуқни елкасидан ушлаб ўрнидан турғазди. Бошқа маймунсимонлар ҳам бирин-кетин оёққа қалқилди. Энди уларнинг нигоҳларидаги дастлабки ёвуз ва қаҳрли ифодадан асар ҳам қолмаганди. Тетталиқ аборигенлар билан дўстона мулоқот ўрнатиш учун, ниҳоят, шароит етилган эди. Узини кўрсатиш навбати энди Тарзанга келди. Не ажабки, маймунсимонларнинг тили унга таниш чиқиб қолди. Энг гавдали барзанги махлуқ маймунсимонларнинг қабила бошлиғи экан. У билан мулоқотга кирган Тарзан кўп нарсаларни билиб олди.

Маълум бўлишича, Ҳошнаҳаш салтанатига қаршли ҳарбийлар етти оламга донғи кетган ва ўз вақтида у ёки бу сайёрада қатагон этилган олимларни ишга солиб, мазкур сайёрада узоқ йиллар мобайнида беқиёс ҳажмдаги ўта махфий иншоот барпо этиш билан шуғулланишади. Унинг қандай мақсадлар учун мўлжаллангани маймунсимонлар учун қоронғи. Лекин бу йўлда улар бутун сайёрани остин-устун қилиб юборишган. Сайёранинг асил эгалари — маҳаллий аҳоли бўлмиш маймунсимонларнинг ярмидан кўпини қириб ташлашган. Шунинг учун ҳам улар одамзодни кўришса, бўлди, ё қўлга тушириб, кабоб қилишга, ёки ўрмонга қочиб, улардан яширинишга уринишади.

Тулпор буржининг вакили ҳам разведкада кўрганларини ҳамроҳларига батафсил гапириб берди.

Тарзаннинг маймунсимонлар билан «сухбати» ҳали-бери тугамаслигини пайқаган Самандар ерлик маймунлар сардорига мурожаат қилиб:

— Сен улардан сўра-чи, ўша ҳарбий жабҳага яширинча олиб борадиган йўл борми? — деди. Тарзан маймунсимонлар қабила бошлиғининг жавобини шу заҳоти таржима қилиб берди:

— Ҳа, ўрмонни, кесиб ўтган сўқмоқ бўйлаб ғарб томонга ярим кун юрилса, сим деворнинг тагидан ўтувчи кичик бир ғор бор. Ана шу ғор орқали махфий ерости иншоотларининг бирига чиқиш мумкин. Лекин у ерни кеча-кундуз соқчилар кўриқлашади.

— Сўра-чи, улар иншоотнинг ичига киришга сира уринишганми?

Аборигенларнинг қабила бошлиғи бу саволга ҳам зумда жавоб қайтарди.

— Ҳа, кўп марта уринганмиз. Биз уларни бетталиқ ҳарбийлардан ўғирлаб олган портловчи моддалар ёрдамида йўқ қилмоқчи эдик. Лекин барча уринишларимиз зое кетди. Соқчилар ким иншоотга яқинлашса, йиртқичлардек ташланиб қирғинбарот қилишади.

Самандар энди Ҳурлиқо билан Нейтринога юзланди.

— Биз маслаҳатлашиб олишимиз керак. Орамиздан икки фазогирни ерости иншоотларини ўрганиб келиш учун разведкага юборишимиз керак.

«Қуёш»нинг экипаж аъзолари жонланиб қолишди. Ҳурлиқо энди гапга оғиз жуфтлаган эди, йигит тўхтатди:

— Сизларни тушуниб турибман. Лекин разведкага ҳаммани юборолмайман. Ҳарбий иншоотни ўргангани Миёвбой иккаламиз борсак. Чунки Миёвбой кўзлари ёрдамида одамзодни вақтинча ухлатиб, шол қилиб қўйиш қобилиятига эга, мен бўлсам, ер остига тушиб, иншоотнинг нима мақсадда қурилаётганини аниқлашга уриниб кўраман...

— Мен ҳам сизлар билан бирга боришим керак, — деди Ҳурлиқо шошиб-пишиб, кейин қизишиб фикрини асослашга киришди: — чунки сизларни орқадан кузатиб бораман, бирор гап бўлса, қолган экипаж аъзоларига хабар етказаман.

Бу таклифга ҳам ҳеч ким эътироз билдирмади.

Само разведкачилари шу ондаёқ кемага отланишди. Эллиқдан зиёд маймунсимон махлуқ уларни кемагача кузатиб боришди. Йўл-йўлакай Самандар бунақа қабилалар ўрмонда жуда кўплигини, уларнинг ҳар бирининг ўз ерлари ва ўрмонлари мавжудлиги, бир-бирларининг мустақил ва дахлсиз ҳуқуқларини поймол қилмасликлари ва ўзаро дўстона алоқада яшашларини билиб олди. Афсуски, анча-мунча қабилалар Беттадан келган ҳарбийлар билан тўқнашишлар жараёнида ёппасига қирилиб кетибди. Уларнинг Ҳошнаҳаш каллакесарлари билан бўлган сўнгги тўқнашуви Самандарда, айниқса, оғир таассурот қолдирди. Тетта тақвими бўйича, бундан бир неча ой аввал маймунсимонларнинг кўп минглик тўдаси сим-девор ёқалаб катта намойиш уюштиришибди. Улар дарахт

пўстлоқларига умумсамо тилида «Босқинчилар сайёрамыздан чиқиб кетишсин!», «Ҳарбий иншоот қурилиши тўхтатилсин!», «Она табиатни оёқости қилишга чек қўйилсин!» деб ёзилган шiorлар кўтариб, бақир-чақир қилишаётган маҳалда сим-деворнинг нариги томонидан бир неча уоқлар етиб келиб, намойишчиларни ўққа тутишга киришибди. Кейин сим-деворнинг юқори томонидан Ердаги экскаваторларни эслатувчи ғалати қурилмалар катта тезликда бостириб келиб, бургут панжаларига ўхшайдиган баҳайбат чўмичлари билан маймунсимонларни аёвсиз янчиб юмалоқ-ёстиқ қила бошлабди. Хуллас, ўша куни намойишга чиққанларнинг деярли ҳаммасини худди чумолидек кириб ташлашибди. Беллари синган, каллалари ва қўл-оёқлари узилган махлуқларнинг сон-санови йўқ, қон дарё бўлиб оқибди. Маймунсимонларнинг жуда озчилигигина ўрмонга қочиб қутулибди.

Кемага етиб келишгач, Самандар, Ҳурлиқо, Миёвбой ва маймунсимонларнинг қабила бошлиғи қўниш блоки «Ой»га ўтириб, ҳарбий иншоотга отланишди. Урмоннинг ғарбий чеккасидаги ялангликда қўниш блокчини қолдириб, у ёғига қабила бошлиғи кўрсатган сўқмоқ бўйлаб кетишди. Маймунсимонларнинг сардори сим-девор ёнига етиб келишгач, устини ўт-ўлан қоплаган кичик ғорчани кўрсатди-да, орқасига қайтди. Ҳошнаҳашнинг каллакесарларидан у жуда юрагини олдириб қўйганди.

Ғорга йўлни биринчи бўлиб Мушук буржининг вакили бошлади. У қалин ўсган ўт-ўланларни чеккага суриб пастга жиларкан, оёғи тойиб кетди шекилли, «гуп» этган товуш эшитилди. У зим-зиё ғорнинг ичига тушиб кетганди. Лекин унинг кўзлари қоронғида ҳам бемалол кўрадиган эмасми, дарров орқасидан келаётган Самандар билан Ҳурлиқони огоҳлантирди:

— Эҳтиёт бўлинглар, чоҳ бор экан!..

Чоҳга аввал Самандар, кейин Ҳурлиқо сакраб тушишди. Ғорнинг ичи ҳам торгина, ғадир-будир деворлар ғира-шира кўринади, холос. Улар девор ёқалаб ярим соатча юришди. Қутилмаганда ғор кенгайиб, оёқларининг остида сув пайдо бўлди. Миёвбойнинг шундоқ оёқлари ёнидан аллақандай каламуш «шало» этиб сувга сакради. Қўрқиб кетган Ҳурлиқо кичқириб юбораёзди-ю, Самандарнинг пинжига тикилди. Йигит уни қучоқлаб оларкан, лаблари кизнинг яноқларига тегиб кетганидан, вужудини алланима куйдиргандай бўлди. Улар тиззаларигача сув кечиб, яна аллақанча фурсат йўл босишди. Бир маҳал ғор ғира-шира ёришиб, йўл янада торайди. Улар энди юқорига кўтарилга бошлашди. Ниҳоят, қаердадир тепада хира ёғду пайдо бўлди. Чамаси, улар ғорнинг қарама-қарши томонидаги оғзига етиб келишганди. Улар ғорнинг устини ўт-ўлан босиб кетган кудуқни эслатувчи оғзидан юқорига чиқишганида, олдинда сап-сарик қум тўшалган саҳро ястаниб ётганини, сим-деворнинг эса орқада қолганини кўришди. Сал ўнғроқда саксовулзорни эслатувчи чакалакзор уфққача чўзилиб кетган, чамаси, у бир неча қақирим масофадан аранг кўзга чалинаётган ғалати дўнгликка бориб туташарди.

— Ҳарбий иншоот ўша дўнгликнинг тағида бўлиши керак, — деди Самандар овозини пастлатиб.

Теттада оқшом қўна бошлаган, уфққа чўкиб кетган ёритгич осмон гумбазини қорага мойил сарғимтир рангга бўяб қўйгандай, бамисоли сап-сарик қум тўшалган саҳро сатҳи осмон ойнасида ўз аксини кўрсатаётгандай эди.

Разведкачилар ярим энгашган ҳолда ўзларини «саксовулзор»га уришди. Чакалакзордаги паст-баланд дов-дарахт яшилга мойил жигарранг барг билан қопланган, шунинг учунми, фазогирларни саҳродан туриб дарров пайқаш қийин эди. Самандар Ҳурлиқонинг қўлидан тутганча, Миёвбойнинг орқасидан югуриб бораркан, бирпасда терга ботди.

Дўнгликка қадар уч юз қадамча масофа қолганда, елкасига автоматсимон қурол осган икки соқчи кўринди. Улар дўнглик атрофида бамайлихотир айланиб юришарди.

— Ётинглар! — деди Самандар катта «саксовул» бутасининг тағидаги юмшоқ қумга гавдасини ташлаб. Ҳурлиқо кўз очиб юмгунча каптарга айланиб, қанот қоққанча «саксовул» шохларидан бирига бориб қўнди. Мушук буржининг вакили энди тўрт оёқда дўнглик тарафга югуриб кетди. Самандар Миёвбойнинг соқчилар яқинига етиб боргач, бута орқасига яширинганини кўрди. Ана, соқчилардан бири ундан узоқлаша бошлади. Иккинчиси эса, негадир разведкачи яширинган жойга қараб келарди. Самандар хавотирланганидан бошини кўтариб, ўрнидан туриб кетаёзди. Мана, ҳалиги соқчи жажжи бутачадан сал нарида чалворининг олдини ечишга киришди. Худди шу дамда ғаройиб ҳодиса юз берди. Миёвбойнинг денгизни эслатувчи кўм-кўк кўзларидан қўққисдан ўт сачрагандай бўлди-ю, соқчи ўша ҳолатида тарашадай қотиб қолди. Мушук буржининг вакили нариги томонга жилаётган соқчининг орқасидан югуриб, бошқа бир бута панасига яширинди. Соқчи алланимани пайқади чоғи, хавотирли қиёфада орқасига ўгирилди. Миёвбойга нигоҳи тушиши билан яна икки ўртада митти яшин чақнагандай бўлди-ю, соқчи шу кўйи ҳайкалдек қотди. Мушук буржининг вакили яна югурганча дўнгликнинг нариги томонига ўтиб кетди. Лаҳза ўтмай у бутунлай кўздан ғойиб бўлди. Самандар ўша тарафга ташвиш билан тикиларкан, дўнглик орқасида Миёвбойнинг боши яна бир марта «лип» этиб кўринганини пайқади. Бир маҳал у дўнгликнинг устига чопиб чиқиб,

Самандар билан Хурлиқога «келаверинглар» дея ишора қилди. Енгил нафас олган йигит боши узра оқ каптарни эргаштирганича, дўнглик тарафга қараб югурди.

Миёвбой ер ости иншоотига кираверишда яна бир соқчини тинчителишига тўғри келди. Дўнгликнинг шарқий чеккасида пастга олиб тушувчи мармар зиналар бўлиб, унинг охири улкан қора темир эшикка бориб туташарди. Самандар оқ каптар кўринишидаги ҳамроҳига сим-деворнинг нариги томонига учиб ўтиб, қўниш блокини шу ерга ҳайдаб келтиришни буюрди-да, Миёвбой билан бирга қора эшик сари юрди. Каптар изига қайтиб учиб кетди. Олдида тарашадай қотган соқчи ғўдайиб турган эшикнинг қулфи тилсимланган бўлиб, керакли рақамларни билмаган одам уни оча олмасди. Лекин Миёвбойнинг ўткир нигоҳи бу муаммони ҳам бирпасда ҳал қилди. У ҳар қандай нарсанинг ички қисларини ҳам кўра оладиган эмасми, қулфга бир дақиқа тикилиб турди-да, «6-7-9-1-3-2» рақамлари ёзилган тугмаларни босган эди, темир эшик майин ғириллаб очилди. Ажабо, энди уларнинг кўз олдида ғаройиб манзара намоён бўлди. Тўшамаси ва деворлари кўзни олгудек чарақловчи қизғиш мармардан қилинган ним қоронғи залда у ёқдан-бу ёққа, чамаси, ишчи-роботлар изғиб юришарди. Улар ерлик разведкачиларга эътибор ҳам беришмади. Пол ва шип орқали қандайдир қувурлар, симлар, кабеллар ўтган бўлиб, уларнинг бари залнинг ўнг бурчидаги улкан ҳаворанг темир қутига бориб туташарди. Бу қувур, сим ва кабеллар темир қути орқали, афтидан, яна пастга, ер остига йўналтирилганди. Ўртада темир-бетон пойдеворларга реактор, трансформатор, тақсимлаш қурилмаси, электр улагич, ажратгичга ўхшаган турли-туман асбоб-ускуналар маҳкамланганди. Залнинг қарма-қарши томонига ўзиюрар зина ғириллаб айланиб турар, у ҳам пастга олиб тушарди. Зина орқали чуқурга йўналган фазогирларни янада ғаройиброқ манзара кутарди. Пастда энди юқоридагисидан тахминан юз баравар каттароқ зал ястаниб ётар, унинг ўртасига баҳайбат чинорни эслатувчи улкан қурилмалар ўрнатилган эди. Нимаси биландир атом реакторига ўхшаб кетадиган ана шу қурилмалар атрофида ҳам роботлар аллақандай ишлар бажариб, имирсилаб юришарди.

Кутилмаганда «реактор»лар орасидан уларнинг истиқболига қараб барваста қоматли, кўк либос кийган аллақим кела бошлади. Унинг келгиндиларга таажжуб ва ҳайрат билан тикилаётгани кўриниб турарди. Самандарнинг тахминича, бу робот эмас, балки уларнинг устидан назорат қилувчи навбатчи муҳандис эди. Мана, ниҳоят, улар юзма-юз келишди. Бу эллик ёшлардаги қорамағиз кимса бўлиб, оқара бошлаган қуюқ қошлари туташиб кетган, нигоҳи аллақандай маънос ва изтиробли эди. Лекин «меҳмонлар»нинг уни бир мунча сергак тортиргани кўриниб турарди.

— Сизлар кимсизлар? — сўради у Самандар билан Миёвбойни ўзининг синчков нигоҳидан ўтказаркан. Самандар жавобни куттириб ўтирмади:

— Бизни ҳузурингизга қирол Ҳошнаҳаш юборди, — деди умрида биринчи марта ёлғон гапириб.

Бу гапдан қорамағиз кимса ҳафсаласи пир бўлгандай совуққонлик билан:

— Нишонларингизни кўрсатинг, — деди.

— Қанақа нишон? — сўради Самандар соддалик қилиб қўйганини пайқаб.

Барваста қоматли муҳандис энди уларга очикдан-очик шубҳа билан тикиларкан, кўзларида саросима ифодаси пайдо бўлди:

— Бу ерга... пашша ҳам ўтолмайди, — деди у пича дудуқланиб, — Сизлар қандай кирдингизлар ўзи?

Самандар ҳеч кимни умрида алдамаган эмасми, энди гапнинг пўст калласини айтишга мажбур бўлди.

— Биз Ерданмиз. Ҳамма соқчиларингизни вақтинча шол қилиб қўйдик.

Навбатчи муҳандиснинг кўзлари ногоҳ чарақлаб кетгандай бўлди. Лекин яна ўша совуққон товушда сўради:

— Сизларни ҳам... сургун қилишдимми?

— Йўқ, — деди Самандар қатъий оҳангда. — Биз разведкачилармиз.

Қорамағиз кимсанинг думалоқ юзиде шу заҳоти аллақандай хайрихоҳлик акс этди.

— Демак, сизлар... қирол ҳазрати олийларининг ғанимларисизлар, шундайми?

— Худди шундай.

Муҳандис алланимадан иккиланди чоғи, бир сония сукут сақлаб тургач, негадир ҳаяжонланиб:

— Бўлмаса, орқамдан юринглар-чи, — дея уларни баҳайбат реакторсимон қурилмалар орасидан ўтган йўлак бўйлаб бошлади.

\* \* \*

Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ ерлик авлиёни яқиндагина тушида кўрган эмасми, фазовий десантчилар само кемасининг майда зиналаридан тушиб келаётганидаёқ дарров таниди. Бутун бадани қуруқшаб, кекса дарахт пўстлоғидай ғадир-будир бўлиб кетган, оппоқ соқоли кўксига тушган, паст бўйли, ҳатто бир оз букрироқ кўринувчи бу

мўйсафиднинг авлиё эканлигига ақл бовар қилмасди. Икс галактикаси десантчиларининг бошлиғи у билан ёнма-ён келаркан, сергаклик билан атрофни кузатарди.

Улар коинот бўйича қабул қилинган таомилга кўра ўзаро бош ирғаб салом-алик қилишгач, бу ердан юз кадамча нарида турган Бетта ҳукмдорининг шахсий учиш аппарати томон йўл олишди. Авлиё турфа само кемалари билан тўла ғала-ғовурли ҳаёт қайнаб турган улкан космодромни хотиржам кўздан кечираркан, унинг на ҳайратлангани ва на саросимага тушганини пайқаш мумкин эди.

Ерлик собиқ подшо гапни нимадан бошлашни билмасди. Ҳаким Амир Шайх ҳам ўз хаёллари билан негадир сукут сақларди.

Бошқа кемадан ёнма-ён жой олиб, яна осмону фалакка кўтарилишгач ҳам жим кетишди. Ажабо, авлиёнинг нима учундир қорайиб-буришган юзидан ҳеч қандай маънони англаб бўлмасди.

— Ерда тинчликми? — сўради, ниҳоят, Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ ерлик меҳмон томон бошини ним ўгириб.

— Ерда-ку, тинчлик-а, — деди авлиё чуқур хўрсиниб. — лекин сизларда нима гап, хабарим йўқ.

Нодиршоҳ қандай жавоб қилишни билмай, бир зум жим қолганини кўрган авлиё яна гап қотди:

— Тушунаман, қирол Ҳошнаҳаш борлиқ маъвонинг мутлақ ҳукмдори бўлишдек бебақо мақсадини ўзига ният этган. Лекин сиздек ерлик шаҳаншоҳнинг мақсади не, менга қоронғи.

— Сиз менга буюк қудрат ато этдингиз, ҳазрат, — деди Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ ўйчан ҳолда, — лекин оллоҳ менга олий ҳиммат беришни унутганини назардан соқит қилдингиз. Олий ҳимматга эга бўлмаган қудратли жаҳонгир ёвуз ва ҳақирдир.

— Доно фикр айтдингиз, — деди Ҳаким Амир Шайх ҳам ўйга толиб. — Очиғини айтсам: сиздан бундай гап чиқишини кутмовдим. Лекин, айтишим керакки, агар олий ҳиммат инсоннинг қисматида бўлмаса, ҳатто, мен — авлиё ҳам уни бировга ато эта олишдан ожизман. Зеро, қадимги замоннинг буюк шоири мавлоно Алишер Навоий «Кучук бирлан хўтукни қанча қилма тарбият, ит бўлур, эшшак бўлур, бўлмас асло одами», деганида тамомила ҳақли эди.

— Гапингиздан англашимча, тақдири азал менинг пешонамга жаҳонгирликни эмас, балки фақирликни ёзган, шундайми?

Авлиёнинг чуқур ботган кўзларида нохуш бир ифода акс этди.

— Асло! — деди у қатъий оҳангда. — Арслон баланд тоққа чиқиб сакрагани билан тўлин ойга чағ сололмагани каби фақирликни ҳавас этган жаҳонгир ҳам бунга етолмайди. Зотан, фақирлик кўчама-кўча юриб тиланчилик қилиш деган гап эмас.

Нодиршоҳ энди куюниб гапирди:

— Сиздан тилагим, ҳазрат, менга огоҳлик фазилатини ато этсангиз, токи мен жаҳонгирлик эмас, камтарин фақирлик йўлини тутай.

— Афсусларким, мен бунга қодир эмасман.

— У ҳолда ҳақ менга фақат ёвузликни раво кўрган экан.

— Сиз янглишаяпсиз, ўғлим, — деди Ҳаким Амир Шайх надоматли оҳангда. — Ҳақ ҳеч кимга ёвузликни раво кўрмайди. Ҳар бир инсоннинг кўксига эзгулик ҳам, ёвузлик ҳам бирдай мавжуд. Ҳар бир кишининг қалбига одамийлик билан бирга ҳайвонийлик ҳам яширинган. Ҳамма гап уларни ўз меъёрида юзага чиқариш ёки жиловлан билишда.

Ерлик собиқ подшо энди жуда тушкун оҳангда гапирди:

— Демак, мен қалбимдаги ҳайвоний хислатларни жиловлан билмайман...

— Балли, ўғлим. Лекин менга шу нарса маълумки, ҳар нарсанинг чек-чегараси бўлади...

Улар гап билан бўлиб Беттага етиб келишганини ҳам пайқаман қилишди. Ҳаким Амир Шайхни қиролнинг кўрсатмасига биноан шаҳар чеккасидаги энг яхши ҳукумат чорбоғларидан бирига жойлаштиришди. Чорбоғ икки қаватли шинам бино ва маҳаллий мева-чевалар фарқ пишган, турфа гуллар қийғос очилган кичик бир жаннатий боғдан иборат эди. Бунақа антиқа мевалар ва бунақа анвои гулларни Ерда авлиё умрида кўрмаган эди. Лекин Боғи Эрамни эслатувчи бу оромгоҳ унга алланимаси биландир совуқ ва ҳувиллагандек туюлди. Нодиршоҳ унга яна олти соатдан кейин Альфа сайёрасига, қирол Ҳошнаҳаш аълоҳазратларининг қабулига жўнашлари лозимлигини билдириб, учиш аппаратида яна қаёққадир сафарга отланди. Лекин у қайтиб келганида авлиё ғойиб бўлган эди. Муҳаммад Кабир Нодиршоҳнинг жон-пони чиқиб кетди. Шу заҳоти Ердаги одатига кўра соқчиларнинг калласини таналаридан жудо эттирди. У жами жан-дармни оёққа турғазиб, бутун сайёрага тинтув эълон қилди.

Ҳаким Амир Шайх эса, гиперфазога ўтишининг антиқа йўлини ўзлаштириб олганидан, Нодиршоҳ жўнаб кетиши билан санокли дақиқалар ичидаёқ қайта космопортга етиб борган, сўнгра энди учишга ҳозирлик кўраётган кемалардан бирига хизматчиларнинг кўзини шамғалат қилиб ўтириб олган ва кўз илғамас хатти-ҳаракатлар билан кемадаги бошқа хизматчиларни тушириб юборгач, учувчига Теттага қараб учишни

буюрганди. Учувчи ҳам унинг ўткир нигоҳи таъсирида бамисоли роботга айланган ва ҳозир улар ўтирган кема маймунсимон махлуқлар сайёрасининг орбитасига кира бошлаганди. Авлиё ўз нозик сезгилари ёрдамида Самандар бошлиқ ерлик разведкачилар гуруҳи Теттанинг экватори яқинига қўнганидан воқиф эди. Шунинг учун ҳам учувчига кемани пасайтириб, экватор бўйлаб учишни буюрди. У «Қуёш»нинг қорасини кўрса, бўлди, учувчини изига қайтариб, ўзи бир фурсат ичидаёқ гиперфазо орқали Она Ер кемасига ўтиб олишни мўлжаллаганди.

Бу пайтда осмоннинг ҳар бир нуқтасини синчковлик билан кузатаётган тоборлар авлиё ўтирган ўн кишилиқ енгил спорт кемасини дарров пайқашди. Улар бу ҳақда шу заҳоти Альфага, қирол Ҳошнаҳашга хабар етказишди. Икс галактикасининг ҳукмдори кемани сайёрага қўндириб, барча экипаж аъзоларини зудлик билан ҳибсга олишни буюрди.

Кема радиоэлектрон локаторлар ёрдамида сим-девор яқинига қўндирилиб, тоборлар унинг бўлмасига бостириб киришганида, Ҳаким Амир Шайх яна йўқ бўлиб қолган эди. Учувчи гўё ҳаммаси айнан шундоқ бўлиши керакдек, бўйи ярим газ келадиган чумолисмон тоборларнинг саволларига бамаълихотир жавоб берди:

— Менга космопортда бир оқсоқол мўсафидни Теттага олиб бориб қўйишни буюришди. Мен буйруқни бажардим.

Тоборлар учувчини бирпасда ўраб олиб, қўлларига кишан солишди-да, оёқларини ерга теккизмай пастга олиб тушиб кетишди. Шўрликнинг энди беҳудадан-беҳудага сургунга жўнатилиши кундай равшан эди.

Авлиё Ҳаким Амир Шайх бу вақтда яна ўзининг энг нозик сезгиларига асосланган ҳолда баҳайбат махлуқлар истикомат қиладиган ўрмонда пайдо бўлган эди. Маймунсимонлар улкан чинорнинг туртиб чиққан йўғон илдизи устида ўтирган оппоқ соқолли мўсафидни дарров пайқашди. Бир сониядаёқ уни гурр этиб ўраб олишди-да, ғалағовур бошлаб юборишди. Авлиё худди ўзининг Ергаги Тарзан бошлиқ маймун ошналари билан гаплашаётгандай қуюқ сўрашиб, салом-алиқ қилгач:

— Мен Ердан келган дўстларимни қидириб юрибман, мабодо кўрмадингларми? — деб сўради.

Ажабо, маймунсимонлар мўсафиднинг гапларига тушунишгандай эди. Ўзаро биғиллаб, алланималарни маслаҳатлашишгач, авлиёни бараварига ўрмон чеккасидаги яланглик сари судрай бошлашди. Улар сўқмоқ бўйлаб кетма-кет анча йўл босишди. Маймунсимон махлуқларнинг тили ерлик маймунларнинг тилига жуда яқин эмасми, йўл-йўлакай Ҳаким Амир Шайх анча-мунча нарсадан бохабар бўлди.

Улар «Қуёш» турган ялангликка чиқиб келишганда, ғалати воқеанинг гувоҳи бўлишди. Само кемаси (ҳимоя майдони ишга солинган бўлса керак) ердан ярим газча масофада, ҳавода муаллақ осилиб турар, унинг ёнида изгиб юрган чумолисмон тоборларнинг бири пешонасидаги бодринг тахлит қувурча орқали зўр бериб лазер нури юбораркан, кема қобиғини тешишга беҳуда уринарди. Афтидан, бу — Ҳаким Амир Шайхни бутун сайёра бўйлаб қидира бошлаган тоборларнинг бири, иттифоқо «Қуёш»га рўпара келиб қолганди. Бирдан тобор нур юборишни тўхтатиб, қуюндай тезликда кема атрофини айланиб чиқди. У шу даражада тез югурардики, оёқлари тегирмон парракларидай пирпираб кўринмай кетарди. Тобор яна тўхтаб, энди кеманинг бошқа биқинига нур юборишга киришди. Бу ҳам фойда бермагач, дум-думалоқ калласидан, антенна бўлса керак, узун оқ сим юқорига кўтарилиб чиқа бошлади. Чамаси, у марказ билан алоқа боғлашга қарор қилганди. Бундан хавотирга тушган авлиё бутун иродасини кўзларига жамлаб тоборга тикилди. Биотўлқинлар унга таъсир қилмаслигини англагач, маймунсимонларга мурожаат этиб, анави чумолисмон махлуқни ҳибсга олиш лозимлигини уқдирди. Баҳайбат махлуқлар орқасини ўгириб турган тобор томонга ўқдай отилиб, кўз очиб юмгунча уни малок-ёстиқ қилиб хивичлар билан банди қилиб ташлашди. У ҳатто лазерини ишга солишга ҳам улгуролмай қолди, чунки маймунсимонларнинг бири унинг пешонасидаги бодринг тахлит қувурчани суғуриб олиб, улоқтириб юборган эди.

Шу пайт кема, ажабо, муаллақ турган жойидан оҳиста ерга туша бошлади. Мана, унинг таг қисми ерга бирмунча ботиб кирди. Тулпор буржининг вакили билан Тарзан ҳимоя майдонини ўчирган, энди зинани тушира бошлаганди. Зинадан биринчи бўлиб сакраган Тарзан бамисоли қийқиргандай чийиллаб, авлиёнинг атрофида худди рақс тушаётгандай ирғишлаб айлана бошлади. Унинг кўзлари чақнар, севинчининг чеки йўқ эди. Ҳаким Амир Шайх ҳақида ҳамроҳларидан жуда кўп ажойиб гаплар эшитган Қуюн ҳам унга чуқур ҳурмат билан таъзим қилди. Нейтрино ҳар эҳтимолга қарши кема ичида қолган эди.

— Оббо, Тарзанво-ей, — деди авлиё мамнуният билан унинг елкасига қоқаркан, — бу ёқларга сафарга келиб зап иш қилдинг-да! Шунча қариндош-уруғларинг бор экан! Тарзан севинч билан «ҳа-ҳа-ҳа» дегандай тез-тез бош ирғади.

— Дарвоқе, бошқалар қани?

— Ҳарбий жабҳани тафтиш қилгани кетишди, — жавоб берди Қуюн.

— Дарров-а?

— Бундан икки соатча аввал.



— Анави қачон пайдо бўлди? — сўради Ҳаким Амир Шайх ерда қўл-оёқлари боғлиқ ётган тоборга ишора қилиб.

— Йигирма дақиқача аввал, — деди Қуюн, — биз компьютер ёрдамида бу ердаги ҳарбий кучлар қувватини ҳисоблаш билан банд эдик, бирдан кема титраётгандай туюлди. Иллюминатор орқали қараб, анави роботни кўрдиг-у, дарров ҳимоя майдонини ишга солдик.

— Ҳа, у жуда хавфли, — деди авлиё жиддийлашиб, — дунёда қуролланган роботдан ҳам хавфлироқ нарса бўлмайди. Дарвоқе, ҳали улар яна келишади...

Ҳаким Амир Шайх тағин авлиёлик қилганди. У гапини тугатишга ҳам улгурмай, уфқда яна икки нафар чумолисимон тобор кўринди. Улар жуда тез катталаша бошлади.

— Ерга ётинлар! — қичқирди Ҳаким Амир Шайх ўтлоққа ёнбошлар экан. — Тарзан, сен кемага кириб, яна ҳимоя майдонини ишга сол! Сенда қурол борми? — Қуюнга мурожаат қилди у.

— Ҳа, лазер-тўппонча...

— Жуда соз! Анавилар яқинлашганда «ўқ»қа тута бошла!..

Тарзан югурганча кема ичига кириб кетди. Қуюн қорни билан ўтлоққа ётаркан, тоборларни мўлжалга олди. Кутилмаганда у сакраб турди-да, энгашганча ўрмон тарафга югуриб кетди.

— Қаёққа? — қичқирди авлиё ҳеч нарсага тушунолмай.

— Мен уларни алахситиб тураман, — деди Қуюн йўл-йўлакай, — сизлар орқаларидан ҳужум қиласизлар!

Ҳаким Амир Шайхга бу фикр маъқул тушиб, мамнун бош ирғади. Тоборлар кема олдига етиб келиб, кўққисдан тўхташди. Уларнинг бутун диққат-эътибори кемага қаратилгани учун дастлаб ерда ётган авлиё билан маймунсимон махлуқларни пайқашмади. Улардан бирининг бошида яна оқ антенна оҳиста юқорига кўтарила бошлади. Шу пайт уларни Қуюн лазер-тўппончадан ноҳос «ўқ»қа тута бошлади. Тоборлар шу заҳоти Тулпор буржининг вакили ётган тарафга ўгирилишди. Мана, уларнинг пешоналаридаги фонарсимон қувурча кетма-кет Қуюн ётган жойга бурила бошлади. Ажабо, Қуюн отаётган жаҳаннамий нур уларга заррача таъсир қилмаётганди. Авлиё яна хавотирга тушиб қолди. Агар улар Альфа билан алоқа ўрнатиб, Ҳошнаҳашга кема кўнгани ҳақида ахборот етказишга улгуришса, ишлар чаппасига айланиб кетиши мумкин эди. Шунинг учун у Қуюнга ғойибона усул билан масофадан туриб буюрди: «Антенналарини мўлжаллаб «от»!»... Шу заҳоти тоборлардан бирининг антеннаси лазернинг ипдек қип-қизил нурига йўғрилиб, чирсиллаганича учиб кетди. Лекин айни чоғда иккинчи тобор ҳам антеннасини кўтаришга киришди. Унинг гоҳ юқориси, гоҳ ўнг ва гоҳ чап томонидан учқур нур ғизиллаб ўтарди-ю, лекин мўлжалга тегмас эди. Бу пайтда иккала тобор ҳам Қуюн тарафга қарата қандайдир ингичка ва узук-юлуқ олов дастагини отишар, лекин икаласининг ҳам «ўқ»лари чирс-чирс овоз чиқариб, Тулпор буржининг вакили ётган жой узра ярим газ тепадан ўтиб кетаётганди. Чамаси, бу роботлар фақат юқорини кузатиб, осмондаги нишонларгагина қарши урушишга мўлжалланган, бевосита ердаги нарсаларни эса, нишонга ололмас эди. Афтидан, ҳозир улар фавқуллодда буйруқни бажариш учунгина ўз программаларига мустақил равишда ўзгариш киритиб, ердаги «жабҳа»лар билан «шуғулланишга» мажбур бўлишаётганди. Лекин бу нарса уларга жуда қимматга тушиши мумкин эди. Буни вақтида пайқаган Ҳаким Амир Шайх маймунсимон махлуқларга яна ғойибона усулда ерда судралиб, ўзининг орқасидан тоборлар сари эмаклашни буюрди. Шу чоқ Қуюн иккинчи тоборнинг ҳам антеннасини учираиб юборди. Яна бир неча фурсатдан кейин маймунсимон махлуқлар Альфа билан алоқа ўрнатишдан маҳрум этилган тоборларни уч томондан ўраб олишган, ўзларини ўлжасига отишга шай турган баҳайбат илонлар тўдасидек хезланиб, уларга тобора яқинлашишарди. Тоборлар эса, ҳалиям уларни пайқашмаган, ҳамон Қуюнни беҳуда «ўққа» тўтиш билан овора эдилар.

Кейинги воқеалар кўз очиб юмгунча вақт ичида кечди. Ҳаким Амир Шайх маймунсимонларга яна ғойибона усул билан чумолисимон тоборларнинг «қорни»га маҳкамланган тўртбурчак қутичаларни суғуриб олишни буюрди. Афтидан, мазкур қутичалар уларнинг қувват манбаи эканини у бир қарашдаёқ пайқаган эди. Маҳаллий баҳайбат махлуқлар ғанимларига қуюндай ташланиб, чанг солганча кичкина қутичаларни суғуриб ташлашди. Тоборлар шу заҳоти худди ўқ теккандек кўп оёқли тиззалари букилиб, шалпайиб қолишди. Ҳаким Амир Шайх хурсанд ҳолда ўрнидан туриб, эгни-бошини қоқаркан, қўл-оёқлари боғлиқ тоборларни ҳам қувватдан маҳрум этишни лозим топди. Унинг бу амри ҳам бир дақиқадаёқ адо этилди.

Уларни «Қуёш»нинг иллюминатори орқали ташвиш ва хавотир билан кузатиб турган Тарзан ҳар эҳтимолга қарши ишга солган ҳимоя майдонини ўчирди-да, югуриб ташқарига чиқди. У яна авлиёнинг атрофида ирғишлаб айланаркан, ўз тилида алланималар дея чийиллар эди.

Навбатчи муҳандис Самандар билан Ҳурлиқоларни реакторсимон улкан қурилмалар орасига ўрнатилган шиша деворли хийла катта хонага бошлаб кирди. Афтидан, бу бошқарув пульта бўлиб, тўрдаги столга турли-туман асбоб-ускуналар ва юзлаб митти чироқлар маҳкамланган, ўнг томондаги одам бўйи баравар ҳаворанг деворга ниманингдир ўта мураккаб электр чизмаси осилган, пультанинг қаршида бир неча юмшоқ курсилар териб қўйилганди. Хонанинг шипи ўзидан сутранг нур таратиб турар, шунинг учун бу ер худди кундузгидек нурафшон эди.

— Марҳамат, ўтиринглар, — деди навбатчи муҳандис қўли билан чап томондаги девор тагига тизилган курсиларга ишора қилиб. Самандар бошлиқ фазогириллар биринкетин ўриндиқларни эгаллашгач, ўзи ҳам пульта ёнидаги айланма курсини тескари буриб ўтирди-да, уларга синовчан тикилганча бир сония сукут сақлади. Кейин негадир паст овозда гап бошлади:

— Вақтимиз зиқ. Шунинг учун ҳозирча асосий гапларни гаплашиб олсак. Умуман, биз Бирлашган Галактикалар Уюшмаси бир кун бўлмаса бир куни сайёрамизга ҳеч курса разведкачилар гуруҳини юборишини билардик.

— Биз деганингиз ким? — сўради Самандар.

— Асосан, ҳарбий жабҳадаги муҳандис ва бошқа ходимлар, Теттада истиқомат қилувчи зиёлилар. Гап шундаки, Ҳошнаҳаш бизларни бамисоли қуллардай ишлатади. Бирортамиз «финг» десак, ё катагон қилинамиз, ёки жойимиздаёқ исми-шарифимизни ҳам сўраб ўтирмай отиб ташлашади. Ҳарбий жабҳа қурилиши йўлида эса, қирол сайёранинг маҳаллий аҳолиси — маймунсимон махлуқларнинг ярмидан кўпини қирдириб ташлади.

— Сизлар қанақа ҳарбий иншоот қураяпсизлар ўзи?

Навбатчи муҳандис ҳайрат билан қошларини чимирди:

— Нима, сизларнинг бундан хабарларингиз йўқми?

— Биз галактикангиз ҳақида умуман ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз.

— Бўлмаса эшитинглар. Биз деярли ўттиз йилдан бери коинот миқёсида мисли кўрилмаган даҳшатли қурол барпо этиш устида иш олиб борамиз. Умуман, бутун бошли сайёрани яхлит бир қурол дейиш мумкин, тасаввур қилаяпсизми?

— Унчалик эмас, — деди Самандар баралла, эҳтиёткорликни унутиб. Бундан хавотирга тушган муҳандис пичирлаб:

— Илтимос, сал пастроқ овозда гапласак, бизда деворнинг ҳам қулоғи бор, — дея огоҳлантирди-да, гапини давом этдирди; — Сайёранинг жанубий қутбига учта улкан двигателни тиклаш ишлари деярли поёнига етказилди. Бу деган гап — Тетта яқин бир-икки йил ичида ҳали бутун галактика тарихида мисли кўрилмаган бениҳоя улкан фазовий кемага айланиб, сониясига юзлаб чақирим тезликда коинотнинг истаган нуқтасига учиб кета олиши мумкин.

— Ахир, бундай катта тезликда у атмосферасидан ажралиб қолмайдими?

— Ҳаммаси ҳисоб-китоб қилинган. Ахир, кема-сайёра лойиҳасини коинотдаги энг буюк тафаккур эгалари ишлаб чиқишган-да! Лекин даҳшатли шундаки, Теттанинг экватори бўйлаб юздан ортиқ ўта қудратли қувватга эга аксгравитацион қурилмаларни барпо этиш ишлари ҳам тугай деб қолди.

— Аксгравитацион қурилмалар?..

— Ҳа, бу қурол ёрдамида коинотдаги истаган сайёрада даҳшатли зилзилалар, сув тошқинлари юзага келтириш, ҳатто уни ўз ёритгичига қулатиб юбориш ҳам мумкин.

— Ё тавба! — хитоб қилишди Самандар билан Миёвбой бараварига.

— Жуда даҳшат-ку, бу ахир?! — деди Миёвбой худди улкан този ит қувлагандагидай борлиқ вужуди жимирлаб. — Бунақанги ёвузликка бел боғлаган одамларни нега «қора туйнуқ» ўз қаърига ютмас экан-а?!.

— Ҳамма бало шундаки, бу қурол-сайёра планеталар, ҳатто ўша баъзи кичикроқ «қора туйнуқ»ларнинг ҳам гравитацион кучларини издан чиқара олишга қодир, — деди навбатчи муҳандис гапида давом этиб. — Лекин сизларнинг зиммангизга ўта оғир вазифа юкланган. Сизларни худди суваракдек янчиб ташлаш қирол Ҳошнаҳаш учун қийин иш эмас. Лекин кўрқманглар, биз сизларга ёрдам берамиз. Айтганча, кемаларнинг қаерга қўнган?

— Жанубий ўрмон ёқасидаги ялангликка, — жавоб берди Самандар.

— Сим-девордан узоқдами ишқилиб?

— Ҳа.

— Кемани кўзга кўринмас қилишнинг иложи борми?

— Бор, албатта. Лекин бунинг учун жуда кўп қувват захирамизни ишлатишимизга тўғри келади-да.

— Ҳечқиси йўқ. Кемани зудлик билан кўздан яшириш керак. Бизда қувват истаганча топилади, керагича олаверасиз. Кейин сизлар норасмий ташкилотимизнинг раҳбарлари билан учрашишларингиз керак бўлади.

— Норасмий ташкилот?..

— Ҳа, бизда «Хурлик» деган Ҳошнаҳаш диктатурасига қарши яширин ташкилот бор. Лекин унинг жуда кўп фаолларини қирол сургунга жўнатган. Шунинг учун ташкилотимиз қирол Ҳошнаҳашнинг ўзини сургун қилиш ҳақида бир қарорга келиб қўйган.

— Айтинг-чи, раҳбарларингиз билан учрашдик ҳам дейлик, лекин ҳозирги шароитда биз бирлашиб, нималарни амалга оширсак бўлади?

— Бу ҳақда ҳозирча бир нарса дея олмайман. Аммо биз бирлашсак жуда кўп ҳолларда ютамиз. Якка чўпни синдириш осон, лекин мингта чўпни-чи!..

— Бу бизга тушунарли, лекин...

Шу пайт Самандарнинг ўнг билагига тақилган оҳу кўзли узук майин мусиқий овоз чиқара бошлади-ю, фазогирлар тараддудга тушиб қолишди.

— Биз кетишимиз керак, кемада бир гап бўлганга ўхшайди, чақиршаяпти, — деди Самандар қовоғини уюб.

— Унда сизлар билан яна қачон учрашамиз? — сўради муҳандис ҳам ўрнидан туриб, ҳамроҳларини ташқарига бошлар экан.

— Истаган чоғда қаерга десангиз, биз етиб келамиз.

— Жуда яхши. У ҳолда эртага шу вақтда мана шу хонада кўришсак. Унгача мен норасмий ташкилотимиз раҳбарларини огоҳлантириб чиқаман. Соқчиларни эса, бугунгидай вақтинча шол қилиб қўйиш, ўйлашимча, сизлар учун қийин иш эмас.

— Ҳа, улар яна бир соатдан кейин ўзларига келиб, худди ҳеч нарса кўрмагандек иншоотларингизни қўриқлашда давом этишади.

— Жуда соз!

Улар қора эшик бўсағасида самимий хайрлашишгач, Самандар ва Миёвбой ҳайкалдек қотиб турган соқчилар олдидан ўтиб, дўнгликнинг орқа томонига қараб юришди. Ажабо, бу ерда уларни яна бир фавқулодда воқеа кутаётганди. Хурлиқо дўнглик яқинига қўнишга уриниб, ликопчасимон қўниш блоки — «Ой»ни гоҳ пасайтирар, гоҳ тепага кўтарар эди. Лекин пастда тўртта чумолисимон тобор ерда тўрт томондан туриб, бодринг тахлит қувурчаларини юқорига кўтарганча уни ғизиллатиб «ўқ»қа тутишар, лекин даҳшатли нур тизмалари кема қобиғига тегиши билан учқунларга айланиб, худди синган шиша кукунларидай атрофга сачрар, кичик мушакчалар ҳосил қилар эди. Тоборларнинг бири ногоҳ отишдан тўхтаб, думалоқ бошидаги антеннасини юқорига кўтара бошлади.

— Эҳ! — деди Миёвбой муштларини тугиб, — аксига олиб, ҳеч қандай қуролимиз йўқ!..

Шу пайт улар аллақандай «ту-ту»лаган овозни эшитишди. Ҳалиги тобор, афтидан, қаёққадир ахборот узата бошлаганди. Бунинг олдини олиш керак эди. Самандар икки-уч сакрашдаёқ чумолисимон тоборнинг устига келиб тушди-да, иккаласи жон-жаҳди билан олиша кетишди. Йигит даставвал унинг антеннасини ғижимлаб шартта суғуриб ташлади-да, сўнгра ўзи тарафга оҳиста бурила бошлаган қувурчасини чангаллади. Лекин шу пайт тоборнинг пўлатдай чайир саккизта оёғи Самандарнинг белига чиппа ёпишиб, умуртқа суякларини қарсиллатиб юборди. Кучли оғриқдан йигитнинг кўзлари олайиб, қинидан чиқиб кетаёзди. Шу ондаёқ ёрдамга етиб келган Миёвбой нима қилишини билмай, саросима ичида тоборнинг думалоқ калласини бор кучи билан бурашга киришди. Ажабо, шу чоқ алланима «шиқ» этди-да, унинг боши худди мурватдай буралиб чиқа бошлади.

Бу пайтда Хурлиқо «Ой»ни ҳамон «ўқ» отиш билан банд тоборлардан бирининг устига қўндириб, уни ғажиб ташлаган, энди кемачани яна тепага кўтариб, иккинчисига ҳужумга ўтганди.

Миёвбой, ниҳоят, Самандарни ҳамон эзғилаётган тоборнинг калласини танасидан ажратиб олди-ю, унга уланган бир шода олақуроқ рангли симларни аёвсиз тортқилаб узишга киришди. У энг йўғон қизил симни узишга ҳарчанд уринмасин, қурби етмади. Шу пайт Самандар чангаллаб олган қувурчанинг осмонга қараган оғзидан визиллаб жаҳаннамий нур отила бошлади. Фурсатдан фойдаланган Миёвбой қизил симнинг ўртасини нурга тутган эди, у чирсиллаб узилиб тушди. Шу заҳоти нур оқими тўхтаб, чумолисимон тобор шалпайди-қолди. Самандар унинг кутилмаганда бўшашган чайир оёқлари орасидан чиқиб, қаддини ростлар экан:

— Умуртқамни синдирай деди-я, лаънати, — дея қиз жанг қилаётган томонга ўгирилди.

Хурлиқо қўниш блокида учинчи тоборни ҳам янчиб ташлаб, тўртинчисининг орқасидан қувиб бораётганди. Ажабо, сўнги тобор даҳшатли тезликда қочиб тушган, айни пайтда йўл-йўлакай антеннасини чиқаришга уринаётганди. Буни пайқаган Миёвбой ҳам уни қува кетди. Тобор ўта тезкор, Миёвбой ундан ҳам тезроқ югурарди. Улар шу даражада тез чопишардики, оёқлари худди ногора чўпларидай пирпираб, ҳатто кўзга кўринмай қолаётганди. Кетма-кет уларнинг орқасидан қўниш блокида Хурлиқо учиб келар, яна сал орқароқда Самандар югуриб борарди.

Мана, Миёвбой тоборга бир қадам қолганда ўнг панжасини чўзиб, унинг думалоқ бошини чапга қараб бурашга киришди. Кейин югуриб кетаётган жойида чап панжаси билан ярми чиқиб улгурмаган антеннани қайириб, эзғилашга тутинди. Шу пайт чимли

сўқмоқда нимагадир қоқилишди шекилли, иккаласи ҳам юмалоқ-ёстиқ бўлиб учиб кетишди. Айни сонияда орқаларидан етиб келган Хурлиқо «Ой»да пастлай бошлади. У Миёвбойдан беш қадамча нарида ётган сўнги чумолисимон тоборнинг устига келиб қўнди-да, люкни очиб, пастга енгил сакради. Сўнгра чопқиллаб бориб Миёвбойга ўрнидан туришга ёрдамлашаркан, Самандарнинг ҳам ҳансираганча етиб келганини кўриб суюниб кетди.

Улар учовлон энди қўниш блокига ўтириб, «Қуёш» турган ялангликка жўнаб кетишди. Лекин ялангликка етиб келишгач, ҳайратдан оғизлари очилиб қолди: «Қуёш» жойида йўқ эди! Унинг бирор ёққа учиб кетиши мумкин эмас. Самандарнинг буйруғисиз уни кўринмас ҳолатга келтирувчи қурилмани ишга солишга ҳам ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Қизиқ, кема яна қаёққа ғойиб бўлиши мумкин?!

Улар қўниш блокани бир неча соат аввал «Қуёш» турган жой яқинига қўндириб, пастга тушишди. Ҳайрон бўлиб атрофни кузатишаркан, ҳаммаёқ осойишта эканлигига ишонч ҳосил қилишгач, Самандар ҳамроҳларига савол назари билан тикилди. Хурлиқо билан Миёвбой ҳам нима дейишга ҳайрон, ташвиш ва саросимада ўзаро кўз уриштиришарди. Йигит ҳозир маънос тортган, бирор ақлли маслаҳатга муҳтож эди.

Шу пайт Самандар ногаҳон сесканиб кетди. Унинг шундоқ рўпарасида ердан чиқдимиди, осмондан тушдимиди, авлиё Ҳаким Амир Шайх вазмин жилмайиб турарди.

— Ота! — дея хитоб қилди йигит унинг истиқболига қараб юраркан.

— Уғлим! — деди авлиё меҳр тўла кўзларига ёш қалқиб. Улар маҳкам қучоқлашиб кўришишди.

— Саломатмисиз? Яхши етиб келдингизми, устод! — сўради Самандар юзига табассум ёйилиб.

— Яхши, яхши. Ўзларинг қалайсизлар? Мен етиб келгунча анча ишни битириб қўйибсизлар-ку!

— Унчалик эмас, — бошини қашиб қўйди Самандар. — Кемамизни йўқотиб қўйдик...

— Хавотир олманглар. Кеманглар шу ерда, кўринмас қобиқ остида.

Фазогирларнинг елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди.

— Хайрият, — деди Самандар енгил нафас олиб.

— Нейтринога мен шундай буйруқ бердим. Чунки Ҳошнаҳашнинг қароқчилари истаган пайтда сизларни пайқаб қолишлари мумкин. Унда ишимиз мураккаблашади. Ҳозир бўлса, вақтимиз анча зик, дўстларим! Мен жўнаб кетишим керак. Қирол билан Мўхаммад Кабир Нодиршоҳнинг одамлари мени қидириб, Беттада ҳаммаёқни остин-устун қилиб ташлашган бўлса керак, ҳойнаҳой. Шунинг учун ҳам сизларни шошилини чакиртиришимга тўғри келди. Хўш, ҳарбий иншоотни кўра олдиларингми?

— Ҳа, анча нарсаларни билиб келдик.

— Бу ҳақда кейинроқ, мен қайтиб келганимдан сўнг гаплашамиз.

— Муҳими, — шошилини давом этди Самандар, устози кетиб қолишидан хавотирга тушиб, — бу ерда норасмий яширин ташкилот бор экан.

— Ҳаммасидан хабарим бор, ўғлим. Кўз тегмасин, ҳозирча тўғри йўлдан бора-япсизлар. Бирдан-бир маслаҳатим: жами тараққийпарвар кучлар билан бирлашинглар, зинҳор ва зинҳор бирлашинглар! Ҳошнаҳашни кўпчилик бўлибгина инқирозга учратиш мумкин. Яширин ташкилот раҳбарлари билан албатта учрашиб, умумий ҳаракат режасини тузиб олинглар.

— Тушунарли, устод! — деди Самандар авлиёнинг мақтовларидан ёш боладай оғзи қулоғига етиб.

— Бўлмаса, яхши қолинглар. Эртага яна кўришгунча хайр! — Ҳаким Амир Шайх шундай деди-да, ажабо, турган жойида кичрая бошлади. У гиперфазога сингиб бораётганди. Дастлаб лилипутдай, сўнгра чакалоқдай, яна бир сониядан кейин нўхотдай шаклга кирди-да, охири кўздан ғойиб бўлди. Самандар билан Миёвбой оғизларини очганча ағрайиб қолишди.

Шу чоқ кўринмас қобиқ остидаги «Қуёш» аста-секин шаффоф тусга кира бошлади. Мана, у тобора «жонланиб», ниҳоят, кеманинг кумушранг уствори оқшом ёғдусида сокин сув сатҳидай жилваланар эди. Хурлиқо кеманинг орқа дарчалари очилганини кўриб, «Ой»ни ўз жойига киритиб қўйиш учун қўниш блоки сари юрди. Самандар зина орқали Миёвбойни ичкарига ўтказиб, ўзи юмалоқ эшик оғзида ўйчан ҳолда атрофга тикилди.

Ҳайбатли ўрмон оша ястаниб ётган уфқ қонталаш рангда, ғарбдан шарққа қараб чўзилган заррин камарлар кўзни олгудек серёлқин ва сержило эди. Ўрмоннинг сўл тарафидан бошланувчи дашт энди Хурлиқонинг сочлари каби қорамтир тусга кирган, сукунат оғушида оғир нафас олаётган баҳайбат ва сирли мавжудотга ўхшаб кетарди. Самандар Ердаги ана шундай манзарали болалик оқшомларини эслади. Ўзларининг чўққилар ёнбағридаги уяларида бургутваччаларнинг иссиқ пинжига тикилиб ётаркан, тепаларида дастлаб Она Бургут, сўнгра Ота Бургут пайдо бўлишарди. Улар ўз фарзандларига панжаларида албатта бирорта егулик нарса олиб келишган бўларди. Шунда бургутваччаларга қўшилиб бола ҳам ўзини егуликларга отар, тортганини тортиб, юлга-

нини юлиб, паққос туширарди. Сўнгра яна бургутвачча ака-укаларининг пинжига тиқилиб, ажойиб ва ғаройиб тушлар кўриб, шириндан-ширин уйқуга кетарди. Кейинроқ каттароқ бўлганида у ўзига тошлардан уйча қуриб, одамлардек алоҳида ётадиган бўлганида ҳам ўша болаликдаги уйқуларини тез-тез қўмсайдиган одат чиқарди. Одамзод ҳозир турли ҳақдорилар ёрдамида ҳафталар, ойлар мобайнида ҳордиқ чиқармай, ухламай юравериши мумкин. Ана шунда бирдан кўнглинг табиий уйқуни тусаб қолади-ю, ёстиққа бошинг тегиши билан тошдай қотиб, мириқиб хуррак тортасан. Лекин ўша болаликдаги ваҳимали чўққилар орасидаги табиий ва осуда уйқуга ҳеч нарса етмаслигини йигит ёши бир оз улғайгандан кейингина англаб етди.

Самандар вужудида чарчоқ ва оғир лоҳаслик ҳис қилар экан, бу кеча ҳақдори ютмасликка, қадимий аждодларидек ечиниб, тўшакда бемалол оёқларини узатиб ухлашга жазм этди.

Шу чоқ ичкаридан Нейтринонинг:

— Тоборлар! — дея қичқиргани эшитилди. Йигит сергак тортиб, дашт бўйлаб ўзлари тарафга бамисоли қўндек учиб келаётган ўн чоқли чумолисимон тоборни кўрди. Шу заҳоти ичкарига югураркан, биороботга:

— Барча эшик ва дарчалар беркитилсин! Кўринмас қобиқ ишга солинсин! — дея бўйруқ берди.

Чумолисимон тоборлар ўрмон ёқасидаги ўтлоқзор ялангликка етиб келишганда, «Қуёш» бамисоли ҳавога сингиб кетгандай кўздан ғойиб бўлган эди. Ҳошнаҳашнинг темир аскарлари саросимада у ёқ-бу ёққа аланглагандай ғалати хатти-ҳаракатлар қилишди-да, яна дашт томонга югуриб кетишди.

\* \* \*

Авлиё Ҳаким Амир Шайх Нодиршоҳ бошлаб борган чорбоғнинг шинам айвонида аввал нўхотдек, кейин лилипутдек, охири ўз асил ҳолига келиб, қаддини ростлаганида, сал нарида айланиб юрган соқчи эсхонаси чиқиб қичқириб юбораёзди. У кўзлари олақула бўлиб авлиёга тикиларкан, умумқоинот тилида қўрқа-писса:

— Қаерда эдингиз, ҳазрат? — деб сўради.

Ҳаким Амир Шайх мармар зиналар орқали шошилмай пастга туша бошларкан:

— Ичкарида ҳордиқ чиқараётгандим. Нима эди? — деди ажабсинган бўлиб.

— Ахир, ичкарида ҳеч ким йўқ эди-ку?!.. — соқчи азбаройи хурсанд бўлиб кетганидан оёқларини қўлига олгудек югурганча ташқарига интилди. Дарвоза ортида ҳам соқчи қўйилган бўлса керак, унинг ҳаяжон ичида алланималар дегани эшитилди-ю, дарров яна қайтиб кириб, авлиёга маъноли тикилганча кўтаринки кайфиятда у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

Ҳаким Амир Шайх шапалоқдай-шапалоқдай баргли ям-яшил дарахтлари анвойи гуллар қуршаган боғнинг ўртасидан ўтган йўлка бўйлаб ичкарига жилди. Унга табиат қўйнидаги тунги сайл жуда хуш ёқарди. Лекин у ҳозир ҳеч нарсани кўрмас, ўз хаёллари билан банд эди. Ерлик разведкачилардан унинг кўнгли хотиржам эди. У қирол Ҳошнаҳаш билан Муҳаммад Кабир Нодиршоҳдан кўпроқ хавотир қиларди. Улардан истаган вақтда қабиҳликни кутиш мумкин. Бу олампараст валломатлар ундан авлиё сифатида кўп нарсаларни кутишди, албатта. Айтайлик, у буларнинг доимий хизматида бўлиб, Ҳошнаҳаш салтанатининг истиқболлари ҳақида башоратлар қилса, уларга ва яқинларига ғайритабиий куч бағишласа, кўп сонли аскарларининг руҳан тетик, жисман баҳодир бўлиб тарбияланишларига кўмаклашса... Сирасини айтганда, у Ҳошнаҳашга жуда кўп масалаларда ёрдам бера олади ва буни қирол яхши билади. Уни мазкур галактикага ана шу мақсадда ўғирлаб келтиришган эди. Ҳамма фожиа шунда эдики, Ҳошнаҳаш билан Нодиршоҳни улар танлаган хавфли йўлдан қайтариш ҳатто авлиёнинг ҳам қўлидан келмасди. Боз устига бу икки ёвуз ва мустабид ҳукмдор ўртасидаги муносабат ҳам Ҳаким Амир Шайхга қоронғи эди. Унинг тахминича, қирол Нодиршоҳдан бир мунча ҳайиқиши, ерлик собиқ подшо эса, қироллик тахтини эгаллашни кўнглининг бир чеккасига туғиб юрган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас эди. Миясига келган фавқулодда фикрдан Ҳаким Амир Шайхнинг кўзларида айёрона бир учқун милтиллади. Ахир, улар орасидаги ана шу... ихтилофдан фойдаланиш мумкин-ку?!

Шу пайт ташқарида шовқин кўтарилиб, шарақлаб кўча эшиги очилгани эшитилди. Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ орқасида ҳарбий бош қўмондонни эргаштирганча шахдам кириб келди. Унинг кўриниши вазоҳатли, нигоҳидан қора кўзойнак орқали ҳам қаҳр-ғазаб учқунлари ёғилаётгандай эди.

— Салом, ҳазрат! — деди у бақиргудай овозда авлиё билан юзма-юз келиб. — Одамни шунчалик ҳам хавотирга соласизми? Бутун сайёрани ағдар-тўнтар қилиб юбораёздик. Қаерда эдингиз ўзи? — у азбаройи ҳаяжонланганидан саволига жавоб кутмасданок бетоқатлик билан гапида давом этди: — Яхшиям топилиб қолдингиз, йўқса қирол аълоҳазратлари нақ пўстимизга сомон тиқар эди. Қани, энди кетдик! Альфага жўнашимиз керак! Ҳозироқ!

У эпчил ҳаракат билан авлиёнинг қўлтиғидан олиб, ташқарига бошлади.

— Ҳошнаҳаш билан гаплашишга сира ҳушим йўқ, — деди авлиё руҳсиз ҳолатда. — У жуда ёвуз одам. Сиз билан... бошқа гап, ҳар ҳолда ватандошмиз...

— Қирол аълоҳазратлари, — деди у негадир овозини пасайтириб, — сиз билан бизнинг хоҳишимизга қараб иш қиладиган одам эмас...

— Ахир, бу инсон ҳуқуқини поймол қилиш ва коинот миқёсида қарор топган демократияни бўғиш-ку! — деди Ҳаким Амир Шайх аччиғланиб.

— Инсон ҳуқуқи... демократия... бизда қуруқ гап, холос.

Улар Бетта ҳукмдорининг ташқари эшик қаршисидаги майдончага қўндирилган шахсий учиб аппаратида Альфага йўл олишганида, авлиё суҳбатни яна давом этдирди:

— Бир оёғи ерда, бир оёғи гўрда бўлган кекса одамни шунча жойга олиб келиб, нима наф кўрмоқчисизлар ўзи? — сўради у қовоқ-лунжи осилиб.

— Менинг бу ишга алоқам йўқ, — жавоб берди Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ, — буни қирол аълоҳазратларидан сўрайсиз.

— Икки гапнинг бирида қирол-қирол дейсиз, — Ҳаким Амир Шайхнинг яна жаҳли чиқа бошлагани кўриниб турарди, — нима, бошида шохи борми унинг? Шунақа даҳшатли одамми?

— Секинроқ ҳам айтасизми, — деди Нодиршоҳ тагин овозини пасайтириб.

Авлиё пича сукут сақлаб турди-да, унга маъноли тикиларкан:

— Лекин аслида сиз ундан ҳам даҳшатлироқ одамсиз, — деди вазминлик билан. — Эшитишимча, у қандайдир афсунгар, экстрасенс, холос. Аммо сиз ҳеч кимда йўқ қудратли кучга эгасиз.

Муҳаммад Нодиршоҳнинг дилига негадир ғулғула тушди. Унда яна умидворлик туйғуси уйғонган эди. Авлиё нимага шаъма қияпти ўзи? Қироллик тожи аслида сеники, демоқчимиз?

— Сизда ҳиммат ва жасорат етишмайди, холос.

Бетта ҳукмдори худди кимдир устига бир челак совуқ сув тўқкандай сапчиб тушди. Авлиёнинг гапи айни нишонга теккан эди. Агар Ҳаким Амир Шайхнинг ўрнида бошқа одам бўлганида, у жунбушга келган ва жаҳолат ичида «маҳбус»ни очик фазога улоқтириб ташлаган бўларди. Лекин ҳозир тишини тишига босди.

Бу ёғига кема Альфага қўниб, Ҳошнаҳашнинг қароргоҳига кириб борганларига қадар улар сукут сақлашди. Нодиршоҳ авлиёни қабулхонада қолдириб, ичкарига кирди-ю, нафаси бўғзига тикилиб, ҳайкалдек қотиб қолди. Чунки Ҳошнаҳашнинг қиёфаси ўта ғазабнок, заҳар томиб турган юзи аввалгидан ҳам бешбаттар қорайиб кетган эди.

— Қаёқда санқиб юрибсиз? — қичқирди у жаҳл билан, — Авлиёни қочириб юборганингиз етмагандек, Теттага десант туширилиб, тоборларимизни қира бошлаганига йўл қўйганингиз нимаси?! Йўқ, сиздай ярамас, масъулиятсиз ҳукмдорни тўппа-тўғри шимолдаги энг олис галактикага сургун қилиш керак! Ҳа-ҳа! Сургун қилиш керак, вассалом!

Ҳошнаҳашнинг қаҳру ғазаб тўла катта-катта кўзлари Муҳаммад Нодиршоҳни бир зумдаёқ афсун қилиб қўйганидан, у тобора букчайиб борар, қимир этишга ҳоли қолмаган эди.

— Авлиё... шу ерда, ҳазрати олийлари... — деди у аранг тили калимага келиб.

— Олиб кириг! — қичқирди қирол ҳамон ғазабини босолмай. — Ўзингиз эса, ҳозироқ биринчи жанговар ўрдани Теттага сафарбар этиб, десантчиларни қуршовга олинг. Ҳа-ҳа, ҳозироқ жўнанг!..

Нодиршоҳ оёқларини зўрға кўтариб қабулхонадан чиқди-ю, шу заҳоти сочлари тикка бўлиб кетди. Соқчи автоматсимон қуралини ҳозиргина Ҳаким Амир Шайх турган жойга тўғрилаганча кўзлари аланг-жаланг ҳолда бақа бўлиб қолган, авлиё эса, яна қаёққадир йўқолган эди. Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ беихтиёр инграб юборди.

— Бир қошиқ қонимдан кечинг, жаноби олийлари! — деди соқчи титраб-қақшар экан. — Ҳозиргина шу ерда турувди, бир сония дераза томон ўгирилганимни биламан, яна қарасам, жойида йўқ!..

Нодиршоҳ кўзойнагини ечиб, лаънати соқчини осмону фалакка улоқтириб юбормоқчи бўлди-ю, вақтида ўзини тийди.

— Ҳамма соқчиларни оёққа турғазинг! — хирқиради у томоғига алланима тикилгандай. — Ҳали узоққа кетмаган бўлиши керак. Бино ичидаги ҳар бир тирқиш текширилсин!..

Ҳошнаҳашнинг қароргоҳи бирпасда тўс-тўполон бўлиб кетди. Автоматсимон қуролли соқчилар даҳлиз ва хоналар бўйлаб шаталоқ отиб у ёқдан-бу ёққа югуришар, худди исковуч итлардай бинодаги ҳар бир қарич ерни синчиклаб кўздан кечиришарди. Улар орасида Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ ҳам лўкиллаб югуриб бораркан, негадир шипларни ҳам бот-бот нигоҳидан ўтказарди. Лекин авлиё ерда ҳам, кўкда ҳам кўринмас эди.

— Йўқ, сизни сургунда эмас, қадимги замондагидай танангизни қийма-қийма қилиб, чавоқлаб ўлдириш керак! — нафрат билан қичқирди қирол Ҳошнаҳаш Нодиршоҳ сувга тушган бўлка нондек бўшашиб яна ҳузурига қайтиб кирганида. Ажабо, ерлик собиқ подшо қиролнинг қаршисида доимо ўзини ёш боладек ожиз ва нотавон ҳис

қилар, Ҳошнаҳаш уни кўнглига сиққанча ҳақоратлаши, масхаралаши мумкин, қизиғи шундаки, Нодиршоҳ булар учун қандайдир жавоб бериш, қасдини олиш, қора кўзойнагини ечиш ҳақида ўйлашга ҳам журъат этолмас эди. Ҳошнаҳаш қисқа вақт ичида қул табиатлиликни қандайдир йўллар билан бамисоли унинг қон-қонига сингдириб юборгандек, умуман, у ўз салтанатидаги жамики фуқарода ана шундай итоатгўй руҳият шакллантиришга тўла муваффақ бўлгандек эди.

Ҳошнаҳаш қаҳр-ғазаб ўтида ёнаркан, бирдан жазавага тушиб ўзини Бетта ҳукмдорининг устига отди-да, худди қаратэчилардай бор кучи билан кўкси, қорни ва тиззаларига аямай тепкилай кетди. Гавдали, вазмин, ёши бир жойга бориб қолган одамнинг шундай энгил хатти-ҳаракатларга қодирлигига сира ақл бовар қилмасди. Агар эшик очилиб остонада негадир синовчан соқчи пайдо бўлмаганида, қиролнинг Нодиршоҳни бир бало қилиб қўйиши аниқ эди. Ҳошнаҳаш тепкилашдан тўхтаб, ғазабнок нигоҳини соқчига қадади.

— Гапир тезроқ, лаънати! Нима дейсан?!..

— Ҳазрат авлиё... ҳожатхонада эканлар, — деди соқчи кўрқа-писа оғзининг танобини қочириб.

Қиролга ҳам, Муҳаммад Нодиршоҳга ҳам бамисоли жон киргандай бўлди. Ҳошнаҳаш қўлларини белига тираган, Беттанинг ҳукмдори эса, қандайдир букчайиб, ғужанак бўлиб олган ҳолда ялт этиб бир-бирларига қарашди. Сўнгра қирол кўққисдан шунақанги қаҳ-қаҳ уриб қулишга тушдики, деразалар зириллаб, оёқлари остидаги тўшамга қисирлаб кетди. Ҳаким Амир Шайх соқчини бир дақиқа ухлатиб қўйиб, аслида ҳам ҳожатхонага кирган, у ердан гиперфазога ўтиб, Теттадаги кўринмас қобиқ остидаги кемада пайдо бўлган ва «Кўёш»нинг экипаж аъзоларига уларга қарши сайёрага яқин вақт ичида Икс галактикасининг биринчи жанговар ўрдаси жўнатилиши ҳақида хабар бериб қайтган эди.

Қирол Ҳошнаҳаш қандай кўққисдан қаҳ-қаҳ ура бошлаган бўлса, шундай фавқулодда кулгидан тўхтаб, жиддий қиёфага кирди. Соқчига қарата:

— Олиб кириш уни! — дея буюрди. Нодиршоҳга эса, қандайдир совуққонлик билан амр этди: — Сиз эса, ҳозироқ жўнанг, буйруғимни бажаринг!..

Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ гандирақлаганича ташқарига йўл оларкан, эшикдан кириб келаётган авлиёга синовчан тикилди. Унинг юзидан ҳеч нарсани уқиб бўлмасди. Бетта ҳукмдори энди орқасида тамомила бошқача кайфиятга кирган Ҳошнаҳашнинг ҳушчақчақлик билан:

— Марҳамат қилсинлар, ҳазрат! Марҳамат, марҳамат... — деганини эшитди-ю, эшикни беркитиб, узун даҳлиш орқали ташқарига йўл олди.

Қирол авлиёнинг истиқболига юркан, уни ёнидаги курсига ўтиришга таклиф қилиб, ўзи яна тўрдаги жойини эгаллади. Улар бир сония бир-бирларига синовчан тикилиб қолишди. Ҳаким Амир Шайх ўзидан бунақа кучли биотўлқин тарқата олишга қодир одамни умрида биринчи кўриши эди. Ҳа, унинг руҳий қувватини жиловлашга унчамунча одамнинг, ҳатто авлиёнинг ҳам қўрби етмаслиги аниқ эди. Чамаси, Ҳошнаҳашнинг букилмас иродасига у ёки бу даражада таъсир кўрсата олишга қодир кимса бутун коинотда ҳам топилмасди. У беҳудага ўзини коинот қироли деб эълон қилмаган эди.

— Биз аввало келишиб олсак, Ҳаким Амир Шайх ҳазратлари, — деди Ҳошнаҳаш ҳар бир сўзни салмоқланиб талаффуз қиларкан.

Авлиё унга савол назари билан қаради.

— Сиз бизнинг салтанатимиз учун коинотдаги энг хавfli одамларнинг бирисиз, — гапида давом этди қирол, — шунинг учун, айтиш мумкинки, олдингизда фақат икки йўл бор: ерликларнинг чўпчакларида айтилганидек, ё «борса келар», ё «борса келмас» йўл. Уларнинг қайси бирини танлаш фақат ўзингизга боғлиқ.

— Халқ эртақларида мард ва баҳодир одамлар ҳамиша «борса келмас» йўлини танлашган, — деди авлиё хотиржам.

— Тўғри, ўша баҳодирлар жуда кўп машаққатларни енгиб, она юртларига қайтиб келишга муваффақ бўлишади. Лекин сиз отланадиган «борса келмас» йўлдан омон қайтиш мумкин эмас.

— Сиз мен учун бунинг бирор аҳамияти бор деб ўйлайсизми?

— Нега энди аҳамияти бўлмасин?

— Шунинг учунки, мен ошини ошаб, ёшини яшаган одамман. Ҳатто ҳаётдан зериккандайман ҳам...

— Сиз янглишасиз, ҳазрат. Инсон ҳамма асрларда ҳам мангуликни орзу қилган. У ўлимга қарши ҳамиша исён кўтарган.

— Мангулик моҳияти инсоннинг жисман тириклигига эмас.

— Мангуликнинг моҳияти, сизнингча, нимада?

— Кимки бу жаҳондан вафо кутмай, фақирлик йўлини танласа, кимки дунё бойликларидан умидвор бўлмай, ўзини тупроқдай паст ва камтарин тутса, шундай одамгина олам васвасаларю ғам-қулфатларидан баландроққа кўтарилади. Шундай одамгина мангуликка дахлдор!

— Мен ҳам шундай мақсадни кўзлаяпман-да, ахир!..

— Тушунолмадим...

— Нимасини тушунолмайсиз?! Мен коинот миқёсида шундай буюк ва қудратли галактикалар уюшмасини тузмоқчиманки, унга ҳеч қандай тажовузкор куч тазийқ кўрсата олмайди.

— Сиз яна қандай тажовузкор кучни назарда тутаяпсиз?

— Коинотдаги «қора туйнук»лар орқали ўтиш мумкин бўлган бизга ёндош оламларни. Биз шундай оламлар мавжудлигини яхши биламиз-у, лекин уларнинг шиорлари қандай, мақсадлари нима, қанақа ҳарбий кучларга эга, — мутлақо беҳабармиз. Ахир, улар истаган пайтда бутун коинотни хонавайрон қилишга қодир десантчи армияларини юбормайди, деб ким бизга кафолат бера олади?

— Уйдирма бу, — деди Ҳаким Амир Шайх истеҳзоли кулумсираб, аيني вақтда: «Мабодо бу одам касал эмасмикин?» — дея хаёлидан ўтказаркан. Ҳошнаҳашнинг бир оз жаҳли чиққандай бўлди.

— Мутлақо янглишаяпсиз, ҳазрат! Ҳа-ҳа! Сиз мени савдойи одамлардек алаҳсираяпти, деб ўйлашингиз мумкин. Лекин бизнинг марказий хавфсизлик бошқармамиз ёндош оламлар ҳақида, уларнинг ҳарбий кучлари хусусида шунақанги дастурлар тўплаганки, улар билан танишган одамнинг сочлари тикка бўлиб кетади.

«Йўқ, у чинданам касал... Панаройя шекилли...»

— Ҳа-ҳа! Ишонаверинг! — қизишиб гапида давом этди Ҳошнаҳаш. — Мен ҳеч қандай касал ҳам эмасман, савдойи ҳам... Лекин ҳеч кимга ишонмаслигим, ҳаммадан шубҳаланишим рост...

«Ана энди ўзига келаяпти. У телепат экан, фикрларимни ўқияпти.»

— Мен ҳатто хотинимга ҳам ишонмайман... Ҳа-ҳа...

«Йўқ, у билан гаплашиш фойдасиз...»

Қирол Ҳошнаҳашнинг бирданига яна қаҳри қайнади. У ўзини қўярга жой тополмай, сакраб ўрнидан турди-да, баланд овозда гапира кетди:

— Сиз билан ҳали суҳбатни давом эттирамиз, Ҳаким Амир Шайх ҳазратлари! Ҳа-ҳа, ўйлашимча, фойдали гаплар ҳам бўлади. Ҳозирча эса, маъзур тутасиз, сизни зиндонбанд қилишга мажбурман. Боя айтдим-ку, мен ҳеч кимга ишонмайман! Навбатчи! — қичқирди у эшикка қараб, остонада соқчи пайдо бўлиши билан қўшимча қилди: — Ерлик авлиёни ҳибсга олиб, ертўладаги бир кишилик камерага қаматдиринг. Ҳузурига пашша ҳам кириб чиқолмайдиган бўлсин. Лекин озиқ-овқатига яхши қарашсин. У бизга ҳали керак бўлади. Ҳа-ҳа, ақли қуюлиб, миясига фойдали фикр келганда, яна гаплашамиз у билан...

Соқчи қуролини қўлига олиб, Ҳаким Амир Шайхга яқинлашди. Авлиё истеҳзоли кулумсираб қўйди-да, шошилмай ўрнидан турди.

\* \* \*

Самандар, Ҳурлиқо ва Миёвбойлар кўниш блокани сим-девор ёқасига қўндириб, дўнглик олдига етиб келишганда, тўрттала соқчи ҳам бир жойга йиғилиб, хурсанд кайфиятда алланималарни муҳокама қилиш билан банд эди. Улар бутазор панасига яширинишди. Миёвбой олдинга ўтиб, бир неча фурсат ичидаёқ соқчиларни ўша ханго-малашаётган ҳолатларида «қотириб» қўйди. Тилсимлаштирилган эшикни Самандар бу сафар дарров олди: «67-91-32» рақамини у ёдида сақлаб қолган эди.

Чўққисоқол навбатчи муҳандис уларни остонада кутиб олди. Шаффоф деворли бошқарув пульти жойлашган хонанинг орқа томонидаги митти ҳужрада уларни яна уч киши кутаётганди. Булар, чамаси, «Ҳурлик» норасмий яширин ташкилотининг раҳбарлари эди. Уларнинг бири қирқ беш ёшлардаги баланд бўйли, қорамғиз, қорасоч-қорақош йигит бўлиб, кўриниши жиддий ва мағрур эди. Иккинчиси — малла сочлари хушқомат елкаларини қоплаган, тийрак ва кўм-кўк кўзлари денгизни эслатувчи аёл ерлик разведкачиларга қизиқиш билан тикиларди. Яширин ташкилотнинг учинчи фаоли олтимышларга бориб қолган, чап юзида тиртиғи бор, ярғоқбош, ўрта бўйли, алпқомат кимса эди. Улар самимий сўрашишгач, гапни алпқомат киши бошлади:

— Танишганимиздан бағоят хурсандмиз. Сизларнинг бу ерда узоқ қололмасликларингизни эътиборга олиб, биз режаларимизга жиддий ўзгартириш киритдик. Биз икки ойдан кейин ёппасига иш ташлаш ташкил этмоқчи эдик. Лекин бундан хабар топган қирол Ҳошнаҳаш ташкилотимизнинг жуда кўпчилик аъзоларини сургунга жўнатди, Теттадаги шундоқ ҳам тўлиб-тошиб кетган қамоқхоналарга тикдирди. Энди биз сизларнинг ташриф буюргангиздан фойдаланиб, иш ташлашни шу ҳафта ичида ташкил этмоқчимиз.

— Бу ишда биз сизларга қандай ёрдам бера олишимиз мумкин? — сўради Самандар.

— Бишимизча, — деди малласоч аёл гапга аралашиб, — сизлар маймунсимон махлуқлар билан қандайдир йўл билан мулоқот ўрнатишга муваффақ бўлибсиз. Улар жуда кўпчилик ва қирол Ҳошнаҳаш каллакесарларининг ёвузликлари туфайли бизларни



ҳам ўлгудек ёмон кўриб қолишган. Агар сизлар уларни биз томонга оғдириб, қурол-лантиришимизга кўмак бера олсангиз, айни муддао бўларди.

— Бу масалада хотирингиз жам бўлсин. Маймунсимонлар сиз тарафга ўтди, деб ҳисоблайверишингиз мумкин.

— Жуда соз! — деди ярғоқбош кимса мамнуният билан. — Раҳмат сизларга!

— Сизларни яна бир масалада огоҳлантириб қўйишимиз керак, — гапга кўшилди қорақош йигит.

— Қулоғимиз сизда! — деди Самандар сергак тортиб.

— Бизга етиб келган маълумотларга қараганда, Ҳошнаҳаш сизларнинг бу ерга ташриф буюргангиздан хабар топган ва бир-икки кун ичида Теттага Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ раҳбарлигида кўп сонли қўшин тушириш тараддудини бошлаб юборган. Шунинг учун сизлардан жуда катта эҳтиёткорлик билан иш тутишингизни илтимос қилар эдик.

— Теттага қўшин туширилаётганидан хабаримиз бор. Унга қарши курашиш юзасидан биз яқинда авлиё Ҳаким Амир Шайх раҳбарлигида баъзи тадбирларни белгиладик.

— Ерлик машҳур авлиёни Ҳошнаҳаш зиндонбанд қилганини биласизми? — сўради малласоч аёл афсус оҳангида.

— Айғоқчиларингиз зўр ишлар экан, — деди Миёвбой ҳайратини яширолмай.

— Авлиё ҳибсга олиншини биларди, — деди Самандар, — бунинг қўрқинчли жойи йўқ. Чунки Ҳаким Амир Шайх машқ ёрдамида гиперфазо орқали жуда катта тезликда ҳаракатланиш қонунини кашф этган.

— Демак, у истаган жойидан омон чиқиб кетаверар экан-да?..

— Худди шундай. Авлиё даставвал қиролнинг ниятларини...

Шу пайт тарақлаб эшик очилди-да, останада қора коржомо кийган ёшгина йигитча кўринди. У анча жойдан югуриб келганми, ҳансираб, зўрға нафас оларди.

— Орамизда сотқин бор, — деди у шошиб гапираркан, — биз қуршовдамиз!..

«Хурлик» яширин ташкилотининг раҳбарлари ўринларидан туриб кетишди...

— Демак, Нодиршоҳ раҳбарлигидаги қўшинлар етиб келишибди-да? — сўради алпқомат кимса хавотирланиб.

— Ҳа, — жавоб берди йигитча, — Тетта космодромига бешта ҳарбий сайёрапай, икки юк кемаси келиб кўнибди.

— Бундан чиқди, қўшин мингга яқин жангчидан иборат экан-да?

— Энди нима қиламиз? — сўради Самандар ташвишли қиёфада.

— Сизларни бир амаллаб қочиришга уриниб кўрамиз, — деди қорақош йигит. — Лекин бизни бир ёқлик қилишлари аниқ...

— Кетдик! — деди пешонасида тиртиғи бор кимса биринчи бўлиб ташқарига отланаркан. Ҳужрадагилар кетма-кет унга эргашиди.

— Нодрам! — деди у йўл-йўлакай нохуш хабар келтирган йигитчага мурожаат қилиб. — Мабодо бизга бир нима бўлса, «Хурлик»ка раҳбарликни қўлга олсан. Ёдингда бўлсин: ерликларнинг кемаси турган жойга шу бугуноқ маймунсимонлар учун бир неча минг қурол етказиб бериш керак. Ҳозир эса, навбатчилигингни қилавер.

— Уқдим, — деди йигитча улардан ажралиб орқада қоларкан, маънос оҳангда.

Норасмий ташкилот раҳбарлари ва ерликлар бошқарув пулти хонасидан ўтиб, реакторсимон баҳайбат қурилмалар ўрнатилган зал бўйлаб, негадир эшикка эмас, қарама-қарши томонга югуриб кетишди.

— Биз сизларни яширин йўлак орқали кузатиб қўямиз, — деди Самандар билан ёнма-ён бораётган қорақош йигит.

— Ўзларингиз-чи? — сўради Самандар унга бошини ярим ўгириб.

— Уларга қарши жанг қилишга уриниб кўрамиз.

— Биз ҳам сизлар билан бирга жанг қиламиз, — деди сал орқада чопиб келаётган Мушук буржининг вакили қатъий оҳангда.

— Йўқ-йўқ! Сизлар ҳали жанг қилишга улгурасизлар. Ҳозир зудлик билан кемаларингизга яширининглар! Бизларни эса, бари бир қатағон қилишади, — деди пешонасида тиртиғи бор кимса навбатдаги баҳайбат қурилма ёнидан ўннга бурилар экан.

Залнинг охирида пастга олиб тушувчи айланма зина бўлиб, у орқали яширин ташкилот раҳбарлари фазогирларни ертўлага бошлашди. Нимқоронғи ертўланинг охирида қорақош йигит ахлат қудуғини эслатувчи чуқурлик устига ёпилган қопқоқни тарақлатиб очди-да, орқама-орқа етиб келган Самандарга мурожаат қилди:

— Шу ерде хайрлашамиз, дўстлар! Бошқа юз кўришмасак, бизларни унутмасизлар деб умид қиламиз.

— Албатта кўришамиз! — деди Самандар қатъий. Улар самимий қучоқлашиб хайрлашишди. Хурлиқонинг кўзларида милт-милт ёш ҳалқаланганди. У ўта кўнгулчан қиз эди. Парилар буржининг вакили яширин ташкилот фаолларини ҳайратда қолдириб, турган жойида енгил силтаниб, оқ каптарга айланди-да, чуқурлик устида бир лаҳза қанот қоққанча пастга шўнғиди. Кетма-кет Самандар билан Миёвбой ҳам «қудуқ» сари йўналишди.

Форча қоронғи ва тор, бир одам зўрға сиғарди. Улар Хурлиқо-каптарнинг қанот

қоқишга қулоқ тутиб илгарилашаркан, туйқусдан олдинда ғира-шира ёруғлик пайдо бўлганини кўришди. Қалин гиёҳлар орасидан ташқарига ёриб чиққан каптар атрофни кўздан кечиргач, пастдаги ҳамроҳларига, чиқаверинглар, дея хабар берди. Самандар билан Миёвбой ғорчадан чиқиб олишгач, энгашганча каптарнинг орқасидан сим-деворнинг нариги томонига олиб ўтувчи ғорга қараб югуриб кетишди. Йигит йўлайлакай бошини ярим ўгириб дўнгликни қуршаган ола-була кийимли десантчилар орқада қолишганини, бир неча десантчи қўниш блокининг атрофида ивирсиб юрганини кўрди.

Улар иккинчи ғорчани ҳам кесиб ўтиб, сим-деворнинг нариги томонидан чиқишганда, икки юз қадамча нарида Ҳошнаҳашнинг тўрт-беш нафар темир аскарлари оёғи қуйган товуқдек у ёқдан-бу ёққа изғиб юришганини пайқашди. Тоборлар попиллатиб қанот қоқаётган оқ каптарни дарров илғашди. Самандар билан Миёвбой шу заҳоти ўзларини таппа ерга ташлашди. Йигит ҳамроҳининг гугурт қутисидек лазер-тўппончасини чиқариб, отишга шайланаётганини кўриб:

— Қимирлама! Ўт очилмасин! Менимча, улар қимирламай турган нарсаларга эътибор беришмайди, — деди.

Тоборлар қаёқдандир қўққис пайдо бўлиб, эман дарахтининг шохига қўнган каптарга ағрайганча «тикилиб», чинданам, майсалар устида қимирламай ётган ерлик фазогирларга эътибор бермай ўтиб кетишди. Самандар билан Миёвбой сим-девор ёқалаб бораётган темир аскарлар кўздан ғойиб бўлгунча шу алфозда ётишди. Кейин аста ўринларидан туриб, деворнинг нариги томонини кўздан кечиришди. Дўнглик атрофида энди тўс-тўполон кўтарилган, ола-була кийимли ҳарбийлар маҳаллий муҳандис ва хизматчиларни ерости иншооти ичидан битта-битта судраб чиқиб, ҳибсга олишар ва қўполлик билан итариб вертолётга ўхшаган учиш аппаратига ўтқазишаётган эди. Тепадан саф бўлиб ликописмон тўртта учиш қурилмаси ўтиб борарди. Булар, чамаси, ҳарбий қириш сайёрапайлари эди. Беш-олти ола-була либосли ҳарбий эса, ҳамон «Ой»нинг атрофида ивирсиб, уни тафтиш қилиш билан банд эди.

— Бу ердан тезроқ кетиш керак! — деди Ҳурлиқо-каптар тепадан ингичка овозда.

Улар ўрмонни жануб тарафга кесиб ўтган сўқмоқ бўйлаб илдам кетишди. Икки соатдан зиёд йўл босиб, маймунсимонлар истиқомат қиладиган ялангликка етиб келишганида, Самандар билан Миёвбой обдан терга ботишган эди. Маймунсимонлар уларни бирпасда ўраб олиб, тиззадан келадиغان ёғоч супага ўтқазишди, ёввойи мевачева билан меҳмон қила бошлашди. Йигит оқ каптарни Нейтринони чақириб келгани кемага юборди. Яширин ташкилот аъзоларининг илтимосини маймунсимонларга етказиш учун робот таржимон сифатида керак эди. Нейтрино етиб келгач, маҳаллий абориенлар билан гапни бир жойга қўйишди-да, ерлик фазогирлар маймунсимонларнинг оқсоқоли кузатувида орқага қайтишди.

Ўрмондан «Қуёш» турган ялангликка чиқишлари билан беихтиёр орқага тисланишди. Чунки ялангликка, афтидан, боя экватор устидан учиб ўтган қирувчи сайёрапайлар келиб қўнган, уларнинг атрофида ола-була кийимли ҳарбийлар шовқин-сурон кўтариб у ёқдан-бу ёққа изғиб юришарди. Чамаси, Ҳурлиқо ва Самандар мажақлаб ташлаган чумолисимон темир аскарлар сўнгги дақиқаларда Теттага ерлик разведкачилар ташриф буюришгани ҳақида хабар етказиб улгуришган, энди десантчилар «Қуёш» қўнган жойнинг изларини қидириш билан банд эдилар.

— Орқага! — деди Самандар кескин бурилиб, яна дарахтзорга ўзини ураркан. Ҳамроҳлари ҳам ўзларини шошилич орқага, дарахтлар панасига олишди. «Қуёш»нинг дарғаси қуюқ барглар орасидан ялангликни кузатаркан, қутилмаганда юраги орқага тортиб кетаёзди. Чунки ола-була кийимли ҳарбийлар орасида алланималар деб буйруқ бераётган миқти гавдали, афти-ангори худди ўзига ўхшаган дароз кимсага унинг кўзи тушганди. Ҳазрат Ҳаким Амир Шайх айтган падари-бузруквори Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ наҳотки мана шу одам бўлса?! Наҳотки уларга — ерлик ота ва болага, ниҳоят, юз кўришиш бугун, мана шу беҳосият сайёрада ҳасиб этса? Лекин бу антиқа мулоқот қандай кечади? Ахир, улар бир-бирларига ашадий душман-ку?!

Йигитнинг ҳолатини пайқади шекилли, Ҳурлиқо унинг боши устида гирдикапалак бўла бошлади.

— Бас қил, — деди унга Самандар қўлини силтаркан, нигоҳини ялангликдан узмай, — пайқаб қолишади!..

— Кетиш керак! — дея такрорлади каптар йигитга ғойибона мурожаат қилиб. — Кетиш керак! Йўқса ҳаммамизни ҳибсга олишади!..

Шу пайт Самандар Нодиршоҳнинг ёнидаги ўн чоқли ҳарбий десантчиға ўзлари турган ўрмон чеккасини кўрсатиб, алланималарни зўр бериб уқдираётганини пайқади. Қутилмаганда улар ўрмонга қараб кела бошлашди. Отасининг олдинда келаётганини кўрган Самандар ҳамроҳларига ўқ отмасликни тайинлаб, ўрнидан турди. «Кетдик!» — дея уларни ўрмон ичкарасига бошлади. Ерлик экипаж аъзоларини боя ялангликка чиқишганида кимдир пайқаб қолган эди, ола-була кийимли икслик ҳарбийлар изма-из қувиб келишарди. Ажабо, улар ҳам буйруқ олишганми, ҳеч ким «ўқ» узишни ўйламади. Ҳозир умуаман отишма бўлмаслигини кўнглида сезган Самандар таниш сўқмоқ

бўйлаб югуриб бораркан, шундоқ бошининг устида қанот қоқаётган оқ каптарни ҳар эҳтимолга қарши огоҳлантирди:

— Агар бизни ҳибсга олишса, маймунсимон махлуқларни қурол билан таъминлаб, «Хурлик» уюшмаси билан биргаликда исёнга жалб этиш Қуюн ва Миёвбой, учовингизнинг зиммангизга тушади. Ҳозир эса, маҳаллий аборигенларни қириб ташламасликлари учун биз ҳарбийларни йўлдан чалғитишга уринамиз.

Самандар шундай деб, сўқмоқнинг ўнг томонидаги чакалакзорга бурилди. Миёвбой билан Нейтрино ҳам унинг орқасидан эргаштишди. Оқ каптар ҳамон сўқмоқ узра қанот қоқаркан, бир зум ҳавода муаллақ турди-да, «Қуёш»нинг дарғасига қарата куюниб:

— Сизлар қаёққа кетаяпсизлар ўзи? — дея хитоб қилди.

— Сен кемага қайт, Хурлиқо! — буюрди Самандар бошини тепага ярим ўгириб. — Биз бари бир қўлга тушадиганга ўхшаймиз...

Самандар тўғри таҳмин қилганди. Орадан ярим соат ўтмай, ола-була либосли ҳарбийлар худди қадимги замон маҳбусларидай қўллари орқаларига қайириб боғланган Самандар бошлиқ ерлик фазогирларни туртиб-суртиб «Қуёш» қўнган ялангликка олиб чиқишди.

Вертолётга ўхшаган сайёрапайлар олдида, ниҳоят, улар Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ билан юзма-юз келишди. Отасининг совуққон, тунд қиёфасига синчиклаб тикиларкан, Самандарнинг баданида чумоли югургандай бўлди. Қора кўзойнак остидаги катта-катта кўзларидан ботиний бир қабоҳат ёғилиб турган шу нотаниш кимса наҳотки унинг падари-бузруквори бўлса?!..

Нодиршоҳ ҳам ўз пушти-камаридан бўлган фарзандини дарров таниган, шунинг учунми, унинг ўсмирларга хос очик, мардона чеҳрасига синовчан боқиб юрагидега алланима узилиб кетгандай бўлди-ю, беихтиёр кўксини чангаллади. Бир сония кўз олди қоронғилашиб, унга оёқларида мадор қолмагандай туюлди. Лекин шу заҳоти нигоҳи қаршисида қирол Ҳошнаҳашнинг қаҳр-ғазаб тўла афти-ангори жонланиб, фавқулодда сергак тортиди. Агар ҳозир ҳиссиётга берилса, бунинг оқибати ўзи учун ҳалокатли бўлиши мумкинлиги ҳаёлига келиши билан юзини тескари ўгириб олди.

— Дарҳол зиндонбанд қилинглар! — буюрди у темирдай совуқ овозда, ўғлини бошқа кўрмаслик учун тез-тез одимлаб, сал наридаги ҳарбийлар «Қуёш»нинг изларини қидираётган жойга қараб юраркан.

Ерлик фазогирларни яна туртиб-суртиб чапдан биринчи турган учиш аппаратига ўтказишди. Сўнгра зина йиғштирилиб, эшиклар беркитилгач, фотон двигателлар гувиллаб ишга туширилди. Шу ондаёқ сайёрапай худди ниначидек аввал тикка юқорига кўтарилиб, сўнгра сим-девор ортидаги дўнгликлар сари учиб кетди.

Самандар, Нейтрино ва Миёвбойни сайёрадаги марказий қамоқхонага олиб келишганда, экваторда тонг ота бошлаган эди. Худди ерости муҳандислик иншоотлари каби қамоқхона ҳам дўнгликлардан бири тагидаги чуқурликка жойлашган ва бир неча мннг одам истиқомат қиладиган бутун бошли шаҳарчани эслатарди. Темир-бетон зиналар орқали пастга тушилгандаёқ охири кўринмайдиган зални эслатувчи узундан-узун даҳлиз ўтган, унинг икки томонида эса, темир панжаралар билан ўралган камералардаги озиб-тўзиб кетган ола-қуроқ кийимли одамлар янги олиб келинаётган маҳбусларга қизиқиш ва... аллақандай ачиниш билан тикилишарди. Қизик, само десантчиларининг ерлик фазогирларни яқин ўртадаги камералардан бирига қамаш ниятлари йўқдай эди. Мана, залнинг охирига ҳам етиб келишдики, ҳеч қаёққа бурилишмади. Ниҳоят, негадир қора рангга бўялган девор тагида пастга олиб тушувчи зина кўринди-да, Бирлашган Галактикалар Уюшмасининг элчиларини ўша зиналар орқали ертўлага бошлашди.

Кутилмаганда ерликлар пастдан ёввойи ҳайвонларнинг наъра тортгани ва ўкирганларини эшитиб, тараддудга тушиб қолишди. Ертўла ҳам худди юқоридагидаи узун даҳлиз ва унинг икки томони темир панжаралар билан ўралган камералардан иборат, аммо энди уларни... турли-туман йиртқич ҳайвонлар тўлдиришган эди. Миясига келган фикрдан Самандарнинг юраги орқасига тортиб кетди. Наҳотки уларни падари-бузруквори манави ёввойи ҳайвонларга ем қилмоқчи бўлса?!.. Муҳаммад Кабир Нодиршоҳнинг бундай қабиҳликка йўл қўйишига сира ақл бовар қилмасди.

Темир панжаралар орқали уларга ўткир тишларини қайраб, кўзларига қон қуюлган маҳаллий арслонлар, йўлбарс ва сиртлонларни эслатувчи баҳайбат махлуқлар башараларини хунук иржайтириб ғазаб билан тикилишар, уларнинг баъзилари ҳатто пўписа қилгандай сакраб, темир панжараларга зарб билан панжа уриб қўйишарди.

Мана, ниҳоят, чап томонда бўш камера кўринди-ю, десантчилар ерлик разведкчиларни битта-битта ўшанга киргизиб, устиларидан қулфлаб қўйишди. Шу пайт Миёвбой қичқириб юборди-да, ўзини Самандарга олди. Чунки шундоқ қўшни камерадаги найзасимон тишлари икки жағидан туртиб чиққан улкан йўлбарс тўр-девор ёригидан панжа суқиб, уни учириб юборишига бир баҳя қолган эди. Қўллари боғлиқ Самандар Миёвбойга кўксини тутаркан, тепадан осилиб тушган бир жуфт ингичка симга илинган электр чироғига эътибор қилди. У атрофга хира нур сочиб турарди. Найзасимон тишли йўлбарс энди кутуриб кетган, ерликларнинг тилка-порасини чиқариш мақсадида зил-замбил гавдасини зарб билан тўр-деворга урмоқда эди. Агар олди олинмаса, у тўр-

деворни йиртиб, қўшни камерага бостириб ўтиши ҳеч гап эмасди. Йўлбарснинг жундор оёқлари остида эса, одамларнинг умуртқа, сон, калла ва оёқ суяклари бетартиб сочилиб ётарди. Уларни кўрган ерлик разведкачиларнинг этлари жунжикиб кетди.

Вақт зиқ, бу ёғига шошилиш керак эди. Самандар боғлиқ қўлларини енгил ҳаракат билан арқондан бўшатаркан, яна электр чироғига қаради. Унинг миясига бир фикр келган эди.

\* \* \*

Авлиё Ҳаким Амир Шайх тўрт томони темир-бетон девору улардан бирининг юқорисидаги панжаралари жажжи дарчадан бўлак ҳеч вақоси йўқ тор камеранинг у бурчидан-бу бурчига одимларкан, негадир кўнгли ғаш эди. У Самандар билан Миёвбойнинг ҳаётлари хавф остида эканини қалбининг аллабир қатидаги туйғу билан ҳис қилмоқда, шунинг учунми, ўзини қўярга жой тополмаётган эди. Авлиё қирол Ҳошна-ҳашнинг қандай одамлигини илк суҳбатдаёқ англаб етган, лекин айни пайтда унинг феъл-атворидаги фавқуллодда беқарорлигу телбанамо бир тадбиркорлик уни ҳайратга солаётганди. Ҳошнаҳаш калласига келган ҳар қандай хомхаёл режани ҳам амалга оширишдан тоймайдиган ҳаддан зиёд жасур ва қалтис одам эди. Агар ундаги улкан кучқудратдан тафаккур эгаларининг эзгу мақсадлари йўлида фойдаланилса борми, у қоиот аҳлига кўпдан-кўп антиқа ва буюк кашфиётлар ҳада этиши мумкин эди. Лекин, афсус, у фақат ўз манфаати йўлида иш тутар ва бу йўлда ҳеч нарсадан қайтмасди. Қиролнинг хулқ-атворидаги авлиё учун қоронғи томонлар шундан иборат эдики, у сира кутилмаган қарорлар қабул қилар, фавқуллодда бу қарорларини ўзгартирар ҳамда унинг навбатдаги қадами қаёққа йўналиши ҳатто авлиёга ҳам мавҳумлигича қолаверарди. Шунинг учун ҳам ҳозир у на Самандар бошлиқ ерлик фазогирлардан хабар олишини, на қиролнинг қўққис яна қабулига чақириб, музокара бошлаб қолишини биларди. Унинг истаган вақтда авлиёни йўқлатиши эса, кундай равшан нарса эди.

Ўйлай-ўйлай, ниҳоят, Ҳаким Амир Шайх ҳам худди Ҳошнаҳаш сингари кутилмаган бир қарорга келди.

У аввал нўхатдай, кейин лилипутдай шаклига кириб, охири ўзининг одатдаги қиёфасида «Кўёш»нинг асосий бўлмасида пайдо бўлганида, ташқарига аллақачон қоронғилик чўккан, Ҳурлиқ билан Нейтрино ҳибсга олинган ҳамроҳларини қутқаришнинг йўлини қидириб, ўзаро беҳуда баҳслашиш билан овора эдилар. Улар гиперфазо орқали Ҳаким Амир Шайх ташриф буюрганини кўриб, ўзларида йўқ суюниб кетишди.

— Қолганлар қаерда? — сўради авлиё хавотирли қиёфада.

— Самандар билан Миёвбойни ҳарбий десантчилар қамоққа олиб кетишди. Тарзан билан Қуюн эса, ўрмонда маймунсимонларга «Ҳурлиқ» ташкилоти етказиб берган қуролларни тарқатиш билан банд.

— Қамоқхона қаерда жойлашган? — сўради авлиё бешбаттар қовоғи уюлиб.

— Бу ердан ўн чақиримча ғарбдаги дўнгликлардан бирининг тагида.

— Бўлмаса мен ўша ёққа кетдим. Қайтиб келгунимча кемадан ҳеч қаёққа жилманглар. Тарзан билан Қуюн ҳам мени шу ерда кутишсин.

— Тушунарли, — деди Ҳурлиқо енгил нафас олиб.

Ҳаким Амир Шайх гиперфазо орқали бу сафар Теттадаги марказий қамоқхонанинг ертўласида пайдо бўлганида, кичик юк машинасини эслатувчи роботлар зинанинг ўнг ёнидан ўтган текис йўлак орқали пастга тушиб келишарди. Ажабо, уларнинг устига очлик ва ҳолсизликдан сўлайиб қолган, кўзлари чуқур ичига ботган, худди скелетлардай озиб-тўзиб кетган ўн чоқли маҳбус ортилган, чамаси, роботлар ертўладаги сим-тўр билан ўралган қафасларда истиқомат қилувчи йиртқич ҳайвонларга кечки «овқат» ташиб келтиришаётганди. Бу манзарани кўрган авлиёнинг шундоқ ҳам ажин қоплаган юзи бешбаттар буришди. Кўз олди қоронғилашиб, юраги уришдан тўхтаб қолгандек туюлди.

Роботлар мўйсафидга эътибор ҳам бермай, ёнгинасидан ўтиб кетишди. Авлиё шу алфозда уларнинг орқасидан тикилганча бир неча сония қотиб тураверди. Ниҳоят, ҳуши жойига келиб, даҳлиз бўйлаб беихтиёр олдинга жилди. Икки чеккадаги сим-тўрлардан ясалган қафасларга қамалган ёввойи ҳайвонлар башараларини тириштирганча унга қараб ириллашар, наъра тортишарди. Димоғига урилган қўланса ҳиддан авлиёнинг кўнгли айний бошлади. Дилида чексиз нафрат ва надомат ҳислари кўзғатган бу ғаройиб «ҳайвонот боғи» бўйлаб қанча юрди, билмайди, бир маҳал чап тарафига қараб сесканиб тушди. Симтўр билан ўралган қафасларнинг бирида найзасимон тишлари икки жағидан туртиб чиққан баҳайбат йўлбарс улкан гавдасини сим-деворга бот-бот зарб билан урар, уларнинг ёнгинасидаги камерада эса... Миёвбойнинг елкасига чиқиб олган Самандар шифтдаги электр чироғининг бир жуфт симини зўр бериб пастга тортиқлаётганди. Мана, у чироқни таг-туғи билан симдан ажратиб олди-да, Миёвбойга тутқизиб, симнинг бир учини деворнинг бир чеккасига, иккинчи учини бурчакдаги полга тикка қадалган темир қувурга улади. Бу ишни у ўзини ток урмаслиги учун бир қўлида бажарди. Шу

пайт антиқа воқеа юз берди. Найзасимон тишли йўлбарс ўзини навбатдаги сафар тўр-деворга зарб билан урди-ю, жон аччиғида ўкириб юборди. Кейин шу заҳоти оёқларини узатганча ерга ағдарилиб тушди. Йиртқични катта кучланишли ток урган, шунинг учун бир ондаёқ тил тортмай ўлган эди.

Самандар билан Миёвбой қамалган қафасга қараб интилган Ҳаким Амир Шайх ертўланинг роботлар келиб тўхтаган нариги чеккасида тўс-тўполон бошланганини пайқади. Қутилмаганда жами йиртқичлар безовталаниб қолишган, жон-жаҳдлари билан ҳали ўкириб, ҳали наъра торта бошлашганди. Қафасларнинг жами сим-деворлари токка уланиб қолган эмасми, уларга теккан жонзод борки, аввал бир сапчиб, кейин таппа-таппа йиқилаверишди. Тўр-деворга яқинлашиб, ёстикдай дарча орқали чалажон ўликларни қафас ичига ағдараётган юк машинасини эслатувчи роботларнинг бири деворга теккан жойидан учкунлар сачратиб, энг юқори тартибда ишлаётган двигателдай титрай бошлади. Қисқа туташув туфайли аллақайси қисми кўйди шекилли, робот тўсатдан ишламай қолди. Кетма-кет яна учта робот айна шу алфозда ишдан чиқди. Бутун ертўла бўйлаб увиллаган сирена овози янгради.

Лаҳза ўтмай юқорига олиб чиқувчи зинадан уч-тўрт соқчи югуриб кела бошлади. Уларнинг ҳар бири гугурт кутисига ўхшаган электрон-лазер қуроли ушлаб олишган эди. Улар зал ўртасидаги авлиёни кўриб ҳангу-манг бўлиб қолишди.

— Сиз кимсиз? Бу ерга қандай кириб қолдингиз? — сўради уларнинг бири ҳансираб, мўсафид билан юзма-юз келгач.

— Ахир, бу — ерлик авлиё Ҳаким Амир Шайх-ку?! — хитоб қилди иккинчи соқчи азбаройи ҳайратланганидан пешонаси тортишиб. — Тавба, осмондан тушдимикин у?!

— Уқ отилмасин! Уни тириклайин қўлга олиш керак! — буюрди учинчи соқчи эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда. Афтидан, бу маҳаллий ҳарбий бошлиқлардан эди.

Авлиё жавоб ўрнига худди асир тушмоқчидай кафтларини уларга қаратиб, ғалати ҳаракатлар қилган эди, учала лашкар ҳам худди ҳеч нима бўлмагандай юввош тортиб, олдинга ўтиб кетишди. Шу чоқ авлиёни яна бешбаттар ҳайратга солган воқеа содир бўлди. Орқадан етиб келган тўртинчи соқчи гугуртсимон қуролни олдинга узатиб, учала ҳамроҳини кетма-кет лазернинг қилдай нозик «тиғи» остидан ўтказди. Елкаларидан чизик тортилган соқчилар қонга беланиб, бирин-кетин гурсиллаб ағдарилиб тушишди.

Тўртинчи соқчи шифтдаги девор ёқалаб кетган қизил симга нур юбориб, сирена овозини ўчирди-да, шошиб-пишиб авлиёга мурожаат қилди:

— Салом, мухтарам Ҳаким Амир Шайх ҳазратлари! Мен «Хурлик» ташкилоти фаоллариданман. Исмиим Русаж. Булар, — йигит йиқилиб ётган шерикларига ишора қилди. — Ҳошнаҳашнинг ашаддий каллакесарларидан, — аллақачон ташкилотимиз томонидан ўлимга ҳукм қилинишган. Бу ерга жуда вақтида ташриф буюрибсиз, яна бир соатдан кейин Теттада исён бошланади. Унгача қуролланган маймунсимонлар ҳам сим-девор ёқасига етиб келишади...

— Ўғлим, — деди авлиё унинг гапини бўлиб, — агар имкон бўлса, қафасларга уланган токни ўчирсангиз, ҳайвонлар беҳуда нобуд бўлишаяпти.

— Э, ҳазрат, булар қиролнинг одамхўр йиртқичлари, аллақачон қирғинбарот қилиш керак эди уларни!..

— Ундай деманг, ўғлим, оламда тирик жон зоти борки, инсоннинг жабр-ситами, шафқатсизлиги туфайли ёвузликка ружу қўяди. Айна вақтда, фақат одамзодгина ёвузликка эзгулик билан жавоб қайтара олишга қодир.

— Худди шундай, ҳазрат, бизга ҳам ёшлигимизда шундай деб ўргатишган, лекин, афсуски, булар китобий сўзлар, холос. Ҳаётда барибир бошқача...

— Ҳозир баҳслашадиган вақт эмас, — деди авлиё сабр-тоқат билан, — илтимосимни бажо келтиринг, ўғлим!..

Русаж бошқа иккиланиб ўтирмади. Самандар билан Миёвбой қамалган қафасга яқинлашаркан:

— Аввал ҳамроҳларингизни озод қилсак, — деди ва шу заҳоти гугуртсимон қуролни ишга солиб, қафаснинг одам бўйи баландликдаги бурчак қисмини нафис нур ёрдамида худди қайчилагандек қирқиб чиқди-да, ҳосил бўлган ғалати эшикни тортиб чиқариб ташлади. Сўнгра қуролни шифтга йўналтириб, боягина Самандар қафасга улаган электр симларини чирсиллатиб узгач, ерлик фазогирларга қарата мамнуният билан:

— Ана энди бемалол чиқаверинглар! — деди.

Қафасда туравериш обдан жонига теккан шекилли, биринчи бўлиб Миёвбой отилиб чиқди-да, ўзини авлиёнинг кучоғига отди. Самандар ҳам азбаройи хурсанд бўлиб кетганидан уларнинг ҳар икковини кучоқлаб олди.

Русаж уларга ҳамон мамнуният билан тикиларкан, бирдан жиддий тортиб гап қотди: — Ҳазрат, дўстлар! Манави одамхўрларни қириб ташласам, эътирозларинг йўқми? — деди қафаслардаги йиртқич ҳайвонларга қўли билан ишора қилиб.

Авлиё унга гинамуз тикилди-ю, индамади. Энди ўйчан қиёфага кирган Самандар гапга аралашди:

— Умуман, шундай қилган ҳам маъқулмикин? Чунки улар инсон қонини татиган...

— Бир марта инсон қонини татиган ҳайвон ўла-ўлгунича одамхўр бўлиб қолади, — қўшимча қилди Мушук буржининг вакили кўзларини ғазабкор чақнатиб.

— Фикрингизда, умуман, жон йўқ эмас, — деди Ҳаким Амир Шайх негадир хафқон кайфиятда. У ҳар қандай зўровонликка тиш-тирноғи билан қарши эди. — Лекин шу ишга пича шоммайлик. Балки ҳали улар бизга керак бўлиб қолишар?!

— Чинданам бу иш қочмайди, — рози бўлди энди Русаж. — Ҳозир шундоғам ишларимиз жуда кўп. Исён бошланишига санокли фурсат қолди. Юқорига чиқайлик. Бизни кутишаяпти.

Қамоқхонанинг биринчи қаватида ажиб вазият ҳукм сураб, бу ерда ҳоқимиятни, чамаси, «Хурлик» норасмий ташкилоти тўла қўлга олган эди. Яқиндагина озиб-тўзиб, чала ўлик ҳолида юрган маҳбуслар бамисоли жон кириб камералардан чиққан ва бутун даҳлизни тўлдиришган, боз устига ҳаммаси автоматсимон қуроллар билан қуролланган, энди юқорироқда радиомикрофон орқали оташин нутқ сўзлаётган аллакимга диққат билан қулоқ солишаётганди. Самандар чап юзиде тиртиғи бор алпқомат нотиқни дарров таниди. У илк бор ҳарбий жабҳада ўзлари билан кўришган яширин ташкилот раҳбарларидан эди.

— Қирол Ҳошнаҳашга ўлим! Биз енгамиз! — деб тугатди нотиқ гапини. Оломон ер-кўни ларзага келтириб, бир овоздан унинг сўзларини такрорлади.

Радиомикрофонни энди малласоч аёл қўлига олди.

— Ҳаммангизга яхши маълумки... — деди у одамларни тинчитиш учун бўш қўлини юқорига кўтариб. Уртага яна жимлик чўкди. — Ҳаммангизга яхши маълумки, ташкилотимиз аъзолари Ҳошнаҳашнинг биринчи ҳарбий ўрдаси қўшинлари орасида ҳам йўқ эмас. Уларнинг тегишли тарғибот ишлари натижасида бир неча ҳарбий қисм қурол-яроғлари билан биз томонга ўтди. Биз хабар беришимиз билан улар ғанимларимизга қарши жангга киришади. Лекин бу вазифамиз енгиллашади, деган гап эмас. Айғоқчиларимизнинг хабар беришича, қирол иккинчи жанговар ўрдани ҳам Теттага сафарбар этиш тараддудини бошлаб юборган. Ташкилотимизнинг қуролли кучлари Ҳошнаҳашнинг ерлик лайчаси Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ келиб тушган қароргоҳни қуршовга олишган эди. Лекин, афсуски, у муттаҳам Беттага қочиб қолишга муваффақ бўлган. Лекин биз уларга халқ билан ҳазиллашиб бўлмаслигини кўрсатиб қўямиз ҳали!..

— Кўрсатамиз! Кўрсатамиз!! — ҳайқирди оломон бамисоли тўфондай жўш уриб.

Гапириш навбати энди баланд бўйли, қорамағиздан келган қорақош йигитга келди.

— Хабарингиз бор, — деди у кўзлари чақнаб. — сайёрамизга Бирлашган Галактикалар Уюшмасининг жасур хуфия гуруҳи ташриф буюрган. Улар биз истаган ёрдамни кўрсатишга тайёрлар. Ерлик буюк авлиё Ҳаким Амир Шайх ҳазратлари ҳам биз билан бир ёқадан бош чиқариб курашишга бел боғлаган. Коинотнинг борлиқ тараққийпарвар аҳли биз билан, азиз дўстлар! Ҳақ қарор топади! Биз енгамиз!..

Оломон яна жунбушга келди. «Биз енгамиз!», «Яшасин «Хурлик»!», «Ҳошнаҳаш ва унинг кўппакларига ўлим!» — деган ҳайқириқ овозлари қулоқларни қоматга келтириб, қамоқхонани кўчириб юборгудай бўлди.

Бирдан кимдир: «Ана улар! Авлиё ва Бирлашган Галактикалар Уюшмасининг шонли азаматлари!» — деб қичқирган эди, оломон шу заҳоти пича тинчланди-да, орқасига ўгирилиб, буюк исён арафасини сукут ичра томоша қилиб турган меҳмонларга ўртадан аста йўл оча бошлади. Ҳаким Амир Шайх, Самандар ва Миёвбой бирин-кетин одамлар орасини ёриб олдинга, нотиқлар турган жойга қараб юришаркан, оломон яна шовқин-сурон кўтариб уларни олқишлар эди. Мана, ниҳоят, улар ҳам нотиқлар қаторидан жой олишди.

— Сўз ерлик авлиё Ҳаким Амир Шайх ҳазратларига! — деди чап юзиде тиртиғи бор кимса ва радиомикрофонни эҳтиром билан ерлик мўсафидга тутди.

— Дўстларим, азизларим! — деди авлиё ҳаяжонданми, пича товуши титраб. — Озодлик ва эзгулик йўлидаги муқаддас курашингизга ғалаба ёр бўлсин! Омадингизни берсин! Биз ҳамиша сизлар билан биргамиз!..

Шу пайт оламни тутиб яна гувуллаган сирена овози янгради. Бу буюк исённинг бошланишидан дарак берарди. «Хурлик»нинг юзиде тиртиғи бор раҳбари яна радиомикрофонни қўлига олди-да, шиддаткор овозда:

— Жангга, дўстлар! — дея қичқирди, кейин жунбушга келиб, довул турган денгиздай тўлғанаётган оломонни ташқарига бошлади.

\* \* \*

Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ ўзининг шахсий учоғида Беттага қайтаркан, умрида бунақа асабийлашмаган эди. Лаънати сотқинлар, куппа-кундуз куни Теттадаги ҳукумат қароргоҳини қўлдан бой бериб ўтиришса-я?!.. Бу ҳам етмагандек ўзини, ерлик собиқ подшони ҳам ҳибсга олишларига бир баҳя қолди. Энди у Ҳошнаҳашга нима дейди?

Бунинг учун қирол уни асло кечирмайди. Пўстини шилиб, терисига сомон тикади... Йўқ, бу дунёда ҳеч кимга ишониб бўлмайди! Ҳеч кимга!..

Нодиршоҳ Беттадаги ўз қароргоҳларига етиб келганда, уни яна бир нохуш хабар кутарди. Уй бекасининг айтишича, бу бегона ва ёвуз маконда ҳаётининг сўнгги йилларидаги бирдан-бир овунчоғи — гўзал Флория, уйни намойишкорона ташлаб чиқиб кетган эди. Ҳувиллаб қолган хоналарни паришонхотир ҳолда кезаркан, ерлик собиқ подшо ўзини қўярга жой тополмай қолди. Фоҳишахонадан чиққан бир манжалақи унинг бу ёруғ оламга келиб иттифоқо дуч келган муҳаббатини оёқости қилса, бу қандай бедодлик, ахир?!

Ётоқхонасида Флориянинг ёстиғи устига қўйилган микрокассетага кўзи тушди-ю, дилида умид учкунлари йилтиллагандай бўлди. Дарҳол уни олиб ойнаи-жаҳонга қўйди.

Кўзгуда қўққисдан тилларанг сочлари елкаларида ёйилган Флориянинг нозик юзи пайдо бўлди. У негадир маъюс ва хафақон кўринарди. Лекин кўзларига тикилиб қараган киши аллақандай бегона, совуқ бир шуълани ҳам илғаши қийин эмас эди.

— Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ жаноблари! — деди Флория кўзгу орқали ерлик собиқ подшога совуққонлик билан тикиларкан. (У «жаноб» деб Нодиршоҳга биринчи марта расмий тарзда мурожаат қилаётганди). — Гапни чўзмасликка ҳаракат қиламан. Мен бизнинг ўзаро муносабатларимиз ҳақида жуда кўп ўйладим. Охири қатъий бир хулосага келдим: аввало, каминаи камтарин Сиздай улуғ зот учун муносиб маҳбуба эмасман, ундан кейин, Сиз мен ўйлаган одам бўлиб чиқмадингиз. Мен Сизни коинот қироли сифатида кўришни жуда-жуда орзу қилардим. Таассуфки, бунинг учун Сизда кўп фазилатлар етишмас экан. Булардан ташқари, бизнинг севгимиз замирида қандайдир... ёвузлик бордай. Севги ва ёвузлик эса, ҳамма асрларда ҳам беъмани номутаносибликни юзага келтирган. Мен учун муносиб жой кўнгул уйи эканлигини кўпдан бери биламан. Ўз виждон амрига биноан иш тутган собиқ маҳбубангизни маъзур тутарсиз ва бир қошиқ қонидан кечарсиз, деб умид қиламан. Сўнгги илтимосим — мени бошқа қидирманг! Алvido, азизим!..

Кўзгудаги гўзал аёл тасвири қандай кўринган бўлса, шундай қўққис ғойиб бўлди. Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ улкан каравотнинг оёқ томонига ўтираркан, беихтиёр инграб юборди. Кўксини аламли ғижимлади. Ё фалак!.. Бу қандай кўргулик, ахир?! Ҳамма ишлари бундай чаппасига кетаверса, буёғи нима бўлади?.. Ё охир замон деганлари шумикин?.. Эҳ, Флория, Флория!.. Ҳар кимдан кутсам ҳам, сендан кутмагандим бу сотқинликни! Қўйнингда жавоҳир деб асраб юрганнинг чаён бўлиб чиқса, бундан ҳам ортиқроқ бахтиқаролик бормикин оламда?!.. Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ, сен манжалақини ҳали шундай...

Елкасида аллакимнинг енгил ва совуқ кафтини ҳис қилган Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ сесканиб тушди. Кўзлари қинидан чиққудек ҳолатда кескин бурилиб, тепасида турган авлиё Ҳаким Амир Шайхни кўргач, алағда кўнгли сал жойига тушгандай бўлди. Ё тавба, бу мўйсафид унинг ётоқхонасига қаердан кириб қолди? У туш кўрмаяптими ўзи?! Ҳамма нарса айқаш-уйқаш... Миясида кимдир асаб торларини узлуксиз тортиқлаб, қулоғининг таггинасида яна биров бамисоли чинқираётгандай... Чинданам охир замон бўлаяпти чоғи...

— Узингизни қўлга олинг, ўғлим! — деди авлиё вазмин, лекин амирона оҳангда. Нодиршоҳ унга маънисиз нигоҳини бир зумгина қадади-ю, кутилмаганда сапчиб ўрнидан туриб кетди. Аммо дудуқланиб:

— Сиз... сиз... — дея олди, холос.

— Узингизни босинг, — такрорлади Ҳаким Амир Шайх. — Вақтимиз зиқ. Буюк исён бошланди. Билишимча, қирол Ҳошнаҳаш ҳоқимияти инқироз арафасида. Ўзимизнинг Нуристон мамлакатининг собиқ подшоси эканлигингизни эътиборга олиб, мен сизга ёрдам беришни лозим топдим.

— Ёрдам... — Нодиршоҳнинг оғзи аранг очилиб ёпилди. У ҳамон карахт, сира ўзига келолмаётганди.

— Ҳа, — гапида давом этди авлиё. — Ҳукуматнинг етакчи арбобларидансиз, исёнчилар қиролни бир ёқлик қилишгач, биринчилардан бўлиб сизнинг орқангиздан тушишларини яхши билсангиз керак.

Сал ҳуши жойига келган Бетта ҳукмдори бу фикрга дарров қўшилди.

— Тўғри...

— Қуршовдан қочиб кетганингиз учун қирол сизни сургунга ҳукм этганидан хабарингиз борми?

Бу гапдан Муҳаммад Кабир Нодиршоҳнинг қора кўзойнак остидаги кўзлари олакула бўлиб кетди. Лекин лаҳза ўтмай ўзини қўлга олди.

— Мен нима қилишим керак? — сўради у авлиёга илтижоли бир қиёфада тикиларкан.

— Ҳозироқ қирол Ҳошнаҳаш билан учрашишимиз зарур.

Қиролнинг номини эшитган ерлик собиқ подшо яна ўзидан кетиб қолаёзди. Унинг кўз олдида бир зум қаҳр-ғазаб ўтида ёнаётган Ҳошнаҳашнинг бақириб-чақираётган

қиёфаси, ўзининг дўзах азобини бошидан кечириб шипда ўтиргани жонланди-ю, беихтиёр қўлларини кўтариб:

— Йўқ! Йўқ!.. — деди саросима ичида.

— Азизим Нодиршоҳ! — деди Ҳақим Амир Шайх энди пича асабийлашиб. — Эркак одамсиз, ўзингизни тутинг! Вақтимиз жуда зиқ. Шу топда исёнкорлар изингиздан келаётган бўлишлари ҳам эҳтимолдан узоқ эмас.

— Ҳошнаҳаш билан учрашолмайман! — деди Нодиршоҳ кўзларини аянчли мўлтиратиб.

— Ҳеч нарсадан қўрқманг! Мен нима десам, тасдиқлаб турсангиз, бас. Сизга ҳеч нарса қилолмайди. Мен буни сизга авлиё сифатида айтаялман.

Бетта ҳукмдорининг ҳамон тусмолланиб турганини кўрган Ҳақим Амир Шайх унинг қўлтиғидан олди.

— Бўла қолинг. Ташқарида бизни кутишаяпти!

Уларни қўниш блоки «Ой»да чинданам Нейтрино кутаётганди. Унга кириб ўтиришлари ҳамон блок тикка ҳолатда осмонга кўтарилди-да, яқиндагина «Қуёш» келиб қўнган Бетта космопортига қараб учиб кетди. У ерда «Ой» ўзи учун ажратилган «Қуёш»даги бўлмага жойлашиши билан кема ҳам юқорилаб, Альфа сайёраси томон йўналди. Йўл-йўлакай авлиё Нодиршоҳга ўз режасини обдан тушунтириб берди. Шундагина Бетта ҳукмдорининг ичида чиқоқ ёнгандай бўлди.

Қирол Ҳошнаҳаш уларни остона ҳатлаб киришлари билан чинакам қаҳру ғазаб тўфонини кўтариб, кутиб олди. Унинг атрофга бамисоли олов сачратаётган кўзларига нигоҳи тушиши билан Нодиршоҳнинг бошида кучли оғриқ турди.

— Минг лаънат сизга! — қичқирди у Бетта ҳукмдорига еб қўйгудек бўлиб тикиларкан. — Санки итдай қаёқда изғиб юрибсиз?! Хоин!! Ҳа-ҳа, сиз буюк салатанатимизни олчоқларча сотдингиз! Бунинг учун сизни ўрта аср жаллодлари усулида шу ернинг ўзидаёқ тилка-пора қилиб ташлаш керак эди! Афсуски, аҳмоқона қонунларимиз бор...

— Ўзингизни босинг, олампаҳо! — унинг гапини бўлди авлиё зўр бериб қиролнинг кўзларига тикиларкан. Ажабо, Ҳақим Амир Шайхнинг ўткир нигоҳидан оч-яшил тутунсимон тўлқинлар таралаётгандай таассурот уйғонар эди. — Теттада аҳвол танг. Қўшинларингизнинг ярмидан зиёди «Хурлик» тарафга ўтиб кетишди. Жанубий ўрмондаги маймунсимонлар ҳам тўла қуролланиб, ҳарбий иншоотингизни қуршовга олишган. Бундан бир соат аввал қамоқхоналардаги тўрт миллионга яқин маҳбус исён кўтариб, озодликка чиқишди. Улар ҳам қуролланган ҳолда жангга шай туришибди...

— Бас қилинг! Нималар деб алжираяпсиз ўзи? — нафрат билан авлиёга ўгирилган Ҳошнаҳаш энди бешбаттар қаҳру ғазаб ўтида ёнар, нигоҳида бамисоли чақин чақнаётгандек туюларди. (Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ сувга тушган мушукдек шумшайиб, тобора чўкиб борарди). — Сиздақа кўкнорихаёл исқирт чоллар пашшадан фил ясашга устаси фаранг бўлишади. Мальунлар!.. Сизлар ҳали ёрдам бериш ўрнига мени кўрқитгани, ҳатто таслим бўлишга даъват этгани келибсизлар-да?!.. Минг лаънат!

Ҳақим Амир Шайх қиролнинг кўзларига зўр бериб тикилишда давом этаркан, унинг жижча сукутга ботганидан фойдаланиб, босиқлик билан гап кўшди:

— Биз, муҳтарам олампаҳо, Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ жаноблари билан бирга ҳузурингизга вазиятни тинч йўл билан ҳал қилиш мақсадида Тетта халқи номидан музокара олиб боргани келдик.

Авлиёнинг ўзидан ҳамон оч-яшил тўлқин таратаётган нигоҳи қиролга заррача ҳам таъсир қилмади. Ҳошнаҳаш унча-мунча биотўлқин таъсирга бериладиган одам эмасди. Шунинг учун ғазоби ортгандан-ортиб, оғзидан кўпик сачраганча гапида давом этди:

— Элчига ўлим йўқ, дейдилар. Лекин сиздақа мальунларни сургун қилиш ҳам озлик қилади! Ҳа-ҳа! Сизларнинг, айниқса, манави иблисининг, — у шундай дея гавдасига ярашмаган энгил ҳаракат билан Муҳаммад Кабир Нодиршоҳнинг чотлари орасига зарб билан бир тепди, — пўстингизни шилиб, терингизга сомон тикмасам, Ҳошнаҳаш отимни бошқа қўяман!..

Шу пайт қиролда қандайдир ўзгариш юз бергандай бўлди. Чамаси, унга авлиёнинг тикондек нигоҳи ўз таъсирини кўрсата бошлаганди. Иш Ҳақим Амир Шайх режалаштириганидай бораётганди.

Ҳошнаҳаш энди бир мунча вазмин оҳангда гапини давом этдирди:

— Сизлар чучварани хом санаяпсизлар. Мен Теттага яқиндагина беш юзта қирувчи ҳарбий учиш қурилмаси жўнатдим. Улар осмондан туриб, икки соат ичидаёқ ўлимтик маҳбусларингизнинг ҳам, маймунларингизнинг ҳам кулини кўкка соуради.

— «Хурлик» фаоллари тоборларингизнинг жиловини қўлларига олганларидан хабарингиз йўқми ҳали? — сўради авлиё ўзини соддаликка солиб.

Ҳошнаҳашнинг кўзларида яна ўт чақнаб кетди. У Ҳақим Амир Шайхга илк марта хавотирли нигоҳ билан қаради.

— Шунақа, — деди авлиё жонланиб. — «Хурлик»чилар бундан бир неча соат аввал тоборлар ишини бошқарувчи радио-электрон пультаи ишғол этиб, уларни қирувчи учиш аппаратларингизга қарши урушга шай қилиб қўйишган...

Бу гап қиролни бехос сескантириб юборди. Кейинги воқеалар кўз очиб юмгунча



содир бўлди. Авлиё Муҳаммад Кабир Нодиршоҳнинг биқинига енгилгина туртиб кўйди. Ерлик собиқ подшо энди фавқулодда ўзини йўқотиб қўйган Ҳошнаҳашга нафрат билан тикиларкан, Тетта марказий қамоқхонаси ертўласидаги қафасларнинг бирини зўр бериб кўз олдига келтира бошлади. Сўнгра шартта қора кўзойнагини ечиб, қиролга тикилди. Дастлаб унинг жойидан қимирламаганини кўрган авлиё ҳам, Нодиршоҳ ҳам қичқириб юбораёзишди. Қирол шу даражада кучли одам эдики, Бетта ҳукмдорининг телепортация қобилияти унга деярли таъсир кўрсатмаганди. У энди иккала ғанимини истаган балоларга гирифтор қила олиши мумкин эди.

Ҳаким Амир Шайх сўнги қуролини ишга солишга мажбур бўлди. Мўйсафид мазкур қуролидан камдан-кам фойдаланар, ўзи ва ўзгаларнинг ҳаёти учун катта хавф туғилсагина унга изн берарди. Агар шу топда у бирор чора кўрмаса, тузатиб бўлмас ҳодиса юз берар ва пировардида бутун коинот аҳли уни кечирмаслиги мумкин эди. Ажабо, Ҳаким Амир Шайх танасидаги кучларни жамлаб, бармоқларини олдинга чўзиши билан ундан қип-қизил электр учқунлари сачраб, қиролга бориб тегди-ю, Ҳошнаҳаш кўксига ханжар урилгандай сапчиб тушди. Унинг танасидаги кучланиш кескин пасайиб, қувватининг бир қисми авлиё узатган электронлар оқими билан бирга ерга ўтиб кетганди. Қирол оғир чайқалиб, тиззалари букилди, оёқдан қола бошлади. Муҳаммад Кабир Нодиршоҳнинг нафратли нигоҳи ана шунда иш берди. Ҳошнаҳаш яраланган ваҳший ҳайвондай ўкирганча яна бир силкиниб, кўздан ғойиб бўлди. Пешонасини жиққа тер босган Нодиршоҳ даҳшат ичида ҳозиргина елкасидан тоғ ағдарилгандай енгил нафас олиб, кўзойнагини тақди. Ҳаким Амир Шайх ҳам анча ҳолсизланган, лекин ҳорғин нигоҳида мамнуният, қониқиш ҳисси бор эди.

Ерлик собиқ подшо кутилмаганда шунақанги қаҳ-қаҳ уриб кулишга тушдики, деразалар зириллаб, шипдаги қандил жон битгандай қимирлаб кетди. Авлиё унга ҳайрон бўлиб тикиларкан, дастлаб ҳеч нарсага тушунолмади.

— Ваҳ-қаҳ-қаҳ-қа-қа-а!.. Ана энди ланъати Ҳошнаҳашнинг кунига маймунлар йиғлайди! Ана энди, ниҳоят, мен ўзимни коинотнинг мутлақ ҳукмдори деб эълон қилсам бўлаверади! — Мамнуният билан қафтларини бир-бирига ишқаларди Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ. — Қандай оламшумул иш бўлди!... Лекин бунда сиз беқиёс ёрдам кўрсатдингиз, муҳтарам ҳазрат! Бунинг учун мен сизнинг ҳар қандай тилагингизни бажо келтиришга тайёрман!..

Ҳаким Амир Шайх ҳамюртига ҳайрат ва саросима билан тикилди. Воқеанинг бундай тус олишини, чамаси, авлиё тасаввур қилган эди-ю, лекин тўс-тўполонда ерлик собиқ подшонинг ёвуз ва худбин кимсалигини бироз эътибордан соқит этганди.

— Агар хоҳласангиз, — гапида давом этди Нодиршоҳ ҳамон ўша кўтаринки кайфиятда, — мен сизни ўзимга биринчи вазир қилиб тайинлайман! Хоҳласангиз, Бетта ва Тетта сайёраларининг ҳукмдорлигини қўлингизга олинг! Ҳозироқ, шу ондаёқ!

— Ҳозирча бу гапларни қўя туринг, ўғлим, — деди авлиё ҳорғин оҳангда. — Ҳозир биз Теттадаги қирғинбарот урушнинг олдини олиш, у ерда зудлик билан тинчлик ўрнатиш ҳақида бош қотиришимиз керак.

— Э-э, йў-ўқ, ҳазрат! — деди Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ маккорона илжайиб. — Тинчлик ўрнатиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас! Давлат ишлари билан шуғулланишни энди ўзимга қўйиб берсангиз. Ахир, мен коинот қиролиман! Буюк салтанатимизнинг жами ғанимларини бугуноқ битта қолдирмай қарғинбарот қилдирамиз! Бирлашган Галактикалар Уюшмасининг ерлик жосусларини эса, Зет сайёрасига ўз кемалари билан бирга сургунга жўнатамиз!... Ундан кейин... — гапида давом этди янги забт этиш учун Теттада олис сафарга отланамиз!..

«Йўқ, бу ўта хавфли одам, — ўйларди авлиё маъюс бир кайфиятда. — У ўз пуштикамаридан бўлган фарзанди ҳақида ўйлашни ҳам истамаяпти. Дунёпарастлик унинг қалбини кўр қилиб қўйган. Тезроқ бу ердан кетиш керак. Йўқса, ўзини ҳам анави ёввойи ҳайвонлар орасига телепортация қилиб юбориши ҳеч гапмас. Боз устига Ҳошнаҳаш билан курашга озмунча қуввати сарф бўлмади. Шўрлик Самандар... Сенга қанчалик қийин бўлишини энди жуда яхши тасаввур қиламан...»

Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ қимматбаҳо қора мато билан ўралган қироллик курсиси томон ўтиб, яна орқасига ўгирилганида, Ҳаким Амир Шайх йўқ бўлиб қолган эди.

Авлиё шу ондаёқ «Кўёш»нинг бошқарув бўлмасида пайдо бўлди. Нейтрино бунга ажабланмади. У кишиларнинг турфа кайфиятларини ҳам илғовчи нозик кибернетик қурилмаларга эга эканлигидан, мўйсафиднинг қовоқ-лунжи осилган юзини кўриб, дарров вазиятга тушунди. Кемани учишга ҳозирлай бошлади.

«Қуёш» Теттанинг меҳварига кириб борганида, сайёра осмонида чинакам самовот жанги қизиб кетган эди. Бу ерда юзлаб қирувчи учиш қурилмалари уч-тўрт нафардан саф бўлиб юришар, тағларидан Теттага қадимий «катоша»ларни эслатувчи олов дастакларини учирашар, уларнинг баъзилари тоборлар пастдан юбораётган лазер нурларига тўқнаш келиб, бот-бот ёниб кетар ва сайёрага қулай бошлар, осмонни бадбўй ҳид, саркаш ўт ва қоп-қора дуд қоплаган эди.

Авлиё Нейтринога кемани пастлатишни буюрди. Ерга икки чақиримча масофа қолганида, тоборлар «Қуёш»ни ҳам «уқ»қа тута бошладилар. Лекин унинг химоя майдони ишга солинган эмасми, кема олов ёмғирини писанд қилмай, пастлашда давом этди.

Ҳаким Амир Шайх биллур дарча орқали сайёра саҳнини кузатди. Дашти-биёбонда қуролланган оломон бир томондан иккинчи томонга селдек оқар, ўрмон тарафдан қўлларига автоматсимон қуроллар кўтарган маймунсимон махлуқлар чувиллашиб, ғала-ғовур кўтариб, дўнгликлар сари бостириб боришарди.

Пастда саф тортган жангчиларнинг наъралари янграб, жанг ноғораларининг садоси еру кўкни чок-чок қила бошладилар. Аскарлар жунбушга келиб, ҳамма ёққа сурон солиб, бутун оламни ғавгою қийқириққа тўлдирдилар. Тетта саҳнида ҳам, самовотда ҳам беомон уруш бошланган эди.

«Қуёш» билан ёнма-ён ўндан зиёд қирувчи учиш қурилмаси қуруқ саксовулдек гуруллаб ёниб, орқасида узун тутун изларини қолдирганча пастга қулаб бормоқда, уларга дақиқа сайин янги-янгилари қўшилир эди. Тепадан қараб туриб, бу қиёмат-қойим урушни қандай бошқариш мумкинлигига авлиёнинг ақли бовар қилмасди. Қирғинбарот қон тўкилишини тўхтата олишга қодир кучни ерда ҳам, самода ҳам топиб бўлмайдигандек эди.

Нейтрино «Қуёш»ни марказий қамоқхона яқинидаги йигирма чоқли одам тўпланиб турган тепалик яқинига қўндирди. Тўпланганлар «Хурлик» норасмий уюшмасининг раҳбарлари ва Самандар бошлиқ ерлик фазогирлар бўлиб, бу жой урушни кузатув ва бошқарув нуқтаси эди.

Кеманинг ўзиорар зиналари туширилиб, ундан авлиё билан Нейтрино чиқиб келганида, Самандар раҳбарлигидаги ерлик фазогирлар уларнинг истиқболига югуришди. Худди юз йил кўришмагандек бир-бир қучоқлашиб салом-алик қилишгач, гапни Ҳаким Амир Шайх бошлади:

— У томон-бу томон қўшинларга дарҳол қирол Ҳошнаҳаш тахтдан ағдарилиб, қамоққа олинганлигини эълон қилиш керак. Шунда зора сал ўзларига келишса...

Бирлашган Галактикалар Уюшмаси вакилларининг орқасидан кетма-кет етиб келган «Хурлик» раҳбарлари бу гапни эшитиб, ҳайратдан бир зум ағрайиб қолишди. Кейин ҳамма турганлар шоша-пиша қамоқхона сари йўл олишди.

Улар ертўлага тушиб келишганда, қабиҳ ва ўта аянчли манзаранинг гувоҳи бўлишди. Ваҳший ҳайвонлар қамалган қафасларнинг биридаги жағлари ва олд панжалари қонга беланган баҳайбат арслон ерда узала тушиб ётган қиролнинг эгни-бошини тилкапора қилиб, қорнини ёриб ташлаган, энди иштаҳа билан унинг ичак-чавоқларини ғажиш билан овора эди. Ҳошнаҳашнинг катта-катта кўнғир кўзлари қинида чиққудек ҳолатда очиқ қолган, совуқ ва маънисиз нигоҳи даҳшат ичида йиртқичнинг шафқат билмас ўткир тишларига қадалган эди.

«Хурлик» раҳбарлари ва Бирлашган Галактикалар Уюшмасининг вакиллари бу мисли кўрилмаган қонли манзарага саросима ва кўрқув аралаш тикилишаркан, оғир сукунатга ботишганди. Жимликни улар билан орқама-орқа етиб келган Ҳаким Амир Шайх бузди:

— У итмижоз бир одам эди, итдай ўлим топди...

Улар орқага қайтишаркан, кайфиятлари зилдай оғир, кўнгиллари хуфтон эди. Яна урушни бошқарув нуқтаси жойлашган тепаликка чиқиб келишди. Шимолдан анча кучли шамол эса бошлаганди. Ҳаводаги бадбўй ҳид ва қора дуд янада кучайган, тутун орасидан уфқ томонда «ур-ҳо, ур-ҳо!» — дея қийқириб жанг қилаётган сон-саноқсиз аскарларнинг қорамтир гавдалари ғира-шира куринарди. Тоборлар кетма-кет уриб тушираётган қирувчи учиш қурилмалари осмоннинг гоҳ у-гоҳ бу жойида худди юлдуз учгандай ногаҳон оловли из қолдириб пастга шўнғир эди.

— Қиролнинг шаҳид бўлгани ҳақидаги хабарни жангчиларга қандай етказамиз? — сўради «Хурлик»нинг юзида тиртиғи бор алпқомат раҳбари. Бу ташкилот ҳарбий қуроллардан бўлак айтарли ҳеч қандай техникавий жиҳозларга эга эмас эди.

— Буни, агар ишонсанглар, Хурлиқо, Қуюн ва Миёвбойлар амалга оширади, — деди авлиё, кейин пешонасини бешбаттар ажин қоплаб, афсус оҳангида кўшимча қилди: — Бу-ку бўлар, жангларга ҳам ҳозир якун ясаймиз. Лекин Нодиршоҳни нима қиламиз, шунга сира ақлим етмаяпти...

— Нимаям қилардик, — гапга аралашди қорақош йигит, — ҳибсга олиб, Бирлашган Галактикалар Уюшмасининг ҳукмига топшираамиз.

— Лекин уни ҳибсга олишнинг ўзи бўлмайди, — деди малласоч аёл.

Авлиё, тўғри, дегандай вазмин қовоғини уйди.

— У жуда золим одам, — деди «Хурлик»нинг юзида тиртиғи бор раҳбари ташвишли киёфада. — Агар зудлик билан уни қўлга олишнинг бирор йўлини қилмасак, ҳаммамизни Ҳошнаҳашга ўхшаб бошқатдан қатли ом қилишга киришади.

— Дўстлар! — деди шу пайт Самандар кўзларини қисганча бир қадам олдинга чиқиб. Унинг ҳаяжонланаётгани кўриниб турарди. — Шу ишни менга топширсанглр! Мен Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ билан барибир гаплашиб олишим керак!

Парилар, Тулпор ва Мушук буржлари вакиллари ҳам унинг ёнига келиб туришди.

— Биз ҳам сен билан бирга борамиз!

«Хурлик» уюшмасининг раҳбарлари уларга ҳайрат билан тикилишди.

— Сизнинг бирор тузук режангиз борми? — сўради алпқомат кимса энди «Қуёш»нинг дарғасига мурожаат қилиб.

— Бор! — деди Самандар қатъий оҳангда. — Лекин бу ҳақда ҳозирча сизларга ҳеч нарса айтилмайман.

— Узинг биласан, ўғлим, — деди Ҳаким Амир Шайх негадир тушкун бир кайфиятда, кейин паст товушда қўшимча қилди: — Мен ҳам сизларга ёрдам беришга уриниб кўраман...

«Эҳтимол, бу менинг сўнгги ёрдамим бўлар», — хаёлидан ўтказди у нима учундир энгил тортиб.

Икс галактикасидаги кейинги воқеалар тезкор суръатларда ривож олди. Хурлиқо, Қуюн ва Миёвбойларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Тетта саҳнида ҳам, самода ҳам уруш тўхтатилиб, ҳарифлар ўртасида битим тузилди. Қирол Ҳошнаҳашнинг фожиавий ўлими айтарли ҳеч кимда ачинаш ҳиссини уйғотмади. «Хурлик» уюшмасининг раҳбарияти Муҳаммад Кабир Нодиршоҳга дарҳол истеъфога чиқишни таклиф қилиб, фазограмма жўнатди. Янги «қирол» мазкур таклифни қабул қилишдан қатъиян бош тортгани ҳақида жавоб олинганча, «Қуёш» юлдузкезар кемаси яна Альфага йўл олди. Ҳаким Амир Шайх негадир Бирлашган Галактикалар Уюшмасининг вакиллари билан бирга учишни лозим топмади. Самандар Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ билан яккама-якка учрашишдек қалтис қарорга келиб, ўжарлик билан гапида туриб олди.

Ниҳоят, ота ва бола Икс галактикаси қироллигининг Альфадаги бош қароргоҳида юзма-юз келишди.

Самандар ҳам, Муҳаммад Кабир Нодиршоҳ ҳам дам севинч, дам саросима, дам кўрқув ва дам нафрат билан бир-бирларини кузатиб, анчагина сукутда қолишди. Йигитнинг рўпарасидаги қоматдор одамга тик қадалган мардона нигоҳи бамисоли бундай гапларни айтаётгандай эди:

— Ё фалак, бу кимнинг тимсолию бу қандай аҳвол экан? Ота бўлмиш бундай одамзодни ким кўрган экан? Бу тахлит одам ҳақида бургутлар яшайдиган чўққида ҳатто гапиришмаган ҳам эди-ку?!

Рўй берган аҳвол Муҳаммад Кабир Нодиршоҳга ҳам жуда оғир туюлишига қарамай, унинг қора кўзойнак остидаги нигоҳидан ушбу маънони уқиш мумкин эди:

— Эй, юрагимнинг пайванди, кўнглимнинг бир парчаси, ота-онадан бебаҳра фарзанд! Бу ерга сен нега келдинг? Кўксимдаги яраларни сўкиб, бағрим қонини тўкканими? Сенинг кўксинг ғамдан яраланган бўлса, менинг жигаримни алам ўсимталари қоплаган! Сен дунёга келмаган вақтда, қонинг қонимга аралаш бўлганда, сени не муддаолар билан тилаб, садақалар бердим, дуолар қилдим. Лекин сени топдим-у, менга қўл чўзмаган ғамлар қолмади. Сен бир қатра сут эмишга улгурмай, мен юз қатра қонлар ютдим. Шу туфайли сендан юз ўгирдим-у, ёвуз ва қаттол бир мавжудотга айландим. Ана энди, айт, сен бу ерга нега келдинг?

Отасининг кўзларидан бу маъноларни ўқиган Самандар бир оҳ тортиб, унинг оёқлари остига йиқилаёзди. Энди унинг келишган юзидан мана бу маъно ёғилаётгандай эди:

— Эй, муҳтарам шоҳ! Сени ота дейишга ҳам тилим бормайди. Мурғак болагимда товонимга тикон киргудек бўлса, уни сен эмас, ўзгалар тишлари билан суғуриб олиб ташлаганлар. Илм ва одоб олиш мақсади билан мактабга ҳам мени сен эмас, ўзгалар бошлаб борганлар. Оталик қилиб мени на эркалагансан, на койиғансан, на бошинг узра улоқтириб ўйнагансан, на чивиқ билан савалагансан. Лекин шуларга қарамай, ҳозир «юрагимнинг пайванди», «кўнглимнинг парчаси» дединг, шу гапинг вужудимни ларзага солди, танамда сенинг қонинг жўш ураётганини ёдимга туширди. Аслида бу ишларнинг ҳаммаси тақдирдан эди. Бундай балоларнинг юз бериши кишининг ўз ихтиёри билан бўлмайди. Табиат ва тақдири азал осмону фалакдан мингларча чақмоқлар ёғдирса, унинг қаршисида хашак нима ҳам қила олар эди. Сен билан биз табиат ва тақдири азал олдида оддий бир хашаклармиз. Бу ерга ташриф буюрганим боисига келсак, сен беқиёс ва жуда хавфли чўққини забт этишга чоғланибсан. Бу шундай тик ва расо чўққиқи, ундан фақат тубсиз жарга қулаш мумкин, билъакс, келган йўл билан қайтиб бўлмайди. Сен ҳам йўл босиб шу ерга етиб келибсан, вақтида сени йўлдан қайтаргани келдим. Қайт энди, бу сафаринг яхшиликка олиб бормайди.

Муҳаммад Кабир Нодиршоҳнинг қора кўзойнак ортидаги ёниқ нигоҳида энди бу фикрлардан норозилик ифодалари англашилди:

— Йўқ, жигарим! Мен бу йўлдан қайтолмайман. Шунинг учун йўлимда тўғаноқ бўлиб туришинг мендан кўра ўзингга зарар. Ахир, тақдири азал олдида биз оддий бир хашаклармиз, деб ўзинг ҳам айтдинг-ку?! Мен оддий хашак бўлишдан юз ўгирган одамман. Инсон шундай яшаши керакки, зарур бўлса, у ҳатто табиат ва тақдири азал устидан ҳам чақмоқлар ёғдира олсин! Шунинг учун йўлимни тўсма-да, ўз тирикчилигини йўла!

— Сени ота дейишга тилим бормаса ҳам, минг бора отажон деб ёлбораман: қайт у йўлингдан! Гапларинг куйган кўнгил оловига сув уради. Табиат ва тақдири азал устидан чақмоқлар ёғдирмоқ учун худованди каримнинг ўзи бўлмоқ керак. Сен бўлсанг, ерлик оддий бир подшосан. Тақдири азал олдида эса, подшо ҳам бир, гадо ҳам бир. Шу боис, сўнгги бор ўтиниб сўрайман: қайт бу йўлингдан!

Шу пайт Муҳаммад Кабир Нодиршоҳнинг қора кўзойнак остидаги кўзларида қаҳр ва ғазаб учқунлари ёлқинланди.

— Пушти-камаримдан бўлган ўғлимсан-да, гапларингга ҳеч курса қулоқ тутишга мажбурман. Акс ҳолда бу шаккок гапларинг учун аллақачон Ҳошнаҳашнинг кунини бошингга солар эдим. Бемаъни гапларингни бас қил энди! Сабр косамни тўлдирдинг, лаънати!..

Отасига гап қилмаслигини, улар ҳеч қачон яхшиликча келишолмасликларини пайқаган Самандарнинг қомати ёй, кўзлари ўқ бўлиб, дунёни нишонга олгандай эди. У мазкур ёйга дам жойлаб, бамисоли фалакнинг кўзига урмоқчидай эди.

Айни шу даъда дунё бешбаттар ёвузлашиб, уйқудаги бор фитналарни ёруғликка чиқариб юборди. Жаҳон бевафолик ва қаттоллик билан тўлиб, бутун бахтсизликлар фалакнинг уйга бостириб кирди. Омон-омонлик билан маккорлик ўртасига қурилган девор шафқатсизлик билан вайрон этилди. Ҳаракатсиз юлдузлар саодат бағишланиш ниятларидан воз кечиб, бахтсизлик келтирувчи юлдузлар орасидан жой олдилар. Миррих юлдузи ғазаб билан найза ўқталиб, жами одамзодни кўр қилмоқчи бўлиб турар эди.

Коинот ҳувиллаган кимсасиз сахрога айланиб, фалак ўз меҳваридан қулаши хавфи юзага келган бир пайтда ота ва боланинг ўртасида ғойибдан авлиё Ҳаким Амир Шайх пайдо бўлди. Унинг қадди энди тамомила букчайиб, кўзларидаги маъно ҳам сўниб бораётгандай эди. Мўйсафид шу даражада мункиллаб, ҳилвираб қолган эдики, биров чертиб юборса ҳам ағдарилиб тушадигандай ва мангу узлатга равона бўладигандай туюларди.

Авлиё ночор нигоҳини даставвал Самандарга қаратди.

— Ўғлим! — деди у негадир хаста овозда. — Сен энди менга абадул-абад муносиб шогирд бўлдинг. Шу ондан эътиборан пешонангга авлиёлик муҳрини босгайман. Бир вақтлар мен ҳам ўз устозимдан авлиёлик илму амалини қабул қилиб олган ва бутун умримни эзгулик уруғини сочишга бағишлаган эдим. Энди бу олийжаноб вазифа тақдири азал ва парвардигорнинг амри билан сенинг зиммангга юкланди. Сенга ҳамиша омад ва толе ёр бўлғай! Алvido, жигарим!

Ҳаким Амир Шайх шундай деб, заиф кўлларини ёзганча йигитни кучоқлари орасига олди-да, лаҳза ўтмай жиққа ёш тўла нигоҳини рўпараларида мармар ҳайкалдек қотиб турган Муҳаммад Кабир Нодиршоҳга қадади.

— Мен сенга эзгу мақсадда, яхшилик, Ватан ҳимояси йўлида фойдаланарсан деб, буюк куч-қудрат ато этган эдим, эй шоҳ! Аммо, афсус, умидларим сароб бўлиб чиқди. Энди ўз ҳаётим эвазига уни сендан қўтариб олишга мажбурман. Ким билади, сизларни чинакам ота-болага айлантиришининг бирдан-бир йўли ҳам, эҳтимол, мана шудир, — шундай дея авлиё Нодиршоҳга яқинлашди. Ерлик собиқ подшо ўзини алланимадан ҳимоя қилаётгандай беихтиёр кўлларини олдинга узатиб, худди безгак тутатгандай қалтирай бошлади. Қора кўзойнак ортидаги кўзлари энди даҳшатли бир тарзда чақнар эди.

Орадан бир сония ҳам ўтмай, ота-бола ўртасидаги ерда Ҳаким Амир Шайхнинг бир тўда кийим-бошларигина уюлиб ётар, ўзи эса, бамисоли ҳавога сингиб кетгандай кўздан ғойиб бўлган эди.

Ажабо, Муҳаммад Кабир Нодиршоҳнинг авзойида нимадир ўзгарган, чеҳрасида энди даҳшат ўрнида ҳайрат, ҳаяжон, иноят ва ҳиммат ифодалари акс этарди.

## ХОТИМА

Коинот Хавфсизлик Кенгашининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бу сафар ҳам Ерда ўтказилди. Унда бир масала — Икс галактикасидан қайтиб келган Самандар бошлиқ хуфия гуруҳининг ҳисоботи тингланиши лозим эди.

Мажлис одатдагича «Самовот» номли онгли мавжудотлар дўстлиги катта саройида очилди. Мажлис бошланишига ҳали бир неча дақиқа бор, шунинг учун турли юлдуз буржларидан ташриф буюрган олақуроқ кўринишли вакиллар шовқин-сурон кўтариб чуғурлашишар, вағирлашишар, чийиллашишар, вижирлашишар, Икс галактикасида бўлиб ўтган кўз кўриб қулоқ эшитмаган ғаройиб воқеаларни муҳокама қилишарди.

Доира шаклидаги катта биллур қандилнинг бир томонига осилиб олган Маймун буржининг вакили — орангутанга ўхшаб кетадиган елкадор ва жундор олий онг эгаси қандилнинг нариги чеккасида кўзларини бақрайтириб ўтирган Бойқуш юлдуз буржининг вакилиги қарата умумқоинот тилида:

— Ҳошнаҳаш салтанати инқирозга юз тутибди, демак, Ратҳам Босуэр Азим жаноблари сайловда бу сафар ҳам ғолиб келарканлар-да?! — деди.

Бойқуш юлдуз буржининг вакили жуда камгап мавжудот бўлиб, одатда гап орасида луқма ташлаш билан кифояланарди. Лекин мавзунинг ўта муҳимлиги учунми, бу сафар тўлиқ фикр айтишни лозим топди:

— Фу, бўлмасам-чи! Лекин Ҳошнаҳаш тирик қолганида, унинг ҳам ҳолига маймунлар йиғларди!..

Минбарнинг ўнг биқинига осилиб турган Чаён буржининг вакили бор овозида чийиллаб:

— Ахир, қоинотда тўлиқ маънода демократия жорий этилганига ярим асрдан ошди! Бунақа мажлис ўтказиб, бизни овора қилишнинг нима кераги бор эди?! Бўлиб ўтган воқеалардан шундоқ ҳам ҳаммамизнинг хабаримиз бор-ку?! Ўзимиз ҳам ғирт расмиятчимиз-да... — деб қўйди.

Унга жавобан саҳна чеккасидаги бир жуфт кактус ўсиб турган саватда кулча бўлиб ётган Илон галактикасининг вакили оҳиста бошини кўтариб:

— Вшш-ш... Тўғри! — дея минғирлади.

Равоқда бамайлихотир ўтирган тўти кутилмаганда қанотларини бир силтаб юқорига кўтарилди-да, тўғри саҳна тарафга учиб кела бошлади. Бу — Қуён юлдуз буржининг вакили бўлиб, қуёнлардан ҳеч ким олис сафарга отланишга рози бўлмаган, шунинг учун ўз элчилари сифатида тўтини юборишганди.

— Қар-ршиман! Қар-ршиман! Қар-ршиман! — дея бидирларди у йўл-йўлақай.

Тўти тўғри келиб минбарнинг бир чеккасига қўнди-да, қанотларини попиллатганча залга юзланиб:

— Қар-ршиман! — дея такрорлади.

— Мажлис бошланмасидан нимага қаршисан ўзи? — бақирди ложада ялпайиб ўтирган Қобон буржининг элчиси бақалоқ башарасининг пастки қисмидан туртиб чиққан мўйловсимон икки шохини туёғи билан оҳиста силаб қўяр экан.

— Мен кун тар-ртининг бизга эълон қилинган лойиҳасига қар-ршиман! Мен ҳисоботдан кейин унга яна битта банд: «Хурлиқо ойм билан Самандарбекнинг тўй маросимларини ўтказиш тадбирлари» деган банд киритилишини талаб қиламан.

— Фу, оймча бирпасда йигитнинг бошини айлантириб олибди-да! — деди Бойқуш буржининг элчиси катта-катта кўзларини бир юмиб-очиб. — Шўрлик Самандар, сенинг ҳам бўйнингга тўрва-халта осиладиган бўлибди-да...

Буқа галактикасидан келган вакил эринчоқлик билан:

— Мў-у, мен рози! Тўйда роса маишат қиламиз!.. — дея ғўлдиради.

Сал наридаги курсида ёнбошлаб ўтирган Арслон буржининг вакили маза қилиб хуррак тортарди.

Чап томондаги айвонларнинг бирини тўлдириб ўтирган Аждар галактикасининг вакили — уч бошли аждарҳонинг биринчи боши бошқаларига маъноли нигоҳ ташлаб:

— Ҳошнаҳаш шўринг қурғур ҳам адои тамом бўлибди. Биздақаларга энди нон қолмади ҳисоб, — деди ғижиниб.

— Ҳамма сайёраларни ғуж-ғуж демагоглар босиб кетибди ўзи. Гап деса қоп-қоп, иш деса... Чинданам бизга қийин бўлди, — деди иккинчи бош аламзадалик билан.

— «Қора туйнуқ»лар орқали ўтувчи ёндош оламларда бизбоп замона ҳукм суради, дейишади. «Ҳаё-хуйт!» деб ўша ёққа учиб кетиворсакмикин? — деди учинчи бош кўзларини чарақлатиб.


— Ўйлаб кўриш керак... — деди биринчи бош ўйчанлик билан қоғоғини солиб.

Залнинг охиридаги катта дераза тоқчасида мажлисни сабрсизлик билан кутаётган Она Бургут ёнидаги Ота Бургутга юзланиб:

— Авлиёга раҳмим келаяпти. Худо раҳмат қилгур зап ажойиб одам эди, — деди маънос кайфиятда.

— Ҳа, — деди Ота Бургут вазмин бош ирғаб. — Тақдир экан, нимаям қилардик. Рўхинг шод бўлгур ўзини қурбон қилмаганида, ўғлимиздан ажралиб қолишимиз эҳти-моли ҳам йўқ эмас эди-да...

Ниҳоят, Бирлашган Галактикалар Уюшмаси, айна пайтда Қоинот Хавфсизлик Кенга-шининг раиси Ратҳам Босуэр Азим Самандар, Хурлиқо ва «Қуёш» юлдузкезар кемаси-нинг бошқа экипаж аъзоларини саҳнага бошлаб кирганида, гулдурос олқиш овозлари ер-кўкни тутган эди.



## Аер саболафи

Саҳифа филология фанлари доктори,  
профессор Бегали Қосимов таҳрири  
остида чоп этилаётир

### Гулшан

\* (1840—1908) \*

Исми-шарифи Исомуҳаммад Имоммуҳаммад ўғли. Тошкентнинг Кўкча даҳасидаги Сақичмон маҳалласида (ҳозирги Чиғатой кўчасида) туғилган. «Шарифбой» мадрасасида Мирзаоҳунд номли мударрисда хатми кутуб қилган.

Тошкентнинг машҳур бедилхонларидан.

Қабри Чиғатойда.

Девон тузган бўлса-да, тақдири номаълум. Айрим ғазаллари асримизнинг 10-йилларида тузилган баёзларда учрайди.

Шоир ҳақидаги маълумотлар Мўминжон-Тошқиннинг «Тошкентлик ва Тошкентда бўлган ўзбек шоирларининг таржимаи ҳоллари» қўлёзма китобидан олинди.

Шеър — «Баёзи янги» (Тошкент, Яковлев типо-литографияси, 1911 йил)дан кўчириб босилмоқда.

Олам муаттар ўлмас зулфи ечилмагунча,  
Ис бермагай қизил гул барги очилмагунча.

Изҳор айламасман сиррингни элга зинҳор,  
Фамзангни ўқларидин бағрим тешилмагунча.

Эй зоҳиди хўжаста, этма насиҳатингни,  
Тарки муҳаббат этмам, бошим кесилмагунча.

Ул сарвност қилмас ошиқлиғимни бовар,  
Қумри каби кигизни бўйнимга илмагунча.

Фам тун қоронғусида шамъ ўлди нахли мотам,  
Кулбам мунаввар ўлмас дилдор келмагунча.

Тўкмай сиришк бўлмас шамъи висоли ҳосил,  
Хуршид зоҳир ўлмас кавкаб қирилмагунча.

Лаълига хат кўрунғоч топти зуҳури ҳусни  
Маъни саҳифада йўқ лафзи ёзилмагунча.

То этмайин тавозеъ рифъат муяссар ўлмас,  
Кўзгуда топмади жо абрў эгилмагунча.

Юсуф кудук ичидан чиқмас хаёл бирлан  
Дилдор кокулига ҳар дам осилмагунча.

Ким кўрди гулни васлин ҳамроҳи хор бўлмай,  
Фаввос дур ололмас дарёга чўммагунча.

Етмаклик мумкин ўлмас, бўлмай фано худоға,  
Чиқмам бу Чорсудан рахтим сотилмагунча.

Кўксумни қилди ёра пайконидин нишона,  
Кўрсатмади жамолин бағрим эзилмагунча.

Гулшан бу тоза мазмун назм айлади анингчун,  
Лўлў намуна бермас ипга тизилмагунча.

\* \* \*

## Юсуф Сарёмий

\*( 1840—1912) \*

Даврининг машҳур шоирларидан. Юсуф, Юсуфий, Сарёмий тахаллуслари билан шеърлар ёзган. Зиёли оиласида туғилган. Чимкент, Бухоро мадрасаларида ўқиган. Самарқанд, Тошкент, Қўқон адабий ҳаракатчилигида фаол қатнашган.

Юсуф Сарёмий анъанавий йўлларда мумтоз шеърлар ёзган. Девон тузган. Ҳазалларида ошиқона, қаландарона руҳ бўртиб туради. Қаландарлик гоҳо замона зулми, адолатсизликлар билан боғлаб берилади, лекин кўпинча таркидунёчилик билан якун қилинади. Бу ҳам аслида бир муносабат.

Ҳажвий асарларида демократик кайфият, мустабид амалдорларни фош этиш кучли. Юморининг услуб-руҳи сунгроқ демократик адабиётимизда муваффақият билан давом эттирилди.

Сайрам тарихи ҳақидаги хилма-хил маълумотларга бой, бироқ анъанавий диний мазмунда битилган бир «Рисола»ни ҳам Юсуф Сарёмий номига нисбат берадилар.

Шоир девонини «Баёзи Мавлавий Юсуф Сарёмий» номи билан Тавалло 1914 йилда нашр эттирган. Кўплаб ғазаллари, «Яли-яли» каби ўйноқи шеърлари ҳозир ҳам эл орасида машҳур. Ижоди махсус ўрганилмаган.

Бу йил шоир таваллудига 150 йил тўлади.

Қуйидаги «Эй дўст» ғазалини биринчи марта Абдурашид Абдуғафуров 1960 йилда шоир девонидан олиб нашрга тайёрлаган эди. Мадраса ҳақидаги шеърини эса «Баёзи маҳалла» (Тошкент, 1912 йил)дан олиб босмоқдамиз.

\* \* \*

Ҳажрингда мени зору хароб айлама, эй дўст,  
Бағримни фироқингда кабоб айлама, эй дўст.

Мирьоти юзунг ойинаи дийдаларимдин,  
Маҳжур тутуб, кўзни пур об айлама, эй дўст.

Лутф ила тақиб гардани жон бирла кўнгулға,  
Жуз анбари зулфингни таноб айлама, эй дўст.

Хам бўлди қадим, сурғали юз хоки дарингға,  
Келдим букулуб, маъюси боб айлама, эй дўст.

Ушшоқларинг қатлиға минганда тановар,  
Кўз ҳалқасидин ўзга рикоб айлама, эй дўст.

Кўп хокнишин роҳи ғамингда ўтирурлар,  
Сол бир назари, мунча шитоб айлама, эй дўст.

Кел тўби қаду, ҳур жамолу лаби кавсар,  
Юсуфни фироқингда азоб айлама, эй дўст.

## Дар таърифи манзар мадрасаи Бек ва Юсуф

Рашки равоқи жаннат гар бўлса бор манзар,  
Азбаски дилкушодур фасли баҳор манзар.

Кўрсам юзи қуёшлар, ўйнар кўзумда ёшлар,  
Сайри чаманга бошлар ул гулғузор манзар.

Ҳар сори бир парирў, пайваста тоқ абрў,  
Мужғони тийғи ҳинду жаллодвор манзар.

Қўлда китоб нози, юз шамъи жонгудози,  
Ўлдурмак анга бози рахлолазор манзар.

Қилмас ҳавоий гулшан, ёд айламас чамандан,  
Жамъ ўлса аҳли дилдан фархат нигор манзар.


Рафъатда осмондур, назҳатда гулситондур,  
Шавқ аҳлига макондур дорул қарор манзар.

Ё раб, бекини олий, божоҳ, божалоли,  
Боайши бонаволи қил бор-бор манзар.

Бу жой рафъи ғамдур, чун равзаи эрамдур,  
Ҳар қанча деса камдур, гардун мадор манзар.

Юсуф даме ўтурди, кўб маҳрўни кўрди,  
Ҳайратда боқди, турди, кўз қилди чор манзар.





## ҚИШДАН СЎНГ БАҲОР

ЭССЕ

Ҳофизга ҳар замон охир замондир.  
Бугун авж этмаса, эрта гумондир.  
Руҳнинг тулпорига гар обиҳаёт  
Элтмаса, сўзлар — ўқ, дутор камондир.

### Кеч куз

Мадраҳим Шерозий эскириб қолганлиги шундоққина кўриниб турган, лекин жуда қаттиқ ёғочдан ясалган курсида тим-тик ўтирганча телевизор кўрарди. Оддийгина хонанинг бор бисоти — попук тақилган ўйма дутор, Навоий, Фузулий, Огаҳий девонлари, телефон, телевизор ва шу курси.

Шерозий суяниб ўтиришни ёқтирмасди. Эҳтимол, бу унинг ўзига хос одати, балки ҳофизларга хос хусусият — бир неча соатлаб мордош ни бузмасдан қўшиқ айтаверишдан қолган кўникмадир. Ҳарҳолда, қоматини тик тутмасдан, ялпайиб ўтирган одамни кўрса у хуноб бўларди.

Телевизорда эса, рубобининг нақшлари ялт-юлт этиб томошабинлар кўзини қамаштириб турган ёшгина хонанда, ўнга яқин созандалардан бир қадам олдинда турганча, қўшиқ айтар эди. У тингловчидан хайрихоҳлик тилаб гоҳ йиғлоқлик қилар, гоҳ биров чимчилаб олгандек чинқирарди:

**Оппоқ-оппоқ қўллари бор,  
Пахтадан оқ қўллари бор  
Ўзбекистон қизларининг,  
Ўзбекистон қизларининг...**

«Пахтадан оқ қўллар қанақа бўларкан ўзи?! — ўйлади Мадраҳим Шерозий. — Яхши, мақомга кучи етмас экан, Навоийни билмас экан, халқ қўшиқларини ё бўлмаса замонавий, чоғига яраша ашулалардан айтиб айбини ёпмайдими?!» У ўзи яхши кўрадиган Ҳожихон ҳофизга боғлаб гурунг қилинадиган бир воқеани эслади...

Хоразмнинг ярим дунёга маълум ва манзур гўяндаси Ҳожихон Болтаев бир куни катта даврада хониш этиб, кўнглини сувдай эритиб, ғам тоғини ушатиб, қаттиқ кўнгилларни юмшатиб ўтирган экан.

x x x

Мадраҳим Шерозий (Мадраҳим Ёқубов) куй ва қўшиқчилик равнақиға муносиб ҳисса қўшган санъаткордир. У таниқли хонанда ва созандалар Қуржи ота Авазматов, Полвон дўзчи устозлиғида юксак маҳоратга эришади. Шерозий ўз навбатида Ваҳобжон Фаёзов, Комилжон Отаниёзов, Матёқуб Раҳимов, Султонпошша Раҳимова, Матниёз Юсупов каби кўплаб муносиб шогирдлар етиштирган.

Мадраҳим Шерозий таваллудига юз йил тўлди. Шу муносабат билан устоз санъаткор ҳақидаги ушбу эссени журналхонлар диққатиға ҳавола қилмоқдамиз.

x x x

**Нигоро, поймолинг ҳар дилу жон  
ўлди, бир манму,  
Юзинг шавқида бўлбул зору нолон  
ўлди, бир манму...**

Шу ерга етганда яқин орадаги яна бир даврадан куйи на ўзбекча, на озарбой-жонча, на туркча бўлган тезоб ва сийқа кўшиқ эшитилибди. Қизиғи шундаки, тингловчиларнинг ярмидан кўпроғи «Сувора»ни кўйиб, ўша «ота-онаси» номаълум ашула томон оғиб кетган экан.

Ҳожихон ўша «чумчуқ — кўшиқчи»ни, рубобининг овози эшитилган заҳоти танибди. Бир неча йил бурун: «Сендан санъаткор чиқмайди», деб ўзи шогирдликка қабул қилмай қайтаргани кимса экан у.

Шерозий ҳам, Ҳожихон ҳам кўшиқчиларни уч тоифага бўлишарди. Биринчиси — булбул-кўшиқчи ёки гўянда. Унинг кўнглида табиий нур бор. У шу нурни кўшиққа айлантириб, кишиларга юқтирмасдан туролмайди.

Иккинчиси — от-кўшиқчи. У гоят меҳнаткаш, жуда кўп интилади, изланади, хизматдан қочмайди. Булбул кўшиқчи йўқ жойда от-кўшиқчи ҳам севимли бўлавериши мумкин.

Учинчиси — чумчуқ-кўшиқчи ёки отарчи. Унда нур ҳам, меҳнат қилиш қобилияти ҳам йўқ. Фақат шахсий манфаат учун интилиш, бузғунчилик маҳорати мавжуд.

Ҳожихон ҳамма тарқалгач, «чумчуқ-кўшиқчи»ни ўз ҳузурига чорлаб шундай дебди: — Бундай қилиб, минг йиллик санъатимизни бузиб нон егандан кўра гадойлик қилганинг яхшимасмиди?

«Чумчуқ-кўшиқчи» ҳам бўш келмабди. Ҳожихонни ўйлантирадиган гапни топиб:

— Уста, хафа бўлмаган-у, сиздай одамнинг кўшиғини кўйиб, менинг ашуламга учган кишилар гадойлик қилишса нечук бўларкин? — дебди...

«Оппоқ қўллар» ҳақидаги кўшиқ Зокиржонга ҳам маъқул бўлмаётган эди. У бобосининг бир ишораси билан телевизорни ўчирди. Сўнг авайлаб сақлаб юрган ғижжакни ўз хонасидан олиб чиқди. Астагина куй чала бошлади. Халқ оҳанглари гўё минг йиллар қаъридан отилиб чиқаётгандай эшитиларди. Шерозий оҳиста хиргойи қилди. Ёш пайтларида, ҳали яқинларда ҳам, у куйлай бошласа кўшиқнинг авжию якуни юрагида тайёр турарди. Яъни, ҳар бир кўшиғи бир мустаҳкам занжир бўлиб, ҳалқалари сира узилмасди.

Шундан буён қанча вақтлар ўтди. Қанча ёшлар санъатга кириб келди. Уларнинг кўплари бу машаққатли меҳнатда муқим қолишди. Зокиржон ҳам бобосининг касбини танлади. Музыка билим юртида, олий мактабда таълим олди. Мана энди скрипка унинг қўлида.

— Зокиржон, биласанми, телевизорда кўшиқ айтган ким эди? — сўради Шерозий куй тамом бўлгач.

У, «бобомга фақат кўшиқ ёқмади», деб ўйлаган эди. Бу саволдан кейин ўйланиб қолди. «Йўқ» деб жавоб қайтарди.

— Унинг бобоси бир вақтлар яхшигина дуторчи эди. Дўст ҳам бўлганмиз. Отаси доира чаларди, санъатни ҳис қиларди. Лекин нима учун у бошқачароқ бўлиб чиқибди, ўнга яқин созандани овозора қилганини қара! Ҳатто қошиқчиси ҳам бор. Созга зўр берган одамнинг овози чатоқ, болам.

Зокиржон ҳам шунга яқин фикрларди. Лекин бобосининг соғлиғи ҳозир унга кўпроқ қимматли. Шу сабабли гапни чигаллаштириб ўтирмади. «Ҳа, энди, ҳаммаси ҳам шундаймасдир», деб қўяқолди.

Шерозийга шу ҳам, ёки сира индамай қўя қолиш ҳам етарли эди.

— Ҳаммаси бўлмаса-да, оз эмас. Ҳали яқиндагина, халқ ишониб, умид қилиб юрган бир хонанда ҳафсаламни пир қилди. Икки соат кўшиқ айтиб, «ўлдим-куйдим»дан нарига ўтолмади. Ахир мақомларнинг, классик кўшиқларнинг ўрнини нима билан босиб бўлади?

У ўзи севиб куйлайдиган ғазалнинг мақтаини ўқиди:

**Фузулий икки оламда  
муҳаббат ошноси бўл,  
Муҳаббатсиз кишининг  
кўнгли қишдир, асти ёз ўлмас.**

Кекса ҳофизнинг кўзларида билинар-билимас ёш ҳалқаланди.

Шу маҳал телефон жиринглади. Трубкани қулоғига тутган Зокиржоннинг аста-секин жиддийлаша бошлаганини кўрган Шерозий, каттароқ ёшулликлардан бири ўзи билан қизиқаётганлигини фаҳмлади. Зокиржон телефонни қўлида кўтариб келиб, трубкани бобосига узатди. Шерозий қисқагина сўрашди: «Ҳовва», «яхши» деган сўзлар унинг ичидан юлиниб чиқаётгандай эди.

Ёшулнинг ёрдамчиси телефонда, эртага эрта билан «ўзлари» унга Ўзбекистон

ССР халқ артисти унвони берилганлиги тўғрисидаги ҳужжатни ва кўкрак нишони-ни бирров кириб топшириб ўтишини, кейин биринчи рейс билан Тошкентга мажлисга жўнаб кетишини билдирган эди.

Шерозий: «Почтада юбораверса бўлмасмикан?», деб ўйлади. Кейин яна ўзини овутиди: «Майли, зарари йўқ, ахир мажлисга бормаса бўлмайди-да».

Хаёлга чўмганча кўзларини чирт юмиб олган, лекин, бари бир, тим-тик ўтирган бобосини ёлғиз қолдириб, Зокиржон оёқ учида хонадан чиқди.

Шерозий ўзининг ёшлигини эслади, поёнига етаётган умрининг энг ёрқин саҳифаларини варақлай бошлади...

## Камбағалнинг мошхўрдаси

Уйда мошхўрда пишиши ҳақидаги хабар Матёқуб Ҳожи оиласидаги кенжа ўғил — Мадраҳимни жуда суюнтирди. Ахир уйда гўштли овқат камдан-кам тайёрланар, мошхўрдага эса гўштдан ташқари мош ва ловия ҳам солинарди. Қолаверса, уни айрон билан оқлаб ичишади.

Бир тўғрам гўштни отаси ҳафта мобайнида мардикорлик қилиб топган пулига қас-собдан минг тавалло билан (акс ҳолда у «тарозига юқ бўлмайдиган гўштни сотмайман», деб туриб олади) ёки судхўрдан қарз олади. Таъми сувниқидан сал бўлак айронни эса онаси Меҳрижамол бекнинг кир-чирини ювиш, боласига қараш эвазига келтиради. Акаси Маткарим ҳамда синглизин билан бирга ёп бўйларида тимирскиланиб, ҳар замон-ҳар замонда бир ҳовучдан ловия топишади. Бугун шуларнинг ҳаммаси ўртага келган кун. Суюнмай бўладими? Умуман олганда, Матёқуб Ҳожи оиласининг аҳволи борган сари ночорлашяпти. Судхўр қарзларни каттагина фойдаси билан бирга қўшиб тўлашни кун ора талаб этади. Унинг дўқ-пўписаларидан сазойининг — бутун қалъа бўйлаб айлантирилган кишининг яланғоч елкасига қўрғошиндай ботадиган таъзир — қалин чарм қамчининг «ҳиди» келади.

Матёқуб Ҳожи жийда япроғи солиб дамланган чойни ҳўплар экан, пиёлани юз ямоқ дастурхоннинг бир чеккасига қўйиб, болаларини ўйлайди. Думалоққина, ёқимтой Мадраҳим, «ота, яна кетасизми», деб илтижо билан унга қарайди. Маткарим билан синглизин ҳам отасини кам кўришади. Ахир у Чоржўйда, Гурландами иш қидириб, кимларгадир сарғайиб, бир нечта чақа топаман, деб саргардон юради. Бўлмаса, сира ҳам кетмас эди-я! Қолаверса, ўзи уйда бўлганда ҳам баъзида болаларини Пишканик-даги қариндошлариникига юборишга тўғри келади. Ахир қишлоқда жийда ё ўрик қоқи билан кун ўтади. Қалъада эса шуни ҳам топиш мушкул...

Мошхўрда пишгунига қадар, Матёқуб Ҳожи навбатдаги, тирикчилик мажбур қилган, неча ойлиги номаълум бўлган сафарни ўйлаб, болаларини бирма-бир силаб-сийпалади. Мадраҳимни тиззасига ўтқазиб: «Қани бир қўшиқ айт, бир ҳаз этай», деди.

Матёқуб Ҳожи эндигина ўн ёшга қадам қўйган ўғлини Қуржи ота, Полли дўзча қатнашган тўйга олиб борди-ю, унга «қўшиқ айтиш касалини» юқтириб қайтди. Мадраҳим болаларча бўлса-да, алланималарни хиргойи қиладиган, бу ишдан зериккиш билмайдиган бўлиб қолди. Ота бу «касаллик» келгусида ўғлининг қон-қонига сингиб кетиши ва қандай кунларга дучор этишини сира ўйламаган ҳолда, ўз авлодидан «гўянда» чиқаётганига суюнарди. Аслида у Мадраҳимнинг қўшиғидан ҳам қўра соғломлигидан, зеҳндан, вақти келиб ўғли бадавлат бўлиб кетиши мумкинлигидан хурсанд бўларди.

— Ота, — деди Мадраҳим ўзига ички бир ишонч билан. — Қўшиқни дуторим билан айтаман.

— Ҳали дуторинг ҳам борми?!

— Ҳа, ўзим ясадим.

— Ҳў, қани, кўрайлик-чи.

Мадраҳим югурганча ичкарига кириб кетди, пастқам ва зах хонанинг бир бурчагида занглаб ётган темир сандиқнинг ичидан «дутор»ини олиб чиқди. Бу сандиқ Матёқуб Ҳожига бобосининг бобосидан мерос. Лекин унда сақлашга арзигулик нарса бўлмаганидан, ичи ҳаммиша бўм-бўш ётарди. Мадраҳим аллақерлардан сим топиб бир қулоч тахтага тақди-да, ўша сандиқда сақлайдиган бўлди.

Матёқуб Ҳожи «дутор»га бир лаҳза ачиниш билан тикилса-да, ўғлининг ихлосини қайтармади. Аксинча, «Э, зўр экан, энди қўшиқ ҳам бошқача бўлади», деди жилмайганича.

Мадраҳим отасининг рўбарўсида чордана қуриб ўтирганча, бир йўталиб олиб, қўшиғини бошлади. У кўча-кўйда, отаси олиб борган тўйда эшитиб, узук-нолуқ ёдлаб олган қўшиқларини ўн яшар бола қандай айтиши мумкин бўлса шундай куйларди. Лекин қўшиқларида санъатга бўлган кучли меҳрнинг, ёш қалб орзу-умидларининг ёлқини намоён бўлиб кетарди. Буни Матёқуб Ҳожи фаҳмлади.

— Бу дейман, ўйин-ўйин билан созанда бўладиганга ўхшайсан-ку, ўғлим. Ҳазорасп-

<sup>1</sup> қишлоқ номи  
<sup>2</sup> мазза қилмоқ

лик бир дуторий жұрам бор. Шундан сенга ҳақиқий дутор олиб берганим бўлсин!  
Мадраҳим отасига олитжо билан тикилди.

Шу вақт синглиси: «Мошова», «мошова», деб қичқирганча ичкарига кириб, ота-боланинг суҳбатини бўлди.

Меҳрижамол опа сирини кўчиб кетган катта товоқдаги мошхўрдани ўртага қўйганда, бутун оила жамулжам эди. Учи кемтик қошиқлар товоққа бирин-кетин тушиб-чиқа-верди. Дастлаб мошхўрдани Матёқуб ака мақтади. Кейин Маткарим ҳам бу фикрга қўшилди. Мадраҳим мақтов сўзларини айтиш учун кетадиган вақтни ҳам аяди. Тovoқ тубидаги гўшта дастлаб унинг қошиғи теғди. Буни кўрган отаси ёрдамлашди. Гўштни қошиғи билан олиб, тошдек қотиб ётган яримта ноннинг устига қўйди. Кейин ҳаммага тенг тақсимлаш учун икки қўли билан торта бошлади. Лекин гўшт сира бўлинмасди. Шундай Матёқуб Ҳожи тикилиб туриб: «Э, бу гўшт эмас, досмол-ку!» деб қичқириб юборди.

Ҳамма бир лаҳза жим қолди. Дастлаб Матёқуб Ҳожи пиқирлаб кулди, кейин Меҳрижамол опа жилмайди. Маткарим билан синглиси ҳам бу «мўъжиза»дан ҳайратга тушиб, ота-онанинг кулгусига қўшилишди.

— Қайтанга, яхши, эртага ҳам гўштли овқат ейдиган бўлдик,— дерди кулганча Матёқуб Ҳожи.

Маълум бўлишича, жинчиरोқ ёруғида Меҳрижамол опа гўшт қолиб, досмолни қозонга солиб юборган экан.

Елғиз Мадраҳим астойдил кулолмади. «Ахир, нега бунчалик ночор яшаймиз?!»

## Шогирдлик

Мадраҳим қўлига илк бор ҳақиқий дутор ушлади. Отасининг дўсти совға қилган бу соз оддий дуторлардан эмасди. Уни ҳазорасплик не-не созандаю гўяндалар қўлига олишган, ториға бармоқ сал тегиши билан жаранглаб кетарди. Лекин Мадраҳимнинг омадига «кўз теғди». Ҳарҳолда, ўғлининг хафа бўлганини кўриб онаси шундай деганди. Дуторни сандиққа солишга ва сандиқ қопқоғини ёпишга тўғри келди. Аслида омад-сизликка фақат қашшоқлик сабаб бўлди.

Судхўр Ниёзмат кундан-кунга болалаб, кўпайиб бораётган қарзларини сўраб, оёқ тираб туриб олди: «Бир ой муҳлат, тўласанг — тўладинг, бўлмаса — бор нарсанг хатга тушади, ўзинг сазойи бўласан. Болаларингдан айриласан!» Кейинги гап, айниқса, қаттиқ таъсир қилди. Ахир уларнинг тақдирлари не кечишини, кимнинг эшигида тентираб елкалари яғир бўлишини худо билади.

Тезда чора қилиши лозим эди. Матёқуб Ҳожи қўлидан келган чораларнинг барчасини кўрди. Маткаримни ширапазага шогирдликка берди. Шогирдлар уста «ўл» деса ўлиб, «қол» деса қолиб хизмат қилишарди. Синглиси бекникида онасига қараша бошлади. Ўзи мардикорликка жўнаб кетаётиб, Мадраҳимни машиначи Сўфи нўғайга: «Шу болага касб ўргатинг, эти сизники, суяги бизники», деб топширди. Уста қаттиққўл, диндор одам эди. Унча-мунча одамни шогирдликка олмасди. У Мадраҳимга тик қаради. Бола ҳам кўзларини олиб қочмади.

— Боланг зехнли кўринади, иродаси бор, — деди Сўфи нўғай Матёқуб Ҳожига юзланиб. — Лекин кўнглида бўлак муддаоси бўлса чатоқ. Унда бу бола бари бир машиначилик қилмайди.

Матёқуб Ҳожи ҳовлиққанича: «Йўқ, йўқ» деди.

Ўзи ҳеч вақт орзу этмаган касбни ўрганишга мажбур бўлганлиги, Мадраҳимнинг санъатга муҳаббатини яна-да кучайтирди. У тикув машинасини бошқаришни ўрганаётиб, дуторини эслаганда, Сўфи нўғай қўлига яхшилаб мушт туширарди. Чунки шу пайтда тикишда қўли янглишган бўларди.

Бир оз вақт ўтиб, Мадраҳим машиначилик ёмон эмаслигини ва агар созандаликни севмаганда, бу касб бир умр йўлдош бўлиши мумкинлигини дилдан ҳис этди. У тикувчиликни яхши ўргана бошлади.

Мадраҳим ва унинг ўзи каби шогирд дўстлари — Оллоберган ҳамда Рамазон, ишдан сўнг тор ҳужрага қамалиб олиб, куй-қўшиқ билан андармон эдилар. Темир сандиқ яна очилган, Мадраҳим дуторини олиб келган, лекин буни Сўфи нўғай билмас эди.

Рамазон билан Оллоберган ҳам, агар ўзларига қўйиб беришса, талқинчи<sup>2</sup> бўладиган йигитлар. Улар Мадраҳимдан кейин гоҳо чала-чулла дутор билан, гоҳо икки пиёлани бир-бирига уриштириб қўйиқ айтишарди. Эски мактабда хат-саводини чиқариб олган Мадраҳим Навоий, Фузулий девонларига шаҳодат бармоғини теккизганча, ширали тил билан ғазал ўқиганда, ҳузур қилиб бош чайқаб ўтиришарди. Шогирдлар ҳали бу ғазаллардаги ҳамма гапнинг маъзини чақа олишмаса ҳам, арузнинг ички бир оҳанглар занжирини ҳис этишарди. Энг муҳими, уларда, айниқса Мадраҳимда, «ҳали билмаган гапим кўп экан», деган фикр пайдо бўларди.

<sup>1</sup> Қозон сочиқ.

<sup>2</sup> Қўшиқчи.

Бир куни Мадраҳимга кўзи тушиб, Сўфи нўғайнинг тепа сочи тикка бўлди. Не кўз билан кўрсинки, энг иқтидорли шогирдининг қўли тикув машинасининг дастасида бўлса ҳам, кўзи ёнидаги китобда эди. Хиргойи ҳам қиларди.

— Айтмадимми, айтмадимми, кўнгли бўлак бўлса чатоқ деб! Сен бола сурнайчи бўладиганга ўхшайсан...

Сўфи нўғай учун хонанда ёки созанда деган тушунча йўқ эди. Уларнинг ҳаммасини камситиб бир сўз билан «сурнайчи» деб атарди. Бунга бир томондан унинг ўз фаросати, қолаверса санъаткорни хор этган давр ҳам сабаб эди, албатта.

Сўфи нўғай қалин, бунинг устига камёб чит билан муқоваланган китобни ғазаб билан тортиб олмоқчи бўлди. Лекин энди анчагина улғайиб, мўйлаби билинар-билинемас сабза урган ўсмир бунга йўл қўймади.

— Читларни ҳали шундай йўл билан исроф қилаяпсанми, муттаҳам! — деди ғазабланган Сўфи.

Ҳақиқатан ҳам Мадраҳим Оғаҳийнинг «Таъвиззул ошиқин» мажмуасини бир кўйлақдан ортган мато билан муқовалаган эди. Лекин у ўзини йўқотмади. Ахир бир парчагина, ташлаб юбориш мумкин бўлган мато қаёқда-ю, ўзи нўғай устага келтираётган фойда қаёқда? Агар шогирдликдан кетиб қолганда ҳам фақат Сўфи нўғай зарар кўради. Шу сабабли, Мадраҳим, ҳамма нарсага рози бўлганча, қаҳр билан шундай деди:

— Бу китоб сизнинг бир парча матоҳингиз билан қадрли эмас. Балки сиз шу китоб туфайли бадавлат бўлиб юрибсиз.

Мадраҳим ўз юртининг Оғаҳийдек фидойи инсонларини, санъаткорларини назарда тутган эди. Хоразмнинг номини чиқарган, уни севадиган кимлар-у, айш-роҳат суриб юрган одамлар кимлар эканлигига ишора этган эди.

Сўфи нўғай, гап кўпайиб кетса, энг яхши хизматкоридан ажралиб қолишидан, устига-устак бу воқеа бошқа шогирдларга сира ҳам ибрат бўла олмаслигидан чўчиди. «Яна бир марта чит ўғирлаганингни кўрсам, сазойи қилдираман!» деди у энди сал паст тушиб. Бу — ҳаммаси яхши тугади, деган гап эди.

— Хафа бўлма, — деди Рамазон Мадраҳимнинг қўлидан ушлаб, — Исмоил тоғамнинг Қуржи отага яқинлиги бор. Сени у билан таништириб қўяди. Эртага қаландархонага борамиз. Полли дўзчи ҳам келади...

Мадраҳимнинг сўниб бораётган орзуси яна алангаланди.

## Танишув

Боғча — Хиванинг энг хушҳаво маҳаллаларидан. У серсоя дарахтларнинг кўплиги, юқорисидан оқиб ўтадиган Ичонёп ва ҳовузи билан яхши маълум. Агар бирорта бек ёки бекзода қосиб ва деҳқонларга зуғум қилиб, сув йўлини баландроқдан тўсдирмаса, Ичонёп обиҳаёт билан йил бўйи ҳаммани таъминлай олади. Лекин кўп вақт деҳқонга сув етмай туради. Кейинги вақтда амалдорлар аҳолининг боғларидаги дарахтларни кестириб, уларнинг ўрнини текислатиб юбориб ҳам жазолайдиган бўлишди. Бу халқнинг шаштини қайтаришга хизмат этарди.

Мадраҳим Ичонёпни, худди биров кунда текислаб-қайчилаб турадигандай думалоқ, сояси бир маҳалла аҳлини офтобдан сақлай оладиган гужумларни яхши кўрарди. Ариқда сув озайиб-озайиб, кўз ёшидай милтираб оқа бошлаганида ёки гужум япроқлари саргайиб тўкилганида, унга ўзининг энг яқин дўсти оғир аҳволда қолгандай туюларди ва ёрдам беролмаслигидан қайғурарди. Балки, шу вақтда Мадраҳим табиатни ўзига хос оҳанглар сифатида кашф эта бошлаган, бу кашфиёти кейинчалик қуйларга, қўшиқларга асос бўлгандир. Ҳарҳолда, овқатланиб бўлганларидан сўнг отасининг: «Сувдай сероб бўлғаймиз, болаларимнинг тупи бир эса-да, шохаси минг бўлсин», деб ўқиган фотиҳалари, маҳалла кексаларининг: «Сувга туфлаган, гужумга қесак отганнинг манглайи оқармайди», деган ўғитлари Мадраҳимнинг хаёлида ўчмас из қолдирган.

Қаландархона — Боғчанинг энг файзли жойларидан бири. Бу файз у ерда қаландарлар ва нашавандлар бетартиб равишда истиқомат қилишлари натижасида эмас, эл севган созанда ва гўяндларнинг диралашмалари, масхарабозлик ва бошқа турли хил ўйинлар, ҳайит байрамлари ўтиши туфайли пайдо бўлганди.

Халқ севган, машҳур гўянда ва созандаларнинг эл-юртга меҳру муҳаббати, эл-юртнинг эса уларга ишончи, ихлоси туфайли қаландархона кишиларни турмуш қийинчиликлари ҳақидаги оғир ўйлардан, бек ва амалдорларнинг бедодликлари қолдирган қайғу-аламлардан вақтинча бўлса-да фориғ этадиган, бошқача яшаш орзу-истакларини кўнгилларида соладиган оромгоҳга айланди. Одамлар гир атрофи гужумлар билан ўралган, зилол сувли ҳовуз бўйидаги супаларда, ерга тўшалган шол ва бўйраларда ўтиришаркан, ўзларини енгил ва эркин ҳис қилишарди.

Қуржи ота ва Полли дўзчи элдошларига ана шундай куч-қувват ва ишонч бахш этган, халқига беминнат хизмат қилиб умри ўтган санъаткорлардан эдилар. Одамларнинг ғала-

<sup>1</sup> Айтишув.

ғовури ёки уларнинг дуторлари саси эшитилиши билан қаландарлар ва нашавандлар ўзларининг тор ҳужраларига яшириниб олиб, мурда тусига кирардилар.

Исмоил жамобоф<sup>1</sup>, Мадраҳимнинг кўлидан ушлаб, тўрдаги шоҳсупа томон бошлади. У ерда қирқ ёшлар чамасидаги, ўзига ярашиқли кичиккина соқол кўйган, истараси иссиқ киши дуторини сошлаб ўтирарди. Унинг йирик жуссали, вазмин ва жиддий ҳамроҳи эса чой шопирарди. Мадраҳим бир неча йил илгари отаси билан бирга борган тўйдаги ҳофизларни таниди. Лекин улар анча улғайиб қолишгандай, сочларидаги оқлари кўпайгандай эди.

— Қурживой, — деди жомабоф дутор сошлаётган кишига юзланиб. — Бу йигит укамнинг жўраси. Ўзи машиначи бўлса-да, кўлида доим дутор юради. Сизларни орқа қилиб кўшиқ айтади. Шояд йўлингиздан юрса...

Қуржи ота Мадраҳимга чуқур нигоҳ ташлади. Унинг кўзларида орзу-армон ҳам, ғурур ва фахр ҳисси ҳам аралашиб кетган эди. Қайси бири устунлик қилишини англаб олиш мушкул, овози ҳам гўянданинг ўзига ишончидан, унча-мунча нарсани писанд қилмаслигидан дарак берарди.

— Қани, айтинг-чи, ўқиш-ёзишни ўргандингизми? — сўради у. — Ҳазаллар ёд олган-мисиз?

Мадраҳим қисқагина қилиб, «ҳовва» деди. Қуржи ота унинг кўлига дутор тутқазди.

— Қани, билган ғазалингиздан бирини айтинг, — суҳбатга кўшилди Полли дўзчи.

Мадраҳим иккиланиб қолди. Чунки, бундай катта даврада — кўшиқнинг ипидан-игнасиғача биладиган одамлар орасида ҳали кўлига соз олмаганди. Шу сабабли дуторни ерга кўймоқчи бўлди. Қуржи ота унинг пастга эгилаётган кўлини ушлаб, насиҳат қилди:

— Ҳеч ким ҳофиз бўлиб туғилмайди. Кўшиқчи бўламан десанг, ҳеч вақт бўйинингни эгма, дуторни кўкрагингга бос.

— Уялмаган бахши бўлур, эринмаган уста, — кўшилди Полли дўзчи.

Ҳар томондан одамларнинг: «Қани, Мадраҳимбой, чакилма, бошла кўшиғингни, устозларинг рухсат беряптилар, халқ сенга мунтазир», деган овозлари эшитилди. Мадраҳим тўлқинланиб кетди. Ўзи суюб айтиб, хиргойи қилиб юрадиган ашуласини бошлади:

Гар гадо эғнида бўлса эски тўн ё чоки жайб,<sup>2</sup>  
Билмай асли ниятин қилмоқ ғалатдур шакку райб.<sup>3</sup>  
Эй Навоий чун санга маълум эмасдур сурри ғайб,<sup>4</sup>  
Лутфийни майхонада ошуфта кўрсанг, қилма айб  
Ким бу мажнун ихтиёри зулфи қуллобиндадур.

Одамлар шашмақомнинг иккинчи айтими — сувора йўлини дарров танишди. Шунингдек, уларга ёш кўшиқчининг икки улуғ шоир шеърига мурожаат қилганлиги ҳам маъқул бўлди. Сувораларни қайта ишлаб халққа яқинлаштирган Қуржи ота ва Полли дўзчи Мадраҳимдаги ўзига хос ижрозчилик йўлининг куртакларини илғашди. Мутлақо янгича овоз ҳамда майинлик заминидан униб чиққан оҳанглар ўзининг парвози келажакда яна ҳам баланд бўлишидан дарак берарди.

Қуржи ота: «Қани энди уфорисини айтиб кўринг», дея Мадраҳимни яна ҳам мураккаброқ йўлга бошлади. Ўзи ҳам унга кўшилиб айтиб турди. Ёш ҳофиз уялинқираб бошини эгганда, дуторнинг дастаси билан иягини кўтариб қўйди.

Суворанинг уфориси тугагач, оломон орасидан: «Шерозий папоқли бола зўр экан», «Яша, Шерозий», деган хитоблар янгради. Қуржи ота ва Полли дўзчи, «Бу боладан, ўлма-са бир нарса чиқади», дегандек, бир-бирларига қараб бош қимирлатиб кўйишди. Шу куни илк бора халқ уни «Шерозий ҳофиз» (бошида шерозий теридан тикилган телпак кийгани учун) сифатида кашф этди. Бу ном унинг қиёфасида аста-секин мустаҳкамланиб борди. Ва, кўп ўтмай, бир умрли йўлдошига айланди.

## Гурланда

Йигирманчи асрнинг бошларида Хивада ҳам янги даврнинг куртаклари пайдо бўлаётган эди. Асфандиёрхоннинг зулми ҳаддан ошиб, норозилик тўлқини хонлиқнинг барча жойларига ёйилган, инқилобий ҳаракатнинг таъсири кучайиб борарди.

Хударган бекнинг кўлида юзлаб одамлар меҳнат қилар, у ҳокимликнинг энг бадавлат кишиларидан бири саналарди. Аммо бошқа беклардан бир оз фарқ қиларди. У, биринчидан, техника янгилекларига қизиқарди. Анчагина китобларни ўқиб турар, кўр-кўрона жоҳилликка асосланган тузумнинг ҳалокати муқарраллигини олдиндан ҳис этарди. Шу сабабли унга янги, мол-мулкни, ҳокимиятини яна минг йилларга мустаҳкам кафолат билан хатлаб берадиган тузум ва жамият керак эди.

<sup>1</sup> Тўқувчи.

<sup>2</sup> Кийимнинг ёқаси.

<sup>3</sup> Шак-шубҳа, гумон.

<sup>4</sup> Ғойиблик.

Хударган бек дабдабали тўй қилаётган эди. Унга Шерозийни ҳам таклиф қилишди. Хивадан кетиб Гурланда паноҳ топган Шерозий Хударган бекниқига сира ҳам бормоқчи эмасди. Лекин Маткарим, «Бориб кўргин, у бошқаларга ўхшамайди, санъатни тушунади, ахир ҳар йили Тошкентга бориб-келади. Тўйчи ҳофизнинг ашулаларини ўзидан эшитган, халфасоз — граммафон олиб келибди», деявериб, охири кўндирди. Граммафонни кўрсам-кўрай деди.

Ҳақиқатан ҳам Хударган бек уларни илиқ кутиб олди. Ўзига ярашиб турган кичкина мўйловини бир неча бор силаб туриб, сиполик билан:

— Хивалик Шерозий овозаси Тошкентга қадар етиб борган. Сиз ҳақда у ёқда ҳам мендан хабар сўрашди, соғлиғингиз билан қизиқишди. Ақлу идрок йўлидан юрсангиз, ҳофиз, асло кам бўлмағайсиз, — деди.

Шерозий миннатдорчилик билдирди, тўйда хизмат қилишини айтди. Граммафон ҳақида сўрашга юзи чидолмаётган эди, Хударган бек ичкари хонага таклиф этди.

Бу пайтда гурланлик бекнинг ўғлини суннат қилишга бағишланган тўй бошланган эди. Чилдирмачиларнинг доиралари таранг, қўл тегишига муштоқ, бир бурчакда кўчқорбозлар, бошқа бурчакларда ит ва хўроз уриштирувчилар, томошабинлар тўпланишиб, гоҳо дамларини ичларига ютиб қотиб қолишар, гоҳо майдонни бошларига кўтаришиб қичқиришарди. Ҳовуз бўйидаги гужумлар тагига ёзилган кўрпачаларда ҳар хил тоифадаги одамлар ўтиришибди. Бирлари икки букланган нонни нишолдага ботириб оғизга тикишади. Яна бировлари новвотли чой ичишади. Нон, гўштли патир — ўртада, истаганча. Чой ташувчи болаларнинг қўли-қўлига тегмайди. Тўртта катта дошқозонда овқат ҳил-ҳил пишиб турибди.

Шуларнинг барчасидан кўнгли хотиржам бўлган, қолаверса ўнлаб хизматкорлари, югурдаклари чопқиллашиб хизмат қилиб турганлигини билган Хударган бек, гўё ҳеч нарса билан иши йўқ кишидай, Шерозийни ичкарига бошлаганди.

Эрон гиламлари, тилла суви юритилган қандиллар билан безатилган хонадаги жим-жимадор хонтахта устида катта карнайли қути турарди. Мезбон шошилмасдан кўрпача устида чордана қуриб олгач, меҳмонни ҳам ўтиришга таклиф этди. Кутининг қопқоғини кўтарди. Ўрдакнинг бурнига ўхшаш ялтироқ темир дастан олиб қўйди. Қути ичида бир нарса айлана бошлади. Хударган бек, «энди буёғини кўринг», дегандай бир қараб кўяр-кўймас, қўшиқ янгради.

Қаро кўзум, келу мардумлиғ эмди  
фан қилғил,  
Кўзум қаросида мардум киби  
ватан қилғил...

Мадраҳим Тўйчи Ҳофизнинг беназир санъатига маҳлиё бўлиб, қўшиқни жон қулоғи билан тинглаб ўтирарди. Таҳсину раҳмат сўзларини эшитмаган бек зерика бошлади.

— Мулла Тўйчи ҳофизнинг ўзлари, — деди, гапириб ўтиринг, дегандай. Шерозий Мулла Тўйчининг овозини эшитмаган бўлса-да, фақат шу бўлиши керак, деб ўйларди. Шу сабабли яна индамади. Ахир дарёдай қалбга уммоннинг тўлқини келиб урилган пайтда, ҳар қандай тил ҳам калимага келолмай қолмайдими?

Бек муддаога ўтиб деди:

— Шерозий, юрасизми Гурлан — Хива қатнаб? Бизниқига хизматга келинг, меҳмонларимни хурсанд қилиб туринг. Сизни мен бой-бадавлат кишига айлантирай...

Сўнги гапни, айниқса «айлантирай» сўзини бек ҳазил аралаш айтди. Ҳарҳолда у оқ-қорани таниган киши сифатида иззат-нафсга тегиш ҳаммавақт ҳам кутилган натижани беравермаслигини тушунар эди.

Кутилмаган таклиф бўлди. «Ҳа» деса тамом — отаси ҳамма қарзлардан халос бўлади. Узининг ҳам ранг-рўйига қизил югуради. Лекин, қўпол қилиб айтганда, Хударган бекнинг итига, бундайроқ бўлса, қафасдаги тўтиқушига айланади. Ахир Қуржи отага ёки Полли дўзчига ҳеч ким шундай таклиф қилмаганми?

— Бек оға, Мулла Тўйчининг қўшиғи учун катта раҳмат. «Қаро кўзум»ни билиб олдим. Лекин мен тўра ва беклардан зада бўлганман. Уларга қўшиқ айтсам юрагим сиқилиб кетади.

Хударган бек Мадраҳимга сўзлари оғир ботганини билган, лекин у бу қадар кескин гап айтар, деб ўйламаган эди. Жаҳли чиқди. Аммо бошқа бойларга ўхшаб жоҳиллик қилишни ҳам истамади. Индамай кўя қолди. Бу пайтда қути устидаги қора доира айлантариб қўйилиб, ҳофиз иккинчи қўшиқнинг авжига етган эди. Хударган бек бир ҳаракат билан қўшиқни тўхтатди. Сўнг меҳмоннинг бир ўзини уйда қолдириб, шиддат билан ташқарига чиқиб кетди.

## Сазойилик хавфи

Матмурод оқсоқол Гурланга намозгарда етиб келди. Унинг дастлабки иши Мадраҳимга отасининг мактубини топшириш бўлди. Чунки Хивадан чиққан карвон билан у йўл-

да бир неча кунини йўқотганди. Хатнинг мазмунидан хабардор бўлгани учун, қолган уч кун дўсти ва унинг ўғли учун нақадар муҳимлигини Матмурод яхши тушунар эди.

Матёқуб Ҳожи шундай сўзларни ёзиб юборганди: «Мадримбой, бир оз пул тўплаб, иложи борича тез етиб кел. Судхўр қарзларини ва унинг фойдасини тўлаш учун шанба-гача муддат берди. Бўлмаса, мени сазойи қилишади...»

Кўнгилсизлик икки томонлама эди. Биринчидан: яна шу ҳамма вақтдаги мушкулот — пул керак. Иккинчидан: вақт жуда оз қолган. Ҳатто узоқ ўйлаб ўтиришга ҳам фурсат йўқ.

Маткарим ва Матёқуб кулбасидаги қўлга илингулик нарсаларнинг ҳаммасини сотишди. Ўзлари чақалаб йиққан, ёмон кунимизга яраб қолар деб олиб қўйган тангаларни ҳам тўплашди. Шунингдек, ёр-дўстлари ҳарна деб, ёрдам қўлини чўзишди. Биттаси эса эсон-омон етиб келиш шарти билан отини бериб турди. Мадраҳим Хивага елдек учди.

Карвон билан қайтса бехатар эди, албатта. Лекин буни кутишга сира илож йўқ. Отаси энди анча кексайиб қолган. Сазойига бардош беролмаслиги турган гап. Бардош берганда ҳам, шармандаликка чидай олмайди.

Шовот билан Кўшкўпир оралиғидаги Чуқурқум Мадраҳимнинг кўп вақтини олди. Қумда юриш қийинлигидан ва иссиқдан от ҳаллослаб икки-уч марта ерга гурсиллаб тушди. Уни совутгунга қадар Мадраҳим тишини-тишига босиб ўтирди. Кичкина мешкобдаги сувдан бир қўлтумгина хўплаб, қолганини терлаб кетган жониворга ичирди.

Яхшиям бахтига йўлтўсар қароқчилар дуч келмади. Акс ҳолда ҳамма умиди, кўз қорачиғидан ҳам афзал билиб олиб бораётган пулларини қоқиб кетарди.

Кўшдарвоза қучоқ ёзгандек уни ланг очиқ ҳолда кутиб олди. Ундан кириши билан Хиванинг кунжутли машхўр нонларининг, ширали чўракларнинг ҳиди димоғига урилди. Отидан тушиб Игон қалъанинг бетакрор қиёфасига меҳр билан разм солди. Ҳамма нарса жой-жойида. Исломхўжа мадрасасининг тепасидаги зарҳал ҳилол, Паҳлавон Маҳмуд мақбарасининг зангори гумбази кўзга ташланади.

Ниёзмат судхўрнинг уйи олдидаги супада бошини қуйи эгиб ўтирган Матёқуб Ҳожи ўғлининг қорасини узоқдан кўриши билан истиқболига югурди. Отидан тушишига кўмаклашиб, маҳкам бағрига босди. Ўғлининг юз-кўзларидан такрор-такрор ўпар экан, отанинг мижжаларида ёш йилтирарди...

Судхўр пулларни эринмасдан икки карра, уч карра санаб олаётиб Матёқуб Ҳожиға писанда қилди:

— Аслида, бу сурнайчи боланг топган пулларни олмаслигим керак эди. Бу пуллар одамга юқмайди. Лекин, майли, қарз олганингнинг охиригиси шу эмасдир.

— Нима учун юқмас экан? Биз бу пулларни пулга пул топтириб эмас, юрагимизнинг қони билан топганмиз...

Мадраҳим азбаройи жаҳли чиққанидан қаттиқ-қаттиқ гапирарди.

Судхўрнинг Матёқуб Ҳожида Мадраҳим туфайли хусумати бор эди. «У нони бу нонига етмайдиган қандайдир бир камбағалнинг боласи эл-юрт биладиган Шерозий бўлиб танилса-ю, унинг ёғ едириб, ипак кийдириб ўстирган ўғли ҳамма кўрганда юз ўгирадиган нашавандга айланса». Судхўр шунга куярди. Шу туфайли Матёқуб Ҳожини бир сазойи қилдириб, таскин топмоқчи эди.

У Мадраҳим келтирган пулларни олмасди ҳам. Лекин эл-юртнинг ғазабидан, ўзи сазойи бўлиб қолишдан кўрқди.

Кўп ўтмай, нашаванд ўғли отаси билан жанжаллашиб уйига ўт қўйиб юборгач, Мадраҳим бир гап эшитди: судхўрнинг кўп эмас, кам эмас, бир шакар халта пули ёнибди!

\* \* \*

Кечқурун у ўзи кўп вақтдан буён учрашишни орзиқиб кутиб юрган Тўйчи Ҳофиз ҳузурига ошиқди. Машхўр ҳофиз кўрғазмага келган ва ўз санъати билан катта муваффақият қозонаётган эди. Мулла Тўйчи Шерозийни қучоқ очиб қарши олди. Хоразмдай муқаддас диёрдаги ёш ҳамкасбига катта эҳтиром кўрсатди. Иккаласи узоқ суҳбатлашдилар.

— «Қаро кўзум» кўнглимиздан чуқур жой эгаллаган. Овозингиз ўликни тирилтиргудек қувватга эга.

Шерозий бу гапни мақтов учун айтмаган эди. Ахир қанча ўлик орзуларни, ўлик умидларни жунбушга келтирмаган Мулла Тўйчи ҳофиз. Ўзи ҳам бир эшитганда нақадар илҳомланди, санъатнинг умр мазмунига айланиб кетишини ҳис этди.

Ҳофиз жилмайди. Суҳбатдошининг самимиятига ишонгани ҳолда гапни ҳазилга бурди:

— Қани энди тирикларга ҳам таъсир этолсам.

Кулишдилар. Ҳофиз сўзида давом этди:

— Шерозий деса энди катта иқлим танийди. «Феруз»ингиз беқиёс. «Ким меҳр нурин тенг солур вайрону обод устина».

<sup>1</sup> Хивадаги дарвоза



— Ҳа, ҳамма танийди, ҳатто болалар узоқдан кўриб қолишса «сурнайчи келаётир», деб қичқиришади.

Шерозий сўзга ҳам «бутун» эканлигини ҳофиз сизди. У Мулла Тўйчининг ҳазилига ҳазил билан жавоб қайтариб, кибру ҳаводан узоқ эканлигини исботлади. Илгари санъаткорларни «сурнайчи» деб камситиб келганликларини, ҳатто қиз бермаганларини, не бир гўяндаларнинг умри ниҳоятда аянчли бўлганлигини гапириб берди.

— Яхши сурнайчига ким тенглашсин? Бундан кейин, санъаткорни ҳеч ким таҳқирламайди. Балки, улар тарихларда қолурлар, — деди ҳофиз.

Шерозийнинг илтимоси билан Мулла Тўйчи «Қаро кўзум»ни айтиб берди. Пластинкадаги кучсиз ва шовқинли ёзувга қараганда юз чандон бақувват ва соғлом овоз янгради. Бу овоз ҳақиқатан ҳам сирли эди.

Шерозий ҳофизни қизиқтираётган «Феруз»ни куйлади. Байт «...Вайрону обод устина» деб тамомланадиган ерда авжга минди. Унинг овозида ҳам одам боласи охиригача илғаб олиши мушкул бир қудрат яширин эди. Еқимли ва ширин бу қудрат ҳеч кимдан изн сўраб ўтирмасди. Кўнгилда гуллар янглиғ нақшин излар қолдирарди...

## ЖАНГЧИ ҲАЁТИДАН ЛАВҲАЛАР

### Ўқ еган аскар

1942 йилнинг сентябрь ойи.

Ярадор қўлим таранг шишиб кетган, чарчаб-толиққанман. Урмонлар ва чакалакзорлар оралаб юриб, фронт яқинидаги дала госпиталига етиб келдим.

Жанг қандай оғир бўлган бўлса, 8-9 қақирим йўл босиб госпитални топиб келиш ҳам шунча қийин бўлди. Омон-эсон етиб олиш учун ертўлаларга яқин жойлардан, ё хандақларни ёқалаб юриш керак бўлар эди. Фашист учувчилар оқ дока билан қўлини ёки бошини боғлаб олган қизил аскарни яланглик жойларда кўриб қолишса, ортидан қувиб ўққа тутишдан ҳазар қилмайдиган пайтлар эди. 2-3 ярадорни юклаб госпиталь томон бораётган арава эса, душман учувчиси учун нақд мўлжал эди. Госпиталга етиб келгунча икки-уч жойда миссершмитлар ҳужумига дуч келиб, ўзимни аранг асраб қолдим. Бу етмаганидек, узоққа отадиган замбарак ўқлари учиб келиб, у ер-бу ерда портлар, кишининг ҳалок бўлиши ҳеч гап эмасди.

Госпиталга етиб келишим биланоқ жарроҳ ҳузурига таклиф қилишди. Ярадор қўлимни ечиб, нималар биландир тозалашга уннаган ёшгина ҳамшира:

— Вой-ву, шишиб кетибди-ку, зарари йўқми? — деб докторга мурожаат қилди.

Палатканинг ёруғ тушиб турган томонидан:

— Ҳечқиси йўқ! Икки қадам жойдан икки кун юриб келганидан кейин шишади-да, — деган жавоб бўлди. Бу овоз эркак кишиникими, аёл кишиникими билолмадим. Яқин-йироқда снарядларнинг портлаши, миссершмитларнинг ванғиллаб учиши, пулемётларнинг тариллаши ваҳимага солиб кўйганди.

— Қани, обкел буёққа, — деди яна ҳалиги овоз. Гап мен ҳақимда эканини билиб турардим. Тез ўрнимдан турдим. Озгина бўлса ҳам дам олиб улгургандим.

Бориб кўрсатилган жойга ўтирдим. Қон ва дори ҳиди димоғимга урилди. Хаёлим қочди. Наҳотки қўлимни кесиб ташлашса, деган шубҳали ўйга бордим.

Рўпарамда баланд бўйли, оқ халат кийган аёл турарди. Хатти-ҳаракатларидан ўзига ишонган, кўпгина жарроҳлар сингари анча қаҳри қаттиқ одам эди.

— Мана бу ерга ўтир, — деди у.

Ўтирдим. Қўлимни оқ чойшаб ёпилган пастроқ стол устига қўйдим. Жарроҳ табиий бир ҳаракат билан қўлимнинг у ер-бу ерини ушлаб кўрди, баъзи жойларини бармоқлари билан босиб, қўйиб юборди.

Палатканинг бошқа бурчакларида бошқа докторлар нималар биландир банд эдилар. Баъзи ярадорлар оғир инграйди, баъзилари бақиради, айримлари оғриққа чидайолмай сўкинади.

Ҳамшира оқ патнисда жарроҳлик асбобларини олиб келди. Доктор ярадор қўлимни аямай эза бошлади.

— Қўлингга қарама, нима уни кўрмаганмисан? — деду у буйруқ оҳангида.

Қўлим зирқираб оғриб бошлади. Назаримда доктор ярамни чўп билан кавлаётгандек эди. Аввал инградим, кейин секин оҳ-воҳ қилдим. Бақириб юборишимга оз қолганда жарроҳ силталаб берди:

— Улмайсан! Йигит дегани ҳам шунақа чидамсиз бўладими? Оёғини кесганда ёнинг демаган йигитларни кўрганман. Сен бўлсанг, оддий бир ярага оҳ-воҳ қиялпсан.

Бундан кейинги сўзларни жарроҳ мени овутиш ёки тинчитиш учун эмас, балки ўзича гапирга бошлади. Мен бу гапларни эшитаялпманми-йўқми, бу билан иши йўқ эди.

— Минг-минггингиз қўлимдан ўтдингиз, ким билади яна қанчангиз қўлимдан ўтасизлар.

Доктор бир зум гапдан тўхтади. Бесўнақай қўллари билан синган суякларимни жой-жойига қўйди ва ўзига-ўзи:

— Қўл бироз қийшиқ бўлиб қолади, шекилли, — деди-да, яна аввалги мавзуини давом эттирди. — Умуман ғалаба ярадорларга боғлиқ.

Яна жим бўлди. Мен доктор бу гапи билан нима демоқчи бўлаётганлигини англаб етмадим. Унга ҳайрон бўлиб тикилиб қолдим. Доктор эса бепарволик билан ҳамон қўлимнинг у ёқ-бу ёғини кузатарди.

— Унтаси ўлса, 40-50 таси ярадор бўлади, — деди у бир маҳал. — Улар даволаниб қисмларига қайтишади. Энди у ўқ еган аскар ҳисобланади, жанг қилишни ҳам, душман ўқиға чап беришни ҳам билади. — Доктор ишини битказаёзди шекилли, ҳаракатлари секинлашди. Қўлимнинг оғриғи ҳам бироз босилгандек эди. Кўтилмаганда у яна гапини давом эттирди. — Мана, сен ҳам энди 5-10 кун дам оласан, кейин яна жангга кирасан. Бироқ эндиги яранг душман учун қимматга тушади.



М. Қўшжонов қуролдош дўсти билан

— Ҳамма ярадорга шунча гапирармикан? — деган мулоҳаза ҳаёлимдан ўтди. Шу тасалли бўлмаса бақириб, дод-вой солишим мумкин эканлигини ўйладим-да, бу тажрибали, эрақшода ва дадил шифокорга нисбатан қандайдир ҳурмат уйғонганини сездим ўзимда.

Мени ярадорлар ётадиган палатага бошлаб келган, қўлига қизил крест белгисини боғлаган ёшгина оқсоқ жангчи ўрнимни кўрсатиб:

— Мана шу ерда ётасан. Дамингни олавер, машина келиб қолса, бирон-бир шаҳарга жўнатишади. Мана бу бечора, — деди палатканинг бир бурчагида ётган ярадор жангчини кўрсатиб, — ҳали машинадан қолиб кетди.

Кейин оқсоқ жангчи палаткани тарк этди.

Менга кўрсатилган жой палатканинг ичкарироғи бўлиб, иккита ғўла устига ўрнатилган тахтадан иборат эди. Унинг устида эски тўшак, ён-атрофда жангчилардан қолиб кетган бўлса керак, котелок ва қошиқлар сочилиб ётарди.

Тўшагимга энди чўзилган ҳам эдимки, оёқ томонимда ётган ҳалиги ярадор қаттиқ инграб юборди. Кейин «худойим-эй!» деди. Ярадор каттароқ ёшдаги одам бўлса керак, деб ўйладим.

Кўп ўтмай:

— Ким бор? — деди зўрға.

У қилт этиб ҳам кўзғала олмас, боши, кўзи, бўйинлари, ҳагто оғзигача дока билан ўраб ташланган, доканинг у ер-бу ери қон эди.

— Мен борман, бошқа ҳеч ким йўқ, — дедим. Лекин у жавобимни эшитдим-йўқми, билолмадим, ҳамон қимир этмасдан ётар эди.

Бироздан кейин ярадор яна нималардир деди. Аммо бу гал унинг гапини англай олмадим. Ўрнимдан туриб олдига бордим. Узоқ-яқинда снарядлар портлаб турибди, пулемёт овози эшитилади. Ярадор жангчи устига энгашиб, қаерингиз оғрияпти, докторни чақирайми, дедим.

— Йўқ, — деди ва яна лабларини зўр-базўр қимирлатиб сўради. — Осмонда гувуллаётган нима?

— Душман самолёти — Рама учиб юрибди, — дедим мен. Ярадор жангчининг бадани хиёл сескангандек бўлди.

— Э-ҳээ! — деди у оҳиста. Мен ўрнимга бориб ёнбошладим. Бу одам нега самолёт овози билан қизиқиб қолди, деб ўйладим ўзимча, ҳойнаҳой осмондан ташланган бомба тагида қолиб ярадор бўлган бўлса керак.

Бироз вақт ўтгач, у зўрға, қийналиб:

— Ҳали ҳам учиб юрибдими? — деб сўради.

— Ҳа.

Шунда бу жангчининг сезгирлигига қойил қолдим. «Рама — разведкачи самолёт, қаер мўлжалга олинса, шу ерда кўп учади». Шу фикр ҳаёлимга келиб, мени беихтиёр ваҳима босди.

Ярим соатлар ўтар-ўтмас ҳавода борлиқни ларзага келтирган оғир гуриллаш овози эшитила бошлади. Овоз тобора кучайиб, биз томонга яқинлашиб келаётгани маълум бўлди. Булар фашист юнкерслари эди. Самолётлар госпиталь жойлашган қалин ўрмон устидан бир айланиб ўтишди.

Палаткадан отилиб чиққанимни ўзим ҳам сезмай қолдим. Самолётларнинг одатдаги учбурчак шакли бузилди. Улардан бири биз томон шўнғиди. Мўлжалига яқинлашган, газ баллони ҳажмидаги думлик бомбаларни тўкиб юборди.

Ваҳима чексиз эди. Ғайришуурый равишда жон сақлайдиган жой изладим. Беихтиёр ўзимни палаткаларнинг ён томонларини бекитиш учун тупроқ олинган чуқурчага отдим. Соғ ўнг қўлим пастда, ғужанак бўлиб ётар эдим.

Бомбалар бирин-кетин ерга қадала бошлади. Ҳар бири ерга тушганда бутун борлиқ ларзага келарди. Кучли силкинишдан кейин қандайдир ваҳимали воҳиллаган овоз чиқар ва шундан сўнг ўрмонни ёриб юборгудек гумбурлаш эшитиларди. Бир бомбанинг садоси сўнмасдан иккинчиси ерга келиб қадалар ва ўша силкиниш ва гумбурлаш яна такрорланарди. Ҳар бир бомба портлаган-

дан кейин осмонга кўтарилган чанг-тўзон, хас-чўп, парчаланиб кетган палаткалар устига ёмғирдай ёғиларди.

Бундай пайтда одамнинг хаёли жойида бўлмайди. Бутун ҳаётида кўрган, билган, эшитганлари кўз ўнгидан узуқ-юлуқ бўлиб ўтади. Ҳар гал самолёт айланиб келиб бомба ёғдирганда, улардан қайси биридир нақд устинга тушиб портлашини, сени тупроқ, дарахт илдизлари билан осмонга улоқтиришни хаёлингдан ўтказиб ётасан. Ҳар бир бомбанинг ўзингдан нарида портлаганини сезиб, навбатдагисини юрагинг така-тука бўлиб кутасан. Эски китобларда тасвирланган охир замоннинг худди ўзи.

Ниҳоят юнкерслар ўз вазифаларини адо этиб бўлиб, биз ётган жойдан узоқлашишди. Мен ён-веримдаги хас-чўп, тупроқларни суриб, қаддимни зўрға тикладим. Ҳаёт бениҳоя қадрли бўлиб кўринди шу кез.

Бир неча дақиқа ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди. Кейин қулоғимга дод-войлар, инграшлар чалина бошлади. Кимлардир у ёқдан-бу ёққа чошиб ўтишди. Булар омон қолган шифокорлар эди. Илтимос, буйруқ оҳангидаги сўзлар эшитилди. Мен гарансиб қолгандим, кўнглим ҳам қандайдир беҳузур эди.

— Машина, машина! — деган сўзлар қулоғимга чалинди. Шундан кейин қанча вақт ўтганини билолмадим. Бир маҳал ўнқир-чўнқир йўллардан гоҳ ўннга, гоҳ чапга оғиб, ичига арча шохлари ташланган машинада кетаётганимни англадим.

Миямдаги ваҳимали фикрлар аралаш-қуралаш эди. Бир қарасам миссершмит ўқ ёғдириб, устимга эниб келяпти, бир қарасам юнкерслар менга қараб шўнғияпти, яна бир қарасам еру осмон ларзага келиб, кўкка тупроқ созурилаяпти...

Кўп ўтмасдан «вагон» деган сўз қулоғимга чалинди. Яна қанча вақт ўтганини билмайман. Энди ўзимнинг так-тук, так-тук овоз чиқариб кетаётган поездда эканимни англадим. Миям бироз тиниққандек эди. Бўлиб ўтган воқеаларни эслаб бошладим.

... Госпиталга келганимда ярамни дастлаб очиб кўрган ёшгина ҳамшира мени нималардир деб койиган бўлди-да, уст-бошимни қоқиб, чанг-тупроқдан тазалади. Ҳатто ингичка, юмшоқ қўл-лари билан юз-кўзимни артди. Мен ниманидир йўқотгандек, у ёқ-бу ёғимга қарадим шекилли, ҳамшира мақсадимни тез англаб, ярми тупроқ остида қолган палатканинг бир томонини кўтариб, буюм халтамни тортиб олиб берди. Шинелимни топа олмасдан, қўлига илинган бошқа бир шинелини кўрсатиб:

— Мана шуни олиб кетаверасан, — деди, — касали йўқ юқадиган, ҳаммаси ҳам бир хил шинель.

Ҳамшира ортидан гарансиб бораётиб, яқиндагина тарк этган палаткамга назар ташлаганим ҳам ёдимда. Палатка ерга ястаниб ётар, кўп жойлари илма-тешик. Бу бомбардимон натижаси эди.

Поезд бизни ўрмон оралаб узоқ-узоқларга олиб кетди. Шаҳар госпиталидан кўриқдан ўтганимда «бироз контузияси бор» деган хулосага келишди.

Шу воқеалардан кейин «ўқ еган аскар», «ўқ еган жангчи» тушунчаси пайдо бўлди ва доим эсимда турди.

## Хайрли одамлар

1944 йил.

Улуғ Ватан уруши йилларини эсларканман, менинг келажагимда икки одамнинг таъсири борлигини унутмайман. Улардан бири шифокор, иккинчиси оддий инженер.

\* \* \*

Жанг майдонида киши бошига турли савдолар тушади, хотирасида узоқ сақланиб қоладиган воқеалар, тасодифлар рўй беради.

Жанубликлар учун шимолнинг совуқ об-ҳавосига дош беришнинг ўзи бўлмайди. Аввало совуқда чиниқмаган организмни шамоллашдан асраш керак. Баъзи бировлар бу ҳақда ўйлашни ҳам истамасди. Шахсан мен ўзимни табиат хуружларидан эҳтиёт қилишга уриндим. Арзимаган сабаб билан сафдан чиқиб, бир умрлик оғир касалга чалиниб қолишни беъманилик деб билар эдим. Уруш йиллари бир неча кунлаб йўл юрган пайтларимиз бўларди. Бундай сафарлардан энг оғири 1944 йилнинг кузидаги Новгороддан Ленинград орқали Финляндия томон юриб ўтиш бўлди.

Олдинда полк командири, кейин штаб, ундан кейин батальонлар боришарди. Қорми, бўронми, ёмғирми, чақмоқми — бунинг жангчи учун аҳамияти йўқ. Бир кунги норма 35-40 чақирим.

Йўл юрганда тўйиб ухлаш нималигини билмасдик. Саф тортиб бораёямиз. Кўзни уйқу босади. Чидайсиз. Югургилаб сафдан четга чиқиб, қор билан юз-кўзингизни ишқалайсиз. Уйқу бироз қочади, яна сафга туриб қадам ташлайсиз. Бу ҳол бир неча мартаба такрорланади. Бироқ шундай пайт келадики, кўзларга қор ишқалашга ҳам мадор қолмайди. Сафда кетаберасиз. Қандайдир тўйғулар билан олдингизда бораётган жангчини ҳис қиласиз. Орқадаги қадам шарпаси ҳам эшитилади. Бироқ кўз юмуқ. Шу алфозда бир неча дақиқа уйқу элитади. Аста-секин сафдан чиқасиз. Олдингиздаги ва ортингиздаги жангчилар ҳам мудраб келаётганлари учун уларнинг сиз билан иши бўлмайди. Бир неча дақиқадан кейин йўлдан анча чеккага чиқасиз-да, белингиздан қорга ботиб, юролмай қоласиз, ёхуд чуқурга йиқилиб тушасиз. Шунда бирдан ўзингизга келасиз. Яна чошиб сафдаги ўрнингизга туриб, юришни давом эттирасиз. Бироздан кейин яна кўзларга қор ишқалашлар...

Узоқ йўл юрилганда ҳар соатда ўн минутлик дам берилади. Бунинг оти ҳам бор — привал. — Прива-ал! — сафнинг бошида эълон қилинган бу хушхабар шу заҳоти охиригача етиб боради.

Жангчилар бир зумда йўлнинг икки томонига ёпириладилар. Ез бўлса ўзларини ўт устига, қиш бўлса қорга таппа-таппа ташлайдилар. Елка ерга тегиши билан кўз илинади. Ўн минут кўз очиб юмгунча ўтиб кетади.

— Похо-о-од! — деган буйруқ янграйди. Ҳамма баравар худди кўғирчоқлар сингари тапир-тупир ўринларидан турадилар. Елкага олинаётган яроқларнинг шақир-шуқури эшитилади. Тезлик билан ҳар ким сафдаги ўринни топади. Полк яна олға силжийди.

Зарур бўлса кечалари ҳам йўл босилади. Бироқ аксарият оқшом дам олиш билан ўтади. Дам олиш ҳам ҳар хил алфозда бўлади. Агар фронт чизиғи яқин бўлса ўт ёқишга рухсат берилмайди. Бундай ҳолда кекса қарағай ёки арча таги — бошпана. Бу дарахтларнинг яхши хусусияти бор. Уларнинг бургутқанот шохлари, залвори билан бўлса керак, пастга энгашган бўлади. Ёмғир ва қор сувлари ўша шохлардан оқиб дарахт тубидан 1 — 2 метр четга тушади. Йиллар давомида барглар тўкилавериш дарахт таги хиёл кўтарилган ва аксарият қуруқ бўлади. Жангчи учун бундан қулай бошпана қайда?!

Фронт чизиғидан олисроқ жойларда дам олинганда ўт ёқишга рухсат берилади. 5 — 6 та бўлиб арча ё қарағай тагига гулхан ёқилади. Олов атрофига арча шох-шаббалари қалин қилиб тўшалади. Кўчма ошхона ошпазлари пиширган кечки овқатни ёб бўлгач, ўт атрофида доира бўлиб ётилади. Бундай пайтда жангчи учун қор-ёмғир писанд эмас. Фақат баъзан изғирин қийнайди, холос. Шу тарзда тонггача ухлайсиз. Эрталаб қарасангиз ёмғирпўш, баъзан шинелнинг у ер, бу ерида 10 — 15 тийинлик танга ҳажмидаги тешиклар пайдо бўлади. Кечаси гулхандан учиб тушган уққунларнинг иши бу. Нонушта қилиб олгач, бир кеча роҳат қилиб ухлаган арча таги билан хайр-лашасиз...

— Похо-од! — деган команда яна ҳаммани сафга тизади. Полк яна ҳаракатга тушади.

Эҳтиёткор жангчиларнинг камарида доим фляга — оғзи маҳкам ёпиладиган алюмин сувдон бўлади. Йўл юрганда киши терлаб, тез-тез чўллайди. Россияда эса сув сероб, Йўл чеккаларида, ўрмон этакларида ҳар қадамда сизиб ётган булоққа, шилдираб оқиб ётган ирмоқ ва жилғаларга дуч келасиз. Ёшлигимда отам айтган бир гап эсимда эди. Киши меҳнат қилса ё узоқ пиёда юрса, тан-бадан қизийди. Бадан совумасдан совуқ сув ичиш мумкин эмас. Лекин баъзан шундай бўлардики, йўл ёқасида сизиб ётган булоқлар, шилдираб оқиб ётган жилғалар олдинда бепарво ўтиб бўлмас эди. Сафдан отилиб чиқиб булоқ четига кўксимиз билан чўзилардик-да, сувдан шимирардик. Бундай пайтларда ёшлиқда кўй боқиб ё ўт ўриб чарчагач, югуриб бориб ариқдан сув симирганларингизни эслайсиз. Бир зум сувга қараб хаёлга чўмасиз. Фақат фарқи шуки, Россия суви сарғиш бўлиб, ундан доим арча ё қарағай барги ҳиди анқиб туради. Сувдан тўйиб ичгач, чопиб бориб яна сафдаги жойингизни топасиз.

Новгороддан Карелофин бўғозигача қанчадан-қанча қишлоқ, қанчадан-қанча шаҳарларни босиб ўтганмиз. Дивизия-ку манзилига бориб етгандир, фақат шугина эмас, Финляндия ерида жангга ҳам киргандир. Бироқ мен манзилга етиб боролмадим ўшанда.

Ленинграддан ўтиб анча юргандан кейин қандайдир бир кўрғонга етдик. Шу ерда бир кунлик дам олиш эълон қилинди. Одамсиз, ҳувиллаб ётган иморатларга жойлашиб олдик. Бу ерда қаттиқ жанг бўлганлиги сезилиб турар эди. Иморатларнинг баъзилари вайрон бўлган, баъзиларининг ойна ва эшиклари йўқ, деворларда ўқ ва осколкалар ўрни билиниб турибди, уй атрофида эса снаряд ва мина портлаши натижасида пайдо бўлган чуқурликлар, тупроқ уюмлари. Бироқ қандай бўлмасин, бу арча таги ёки гулхан атрофи эмас, ҳақиқий бошпана эди.

Аммо шу ерда мен ўзимни қандайдир лоҳас ва беҳол сеза бошладим. Ташқарига чиқиб бирор иш билан шуғулланиш ўрнига полга тўшалган ҳашак ўстига ўзимни ташлагим келар, бир ташласам тургим келмас эди. Дўстларим доктор чақиришди.

Ўрта ёшлардаги доктор кўкрагимга бир қарич келадиган ёғоч коройини кўйиб:

— Нафас ол, нафас ол! — деб қайта-қайта эшитиб кўрди. Бармоқларини қовурғам устига кўйиб, «дук-дук» уриб ҳам кўрди.

— Аҳа-а! Оғайни, аҳволинг яхши эмас-ку! — деди у сўнгра.

— Бунақаси илгари ҳам бўлган менда, икки кунда тузалиб кетаман, — дедим Каттакўрғондаги ҳарбий билим юртида ўқиб юрганимда безгак бўлганимни эслаб.

— Йўқ, оғайни, дард сен ўйлаганча эмас. — Сўнгра қатъий оҳангда деди: — Госпиталга жўна-тиш керак.

\* \* \*

Кўп ўтмасдан мен Ленинграднинг марказий кўчаларидан бири — Суворов проспектидаги ҳарбий госпиталга тушдим. Биринчи яраланганимдаги жарроҳ сўзларини эсладим: «Ғалабани ярадорлар келтиради». Чунки уруш ҳали тугаганича йўқ, соғлиқ тиклангач, яна буюм халтамни елкамга осиб, қайсидир фронтга йўл оламан.

Бу гал аҳволим анча оғир эди, узоқ вақт иссиғим тушмади. Бир неча кун ичида озиб-тўзиб кетдим. Ута ҳолсизланиб, кўзларимдан нур кетаётгандек эди.

Икки марта ярадор бўлиб, ҳар хил госпиталларда даволаниб, кўп докторларни кўрдим. Уларнинг ҳар бири турлича таассурот қолдирган. Бироқ бу гал даволаган шифокорларни ҳеч унутолмайман.

Палата докторимиз Мария Яковлевна деган аёл эди. У 30 — 35 ёшларда бўлиб, шимолликлардан фарқи равишда бироз қиррапаранг, сочлари, қош-кўзлари қора, жуссаси ингичка, фавқулодда хушмуомала аёл эди. У ҳар гал палата эшигидан «Қандайсизлар, менинг ғолибларим», «Бормисизлар, менинг берлинчиларим» қабилидаги илиқ сўзларни такрор-такрор айтиб, очиқ чеҳра билан кириб келар ва ҳар бир беморнинг ўзига муносиб эркаловчи сўзларни топа биларди. Менинг қаравотим олдига келганда унинг кўзларида қандайдир пинҳона меҳрни ҳис қилар эдим. У ҳар гал: «Бу қора кўзларни қаердан олгансиз?!» деб хушомад қилар эди. «Жонгинам» унинг оғзидан чиқадиган оддий сўз эди.

— Жонгинам, ўзингизни қандай ҳис қиляпсиз?

— Жонгинам, иссиғингиз бироз тушдимми?

Эсимда, иссиғим баланд бўлган кезларда Мария Яковлевна қарийб кеча-кундуз ёнимдан

жилмади. У ёнимда ўтирган пайтда, доим кўзим уйкуга кетарди, иситма безовта қилиб кўзимни очсам, у ҳам ўтирган бўларди. Ҳар гал кўзимни очар-очмас ўша таниш, нафис овозни эшитаман: — Жонгинам, ухлайвер. Уйку — энг яхши дори.

Мен бора-бора ўзимни қанча оғир ҳис қилсам, доктор шунча қайғуришини сезадиган бўлдим. У дардимга баббаробар шерик эди. Шу сабабдан уни хафа қилмаслик учун ўзимни анча соғая бошлаган кўрсатишга интилдим. Баъзан унга ёқадиган сўзлар излаб меҳрибончилигига меҳрибончилик билан жавоб қайтармоқчи бўлдим. Бунинг уддасидан чиқа олармидим-йўқми, билмайман. Хуллас, у мени қанча аясма, мен ҳам уни шунча аяшни истар эдим. Дардга қарши курашда биз доктор билан бирлашиб олган эдик.

Нихоят, иссиғим пасайди. Кўп ўтмай оёққа турдим. Мария Яковлевна шунда ҳам мени бир дақиқа эътибордан четда қолдирмади. Энди ҳар келганида мени гапга солар, эл-юртим, ота-онам, ака-укаларим, опа-сингилларим ҳақида суриштирар, сезмаган ҳолда ўзи ҳам шулар қаторига ўтиб олган эди.

Кунлар кетидан кунлар ўтди. Соғлиғим анча яхши бўлиб қолди. Палатага, кейинчалик, ҳатто госпиталнинг кичкина ҳовлисига ҳам сизмай қолдим. Бир куни даволаниб чиқиб кетган палатадош дўстларим кийим олиб келишди. Шу кийимни кийиб шаҳарга чиқиб кетдим. Кечқурун анча кеч қайтдим. Докторни эса аллақачонлар уйига жўнаб кетган ҳисоблаб, палатага бемалол кириб келдим. Не кўз билан кўрайки, Мария Яковлевна палатада эди. Навбатча бўлса керак, деган фикр хаёлимдан ўтди. Унинг шу пайтдаги ҳолатини кўрсангиз. Юзида — ясама табассум. Қарашлари таажжубли, лаблари нимадир демоқчи бўлади-ю, лекин зарур сўзларни тополмагандек титрайди. У ўзини кўп тутиб тура олмади, оғзидан ёмон бир сўз чиқиб кетишидан қўрқди:

— Хайр сизларга, — деганича тез-тез қадам ташлаб палатадан чиқиб кетди.

Беморлар жим, суратдек қотиб қолишганди.

Фақат орадан бироз вақт ўтгач, дераза ёнидаги каравотда ётадиган бемор дўстим ғайри табиий бир қиёфада:

— Доктор кўп хафа бўлди, бориб узр сўра! — деди амирона оҳангда.

Масала ўта жиддий экани ўз-ўзидан маълум бўлди. Узр сўрашга эса менда журъат йўқ эди. Шундан кейин госпиталдаги менинг ҳаётим бошқа томонга ўзгарди.

Мен билан ёнма-ён Игнатъев деган жангчи ётар эди. Унга нимагадир «инженер» деб ном қўйиб олишган, ортидан «инженер ундоқ қилди», «инженер бундоқ қилди», деб гаплашишар эди. Мен уни сапёр-инженер бўлса керак, деб тахмин қилардим. Унинг нима касал билан ётганини ҳам, қайси фронт ва қайси қисмдан келганини ҳам билмас эдим. Инженер 40-45 ёшларда бўлиб, ўша кезлари бизнинг назаримизда у қари одам ҳисобланарди. Соцлари бироз сийраклашган, бунинг устига оқ ҳам оралаган. Анча озгин, жағ суяклари бўртиб турар эди. Уз тенги йўқлигиданми ёки бошқа бир сабабданми, ён-веридагилар билан гаплашмас, бирон нарса сўрсангиз қисқагина жавоб бериб қўясолар эди. Доктор бирор масалада ординаторхонага чақирса ҳам кўп ҳаялламай қайтиб кирарди. Шу пайтларда палатадаги ёшлар уни сиртдан «муҳокама» қилишга улгуришарди.

Игнатъевнинг машғулоти битта эди — китоб ўқиш. Бир кунда ғиштдек китобни кўрдим демасди. Ўқийдиган китоблари ҳам инқилобдан олдинги имлода босилган бўлиб, назаримда эски китоблар эди.

Мен Игнатъевга қизиқиб қолдим. Ундан нималарнидир сўрагим келар, бироқ «сенга бунинг нима кераги бор?» дегандек қилиб нописандлик билан жавоб бериши мумкинлигини ўйлаб, оғиз очишга журъат қилолмасдим.

Кунлардан бирида госпиталь кутубхонасини излаб топдим. Нима танлаб ўқиш кераклигига ақлим етса-да, кутубхоначидан «нима ўқиса бўлади?» деб сўрадим. Кутубхоначи жавон оралаб юриб, ўртача ҳажмдаги бир китобни топиб чиқди. Жилдидан инқилобдан олдинги босмахоналарда чоп этилганлиги сезилиб турарди. Игнатъев ўқийётган китобларга ўхшаб кетарди. Муқоваси қандайдир тўқ сариқ материалдан ишланган. Китобни олиб келиб, Игнатъев китоблари билан тўлиб турган курсининг бир четига қўйдим. Игнатъев китобга кўз қирини ташлади-да, мийиғида кулумсирагандек бўлди. Ким билсин, у нимага кулумсиради? «Мени кўриб китоб олиб келди», деб ўйладими, ё «сенга китоб ўқишни ким қўйибди, тирранча», демоқчи бўлдимми?.. Балки «китобни ўқишни ҳам билиш керак, ҳар ким ҳам китоб ўқийверадими?» демоқчи бўлгандир. Игнатъев ҳам менинг бироз ноқулай аҳволга тушганимни сезди шекилли, нариги томонига бурилиб, китобини ўқишда давом этди.

Китобни варақлаб кўрдим. Жилдига «Гаршин», ички саҳифасига «Хатлар» деб ёзилган эди. Бу китоб мен учун янгилик бўлди.

Аслида китобга ҳавас менга она сути билан кирган. Бувим зўр китобхон эди. Уни Ўғилжон кампир, кўпроқ «Ўғилжон халфа» дер эдилар. 20 — 30 йилларда хирмон-хирмон китоблар ёқилган, кўмилганига қарамай, уйимизда даста-даста китоблар бўлар эди. Уларнинг кўпи диний китоблар бўлиб орасида каломилло ҳам бор эди. Бувимни ҳеч тинч қўйишмасди. Қишлоғимиздаги тўй ва маъракаларда хотинлар орасида китоб ўқийдиган халфа фақат менинг бувим бўларди. Мен эса эсимни таниганимдан бувимга чироғбон эдим. Уша вақтлари ёшлари 80ларга яқинлашиб қолган бўлиб, махсус чироқ тутиб ўтирадиган одам бўлмаса, китоб ўқий олмасдилар. Мен ҳам бу ишга ишқибоз эдим.

Тўйларда «Баҳром ва Гуландом», «Юсуф ва Зулайҳо», сингари ишқий дostonлар, маъракаларда эса пайғамбару авлиё-анбиёлар ҳақидаги китоблар ўқилар эди. Бу китобларда тасвирланган ҳамма воқеаларга мен сидқидилдан ишонар эдим. Шу сабабдан улар менга ёд бўлиб кетган эди. «Гаршин»ни ўқий бошладим. Бутун китоб онанинг ўғлига, ўғилнинг онага ёзган хатларидан иборат эди. Солдат учун хат ёзиш, хат олиш зўр овунчоқ ҳисобланарди. Баъзан қадрдонингдан келган икки энлик хат қанча кунлар руҳни тетик қилиб юрарди.

— Демак, кутубхоначи ҳам китобни билиб топиб берибди-да, — ўйлардим мен хатларни ўқиб.

Китобни икки-уч кунда ўқиб тугатдим. Хатларда тасвирланган она ва бола ўртасидаги меҳр-муҳаббат, иззат-ҳурмат руҳинга қаттиқ таъсир этди шекилли, хатти-ҳаракатларимда қандайдир вазминлик, ўйчанлик пайдо бўлаётгандек эди. Игнатъев ҳам буни сезиб қолди шекилли:

— Китоб қалай экан? — деб сўради.

— Яхши экан, — деб қисқагина жавоб бердим. Шу кез менда жавобимни изоҳлаб, китобнинг нимаси ёққани хусусида гапириш истаги бор эди. Бу билан мен шеригимга «мен ҳам китобга тушунман» демоқчи эдим. Бироқ савол оҳангида совуқ бир бепарволик сезилиб турарди. Бу билан у «саволимга жавоб беришинг шарт эмас, қай даражада тушунганинг менга маълум», дегандек эди. Шу сабабдан жавобни изоҳлаш ортиқча бўлиб кўринди менга.

Кўп ўтмай Игнатъев мен томон ўгирилди. Чехраси бироз очикдек эди.

— А. Чехов, М. Горький деган ёзувчилар бор. А. Толстойни ўқиш мумкин, — деди.

Бу гапларни ҳам у илгаригидек бепарволик билан айтди-да, яна китобини ўқишга киришди.

— Л. Толстой кўп сертафсилотчи, А. Чехов тушуниш қийин сўзларни кўп ишлатади, — дедим ҳозиржавоблик билан. Сўнг Игнатъевнинг нигоҳида рўй берадиган ифодани кузатиш учун унга кўз ташладим.

Инженер китобининг очилган жойига бармоғини қўйиб ёпди-да, менга тикилди. Унинг юзида таажжубнамо ифода белгилари пайдо бўлди. Шу тарзда у бироз тикилиб турди ва ниҳоят:

— Қайси ёзувчилар сенга ёқади? — деб сўраб қолди.

Ҳамон у мени синаб кўрмоқчи бўлаётгандек эди. Бироқ энди у бепарво эмас, менга нисбатан қизиқиш пайдо бўлгани сезилиб турарди. Менда энди унинг олдинги қиёфасига ўтиш истаги туғилди. Бепарволик билан:

— Лермонтов, Тургенев, — деб жавоб бердим.

Бу жавобни шарҳлашга, яъни бу ёзувчилар нима учун менга ёқишини тушунтириб беришга тайёр эдим. Лекин у жавобимни кутмади. Фақат менга яна бироз тикилиб турди. Назаримда ҳозир у мен ҳақимда ўзича хулоса чиқараётгандек эди. Дунёга донғи кетган ёзувчиларнинг бирини ёқтириб, иккинчи бирини ёқтирмаслик учун кишига маълум даражада дид кераклигини англашини билдирган бўлиб, бир неча дақиқалардан сўнг:

— Аҳа-а!.. Шундай дегин! — деди-да, нариги ёнбошига ўгирилиб китоб ўқишда давом этди.

Дарҳақиқат, фронтнинг олис йўлларида, жангу жадалларда, госпиталларда китоб менинг доимий йўлдошим бўлди. Муаллим бўлиб ишлаб юрган чоғларимдаёқ ўқиганим Лермонтов «Замонамиз қахрамони» романи буюм халтамининг асосий юки эди. Уша вақтларда нашр қилинган «Сиёсий луғат», «ВКП(б) тарихи» ҳам мен учун қимматли китоблардан ҳисобланарди. Ертўлаларда, кўним жойларида энг аввал излайдиган нарсам китоб бўларди. Игнатъев буларни билмаса ҳам ниманидир сездди шекилли, кунларнинг бирида қаерда ўқиганим ҳақида сўраб қолди. Мен ўқи-тувчилар институтининг иккинчи курсидан сафарбар қилинганимни айтдим. Шундан кейин у мен билан қуюқ саломлашадиган бўлди-ю, бироқ очилиб гаплашишдан ўзини тортар эди. Ҳамон жилд-жилд китобларни тўхтовсиз ўқир эди. Мен эса бу ишда унинг ҳеч ҳам толиқмаслигини кўриб ҳайратланардим.

Соғайиб, шифохонадан чиқиб кетиш арафасида икки воқеа рўй берди. Биридан анча изза тортдим, иккинчиси мени кўп хурсанд қилди.

Госпиталдан чиқадиган куним эрталаб Мария Яковлевна мени ординаторхонага чақириб, соғайганлигимни, бундан кейин шамоллашдан эҳтиёт бўлишимни насиҳат қилиб:

— Шундай, дайди жангчи! — деди.

Мен докторга диққат билан назар ташладим. Унинг кўзларидан ҳам қувонаётганлиги, ҳам афсусланаётганлиги сезилиб турарди. Англадимки, бир кун госпиталдан чиқиб кетганимни у ҳануз кечирмабди. Шу билан бирга атрофимда парвона бўлиб, аҳволим оғир пайтларда менга қилган меҳрибончилигидан хурсанд эди. Айбдорлигимдан хижолатда эдим. Докторимга ўз миннатдорчилигимни қандай билдиришни билмасдан олдида бош эгиб турардим. Мени ҳам хижолат, ҳам миннатдорчилик ҳисси чулғаб олган эди шу пайт.

— Бўлди, мана ҳужжатларинг, бошқа касал бўлма!.. — деди Мария Яковлевна одатдаги меҳрибончилиги билан.

Ординатор хонадан чиқиб палатага келдим. У ерда мени иккинчи қизиқ воқеа кутар эди.

Игнатъев кутилмаганда менга меҳр билан назар ташлади. Бамисоли у ўзига яқин бир одамни узоқ сафарга жунатаётгандек эди. Ҳатто у курси устидаги китобларини тартибга солган бўлиб, бироз безовталанганини ҳам билдирди. Шу орада билинар-билинмас жилмайиб ҳам кўйди.

— Астоғфурилло, — дедим ичимда, — Игнатъев ҳам одамга юз тутишни, ҳатто жилмайиб қарашни билар экан-а?!

У бир маҳал мендан назарини олди-да, даста-даста китобларга тўла бўлган курси устидан ниманидир излай бошлади. Ён дафтаридан битта қоғозни йиртиб олди-да:

— Мана бу Ленинград университетини топиш йўллари. У ерда Шарқшунослик факультети бор. Сен ўша жойда ўқишинг керак, — деди қатъий.

Мен учун шу пайт бу сирли одамдан улғу инсон йўқ эди жаҳонда. У дилимда ҳар кун ва ҳар соат тинимсиз ортиб бораётган ниятимни англаганига қойил қолдим. Олдимда яна ҳарбий хизмат борлиги билан ҳам ишим йўқ эди.

Кўп ўтмасдан елкамда буюм халта билан бир гуруҳ соғайган жангчилар сафида яна фронтга йўл олдим. Энди узоқ вақтлар ўрганган дивизиямни (372) топиб, унга қўшилишининг иложи йўқлигини билар эдим. Кейин маълум бўлдики, мен эндиликда 1-Болтиқбўйи фронтидаги 46-механиза-циялашган отувчилар бригадаси жангчилари сафига бориб қўшилишим керак эди.

## Ғолиб

Ленинград. Тўрт йил давомида миллионлар дилида ва тилида бўлган шаҳар. «Ленинградни душманга бермаймиз» деб саф тортиб, ер депсиниб ашулалар айтганмиз. Қуршов кунлари шаҳарга тушган ҳар бир замбарак ўқи овози ёки шаҳар осмонида пайдо бўлган душман самолётининг шовқини биз жангчиларнинг дәрдига дәрд қўшган. Қуршов кунлари ҳам ўтиб кетди, уруш ҳам тугади.

1945 йилнинг эрта куз кунларидан бири. Ленинградда кам бўладиган мусавффо осмон. Ҳарбий госпитал жойлашган Суворов проспектидан чиқиб, машҳур Невский кўчасига ўтаман. Орқамда-

ги буюм халтада 6 килограмм ун, бир ҳафтага етадиган қуруқ озуқа, чамамда ўн ойлик ҳисоби билан берилган 3700 сўм пул бор эди.

Машҳур Невский кўчаси ҳақида тасаввурга эгаман. Яқиндагина госпиталда ётганимда Н. В. Голнинг бу кўча ва уни сайр қилувчиларга бағишланган асарини ўқиганман.

Хаёл мени ҳар томонга олиб кетади. Гоҳ бу кўчани бир марта эмас, балки кунига бир неча марта лаб юриб ўтган адабиёт ва санъат арбобларини эсламан, гоҳ душман қуршови йиллари уйига, ишхонасига етиб олишга мадори бўлмайдиган ҳаёт билан видолашган шахарликлар қисматини ўйлайман.

Табийки, уруш эндигина тугаган пайтлар бўлгани учун Ленинградда одам кам эди. Шаҳар аҳолисининг бир қисми жанг майдонларида, бир қисми қуршов йиллари очлик-яланғочлик натижасида нобуд бўлишган. Шаҳарни тарк этганлар эса ҳали қайтиб келишган эмас. Кўчаларда оддий фуқародан кўра ҳарбийлар кўпроқ кўзга ташланади. Шу сабабдан бирон жойнинг адресини сўраб билиш ҳам амри маҳол. Ҳозирча мен госпиталдаги палатадошим, инженер Игнатъев қоғозга чизиб берган белгилар асосида «Васильев ороллари»га бораётганим.

Менинг тасаввуримда «Васильев ороллари» нуқул ороллардан иборат жой бўлиб туюларди. Ҳатто бу ердаги университетнинг ҳар бир иморати бир оролда жойлашган бўлиб, қайиқлар транспорт вазифасини ўтармакчи, деган тасаввур ҳам йўқ эмасди. Кўрдимки, манзара бошқача экан. Бу ер яхлит бўлиб, чиройли иморатлар, бинойидай кўчалар, қатор тизилган дарактлар, иморатлар орасидаги кўкаламзор кўзини қувонтиради. Йўлакларга тилларанг барглари тўшалган, ёш йигит-қизлар гуруҳ бўлиб, у ёқдан-бу ёққа ўтишади. Хушчақчақ билан ўзаро нималарнидир гаплашишади, жўшқин баҳслашадилар.

Талабалардан бирон нарсани сўрашни эп кўрмадим. Улар мен сўрамоқчи бўлган нарсага тўла жавоб беришмас керак, деб ўйлардим. Йўлакда бир маромда қадам ташлаб кетаётган 30 — 35 ёшлардаги бир йигит дуч келиб қолди. Устидаги гимнастеркадан бу йигитнинг яқинда ҳарбийдан бўшагани билиниб турарди. Ёш талабалардан кўра шу одам мени яхшироқ тушунса керак, деб тахмин қилдим.

— Мумкинми? Озгина вақтингизни олмоқчи эдим.

Йигит яқин оғайнилари билан бирини учратиб қолгандек очиқ чехра билан:

— Албатта, мумкин, — деб жавоб берди.

Мен мударомни айтдим. Йигит жанг режасини изоҳламоқчи бўлган командирлардек мен бормоқчи бўлган жойни аниқ тушунириб берди. Янги дўстим билан илиқ хайрлашиб, у кўрсатган жой — университетнинг Шарқшунослик факультети томон йўл олдим.

Факультет деканининг қабулхонасидаман. Буюм халтамни, қўлимдаги шинелимни бир бурчакка қўйдим. Белимдаги камаримни тортиб, гимнастеркамни тартибга солдим-да, ичкарига киришга рухсат сўрадим.

— Кириңг, кириңг, — дейишди қабулхонада ўтирган факультет ходимлари. Мен иймани-иймана секин эшикни очдим.

Ичкарида дераза тагига қўйилган катта столнинг ёруғ томонига орқасини ўгириб ўтирган аёлга кўзим тушди. Унинг сочлари мошгуруч бўлиб, юз-кўзларидан қарий бошлаганлиги сезилиб турар эди. Нигоҳи ҳам ҳорғин кўринарди. Қиёфасидан Шарқ аёлларидан экани маълум эди.

Менинг кириб келишим аёлда ортиқча таъсир уйғотмади. Унинг учун бу ҳол оддий воқеа бўлиб қолган кўринди менга. У қандайдир қоғозларни шошилмасдан тартибга солар, баъзиларидан бир жумла-икки жумла ўқигандек бўлиб столнинг бошқа томонига ўтказиб қўяр эди.

Мен хонанинг ўртасига бориб тўхтаб қолдим. Сафарбарликдан бўшаганимдан буён ўзимни илк бор ҳарбий интизом эзмидегидек ҳис қилдим. Қаддим тик, буйруқ кутаётган солдат сингари қотиб турибман.

Бироздан кейин аёл бошини кўтариб, нима керак эди, дегандек назар ташлади: пилоткаму кийимларим, этигим, ҳатто кўкрагимдаги жанговар нишонларимгача бир зумда назардан ўтказди. «Ҳа, қизиқяпти, демак, албатта ижобий жавоб бўлади», деган фикр хаёлимдан ўтди.

— Уқишга кирмоқчиман, сизнинг факультетга, шарқшуносликка, — дедим анчагина дидлланиб.

— Уқишга?! — деди аёл ажаблангандек бўлиб, у сўзини давом эттиришга шошилмас эди.

— Оббо, тамом, — дедим ўзимча ниманидир сезгандек.

Мен ундан бошқача муомалани кутган эдим. «Келиңг, урушни тугатдингиз, табриклайман! Голиб жангчисиз! Ленинградни қўриқлаган бўлсангиз керак, балли!» — сингари сўзларни эшитгим келар эди.

Аёл эса, сизга ўхшаган ўқишни хоҳловчилар оз эмас, демоқчи бўлгандек совуққонлик билан:

— Аттестатингиз борми? — деди.

Бу хилдаги савол бўлиши мумкинлигини билардим. Лекин бу тарзда қуруқ, ўта расмий муомалани кутмаган эдим. «Аттестатим бўлганда уни мен фронтга олиб кетарим деган ва тўрт йил давомида ёнимда сақлаб юрарим деган», демоқчи бўлдим-у, лекин деканнинг жаҳлини чиқаришни истамардим.

— Мен ўқитувчилар институтида ўқиб юрган пайтимда, давлат имтиҳони олдида урушга сафарбар қилинганман, ҳужжатларим ўша институтда, — дедим.

Шу орада декан менга гоҳ-гоҳда назар ташлаб, столи устидаги қоғозларни кўздан кечириб бошлаган эди. Бироқ у менинг сўзларимни тўла эшитгани сезилиб турарди.

— Жуда яхши экан-да, бориб ўша институтни тамом қилиңг, ҳозир у томонларда ўқитувчилар жуда керак, — деди янада совуқ ва расмий оҳангда.

Деканнинг бу сўзларида насихатдан кўра, гапни тугатиб мендан тезроқ қутулиш нияти борлигини англадим. Энди у менга кўп нигоҳ ташлайвермас, масала ҳал бўлди, деган хулосага келгани аниқ эди.

Ўзимни анча бўшашган ва ҳолсизланган ҳис қилдим. Шундай катта даргоҳда декан бўладиган хушфееъроқ бошқа одам топилмаган экан-да, деган фикр хаёлимдан ўтди.

Секин орқамга бурилдим, ҳар ҳолда ўзим ҳақимда ёмон тааассурот қолдиришни истамардим шекилли, эшитилар-эшитилмас қилиб, раҳмат, дедим.



Университет иморатлари қандайдир туман пардаси орқасида турган шаклсиз ва ноаниқ нарсаларга ўхшаб кўринарди. Энди мени гуруҳ-гуруҳ бўлиб чақчақлашиб юрган талабалар ҳам,

Бу қисқа суҳбат госпиталда пайдо бўлган режамни, орзуларимни пучга чиқарди. Энди мен хаёл қанотларидаги парвозимни бас қилиб, ерга тушган эдим.

Университет иморатлари қандайдир туман пардаси орқасида турган шаклсиз ва ноаниқ нарсаларга ўхшаб кўринарди. Энди мени гуруҳ-гуруҳ бўлиб чақчақлашиб юрган талабалар ҳам, портфель кўтарган домлалар ҳам қизиқтирмасди. Мен учун улар ўзга дунё эди. Табиийки, бу кишиларнинг ҳам мен билан ишлари йўқ эди.

Келган йўлимдан орқамга қайтдим. Хаёлим тарқоқ. Оёғим остидан нарига назар ташлагим келмайди. Ҳали келаётганимда менга завқ берган дарахтларнинг кузги тилларанг барглари ҳам, мўъжизакор Нева кўприклари ҳам, дарё қирғоқларидаги гранит тошлар, арслон ҳайкаллари ҳам оддий, кўзга ҳеч қандай қувонч бағишламайдиган нарсалар бўлиб туюлди.

Шу кетишда тўғри вокзал сари йўл олдим. То чарчаб, ҳолдан кетгунча пиёда юришни ўзимга шарт қилиб қўйдим. Энди менинг хаёлимда бошқа орзулар куртак ёза бошлаган эди.

\* \* \*

Бу воқеадан анча кейин, 1980 йилда умрининг асосий қисмини Ленинград университетига бағишлаган марҳум академик, турколог А. Н. Кононов хонадонимизда меҳмон бўлди. Мен унга бу воқеани гапириб бердим. Кононов ҳикоямни мароқ билан эшитди ва бироз таажжублангандек бўлиб жилмайди.

— Ҳа, — деди у, тузукроқ эслашга ҳаракат қилиб, — сиз дуч келган аёл грузин эди, ўша йиллари деканлик қилди. Шарқшунослик факультетининг яхши деканларидан бири ҳисобланар эди. Мен учун эса бу воқеа олис ўтмишнинг бир саҳифаси эди.



Фитрат

## ШАРҚДА ШАХМАТ

Кўп минг йиллик тарихга эга бўлган шатранж — шахмат тахтасида не-не донолар, алломалар дона суришмаган. Доҳиймиз В. И. Ленин шахматни «ақл гимнастикаси» деган эди. Жаҳонга машҳур олимлар, адиблар ва шоирлар Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Бобур, А. С. Пушкин, Л. Толстой, М. Горький шахмат ўйинининг шайдолари бўлишган.

Атоқли ўзбек ёзувчиси ва олими Фитрат ҳам шахмат шайдоси ва Шарқда шахматнинг пайдо бўлиши тўғрисида ўзбек матбуотида илк бор илмий мақола ёзган киши эди. Унинг бу мақоласи 1928 йилда «Аланга» журналининг 3—4-сонларида чоп этилган.

Айтишларича, Фитрат бўш вақтларида дўстлари Файзулла Хўжаев, Иномжон Хидиралиев, шоир Абдулвоҳид Мунзим билан шахмат ўйнашни яхши кўрар экан. Кунларнинг бирида Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Совети Раиси Файзулла Хўжаев шахмат тахтасида дона сураётиб, Фитратга Шарқда шахматнинг пайдо бўлиши тўғрисида бир мақола ёзишни таклиф қилади. Ёзувчи рози бўлади. Шундан кейин кўп ўтмай «Аланга» журналинда Фитратнинг «Шарқда шахмат» мақоласи пайдо бўлади.

Кўйида ёзувчининг доцент Мажид Ҳасанов нашрга тайёрлаган ўша мақоласини журналхонлар эътиборига ҳавола қиламиз. Мазкур кичик мақола бизга Шарқда шахматнинг пайдо бўлиш тарихи ҳақида маълумот беришдан ташқари, Фитрат шахсининг янги қиррасини — у Шарқ тарихининг катта билимдони бўлганлигини ҳам очиб беради.

\* \* \*

Шарқнинг энг машҳур, энг эски ўйинларидан саналган шахмат ўйинининг кўпдан бери Овруро-да ҳам жуда мақбул бўлиб, айниқса бизнинг Шўролар ўлкасида инқилобдан кейин катта аҳамият олгани маълум.

Бир ўртоғим томонидан бу ўйиннинг Шарқда бўлган тарихий мавқеи ҳақида баъзибир нарсалар сўролган эди. Бу тўғрида керакли манбаларнинг ҳаммасини текшириб чиқиш учун вақт ҳам йўқ, имкон ҳам йўқ. Шундай бўлса ҳам жуда оз манбаларга таяниб, шу мақола тартиб этилган эди. Шахматнинг Шарқда жуда эскидан бери борлиги ва машҳурлиги маълум. Жуда кўп айтилган ва айtilмоқда бўлган хабарларга кўра, бу ўйин бошлаб Ҳиндистонда чиққан, андин Эронга келган, эронликлар нард ўйинини ўйлаб чиқарганлар.

Шахмат Шарқда эскидан бери мавжуд бўлса ҳам, ҳеч бир вақт бизнинг Шўролар ўлкасида бўлган каби тарбиявий мақсадлар билан омма орасида кенгайтирилмаган.

Хонлар, амирлар, беклар, султонлар, бойларнинг муҳташам саройларида, мадрасаларда вақт ўтказиш учун ясалтилган ҳар нарсага ўз тумшугини суқмоқдан лаззат олган ислом шарияти бу ўйинга қарши ҳам ёт бир вазиятда қолишни истаманган. Шатранж (шахмат) ўйини ҳалолми, ҳаромми? — деган бир масала чиқариб, ҳаромлиги томонига ҳукм чиқармоқчи бўлган. Лекин шахмат тарафдори бўлган буржуазия<sup>1</sup> шахматнинг тарбиявий бир мақсад учун ўйналганини даъво қилиб, шахматни мудофаа қилган. Шунинг билан номоз вақтига тўғри келмаслик шарти билан бу ўйинга рухсат берилган.


Мусулмон шарқида шахмат ўйинининг қачон киргани ҳақида аниқ бир нарса айтиш қийин, «ал-Фихрист»<sup>2</sup> китобида кўрсатилишича, мусулмонлар дунёсида шахмат ҳақида биринчи китобни ал-Адлий ёзган. Ал-Адлий Аббосий халифаларидан бўлиб, ҳижрий 247 (йилда) ўлдирилган ал-Мутаваккилнинг хизматида бўлган. Яна «ал-Фихрист»да мазкур ал-Адлий билан ҳар вақт ўйнаган ар-Розий деган бир эронли кўрсатилиб, бунинг шахмат ҳақида чиройли бир китоб ёзгани айтилади.

<sup>1</sup> Европа олимлари, шахмат назарётчилари демоқчи.

<sup>2</sup> X асрда ўтган ибн ан-Надимнинг тавсиф китоби.

Булардан кейин Боғдода Аббосий халифаларидан ал-Муктафий, ал-Муқтадир, ар-Розийларга хизмат қилиб, ҳижрий 335 (йил) да ўлган машҳур шахматчи Абу Бакр Муҳаммад бин Яҳё ас-Савлий келадур. Ас-Савлий шахмат ҳақида икки китоб ёзган, замонининг жуда уста шахматчиларидан бўлган.

Ҳижрий 360-йилларда ўлган. Абул Фарух Муҳаммад ал-Жаллож билан андин сўнгра етишкан Абу Исҳоқ Иброҳимнинг ҳам шахмат мансубалари<sup>1</sup>, шахмат масалалари ҳақида китоблари бўлган. Булардан сўнгра машҳур шахматчилардан Абулфатҳ Аҳмад Сажзий деган одам келадур. Бу одамни Бухоро кутубхонасида сақланмоқда бўлган «Қовоиди шатранж» («Шатранж қоидалари») деган китобчаси билан таниймиз. Бу китоб ҳижрий 1246 (йилда) да битилган. Хати жуда ёмон, китобнинг исми маълум эмас. Орқасида бошқа бир киши томонидан «Қовоиди шатранж» деб ёзилган. Бу китобнинг муаллифи Абдулфатҳ Аҳмад Сажзий деган бир киши. «Сажзий» деган сўз сиистонли демак бўлиб, бу китоб эгасининг Эроннинг Сиистонидан чиққани англашилади.



Китобнинг қайси йилда таълиф этилгани маълум эмас. Бироқ китобнинг охирида Ямин ад-Давлага бағишланган бир қасида бор. Ямин ад-Давланинг машҳур Маҳмуд Ғазнавий (ҳижрий 352—421 й. й.) экани қабул этилса, бу китобнинг ҳижрий бешинчи асрларга оид асар экани маълум бўлади<sup>2</sup>.

Бизнинг китоб муаллифи бўлган Абулфатҳ Аҳмад шатранж билан машҳур бўлган мана шу кишиларни кўрсатадур:

I. Абу Бакр Муҳаммад ибн Яҳё ас-Савлий<sup>3</sup> — бу киши Аббосий халифаларидан ал-Муътаъид Биллоҳнинг надими бўлиб, шатранж ҳақида китоб ёзгани юқорида кўрсатилди.

II. Ҳожа ҳақим Абу Райҳон<sup>4</sup>.

III. Абу Саҳл Муҳаммад ибн Али ал-Бадойи<sup>5</sup>.

IV. Адлий. (Юқорида кўрганамиз ал-Адлий).

Абулфатҳ Аҳмаднинг сўзига кўра, бу кишилар шатранжда устод бўлиб, бу тўғрида китоблар ёзганлар.

Абдулфатҳ Аҳмад китобининг бошланишида ўзининг эллик йиллик шахматчи эканини, Хуросон, Ироқ, Ҳиндистон каби маданий марказларда юриб, андаги машҳур шахматчилар билан ўйнаб, ҳар вақт ҳаммаларини енгганини ёзади. Бу кишининг китобида шахматнинг фазилати, тарих, таъбиси (урушгача

бўлган тартилатини олиш), доналарнинг юришлари, мот, қом (пат), шатранжи комил, шатранжи мухтасар тўғриларида анча маълумот берилганидан кейин, юздан ортиқ мансуба кўрсатилади. Шатранжнинг Ҳиндистонда тузилгани, унга қарши Эронда «нард»нинг ихтиро қилингани жуда машҳурдир.

Мусулмон манбаларининг ҳар бири масалани айни шаклида тасвир қилиб, ҳатто баъзилари шатранжни ихтиро қилган Ҳиндистонлик ҳақимнинг исмини ҳам бизга билдиради.

Бизнинг Абулфатҳ Аҳмад эса масалани бошқача кўядир. У юқорида исми ўтган Абу Бакр Муҳаммад Савлийга суяниб, айтадурким: «Шатранжнинг Ҳиндистонда ихтиро қилингани тўғри эмас, шатранж Юнонда ихтиро этилган. Шатранжни ихтиро қилган ҳақимнинг оти Хормуз (Хормуз)дир»<sup>6</sup>.

Мазкур Хормузнинг шатранж ҳақида ёзган китоби суриялик олимлардан Мусо ибн Юсуфнинг қўлидан ҳалиги Абу Бакр Муҳаммад ас-Савлийга ўтган... Абулфатҳ Аҳмадга кўра, Юнонда ихтиро қилинган шатранжга «шатранжи комил» дейилади. Унинг хоналари 10X11=110 та бўлиб, икки четдаги икки ортиқча хона (катак — ред) билан ҳаммаси 112 та бўлади. Донаси 56тадир. Шатранжи комил тахтасининг шакли мана шундайдир: (расмга қаранг).

Абулфатҳ Аҳмадга кўра, мана шу шатранжи комил қандай бўлиб Ҳиндистонга тушадир-да, анда бир киши томонидан қисқартирилиб, «Мухтасар шатранж» тузиладирким, бу кун (бугунги демоқчи — ред) орамиздаги шатранж шудир.

Абулфатҳ Аҳмаддан бошқа шатранж ҳақида асар ёзганлардан бири ҳижрий саккизинчи аср олимларидан Муҳаммад ибн Маҳмуд Омулийдир. Бу киши шахмат ҳақида ўз бошли (мустақил)

<sup>1</sup> Мансуба — шахмат композицияси маъносиди.

<sup>2</sup> Маҳмуд Ғазнавийдан бошқа бир Ямин ад-Давла (тахаллусли) киши борлиги эсимда йўқ. В. Л. Вяткиндан сураганимда қорахонийларда ҳам бир Ямин ад-Давла ўтган деб хабар беради. Бироқ бу ҳам китобнинг эскилигига зарар қилмайдир (Фитрат изоҳи).

<sup>3</sup> Абу Бакр Муҳаммад Яҳё ас-Савлий ҳижрий 355 йилда ўлган.


<sup>4</sup> Бу ҳижрий 430 йилда ўлган машҳур Абу Райҳон бўлса керак.

<sup>5</sup> Ғазнавий замонида ўтган Бадавий. Унинг асл исми Муҳаммад ибн Маҳмуддир.

<sup>6</sup> Ж. Сомининг «Қомусил-алми»да айтилганига кўра, Хормуз маъҳум бир кимсанинг исми бўлиб, ҳисоб, ҳандаса, мусиқа, тиб каби фанларнинг шу киши томонидан ихтиро қилингани гумон қилинади. Иккинчи бир Хормузнинг Бобилда яшаб, турли фанларни иход қилгани ривоят этилгани каби, учинчи бир Хормузнинг Мисрда яшаб, тиб, ҳайвонот, наботот фанлари тўғрисида тизма асарлар ёзгани айтиладур: Ҳақиқатда ҳам ким томонидан ёзилгани маълум бўлмаган мана шундай китоблар Оврўпо олимлари томонидан топилиб, таржима ҳам таъб қилинган. (Фитрат изоҳи).

бир асар ёзмаган. Ҳазининг «Нафоисул ал-фунун» отли китобида шатранж учун айрим бир боб очган. Анда шатранж тарихига оид: «Ҳиндистонда ихтиро этилиб, Эронга келган. Эронда унга қарши нард ихтиро қилинган (лиги ҳақидаги) машҳур хабарини кўчиргандан кейин шатранжнинг одобини билдирадир. Андин шатранжнинг турларини ёзадир. Муҳаммад ибн Маҳмуд ўз замонида бўлгон беш турли шатранждан хабар берадир: 1. Шатранжи завотул-хусн (тўрт кўрғонли шатранж); 2. Шатранжи чор дар шонзда (16×4 шатранж); 3. Доирали шатранж; 4. Шатранжи кавкалий; 5. Шатранжи муваққа (бу кунги шатранж).

Демак, мусулмон дунёси шатранжни кўргандан сўнг, шунга тақлид қилиб, бир нарса ихтиро қилиш ҳавасига тушиб анча уринган. Бироқ ясаган нарсалари умумийлашмай йўқолган. Муҳаммад ибн Маҳмуд Омулий юқорида Абулфатҳ Аҳмаддан кўчирганимиз шатранжи қомилдан ҳам хабар берадир (бу киши уни шатранжи қабир дейдир). Бироқ унинг қаерда, ким томонидан, қайси тартибда ихтиро этилгани тўғрисида маълумот беришни ортиқча бир иш дейдир. Демак, Омулий замонида бу шатранж орадан чиқиб қолган, унинг ҳақида тафсилот беришга эҳтиёж қолмаган.



Наримон Турсунов

## ИШЧИЛИК—ТАҚДИР

(Ён дафтардан)

1.10.89. Ҳозир ташқаридан кирдим. Кўчада менга Михаил Попрацкий учради. Комбинатда ўн икки минг одам ишлайди, ҳаммасини танимайман, албатта, лекин Попрацкийни биламан: ўттиз йилдан буён ишлайди.

— Ишга келаяпману оёғим орқага тортиб кетаяпти, — деди у дафъатан.

— Тинчликми? — дея сўрадим.

— Дастгоҳларнинг ярми турибди, ишламай...

— Танда йўқми тагин?

— Одам йўқ, одам!

Комбинатда одам йўқлиги янги гап эмас. Мен билганим — йигирма йил: миҳдек кирган, тошдек ўтирибди.

— Лекин, менинг айбим нима? — деди Попрацкий.

...Деразам ҳовлига қараган. Деразадан ташқарига қарайман. Ҳовлида эманлар ўсади. Яғрин солиб, тана қўйган эманлар кўкка қараб талпинган. Ҳовлида эманлардан ҳам баланд иморатлар бор. Улар — ишлаб чиқариш корпуслари, ишхоналар. Комбинат катта даргоҳ: иккита йигирув-тўқув, битта йигирув-ип, битта пардозлаш фабрикаси, механика заводи бор. Цехларида ўн икки минг одам меҳнат қилади, 250 миллион сўмлик газлама чиқаради.

Нега корхона ишчининг тақдири учун жавобгар эмас? Масалан, Попрацкий. Ўттиз йил ишлаган, ўттиз йиллик умрини, йигитлик кучининг қаймоғини ихлос билан корхонага берган. Энди оқибат олдида лол бўлиб турибди.

Ишчининг томорқаси йўқ, кўрасида мол тутмайди. Яккаю ягона даромад манбаи — корхонага қарам. Бинобарин, ҳақиқий ишчига корхона шунчаки ишхона эмас, балки тақдир. Албатта, мўмай пул дардида шохдан шохга қўнган чумчуқ каби корхонама-корхона елвизак мисоли юрадиган кишилар ҳам бор, лекин улар ҳақиқий ишчи эмас. Ҳақиқий ишчи корхонани худди тақдир танлагандек бир марта ва бир умрга танлайди. Менинг чамамда, Михаил Попрацкий бизнинг корхонадаги шундай ишчилардан. Шу саволни тагин сўрайман: «Нега корхона ишчининг тақдири учун жавобгар эмас?»

2.10.89. Менга Попрацкий ҳақидаги ўйлар тинчлик бермаяпти. Албатта, бу ўйлар фақат Попрацкий ҳақида эмас, балки у сингари жуда кўплаб кишилар ҳақида, ишчи касби ҳақидаги ўйлардир. Чамаси, биз кўпинча ишчининг фақат меҳнатини кўрамиз холос, шахсини эса ўйламаймиз. Ҳолбуки, ҳар қанақа инсон каби, ишчи ҳам иссиқ жон эгаси, яъни, дунёга бир мартагина келади. Ҳар қанақа инсон каби ишчининг ҳам ўз орзу-ҳаваслари бўлади. Умид қилади, рўшнолик тилайди. Бинобарин, яна айтаманки, корхона шунчаки ишхона эмас, балки унинг бутун ҳаёт-мамотига бево-сита таъсир қиладиган маскандир.

Саддихон опа Пўлатова билан битта ҳовлида тураман, уйга кўпинча бирга қайтамыз. У қирқ йил тўқувчилик қилган, ўз даврида номи қўшиқларга тушган аёл. Комбинатнинг ҳозирги аҳволдан гап очилса доим:

— Қанақа одамлар бор эди-я, қани ўша одамлар?! — дейди ўкиниб. Нега ўкинади у? Ҳар қанақа корхона одам билан оёққа туради, лекин ҳар қанақа одам билан эмас, деб ўкиганими бу? Ҳар ҳолда кекса ишчиларнинг орасида аён-ошкор шундай фикр юради.

Мамлакат иқтисодийёти эса қишлоқда колхоз ва совхоздан, шаҳарда эса корхонадан, бошқача айтганда, оддий меҳнаткашнинг ўз зиммасидаги вазифага муносабатдан бошланади. Иқтисод —

муносабатлар оламидан иборат. Бу олам менинг тақдиримни Михаил Попрацкий тақдири билан боғлаб туради. Ҳолбуки, мен журналист, корхонада газета чиқараман, у эса тўқувчи, сурп тўқийди. Мен хизматимга маош оламан, у меҳнатига ҳақ олади. Менга маош давлат томонидан тайин қилинган. Бир кун ўша ўзим оладиган пул — маош давлатнинг қайси хазинасидан келади, деб қизқидим. Биламан, давлатимиз қудратли, мамлакатимиз бепоеён, ер кўррасининг олтидан бир улуши — бизники. Бинобарин, шу тасарруфдаги ер ва сув, қуруқлик ва ҳаво, мавжудот ва мансубот ҳаммаси бизники, бизнинг давлатимиз. Менинг давлат ҳақидаги тасаввурим шундай эди. Маошим келадиган хазинани ахтариб-ахтариб эса, мана шу ўз корхонам ичидан, дастгоҳлар силсиласи — цехлардан чиқдим. Бу цехларда Михаил Попрацкий ишлар эди, тагин мен таниган ва танимаган минг-минг тўқувчилар ишлар эдилар. Мен энди давлат ҳақида уйласам, кўз олдимга даставвал ўша ўзимга таниш ва нотаниш тўқувчилар келади.

3.10.89. Одатда Тошкент тўқимачилик комбинатидаги ҳозирги қоқоқликни зилзила билан боғлайдилар. Бир жиҳатдан, бу тўғри тахмин. Ҳозирги қоқоқликда зилзила қолдирган дарз аниқ. Ветеранлар хотирлайдиларки, цехларида кеча-кундуз иш тўхтамаган комбинат — зилзилага қадар — ишчиларни заҳирада резервда сақлаган корхона экан.

Лекин, гап зилзиладами? Фақат зилзиладами?

Мен ўша йилларда Тошкентда бўлмаганман, лекин тасаввур қиламан: зилзила кетидан шаҳарга зилзила оқибатларини тугатишга хизмат қиладиган янги ва қудратли индустрия кириб келди. Янги ва қудратли индустрия шаҳарда янги иқтисодий муносабатларни яратди. Янги иқтисодий муносабатлар тез ва соз манфаат ваъда қилар эди. Манфаат ҳамиша энг қисқа йўлни танлайди, бу унинг фазилати ва қонунияти. Тўқимачиларнинг бир қисми қурилишларга қараб йўл олдилар.

Демак, айбдор зилзила эмас, айбдор — корxonанинг келгуси раванга шаҳарга янги кириб келган иқтисодий муносабатлар тараққиёти доирасида ўрганилмагани, бефарқликдир. Шафқатсиз жараён — тараққиёт бефарқликини кечирмади. Қоқоқлик — тараққиёт интиқомидир.

Бефарқлик қилган ким эди?

— Кейинги беш йилда комбинатда бош директор уч марта алмашди, ҳозирги тўртинчиси! Ҳеч ким кўчада қолгани йўқ, худого шукур, жойини топиб ўтирибди. Уйлаб қарасам, лекин менга қийин экан, ёшим эллики қоралапти. Шу ёшга етиб, қайси юз билан қайси корxonанинг дарвозасини қоқиб бораман. Уни қаранг-а, менинг ҳатто борадиган ерим йўқ экан, — Попрацкий шундай деди.

Албатта, ишчининг тақдирини корхона белгилар экан, мантиқан, корхона тақдирини ҳам ишчилар белгилаши лозим, лекин қани ундай ишчилар?

Ғалати ҳодиса! Расмий маълумотларга қараганда ҳозир республикада 800 минг ишсиз бор экан. Лекин республикадаги кўпгина тўқимачилик корxonаларида, шу жумладан Ўрта Осиёда энг йирик Тошкент тўқимачилик комбинатида малакали ишчилар етишмайди. Бунинг сабаблари нимада?

Дорилфунунда ўқиб юрган йилларимда, сиёсий иқтисод фанидан дарсга кирадиган домламининг, — домла кекса киши эдилар, — антиқа одатлари бор эди. Имтиҳонда биринчи кирган ва сунггисидан ҳам — даставвал сўрайдиган саволлари битта:

— Қани айтинг-чи, бўтам, капитализм билан социализмнинг ўртасидаги туб, таъкидлайман, туб тафовут нима?

Биз, бўлажак журналистлар, ўша йилларда бунақанги саволга жавобни қуюндек уюб ташлайдиган шаштимиз бор, аммо домлага қуюн керак эмас, кераги:

— Капитализмда ишлаб чиқариш воситаларига ҳусусий мулкчилик ҳуқуқи мавжуд, социализмда бундай ҳуқуқ тугатилган, яъни ишлаб чиқариш воситалари умумхалқ мулкдир.

Жавоб шу, лекин домламиз — кекса киши эдилар, ўзида йўқ шод, миннатдор!

— Худди шундай, бўтам, худди шундай. Шунинг учун ҳам бу инқилоб социалистик деб аталади, янги эра ҳисобланади. Эътибор қилинг-а, инқилоблар жаҳон тарихида аввал ҳам бўлган, лекин янги эра очмаган, чунки мулк эгаси ўзгармаган эди. Энг муҳими шу, бўтам, марҳамат, билетдаги саволга ўтинг!

Билетдаги саволга ўтиб, шариллатиб жавоб бериб имтиҳондан қўшдек чиқиб кетамиз. Руҳимиз энгил бўлмаса ҳам, юкимиз энгил. Зеро, биз айтган жавоблар идрок қилинмаган жавоблар экан. Идрок қилинмаган жавоблар эса ҳосилсиз ерга уруғ ташлаш билан барабар экан.

Тагин бир хотира. Мактабдаман, кунлардан бир кун уйга берилган вазифани бажармай дарсга келганман, тикка турибман. Уқитувчи менга ишонарди, лекин бугун панд бердим, ишончини оқламадим. Ҳамон тик турибман. Уқитувчи дафтар-китобини йиғиштириб, ташқарига йўл оларкан, остонада тўхтаб менга қайрилади. Синф сув қуйгандай сокин. Сукунатда уқитувчининг сўзлари дон-дона жаранглаб чиқади.

— Менга барибир, ўқимасанг ўзинг биласан, қорамойга ботиб юрадиган ишчи бўласан.

Ҳурмат қилган уқитувчимнинг бу сўзлари менга қаттиқ таъсир қилди. Мен яхши ўқийман, йигирма йил яхши ўқийман ва ниҳоят танийман — ишчини!

4.10.89. Комбинатдаги ҳозирги қоқоқликнинг тагин бир сабаби бор: эскирганлик. Ускуналар эскирган. Қайсидир бир цехда эллик йил аввал чиққан агрегат бор дейишади, ўзим бориб кўрмаганман. Тўқув цехларида сурон кучли, муттасил гувуллаб туради. Бирор марта перронда турган бўлсангиз биласиз, олдингиздан состав ўтиб қолса, то ўтиб кетгунча сурон туради. Тўқувчилар шундай сурон ичида саккиз соат ишлайдилар. Кейин, ҳар бир дастгоҳдан минг-минг тола ўтиб туради. Бу пахта толалари киприк толасидек ингичка. Тўқувчининг вазифаси — узилган толани улаб туради. Улаб туради, деб мен хато айтдим, шу иш устида бетиним саккиз соат, бир ой — ўттиз кун югуриб юради. Бундан ташқари, ёз ойларида минг-минглаб дастгоҳлардан чиққан ҳарорат, бадбўй ҳаво. Мен саратонда цехга келган пахтакорларни кўрганман. Улар тўқувчиларнинг матонатига бош эгишган. Йигирув цехларида чанг қалин, пахта чанги. Пардозлаш фабрикасида заҳарли кимёвий моддалар ишлатилади. Ҳаво ҳамиша оғир, димоққа тикилади. Ва ниҳоят, бу цехларнинг ҳаммасида асосан хотин-қизлар меҳнат қилади, бўлажак волидалар! Тўқимачилик шарафли касб дейдилар, шарафлигини билмадим, лекин оғирлиги, зарарлилиги аниқ. Натижада, бу цехларда одам тўхтамайди. Тўқимачилик корxonалари расман энгил сановатга киради. Аслида ундаги меҳнат, ҳеч муболагасиз, оғир сановатдиган оғирроқ.

Комбинатда кейинги беш йилликларда жуда катта қайта жиҳозлаш ишлари олиб борилди.

Маданий-маиший хизматлар бевосита цехларга кириб борган. Лекин, барибир янги техника билан жиҳозланган участкаларда ҳам одамлар кўним топмаяпти. Сабаби? Пировард-натижа ҳаммаси келиб иш ҳақиға тақалади. Иш ҳақи оз. Шахсан мен шаҳар атрофидаги қишлоқлардан корхонамизга маҳаллий ёшлар ишга келмаслигининг сабаби ҳам мана шунда деб биламан. Чунки киши комбинатда бир йил ишлаб топадиган пулини ўн сотих томорқасида уч-тўрт ой ишлаб топиши мумкин. Далада эса ҳаво нисбатан тоза, асаблар тинч бўлади. Эҳтимол, ҳақнинг ҳозирги нормалари белгиланган йиллар, 15—20 йил аввал, бу ҳақлар қанақадир қийматга эга бўлгандир, лекин ҳозир бу ҳақлар эҳтиёжнинг белига ҳам етмайди. Ишчилар бу аҳволни, ноҳақликни билади, албатта, лекин жим, чунки бирор бир нарсага қўрбяти етишига ишонмайди. Аммо, баъзан қикиб туради, ўз ҳақини талаб қиладиган, битта-яримта ўжар, қайтмас одам. Бир кишини танийман. Сирожиддин Пўлатов, созловчи. Қарамоғида ҳозир 96 та дастгоҳ бор, участкасига ремонтчиларни кўймайди. «Қарамоғимдаги дастгоҳларнинг битта мурватига бегона калит тушган бўлса биламан!» дейди у. Ўзбекининг гапи лофи билан келади, лекин шундай бўлса ҳам бунда бир сир бор. Дейдиларки, афсонавий Сулаймон пайғамбар жами ҳайвонот ва парранданинг тилини билган зот экан. Қўлоқ солиб турса, бир кун боғда гул япроғига кўнган капалак фўнчага: «Агар очилмасанг, Сулаймон давлатига қирон келтираман!» дер эмиш. Бу дағдагани кўриб лол бўлган Сулаймон савол сўраганда капалак: «Эй, шоҳим, кўнглингизга олманг, ошиқнинг зўри ишқнинг зўридан келади!» деб жавоб қилган экан.

«Менинг қорнимни тўйдирган ҳам, устимга кийдирган ҳам шу дастгоҳлар. Нега энди уларни кимнингдир қўлига ишоншим лозим, — деб гапини давом эттиради Сирожиддин ака. — Худо бўлган тақдирда ҳам ремонтчи, келиб-кетадиган одам, дастгоҳлар билан тагин мен қоламан. Иккинчидан, ремонтни мен қилдимми, ҳақини менга тўланг, даъвоим шу холос». — Мана шу даввоси учун у кўпчиликка ёмонлиқ бўлиб юрган эди анчагина йиллар. Билишимча, энг олдинги маррада турган ишчи ҳозир шу киши. Лекин бу маррада у ёлғиз, якка.

5.10.89. Бугун тонготардан ҳаво булут бўлиб чиқди. Ҳавога оғир нам осилган. Чамаси, бу йилги қиш энгил ва илиқ келади, чунки анчагина оғочларда ҳали япроқ тўкилмаган. Балки, бу аломат буткул тесқари ишорадир, тўғриси, бу йил бизнинг об-ҳаво билан ишимиз бўлмади ҳисоб, негаки пахта жадал териб олинди. Ҳар йили одамнинг энка-тинкасини чиқариб юборадиган теримни жадаллаган нарса — теримчига тўланган қўшимча ҳақ бўлди, холос. «Агар иш шу тахлитда борса, келгуси йил колхозчилар бизни далага киритмай кўяди!» — деб келди теримга чиққан бир хизматчимиз. Комбинатга ҳам шундай кун келармикин?

Албатта, моддий манфаатдорлик яхши нарса, лекин у қандай намоеён бўлади? Бир неча йил муқаддам, Тошкент тўқимачилик комбинатининг 50 йиллиги нишонланганда, тўй бўлиб, Москва ва Ленинграддан, Иваново ва Минскдан тумонат одам келди. Соч-соқоли қордек оқарган, кўпчилиги қўлига асо тутган бу кишилар бир неча кун корхонамизда меҳмон бўлиб, цехларни айландилар. Сўнги кун Тўқимачилар Маданият Саройида коллективимизнинг улар билан учрашуви бўлиб ўтди. Булар республикамизнинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоевнинг ёнида туриб корхона пойдеворига биринчи гишт қўйган, машиналарни биринчи бўлиб ишга туширган кишилар эди.

Уттинчи йилларда оғиздан-оғизга кўчган:

Гидр суви бойланди,  
Машиналар айланди.  
Ўзбекистон қизлари  
Фабрикага жойланди, —

деб бошланадиган кўшиқ айнан шулар ҳақида тўқилганди.

— Комбинат — бизнинг тақдиримиз, ифтихоримиз эди, унинг аввалги шуҳратини тикланг! — деган нидо аввал даъват, кейин — илтимос, ниҳоят — илтижо бўлиб жананглади. Шу учрашувда Ўзбекистондан чиққан биринчи стахановчилардан Мадина Саидова деган ушоқни кампирни эслаб қолганман. Чарақлаган сахнада, микрофонни кўшқўллаб тутиб, — онт ичаётганда нонни шундай ушлайдилар, — зални тўлдириб ўтирган ёшларга қарата бу кампир шундай деган эди:

— Болаларим, мен Текстилга Турксибдан нон ахтариб пиёда келганман. Сиз шаҳарларга бахт ахтариб келасиз, менинг илтимосим шуки, касбингизни севинг!

Зални тўлдириб ўтирган ёшлар бу сўзларни жилмайиб тингладилар. Ҳар даврнинг ўз белгиси бор. Мен юқорида тилга олган Саддихон Пўлатова ҳам комбинатга ўн тўрт яшарида келган. «...1944 йилнинг ноябрь ойи эди, — дейди у. — Отам фронтда, уйда касалманд онам борлар, уруш пайти ишлаганга нон берилади. Қиш қаттиқ келган, ўтин-кўмир йўқ. Дийдираб келганман, сира эсимдан чиқмайди. Цехга биринчи қадам қўйган куним. Эшикни очишни биламан, гув этиб иссиқ урди аъзои-баданимга. Кичкина эдим, дастгоҳга бўйим етмади, тўқувчиликка олишмади мени. Йўқ, деб туриб олдим. Чунки, тўқувчига икки ҳисса нон берилар эди. Муштдек қиз боламан, лекин икки жон қўлимга қараб турибди. Ҳай, одам одамга меҳрибон экан ўша йиллар! Бир-икки қари мўйсафид тўқувчилар бор эди. «Майли, гинаси ўзида қолсин», деб оёғим остига курси ясаб беришди. Неча йил ўша курсини судраб ишлаганман.»

Биламан, Сирожиддин Пўлатовни ҳам ўсмир ёшидан меҳнатга уруш ҳайдаган. Ҳозирги ёшларни ишга нима етаклайди? Қандай куч, қандай илтиж? Менинг фикримча, токи шу саволга жавоб топилмас экан, иқтисодийетимиз олға силжмайди.

— Ёшлар, ёшлар, деймиз, нимаси яхши ёшларнинг! Ишга эгилгиси келмайди! — таниш овозни эшитиб қарадим. Ошхонада созловчилар ўтиришган экан, келиб даврага қўшилдим. Гапираётган Қўрбон Абдураимов эди, унинг индамас деган лақаби бор, бу фиғон индамасдан чиқаётган эди.

— Кеча биттасига: Озгина жонингни койитиб ишласанг бўлмайди, десам, нима дейди денг? «Ака, нима қиламан, жонимни койитиб, оч қолсам, боқиб оладиган ота-онам бор!» Ҳэ, сени ўша бўрдоқига боққан ота-онангдан ўргилдим.

Бирортаси қарши чиқадики, деб секин созловчиларга қарадим. Йўқ, ҳеч кимдан садо чиқмади. Ҳолбуки, гап ёшлар ҳақида эди, бир киши ҳақида эмас. Ёшлар эса комбинатда кўпчилик, ўн кишидан еттитаси ёш ишчи. Ёшларнинг кўпчилиги — талаба. Талабаларни Сирожиддин Пўлатов тўғридан-тўғри «келажакнинг каламушлари» деб атайди.

— Менга ишонаверинг, — дейди у, — йигирма йилдан бери битта касбда ишлаяпман. Ҳали

бирорта зотнинг отаси келиб, ўғлимга ҳунарингизни ўргатинг, деган эмас. Ҳаммаси ўзини ўқишга уради, негаки, иш оғир. Тагин буларнинг ўқиш оғир деганига ўламанми?

Ана шунақа фикрлар. Балки бу фикрлар нотўғридир, лекин нотўғри бўлган тақдирда ҳам улар мавжуд.

6.10.89. Комбинат тақдири ҳақида ётиғи билан ўйлаганимда ёдимга ҳар сафар Орол фожиаси тушади. Улар бошқа-бошқа ҳодисалар, албатта, лекин ҳар иккисининг замини бир, бу — давр. Бу давр доирасига олтимшинчи-саксонинчи йиллар киради. Орол экологиядаги таназулимизни билдирса, Тошкент тўқимачилик комбинати сингари корхоналардаги бугунги аҳвол иқтисодий таназулимиздан далолат беради. Чиндан ҳам, комбинат 1959—64 йиллар давомида қирқ тўрт миллион сўм даромад билан ишлаган корхона эди. Ҳозирги пулга чақсангиз, бу даромад қиймати икки ҳисса ошади, негаки, кейинги йигирма йилда сўмнинг қадри икки ҳисса тушди.

Балки, фурсати етиб, солномачилар турғунлик даврининг муфассал манзарасини яратишар, ҳар бир ҳодиса ўз баҳосини олар. Лекин, давр бу фақат йиллармас, ҳаётимизнинг катта парчаси ҳамдир. Кичкина бўлса ҳам, шахсий шаҳодатларимиз бор, умумий ҳақиқатга улар улуш бўлиб қўшилиши мумкин, деб хаёл қиламан мен.

Бу даврни «ривожланган социализм даври» деб атадилар, энди эса унга «турғунлик йиллари» деб ном беришди. Аслида бу даврни турғунлик даври эмас, балки таназул, инқироз даври, деб атасак тўғрироқ бўларди.

Очиғи, мени бир ҳодиса ҳайрон қолдирыпти: тарихдан хато қидириш кўпчиликнинг севган машғулотига айланади. Қидирган албатта топади, бунинг устига айбдор ҳам тайин — шахсга сиғиниш. Бу ишларга қараб туриб баъзан ўйланиб қоламан: чашманинг ёнидан қудуқ қазимаямизми?

Шахсга сиғинишнинг биз билмаган тагин нима асрори қопти? Тагин мингга ёки миллионга қурбонни аниқлаганимиз билан ҳақиқатнинг мартабаси ошадими? Ё қабоҳатнинг умри қисқарадими?

Ахир одамни қул қилиш учун кишанга солиш шартмас, руҳини сўндириб қўйишнинг ўзи кифоя. Орол қуригани ҳам шундан.

Бу даврнинг иккинчи бир аломати пул эди. Шу даврга келиб, «ёввойи» пуллар ва пул қутуртирган кишилар пайдо бўлди орамада. Дарҳақиқат, пул инсонни бузади, айниқса, бебилиска, меҳнатсиз топилган пул.

Шарқ шоирлари сўзга катта эътибор беришган. Қадимги ҳар бир дoston дебчасида аввал яратганга ҳамду сано, кейин пайгамбарга мадҳ ва ниҳоят, сўзни шарафлаш одат бўлган. Англашимча, қадимги шарқ шоирлари сўзни олам яратилиши, имон пайдо бўлишидан кейинги учинчи мўъжиза сифатида эътироф қилганлар. Ҳар бир ҳодиса сўз орқали башорат қилинган. Хулосам шуки, номус, диёнат, ҳаё, шарм каби сўзлар истеъмолда жуда кам ишлатиладиган бўлиб қолди.

Турғунлик даврининг яна бир аломати — ёлғон эди. Ёлғон тезакнинг тагида қирқ йил айнинамай ётади, деган нақлни кўп эшитганман, лекин энди-энди идрок қилаяпман салоҳиятини. Биз ҳақиқатни олтин деймиз, лекин ёлғон ҳам мис эмас, ҳақиқатнинг иккинчи тарафи экан, холос.

Дунёда ажойиб сўзлар бор. Масалан, халқимиз «иш» ва «ишқ» деган сўзларни ишлатади. Эътибор қилсангиз, улар ялакат мағизнинг икки парчасига ўхшаб кетади ёки бир уруғдан чиққан қўш қайрағоч каби тасаввур ҳам беради. Модомики сўзни халқ яратар экан, сўз ўзида ўша халқнинг турмуш тажрибасини мужассам қилиши табиий бир ҳолдир. Балки, шундай бўлса, яъни, халқ ўзининг турмуш тажрибасини авлоддан авлодга элтиш учун сўзни вакил қилган бўлса, «ИШ» ва «ИШҚ» сўзларини битта уруғдан яратиб қандай орзусини билдирган, қандай армонига ишора қилган?

Назаримда, ҳаёт ва хаёл сўзларининг яратилишида ҳам шундай бир мен илғамаган сир бор. Улар битта товуш орқали тафовут тутадилар холос. Менга кўпдан бери тинчлик бермай келаётган ушбу фикрдан келиб чиқадиган бўлсам, Орол фожиаси биз ўйлагандан ҳам даҳшатлироқ мазмун касб этади. Балки, Орол эмас, дунёда оқибат деб аталган буюк бир туйғу орадан кўтарилиб, денгиз, момо денгиз Орол, ўзига ўт ёққан муштипар аёл каби ёки ватандошимиз Широқ янглиғ, ўз жонини қурбон қилиб бўлса ҳам, ҳалокати билан сўқир нигоҳларимизга кўзгу тутиб, бизни хавфдан — қай даражада юзтубан кетиб қолганимиздан огоҳ қилаётгандир.

7.10.89. Бугун байрам, лекин ҳар йилгидан бошқача: дабдабасиз, сокин. Қаттиқ ёмғир қуйди. Мен намоёйишга чиқмаганим учун қандай ўтганлигини билмадим. Йигитлар байрамдан келишди, корхонанинг ёш ишчилари. Ҳаммамизнинг касалимиз битта — нима иш қилишни билмаймиз.

— Бизга келиб биров айтсин!

Ким айтади? Энди ҳамма ишни ўзимиз қилишимиз керак, чунки бу биз учун керак. Лекин, мен комбинатдаги аҳволнинг ўзгаришига ишонмай қўйдим, негаки ишчилар синфи йўқ. Корхонада ўн икки минг одам бор, шундан 6700 киши ётоқхоналарда яшайди, улар шаҳар қайдномасидан ўтиш учун бизга келганлар. Жонини койитиб ишлайдими? Қурбон Абдураимов ҳақ, ишламайди, албатта. Бир неча ой аввал, ёшлар даврасида йиғилган эдик. Ҳақиқий ишчилар билан ёшлар учрашяпти. Ёшгина бир қиздан Қ. Абдураимов қаттиқ қадалиб сўраяпти:

— Комбинатга нега келгансиз?

— Уқигани.

— Уқишдан мақсадингиз нима?

— Диплом.

Шундай савол-жавоб бўлиб ўтади. Абдураимовнинг ҳафсаласи пир: «Ишчи-ку, майли, булардан мутахассис ҳам чиқмайди. Уларга диплом керак, диплом тинч жой учун керак. Йўқ, тезроқ пенсия ёшига етиб, бошқа иш қилишим лозим, комбинат ўнганмайди. Комбинатнинг ҳеч кимга кераги йўқ, тушуняпсизми, ҳеч кимга!..»

Музейда сарғайиб кетган суратларни кўрганман, улар эллик йил аввал олинган, қурилиш йилларида. Қурилишда мўр-малаҳдек одам, техникадан — бел, кетмон, замбил, транспортдан — от, эшак, туя. Суратлардан боқиб турган кишиларнинг эгни юпун, ёноқ суяклари пичоқдек туртиб чиққан, либоси жанда, лекин кўзларида сурур бор. Эллик йил мобайнида қалин фотоқоғоз сарғайиб, ранги ўчиб, увадаси чиқай деб қолган, бироқ одамларнинг кўзидаги сурур ўчмаган, ёниб турибди. Қани ўша сурур? У кишилар етти авлоди орзу қилган нарсага — ишга етишган кишилар эди.



Ушаларнинг фарзанди Михаил Попрацкий эса: «Ишга келяпману оёғим орқага тортиб кетаяпти!» деб цехга кириб кетди.

Бир йили тоққа чиққан эдим. Эркин ака исмли чўпон кун бўйи мен билан бирга бўлди. Бир ерда тўхтаб, шарқираб оққан сойдан сув ичгали эгилдим, лекин Эркин ака қўлимдан тутди:

— Ичманг, сувнинг асилига чиқамиз ҳозир. Чашмага!

Мен кулдим.

— Сойга ҳам чашмадан тушган-ку! — деб барибир ичдим сувдан. Чўпон индамади ва биз тагин йўлга тушдик, бир маҳал чакалакзор, ўр-қир ошиб, чашмага ҳам етдик.

— Мана, энди ичинг!

Эркин ака менга мурувват қилган экан, энди билдим. Чашмадаги сув қаймоқдан ҳам ма-зали эди.

— Нега сойдаги сув бошқача?

— Жилға бузади,— деди чўпон, хору хас орасидан оқаётган сувга ишора қилиб.

Ахир, одам зоти табиатан меҳнатга меҳр билан туғилади. Шу меҳрни қачон ўлдирадилар? Халқимизда ажойиб удум бор. Ота-оналар фарзандларини кўчага чиқарганда: «Давлат олиб келма, раҳмат олиб кел!» деб йўлга соладилар. Бироқ: «Раҳматга қорин тўймайди» деган мақол ҳам мусофир юртдан келмаган. «Пулни пул топади, кетмонни аҳмоқ чопади» деган мақолни ким чиқарган? «Давлатники олди тор, орқаси кенг» деган мақолни-чи?

Мараз бор ерда, пашша айланади, албатта!

8.10.89. Ҳурматли Ҳамидулла Холматов! Мен сизнинг мактубингизга жавоб беролмадим, узр. Биринчидан, сиз қўйган масалалар менга руҳан яқин эмас. Иккинчидан, менинг рақамларга рағбатим йўқ, сабаби, ишлаб чиқаришда мени кўпроқ инсон шахси қизиқтиргани туфайлидир, деб ўйлайман. Албатта, ҳозирги куннинг таниқли иқтисодчилари Н. Шмелев, Г. Попов, А. Селюнин кабиларнинг мақолаларини қизиқиб кузатиб бораман. Улар иқтисодиётимиздаги ҳозирги аҳволни рўйроқ, бутун фожиавий тағзаминлари ва кутиш мумкин бўлган оқибатлари билан ёритиб бераптилар ва улар тақлиф қилаётган йўللар эҳтимол мавжуд шароитларда энг тўғри йўллардир. Лекин «кўкда» йўлчи юлдузни кўрмаяпман. Аввал худога ишонмай қўйган кишилар энди коммунизмга ҳам ишонмай қўйдилар. Бир гуруҳ бор, фақат пулга ишонади. Мен бу тоифа ҳақида ўйласам, юрагим зирқирайди, чунки улар ҳаётга катта кулфатлар келтириши мумкин, мен англаган энг катта кулфат эса — имонсизлик.

Қишлоқда бир парчагина еримиз бўлиб, ҳар кўкдамда дадам шу ерга дон экканлар. Мен ёш бола эдим. Дадамнинг нам қора тупроққа ялангоёқ кириб, уруғ сочиб шудгорнинг икки бошига бориб келишлари менга текин томоша. Дадам қорасоқол, бақувват, ҳар кўзлари пиёла-дай катта-катта, юзлари кип-қизил, қаҳрли одам эдилар. Чопонларининг барига дон солиб, билани яланғочлаб, бир маромда қулочлаб, шудгорнинг у бошидан бу бошига бориб келар эканлар, менга энг қизиғи шу эдики, ҳар қулочлаганларида: «қурту кумурсқаларнинг ризқи, жонзот-паррандаларнинг ризқи, бола-чақаларимнинг ризқи...» дер эдилар. Сезиб тургандирсиз, мен шахсан ўзим кўрган-кечирганларимга асосланаман. Ҳозир одамнинг юрагига назар ташлагани одам кўрқадиған замон. Эҳтимол, мен хато қилаётгандирман, ҳамма одам сингари мен ҳам ўз ҳаётимда кўпгина хатоларга йўл қўйганман. Лекин мен ҳозирги хатоим учун афсусланмайман.

Менинг онам худога ишонганлар, инсу жинс, пари-малак, руҳ-арвоҳларга ҳам. Бемаврид учган қора пашша ҳам унинг кўнглига хижиллик солар эди. Мен ҳамма сингари унинг бу қилиқларини хурфотдан деб билганман, ҳозир эса имондан экан, деб тасаввур қиламан. Биласизми, хитойликлар кўзгуни яратиш учун тошни минг йил силлиқлаган эканлар. Оғиздан чиққан ҳаво тегса кўзгу хиралашади. Чаманда, инсоннинг кўнглидаги имон ҳам худди шу кўзгу тахлит. Ҳозир дунёда аёл-эркак зоти борки, аввал кўзгуга бир қараб, кейин кўчага чиқади. Улар имон кўзгусини биладиларми-йўқми — менга қоронғи. Лекин, мен онамга ҳавас қиламан, у имон кўзгусига қараб яшаган аёл. Хитойликлар кўзгуни яратиш учун тошни минг йил силлиқлаган эканлар, лекин одам ўз қалбида имон кўзгусини яратиш учун, яъни, чинакам ИНСОН бўлиши учун қанча йўлни босиб ўтди экан? Биз ҳозир инсонга хос бу улғу фазилатнинг қадр-қиммати етиш ҳақида жиддий ўйлаб кўра-япмизми?

Менинг сиз билан қисқача ўртоқлашмоқчи бўлган фикрларим шулар эди. Улар сизни қониқтирдими, йўқми, билмайман албатта, лекин мен айтмасам бўлмасди, қабул қилиш-қилмаслик эса сизнинг ихтиёрингизда.

9.10.89.

— Сиз коллективнинг ўртача ёши нечадалигини биласизми?

Бугун иш кунини Рўпарамда Сирожиддин Пўлатов ўтирибди. Чакка сочлари оқаринқираган. Ўрта бўйли, миқти гавдали, пайлари бўртиб чиққан икки қўлини тиззаларига ташлаган. Менга бу одам ёқади. Иккиланиб жавоб қиламан:

— Қайдам, қизиқмаган эканман.

— Мен ҳам илгари қизиқмасдим,— дейди у ҳижжалаб ва кулиб давом этади.— Йигирма бирда экан. Корхона олтишга қараб кетаяпти, фарқ қилаяспизми? Фойдалиси, 34—36 ёш дейишди. Мен бундан шундай фикр қилдим: Уттиз олти яшар киши ким? Бола-чақалик, уй-рўзғорлик, елкасида юки бор одам. Йигирма бир яшар йигит ёки қиз-чи? У нимани ўйлайди? Уйқусизликдан кўзи қизариб келади ишга.

— Талабалик...

— Талабалик бир тараф, ёшлик бир тараф, ишга нима қолади? Йўқ, мен талабаларнинг корхоналарда ишлашига қаршиман. Бўлмаган иш бу. Улардан-ку ишчи чиқмайди, майли, лекин мутахассис ҳам чиқмайди. Масалан, мен тонги сменага ишга келадиган бўлсам, эрта кечдан ётиб оламан. Талаба эса бу пайтда ўқишда бўлади, ўқийдан келиб, ётоқда чой-нон ичади, кейин ухлайди. Иш ўзи одамнинг жонини суғуриб олади, бунинг устига ўқиш, дам йўқ. Нимага яради улар? Бунини ўйлайдиган одам ҳам борми бу мамлакатда?

— Нима қилсан дейсиз?

— Давлат керакли одамни ўқитсин, кераксиз одам ҳаммаси меҳнат қилсин. Курсида ўтирадиган сон минг валакисаланг нега керак?

Сухбат шу тахлитда давом этиб, у кетади. Қизиққон одам, аммо топиб гапиреди, худди қўли билан камардан балиқ ушлаб чиққандек, хулоса фикр исканжасидан чиқиб кетолмай билтанглаб туради. Ишчилар орасида йигирма йил ишладим, албатта одам ҳар хил, лекин йилдан-йил сари амин бўлаяпман, ҳақиқий ишчи ҳам талант экан. Ундайлар кам учрайди. Мен биринчи марта: «Қулдек ишлаб, бекдек яша!» деган иборани ҳам шу Пўлатовнинг оғзидан эшитганман. Навбат келиб, «Волга» автомашинаси оламан деб борса, райжироқумда ўтирган амалдор ишонмапти: «Ишчига «Волга» чикора? Айниқса, текстиль комбинатида!»

— Ун йиллигини сўраган эди, бухгалтериядан шуниси ҳам етди, деб етти йиллигини беришди. 57 минг ҳақ ишлапман!.. Амалдор ўрнидан туриб эшиккача кузатиб қўйди. Кейин келиб, келинингизга мутойиба қилдим: «Бўпти, бир бўлагига машина олибмиз, қолганлари қани?»

Пўлатов кўп станокчи, ҳозир 96 та дастгоҳни бошқаради, икки беш йилликдан бери. Аввалида бу ишга қўшилганлар ўн тўрт киши эди; энди иккитагина, иккинчиси — Қурбон Абдураимов. Улар эскидан дўст ва эскидан мусобақадор.

Лекин бундай ишчилар оз, бениҳоя оз. Иқтисодиётсиз иш силжимайди, иқтисодиётни эса ишчилар силжитади, лекин ҳақиқий ишчилар жуда оз. Корхонада юрган минг-минг ёшлар участкаларда ишляпти, лекин улар ишчи эмас, чунки ишчилик — тақдир. Ишчиликни тақдир деб танламаган кишидан қирқ йилда ҳам ишчи чиқмайди. Бунга энди менинг имоним комил. Нега ишчиликка ҳеч кимнинг келгиси келмайди? Масалан, Тошкентдек шаҳри азимда икки миллиондан ортиқ аҳоли бор, комбинатга эса йигирувчилик, тўқувчилик каби асосий касбларда ишлагани мингта одам кифоя. Лекин шу минг киши муқим ишчи бўлиши керак, чунки бошқаларнинг ҳаммаси кўмак берадиган ишлардир, бу юмушларда ҳозирги бор одамлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Ҳозирги ноиложликдан кўра, ҳар ҳолда бу ҳам бир илож. Лекин, мен ишчи бўламан деб келадиган одам йўқ!

Сўз навбатини тагин Сирожиiddин Пўлатовга бераман:

— Биласиз, намоишга чиқсак, Ленин майдонидан байроқ кўтариб ўтаман. Ҳар қанақа катта йиғин бўлса, ўрним — тўрда. Ҳукуматда мана ман деган раҳбар бўлса ҳам, кўрса, келиб қўшқўллаб кўришади. Бу мактаниш эмас, бу ашулчи торини созлагандек бир гап. Энди кўшиғига қулоқ солинг. Шу яқин кунларда, қанақадир катта бир йиғиндан чиқиб келаяпман, кўкрагим тўла шарақашуруқ орден, медаль, қадам олишларим бошқача, гердайиб, ўзимга ўзим нақл ўқиб, Сирожиiddин сен у, Сирожиiddин сен бу, деб маст келаяпман. Биласиз, бизнинг уйга ўтадиган ерда, муюлишда дўкон бор, шу дўкондан биттаси чиқиб турган экан. Муudir бўлса ҳам гўри бало, майли эди-я, юк туширадиган ишчиси. Икки букилиб, ўша нухсанинг олдига саломга борганимни сезмай қолибман. Туриб-туриб ўзимга шундай таъсир қилади-шундай таъсир қиладики, тўриси, ерга кириб кетай дейман. Мен ким-у, у ким? Агар дунёда адолат бўлса, ундай кишилар кўчининг у зўйдан югуртилаб келиб, менга салом бериши керак. Лекин, сабаби тирикчилик, мен ўшанинг марҳаматига муҳтожман. Зориқиб келганимда, йўқ демасин, деб қилган ишим экан бу. Кейин етиб келди ўзимга. Энди ўзингиз айтинг, бундан кейин мен қайси эътиқод билан ўғлимга: «Ишчиликка кир!» дейман. Ундан ҳали мендақа ишчи чиқадими, йўқми?

10.10.89. Тагин йигитлар келишди, корхонанинг ёш ишчилари. Бу йигитлар норози, ўз аҳволидан, корхонадаги тартиб-интизомдан, мамлакатдаги шарт-шароитдан норози улар. Лекин, рози одамнинг ўзи борми ҳозир фақат бу йигитларнинг мен таниган бошқа ҳамма норизолардан фарқи шуки, улар ҳаракат истайдилар. Бу йигитлар бир гуруҳ бўлиб ажралиб, кўкламда, Наврўз сайида танилиб чиққан эдилар. Биринчи марта ўз кучи, майли билан бир ишни ўз билигича амалга ошириб кўнгли ўсган, ўшанда қўзғалган ғайрат, иштиёқ ҳадеганда босилмай, уларни анчадан бери безовта қилиб келади.

Чамамда, ҳозир бир давр кечаяптики, изланишлар, талпинишлар олдинга чиқиб, лоқайдлик пўст ташлаган илон каби ўзини пастқамга олаяпти. Хаёллар ғала-ғовур, ҳислар сурон арафасида, фикрлар тарқалиб ва кўшилиб саф ахтараяпти, идрок етакичига муҳтож. Қирқ йилда бир дунё айланади, деганларидек, фурсат, чамаси етиб келди. Гап, мавзу хилма-хил, савия, идрок ҳам, пишмаган фикрлар, етилмаган тақлифлар, ўжарлик ва ҳайронлик, ишончсизлик ва бетоқатлик — ҳаммаси бор. Мирзо Улугбек, Бобур, Беруний, Темур, Сино номлари тез-тез тилга олинади. Нима қипти, биз бугун аждодлар мададига муҳтожмиз. Йўл олдидан, қадимги удум бу, мададорларга сиғинганлар.

Хонада ўн чоғлик йигит ўтирибди. Сурхондарёлик ва андижонлик, қашқадарёлик ва фарғоналик, наманганлик ва сирдарёлик, тошкентлик ва бухоролик йигитлар булар. Бу йигитлар ҳар бир вилоятдаги халқ аҳволини яхши билишади, ўша аҳволотнинг ичидан ўзлари чиқиб келишган. Шунинг учун ҳам уларнинг тилида битта сўз: халқ.

«Гўшт йўқ, сут йўқ, шакар, совун анқонинг уруғи бўлиб бораяпти, биз-ку, майли, ёлғиз бошимиз, йигит ёшидамиз, ризқимизни топиб-терибиб еймиз, лекин қанчадан-қанча қариялар бор, ёш гўдаклар бор, уларнинг ҳоли нима кечади?»

«Бизнинг бу ҳолга тушишимизга аввал ўтган кишилар айбдор, улар парвосиз яшаганлар, келажак авлод ҳақида қайғурмаган ҳеч ким!»

«Йўқ, айб тақаш осон. Демократия бўлмаган авваллар, менимча ҳамма кулфат шу туфайли.»  
«Холва деган билан оғиз чучирмиди? Мана ҳозир демократия, нима бор? Магазинлар қупқуруқ!»

«Магазиннинг демократияга нима алоқаси бор? Уйлаб гапирсаларинг-чи сал!»

«Гапингизни уйда гапириб келинг, бизга хулосасини айтинг! Шундай ҳам вақтимиз гап билан ўтаяпти!»

«Ҳамма касал ўзимизда, иқтисодиётни билмаймиз, билишга ҳаракат қилмаймиз ҳам! Билмайман, биз қандай бино бўлган эканмиз, оғзимиздаги ошни юлиб олишса, ҳайрон бўлиб қараб турамыз, холос. Ана, Болтиқбўйини қаранглар! Уша ёқларда ҳам уруғликка бирорта аҳмоқ топилармикин? Съездда улардан чиққан ишчи айтган гапни бизнинг аллома деганимиз айттолмайди.»

«Бировнинг ақли билан ҳали ҳеч кимнинг иши битган эмас. Ўзимизда қиладиган ишлардан гапиринглар!»

«Тағин ҳаммаёқ саволга кўмилиб кетди. Ҳеч бўлмаса сиз жавоб айтсангиз-чи, нега инда-майсиз?»

«Мен ўзим шу саволларга жавоб ахтариб, сизнинг даврангизга келганман!»

«Ана холос!»

Ғира-шира шом. Бир битимга тўхтамасдан, тарқаладиган муҳлат етиб келади. Кимдир дарсга бориши керак, кимдир бориб боғчадан боласини олади. Лекин бир ҳол аён — ҳамманинг кўнгли хижил. Тағин бир кун бой берилган кунлар қаторига қўшилиб кетди! Тағин иш бир кунга кечикадиган бўлди! Лекин, эртага ҳам тағин шу аҳвол, келгуси кун ҳам шундай ўтади!

Нохуш хаёллар билан хонада ўтирсам, бир қиз йиғлаб кириб келди. Ип фабрикасидан, Қодирова Шаҳноза исмли қиз экан, ижара участкаси ишчиси.

— Тинчликми, синглим?


— Адолат сўраб келдим газетадан, менинг ҳақимни олиб беринглар!

— Кимдан, қанақа ҳақингизни?

— Бизнинг участкамиз ижарада ишлайди, икки кун сабабсиз ишга чиқмаган эдим, ижара кенгаши қарори билан ҳақимдан 100 сўм ушлаб қолишибди. Икки кунга — юз сўм!

Нима дейман сизга, Шаҳноза?

Чекиниб-чекиниб энг сўнги маррага етиб келдилар ишчилар, у ёғига чекинишнинг иложи йўқ, энди ўз тақдирларини ўз қўлларига олишяпти. Ижаранинг мазмуни шу. Кенгаш аъзоларининг ҳаммаси ишчилар, ўзингиз билан ёнма-ён меҳнат қилишади. Улар имзолаган қарорни сиз ҳам имзолагансиз, чунки ижара жавобгарликни тамом ўз зиммасига олган ишдир. Бу жавобгарликка қўшилишга ҳатто комбинат бош директорининг ҳам ҳақи йўқ. Ижарада адолатни меҳнат яратади, кенгаш эмас ва албатта, газета ҳам эмас, меҳнат адолат яратади. Чамаси, биз ҳаммамиз бугун идрок остонасидамиз, сиз ҳам, мен ҳам, Шаҳноза! Ҳукм чиқаришга шошилмай, тажрибанинг аччиқ меваларини тотиб, ширин мевалари ҳақида ўйлайдиган кунлар ҳозир. Мевали дарахтнинг қуриган шохини албатта кесиб ташлайдилар, лекин бу қаҳр эмас, балки меҳрдир, меҳрибонликдир. Бизнинг биттагина айбимиз бор, лекин бу энг катта айбимиздир: ўзимиздан беҳабар, ўзимизга бефарқмиз.



Иброҳим Ҳаққул

## ҒУРБАТДА ҒАРИБ ШОДМОН БЎЛМАС ЭМИШ

Ғариблиғда ғурбат ичра қолдим мано...

Аҳмад Яссавий

Тасаввуф шеърияти — инсоннинг руҳий ҳаёти, юксак ва мураккаб психик ҳолатларини чуқур тадқиқ этган шеърият. Унда Шахснинг илоҳий туйғу ва кечинмалари образли таҳлил қилинган, мутлақ ҳақиқатга эришиш босқичларидаги сирли хаёллари тасвирланган. «Кўнгил — диннинг моҳиятидир», дейди Людвиг Фейербах. Тасаввуфда Кўнгил — ҳақиқий ишқнинг моҳияти. Маълумки, сўфийлар одамларни ахлоқ ва ҳиссиётларига қараб уч тоифага ажратганлар. Биринчи тоифа — нафс бандалари. Булар ўз нафсу ҳирсларига мағлуб ғофиллар. Алишер Навоийнинг мана бу сўзлари ана шундай кимсаларга қарата айтилган:

*Ҳирс офатини нафс ҳавоси билгил,  
Қўймоқ ани нафс муддаоси билгил.  
Нафсингга алам ҳирс балоси билгил,  
Кечмак мундин анинг давоси билгил.*

Иккинчи тоифа — қалб одамлари. Булар онг ва идроки ривожланган, худога анча яқин огоҳ зотлар. Улар тавба қилишган. Сидқ, сабр, қаноат, таваккал, тўғрилиқ талабларини оғишмай бажавчи бу кишилар:

*Жуз ҳақдин анингки бўлса огоҳлиғи,  
Уммиди эрур ғояти гумроҳлиғи,—*

деган эътиқод билан яшаб ўтишган. Учинчи тоифа — Руҳ одамлари. Булар туну кун дийдор дардида ёниб, ҳамма жой ва ҳамма нарсада Ҳақнинг нури жамолини кўрадилар. Юнус Эмро уларнинг нуқтаи назарини ифодалаб:

*Ҳақ нури ошиқлари ҳардам нузул эмасми,  
Кима нузул бўлмаса, ишқдан малул эмасми,—*

дейди. Тасаввуф шеъриятида такрор-такрор тилга олинадиган Ғариб ҳам кейинги гуруҳнинг вакилидир.

Е. Э. Бертельс «Навоий ва Аттор» номли мақоласида тасаввуф «мустақил тафаккурга мойил кишиларнинг диққатини жалб этарди», деб таъкидлаган. Алишер Навоийнинг тасаввуф таълимотига доир шеърларида ҳам кўнгли эркин, руҳий ҳурликка илҳақ, макон ва замон, жамият ва муҳит чегараларидан ниҳоятда баланд кўтарилган орифларнинг ахлоқий, фалсафий, илоҳий тушунчалари кенг ёритилган. Е. Э. Бертельснинг айтишича, Алишер Навоий ўз ижодиётида «тасаввуфнинг бутун ахлоқий жиҳатларини қамраб» олиб, «тақдир маҳкум этган муҳитдан алоқасини узмаган бўлса-да», тасаввуфнинг «сўнгги мақсадларини бир идеал тарзда» олдиға қўйган эди. Бизнингча, шу идеалга алоқадор шеърлардан бири — «Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш» мисрали машҳур рубоийдир. Уни ёшу қари — деярли ҳаммамиз ёд биламиз. У ўрта мактаб ва олий ўқув юрти дарсликларидан муқим ўрин олган. «Ватан адабиёти»да (6-синф дарслиги) рубоий

тўғрисида бундай дейилган: «Шоирнинг энг гўзал рубойларидан бири «Ғурбатда ғариб...» рубойсидир. Ватан муҳаббати бу рубойнинг асосий ғоясидир. Бу ғояни шоир ғоят гўзал бадиий маҳорат билан яратади, яъни шоир «Ғурбатда ғариб...» рубойсини яратар экан, у бу рубойни бевосита ўз бошидан кечирган ҳаётий воқеалар билан боғлайди ва умумлаштиради. Навоий гоҳ Астрободда, гоҳ Самарқандда, гоҳ Балхда бўлди. Бу дарбадарлик шоирнинг ижодига кучли таъсир этади ва мазкур рубойини яратади». Таҳлилдаги тил нуноқлиги ва ифода ғализлигига қарамасдан, рубой ўқувчиларга «ватанпарварлик билан суғорилган чуқур мазмунли шеър» деб тушунтирилади.

Натан Маллаевнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» (олий ўқув юрлари учун) дарслигига ҳам мазкур рубой «ватанпарварлик ва эрксеварлик ғояси» куйланган шеър сифатида баҳоланган.

Рубойнинг ёзилш тарихи, ғоявий-бадиий хусусиятлари бир қатор адабиётшунослар томонидан ўрганилган. Навоийнинг илк девонидан у мана бундай кўринишда ўрин олган экан:

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,  
Эл анга рафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.  
Олтун қадаҳ ичра гар қизил гул бутса,  
Булбулга тикандек ошиён бўлмас эмиш.

«Хазойинул маоний»даги вариантда иккинчи сатрдаги «рафиқ»—«шафиқ», учинчи қатордаги «қадаҳ»—«қафас»га алмаштирилган:

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,  
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.  
Олтун қафас ичра қизил гул бутса,  
Булбулга тикандек ошиён бўлмас эмиш.

Таҳрирга сабаб нима? Саволга таниқли олим Ёқубжон Исҳоқовнинг «Навоийнинг илк лирикаси» китобида жавоб бор: «Биринчидан, дастлабки вариантда «рафиқ» ва «меҳрибон» сўзлари уюшиқ бўлак бўлиб келган. Ваҳоланки, бу икки сўз икки хил тушунчани билдиради, уюшиқ бўлак бўла олмайди, балки «рафиқу меҳрибон» (меҳрибон ўртоқ) тарзида ифода бўлиши мумкин. Шунингдек, рафиқ (ўртоқ, дўст) бўлмаган одамнинг меҳрибон бўлмаслиги ўз-ўзидан маълум ва бу таажжубланарли ҳол эмас». Олимнинг ҳукмига кўра, бир-бирига мос тушунчаларни ифода қилувчи сўзларни уюшиқ бўлак қилмаслик «автор услубидаги чалкашликдан иборат бўлиб, у кейин тузатилган. Шеър таркибидаги сўз ўзгартирилиши, албатта, ўзини оқлаган. Лекин таҳрирда Алишер Навоий «уюшиқ бўлак» хусусида ўйлаганмикин? Бизнингча, «рафиқ»нинг «шафиқ» сўзига алмаштирилиши бошқа сабабга боғлиқ. Буни Ғариб характерининг ички мантиқидан ахтариш керакка ўхшайди.

Ёқубжон Исҳоқов ўз даъвосини далиллашда давом қилади: «Иккинчидан, шоир, ўзининг ғарибликдаги оғир ҳаёти, ўз ватанига бўлган иштиёқи ва интилишини кучайтириб бериш мақсадида, қиёслаш сифатида, кейинги байтни келтиради: ватандан жудоликни булбулнинг гулзордан ажралишига ўхшатади. Ана шу байтдаги «олтун қадаҳ ичра қизил гул бутмоқ» мисраси муболага сифатида қўлланилган бўлиб, биринчи байтдаги мазмунни кучайтириш, бўрттиришга хизмат қилади: гул «олтин қадаҳ» («тувак, коса») да ўстирилса ҳамки барибир булбулга гулзордаги тиканлар каби азиз ва қадрдон бўлмайди. Демак, ғурбатдаги инсон учун ўз ватанининг бир сиқим тупроғи ҳар қандай бойликдан азиз ва қадрлидир». Энди тадқиқотчининг хулоса сўзларини тингланг: «...биринчи вариантда жой тушунчаси, яъни, ватан ва ғурбат образларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш ва ватанни улўғлаш авторнинг диққат марказида турган. Бу ҳақда ўзининг ҳаётий тажрибаси ва мушоҳадалари асосида умумлашган фалсафий хулоса чиқарган. Бироқ дастлабки вариантда ҳали тутқунлик тушунчаси йўқ эди. Кейинчалик «қадаҳ» сўзини «қафас» билан алмаштириш натижасида шеърда тутқунлик тушунчаси ҳам қўшилган».

Дастлабки вариантда ҳам тутқунлик тушунчаси бўлган. Шунингдек, «ватан ва ғурбат образларини бир-бирига қарама-қарши» қўйиб ватанни улўғлаш шоирнинг диққат марказида турмаган.

Алишер Навоий Ватан сўзини географик маънода, яъни, туғилиб, ўсиб-улғайган жой мазмунида кўп маротаба тадбиқ этган. Масалан, шоир устоди Саййид Ҳасан Ардашерга ёзган шеърый мактубида:

Ки бўлмоқ ватан ичра душвор эди,  
Кўнгулга жафо дафъи озор эди,—

деркан, она шаҳри Ҳиротни эътиборга олган. Устод Мақсуд Шайхзода айтганидек, Навоий «ҳатто Хуросон салтанатининг йироқ вилоятларига борганда ҳам ўзини «ғурбатда» ҳис этган», Рубойга шу нуқтаи назар билан ёндашилганда, Ёқубжон Исҳоқовнинг «Навоий 1465—66 йилларга қадар, асосан, Ҳирот ва Машҳадда яшаган. Шеърдаги «ғурбат» сўзидан кўриниб турибдики, бу шеърни у ўз ватани Ҳиротда эмас, балки ғурбатда — мусофирликда, демак, Машҳадда ёзган бўлиши керак», деган фикрларига, бир қарашда, асло шубҳаланиб бўлмайди.

«Навоийнинг ўз туғилган она шаҳри Ҳиротдан, қавму қариндошларидан узоқ Машҳадда кечирган йиллари анча машаққатли бўлган бўлса керакки,— дейди профессор Абдуқодир Ҳайитметов,— у «Мажolisун нафоис»да у йилларни эслаб ўзини «ғариб» деб атайди ва касал бўлиб қолганда «бир буқада йиқилиб» қолганини айтади». Тадқиқотчининг тахминича, рубой «шу вақтларда (яъни Машҳадда — И. Ҳ.) ёзилган бўлса ажаб эмас». Демак, «ғурбат» ва «ғариб» тўртликдаги «белги» сўзлар бўлиб, рубойнинг яратилган вақти, бош ғояси ва лирик қаҳрамоннинг қайғули ҳолатини англашга «очқич»дир. Дарҳақиқат, худди шундай.

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш.

Шу мисранинг ўзи гўё тугал мазмунли шеър. Уни ўқиган заҳоти, юртидан йироқлардаги кишининг қисмати тасаввурда қарийб тўла жонланади. Ватандан жудолик — ғурбат. Ғурбатда яшаш — ғариблик. Ғариб — шодликдан маҳрум бир бечора. Рубойининг охири байтидаги образли қиёс Ватан ва фарзанд ўртасидаги боғлиқликни чуқур исботлайди. Аммо шуни ҳам унутмайликки, ғурбатнинг қафаслиги, ғарибнинг қизил гул ўсган олтин қафасдаги булбулга монандлиги, булбул ўз тиканли ошёнини севганидек, инсоннинг ҳам ўз жонажон юртига муҳаббат қўйиши, ватанпарварлик ғояси — буларнинг барчаси бизнинг ҳаёл ва тасаввуримиз орқали тўқилган фикрлардир. Балки «ғурбат» биз ўйлаган жудолик дардидан бошқа нарсадир? «Ғариб» ҳам ўзгача маслакдаги ғарибдир. Шундай бўлиши мумкинми? Албатта, мумкин!

Шеър ички сир ва бойлигини қанча узоқ муддат яширин сақлай олса, ўшанча яхши. Баъзан шундай ҳам бўлади: қандайдир бир шеър ҳақида кўп гапирилади, ёзилади. Ва ўқувчиларда ўша шеър бағрида нималардир ҳамон сир ётганлигига шубҳа қолмайди. Бундай турғун муносабат — чинакам шеърни таҳқирлашдир. Ҳақиқий шеърнинг ғоявий таркиби камида икки ёки уч маъно қатламидан иборат бўлади. Бу жиҳатдан Шарқ шеърияти жаҳон адабиётида ўрнак кўрсатган. Ғарб санъаткорларидан бири шеърдаги илк маънони Жаночин Биринчи Мусофир деб атаган экан. Шу Мусофирга ўқувчини юзлаштириш, шу Мусофирнинг аҳвол-руҳиясини англиш учунгина шеър ёзилмайди. Кўп маъноли шеър қандай яратилади? Мажозга асосланиб, дейди Р. Барт. Г. Рикёрнинг таъбирича, мажозий моҳиятлар эса дастлабки маъно орқали, унга суяниб кашф қилинади. Тасаввуф шеъриятида аҳвол эл бошқачароқ. Унда мажоз бош мақсадга бамисоли бир «парда»дир. Шу боис шоирнинг ўзи учун ташки маъно фавқулудда аҳамият касб этмайди. Уни мажозий фикр заминида маъно дурларини бекитиш жиддий қизиқтиради. Навойининг рубойида ҳам мазмун икки қатламли.

Е. Э. Бертельс нашрга тайёрлаган «Миръоти ушшоқ» номли тасаввуф луғатида: «ғурбат — жонан ҳарамидан дилу жоннинг йироқлашуви; поклик оламидан ажралиб нафсу шарни яқин билмоқ», — деб шарҳлаган. Сайид Сажжодий «ғурбат»ни қуйидаги тарзда таснифлайди: 1. Ватандан жудолик ғурбати. 2. Жоҳил ва фосих қавм орасида мажбуран, яъни, ғайри ихтиёрий равишда ўтирган одам ғурбати. 3. «Ғурбат Ҳақ талаби бўлиб, бу — орифнинг ғурбати, зеро орифнинг ҳиммати маъруфдурки, у оҳират аҳли орасида ҳам ғарибдур». Чунки, ориф «Халқ орасида аниссиз бўлинг!» деган дэватларни ҳам асло ёддан чиқара олмайди. Навойи рубойида илгари сурилган ботиний мазмун орифнинг ғурбатидир. Навойининг ғазалларидан бирида:

Танимға чоклар очти, не айб, агар ўлсам,  
Ки руҳ булбулининг лойиқи эмас бу қафас,

дейилган. Ўз вужудини қафас сезган ғариб, гуноҳ ва мусибатларга тўла оламни «руҳ булбули»нинг қафаси деб англаганлиги шубҳасиздир. Тасаввуф таълимотида ғарибнинг илоҳий эрки — «Аналҳақ»лик. Ана шу ҳурликка етишгунча у ғурбатда яшайди, ғурбатдан тинимсиз азоб чекади. Бу фикрга янада ишонч ҳосил қилиш учун рубойининг иккинчи сатри устида андак мушоҳада юриштиш кифоя.

Эл анга шафику меҳрибон бўлмас эмиш.

Ғарибга-я? Нечун? Мусофирга меҳрибонлик кўрғаза олмайдиган «эл» қанақа эл? Наҳотки, ғариб «эл ямони» бўлса? (Навойининг «Эл қочса бировдан эл ямони бил они...» сўзларини эсланг.) Йўқ, ғарибу мусофирларга ҳамма вақт ва ҳамма жойларда ҳарқалай «шафику меҳрибон»лар топилган. Қолаверса, Навойи ўз диёри аҳлидан етган жавру зулм олдида ўзга юртлардаги ғарибликни фожиа ҳисоблайвермаган:

Ўз диёринда ғариб элдин етар чун жавру зулм,  
Эл диёринда ғариб ўлмоғлигим эрмас ғариб.

«Ғариб эл» ким? Жавру зулмга моҳир, онги заиф, идрокки юпун гумроҳлар тўдаси. Булар билан чин ғариблар сийратида мутлақо яқинлик йўқ.

Тасаввуф ахлоқи бўйича, кимларнингдир шафқату мурувватига муҳтожлик сезган ғариб — ғарибмас. Бунинг акси ўлароқ, ғарибга эҳтиромсиз кимсалар кўнгли қаттиқ, бераҳм халойиқ сифатида айбланганлар. Аҳмад Яссавий бир ҳикматида «Умнат бўлсанг ғарибларга тобе бўлғил», деса, бошқа бирида «Оқил эрсанг ғарибларни кўнглин овла», дея чорлайди. Лекин энг оқил одам ҳам Ғарибнинг кўнглини овлаши душвордир. Сабаб? У айтган эмиш: «Бир кун борур эрдим, бир йигит кўрдумки, анда шўре бор эрди. Дедим, қайдин сен, эй ғариб. Деди: «Ғарибму билур улки, анинг била мувоанаси (дўстлашиш, яқин муносабатда бўлиш) бўлғай?» Ғарибнинг бу гапи Зунун Мисрийга шу даражада қаттиқ таъсир қилибдики, у қичқирганича ҳушдан кетибди. Ўзига келгач, ғариб ундан «Санга не бўлди?» — деб сурабди. Зунун Мисрий ўшанда «Дору дардға мувофиқ тушти», деб жавоб қайтарган экан.

Биров бир дарвишнинг ёнига келиб «Нечун ёлғиз ўлтирибсен?» — дебди. Дарвиш айтибди: «Энди ёлғиз бўлдумки, сен келдинг ва манга Ҳақдин монёв бўлдинг...» Ана шу дарвиш том маънодаги ғарибдур. Ғариб нима истаса маъшуқи азалдан тилайди. Вужуди мутлақ унинг танҳо Дўсти. «Беғона эл била сўхбат тута» олмаслик ғарибликнинг характерли аломати. Шунинг учун Навойи «рафиқ» сўзининг жойига «шафиқ»ни танлаган эди. Бундан ташқари, шоир «эл анга шафику меҳрибон бўлмас эмиш», деганида янги бир ҳақиқатни гавдалантирмаган. Балки ғариб табияти ва ғариблик фалсафасининг бир қиррасида эътиборни қаратган. Чунки Шарқ тасаввуф адабиётида, жумладан, Аҳмад Яссавий ҳикматларида ҳам ушбу масала ёритилган. Яссавий айтди:

Ғариблиғда юз йил турса, эрур меҳмон,  
Тахту бахту бўстонлари эрур зиндон.

Бу «зиндон»нинг иккинчи ва тасаввуфда оммалашган номи ғурбат бўлиб, Аҳмад Яссавийнинг «Ғариблиғда ғурбат ичра қолдим мано», дея оҳ чекиши тасодифий эмас. «Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш» — Яссавий баёнидаги ҳақиқатнинг янги тасвири ҳамда тасдиғидир.

Ўзбек халқ мақолида «Ғарибнинг кўнгли — тангрининг уйи», дейилган. Ғарибнинг кўнгли илоҳий ишқ бўстони. Ғарибнинг ботиний завқидан «еру кўклар наво» қилади. Сайёдий «Тоҳир ва Зухра» достонида «Бу дунёда на мушкулдур ғариблик, Ажойиб турфа бедилдур ғариблик», деган. Ғариб мусофир бўлмасдан, юртида шоҳ бўлган дейлик. Нима ўзгарарди? Сайёдий туғри шарҳлаган:

Агарчи ўз еринда шоҳ бўлса,  
Мусофир бўлса, бир кулдур ғариблик.

Бироқ бу куллик — шоҳликдан устун куллик. Чини билан ажойиб, турфа «куллик». Мана шунинг учун Аҳмад Яссавий, «Худойиға ғариблар билгулукдир», деб ваколат берган.

Харақонийнинг «Нур — ал улум» асарида ўқиймиз: «Сўрадиларки, ғариб кимдур. Деди: Тани бу жаҳонда ғариб киши ғариб эмасдур. Балки дили вужудида, сири дилида ғариб бўлганлар ғарибдур. Сўрадиларки, унинг дўстлари қандай фазилатли кишилар? Деди: дунё дўстлигидан дили фориғ бўлганлар».

Қалби вужудида, сири кўнглида ғариб бўлган ана шу қахрамон олий орзу ва самовий туйғулар оғушида яшайди. У дунёпараст ножинслардан, имони суст лаимлардан, «махлуқ хизматиға камар» боғлаган таъмагир ва хушомадгўйлардан узлатга чекинади. Лекин у бу чексиз оламнинг тенгсиз гўзаллигидан ҳайратланиш, маърифат баҳрига чўмишдан чекинмайди. Тасаввуф ахлоқида ғариблик туйғуси шундай бир ички «қалъа»дурки, унда ишқ, имон, поклик, ғурур, донолик каби ўнлаб камёб инсоний хислатлар дахлсиз асралади. Бу «қалъа» кўнгулни бедаът ва хурофотдан муҳофаза этади.

Ғариб ташқи дунёга ўз ички имтиёзи ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб нигоҳ ташлайди. Уни ҳаммадан ортиқ «олам уйи»нинг торлиги, унда майда ғавғоларнинг кўплиги қийнайди. У «Ҳақиқатда ҳақиқатдан ўзга яна қандай мақсад бўлиши мумкин», деб ўйлайди. У ботиний дунё комиллиги учун зоҳирий дунёдаги ранж ва аламларни сабр билан бошдан кечираверади. Шу боис Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўғлига:

Бил, ғариб, улдурки ғурбатда,  
Кун кечиргай азобу шиддатда,

деган эди.

Шундай қилиб, рубойидаги иккинчи маъно қатлами биринчисидан фарқ қилади, бироқ уни инкор этмайди. Алишер Навоийнинг санъаткорлиги ҳам мана шунда.

## НАВОИЙ ҚОМУСИ ҚАНДАЙ ЯРАТИЛАДИ

Урта Осиё халқлари илми ва маданияти тарихига «Энциклопедия», яъни «қомус» тушунчаси бегона эмас. Чунки IX—XI асрларда яшаб ижод қилган Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби алломаларнинг илмий фаолиятларига ана шу хусусият хосдир. Машҳур тилшунос олим Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари ҳам оддий тил луғати бўлмасдан, фаннинг кўп соҳалари ютуқларини ўзида жамлаган, ўқувчига сўз изоҳи орқали атрофлича билим беришга мўлжалланган қомусий тадқиқот эди.

Ҳозирги вақтда фаннинг турли йўналишлари бўйича қомуслар тузиш соҳасида жаҳон миқёсида катта тажриба тўпланган. Масалан, ғарб мамлакатларида Данте, Шекспир, Бетховен, Гёте, Шиллер, Диккенс ва бошқа даҳолар ҳақида махсус қомусий асарлар яратилган. Совет Иттифоқида эса «Лермонтов энциклопедияси» (Москва, 1981), «Шевченко сўзлиги» (Киев, 1978), «Янка Купала» (Минск, 1986) деган қомус тузилди. Ўзбекистонда ҳозирги вақтда уч томлик «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», бир томлик «Ҳамза» қомусини яратиш устида иш олиб борилмоқда.

«Навоий қомуси»ни яратиш ўзбек ва бошқа кўпгина туркий халқлар адабиёти ривожига муҳим ўрин тутган улўғ шоир ва мутафаккир, ўзбек адабиёти ва адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига мамлакатимизда ва ундан ташқарида ҳам қизиқиш ортиб бораётгани билан боғлиқ.

Совет навоийшунослигининг сўнгги йиллардаги ўзига хос фазилатларидан бири Навоий ҳаёти ва ижодининг кенг адабий, ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий жиҳатдан ўрганилаётгани, тадқиқ этилаётганидир. Бу шунинг учун ҳам тўғрики, аввало Навоий ижоди фақат ўзбек адабиёти зами-нидагина юзага келган эмас. Навоий адабий ва илмий меросининг пайдо бўлишида юнон, форс-тожик, озарбойжон, араб ва бошқа халқларнинг адабиётлари, фольклори, адабиётшунослик илми ҳам катта ўрин тутган. Навоий меросини ана шу адабиётлар билан қиёслаб ўрганиш шоир ижодини, унинг асарлари манбаи ва маншаларини аниқлаш ва тўғри баҳолашга йўл очди.

Иккинчидан, Навоий фаолияти шоирлик билангина чекланмаган. Навоий ўз даврининг йирик сиёсий арбоби, маданият ҳомийси, донишманд олим сифатида ҳам фан, санъат, ижтимоий фикр тараққиётига ижобий таъсир кўрсатган эди. Бу соҳалардаги кўп ютуқлар унинг номи билан боғланган. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда у Султон Ҳусайн Бойқероннинг вазири ва энг экин кишиси («муқарриби султоний») сифатида доим мамлакатда ҳунармандлик, косиблик, қишлоқ хўжалиги, савдони ривожлантиришга, бошқа давлатлар билан тинч қўшничилик муносабатларини ўрганишга, теурийлар ўртасидаги ўзаро низоларни бартараф этишга ҳаракат қилди. Қомусда улўғ шоирнинг бу фаолияти ҳам кенг акс этиши керак.

Навоий ижоди Тожикистон, Озарбойжон, Туркменистон, Татаристон, Қорақалпоғистон каби қўшни республика ва автоном республикаларда ҳам севиб ўрганилмоқда. Бугунги кунда совет навоийшунослигини Ҳ. Ораслий, А. Мирзаев, Б. Қориев, Э. Шодиев, Ж. Нагиева, Ш. Абилов каби қардош олимларнинг ишларисиз тасаввур этиш қийин. Кейинги йилларда бу ишга социалистик мамлакатларнинг шарқшунослари ҳам киришдилар. Бу соҳада Афғонистон республикаси олимлари айниқса, жадал иш олиб бормоқдалар. Эрон, Туркия олимларининг Навоий ҳақидаги тадқиқотлари ҳам ҳаммага маълум. Навоий ҳақида Франция, Италия каби капиталистик мамлакатларда қизиқарли тадқиқотлар эълон қилинган. Булар ҳаммаси Навоийни ўрганиш бўйича қилинган ишларни эндиликда қомус доирасида умумлаштириш зарурлигини ва бунга фурсат етганлигини кўрсатади.

«Навоий қомуси»нинг бош вазифаси китобхонни шоир ҳаёти ва ижоди, у яшаб ижод қилган давр билан ҳамда ўша давр адабий ва маданий жараёни билан батафсил таништириш, шоир дунёқара-шининг умуминсоний қимматини, адабий меросининг ўз салафлари ва замондошлари ижоди билан чамбарчас алоқасини кўрсатиш, адабиёт, санъат ва маданиятнинг келажак тараққиётига таъсирини ёритиб беришдан иборатдир. «Навоий қомуси»да мамлакатимиздаги навоийшуносликнинг аҳволи, тарихи, унинг етакчи намояндалари ҳақидаги маълумотлар тегишли ўрин тугиши керак.

«Навоий қомуси» шарқдаги биринчи тадқиқот бўлгани учун бу иш илк тажриба сифатида қара-лиши зарур. Шунинг учун табиийки, мазкур қомус мутлақ мукамалликни даъво қилмайди. Бинобарин, мазкур асардан Навоий ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этиб бериш, барча фактларни қайд этиш ҳам талаб этилмайди. Бу қомус аввало, ҳозирги совет навоий-шунослиги даражасини ўзида акс эттириши лозим.

Шубҳа йўқки, «Навоий қомуси» Туркистондаги энг қадимий миллий адабиётлардан бирининг улкан намояндаси ижодига бағишлангани учун у ўзига хос хусусиятларга ҳам эга бўлади. Унда



Ўзбек ва барча шарқ халқлари адабиётларига хос хусусиятлар ва материаллар муносиб талқини топиши даркор. Бу деганимиз, унда шоир асарларининг кўпгина ўзига хос томонлари, жанр хусусиятлари, қаҳрамонлари, тил ва услуб белгилари илмий изоҳланади. Масалан, Навоий ижодида ғазал жанри алоҳида ўрин тутди. Маълумки, Навоий ўзбек тилида 2600, форс тилида 600 дан ортиқ ғазал ёзган. Шоир умрининг сўнгги кунига қадар ғазал ёзиш билан шуғулланган. Шунинг учун Навоий ғазалиётининг барча ғоявий-мазмуний ва бадий хусусиятлари, шоир маҳорати билан боғлиқ барча масалалар яхши шарҳланиши, ўқувчига кенг билим ва таассурот берилиши зарур. Шоир тасвиридаги ўзига хослик ва шартли хусусиятлар, ғазалларнинг адабий-тарихий, бадий-эстетик кадр-қиммати ибратли мисоллар орқали таҳлил этилиши керак.

«Навоий қомуси» «Сўзлиғини тузиш ва унга материаллар йиғиш жараёнида қуйидаги талабларга амал қилиш мақсадга мувофиқ кўринади:

**Биринчи манбалар.** Маълумки, Алишер Навоий ҳаёти ва ижодининг кўп қирралари бизга ёзма дастлабки манбалар бўйича таниш. Навоий ҳаёти ва ижодини ёритишда аввало ана шу ёзма манбаларга суяниш алоҳида аҳамиятга эга. Навоий замондошларидан Абдурахмон Жомий, Мирхонд, Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандий, Фахрий Ҳеравий, Ҳусайн Бойқаро, Абдураззоқ Самарқандий, Зайниддин Восифий ва бошқаларнинг асарлари шулар жумласидандир. Навоийнинг ўз асарларида ҳам шоир ҳаёти ва ижодига оид, бошқа манбаларда учрамайдиган камёб маълумотлар мавжуд. Шу сабабли Навоий ва унинг замондошлари асарларининг қўлёзмалари ва нашрлари аниқланиши, мазкур қомусда яхши изоҳланиши керак.

Биобарин, «Навоий қомуси»да шоир ижодий йўлини ёритишга катта ўрин ва эътибор берилиши табиий. «Хамса», «Ҳазойинул маоний» каби улкан адабий ёдгорликларнинг қандай шароитларда юзага келгани, бундай улуғ асарлар осонлик билан яратилмаслиги илмий жиҳатдан чуқур асосланади. Навоий асарлари ўз давридаёқ кенг халқ оммаси томонидан тан олинган, улар кейинги авлодлар учун ҳам катта билим ва бадий завқ манбаи бўлиб қолган эди. Шоирнинг ҳар бир асари ўзбек адабиёти тарихида катта бир воқеа бўлиб, уларнинг ҳар бири ҳақида қомусда атрофлича маълумотлар бўлмоғи даркор. Навоий ўз адабий маросининг ҳажми ҳақида «Лисонут-тайр» достонида:

Назм насрим котиби тахминшунос,  
Ёзса, юз минг байт этар эрди қиёс, —

деб ёзган эди. Демак, шоирнинг ҳаёт йўли билан бир қаторда ижодий йўли ҳам буюк. У адабиётнинг улуғ заҳматкаши бўлган. У ўз ҳаётининг мазмунини асарларида кўрган. Шоир ижодий фаолиятининг ҳамма ўринда қизиқарли талқин этиб берилиши ҳозирги авлод учун ҳам катта мактабдир.

Навоий ўз давридаги ҳамма шеър шаклларида самарали ижод қилган бўлиб, унинг ҳар девонида юзлаб турли шеър намуналари мавжуд. Навоийнинг «Девони Фоний» номли форсий девони ҳам бор. Улуғ шоирнинг 300 дан ортиқ муаммо, 200 дан ортиқ қитъа (ва ҳоказо) бизга етиб келган. Т. Г. Шевченко, М. Ю. Лермонтов, Я. Купалага бағишланган қомусларда бу шоирларнинг ҳар бир шеъри махсус мақолада изоҳланган. Лекин Навоийнинг ҳар бир шеърини, унинг қачон ва қайси шароитда ёзилганини шарҳлаш учун минглаб мақолалар ёзиш ва бунга махсус жилдларни ажратиш талаб қилинади. Навоийнинг лирик мероси эса ҳали на бизда, на чет элларда шеърмашеър, сатрма-сатр тўла ва мукамал ўрганилган ва ҳар бир шеърнинг яратилиш тарихи конкрет аниқланган эмас. Шунинг учун, одатда Шарқ шеърлятидаги анъанавий ғоя ва мавзулар, образ ва жанрлар ҳукмрон бўлганини ҳисобга олиб, Навоий шеърляти хусусиятларини умумлаштирувчи мақолаларда ёритиш мақбул кўринади. «Навоий лирикасида анъанавий образлар», «Навоий лирикасида анъанавий мотивлар», «Навоийнинг лирик қаҳрамони», «Навоий лирикасининг жанр хусусиятлари», «Навоий лирикасида анъанавий бадий тасвир воситалари» (ва ҳоказо) каби мавзулар шундай мақолаларга асос бўлиши мумкин. Бу Навоийнинг муайян шеърларига қомусдан бутунлай ўрин берилмайди, деган гап эмас. Шоирнинг ўзбек адабиёти тарихида, адабий алоқалар тарихида муҳим ўрин тутган, ғоявий-бадий жиҳатдан анъанавий мавзудаги шеърларида яққол ажралиб турган, халқ кўшиғига айланган шеърларига махсус мақолалар бағишланади. Бундай шеърларнинг умумий миқдори, бизнинг ҳисобимизда 1000 дан ошади. Навоийнинг бир неча лирик шеърини ўз ичига олган «Арбаин», «Назмул-жавоҳир» асарларига, қасидаларига, «Сайид Ҳасан Ардашерга шеърини мактуби»га ҳам махсус ўринлар ажратилади.

Навоий ижодининг чўққисини «Хамса» ва «Лисонут-тайр» достони ташкил этади. Шунинг учун бу достонларнинг ғоявий-бадий фазилатларига, ёзилиш ва ўрганилиш тарихига алоҳида аҳамият берилади. Бу асарлар ҳақидаги умумий мақолалардан ташқари, улардаги қаҳрамонлар, бу қаҳрамонларнинг Шарқ адабиёти, халқ оғзаки ижодида манбаъ ва манбаъларига ҳам диққат қилиш, уларни очиб бериш, аниқ кўрсатиш кўзда тутилади. Навоийнинг ижтимоий-сиёсий дунёқараши, фалсафий-ахлоқий, адабий-эстетик, илмий қарашлари ҳам шу асарларида тўлароқ ифодаланган. Демак, мазкур қомусни яратувчи олимлар, мутахассислар Навоий достонларидаги ғоявий ва бадий бойликларни кенг китобхонлар оммасига тўла ва гўзал етказиш шакллари ҳақида жиддий ўйлаб кўришлари, ўзига хос йўл ва усуллар кашф этишлари зарур.

**Навоий ижодининг манбалари. Салафлар.** Навоий ижоди бой ёзма ва оғзаки адабиётлар негизиде, бадий адабиёт соҳасида салафлари қолдирган бой меросни чуқур ўқиш, ўрганиш асосида, илмий, фалсафий ва бошқа ижтимоий фанлар бўйича эришилган ютуқларни пухта ўзлаштириш натижасида юзага келган эди. Масалан, маълумки, Навоий, қадим юнон фани ва маданиятига доим катта ҳурмат билан қараган ва буни биз у ёзган асарлардан кўришимиз қийин эмас. Навоий ўзбек шоирларидан Аҳмад Ясавий, Адиб Аҳмад, Хоразмий, Лутфий, Саккокий, Атоий, Ҳайдар Хоразмий, Гадоий, Амирий кабиларнинг асарларини ҳарфма-ҳарф мутолаа қилган. Шу билан бирга унинг ижоди фақат ўзбек адабиёти негизиде эмас, бой форс-тожик адабиёти, озарбойжон, араб, туркман, уйғур адабиётлари ютуқларини севиб ўқиш, ўрганиш асосида ҳам ривожланган. У ўзининг «Муҳокаматул-луғатайн» асарида йигитлик пайтида 50 мингдан кўпроқ байтни ёд олганини ҳикоя қилади. Бу 50 минг байтнинг ярмидан кўпи форс-тожик шоирларининг қаламига мансуб бўлган. Уларнинг ҳаммаси Навоий шеърлятининг пухта, байналминал заминга

қурилганини кўрсатади. Унинг учун Фирдавсий, Низомий, Амир Хусрав Дехлавий, Ҳофиз каби ижодкорлар ўз адабиётининг вакилларидай азиз ва қадрдон эди. Демак, табиийки, «Навоий қомуси»да улуғ шоир салафларига оид мақолалар юқори савияда ёзилиши, уларнинг Навоий ижодига кўрсатган таъсири аниқ намоён этилиши зарур.

**Навоий замондошлари.** Тарихий маълумотлар шуни кўрсатадики, Навоий бутун фаолияти давомида Хуросон ва Мовароуннаҳр доирасида, ўзига замондош адабиёт, илм ва санъат, турли касб ва ҳунар аҳллари билан яқин муносабатда бўлган. Давлат хизмати тақозоси билан у мамлакатдаги барча ҳукмрон табақа кишилари, дин арбоблари билан ҳам алоқада бўлиб, ўз давридаги зулм ва истибодда, жаҳолат ва бебошликка нафрат билан қараган, адолат ва маърифат йўлида фаол кураш олиб борган. Асарларида кўзга ташланиб турган инсонпарварлик унинг реал ҳаётдаги ҳатти-ҳаракатлари, замондошларига муносабатлари билан боғлангандир. Мазкур Қомусда Навоийнинг Абдурахмон Жомий, Беҳзод, Мирхонд, Хондамир, Ҳусайн Удий, Абдулла Марварид, Саййид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад, Биноий, Ҳилолий, Муҳаммад Солиҳ, Султон Али Машҳадий, Абдуҷамил каби юзлаб шоирлар, олимлар, санъаткорлар, хаттоғлар, мутасаввуфлар билан дўстлиги, илмий-адабий алоқалари мумкин қадар тўла ўз аксини топади. Навоийнинг ўз замондошлари билан алоқаларини атрофлича тўла ёритиш теурийлар ҳукмронлик қилган маъракаб бир шароитда илғор адабиёт ва санъат қандай қийинчиликлар билан ривожлангани, Навоий асарларидаги баъзи ғоявий зиддиятлар, феодал ҳаётдаги ички зиддиятлар билан боғлангани, унинг ижодининг тарихий чекланган томонлари ҳам ҳаққоний, аниқ мисоллар орқали тунтириб берилди.

**Навоий ва фан.** Навоий ҳаёти ва фаолиятида илм-фан доим муҳим ўрин тутган. У ўз давридаги ҳамма фанларни севиб ўрганган, ҳаётини билимсизлик билан ўтказишни ҳаммомга кириб, ювинмай чиқишга таққослаган эди:

Камол эт касбким, олам уйидин  
Санга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ,  
Жаҳондин нотамои ўтмак, биайниҳ,  
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

Хондамир «Макоримул-ахлоқ» асарида Навоийнинг ёшлиқдан билим орттиришга астойдил киришганини, вақтининг кўп қисмини, хусусан «илм ва санъат таҳсилга сарф» қилганини ёзади. Навоий адабиёт, тарих, фалсафа, тилшунослик каби ижтимоий фанлар билан бир қаторда ҳисоб, жўғрофия, ҳандаса, илми нуҷум, табибликка ҳам қизиқар, кўпгина музика асбобларини чалар, янги куйлар ихтиро қилар, расмлар чизар, кўлёмаларни кўчирар, котиблар учун матнлар тайёрлаб берар эди. Навоийнинг адабиётшунослик, тилшунослик, тарихга оид асарлари бунинг далилидир. У шахматни берилиб ўйнагани ҳақида Бобур ва Восифий маълумотлари мавжуд. Навоийнинг шеър ва дostonларидан яна шу нарса кўринадики, у ҳайвонот ва наботот оламини табиатшунос олим даражасида билган ва шарҳлаган. «Навоий қомуси»да шоир фаолиятининг бу томонларига ҳам етарли даражада диққат қилиниши лозим.

**Навоий асарларининг таржималари.** Навоий асарлари XVI асрдан бошлабоқ аввал форс, сўнг бошқа тилларга таржима қилина бошланган. Навоий асарларининг айрим қисмлари XVI асрдан бошлаб арман, гуржи, италян, немис тилларига, XVI аср охиридан француз, голланд, XIX аср бошидан рус тилларига таржима қилингани маълум. Навоий асарларини таржима қилиш бизда совет даврида кенг тус олди. 1968—1970 йиллар орасида Навоий асарларининг рус тилида 10 жилдда нашр этилганлиги бу соҳадаги катта ютуғимиздир. Шоир асарларининг кейинги вақтларда немис, инглиз, можор, италян тилларига таржима қилингани ҳам ўқувчиларни қизиқтиради. Навоий асарларининг таржимаси билан боғлиқ масалаларни, таржимонлар шахсини тегишли даражада ёритиб бериш ҳам муаллифлардан катта меҳнат ва билим талаб қилади.


**Навоий асарларининг тарқалиши.** Навоий асарлари ўтмишда асосан кўлёмза ҳолида, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб босма нашрларда тарқала бошлаган. Совет Иттифоқида Ленинград, Тошкент, Боку, Душанбе, Ереван, Қозон, Ашхобод, Тбилисидаги кўлёмза фондларида, чет элларда Лондон, Париж, Техрон, Истамбул, Қобул каби шаҳарлардаги кўлёмза фондларида улуғ шоир асарларининг ҳаётлик вақтида кўчирилган ноёб кўлёмзаларни мавжуд. Бу кўлёмзалар айна вақтда ғоят қимматли санъат асарлари ҳамдир. Уларнинг котиблари, саҳҳофлари, рассомлари ҳақида қомусда тегишли маълумотларни бериш навоийшуносликни, маданиятимизи тарихини бойитади. Масалан, XIX асрнинг 70-йилларида Хивада илғор ўзбек шоири ва санъаткори Муҳаммаднинг Комил ташаббуси билан Навоий «Хамса»си тўла ҳолда биринчи марта тошбосмада нашр этилган. Бу ўша давр учун жуда катта янгилик эди. Комил бу нашрга ўз номидан сўзбоши ҳам ёзган. Бу каби ноёб нашрлар тўғрисида маълумотлар бериш, Комилнинг фақат шоир ва бастакор бўлиб қолмасдан, Навоий ғазалларига гўзал тахмислар боғлаши билан чекланмасдан, унинг дostonларини китоб ҳолида оммалаштиришга ҳам ҳисса қўшганини махсус мақолада шарҳлаш китобхон билимига билим қўшади.

Шунингдек, Навоийнинг насрий, илмий-филологик, тарихий асарлари, хотиралари ва мактублари ҳақида мукаммал маълумотлар бериш; шоирнинг издошлари билан ўқувчиларни кенг таништириш, навоийшунослик фанининг вужудга келиши, ривожланиши ва ҳозирги ҳолатини ёритиш, совет адабиёти ҳамда санъатида улуғ шоир анъаналари қандай давом этаётгани хусусида ҳам қизиқарли мақолалар бериш керак.

**Маълумотлар. Иловалар.** «Навоий қомуси»да Навоий ҳаёти ва ижодига оид предметлар, адабиётга алоқаси бўлмаса ҳам, лекин Навоий билан муносабатда бўлган кишилар, Навоий даврига оид кўлёмза ва бошқа маданият ёдгорликлари ҳақида ҳам маълумотлар бериш кўзда тутилади. Кейинги йилларда, масалан, Эронда Навоий ўз қўли билан кўчирган «Наводирул-ниҳоя» девонининг кўлёмзаси борлиги аниқланди. Шу билан бирга бу кўлёмзада Навоийнинг шахсий муҳрининг изи бор бўлиб, унга шоир шахсини таърифловчи таъсири сўзлар ёзилган экан. Демак, Навоий қомусида унинг ўзи кўчирган кўлёмза ва шахсий муҳри ҳақида тегишли маълумот бўлмаслиги

мумкин эмас. «Навоий қомуси» охирига Навоий асарларида учрайдиган жўғрофий номлар, қайд этилган илмий, адабий, диний, тарихий асарлар рўйхати, арабий иборалар рўйхати, Навоий девонларидаги ғазал ва бошқа шеър турлари матлаларининг тўла рўйхати. «Мажолисун-нафоис», «Насойимул-муҳаббат», «Тарихи мулуки Ажам», «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарларига кирган ва изоҳланган кишиларнинг ҳар асар бўйича алоҳида-алоҳида рўйхатлари, Навоий ўз шеъриятида қўллаган шеърӣ вазнларнинг рўйхати ва бошқалар илова қилинади.

«Навоий қомуси»ни яратиш ғоят мураккаб иш. Уни бир-икки муассаса мутахассисларигина ярата олмайди. Бу қўтлуғ вазифани бажаришга жумҳуриятимиз ва ундан ташқаридаги барча мутахассисларни тортиш, мушкул муаммоларни кўпчилик бўлиб ҳал қилиш шарт. Бунда биз «Лермонтов энциклопедияси», «Шевченко сўзлиги», «Янка Купала» қомуси тажрибаларидан унумли фойдаланишимиз зарур. Навоий ижоди ўзбек адабиётида муҳим бир даврни ташкил этади. Бинобарин, «Навоий қомуси»да улўғ шоир ҳаёти ва ижоди жаҳон адабиётининг энг муҳим бир қисми сифатида ёритиб берилиши керак.



## ҲАҚИҚАТ ТОРТИШУВЛАРДА ТУҒИЛАДИ

Умидбахш ёш танқидчимиз Яшар Қосимовнинг мақолалари муросасиз ёзилгани ва мунозарага, баҳсга мойиллиги билан ажралиб туради. Журналимиз саҳифаларида ёритилган «Тилла балиқча»нинг толеи» (1986 й., 12-сон) номли дастлабки йирик мақолада бу хусусият яққол кўринган эди. Мунаққид унда Абдулла Ориповнинг «Тилла балиқча» шеърига ўзига хос нигоҳ солиб, шеър қатламларига яширинган пинҳоний маъноларни очиб бера олган ва энг муҳими, мазкур шеърни илгари таҳлил қилган таниқли мунаққидлар билан қизғин баҳс юритиб, уларнинг фикрларини инкор этишдан чўчимаган эди. Дадиллик ва самимийлик, холислик билан битилган бу мақола журнал-хонлар ҳамда адабий жамоатчилик томонидан яхши қарши олинди.

Мунаққиднинг ҳозир эълон қилинаётган мақоласида ҳам ана шу куюнчаклик ва баҳсга чорлаш, тортишиш руҳи кучли. 50-йилларнинг охирида шахсга сиғиниш музлари эриб, эркин фикр чечаклари қулф уриб очила бошлагани ҳаммани қувонтирган эди. Аммо бу қувонч ўткинчи экани йиллар оша сезила борди. Турғунлик йилларининг аччиқ нафаси қуёш нурига интилаётган мурғак чечаклар устига баҳорда бевақт тушган қор, совуқ изғирин бўлиб ёғилди. Шу даврда бир-икки китобини чиқариб, эндигина танилиб келаётган ёш авлод — бугунги кунда ўзбек шеърятининг таниқли вакиллари ижоди аёвсиз қаттиқ танқидлар зарбасига дуч келди. Шахсга сиғиниш йилларидаги қатағон танқид билан солиштирилганда анча «юмшоқ», «буриини қонатмайдиган»дек кўринганига қарамай, бу танқид ҳам моҳият-эътибори билан вульгар-социологик йўналишда бўлиб, унда сталинизм даврига хос кўпгина иллатлар мавжуд эди.

Шу билан бирга, юқорида таъкидлаганимиздек, ёш мунаққиднинг мақоласида мунозара руҳи кучли. Шунинг учун унда айрим қиёмага етмаган, меъёрдан ошиб кетган ўринлар, баҳолар бўлиши табиий. У 60-йиллар танқидчилигида ҳукм сурган иллатларни гарчи тўғри белгиласа-да, бевосита мисоллар таҳлилида бир хил бўёқларни кучайтириб юборади. Жумладан, мунаққид таниқли адибимиз Асқад Мухторнинг биргина мақоласи хусусида кенг тўхталиб, анча кескин мулоҳазалар билдиради. Оқибатда шу йиллар адабий ҳаракатчилигидан беҳабар, тажрибасиз ўқувчи чалғиб қолиши, атоқли санъаткор ижоди ҳақида нотўғри хулосага келиши мумкин. Аслида танқидчи тилга олган нуқсон адибнинг ана шу мақоласидагина кўринади ва унда ўзгарувчан давр шамоллари таъсирини сезмаслик мумкин эмас. Яна шуни таъкидлаш керакки, ўзбек шеърятига янги нафас олиб киришда Асқад Мухтор катта хизмат қилди. Унинг партия XX съезидан кейинги йилларда эълон қилинган «99 миниатюра» шеърлар тўплами шеърятимизда жиддий воқеа ҳисобланиб, Мақсуд Шайхзода, Миртемирнинг халқчил, ҳақониятга тўла шеърый овозига ҳамоҳанг бўлган эди. Адиб кейин эълон қилган қатор адабий-танқидий мақолаларида ҳам шеърятимизнинг гражданлик пафосини қаттиқ ҳимоя қилиб чиқди, шеърый образ табиатини тушунмасдан фикр юритувчи, ижодкор шахсиятига беписанд қаровчи айрим танқидчиларнинг қарашларини рад этди. Бу ҳол айниқса хассос шоир Рауф Парфи шеърятати атрофида жиддий мунозара авжига чиққан пайтда яққол сезилди. Асқад ака бу ўзига хос бетакрор шоирнинг изланишларини маъқулловчи йирик мақоласи билан фақат Рауф Парфи ижодинигина эмас, балки барча истеъдодли ёш ўзбек шоирларини ҳимоя қила олди.

Мунаққиднинг хассос шеършунос Иброҳим Ғафуров мақоласи хусусидаги фикрларига ҳам шундай мезон билан ёндашмоқ, кези келганда баҳслашмоқ лозим. Бу вазифани биз кенг ўқувчилар оммаси ва адабий жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилиб, уларни қизғин баҳсга, мунозарага чорлаймиз. Шу баҳонада ҳозирги шеърятимизнинг тараққиёт йўллари, ютуқ ва муаммолари хусусида, адабий танқидчиликнинг ҳақиқий аҳволи ва долзарб вазифалари, гражданлик бурчи, профессионал савияси ҳақида самимий, холис фикр алмашиб олиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Умарали НОРМАТОВ,  
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ



Яшар Қосимов

## ИЗТИРОБНИНГ ТАРИХИ

(«Янги шеърятимизнинг поэтикаси» туркумидан)

«Қайси миллатнинг адабиёти зўравонлик билан тўхтатиб қўйилса, бу ўша миллатнинг бахтсизлигидир, бу фақатгина «матбуот эркинлиги»нинг бузилишигина эмас, балки миллий қалбнинг биқиллиги; миллий хотиротнинг инқирозга юз тутишидир. Миллат ўзини англамайди, миллат маънавий бирликдан жудо бўлади ва тўсатдан бир тилда сўзлашадиган ватандошлар бир-бирини тушунмай қоладилар. Соқов авлодлар ўзлари ҳақида ўзларига ҳам, келгуси авлодга ҳам ҳеч нарса айтмай яшаб ўтадилар ва ўладилар. Агар Ахматова ёки Замятин сингари тириклайин бир умрга кўмилган сўз усталари ўз ёзганларига жавоб эшитмай ўлгунча жим ижод қилишга маҳкум этилса — бу фақат уларнинг шахсий ожизлигигина эмас, балки бутун миллатнинг фожиаси, бутун миллат учун хавфлидир.

Айрим ҳолларда эса — барча инсоният учун хатарлидир: баъзан мана шундай жимлик оқибатида бутун бошли тарих тушунилмас бўлиб қолади».

Александр Солженицин

Янги лирик қаҳрамон маънавий қиёфасининг ва ғоявий-эстетик мавқеининг шаклланиш жараёнини унинг ўтмишга, айниқса, яқин ўтмишга — шахсга сиғиниш даври фожиаларига муносабатини аниқламай туриб англаш мушкул. Шу нарсани эътиборга олмасдан, умуман, олтмишинчи йиллар ёш қаламкашларининг ҳақиқат изланишларини, поэтик таржимаи ҳолининг илк босқичини ҳаққоний ёритиб бўлмайди.

Маълумки, ҳар бир адабий авлоднинг маънавий-ахлоқий дунёси биринчи навбатда миллий ўтмиш синовлари ва кўргуликлари заминида, бевосита яқин тарих сабоқлари таъсирида таркиб топади. Ўз даврининг тарихан ҳаққоний инъикоси даражасига кўтарилган аксарият бадиий асарлар, адабий ҳодисалар ушбу қонуниятни тасдиқлайди. Сўз санъати тарихидан шунга истаганча мисол келтириш мумкин. Миллий тафаккурнинг бурилиш ва янгиланиш паллаларида кечмишлар тажрибасини, тарих сабоқларини умумлаштириш ва баҳолаш хусусан ёрқин кўзга ташланади. Айни шу нуқтаи назардан ёндашганимизда йигирманчи йиллар адабиётимизнинг қатор намуналари, айтилик, Абдурауф Фитрат ва Абдулҳамид Чўлпон ижоди, Абдулла Қодирий романлари, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг драматургияси ва миллий дардларимизга бағишланган шеърлари, Ойбекнинг илк лирикасининг миллий-тарихий аҳамиятини, бу кун биз учун нега шунчалар қадрли эканлигининг туб сабабларини яна ҳам теранроқ англаймиз.

60-йиллар ёшлар шеърятининг ижтимоий мундарижа ва мазмунида, айниқса, мазкур авлод адабий фаолиятининг бошланғичида сталинизм замони оқибатларини таҳлил-танқид пафоси, ўша даврнинг сиёсий ахлоқи ва «қонун»лари, умуман, маънавий иқлими билан баҳс-мунозара тенденциясининг бўртиб кўринганлиги бу жи-

ҳатдан табиий ва зарурий бир ғоявий-эстетик жараён эди. Зеро, ҳақиқий бадиий ижодда миллий-маънавий ўтмишга аниқ ва объектив баҳо бермай туриб жорий даврнинг ҳаққоний ва реалистик образини гавдалантириш амри маҳол.

Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бутун кўп миллатли совет поэзиясида бўлганидай, олтмишинчи йиллар ўзбек шеъриятида ҳам фаол кечган ушбу ўзига хос поэтик-ахлоқий жараёнга адабий танқиднинг «ғалати» муносабати ҳамон бизни ажаблантиради: Адабий танқид мазкур муаммо билан, айтиш мумкинки, ҳеч қачон маҳсус шуғулланмаган. Тўғрироғи, олтмишинчи йиллар ёшлар шеъриятидаги мана шу поэтик-ахлоқий йўналишга биз таклиф қилаётган мавқедан туриб ёндашмаган.

Аксарият мунаққидларимиз бу масалага умуман муносабат билдиришмаган. Улар янги ўзбек лирикасида, айниқса, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Омон Матжон, Рауф Парфи, Маъруф Жалил, Чўлпон Эргаш, Жамол Камол, Муҳаммад Али сингари қатор ўзига хос шоирларимизнинг илк шеърларида яққол кўзга ташланадиган, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Шукрулло, Шухрат каби забардаст санъаткорларимиз ижодида у ёки бу даражада кўриниш берган ушбу жараённи ё сезишмаган ёки кўришса ҳам умуман кўрмаганга олишган. Турғунлик даври танқидининг тажрибаси, аёвсиз бўлса ҳам, айнан шундай хулоса чиқаришга ундайди.

Янги ўзбек лирикасида бевосита шахсга сиғиниш даври оқибатларининг инъикоси бўлган теран дардаманд кайфиятни, ички-руҳий азоб ва ёниқ қалб изтиробларини бир қисм адиб ва мунаққидларимиз эса ҳалол, ҳаққоний таҳлил қилишмади. Ҳақиқатни ҳақоратлаб, бутунлай бузиб, нотўғри талқин қилишди. Улар ёш шоирларни «бейтаин дарду аламлар»ни, «ўткинчи кайфиятлар»ни куйлашда, «аллақандай ноаниқ, шаклсиз гўзал изтироблар ва «қисматлар» кучоғида маҳлиё бўлиб қолиш»да, «ғоявий чалғишлар»да, «қўпол сиёсий хатоликлар»да ва яна ўнлаб алланималарда қайта-қайта айблашди. 60—70-йиллар мобайнида турли матбуот саҳифаларида, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг минбарларида қанчадан-қанча ғазабли айбловлар, ғаразли тухматлар янграб ўтди... Қатли ом ва қатағонлар даврининг узвий давоми бўлган турғунлик психологияси ва идеологияси ҳукмрон замонларнинг ғаройиб мантиғи ва мезонлари бор эди: уларга суяниб туриб бемалол оқни қора, аниқни ноаниқ, тайинни нотайин, ҳақиқатни хато, абадийни ўткинчи деб эълон қилса бўлаверарди. Уша йилларда қатор навқирон шоирларимизга, умуман янги ўзбек лирикасига нисбат берилган бундай ноҳақ ва ноилмий айбсотишлар, турли-туман сиёсий-ғоявий ёрликлар саксонинчи йилларнинг охирларида — қайта қуриш ва ошкоралик жумҳуриятимизга, маънавий-маданий ҳаётимизга кирди келгунга қадар давом этаверди. Сирасини айтганда, адабий-танқидий фикр бу кун ҳам сталинизм ва турғунлик даврларининг ғайри-ахлоқий, қоқоқ ғоявий-сиёсий ва эстетик қолиплари асоратидан тўлалигича қутулгани йўқ.

Поэтик тафаккурда 60-йилларда бошланган янгиланиш ва тозариш жараёнига, ҳаётини ва бадиий ҳақиқатларнинг бутунлай янги тарзда, янги сифатлардаги ўзаро уйғунлиги моҳиятига қарши йўналтирилган ғоявий-бадиий курашни фақатгина адабий танқиднинг фаолият доираси билан чеклаш инсофсизлик бўлар эди, албатта. Аксинча, Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, Норбой Худойберганов, Иброҳим Ғафуров, Умарали Норматов, Ботирхон Акрамов, Бахтиёр Назаров, Наим Каримов каби таниқли мунаққидларимиз, айрим мулоҳаза ва чиқишларидан қатъи назар, турғунлик даврида консерватив кучларга қарши — фаол ёки пасив оппозицияда туриб келганлар. Лирикамиздаги янги йўналишга, хусусан ундаги шахсга сиғиниш фожиаларини фош қиладиган эътироз ва исён мотивларига нисбатан адолатсиз ҳужумларга кўпроқ адабий муҳитнинг, қолаверса, умуман жамият маънавий ҳаётининг иллоти сифатида қаралса, тўғрироқ бўлади. Бу ўринда бир нарсани ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, турғунлик даврида янги авлод вакилларида қарши уюштирилган барча тазйиқ ва ҳужумлар матбуот саҳифаларига чиқмаган. Даврнинг адабий-сиёсий қабохатлари тўғрисида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш учун 60—70-йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида айнан мана шу масалаларга бағишланган йиғилиш ва муҳокамаларнинг ҳужжатларини (агар улар йўқотилмаган бўлса, албатта), бизнингча, матбуотда эълон қилиш зарур. Ҳақиқат ва адолат туйғуси шуни тақозо этади.

Адабий ҳаракатда чорак аср — ўттиз йил муқаддам бошланган эскилик (сталинизм) ва янгилик, консерватив ва навқирон, адолатпарвар кучлар ўртасидаги шафқатсиз курашлардан сўз кетар экан, уша йилларда пайдо бўлган айрим қараш ва мулоҳазаларга тўхталмасдан илож йўқ. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухторнинг ўз вақтида катта шов-шувларга сабаб бўлган «Замондошимиз» номли машҳур мақоласи аини бу жиҳатдан эътиборни тортади.

Атоқли адиб ва шоир Асқад Мухторнинг 60-йиллар ёшлар шеърятининг қатор сара намуналарини вульгар-социологик таҳлил методи асосида ер билан яқсон қилган «Замондошимиз» деган мақоласига маҳсус тўхтаб ўтишимизнинг яна бир боиси бор. Ушбу мақоланинг «ўзига хослиги шундаки, у ўша пайтларда янги авлод шеърятига нафақат қақшатгич зарба бўлиб туюлган, аини чоқда унинг агрессив таъсири ва зарарли инерцияси ўзидан кейинги турли мулоҳаза ва тадқиқотларда ҳам давом этаверган.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «Замондошимиз» (1968 йил) билан айна кетма-кет ёзилган таниқли мунаққид Иброҳим Ғафуровнинг «Мен» ва борлиқ» (1969 йил) номли салмоқдор мақоласидан тортиб филология фанлари доктори, профессор Нуриддин Шукуровнинг саксонинчи йилларнинг бошларида эълон қилинган «Лирик қаҳрамоннинг маънавий олами ҳақида» ва «Шоир — халқнинг дили ва тили» мақолаларигача, ҳатто 1985—1988 йилларда «Совет Ўзбекистони» газетаси саҳифаларида бериб борилган қатор адабий-танқидий мақолаларда ҳам Асқад Мухтор позициясининг кучли таъсирини кузатиш мумкин.

«Замондошимиз» мақоласида ўртага ташланган барча ноилмий мулоҳазаларга бу ўринда батафсил жавоб беришга имконият ҳам, ҳожат ҳам йўқ. Бироқ ёшлар шеъриятидаги сталинизм фожиаларига муносабат билан боғлиқ масалага аниқлик киритишни зарур деб ўйлаймиз. Асқад Мухтор ёш шоирлар ижодидаги «ғоявий хато шеърлар», «ғоявий чалғишлар», «қўпол хатоликлар»нинг сабаблари тўғрисида гапира туриб кўйидагиларни таъкидлайди: «...Яна баъзи ўртоқлар бу хатоларнинг сабабини авлоднинг келиб чиқишдан қидиришади. Яъни шоирларимизнинг бу ёш авлоди шахсга сиғинишни қош этиш даврида адабиётга кириб келди, ўша йилларнинг эса ўз хатолари бўлди. Шунинг учун баъзи ёшлар ҳар нарсадан қийиқ топишга, ҳар нарсани қош қилишга, «эски тартиб»ларни инкор этишга интилишади, ҳозирги оғир, салмоқли, собир сиёсатимизни тушуниб етишмайди. Шунинг учун ёшлар орасида тирноқ орасидан кир қидирувчилар чиқиб қоляпти.

Бундай тушунтиришда ҳам балки озгина бўлсада ҳақиқат бордир. Бу ҳам сабаблардан бири бўлиб қўшилиши мумкин. Аммо яна асосий сабаб бу эмас. Биз ёшларимизнинг ижодида баъзан бунга шама қилишларни ҳам учратамиз. Масалан, Муҳаммад Али «Қўмсаш» шеърисида ижодининг «болалиги»ни қўмсаб бундай дейди:

Билганингни қилгансан, шеърим,  
Ушламаган қўлингдан биров.  
На сохталик, на дўсту на ёв..  
Билганингни қилгансан, шеърим.

Асар шу билан тугайди. Шама аниқ. Муҳаммад Али ҳозир ижодимиз унча эркин эмас, бизнинг ёшлигимиздагидек эмас демоқчи, ижодининг болалигини қўмсапти.

Мен аминманки, бу — хато. Чунки бизда шахсга сиғиниш оқибатларини тугатиш ўзи алоҳида бир давр бўлмасдан (?!), у социалистик қурилишнинг бошқа кўп жўшқин ишлари билан бирга қўшиб олиб борилди (?!) Бу давр одамларимизни бирёқлама тарбиялади деган сўз мутлақо тўғри эмас». (?)<sup>1</sup> — (Барча таъкидлар бизники — Я. Қ.)

«Замондошимиз» мақоласида тилга олинган аксарият поэтик намуналар сингари «Қўмсаш» шеъри ҳам бирёқлама талқин қилинган. Мана шундай муносабатни эса тасо-дифий ёки фавқулодда бир ҳол деб бўлмайди. Зеро, шахсга сиғиниш ва турғунлик замонлари таомилига кўра истаган бадий асарни истагандай, яъни муаллифнинг олдиндан режалаб қўйилган мақсад ва ниятларига мос, ҳақиқатга хилоф равишда «таҳлил» этиш, кўнгил тусаган хулосалар чиқариш ғайри-ахлоқийлик деб саналмас эди. Асқад Мухтор ҳам сталинизм даврида, турғунлик йилларида ёзилган кўпчилик мақола-ларида замоннинг ўзи яратиб берган ана шу «имконият»дан маҳорат билан фойдаланган. Бўлмаса, муаллиф болалик йилларини қўмсаб, хотирлаб ёзилган бир шеърдан бунақанги «ўткир», «чуқур» ижтимоий «айблар» топишга жасорат қилмаган бўларди. Ваҳоланки, мазкур шеърга холис, ҳаққоний ёндашилганда, бутунлай бошқача, юқоридаги мулоҳазаларга тескари ўйлар, таассуротлар туғилиши турган гап эди.

Фикримизни далиллаш учун «Қўмсаш» шеърини тўла ҳолда келтирамиз:

Олис, олис, қўл етмас жойлар!  
Болалигим, оҳ, болалигим,  
Ҳар бир дами бенолалигим,  
Олис, олис, қўл етмас жойлар!

Ташвиш надир, англамадинг сен,  
Шўх ва учқур тойчоқ мисоли.  
Кўчаларда қолди шамолнинг,  
Ташвиш надир, англамадинг сен.

Жавлон уриб майдонлар аро,  
Гижинглатиб ёғоч отингни,  
Орзуларга кўмдинг ёдингни,  
Жавлон уриб майдонлар аро.

<sup>1</sup> Асқад Мухтор. Ёш дўстларимга. Тошкент, «Ёш гвардия» нашриёти, 1971, 130—131-бет.

Билганингни қилгансан, шеърим,  
Ушламаган қўлингдан биров,  
На сохталик, на дўсту на ёв...  
Билганингни қилгансан, шеърим.<sup>1</sup>

Кўриниб турибдики, шеърда умрнинг ташвишсиз, аламсиз — армонсиз чоғлари тўғрисида гап кетади. Лирик «мен» болаликнинг беғубор, бенола дамларини орзиқиб ёдга олади. Болалик дунёсининг ҳур кунларини, қайтмас-қайтариб бўлмас эркинлигини соғинади. Шеърдаги ҳаётий-бадий мантиқ ушбу кечинмаларни тўғридан-тўғри ижтимоий-ижодий эътироз сифатида талқин қилишга рухсат бермайди. Аини бу жиҳатдан «Муҳаммад Али ҳозир ижодимиз унча эркин эмас, бизнинг ёшлигимиздагидек эмас демоқчи, ижодининг болагини кўмсаяпти» деган гаплар ўзини оқламаяпти. Ахир лирик қаҳрамон «ижодининг болагини» эмас, ўзининг болалик йилларини эслаяпти-ку. Инсон, у ким бўлишдан қатъи назар, улғайган сайин ғам-ташвишлари кўпайиб бораётганлигини, болаликнинг эмин-эркинлиги тобора олис, қўл етмас бўлиб туялаётганлигини таъкидламоқда-ку. Хуллас, «Қўмсаш»даги поэтик-мантикий урғу уни ижодий эркинликдан кўра кўпроқ инсоний эрк ҳақидаги шеър сифатида баҳолашни тақозо этади.

Бизнингча, Асқад Мухторни шеърнинг сўнги бандидаги «Билганингни қилгансан, шеърим» сатри чалғитганга ўхшайди. Юқоридаги сингари талқинлар туғилишига ана шу мисра, хусусан, «шеърим» хитоби сабаб бўлган шекилли. Мухтарам адибимизнинг «ижодимиз унча эркин эмас» ёки шоир «ижодининг болагини кўмсаяпти»ку деб куюнишлари ўша сўз туфайли. Яъни, муаллиф «шеърим» хитобини тўппа-тўғри — ижодим маъносида тушунган. Ҳолбуки, шеърин матнда ўша сўз янги маъно касб этгани эътибордан соқит қилинган. Бошқача айтганда, «шеърим» хитоби бу ўринда «болагим» маъносида келгани инobatга олинмаган. Жўнроқ қилиб тушунтирадиган бўлсак, шоир ўз болалик йилларини соғиниб (шеърдаги «Шўх ва учқур тойчоқ мисоли, Кўчаларда қолди шамолнинг» ёки «Гижинглаб ёғоч отингни Орзуларга кўмдинг ёдингни, Жавлон уриб майдонлар аро» сингари мисра-образлар шундай хулосага келишга асос беради) унга «шеърим» (эртагим, афсонам дегандай) дея мурожаат қилади. Ўз умрининг шеърдай, афсонадек, эртадек беғубор, ҳур кунларини — болалик чоғларини Шеърга, Афсонага, Эртакка қиёслайди ва бу муқоясада бирон-бир нотабийлик сезилмайди.

Иккинчидан эса, боринги, Муҳаммад Али ҳақиқатан ҳам «ҳозир ижодимиз унча эркин эмас» (умуман чинакам ижодий ва инсоний эркинлик йўқ эди деса ҳам бўлаверади) деб айтган тақдирда ҳам Асқад Мухтордай тажрибали ва кўпни кўрган бир адиб ёш қаламкашни вульгар социологларнинг таёғи билан калтакламасдан, балки уни чин дилдан қўллаб-қувватлаши керак эди-ку.

Фикрмизнинг тўғри тушунилишини истар эдик. Биз, Муҳаммад Али шеърларида шахсга сиғиниш иллатларига ҳеч қандай муносабат билдирилмаган, деб даъво қилмоқчи эмасмиз, албатта. Бундай ҳукм чиқариш ўз вақтида замон ва замондошлари оғриқларини жасорат билан ҳаққоний тасвирлашга уринган бир ижодкорга нисбатан камида инсофсизлик бўлур эди. Урни келганда шоирнинг айнан ўша руҳдаги шеърларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтамиз. Юқорида «Қўмсаш» шеъри юзасидан айтилган айрим полемика мулоҳазалар билан эса унинг нотўғри ва бузиб талқин қилинганини ҳамда олтмишинчи йиллар танқидида лирикамиздаги сталинизм даври фожиаларининг инъикоси масаласига адолатсиз, ўта субъектив ёндашилганини таъкидламоқчимиз, холос. Зеро, шундай муносабат турғунлик даври танқидида тасодифий ёки истисно бир ҳол бўлмай, аксинча, расмий адабий доираларнинг, умумий об-ҳавонинг акс-содосиди диққатни жалб қилади. Яъни, гап бир шоир ёки битта шеър ҳақидагина кетаётгани йўқ. Бу — масаланинг биринчи томони.

Асқад Мухторнинг фикрларида жиддий эътироз туғдирувчи иккинчи муҳим жиҳат эса унинг бевосита шахсга сиғиниш даврининг оқибатларига муносабати билан боғлиқдир. Муаллиф ҳеч иккиланмасдан ва қатъий ишонч билан таъкидлайди: «Мен аминманки бу — хато. Чунки бизда шахсга сиғиниш оқибатларини тугатиш ўзи алоҳида бир давр бўлмасдан, у социалистик қурилишнинг бошқа кўп жўшқин ишлари билан бирга қўшиб олиб борилди. Бу давр одамларимизни бирёқлама тарбиялади деган сўз мутлақо тўғри эмас». Бу ўз умрини тугатган жиноятчи бир давр тўғрисида — эндигина бошланаётган, ўз муҳиш салафидан кўп нарсани мерос қилиб олган бошқа бир жиноятчи замоннинг — турғунлик йилларининг ҳукм-хулосасидир.

Нафақат бугунги қайта қуриш ва ошкоралик назари билан қараганда, ҳатто турғунлик оғушида рўҳий азоблар ва изтироблар ичида тўлғанаётган олтмишинчи йилларнинг ёш ва адолатга ташна адабий кучлари наздида ҳам замоннинг ҳоким ижтимоий-сиёсий ва ҳукмрон адабий доираларининг хоҳиш-иродасини ифодалаётган ушбу шафқатсиз хулоса ғайри-инсоний ва ғайри-ахлоқий деб баҳоланарди.

Кейинчалик, 70-йилларда ва 80-йилларнинг биринчи ярмида (турғунлик

<sup>1</sup> Муҳаммад Али. Севсам, севилсам. Тошкент, Фафур Фулом номидagi Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983, 13-бет.



психологияси ва карахт маънавият — ҳаёт тарзи авжига чиққан паллаларда ҳам) олтмишинчи йиллар шоирларининг асосий қисми ва уларнинг сафларини тўлдириб бораётган навбатдаги адабий авлодлар ижодида ана шу кайфият ва қарашлар изчил давом этдирилганини шу ўринда алоҳида қайд этиш керак. Бизнингча, 60—80-йиллар ўзбек лирикисини яхлит ғоявий-эстетик босқич сифатида характерлашга имкон берадиган муҳим ахлоқий-ижтимоий ва маънавий-поэтик унсурлардан бири ҳам айнан юқорида айтилган **этиқод ва кайфият бирлигига** бориб тақалади.

60-йиллар ёшлар шеърятига, айниқса, ундаги дардманд туйғуларга, ёниқ изтиробли кечинмаларга адабий танқиднинг бир ёқлама ва тенденциоз муносабати ҳақида гап кетганда бу жиҳатдан, айниқса, истеъдодли мунаққид Иброҳим Ғафуровнинг қаламига мансуб «Мен» ва борлиқ» мақоласи эътиборни жалб қилади. Айтиш керакки, О. Шарафиддинов, Н. Худойберганов, Б. Акрамов ва бошқа захматкаш мунаққидларимиз билан бир қаторда И. Ғафуров ҳам олтмишинчи йилларда шеърят майдониға кириб келган шоирлар ижодини чорак асрдан буён мунтазам кузатиб, ўрганиб келаётган жонкуяр тадқиқотчилардан биридир. Мазкур мақола ҳам олижаноб ният билан ёзилганлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Автор ўзи шуни алоҳида таъкидлаб ўтганди: «60-йиллар ичида шеърятимизга янги бир бўғин кириб келяпти. Бу бўғинга мансуб шоирлар ичида, айниқса, Рауф Парфи, Жамол Камол, М. Бобоев, М. Али, Ч. Эргаш, О. Матжонлар актив изланиш жараёнини бошдан кечирмоқдалар. Бу изланиш Рауф Парфи, М. Али, О. Матжонларнинг ижодида диққатга сазовор самараларни беряпти.

Таассуфки, бу шоирларнинг ижоди китобхонга чуқурроқ ва батафсилроқ таҳлил қилиб берилгани йўқ. Шуниси равшанки, бу таҳлилға эҳтиж катта. Адабиётимизнинг энг кенжа наслининг овози ҳар жиҳатдан қизиқарлидир.»<sup>1</sup> Диққатга сазовор томони шундаки, йигирма йилча бурун ёзилган ушбу мақолада қатор кузатишлар, мулоҳазалар ҳозиргача эскиргани йўқ.

«Замондошимиз» мақоласининг муаллифидай, И. Ғафуров ҳам ёшлар шеърятдаги **туйғулар ўзгачалигини**, поэтик кайфиятнинг «ўзига хослигини», асосан, тўғри илғайди. Лекин мунаққиднинг ушбу ҳодисага қараши деярли, Асқад Мухторникидан фарқ қилмайди: «Ижодкор инсониятнинг энг илғор идеалларини кўтариб чиқиб, идеаллар учун курашга чорлайди. У шу идеалларни амалга оширишга қодир бўлган, шу идеалларни дастуриламал қилиб олган (!!) жамиятнинг янада гуллаб-яшнаши, одамийлик ғоялари амалга ошиши учун тинимсиз интилади. Унинг шундан ўзга мақсади йўқ (?). Агар бўларкан, улар майда, оралиқ ва бачкана манфаатлардир. Халқимиз ўз ижодкорларига барча шароитни яратиб қўйган экан (?) улардан мана шундай идеалларга жавоб берадиган асарлар талаб қилиш, кутишга ҳақлидир. Шу маънода ўзбек совет адабиётимизнинг кейинги йилларда эришган улкан муваффақиятларини жон-дил билан олқишлаган ҳолда, кейинги бир-икки йил мобайнида шеърятимизнинг маълум бир бўғинида пайдо бўлган айрим нотайин туйғулар, дардчилликлар, сохта донишмандлик, яъни **соддадиллик билан фикрлашлар** ҳақида ижодкорнинг «мен»и ва реал воқеликни восита қилиб, гапириб ўтсак деймиз»<sup>2</sup> (Таъкидлар бизники — Я. Қ.). Махсус изоҳга ҳожат бўлмаса ҳам, шуни айтиш керакки, юқорида жамиятимиз тарихининг нафақат ленинча демократия ва социалистик адолат принципларидан, умуман «инсониятнинг энг илғор идеаллари»дан чекиниш даври бўлган ва шу жиҳатдан ўзидан олдинги шахсга сиғиниш идеаллари билан унчалик жиддий фарқ қилмаган турғунлик даври ҳақида ва ана шу даврга ижодкор муносабатидан гап кетади. Турғунлик иллатлари маънавият ва тафаккурнинг барча соҳаларини қамраб олган, энг оддий уринишлар, ҳур фикрлар, эркин интилишлар манъ қилинган бир муҳитни «Халқимиз ўз ижодкорларига барча шароитни яратиб қўйган» дея баҳолаш қандай бўларкин?! Шундай чидаб бўлмас маънавий тутқунликка, «одамийлик ғоялари»га бегона ва ғайри-инсоний ижтимоий-сиёсий тузум-тартибга салгина норозиликни, ҳушёр цензура нигоҳидан бир амаллаб ўтган озгина қаршиликни ва ниҳоят, ёш шоирларнинг айримларидагина учраётган тетапоя ҳур фикрни «нотайин туйғулар, дардчилликлар, сохта донишмандлик» деб айюҳаннос солишни танқиднинг, умуман адабий-эстетик устқурманинг адабиётга (айнан ўттинчи йилларда, бўлганидай!) тазйиқидан ўзга яна нима дейиш мумкин?!

Ёш шоирларни «нотайин туйғулар»ни, «бетайин дарду аламлар»ни кўйлашда, «аллақандай ноаниқ, шаклсиз гўзал изтироблар ва «қисматлар» кучоғида маҳлиё бўлиб қолиш»да айблаган замонасоз тадқиқотчилар, албатта, шунчаки айбалаб ўтиб кетмаганлар. Улар, ўзларича шунинг тагиға етишга, илдизини очишга, сабабларини «топишга» жиддий ҳаракат қилиб ҳам кўрганлар. Улар шу билан «гўзал ва адолатли, фаровон ва бахтиёр» жамиятимиз афзалликларини англамаган, «ҳозирги оғир, салмоқли, собир сиёсатимизни тушуниб етмаган» шаккоқларнинг кўзини «очишга» уринганлар. Масалан, Асқад Мухтор юқорида тилға олиб ўтилган мақоласида қатор сабабларни қалаштириб ташлагандан кейин гўё «асосий сабабни топгандай» бўлади: «Менингча, асосий сабабни

<sup>1</sup> Иброҳим Ғафуров. Жозоба. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970, 8-бет.  
<sup>2</sup> Иброҳим Ғафуров. Жозоба, 6-бет.

топишга Абдулланинг ўз сатрлари ёрдам беради: «Дорбоз» деган шеърда Абдулла бундай дейди:

Биз-чи, эҳ... баъзи бир кўзи очиқлар  
Эплаб юролмаимиз катта йўлда ҳам.

Бу сатрларда Абдулла нақ ўзи ва ўзига ўхшаганлар ҳақида гапиряпти. Ҳақиқатан ҳам, ёш шоир олдида катта, ёруғ йўл, олижаноб дўстлар, замондошлар, ғулувли ҳаёт, улуғвор қурилишлар, мислсиз воқеалар. Аммо ёш шоирнинг китобида катта ёрқин фикр ва туйғулар ўрнига, баъзан пастқам, ножўя фикрлар юзага чиқиб қолади.

Кўзи очиқ ҳолда катта йўлда ўзини эплаб юролмас...! Абдулла бу гапи билан асосий сабабни очиб ташлайди. Баъзи ёшларимиз ҳамон «ичкари»да. Катта, жўшқин ҳаётдан, халқни ҳаяжонлантирган тарихий воқеалардан четда, ўз қобигида яшайди, ўз «ижоди» ҳақида қайта-қайта ёзади, ўзи билан ўзи бўлиб кетган. Ун саккиз ёшида Вахш-ни кишанлаган, жазирамада Уст-Юртда темирйўл қураётган тенгдоши билан таниш эмас<sup>1</sup>. А. Мухтор билан бу ўринда мунозарага киришишнинг «қийин»лигини эътироф этмасдан иложимиз йўқ. Негаки, бадий ижод ҳақидаги бунақанги жўн, ўта ибтидоий тасаввурлар ёки умуман адабиётнинг моҳиятига тубдан қарама-қарши, ғайри-эстетик, вульгар социологик қарашлар билан илмий мунозара олиб бориш учун худди уларнинг муаллифидай омонсиз бўлмоқ даркор.

Юқоридаги носоғлом, носамимий мулоҳазаларда адабиётни чин дилдан севадиган одамнинг ғазабини уйғотадиган яна бир жиҳат бор. Автор ёшлар шеъриятида акс этган дард-ҳасратнинг, маҳзун ва аламзада кайфиятнинг ҳаётий илдиэларини, объектив сабабларини — яъни, уларнинг шахсга сиғиниш оқибатлари ва турғунлик даврининг иккиюзламачилиги, адолатсизликлари билан бевосита боғлиқлигини ўйламай-нетмай тубидан инкор қилади. Шулар ҳаммаси етмагандай, яна устига устак ёш ижодкорларга **нимани ёзишни ва қандай ёзишни** ҳам «уқтириб» ўтади. Афсуски, 60—80-йиллар танқидининг онда-сонда ва жасоратсиз эътирозларини эътиборга олмасак, бадий ижодга ва ижодкорга нисбатан бундай зўравонлик, сўз санъатига вульгар муносабат бадий жаранда яқин-яқингача давом этиб келди.

60-йилларда эса адабий сиёсат ҳомийлари ва ушбу доираларнинг ҳукм-иродасини беҳад садоқат билан ифодаловчи муте мунаққидлар адабиётдан ғам-андухни, санъатнинг энг юксак ва олий туйғусини — Арасту замонидан буён маънавий поклинишнинг («катарсис») асосий шартларидан бири бўлган Изтиробни ҳайдаш, қувғин қилиш билан овора эдилар...

Иброҳим Ғафуровнинг «Мен» ва борлиқ» мақоласига қайтайлик. Муаллиф ҳали эслатиб ўтилган мулоҳазаларини давом эттириб, қуйидагиларни ёзади: «Аввало, «қай-ғулар» ҳақида, уларнинг қандайлиги, нималарга қаратилгани хусусида бирмонча тўхта-либ ўтсак. Шуни айтиб қўяйликки, бундай кайфиятлар ўрта авлодга мансуб шоирларимиз ижодида деярли учрамайди ёки учраса ҳам уларнинг овози учун хос бир нарса эмас. Бундай кайфиятлар адабиётда кейинги йиллар, тўғрироғи 60-йилларда кириб келган ва қисман, булардан аввалроқ суяги қотган шоирларда ора-сира учрамоқ-да»<sup>2</sup>. Мунаққиднинг ушбу кузатишлари, асосан, тўғри. Бироқ унинг «бундай кайфи-ятлар»нинг моҳиятини, туб сабабларини тушунтиришлари кишида ғалати таассурот қолдиради: «Инсоннинг олижаноб интилишлари йўлида туғиладиган дардларни санаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Улар реал борлиққа ёт эмас, ундан туғилади, унда ечим топади. Мақсадлари юксак бўлган ижодкорнинг дардлари ҳам юксак ва умуминсоний моҳиятга эгадир. Майда мақсадлар майдароқ дардларни, дардчилликларни юзага чиқаради. Буларнинг шеърларда **кўрсатилган сабаблари ҳар хил бўлади. Лекин умумий бир сифатлари ҳиссий майдаликдан бошқа нарса эмас.** Бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтирмаса ҳам бўлаверади. Лекин гап шундаки, бу ёш шоирлар ижодида **тез-тез учраб турувчи касалликдир.** Унга эътиборсизлик билан қаралса, соғлом мевалар ҳам бевақт сарғайиб қолади»<sup>3</sup>. Мазкур гапларни ўқиётиб, миянгизда беихтиёр кетма-кет саволлар пайдо бўлаверади: қизиқ, замон дардлари билан оғриш, кечагина бўлиб ўтган кўз кўриб, қулоқ эшитмаган кўргуликлардан ғазабланиш «умуминсоний моҳиятга эга» эмасми? Ёш қалбнинг миллионлаб инсонларнинг ёстигини қуритган, бутун бошли халқларни бахтсиз қилган даҳшатлардан — шахсга сиғиниш фожиаларидан чуқур изтиробга тушиши наҳотки, «ҳиссий майдалик» деб аталса?! Ақлдан озган давринг қилмишларини кечиришни истамаган ва айнан ўша бедодликларни, ҳақсизликларни оқлаш йўлини танлаган эътиқодсиз, турғун жамиятга, сўзнинг чин маъносида носоғлом, касалманд инсоний-ижтимоий муносабатлар тартибига исён қилаётган навқирон қаламкашларнинг адолат излашларини «ёш шоирлар ижодида тез-тез учраб турувчи касаллик» дея ҳукм

<sup>1</sup> Асқад Мухтор. Ёш дўстларимга, 131—132-бетлар.

<sup>2</sup> Иброҳим Ғафуров. Жозиба, 6-7-бетлар.

<sup>3</sup> Уша китоб, 7-бет.

бериш асида адабиётимизнинг «соғлом мевалари»нинг «бевақт сарғайиб қолиши»га йўл очиш эмасми?!

Турғунлик даври танқиди яқин ўтмишимизда ҳам ва 60—70-йиллар воқелигида ҳам изтироб чекиш учун жиддий бир сабаб кўрмасди. Ва «кўрмагани» учун янги шоирлар авлодининг ҳар бир шеърини, ҳар сатрини «бахтиёр ва озод жамият» қолиғига солиб астойдил текширарди. Бу қолиғига сиғмаган шоирлар, шеърларга эса турғунлик идеологлари истаган айбларни қўйиши мумкин эди.

Умуман, турғунлик йилларида кенг томир ёйган тенденциоз танқидда бадий жараённинг инъикосини кўздан кечирар эканмиз, ғаройиб бир ҳолнинг гувоҳи бўламиз; олдинига маъйян бир бадий асарнинг, айниқса, қайғу-ҳасрат, маҳзун кайфият ифодаланган асарларнинг реал ижтимоий замини, ҳаётини асослари кескин инкор қилинади. Сўнг эса «таҳлилнинг» навбатдаги босқичи бошланади. Яъни, мана шундай асарларнинг ғоявий-бадий мазмуни «нотайинлик»да, «мубҳам»ликда, «аллақандай, булоғи ноаниқлик»да айбланиб, ҳукм чиқарилади. Минг афсуски, «Мен» ва борлиқ мақоласида ҳам ана шундай ғаройиб таҳлил «усули»ни учратамиз: «Рауфнинг бошқа бир номсиз шеърда ҳам аллақандай, булоғи ноаниқ «шаклсиз севинч»лар, «бесабор кудрат» ҳақида гап боради.

Кўзимда қумларнинг ўйини,  
Изларимда сонсиз соқов тош...  
Нелар бузди, шоир, ўйингни,  
Бунча хурсанд кўзингдаги ёш?

Шоир чизаётган манзара ва кайфият шу қадар мавҳумки, китобхон «мен»нинг изларида қолаётган «соқов тош»ларни, «қумларнинг ўйини»ни жуда олис туман ичида тасаввур этади. Рауф шуларга диққатни тортмоқчи экан, шулар билан кўзидаги ёш хурсанд бўлганини айтмоқчи («хурсанд ёш» — Рауф топган чиройли оксиморон) экан, нега китобхонини ўйламайди. **Ўткинчи кайфиятлар** унга ҳеч нарса бермаслиги билан ҳисоблашмайди. **Ўзининг ҳали охиригача англаб етилмаган, интим туйғуларини** шу ҳолича умум диққатига ҳавола қилади<sup>1</sup>. Рауф Парфининг тилга олинган шеърда, мунаққид назарида, деярли, ҳамма нарса тушунарсиз, ноаниқ, мавҳум. Шеърда «ўткинчи кайфиятлар» ҳукмрон. «Хурсанд ёш» истиорасининг оригиналликдан ташқари ҳеч нарса танқидчининг диққатини жалб этмаган. «Соқов тош», «қумларнинг ўйини» каби қатор серқатлам образ-тизмоллар эътибордан соқит қилинган... Нега мазкур шеърда тасвирланган драматик кечинмалар, лирик қаҳрамоннинг маънавий ҳолати мунаққидга буткул мубҳам бўлиб туюлган? Шунинг сабабини шеърдан, шоир услубидан эмас, балки яна адабий танқиднинг ғоявий-сиёсий мавқесидан, поэзияга ёндашув усулидан излаш керак бўлади. Ва ушбу ёндашув усулининг нобоп, нотўғри эканлигини Вақт тўла равишда тасдиқлади...

...Ҳаққоният туйғуси худди мана шу ўринда атоқли мунаққидимиз Иброҳим Ғафуровнинг Рауф Парфи лирикаси ҳақидаги ўзгача мазмунда битилган мулоҳазаларини ҳам эслатиб ўтишни талаб этади. У «Мен» ва борлиқ»дан ўн беш йил кейин бошқа бир мақоласида шоир ижодига бошқача ёндашади:

Бир ажиб навога ўхшайди,  
Шоирга ўхшайди бир ҳассос,  
Мискин соз чалмоққа у шайдир,  
Дардига бордир-ку бир асос.

Дераза олдида йиғлаб, ғариб ва паришон ўтирган бир қушча ҳақида айтилган бу сўзларда қушча — қушча эмас, ғариблик — ғариблик эмас. Булар тоза тимсоллар. Шунинг учун қушча шоирга, унинг мунги ва **дардлари эса асосли дардларга ўхшайди**. Йигирма яшар шеър қаҳрамони бу шоир қушчага қараб йиғлаб туради. У қушчанинг нима истагини билмоқчи бўлади, лекин буни ҳеч қачон билолмаслигидан қайғуради.

Рауф Парфининг жуда кўп шеърларида **мунг силқиб** ётади. Унинг **мунгсирамаган** шеъри йўқ, дейиш мумкин. Лекин **бу мунглик** — асло тушкунлик эмас. Унинг **мунги шодликка бўлган зўр интилишлардан** ва шодликни севишдан туғилган десак, ажабланарли бўлмас.

Унинг шеърларида мунг — маърифатли юракнинг бойлиги, яхшилик, эзгулик, олижанобликка интилишнинг мевасидир<sup>2</sup>.

Фақат таассуфланарли томони шундаки, ёш лирик қаҳрамонга тўла хайрихоҳлик руҳида ёзилган, эзгу ва олижаноб туйғулар билан йўғрилган бу дил сўзлари ўн беш йил муқаддам битилганида эди!.. Зотан, 60-йиллар адабий танқидида янги лирик қаҳра-

<sup>1</sup> Жозиба, 10-бет.

<sup>2</sup> Иброҳим Ғафуров. Олтин шафтолилар. «Ёш» журналы, 1984, 3-сон, 38-бет.

монга нисбатан худди ана шундай мардоналик, қалб саховати ва олижаноблик етишмаган эди. Ва ҳамон етишмай турибди!..

Бироқ адолат юзасидан масаланинг муҳим бир қиррасини ҳам таъкидлаб ўтиш керак. Олтмишинчи йиллар ўзбек шеъриятида шахсга сиғиниш даври фожиаларига очиқ-ойдин, яъни, тўғридан-тўғри муносабат кам учрайди. Қолаверса, бутуниттифоқ адабиётида ҳам тахминан, шундай вазият ҳукмрон эди. Тез орада ХХ съезд позициясидан чекиниш, турғунлик кайфиятининг томир ёя бошлаши адабиётнинг яқин ўтмиш иллатларини тўла-тўқис таҳлил этиш, жамиятимиз босиб ўтган йўлни ҳаққоний баҳолаш имкониётларини кескин чеклаб қўйди. Эллагинчи йилларнинг охирларидаги ва олтмишинчи йилларнинг бошланғичидаги маънавий эркинлик кўп ўтмай, атиги икки-уч йил кейин ширин бир тушга айланди. Айтайлик, Евг. Евтушенконинг «Сталиннинг меросхўрлари» (1962 й.) каби исёнкор руҳли асарларнинг олтмишинчи йилларнинг ўрталарида эълон қилинишини тасаввур қилиб бўлмасди. Александр Твардовскийнинг «Хотира ҳуқуқи», Александр Бекнинг «Янги лавозим», Анатолий Рибаконинг «Арбат болалари», В. Гроссманнинг «Умр ва тақдир» ва умуман, 60—70-йилларда ёзилган қатор асарларнинг қайта қуриш туфайлигина босилишининг асосий сабаби шу. Адабиётнинг яқин ўтмиш фожиаларига ўз қарашини яширишга интилишини, янада аниқроғи, имо-ишоралар, серқирра ва тагдор образлар, сермаъно рамзлар орқали ифодалашини, бизнингча, конкрет шарт-шароитдан, турғунлик даврининг ижтимоий-сиёсий атмосферида келиб чиқиб изоҳлаш зарур.

Лекин 60-йиллар ёшлар шеърини учун бирмунча характерли бўлган рамзийлик, кечинмалардаги муайян сирлилик, ўйларни имо-ишоралар орқали ифодалаш барибир, уларни «нотайин туйғулар», «бетайин кайфиятлар»га берилишда, «аллақандай ноаниқ, шаклсиз гўзал изтироблар»га маҳлиё бўлишда» айблашга ижозат бермайди. Масалан, «Мен» ва борлик» мақоласида мубҳам, тушунарсиз деб тақдим қилинган Рауф Парфининг «соқов тош», «қумларнинг ўйини», «хурсанд ёш» сингари ўзига хос истиораларига ҳассослик билан ёндашилса, уларни «жуда олис туман ичида эмас», балки аниқ-равшан тасаввур этиш мумкин эди. Гап образларнинг ва ифода тарзининг мураккаблигида ҳам эмас, албатта. Ҳамма нарса мунаққиднинг ғоявий-эстетик позициясига бориб тақалади. Зеро, танқидчининг мақсади шеърни тушуниш ва тушунтириш эмас, аксинча, маҳзун кайфият, тугёнли изтироб ифодалаётган ҳар қандай шеърни, қайси йўл билан бўлмасин, инкор қилишдан иборатдир. И. Ғафуров, бундай «шеърларга «ҳамроз» бўлиш учун ҳозирги замон китобхони кучли савқи табиий — интуицияга эга бўлиши керакдек туюлади, — деб ёзади юқорида тилга олинган мақоласида.— Акс ҳолда унинг шоир билан алоқаси узилиб қолади. Ёки ўзи шундаймикин? **Дард, тугён, ғазаб, оҳ ноаниқ ҳисмикин, уларнинг сабаблари** бўлмасмикин! Лирик шоир Хайридин Салоҳга мурожаат қилиб, ғалати саволимизга тасдиқ жавоб оламиз». Танқидчи шоирнинг «Юрагимда бир тугён, бир оҳ» шеърини намуна сифатида келтиради. Бироқ ушбу шеър ҳам, айниқса, ундаги «Юрагимда бир тугён, бир оҳ. Булар балки — мозий «хизмати» сатрлари ҳамда сўнги банддаги очиқ-ошкор айтилган:

Юрагимда бир тугён, бир оҳ,  
Важин билмай мен осий ва лол.  
Бегуноҳдан ўта бегуноҳ  
Ўлганларга ўкинч эҳтимол.

каби ўй ва кечинмалар ҳам мунаққидни ўз шубҳаларидан қайтармайди. Унга носамимий ва ноаниқ туюлаверади... Шоир ўз қалб тугёнлари ва оҳларининг ўтмиш аламлари туфайли туғилганлигини, яъни, «мозий «хизмати» эканлигини алоҳида таъкидлаптику. Қолаверса, муаллиф «мозий «хизмати» деганда эрамиздан олдинги ёки ўрта асрларда бўлиб кечган воқеаларга эмас, аини яқин ўтмиш кўргуликларига — сталинизм репрессияларига ишора қилаётганлиги аниқ кўриниб турибди-ку. Зеро, шоир сўнги «Бегуноҳдан ўта бегуноҳ ўлганларга ўкинч эҳтимол» байти орқали ўзи назарда тутаётган даврнинг — «мозий»нинг ёшини ҳам белгилаб беради. Чунки инсоният тарихида ҳеч бир мамлакатда сабабсиз шунча одам қирилмаган. Бирон бир шоҳ ёки султон ҳам, энг қонхур мустабидлар ҳам ўз фуқаросига бунақанги шафқатсизликин раво кўрмаган. Хуллас, шахсга сиғиниш йиллари фожиаларининг сабабсизлиги ва фавқуллодалиги («Важин билмай мен осий ва лол») ҳамда миллионлаб репрессия қурбонларининг мутлақо айбсизлиги («Бегуноҳдан ўта бегуноҳ ўлганларга ўкинч») юқоридаги шеърдаги кечинмаларнинг моҳиятига жудаям мос тушади. Хўш, танқидчига яна қандай аниқлик керак?! Умуман, лирикадан, шеърдан мақола ёки очерк аниқлигини талаб қилиш инфофданми?!

Иккинчидан, таҳлил жараёнида муайян бир бадий асарни иложи борица ўша ёзувчининг бутун ижоди, ҳатто давр адабиёти контекстида баҳолашга интилиш зарур. Мунаққид «Юрагимда бир тугён, бир оҳ» шеърини Хайридин Салоҳнинг авлоддошлари ижодидаги аини шу йўналишдаги, кайфиятдош шеърлар билан қиёсий назардан кечирганда эди, ҳеч шубҳасизки, шоирни ҳиссий ноаниқликда, мавҳумликда айбламаган бўларди. Эҳтимол, худди шундай назар етишмагани учун таниқли поэзия танқидчи-

си Нуриддин Шукуров ҳам Рауф Парфининг қатор шеърларидаги образларни бузиб талқин қилади, шоир кечинмаларидаги изтиробларнинг ижтимоий-эстетик қимматини, уларнинг 60-йиллар, умуман, турғунлик даври учун хос эканлигини англаб етмайди: «Рауф Парфининг анча оригинал тафаккур юритиб, ўзига хос шеърлар яратиш йўлида изланаётганлиги ҳаммамизга аён. Бироқ унинг кўпгина шеърларида буюк ўзгаришларни (!) гражданлик руҳи билан таҳлил қилиб, баҳолаш тенденцияси етарли эмас. Шоирнинг аксарият шеърлари қор, ёмғир, булутлар, жавобсиз севги изтироблари ҳақидадир. Бу ҳодисалар ҳақида ҳам ажойиб, замонавий шеърлар яратиш мумкин. Аммо афсуски, Рауф Парфининг «Акс садо» тўпламидаги аксарият шеърлари салмоқли маъно-мазмунга, кучли гражданлик руҳига эга эмас.

«Ёмғир ҳам тинмади узун кун», «Деразамга урилади қор», «Мудрар ярим кеча уйқуда», «Тарғилланиб бормоқда осмон», «Термуламан олис уфққа», «Оппоқ булут изғир сар-сарин», «Бир қушча сайрайди менинг руҳимда» деб бошланувчи шеърларни ўқиб, улардан катта мазмун топа олмаймиз, давримизнинг қон томири уришини илғаб ололмаймиз.

Бу шеърларнинг лирик қаҳрамони ёмғир ёғишини, қор бўралашини, булутларнинг кезишини, тун қоронғилигини кузатади-ю, бироқ ҳаётнинг қайноқ оқимини кузатмайди. Давр ҳодисаларига гражданлик ҳисси билан қараб, уларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратмайди.<sup>1</sup> Кўриниб турибдики, Рауф Парфи шеърларида ифодаланган «катта мазмун»ни илғашда мунаққидга у қаттиқ ишонч билан асосланган вульгар социологик платформа ва қолоқ ғоявий-сиёсий қарашлар панд бермоқда. Ҳамда янги лирикада илк шаклланиш босқичидаёқ яққол кўзга ташланган жиддий бадий-эстетик ўзгаришларни, янгиланишларни ҳис қила олмаслик танқидчининг шеър билан мулоқотига монелик қилган. Аслида ҳассослик билан эътибор қилинса, Нуриддин Шукуров тилга олган шеърларда «лирик қаҳрамон ёмғир ёғишини, қор бўралашини, булутларнинг кезишини, тун қоронғилигини» бекордан-бекорга кузатмаганлигига ишонч ҳосил қилса бўлади. Бу жиҳатдан Иброҳим Ғафуровнинг «Олтин шафтолилар» номли мақола-сида айтилган бир ҳассос кузатишни эслаш жоиз кўринади: «Рауф Парфининг шеърлари шамоллар, ёмғирлар, қорлар, булутлар, сойлар, ойларнинг турфа ёғдулари билан ўртоқ тутинган.

Шоир юрагини очди ва ёмғир  
Сўзларга айланди...

Унинг шеърларида ёмғирлар, шамоллар, ранглар ва айниқса, оқ ва қора ранглар (Рауф шеърларида, айниқса оқлик, оқ ранглар мотивлари ҳақида катта маҳсус мақола ёзиш мумкин) ҳаяжонли, титраб турган, мушфиқ бир шеър сўзига айланадилар»<sup>2</sup>

Биргина Рауф Парфи шеърларида эмас, жумладан, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Омон Матжон, Хайриддин Салоҳ, Чўлпон Эргаш, Жамол Камол, Муҳаммад Али, Маъруф Жалил сингари 60-йиллар шоирларининг илк изланишларида ҳам учраётган, шахсга сиғиниш даври фожиалари билан у ёки бу даражада, бевосита ёки бавосита алоқадор бўлган сермаъно, тағдор табиат тасвирлари, хотирот азобларидан ранг олган турли манзара шеърлари, табиийки, тасодифий бўлмай, аксинча, мазкур авлод изтиробларини ва маънавий таржимаи ҳолини англашда муҳим аҳамият касб этади.

Хуллас, олтишинчи йилларнинг ёш қаламкашлари ижодидаги ўзига хос кайфиятнинг «бетайин дарду аламлар», «аллақандай ноаниқ, шаклсиз гўзал изтироблар», энг муҳими «ўткинчи кайфиятлар» эмаслигини, балки Даврнинг ва бутун бошли бир Авлоднинг Изтироби эканлигини ҳар томонлама исботлаш учун янги лирикамиздаги рамзлар ва тимсоллар поэтикасини ҳам чуқур тадқиқ этиш зарур. Бу эса энди бошқа бир мақоланинг мавзусидир.

<sup>1</sup> Нуриддин Шукуров. Бу олам саҳнида. Тошкент, Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1981 й., 185-бет.

<sup>2</sup> Иброҳим Ғафуров. Олтин шафтолилар. «Ёшлик», 1984 й, 3-сон, 38-бет.

## МУАЛЛИФНИНГ ИХТИЛОФЛИ ТИМСОЛИ

Бадий асар қаҳрамонлари билан танҳо мулоқотда бўлар эканми, суҳбатимизда кўзга кўринмас учинчи кишининг ҳам иштирок этаётганлигини ҳаёлимизга келтирмаймиз. «Отабек Ҳасаналининг уйига кириб, Кумушни сабрсизлик билан кутаётганида, Кумуш ҳам дарпўш орқасида беркиниб турганлигини ёзибсиз, — дейди бир содда китобхон адибга. — Ушанда ўзингиз уларни қаердан кўриб турган эдингиз?» (Абдулла Қодирий замондошлари хотирасида. Тошкент, 1986, 148-бет.) Дарҳақиқат, қачон бадий асарни таҳлил қилмайлик, ундаги автор образи ҳақида ломим демаймиз. Ваҳоланки, ҳар қандай бадий тасвирда муаллиф образи иштирок этади. «Санъаткор ўз асарида инсон сифатида, характер сифатида, натура сифатида — бир сўз билан айтганда, шахс сифатида акс этмаслиги мумкинми? — деб ёзган эди В. Г. Белинский. — Турган гапки, мумкин эмас. Чунки борлиқдаги воқеа-ҳодисаларни уларга ҳеч аралашмасдан тасвирлай олишнинг ўзи санъаткор шахсининг ифодаланганлигини билдиради» (Белинский В. Г. Полн. собр. соч., том X, с. 305). Ёзувчининг асарини баҳолаш унинг ўзига баҳо бериш демакдир, унинг қарашлари, ҳаётни тушуниши, симпатия ва антипатиялари, фазилат ва иллатларига баҳо бериш демакдир. Чунки ҳар қандай бадий асар даставвал ўз яратувчиси ҳақида тасаввур берадиган манба ҳисобланади. «Евгений Онегин»да Пушкин шахси акс этганидек шоир шахси шу қадар тўлалиги билан ёрқин ва аниқ намоён бўлган асарлар камдан-кам учрайди. Шоирнинг бутун ҳаёти, бутун қалби, бутун муҳаббат; унинг ҳиссиётлари ҳам, тушунчалари ҳам, идеаллари ҳам унда мужассамлангандир» (Белинский В. Г. Полн. собр. соч., т. УП, с. 431). Муаллиф тимсоли бадий асар қурилмасининг ажралмас қисми, унинг узвий бўлакларидандир (Соколов А. Н. Теория стиля. М., 1968, с. 156). Автор образи санъаткор шахсининг ифодаланишидир, унинг эстетик идроки, мафқураси ва идеалларининг намоён бўлишидир. Тасвирланаётган воқеа-ҳодисаларга муаллиф муносабати, айниқса, тилнинг ифода воситаларида ҳаммадан ёрқинроқ кўзга ташланади. Хусусан, тилнинг ривоя услубига алоқадор хусусиятлари муаллиф шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Муаллиф сиймоси бадий асардаги нур ва сояларнинг уйғунлиги, тасвирда бир услубдан иккинчисига ўтиш, сўз бўёқларининг товланиши ҳамда мутаносиблигида кўринади. Асарда адабий тил услубларига интилиш қанчалик кучли бўлса, ёзувчи шахси шунча кўпроқ юзага чиқади. Муаллиф образи тўғридан-тўғри ва очиқ мушоҳадалардагина эмас, фактларни саралаш, уларни группалаштириш, тил воситалари, иштирок этувчи шахслар ҳамда муҳитни тасвирлаш учун бўёқлар танлашда ҳам кўринади. «Қисмат» асарида Уктам Усмонов олий ўқув юртлири ҳаётида илдиз отган салбий ҳодисаларнинг табиатини бадий тадқиқ қилади. Мумтоз Умарович образида ёзувчи, бир томондан, мавжуд камчилик ва иллатларга танқидий муносабатда бўлса, бошқа томондан эса, уларга табиий ва иложсиз ҳолат деб қарашга одатланган ва ўзининг шу қилиғи билан мавжуд иллатларнинг кучайишига имкон яратаётган ҳозирги замон фаталитининг зиддиятларга тўла табиатини очади. Гарчи ёзувчи мавжуд разолатнинг социал-иқтисодий, маънавий-ахлоқий манбаларини кўрсатмаган ва бадий таҳлил этмаган бўлсада, Мумтоз Умаровичдаги фаолиятсизлик, сафсатабозга айланиб қолишнинг маълум тарихий сабабларига ишора қилинганлигини кўриш мумкин. Мумтоз Умарович образига муносабатда муаллиф шахсининг чуқур граждандлик кайфияти, замон иллатларига ичдан кўюниши, бироқ ушбу иллатларни бартараф этиш йўлларини ва имкониятларини тасаввур этолмаган иложсиз шахсининг қиёфаси тўла намоён бўлади. Гарчи романдаги Саттор Турдиевич образи воситасида муаллиф ўзи ҳолатдан чиқишга ҳаракат қилган ва китобхонга ҳам йўл-йўриқ кўрсатишга уринган бўлишига қарамасдан, бу эзгу ниятга эриша олмайди. Ёзувчи Саттор Турдиевични меҳнаткаш, ҳалол ҳамда ҳар қандай камчилик ва иллатларга муросасиз қилиб кўрсатмоқчи бўлади. Бироқ қизининг кириш имтиҳонларидан қандай қилиб ўтаётганлигини кўриб-билиб туриб, ҳеч бўлмаганда, сезиб туриб, унинг ўзини билиб-билмасликка олиши ва «ҳаромдан нари юрган йигитман», деб кўкрагига уриб чираниши кишини ишонтирмайди. Демак, ёзувчи ўз қаҳрамонини Мумтоз Умарович ҳамда Маҳбуба Икромовна сингариларга қанчалик қарши қўймасин, барибир унинг характерини гоёвий-бадий таҳлил қилиш натижасида шундай аҳволнинг устидан чиқиб қоладими, натижада ҳаққоний тасвирланган Саттор Турдиевич ижодкорнинг иродасига бўйсунмайдиган бутунлай бошқа одам бўлиб чиқади. Қаҳрамон ёзувчи ихтиёрига зид равишда Ражаббой типидagi ижобий шахслардан эмас, ўз даврининг маҳсули бўлган ва унинг иллатларидан холи қолмаган шахсга айланиб кетади. Муаллиф билан давр, муҳит, шароит ўртасидаги бундай «тўқнашув» ва бу тўқнашувдаги авторнинг ожизликлари жамиятда жиддий социал-ижтимоий ўзгаришлар амалга оширилишини зарур қилиб қўяди. Асар охиридаги Анора, Арслон ва Асқарларнинг тақдирида Маҳбуба, Зайниддин ва Сатторлар тақдирининг такрорланиши ҳам муаллиф мавжуд иллатларнинг ҳақиқий ижтимоий сабаб ва оқибатларини топа олмаганлигидан далолат беради.

Муаллиф образи этиқодда, нарса-ҳодисалар ва қаҳрамонларни қайси нуқтаи-назардан ва ким томонида туриб ёритилаётганлигига боғлиқдир. Борлиқдаги фактларга ўз муносабатини тўғри

белгилаш, тўлароқ ва ёрқинроқ ифодалаш учун ёзувчи ўзининг бадий нияти, ғоявий-эстетик идеалларига мувофиқ келадиган нарса ва ҳодисаларни танлаб олиши, уларни муайян композицион мувофиқликда жойлаштириши ҳам зарур. Шу билан бирга, муаллиф бадий тасвирда воқеалар, нарса ва ҳодисаларга қараш нуқтасини аниқ белгилаб олиши ҳам муҳимдир. Тасвир йўналишини нотўғри танлаш, меъёрни сақлаб билмаслик, тасвирланаётган нарса ва ҳодисаларга ортиқча маҳлиё бўлиш уларни ноўрин умумлаштиришга олиб келиши мумкин. Шундай камчилик Абдуманноп Эгамбердиевнинг «Сариқ аждарнинг ҳамласи» тарихий романида ёзувчи маънавий-эстетик ҳамда ғоявий-сиёсий позициясининг кучсизлиги қолишига сабаби бўлган. Романда халқ тарихининг ҳануз сирлигича қолиб келаётган саҳифалари жонлантирилади: ота-боболаримизнинг мелоддан аввалги II асрнинг иккинчи ярмидаги чет эл босқинчиларига қарши қаҳрамонона кураши тасвирланади. Бироқ асарда нарса ва ҳодисаларга лоқайд хитойлик солномачи кўзи билан қараш асосий ўрин тутаети. Тўғри, бу ёзувчида миллий ғурур, ватанпарварлик туйғусининг етишмаслигини кўрсатмайди. Роман ҳикоячининг она Ватан, қадрдон халқига чуқур муҳаббати пафоси билан тўлиб-тошган бўлиб, ҳикоячи муаллифнинг ҳис-ҳаяжонлари барқ уриб туради. Адиб кўхна тарих саҳифаларида хира тортиб қолган куруқ маълумотларга жон ато қилади, она замин юзига чизиқлардан олам-олам сирларни ўқийди, уларни эзгу қўшиқ сингари илҳом ва эҳтирос билан куйлайди, узоқ ўтмиш қаърига қайтмас бўлиб кетган қаҳрамон аждодларимиз билан мулоқотда бўлади. Тарихий воқеаларга муносабатнинг самимийлиги, ривоянинг ёрқинлиги ва ҳаётийлиги билан муаллифнинг илиқ қиёфаси ҳам китобхон қалбидан муносаб жой олади. Роман саҳифаларида ҳозирда бизга таниш ва қадрдон бўлган қишлоқ ва вилоятлар, дара ва жилғалар, қир ва адирлар ўзининг бундан икки минг йилларча олдинги қиёфасида жонланади, айрим жой номлари ўз тарихини сўзлайди, кўхна обидалар тилга киради. Ижодкор муносабати мантиқи, бадий тасаввурнинг қудрати она заминнинг ҳар бир қаричи ота-боболаримиз пешона тери билан йўғрилганлиги, ҳар бир тош, ҳар бир гирё қанчадан-қанча қонли фожиалар, аламли воқеаларнинг гувоҳи эканлигига китобхонни ишонтиради. Айниқса, асарнинг хотимасида муаллиф образи она заминнинг ҳақиқий фарзанди бўлган ватанпарвар, ота-боболарнинг аъналарига содиқ инсон сифатида бутун тўлаллиги билан намоён бўлади. Бироқ мазкур романи эзиш учун мавжуд манбаларни, йилномалар ҳамда тарихий ҳужжатларни қунт билан ўрганган ёзувчи кўп жиҳатдан, уларга маҳлиё бўлиб қолади. Бу романдаги автор позициясига сезиларли таъсир кўрсади. Шунинг учун туркий қабилалар ва халқлар ҳаёти билан боғлиқ воқеа ва манзаралар ҳам солномачилар кўзи билан кўриб, улар нуқтаи назаридан тасвирланади.

Ривоя ва ҳикоя давомида ҳикоячи фактлар ва воқеаларни солиштиради, ўхшатиш ва сифатлаш сингари турли ташбеҳлар ишлатади. Воқеа-ҳодисаларга ёзувчи муносабати содир бўлаётган жараёнларнинг моҳиятига чуқурроқ кириб бориш имконини беради. Айрим ҳолларда муаллиф муносабатининг бир ёқламаллиги, қарашларининг эса маълум даражада чекланганлиги кўзга ташланиб қолади. Бундай ҳолларда воқеа-ҳодисаларнинг моҳияти очилмайди. Муаллиф образини, М. Горький ёзувчининг ёритилаётган мавзуга муносабати дейди. Бу тушунча аслида бадий асар учун хос бўлган барча услубий ҳамда бадий хусусиятларнинг бутун системасини қамраб олади. Мазкур образда бадий асар таркибиде мавжуд бўлган барча эмоционал-экспрессив ҳамда эстетик воситалар худди бир фокусдагидек марказлашади. Шунингдек, персонажларни ривоятга олиб кириб, китобхонни унинг тарихи билан таништириш, унинг ташқи кўриниши, кийим-кечагига алоҳида эътибор бериш Мирмуҳсиннинг услуби, унинг асарларида акс этган муаллиф образи хусусиятлари билан изоҳланади. Бироқ «Чотқол йўлбарси» романини олиб кўрадиган бўлсак, унда берилган портретлар ҳар сафар ҳам етарли даражада юк кўтаравермайди. Жумладан, Қоражон портрети ана шундайдир. Авторнинг таърифича, Қоражон афти-башараси бедаво бўлса ҳам, ички дунёси гўзал шахс. Кўриниши бадбашара Қоражон китобхонга маълум даражада В. Гюгоннинг қаҳрамонлари Квазимодо билан Гуинпленларни эслатади. В. Гюго ўз қаҳрамонлари портретини нега бадбашара қилиб чизганлиги-ку маълум. Лекин Мирмуҳсин ўз қаҳрамонини бундай бадбашара қилиб тасвирлашдан қандай ғоявий, бадий ниятни кўзда тутган? Ёзувчининг нияти бўйича мана шу нарсалар қаҳрамоннинг руҳий оламини ечишга хизмат қилиши керак эди. Бироқ булар қаҳрамоннинг руҳий дунёси даражасига кўтарилган дейиш қийин. Қоражоннинг ўз тақдирдан нолишлари эса узоққа бормайди, изчил руҳий кечинма даражасига кўтарилмайди ва ниҳоят китобхонни тўлқинлантирмайди ҳам. Қоражоннинг жангдан бадбашара бўлиб қайтиши воситасида урушнинг кишилар тақдирдаги ўчмас асоратларини кўрсатиш нияти эса романнинг пафоси даражасига айланмайди. «Чотқол йўлбарси» романи учун хос иккинчи хусусият унда лирик ва публицистик чекинишларнинг кўплиги бўлиб, улар воситасида ёзувчи содир бўлаётган жараёнларнинг фалсафий маъносини, инсоний муносабатларнинг мураккаблигини ечишга интилади. Асар қаҳрамонлари ҳаётга ватан ва халқ манфаатларига қаратилган узлуксиз актив фаолият деб қарайдилар. Яшаш узлуксиз синовлардан иборат, деган тезис бутун роман бўйлаб, барча қаҳрамонлар тақдиридан ўтади. Ҳаёт синовларини матонат билан энгиб ўтолган кишилар мақсадга эришадилар, синовларда бардош беролмаганларни эса ҳаёт тўлқинлари улоқтириб ташлайди. Қоражон билан Ҳазратов образлари орқали ёзувчи ўзининг ана шу инсоний концепциясини тасдиқламоқчи бўлади. Ёзувчининг инсон фалсафаси эса қуйидагича: «Умуман, бир одамни тамоман ёмон ва тамоман яхши дейиш тўғри эмас. Инсон янглишиши мумкин. Инсон фавқуллодда қаҳрамонликлар, мардликлар кўрсатиши мумкин. Чунки у фаришта эмас, инсон. Бир одамни ҳадеб ёмонлайвериш ҳам тўғри эмас. Ахир ҳар бир ёмон деган кишининг ҳам яхши томони бўлади-ку!» Афсуски, келтирилган ўрта асрнинг абстракт гуманизмига ўхшаган бу фалсафани ҳаёт ва инсонни чуқур англаш натижаси деб айтиш қийин. Санъатнинг борлиқда эстетик муносабати нуқтаи-назаридан қараганда эса, мазкур ақида инсонни ҳаёт билан ажралмас сабабий боғлиқликда ўрганиш ва таҳлил қилишдан санъаткор эътиборини четга тартади, инсонни муайян бадий ҳамда эстетик идеал позициясидан туриб тасвирлашга имкон бермайди. Шундай қилиб, ёзувчи китобхон ва адабий танқидчилик билан мунозарага киришади. Ёзувчининг бундай мунозарага киришиши аслида айб эмас. Чунки бадий асарда автор образи фақат адабий-бадий ҳодисага бўлиб қолмасдан, айна пайтда, иқтисодий-маданий ҳодиса ҳам бўлиб қолади ва шу сабабдан ҳам, у китобхон билан ўз даври, ўз шахси номидан гаплаша олади. Бироқ ёмони шундаки, ёзувчининг юқориде баён этган баъзи бир ақидалари санъатнинг

умумий қонуниятларига зид бўлибгина қолмасдан, ҳатто ўз-ўзидан англашиб турган оддий ҳақиқатларга ҳам тўғри келмайди. Романнинг бобларидан бирида тоғ манзарасини чизаркан, автор асар композицияси ҳамда унинг ғоявий-бадий ниятига мувофиқ келиш-келмаслигидан қатъий назар, агар ёзувчи хоҳласа ўзига ёқиб қолган ҳар қандай манзарани тасвирлайвериши мумкин, деган фикрни айтади. Бошқа бир бобда эса тасодифан пол тагидан топиб олинган одам скелети тўғрисидаги воқеани ҳикоя қиларкан, ушбу бобни фақат ўйламасдан қилинган ишнинг ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини китобхонага тушунтириш ниятида ёзганлигини таъкидлайди. Истеъдоднинг ўзи санъаткорга нимани хоҳласа ўшани тасвирлаш ҳуқуқини бераверади-ми? Шу муносабат билан Н. Г. Чернишевскийнинг улуғ инглиз адиби У Теккерейнинг «Ньюкомлар» романи хусусида айтган гапларини келтириш ўринлидир. «Ҳар ёр ортиқча эпизод, — деб таъкидлайди улуғ танқидчи, — ўз-ўзича қанчалик гўзал бўлмасин, бироқ асосий аста-бўса бузади» (Чернишевский Н. Г. Избранные эстетические произведения. М., 1974, с. 518). Мирмуҳсин романида эса санъатнинг бундай талаблари, гўзаллик (муайян ғоявий-эстетик концепция билан боғланган гўзаллик) қонунарига менсимасдан қарашни пайқаб олиш унча қийин эмас. Сюжет қуриш ҳамда композицияни уюштириш қонунарига бундай белгисиз қараш каби нуқсондан «Меъмор» сингари адабиётимизда кейинги йилларда яратилган, энг яхши тарихий романлардан бири деб тан олинган асар ҳам холи эмас. Эҳтимолки, бу билан муаллиф ўзи эътиборга лойиқ деб ҳисоблаган, ҳар қандай нарсага тасвирлашга ҳақли деган фикрдан келиб чиққандир? Кўриниб турибдики, бадий асарда муаллиф образи айни пайтда ҳам ўзининг бутун маънавий-ахлоқий фазилатлари, граждонлик хусусиятлари, тушунчалари ва эътиқодлари билан ҳам, айрим чекланган томонлари билан ҳам намойиш бўлади.

«Олмос камар» романи авторини ҳам ҳозирги саноат шаҳарларида фан-техника прогресси, жадаллашиб бораётган урбанизация шароитида кишилик томонидан яратилган эзгу одат ва анъаналарни сақлаб қолиш масалалари ташвишга солади. Асар қаҳрамони меъмор Абдор табиати авайлаб-асраш, халқнинг энг яхши турмуш анъаналари, урф-одатлари ва маросимларини сақлаб қолиш тарафдори сифатида кўринади. У миллий меъморчиликни шаҳар қурилиши ва ландшафт архитектурасининг ҳозирги ютуқлари асосида ривожлантириш, уни қардош халқлар меъморчилигининг энг яхши жиҳатлари билан бойитишга эришиш тарафдори. Асосий қаҳрамонлардан бўлган Шерзод эса Абдорнинг бутунлай акси. Шерзод нимаки қилмасин, даставвал ўзини, ўз обрўсини ва амалини ўйлайди. Абдорнинг табиати асрашга қаратилган уринишлари, урф-одатларга ҳурмат билан қараш Шерзод учун маҳдудлик ҳамда ғоявий чекланганлик ҳисобига кўринади. Шерзод мақсадга эришиш учун ҳеч нарсадан тоймайди. Бироқ, бизнинг назаримизда, Шерзод ижтимоий-тарихий заминдан озқуланувчи муайян тенденциянинг натижаси сифатида кўрсатилмаганга ўхшайди. У олдин бир қобилиятсиз шахсгина бўлиб, бу эса унга қарши Абдор олиб бораётган курашнинг қимматини туширади.

Ҳозирги миллионли саноат шаҳарлари шароитида кўп асрлик урф-одатлар ва маросимларни сақлаб қолиш масаласи ҳам романда кучли жаранглайди. Бироқ муаллиф ўзи истамаган ҳолда жадал урбанизация жараёнини кеңираётган йирик саноат шаҳри ҳаёти катта ишларга қодир бўлган инсоннинг характерини майдалаштириб юбораётганлигини кўрсатиб қўйган. Натижада асар қаҳрамони Абдорга ватан ва халқ манфаатлари йўлида бутун қалб кўрини ҳамда истеъдодини сарфлаб, сидқидилдан хизмат қилиш учун имконият ҳам, шароит ҳам, ниҳоят, вақт ҳам етишмайди. Ижодий меҳнат у ёқда турсин, ҳатто иш вақтида бажарилиши керак бўлган оддий вазифаларни адо этмоғи учун ҳам имкон қолмайди қаҳрамонда. Шу туфайли Абдор аксари ҳолларида ишдан жавоб сураб кетади, ишхонада бажарилиши керак бўлган юмушларни уйга олиб кетиб, ҳордиқ чиқариш ҳамда уйку ҳисобига кечалари мижжа қоқмасдан бажаради. Шу сабабли айрим ўринларда қаҳрамон, у билан биргаликда ёзувчининг ўзи ҳам, ихтиёрсиз бундай серташвиш турмушдан нолиб қолади-лар. «Ҳозир стол ёнига ўтириб, каттароқ бир ижодий иш қилгиси келади, — деб ёзади автор ўз қаҳрамони Абдор тўғрисида гапириб, — лекин бунинг ўрнига бешик тўйининг майда-чуйда режаси-ю, харажатларини ёзишга мажбур». Асар қаҳрамони Абдор халқнинг турмуш тарзини бутунлай ўзгартириб юборган йирик шаҳар ҳаёти шароитида ҳам миллий урф-одатларни сақлаб қолиш учун изчил курашса-да, барибир қаҳрамоннинг бу урф-одат ҳамда маросимларни адо этиш нақадар қийинлигидан унсиз қолишига гувоҳ бўламиз. Тўғри, айрим ҳолларда Абдор мавжуд урф-одатлар ва маросимларни такомиллаштириш, улардан баъзиларини қисман ислоҳ қилиб энгиллаштиришга уринади. Бироқ бу ҳам қаҳрамонни ортиқча ташвишлардан халос қила олмайди. Буларнинг барчаси ёзувчи истагига қарама-қарши ўлароқ, миллий урф-одат ҳамда маросимлар қанчалик инсоний ва ҳаётий бўлмасин, барибир ҳам уларни ривожлантириш йирик шаҳарлар ҳаёти билан зид келиб қолиши муқаррарлигини, урф-одатларни шароитга мослаштиришга уриниш эса унчалик энгил кўчмаслиги ва айтарлик натижа бермаслигини яна бир бор намоён қиладики, бу авторнинг ихтиёрдан ташқари келиб чиқадиغان объектив ҳулосадир. Ўз халқининг фарзанди сифатида П. Қодиров миллий урф-одатларни сақлаб қолишни истаса, уларда халқнинг энг яхши фазилатларини кўрса, реалист санъаткор сифатида ҳаётнинг ритмини, ижтимоий тараққиёт, индустриал шаҳарнинг ривожланиш йўлларини, умуман тараққиёт қонуниятларини тўғри кўрсатиб, ўзига-ўзи қарши чиқади. Худди шу ўринда ижтимоий тараққиёт жараёнида баъзибир эзгу одатлар, кадрятларнинг иложсиз ўзгаришга учраб йўқолиб кетиши объектив бир нарса эканлигини ичдан ҳис қилган инсон сифатида ёзувчининг чуқур ташвишланаётганлиги, сезилар-сезилмас, лекин чуқур ачинаётганлиги ҳам юзага чиқади. Бу муаллиф образининг кўз ўнгимизда ёрқин намоян бўлиши намунасида. Демак, бу масалада асарда ҳаётнинг жараёнлари тўғри тасвирланибгина қолмасдан, муаллифнинг ички ихтилофлари ҳам аниқ юзага чиқади, ёзувчи образида, унинг дунёқарашида мавжуд бўлган зиддиятлар ҳам аниқ кўриниб қолади. Ёзувчи Шерзодни миллий урф-одатларга муносабат масалаларида ҳам Абдорнинг тескари сифати кўрсатади. Бироқ адиб Шерзод характерини изчил қилиб бера олмаган. Бошда Шерзод миллий заминдан ажралган ультра расм-русумлар тарафдори сифатида берилган бўлса, охири эса у миллий урф-одатларни ортиқча дабдабали ўтказиш тарафдори бўлиб қолади. Бу билан ёзувчи икки асосий персонаж ўртасидаги конфликтни кучайтириши кўзда тутади. Бироқ меъморчилик ва шаҳар табиатига муносабат масалалари билан боғланган асосий конфликт ечилгандан кейин катта исрофгарчиликларга олиб келадиган серҳашам урф-



одатлар масаласида улар ўртасида пайдо бўлган янги келишмовчиликларнинг кўрсатилиши ортиқчадек кўринади.

Ёзувчининг тасвирланаётган материалга бепарқлиги асар бадиий-эстетик концепциясининг яхлитлигига путур етказилади. Натижада тасвирланган манзаралар ва характерлар асосий мақсадга айланиб, асардаги умумий ғоявий ниятни очиш учун хизмат қилмасдан қолади. Ҳамид Гуломнинг «Қорадарё» романида танқидчи М. Қўшжонов ана шундай ҳолни кўради. Оқибатда романи ўқиган китобхон ҳам воқеалар ва қаҳрамонлар тақдирига бепарқ қолади. Персонажлар тилини индивидуаллаштириш мақсадида ёзувчи Андижон шевасига хос бўлган «опоч» сўзини ишлатади. Афсуски, эркалаш маъносини берадиган бу сўзни муаллиф турли ёш ва жинсдаги қаҳрамонлар нутқида, айна вақтда, ижобий қаҳрамонлар нутқида ҳам, салбий персонажлар нутқида ҳам ишлатаверади. Натижада ушбу сўз ёзувчининг тасвирланаётган воқеа-ҳодисалар ҳамда қаҳрамонларга муносабатини ифодалаш воситаси сифатидаги қимматини йўқотади. Кўпинча асар персонажларига муносабатни адиб қаҳрамон тилидан ифода қилади. Бунда гапираётган қаҳрамоннинг маънавий-ахлоқий қиёфаси муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки ёзувчи ўзининг ижобий программасини яхши кишилар нутқида жойласа, бошқача фикрларини салбий персонажлар нутқида ҳам мужассамлайди. Ҳар қандай персонаж нутқида худа-беҳуда «опоч» сўзининг тиқиштирилавериши унинг нутқини индивидуаллаштириш ва характер яратиш воситаси сифатидаги аҳамиятини йўққа чиқаради. Натижада ушбу сўз бадиий восита эмас, китобхоннинг ғашини келтирадиган нуқсонга айланади.

Кўриниб турибдики, муаллиф образи, унинг тасвирланаётган нарса ва ҳодисаларга муносабати бадиий асарда муҳим ўрин тутади. Бироқ, минг афсуски, бу масала ҳанузгача эстетик категория сифатида илмий тадқиқотларда, дарслик ва қўлланмаларда муносиб ўрнини топган эмас. Шунинг учун унутмаслик керакки, муаллиф образи масаласи кун тартибига қўйилмас экан, таҳлилда у ҳисобга олинмас экан, бизнинг бадиий асарлар тўғрисидаги фикрларимиз тўла ва мукамал бўлмайди. Чунки фақат муаллиф муносабати, муаллиф образи орқалигина бадиий асар ажралмас бир бутунлик сифатида намоён бўлади.

**Азим РАҲИМОВ,**  
филология фанлари номзоди



## КАТТА АҲАМИЯТГА МОЛИК КИТОБ

Буюк француз ёзувчиси Мари Анри Бейль — Стендалнинг (1783—1842) шоҳ асарларидан бири бўлмиш «Парма ибодатхонаси» романининг Ҳасан Тўрабеков таржимасида ўзбек тилида чоп этилиши китобхонларга муносиб совға бўлди.

Мислсиз қисқа вақт ичида (1838 йил 4 ноябрь — 26 декабрь) ёзиб битказилган бу роман Париж китоб магазинларининг пештахталарида 1839 йил 6 апрелида пайдо бўлган эди. Романга ва унинг муаллифига биринчилардан бўлиб Оноре де Бальзак юксак баҳо берди. «Ревью паризьен» журналининг 1840 йил, сентябрь ойи сонида Бальзак бу романга катта бир мақола бағишлади. 124 саҳифадан иборат журналнинг ярмидан кўпроғини — 69 бетини мазкур мақола эгаллаган эди. Бальзак Стендални «буюк инсон» деб таърифлади.

«Бу катта аҳамиятга молик китоб ҳақида кечикиб ёзишимнинг сабаби ўз лоқайдлигимни энгиш қийин бўлганлигидадир. Аммо, уни биринчи мартаба диққат билан ўқиб чиққанимдан сўнг бу асар бебаҳолигига иқрор бўлдим».

Хорижий тиллардан ўзбек тилига қилинаётган бадиий таржималар таржимашунос олимларимиз томонидан ўрганилмоқда. Аммо яхши таржималар ва таржимонлар ҳақидаги мақолалар ҳамон бармоқ билан санарли.

Маълумки, Ғарб халқлари адабиётидан ўзбек тилига қилинган таржималарнинг аксарияти восита тил — рус тили орқали амалга оширилган. Бу ҳолат бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Аммо таржимонларимизнинг катта камчиликларидан бири уларнинг «универсалликларидир», яъни ҳар хил муаллифларнинг хилма-хил тиллардаги асарларини таржима қилишларидир.

Сўнги пайтларда ўзбек таржимонлари орасида маълум бир «ихтисослашиш» рўй бермоқда, яъни таржимон бир муаллифнинг ижодига қайта-қайта мурожаат этмоқда. Бунга бир неча мисоллар келтириш мумкин. Стендалдек буюк ёзувчининг Ўзбекистонда Ҳасан Тўрабеков қиёфасида ўз таржимони пайдо бўлиши эса айниқса қувончлидир. Стендал асарларининг таржимасига қизиқиш ва ижодий ёндашишнинг асосий боиси ҳам шундадир.

«Парма ибодатхонаси» Стендалнинг Ҳ. Тўрабеков таржима қилган биринчи асари эмас. Бу мутаржим ёзувчининг ўзбек тилида уч марта нашр этилган «Қизил ва қора» романини ҳам муваффақиятли ағдарган эди.

«Парма ибодатхонаси» таржимаси таҳлилига киришишдан олдин бу асарни «Қизил ва қора» романи билан солиштириб кўриш зарур.

«Қизил ва қора» — бешафат ва ғамгин романдир. Асар Реставрация йилларида ўзининг 1793 йилгача бўлган мавқеини сақлаб қолишга уринаётган жамиятнинг, инқилобий воқеалар етказган жароҳатлар оқибатида тобора ёвузлашиб бораётган жамиятнинг тасвирини чизади. Романга «XIX аср йиллар» деб иккинчи ном берилишининг боиси ҳам шундадир.

Романнинг бош қаҳрамони Жюльен Сорель ноҳақ ижтимоий тартиблар қурбони. Ўзига буткул душман бўлган оламга, унинг ҳалокатинигина истовчилар оламига тушиб қолган Жюльен ягона бойлигини — қалбини, орзу-ўйларини, самимиятини яширишга мажбур бўлади ва бу туғма хислатларини ҳийла-найрангларга алмаштиради. Шу алфозда у боши берк кўчага — разолат ва қабоҳат кўчасига кириб қолади.

«Қизил ва қора» романида воқеалар баёни тигиз ҳамда сиқик. Бундай баён услуби инсон табиатининг қонуниятларини, унинг жамиятдаги ўрнини тушунишга тинмай интилаётган эҳтиёткор Жюльеннинг ташвишларига мосдир.

Ва ниҳоят, Стендал асарда ўз шахсий ҳаётидан айрим тафсилотларни келтирганлигига қарамай, Сорель табиатининг асосий хислатлари романнавис билан унинг тафаккури маҳсули бўлмиш образ ўртасидаги тўлиқ ўхшашликни инкор этади.

«Парма ибодатхонаси»нинг оҳанги ўзгача. Тўғри, бу ерда ҳам фожиалар кам эмас, ҳатто асар ечими ҳам оғир (Клелиянинг севикли ўғли оламдан ўтади, ўзи эса Фабрицио қўлида жон беради, унинг кетидан Фабрицио, сўнгра эса герцогиня ҳам вафот этади). Аммо бу ҳол бутун асарга мунг сололмайди. Фабрицио дель Донгонинг бахтсизлиги ўзига нисбатан тақдир саҳийлик қилган «чексиз бахтиёрлик» дақиқалари билан тақдирланади. Чиндан ҳам, у фаришталар ёрлақанган йигит: жасорат, ҳусну камолот, давлат ва айниқса, ўзгаларнинг ишончи ва муҳаббатини қозонишдек хислат унга ёр. Шундай қилиб, Стендал — Сорель ўртасидаги биз сўз юритган ўхшашлик «Парма ибодатхонаси»да ажралмас ва яхлит бирликка айланади. Фабрицио — романнависнинг, унинг барча фикрлари, орзу-ўйларининг бадиий ифодасидир.

Ҳасан Тўрабеков «Парма ибодатхонаси»ни ўзбек тилига Н. Немчинованинг русча таржимасидан ағдарган. Ўзбекча таржимани асл нусха билан солиштирар эканмиз, унинг восита тил орқали

таржима қилинганлигини деярли сезмаймиз. Учала маттни (французча—русча—ўзбекча) таққослаш жараёнида кўпгина муштарак жиҳатлар аён бўлди.

Ҳасан Тўрабеков асарнинг бош қаҳрамони Фабрицио дель Донго образини маҳорат билан қайта яратган. Бунда у ҳатто биринчи қарашда аҳамиятсиздек туюлган деталларга ҳам эътибор берган. Мисол тариқасида қуйидаги далилни олиб кўрайлик. Асарнинг биринчи бобида ёзувчи Миланнинг яъни Наполеон Италиясининг 1796—1799 йиллардаги тасвирини чизар экан, баъзи бировларнинг французлар келгандан кейинги қувончини-ю, бошқаларнинг қайғусини кўрсатади. Стендаль қаҳрамони «сиёсат ва забт этиш» учун туғилган кишилар тоифасининг вакили, ёш италян йигитидир. Аслини олганда Фабрицио маркиза дель Донго билан лейтенант Робертнинг ўғли, аммо асарда бунга шунчалар усталик билан шаъма қилинганки, тадқиқотчиларнинг айтишича, бу ҳатто «француз китобхоналарининг ҳам назаридан четда қолади». Мутаржим эса бу шаъмани сеза олган ва уни барча тафсилотлари билан ўзбекчага ағдарган.

«У ўзига худди французларни қувиб юборишган пайтда туғилишни лозим топди ва тақдир тақозоси билан жаноб маркиз дель Донгонинг иккинчи ўғли бўлиб чиқди».

Мутаржим моҳирона таржима қилган ушбу шаъма дастлаб қараганда аҳамиятсиздек туюлади. Аммо у воқеаларнинг кейинги ривожига катта ўрин тутишдан, қаҳрамоннинг ҳатти-ҳаракатларини белгилаб беришдан ташқари асар ғоявий мазмунини тўғри тушунишда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Француз армиясининг офицери — лейтенант Робертнинг ўғли бўлмиш ёш Фабриционинг шу армия бош кўмондонига — Наполеонга бўлган буюк муҳаббатининг боисини ҳам шу ердан ахтариш лозим. Ана шу муҳаббат туфайли Фабрицио ўн етти ёшида дель Донго хонадонини тарк айлайди. Наполеон лашкарлари сафида курашади. Ватерлоо яқинидаги жангда иштирок этади.

Иккинчи бир катта жумбоқча — графиня Пьетранера (герцогиня Сансеверина — графиня Моска)нинг Фабрицио дель Донгога бўлган самимий муҳаббатига жавобни ҳам шу шаъмадан ахтармоқ лозим.

Аёл қалбида Фабрициога нисбатан туғилган чуқур ҳис-туйғулар китобхоналарга ғайри ахлоқийдек туюлади. Ахир Фабрицио унинг туғишган жияни — акасининг ўғли. Аммо Фабриционинг онаси маркиза дель Донго ва Жина нафақат келин ва қайинсингил, балки яқин дўст ҳам эдилар. Барча дугоналар қатори уларнинг ҳам бир-бирларидан яширадиган сир-асрорлари йўқ эди. Стендаль романнинг биринчи бобидаёқ бу ҳақда шундай ёзади: «... маркиза ўша кунни (лейтенант Роберт биринчи мартаба меҳмон бўлган кунни — Б. Э.)... далда бўлсин учун монастырь пансионатидан қайинсинглиси Жина дель Донгони чақиритириб олган экан».

Графиня эри — граф Пьетранера ўлганидан сўнг Грианта қасрига қайтганида маркиза айтган қуйидаги сўзлар ҳам шу дўстликдан далолат беради: «Сен менга ёшлигимнинг ажойиб кунларини қайтариб келдинг, — дейди қайинсинглисини ўпиб маркиза. — Сен келишингдан бир кун аввал эса мен ўзимни юз ёшлик кампирдек ҳис этиб юргандим!»

Графиня бўлса қилаётган ишини жуда яхши тушунади, кимни севаётганини билади. Фабриционинг ҳақиқий отасини танийди.

Унинг муҳаббати Фабрицио тақдирида жуда катта ўрин тутди. Фабрициони худо йўлида хизмат қилишга ҳам шу аёл ундади ва шу усул билан уни ўз ёнида ушлаб қолишга ҳаракат қилди. Фабрициони гильотинадан шу аёл қутқарди, унинг қамоқхонадан қочишини ҳам шу аёл ташкил этди, ҳар ерда ва ҳар доим унга раҳнамолик қилди ва ниҳоят, «... Фабрицио... бандаликни бажо келтиргач, у ҳам узоқ яшамади».

Мутаржим бош қаҳрамоннинг тинимсиз ва ҳаяжонли саргузаштларини, унинг қочиб юришларини, таъқиб этилишларини, курашларини ўзбек тилига моҳирона ағдарган, урушнинг реалистик тасвирини тўла сақлай олган. Унга бу ишда таржимонга хос сезгирлик, орттирган тажрибаси ва ниҳоят, она тилимизнинг бой имкониятлари катта ёрдам берган.

Китобни varaқлар эканмиз, мутаржим «крошить саблями» — «қиличдан ўтказмоқ» (52-бет), «точно бараны бегут» — «худди қўй подасига ўхшаб қочишяпти» каби иборалар ва ҳатто қуйидагича «Только пошевелись, крышка тебе!» — «Қимир этиб кўр-чи, нақ пешонангдан дарча очиб кўяман!», «Если заартачишься — пристрелю» — «Агар финг десанг, отиб ташлайман!» сингари бутун-бутун жумлаларга муваффақиятли муқобиллар топганини кўраемиз.

Клелияга бўлган юксак муҳаббати туфайли, қамоқдан қочган Фабрицио яна қамоқхонага қайтиб келади, чунки қиздан олисда яшаш унинг учун даҳшатли азоб эди. Клелия қалбидан ўзи эгаллаган ўша кичиккина жойни йўқо тиш — дунёдаги яккаю ягона қувончдан махрум бўлиш демак эди. Шу жиҳатдан йигирма бешинчи бобдан бир парча келтираемиз:

Русча нусха:

«У Клелии не было сил прибегнуть к алфавиту, она только смотрела на Фабрицио и вдруг, почувствовала себя, дурно, упала на стул, стоявший у окна. Голова ее опустилась на подоконник, но лицо было обращено к Фабрицио, словно она хотела до последней минуты видеть любимого, и он мог вволю смотреть на нее. Через несколько минут она открыла глаза и сразу же устремила взгляд на Фабрицио; в глазах его она увидела слезы, но то были слезы величайшего счастья: он понял, что в разлуке Клелия не забыла его. Несчастные влюбленные некоторое время, словно зачарованные, смотрели друг на друга. Фабрицио осмелился и словно аккомпанируя себе на гитаре, импровизировал слова песни: «Я вернулся в тюрьму, чтобы вновь видеть вас. Скоро меня будет судить».

Ўзбекча таржима:

«Алифбони кўллашга Клелиянинг идроки етмаганидан, у фақат Фабрициога тикилиб турарди. Шу пайт у бирдан беҳуд бўлиб, дераза олдида турган стулга ўтириб қолди. Қизнинг боши шилқ этиб дераза тағлигига тушди-ю, аммо чеҳраси, гўё у сўнги дақиқагача севгилисини кўриб туришни ва йигит ҳам унинг дийдорига тўйиб олишни истагандек, Фабрицио томон ўгирилиб қолди. Бир неча дақиқадан сўнг у кўзини очдию яна дарҳол Фабрициога тикилди: қиз йигитнинг кўзлари жиққа ёшга тўлиб турганини кўрди, аммо бу чексиз бахтиёрлик кўз ёшлари эди: йигит жудоликда ҳам Клелия уни унутмаганини тушунган эди. Бечора севишганлар худди сеҳрлангандек, бирмунча вақт бир-бирларига тикилиб турдилар. Фабрицио гўё гитара чалиб ўзига ўзи жўр бўлаётгандек,

қўшиқ куйлашга журъат этди. Қўшиқнинг сўзларини эса у ҳозирнинг ўзидаёқ тўқиган эди: «Мен қамоқхонага яна сизнинг дийдорингизни кўрмоқ учун қайтдим, яқинда мени суд қилишади».

Энди шу парчадаги айрим иборалар таржимасини кўрайлик. Қаҳрамон ҳолати русчадан кўра («и он мог вволю смотреть на нее») ўзбекчада аниқ берилган ва французчага монанд чиққан: «Йигит ҳам унинг дийдорига тўйиб олишни...» Бу ўринда ўзбек таржимони узоқ айрилиқдан сўнг учрашган икки ёшнинг висол чоғидаги ҳолатларини, ҳис-туйғуларини аниқ тасвирловчи зарур иборани топа олган.

Агар аслиятда ва русча нусхада Клелия Фабриционинг кўзларида фақат ёш кўрган бўлса, ўзбекча таржимасида у ёш тўла кўзларни, «Йигитнинг кўзлари жиққа ёшга тўлиб турганини» кўради. Рус таржимони учун бу ёшлар «улкан бахт» кўз ёшлари бўлса («слезы величайшего счастья»), Тўрабеков учун худди Стендалдек бу ёшлар «чексиз бахтиёрлик» кўз ёшларидир.

Кўриниб турибдики, келтирилган парча ўзбек таржимонининг катта ютуғи.

Таржимон иккинчи даражали образларни қайта тиклашга ҳам катта эътибор берган. Бу борада маълум бир қаҳрамонни таърифловчи энг кичик деталларни, нозик нуқталарни ҳам уларга хос бўлган барча атамалар ва жаргонлар билан қизиқарли қилиб бера олган. Таржимон бу йўлда яхши ўзбекча муқобиллар ахтарган ва топа билган. Русча нусхада маркитант аёлнинг Фабрициога айтган гаплари қуйидагича берилган:

«Слушай, если у тебя еще осталось хоть немного **золотых кругляшек...** тебе прежде всего надо купить другую лошадь».

Ўзбекчада:

«Менга қара, агар... олтин **муллажирингдан** озгина қолган бўлса, аввало бошқа от сотиб олишинг керак».

Савдогарларга хос жаргонни ўзбек мутаржими муваффақиятли бера олгани мисолдан яққол кўриниб турибди. Таржимон сўзнинг эмас, балки бутун гапнинг маъносини ифодалайдиган, қаҳрамон нутқининг ўзига хослигини акс эттирадиган аниқ сўз топа билган. Рус таржимонидаги «золотые кругляшки»да нутқнинг ўзига хослиги эмас, фақат маъно сақланган.

Оригиналда таржима қилиш қийин бўлган мақол ва маталлар ҳам, турғун иборалар ҳам бор. Ҳ. Тўрабеков уларни тасвирланаётган ҳолатга, воқеага таяниб ағдарган.

Мисол тариқасида романнинг турли бобларидан олинган ҳар хил таржималарни келтирамиз.

Бешинчи боб:

«Фабрицио любил в Грианте,... и если б не усердная помощь брата, миланская полиция никогда не обратила бы внимания на его отсутствие».

«Фабрициони Гриантада жуда ҳам яхши кўришармиш... Агар акаси **ўлиб-тирилиб ёрдам бермаганида**, Милан полицияси унинг ғойиб бўлишига ҳеч қачон эътибор бермасди».

Саккизинчи боб:

«Граф Моска **словно воскрес из мертвых**, когда узнал по донесениям шпионов, все эти подробности».

«Граф Моска барча бу тафсилотларни эшитганидан сўнг ўзини **онадан қайта туғилгандек** ҳис этди».

Тўққизинчи боб:

«Удовольствие **отправить** этого уroda **ко всем чертям**, наверное оказалось бы более живучим, чем моя склонность к хорошему жювету Мариетте...»

«Уша тасқарани **жойи ростонига жўнатиш** истаги гўзал Мариеттага нисбатан дилимдаги мойилликка қараганда кучлироқ бўлиб чиқадиганга ўхшайди...»

Агар биринчи гапда таржимон маъно сақлаш учун аниқ сўз топса, иккинчи ва учинчи гапларда она тилимизнинг бой имкониятларини кўрсатиб беради. У француз турғун ибораларини худди шундай ўзбекча иборалар билан таржима қилади.

Ҳ. Тўрабековнинг ютуғи — бу фақат «интуция», тажриба ва қобилият маҳсули бўлибгина қолмай, балки матн билан асарнинг ғоявий-бадий мазмуни ўртасидаги алоқани тўғри тушуна билиш натижаси ҳамдир.

«Парма ибодатхонаси»нинг ўзбекча таржимаси айрим камчиликлардан ҳам холи эмас, албатта.

Масалан, романнинг биринчи қисмида Фабрицио ўзлигини топиш мақсадида узоқ сафар қилади. Келинг, яхшиси муаллиф (ўзбекча нусхада эса таржимон) билан биргаликда Фабриционинг Ватерлоодан Швецария орқали Неаполгача босиб ўтган йўлидан юрайлик. Жанг майдонида Фабрицио «Белая лошадь» ошхонасида ва «Скребница» трактирида тўхтаб ўтади. Бу номларни ўзбек таржимони мос равишда «Оқ тулпор» ва «Қашлағич» деб таржима қилган. Кейинчалик эса, Болоньеда, Фабрицио «Пилигрим» меҳмонхонасида тўхтади. Бу меҳмонхонанинг номи эса Ҳ. Тўрабеков ўзбекчада ўзгаришсиз қолдирган. Бизнингча, бу ерда мутаржим бу номни «Саёқ» ёки «Дарбадар» тарзида берганда тўғри қилган ва асар руҳига мос иш тутган бўларди. Ахир муаллиф меҳмонхонага бекорга бундай ҳаёлий ном қўймаган, у меҳмонхонани бошқача аташи ҳам мумкин эди. Аммо Фабрицио изланишда, ҳаётига маъно бергучи нарсани қидиришда эди, бу эса — Парма қамоқхонасидан ўзга нарса эмасди.

Русча «крест» сўзи орден маъносига қўлланилган жойда уни «хоч» дея тўғри маънода таржима қилинганлиги ҳам хатодир.

Таққослаб кўринг:

Русча текст:

«В 1821 году он прилично выдержал экзамены: его «наставник», то есть руководитель занятий, получил крест и подарок...»

Ўзбекча таржима:

«1821 йили Фабрицио битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширди: унинг «устози», яъни машғулотлар раҳбари хоч билан тақдирланди».

Ушбу ўринда таржимонни айблашга ҳаққимиз йўқ, чунки ўзбекча матннинг қўлёзмасини кўриб қикиб, бу хатога таржимон эмас, балки нашриёт муҳаррири (Ҳ. Эргашев) йўл қўйганига шўҳид бўлдик. Қўлёзмада таржима қуйидагича: «1821 йили Фабрицио битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширди; унинг «устози», яъни машғулотлар раҳбари крест билан тақдирлан-

ди». Гап шундаки, русча «крест», сўзи «орден» маъносида ўзбек тилида анчадан бери ишлатилмоқда ва бу сўзни ўзбекча матнда ҳам ўзгаришсиз қолдираётган таржимонлар тўғри йўл тутишмоқда.

Романда юқорида келтирилган гапдан кейин бош қахрамон тили билан унинг «устози» чиндан ҳам орден мукофотланганлиги тасдиқланади:

«Но боже мой!.. — подумал он... — Ведь моему наставнику в Неаполе пожаловали такой же самый орден».

«Ё алҳазар!... — дея ўйларди у. — Неаполдаги устозимни ҳам худди шундай орден билан мукофатлашди-ку ахир».

Русча текстга аслиятда йўқ «салоп» сўзини қўшган таржимон Н. Немчинованинг айби билан Ҳ. Тўрабеков ҳам бу сўзни таржимада айнан сақлаган ва унга изоҳ бераётиб хатога йўл қуйган.

Русча нусхада ўқиймиз:

« — Поразмыслите над этим и за добрый совет сделайте нам подарок: зима уже недалеко, купите мне и Мариетте по хорошему салопу из... английской материи...»

Ўзбекча таржима:

« — Шу тўғрида бир ўйлаб кўринг ва яхши маслаҳатим учун бизга бирор яхши совға қилинг: киш қиличини яланғочлаб келяпти, мен билан Мариеттага ажойиб инглиз мовутидан тикилган биттадан яхши салоп олиб берсангиз ёмон бўлмасди».

«Салоп»га қуйидагича изоҳ берилган: «Аёлларнинг XIX аср охирида, XX аср бошларида расм бўлган кенг пальтоси».

Асар 1838 йилда ёзилганини инобатга олгудек бўлсак, XIX аср охирида, XX аср бошларида аёллар қандай кийим кийиши Стендалга қаёқдан маълум эканлигига ажабланмай бўладими?

Француз узунлик ўлчовларининг атамаси ҳам мутаржимга баъзи бир қийинчиликлар туғдирган. Асар муқаддимасида, масалан, мутаржим ўзбекча матнда ҳам «льё» сўзини сақлаган ва унга «Францияда 4,5 километрга тенг қадимги узунлик ўлчови» дея изоҳ берган ҳолда, кейинчалик шу мезонга амал қилмаган ва «льё»ни «чақирим»ларга алмаштириб берган. Шу алфозда русча «четверть льё» «бир чақиримча» (51-бет), «бир чақирим» (56-бет) деб, «один льё» — «тўрт-беш чақирим», «две льё» эса «ўн чақирим» (57-бет) деб берилган. Фақат 81-бетдан бошлаб таржимон дастлабки вариантга қайтган ҳамда унга 159-саҳифагача амал қилган.

Айнан шундай манзарани бошқа бир узунлик ўлчови — фут мисолида ҳам кўриш мумкин. Романнинг биринчи саҳифаларидаёқ мутаржим «фут»ни метрларга айлантириб ҳисоблайди. Русча «сто пятьдесят футов» «эллик метрча» тарзида, «восемьдесят футов» эса — «бир терак бўйи (12—13-бетлар) тарикасида берилган. Терминларнинг бу хил ўзгартирилиши баъзи бир ноаниқликларга сабаб бўлган.

Қиёсланг:

6 футов — бир ярим қулоч (13-бет)

3—4 фута — бир ярим қулоч (43-бет)

5—6 футов — бир одам бўйи (49-бет)

4—5 футов — бир одам бўйи (158-бет)

3 фута — ярим одам бўйи (213-бет)

Асарнинг 93-бетида мутаржим «фут»га қуйидагича изоҳ берган: «фут — 30,479 сантиметрга барабар ўлчов». Таржимон яратган одамларнинг «буйлари» ва «қулочларини» оддий арифметик йўл билан ҳисоблаб чиқиш эса китобхонларга ҳавола этилган.

Шунга қарамай, французча «льё»ни ўзбекча беришда Ҳ. Тўрабеков бирмунча тўғри иш қилган. Уни «льё» деб, берган рус таржимонидан фарқли равишда таржимон француз ва ўзбек тиллари товуш қурилмасининг айрим ўхшашликлари, яқинликларидан унумли фойдаланиб, «льё» ёзилишини оригиналга яқинлаштирган. Аммо мутаржим бу сўзни «льў» деб берганида (Ги де Мопассан новеллаларини таржима қилган Парда Турсун 30-йилларда худди шундай қилган эди) аниқ товуш ўхшашлигига эришган бўларди.

Бундан ташқари таржима матнида ўзбек китобхонига тушунарсиз бўлган ажнабий сўзлар кўп сақланган ва уларга изоҳ берилмаган. Масалан: «рекрут», «паж», «цехин», «ботфорт», «терек», «ливр», «шталмейстр», «тамбур-мажор», «байонко», «каноник — канонисса», «епархия» ва бошқалар.

Юқорида келтирилган айрим камчиликларга қарамай, Стендаль асарларининг совет-француз муносабатларида катта ижобий ўзгаришлар рўй бераётган ҳозирги пайтда она тилимизга ўғирилгани муҳим қиммат касб этади. Маданиятлар ҳам дўстлигида ва адабиётларнинг ўзаро бойишида бадиий таржима катта ўрин тутиши ҳаммага аён. Шундай экан, XIX аср буюк француз ёзувчиси Стендалнинг шоҳ асарларидан бири бўлмиш «Парма ибодатхонаси» ўзбек тилига моҳирона таржима қилган истеъдодли мутаржим француз — ўзбек адабий алоқалар ривожига катта ҳисса қўшгани шубҳасиздир.

Баҳодир ЭРМАТОВ,

ТошДУ роман — герман филологияси факултетининг  
француз филологияси кафедраси ўқитувчиси.



## СЕВМОҚ — ЎЗЛИГИНГНИ АНГЛАМОҚ ДЕМАК

Муҳаммад Юсуф. Уйқудаги қиз. Фафур Ғулум  
номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.  
Тошкент — 1989

Қўлимиздаги шоирнинг янги тўплами. Бу мажмуа Муҳаммад Юсуфнинг ўтган ўн йиллик заҳматли ижод меваси. Китобни очиб шоир билан мулоқотга кирамиз. Саҳифаларни очган сайин мулоқот қизғин, самимий тус олади.

**Сен Машрабсан —  
Халқда тумор,  
Балхда дорга осилган.  
Навоийсан шоҳ ёнида  
Фақирни дуо қилган,  
Ясавийсан, меники деб  
Кўринган даъво қилган,  
Минг бир ёғи очилмаган  
Қуриғимсан, Ватаним.**

Ватан ҳақида ҳар ким ҳар хил ўйлайди. Ҳар ким Ватанни ўзича кашф этади. Агар ҳамма учун Ватан «улуғлардан улуғ» саналганда эди, бизлар аллақачон дориломон замонда яшаётган бўлмасдик? Лекин ҳали Ватанни англаб етишгача бўлган масофа узок! Ватанни англаб етмоқ учун унинг ўтмишини, бугунини, эртанги кунини кўра олмақ керак! Ватанни англаб етмоқ учун юракни аямаслик керак! Юракни аяган одам Ватанни севадимми; таажжуб? Йўқ, биродарлар! Ҳақиқий ватанпарвар одамларнинг айримлари юрак амри билан шеър ёзади. Бундайлар учун шеърят — бу қисмат, ҳаёт-мамот. Ватанни севган одам — минбарларга чиқиб «Ватан» деб ҳайқирадиган «ватанпарвар» эмас, Ватаннинг шодумон кунларидан қувонган, ҳасратларига шерик бўлган юраги пок бир ўғлондир.

**Ўзича сиғинар юртига ҳар ким,  
Биров уруғ сочар, биров уй тиклар.**

Шоир эса шеър ёзади. Она минг тўлғоқ азобида кўзи ёриган каби, боларилар мисқоллаб бол йиққани каби шоир ҳам минг азоб билан юрагидан ўтли сатрларни узади.

Гоҳ меҳр, гоҳ нафрат билан юрагидаги сатрларни узади. Негаки, «Сочлари жингалак, юзлари силлиқ учар оғайнилар мансаб илинжида курсиларга қуллуқ» қилиб юрар экан, шоир қалби ором билмайди. Ёвузлик адолатга тажовуз қилар экан, шоир эркин нафас ололмайди. Асримизнинг мудҳиш офатларидан бири — уруш. Уруш бўлганда ҳам даҳшатли қирғинбарот уруш, синалган

атом уруши. Бундан халос бўлмоқ учун нима қилиш керак? Шоир башариятга ушбу оғир саволни беради:

**Дехқон болалари ўйнар хирмонда,  
Симда боғлаб олиб бир тешик жомни.  
Учувчи қулади кўриб осмонда,  
Нима қилсак экан атомни!**

Эл-юрт, Ватан ҳақидаги тушунчалар теранлашиб умумбашарий тус олади. Заминнинг овлоқ бир бурчида тешик жомни судраб ўйнаётган болалар тинчлик тимсоли. Шоир уларга қараб она Заминнинг тақдирдан хавотирланади. Гарчи шоир кўнглини бу хавотир кеча-кундуз тарк этмаса-да, у барибир эртанги кунларга умидвор термулади. Қачондир инсоният ҳақ йўлини танлашига имон келтиради.

**Бир кўни,  
Бир алвон  
Замон келади,  
Замин узра  
Омон-омон бўлади.**

Шоирнинг бу умидбахш сатрларига беихтиёр ишонасан, киши. Зиддиятларга тўлиб-тошган замонда яшаш масъулияти гарданимизда экан, тинчлик иши ҳамиша кун тартибда туради. Ватаннинг бирдан-бир орзуси шу.

Ота-боболаримиз ўз жонларидан кечиб ташқаридан келган ёвларни ҳамиша даф қилганлар. Надоматлар бўлсинки, бугунги кунга келиб орамизда Ватан саодатидан кўра ўз манфаатларини кўпроқ ўйлайдиганлар урчиб кетди. Буларни энгиш ташқи ёвларни энгишдан оғирроқ кечаётир. Улар таниш-билишлар соясида, бир-бирларининг ҳимоясида яшашяпти. Бундай ҳимоя тўсиқларини энгиш учун майда-чуйда туйғулардан устун туриб ҳамма бир тан, бир жон бўлиб курашмоғи керак.

Кимки фақат ўз манфаатини ўйлаб бошқалар билан ҳисоблашмас экан, халқ тақдири иккинчи даражали бўлиб қолаверади. Миллат бир бутунликда халқ бўлади. Лекин чархнинг ўйинини қарангки, битта халқнинг фарзандлари неча замонлардан буён бир-бири билан тил топишолмайди.

**Кўйгил Кўқонингни, кўйгил Сурхонинг,  
Бир тупроқ-ку ахир, ота маконинг...  
Азиз ватандошлар, менга ишонинг  
Ўзбекни қўритар маҳаллийчилик.**

Шоир ўзининг шоир эканидан мамнун юриши — фожиа! Агар унинг юраги бефарқ ура бошлар экан, у лоқайд бўлиб бораверади. Лоқайдлик уммонни кўлмакка айлантиргани ҳаби

шоирнинг ҳислар уммонини ҳам саёзлаштиради. Муҳаммад Юсуф бир лаҳза бўлсин лоқайд қолишдан чўчийди.

Убаъзан шеър ёзолмаётганидан, илҳом тулпори тизгинини ушлатмаётганидан эмас, балки оддийгина қишлоқ ҳаётини, ҳудудсиз кенгликларда қолиб кетган армонли болаликни қўмсаб қийналади. Дунёнинг барча ташвиш-тахликаларидан холи, туғилган қишлоғини бутун оламга алмашмайдиган, қишда ернинг шўрини юваётган, ёзда пахтазорда эгатга сув тараётган деҳқонни ўйлаб, олисларда меҳрга интиқ онани қўмсаб ўзининг шеър ёзиб юрганидан қийналади.

**Бўлди.**

**Шеър ёзмайман.**

**Мен энди одам,**

**Оддий одам бўлиб яшай бошлайман.**

**Кўнглимга ачиниб агар ёзсам ҳам,**

**Тунда ёзиб, тонгда ўтга ташлайман.**

Бу қийноқ уни қадам-бақадам таъқиб этади. У ўзининг қилиб юрган юмушларидан норизо бўлиб, қадрдон уйни, тўпори давраларни соғинади. Болалик, балоғат, илк севги. Булар Ватани, ўзликни англаш йўлидаги пиллапоялар. Кейин эса... шаҳри гулгула, талабалик. Китоблар таҳсили, ҳаёт таҳсили. У энди узоқ ва яқин замонлар билан тўқнаш келади. Аждодлари ким эди? У ким?

Асрлар қаъридаги ҳазрат Навоий ва жаннатмакон мирзо Улуғбек, ёвқур Жалолоддин Мангуберди, ўтпараст Муқанна руҳлари билан ошно бўлади. У Самарқандда Мирзо Улуғбек билан, Андижонда Мирзо Бобур, Бухорода Файзулло Хўжа билан ҳасратлашади. Ватаннинг ҳали силқиб турган жароҳатлари шоир қалбига ҳам наштардек ботади. Энди шоир учун бу заминнинг ҳар зарраси ҳикмат, мўъжиза бўлиб туюлади. Бу заминда яшаётган одамлар эса унга қон-қардош, жигаргўшалардир.

Шеърятда ҳар бир шоирнинг ўз овози, ўз йўли бўлади. Ўз йўлини очолмаган шоир ҳар қанча чиранмасин, барибир халқ дилига киролмайди. Муҳаммад Юсуф халқ руҳига уйқаш йўлни, халқона йўлни танлади. Унинг ўзбекона самимияти, қайноқлиги, баъзан чапанилиги шеърхонларга манзур бўлди.

Унинг шеърларини қанотлантирган кишилар кимлар? Улар умрининг маъносини фақат меҳнатда деб билган ялангтўш леҳқонбобо, қўлларини кетмон дастаси қабартирган муштипар сингил, 37-йилларнинг ноҳақ қурбонлари бўлмиш фозил зотлар... ва ишқ-муҳаббатни тан олмаган мағрур, ҳуркак қиз! Бироқ, ҳамма-ҳаммасининг аввалбоши — Ватан! Не-не қора ва ёруғ кунларга шохид бўлган, не-не қирғинбаротлардан соғаломат ўтган — Ватан! Тупроғу-сувлари кимёвий моддалардан оғуланган, бисотидаги ёлғизи — Оролидан мосуво бўлаётган, ҳар хил таънао

маломатлардан боши эгилган — Ватан! Бу таънао-маломатлардан юраги безиллаган шоир «ақлли» зотлардан ўтиниб ушбу сатрларни тизди:

**...Балки сен осмондан тушгандирсан ҳам,  
Майли, билма қадрин, етма додига.  
Фақат бир илтимос, эй азиз одам,  
Қўйгил, қанча тўғса ўзи билар, сен  
Тўғишни ўргатма Аёл зотига!**

Юқорида айтганимиздек дангаллик, жўмардлик Муҳаммад Юсуф шеърларининг туб маъзи.

**Дўппи киймай қўйди одамлар,  
На уйда ва на кўчада.  
Миртемирлар, Ғафур Ғуломлар  
Ечган дўппи қолди тоқчада.**

**Бу қандайн кўргилик, савдо,  
Дўппи киймай қўйди халойиқ!  
Бошга лойиқ дўппи йўқдир, ё  
Бош қолмади дўппига лойиқ.**

Дўппи бизнинг ўзлигимиз. Шарқ одатига кўра одамнинг боши эъзозланади. Шахсга сифиниш ва турғунликнинг оғир асоратларидан бири кўплар ўзлигидан узоқлашди, азалдан муқаддас саналиб келинган нарсалар қадрсизланди. Дўппи, тўн каби миллий кийимлардан тортиб арабий имлогача таъқибга дучор бўлди. Уларни ҳимоя қилмоқчи бўлган кишилар эса қолоқ, маданиятсиз саналди. Ҳатто маданият йўлида баъзи қиз-жувонлар тақимини ўпган сочларини ҳам жувонмарг қилдилар. Нега шундай бўлди? Бу ғўрликми, кўрлик! Негаки биз ўзлигимизга муносиб бўлолмадик. Ўзлигини нутиб, ўзгаларга таассуф қиладиганларнинг «уруғи» кўпайиб қолди. Шу маънода юқоридаги шеър «бош» ва «дўппи» ҳақидаги жўн хитоб эмас, балки ўзлигимизга қайтишга вақт етганлигидан огоҳлантирувчи шеър!

Заҳматли ўн йил ортда қолди. Ўз-ўзини англаш, Ватани англаш, дунёни англаш учун берилган ўн йиллик муҳлат. Орзу ва армонлар, қийноқ ва туғёнлар билан ўтган ўн йил. Шоир эса ҳаловат билмайди, ҳаёт бағрига тобора кириб бораверади. Ҳаёт эса долғали, тўлқинли уммон. У одамни яшашга, курашга чорлайди.

Сўзимни шоирнинг ушбу мисралари билан жуқламоқчи жоиз топдим:

**Кўнглим сезар, энди буёғи аён  
Дўстларим, дўстларим, бахтли боламан.  
Ё Тошкентда энг зўр шоир бўламан,  
Ё уйимга кетиб, ариқ бўйида  
Ялпизга суяниб ўлиб қоламан.**

**Абдумажид АЗИМ.**

# Мундарижа

## ШЕЪРИЯТ

Жуманиёз Жабборов. Бир иморатдирки дунё . . . . .	2
Сирожиiddин Сайид. Сизни излаб юрар кўклам еллари . . . . .	44

## НАСР

Маматкул Ҳазратқулов. Эшиклар очик. Қисса . . . . .	7
Абулқосим Мамарасулов. Учинчи йўл. Ҳикоя . . . . .	47
Абдуқаюм Йўлдошев. Заҳарланган қон. Ҳикоя. . . . .	61

## БОЛАЛАР ДУНЕСИ

Абдусайд Кўчимов. Есуман. Эртақ-достон. . . . .	55
---	----

## ДРАМАТУРГИЯ

Шукрулло. Унсиз фарёд. . . . .	70
--------------------------------	----

## БИР ДАРАХТ НОВАЛАРИ

Борис Пастернак. Сукунатга сингиб кетсин дил. . . . .	93
---	----

## САРГУЗАШТ, ФАНТАСТИКА

Ҳожиақбар Шайхов. Телба дунё. Сеҳрли-фантастик роман. . . . .	96
---	----

## АСР САДОЛАРИ

Гулшан. Юсуф Сарёмий. Ҳазаллар. . . . .	150
---	-----

## ПУБЛИЦИСТИКА

Сотим Аваз. Қишдан сўнг баҳор. Эссе. . . . .	153
Матёқуб Қўшқонов. Жангчи ҳаётдан лавҳалар. . . . .	162
Фитрат. Шарқда шахмат. . . . .	170

## ЕЧИМИНИ КУТАЕТГАН МУАММОЛАР

Наримон Турсунов. Ишчилик тақдир. . . . .	173
---	-----

## НАВОИЙХОНЛИК

Иброҳим Ҳаққул. Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш. . . . .	180
Абдуқодир Ҳайитметов. Навоий қомуси қандай яратилади? . . . . .	184

## АДАБИЙ ТАНҚИД

Умарали Норматов, Ортиқбой Абдуллаев. Ҳақиқат тортишувларда туғилади. . . . .	188
Яшар Қосимов. Изтиробнинг тарихи. . . . .	190
Азим Раҳимов. Муаллифнинг ихтилофли тимсоли. . . . .	190
Баҳодир Эрматов. Катта аҳамиятга молик китоб. . . . .	202

## ТАҚРИЗ

Абдумажид Азим. Севмоқ — ўзлигини англамоқ демак. . . . .	206
---	-----

На узбекском языке  
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

№ 2

Орган Союза писателей Узбекской ССР  
Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства  
ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1989

Техник муҳаррир Ю. Абдуллаев      Рассом Ғ. Алимов.      Корректор М. Имомов.

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар муаллифларига қайтарилмайди.  
Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.  
Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларни қабул қилади.

Теришга берилди 14.12.89 й. Босишга рухсат этилди 23.1.90 й. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Р—07501. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма листи № 13. Шартли босма тобоғи 18,2 +  
+ 0,25 (зарварақ). Шартли-рангли босма листи 19,95 + 0,25. (зарварақ). Нашриёт ҳисоб листи 20,5.  
Тиражи 163882. Буюртма 2160. Баҳоси 1 сўм.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли  
босмаҳонаси. Тошкент — П, «Правда» газетаси кўчаси, 41.